

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ”
ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР КУРСИ**



Андижон – 2013

1-Мавзу: Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, назарий методологик асослари, манбалари ва аҳамияти. (1соат)

- 1. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети ва тадқиқот объекти.**
- 2. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг назарий-методологик тамойиллари**
- 3. Ўзбекистон тарихини давраштириш.**
- 4. Ватан тарихини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти**
- 5. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг аҳамияти**

1. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети ва тадқиқот объекти.

Мустақил Ватанимиз Ўзбекистон ва ўзбек халқи ўзининг бой ва сермазмун тарихига эга. Қадим замонлардан буён Ватанимиз Хитой, Хиндистон, Эрон, Миср, Рим каби қадимий ва буюк мамлакатлар қатори дунёга машҳурдир.

Тарихимиз илдизлари неча-неча минг йилларга бориб тақалади. Ўзбек халқининг бой ва қадимий давлатчилик тарихи бор. Ўлкамиз ҳудудида дастлабки давлат тузилмалари милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларидаёқ пайдо бўлиб, қарийб 3000 йил давомида такомиллашиб дунё давлатчилиги ривожига юксак даражага кўтарилган.

Ўзбеклар Сомонийлар(819-1005), Чиғатой улуси(1227-1370), Темур ва Темурийлар давлати(1370-1506)нинг ижтимоий сиёсий ҳаётида катта роль ўйнайдилар. Ўзбекларнинг аجدодлари Салжуқийлар(1028-1194) ва Ғазнавийлар(977-1186) давлатининг ҳарбий-сиёсий таянчи бўлдилар. Ўзбеклар XVI асрнинг бошида Шайбонийлар давлатига(1500-1601) асос солдилар. Аштархонийлар(1601-1757) ва Манғитлар (1757-1920) давлатини ҳам асосан улар бошқардилар. Қукон(1709-1876) ва Хива(1512-1920) хонликлари ҳам ўзбекларнинг давлати эди.

Ватанимиз тарихи ўзбек халқининг жаҳон тарихи ва маданияти хазинасига ўлкан ҳисса қўшганлигидан гувоҳлик беради. Ўзбеклар ўз тарихи давомида ўзларига қўшни бўлган ва кўп вақтлар бир давлат, масалан, Сомонийлар, Темурийлар ва х.к. таркибига кирган тожиклар, қozoқлар, қирғизлар ва туркманлар, Эрон ва Афғонистон халқлари билан яқиндан иқтисодий ва маданий ҳамкорликда бўлдилар, улардан нималарнидир ўргандилар, уларга нималарнидир ўргатдилар.

Ўрта асрларда икки дарё оралиғида яратилган юксак маданиятни ўша халқларнинг муштарак маданияти деб ҳисобламоқ керак. Ал-Форобий ва Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Ибн-Сино ва Абу Райхон Беруний, Ат-Термизий ва Бурхониддин Марғилоний, Абдураззоқ Самарқандий ва Улуғбек, Али Қушчи ва Бобур, Хофиз Таниш Бухорий ва Аҳмад Дониш сингари кўплаб жаҳонга машҳур олимлар шу заминда етишди. Уларнинг риёзиёт ва фалакиёт, тиббиёт ва фалсафа, ҳадис ва фикҳ, тарих ва адабиёт, ҳуллаc илмнинг бошқа кўп соҳалари бўйича яратган асарлари бугун жаҳон

илм-фани хазинасига кўрк бўлиб турибди. Аждодларимиз барпо этган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз каби кўҳна шаҳарлар бугунги кунда жаҳон миқёсидаги зиёратгоҳга айланган. Муқаддас еримиз орқали ўтган Буюк ипак йўли Осиё ва Европадаги халқлар ва мамлакатларни бир-бирига боғлаб турган халқаро ҳамкорликка хизмат қилган.

Ана шундай қадимий ва буюк мамлакат тарихини, ўлкамизда минг йиллар давомида яшаб, курашиб, ижод қилиб келаётган халқимиз ўтмишини «Ўзбекистон тарихи» фани ўргатади. Хўш «Ўзбекистон тарихи» фани қандай фан ва бу фаннинг предмети нимадан иборат?

Ўзбекистон тарихи умумжаҳон инсоният тарихининг ажралмас қисми бўлиб, қадим ва яқин аждодларимизнинг ҳаётий кечмишларини, уларнинг жаҳон тарихи тараққиётига қўшган хиссаларини ҳолисона ва ҳаққоний ўрганади.

«Ўзбекистон тарихи» фанининг предмети халқимизнинг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунларгача босиб ўтган узоқ ва мураккаб тарихий йўлини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини ҳолисона ўрганишдан иборатдир.

Ўзбекистон тарихи аждодларимизнинг яшаш учун кураш, узлуксиз меҳнат туфайли такомиллашиб бориш ва ҳозирги одамлар даражасига кўтарилиш жараёнини, дини, ёзуви, илм-фани, адабиёт ва санъатини ёритади. Ватанимиз тарихи ўзбекларнинг халқ, миллат бўлиб шаклланиш жараёнини, аждодларимиз қолдирган бой маънавий Меъросни, давлатларнинг ташкил топиши ва уларнинг ички ва ташқи сиёсатини ўргатади. Ватанимиз тарихи халқимизнинг маълум бир даврларда бошқа давлатларга қарам бўлиб қолганлигини, қарамлик азобининг нақадар аянчли, машаққатли бўлганлигини, аждодларимизнинг ажнабий босқинчиларга қарши мустақиллик ва озодлик учун курашини ва бунда мардлик, жасорат кўрсатган халқ қаҳрамонлари ва давлат арбоблари фаолиятларини кенг режада ўргатади.

«Ўзбекистон тарихи» фани халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлига кириши, мустақиллик йилларида миллий, ҳуқуқий давлатчилик қурилиши, демократик, фуқаролик жамияти қуриш, эркин бозор иқтисодиётини яратиш жабҳаларидаги фаолиятини ўргатади.

«Ўзбекистон тарихи» фани халқимиз тарихини ҳаққоний тасвирловчи, акс эттирувчи кўзгу, ижтимоий, сиёсий, тарбиявий, маънавий сабоқлар мажмуасидир.

Ҳар қандай фан каби Ўзбекистон тарихи фани ҳам ўзининг ғоявий-назарий асослари, илмий таълимотлари, методи (усули) ва методологик тамойилларига эга. Булар Ўзбекистон тарихи фанининг асосини ташкил этиб, унинг ривожланиши, жамият ва миллий манфаати йўлида нуфузининг ортиб боришида, Ватан тарихининг ҳаққоний ёзилиши ва тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишида хизмат қилади.

Ватанимиз тарихини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, фармон ва фармойишлари, мустақиллик даврида қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий

хужжатлар муҳим назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади. Ислон Каримов тарихнинг муқаддас миллий ва умуминсоний хотира ҳамда қадрият эканлигини таъкидлаб, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Тарих-халқ маънавиятининг асосида» деган теран фалсафий фикрларни илгари сурди. Унинг тарих илмига оид назария ва таълимотлари ҳамда методологик тамойиллари фақат ички миллий доирадаги талабгагина эмас, балки халқаро қоидаларга ҳам мос келади. Тарихий воқеаларни ўрганишда қандай илмий-назарий методологик асосларга таянишнинг аҳамияти жуда катта. Шуролар даврида ҳар қандай воқеани ёритишга камфирқа мафкуравийлиги, партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилди. Мамлакат, бутун бир халқ тарихи иккига эксплуататор ва эксплуатация қилинувчилар, қулдорлар ва қуллар, феодаллар ва қарам деҳқонлар, буржуазия ва ёлланма ишчилар, бойлар ва камбағалларга ажратилди. Мулкдорлар, улар орасидан чиққан беклар, амирлар, хонлар, давлат арбоблари, рухонийлар қораланди, номлари бадном қилинди. Тарихий воқеалар жамият аъзоларининг бир қисми камбағаллар ва йўқсилларни ҳимоя қилган ҳолда уларнинг манфаатига бўйсундирилган ҳолда ёритилди. Буюк олимлар, алломалар, маърифатпарвар шоиру-уламолар, ёзувчилар иккига материалистлар ва идеалистларга бўлинди.

Оқибатда кўпгина тарихий воқеа-ҳодисалар сохталаштирилди, ўтмиши қораланди, маънавий Меъросимиз, миллий қадриятларимиз ҳақоратланди. Халқимиз тарихининг бу қадар сохталаштирилишига фақат марксистик методологиянинг яроқсизлиги айбдор дейиш кифоя қилмайди, албатта. Бу борада мамлакатда ҳукмрон бўлган тоталитар тузумнинг роли катта бўлди. Тарих эса унинг хизматкорига, тарғиботчиси ва ҳимоячисига айлантилган эди.

2. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг назарий-методологик тамойиллари

Ўзбекистон тарихини ўрганишда, тарихий воқеа, ҳодисаларни тўғри ёритишда бир қатор назарий-методологик тамойиллардан фойдаланилади.

Диалектик усул ана шундай тамойиллардан биридир. Инсоният ҳаёти, жамият тараққиёти диалектик жараёндир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққий ётда бўлади, деб таълим беради. Диалектиканинг билиш назарияси сифатида шаклланиши ва ривожланишида Гераклит, Аристотель, Хоразмий, Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Декарт, Спиноза, Гегель, Герцен ва бошқаларнинг хизмати катта. Улар табиат, тарихий ва маънавий дунёни бир жараён шаклида, яъни уларни узлуксиз ҳаракат қилиб, ўзгариб, тараққий қилиб турадиган ҳолда, тараққиётни ички боғланишида олиб ўрганиш методологиясини яратдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тарихи аввало Марказий Осиё мамлакатлари, қолаверса башарият тарихи билан чамбарчас боғланган.

Шу сабабдан Ўзбекистон тарихини қўшни мамлакатлар тарихи билан боғлиқ ҳолда, бир халқни иккинчи бир халққа қарама-қарши қўймаган ҳолда ўрганиш тақозо этилади. Қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, тожик, форс,

афгон, ҳинд, араб ва бошқа халқлар, мамлакатлар тарихини қанчалик яхши билсак, Ўзбекистон халқлари тарихини ҳам шунчалик чуқур, ҳар томонлама ўрганиш имконига эга бўламиз. Ватан тарихини ёритишда ҳолислик, тарихийлик методлари муҳим аҳамиятга эга.

Ҳолислик усули тарихий воқеа, ҳодисаларни ўрганаётганда улар билан боғлиқ бўлган барча фактларнинг ҳеч бир истисносиз бутун мажмуини бирга олиб текширишни, аниқ, ҳаққоний далилларга асосланишни талаб қилади.

Мустақиллик тарихини ҳолисона ёритиш имкониятини яратди. «Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан, -деб ёзади. И.А.Каримов,- тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, Темурийлар даври, XIX аср охири, XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди. Шунинг эса тутиш муҳимки, ўтмишимизни «оқлаш» вазифаси умуман олганда бажариб бўлинди, ҳозир эса асосий вазифа, тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир».¹

Тарихийлик усули воқеа, ҳодисаларни ўз даврининг аниқ тарихий шароитидан, ўша давр муҳитидан, тарихий ривожланиш жараёнидан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо этади. Ҳар бир воқеа, ҳодисани бошқа воқеалар, ҳодисалар билан боғлаб ўргангандагина мазкур воқеа ҳодисанинг умумий тарихий жараёндаги ўрнини тўғри аниқлаш, белгилаш мумкин бўлади. Ҳар бир воқеа, ҳодисага умумий тарихий жараённинг бир қисми, бўлаги деб қарамоқ зарур.

Ҳар бир ҳодиса, жараён қандай тарихий муҳитда, нима учун айнан шу пайтда, шу шаклда содир бўлганлигини, бу ҳодиса ўз тараққиётида қандай асосий босқичларни босиб ўтганлигини, кейинчалик у қандай бўлиб қолганлигини билиш тарихийлик қондасининг талабидир. Масалан, биронта давлат фаолиятига тарихийлик нуқтаи назаридан туриб баҳо бермоқчи бўлсак у биринчидан, қачон, қандай тарихий шароитда пайдо бўлди, иккинчидан, у ўз тараққиётида қандай босқичларни босиб ўтди. Учинчидан, унинг тарихий ўрни, мавқеи қандай, деган саволларга аниқ жавоб бериш зарур бўлади.

Тарихийлик тамойили халқнинг ўтмишини ягона табиий-тарихий жараён деб, ўтмиш ҳозирги замонни тайёрлайди, ҳозирги замон эса келажакни яратади деб қарайди. Инсоният ана шундай умумий йўлдан бораётган экан, истиқболда порлоқ ҳаёт, фаровон турмуш қурмоқчи бўлган авлод тарих фани орқали ўтмишни яхши билмоғи лозим. Ўтмишни, аждодларимиз тарихини қанчалик яхши билсак, англаб етсак, ҳозирги замонни шунчалик мукаммал тушунамиз, келажакни тўғри тасаввур этамиз.

Ватан тарихини ўрганишда юқорида қайд этилган методологик тамойиллар билан бир қаторда фактларни таққослаш, мантикий-қиёсий ҳулосалар чиқариш, фалсафий тафаккур, даврлаштириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш, статистик, математик ва бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш зарур. Ватан тарихини яратишда беғараз илмий ҳулосалар ва

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 141-бет.

холислик, бирор-бир мафкуранинг сунъий устуворлигига йўл қўймаслик ва тарихимизга инсонпарварлик кўзи билан қараш ғоясига амал қилиниши керак. Ватан тарихини ўрганиш ва ёритишда унинг даврларини илмий асосда туғри белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шўролар ҳокимияти йилларида чоп этилган Ўзбекистон тарихига оид асарлар, дарслик ва бошқа адабиётларда тарихий жараёнлар бузиб талқин қилинди ва сунъий тарзда тарихий даврлар ўнлаб топилди. Ўзбекистон тарихини даврларга бўлишда К.Маркс, Ф.Энгельс ва Ленин асарлари, КПСС съездлари, конференциялари ва партия марказий комитети қарорлари назарий асос бўлиб хизмат қилди ва ўлчов мезони бўлди. Кўп ҳолларда тарихий даврларни белгилашда халқимизнинг тарихий ўтмиш жараёнларидан келиб чиққан ҳолда ёндошмасдан Россия олимлари асарларидан кўр-кўрона андоза кўчирилди. Ватанимиз тарихини Россия тарихига мослаштириш йўлидан борилди.

3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш.

Ўзбекистон тарихини тадқиқ этиш ва уни ўрганишда даврлаштиришнинг аҳамияти алоҳидадир. Чунки Ўзбекистон тарихи саҳифалари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, маънавий воқеликлар нисбатини аниқлаш, уларнинг сабабларини англаш ва келажақда хулосалар чиқариб беришда муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб айтганидек, “Тарих хотираси, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди”¹, зеро, “ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”².

Тарихни даврлаштиришдек муҳим масалаги турлича ёндошувлар мавжуд. Кўпгина археолог олимлар меҳнат қуроллари қандай материаллардан ясалганини асос қилиб олиб, инсоният тарихини қадимги тош, ўрта тош, янги тош, тош-мис, бронза, темир даврларига бўлганлар. Бундай ёндошув тўғридек кўринсада, кишилиқ жамияти тараққиётининг бир-биридан фарқ қилувчи муҳим даврларини белгилашда етарли даражада асос бўла олмайди.

Америкалик тарихчи олим Л.Морган, Ф.Энгелс тарихни уч даврга бўлади: ёввойилик даври (тайёр табиат маҳсулотларини ўзлаштириш), вахшийлик даври (чорвачилик ва деҳқончиликнинг вужудга келиши), цивилизация даври (саноат ривожланиш).

Инсоният тараққиётидан бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши, унинг баркамоллашиб блориши, онги, тафаккури ва маҳоратининг ўсиб бориши мақсадли интилиш натижасида содир бўлади. Инсон тарихни яратувчи субъектдир. Шу сабаблр рамзий маънода тарихни унинг яратган ва яратаётган халқнинг таржимаи ҳоли дейиш мумкин. Шу боисдан қадимги тарих, ўрта

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 140.

² Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 4.

асрлар тарихи, замона тарихи каби ибораларни ишлатамиз. Буларни жамласак яхлит тарих келиб чиқади. Тарихни даврлаштиришда мана шу омилни назарда тутмоқ лозим.

Ўзбекистоннинг бой бетакрор тарихи бўлиб, унинг ўзига хос тарихий тараққиёт даврлари бор. Уни қуйидаги йирик даврларга бўлиш мумкин.

- Ибтидоий-жамоа тузуми.
- Қадимги давр: давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши
- Ўрта асрлар даври.
- Россия империяси мустамлакачилиги даври.
- Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври.
- Миллий истиқлол даври

Бу даврларнинг ҳар бири яна ўзига хос кичик даврларга бўлинади. Халқ ўз тарихини асосан ўз давлатини қуришдан бошлаб яратишга киришади. Маълумки туркий халқ ўз тарихида 18 та буюк ва шавкатли салтанат қурган халқдир. Салтанатлар тарихи айна пайтда сулолалар тарихи ҳамдир. Шундай экан миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганиш миллатимиз мангулигини кафолатлашдир.

4. Ватан тарихини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти.

Ўзбекистон тарихини ва умуман ўтмиш авлодларимиз тарихини ўрганишда тарихий манбалар муҳим роль ўйнайди.

Ватанимиз тарихига оид манбаларни шартли тарзда иккига моддий ва маънавий (ёзма, халқ оғзаки ижоди намуналари) манбаларга бўлиши мумкин.

1. Моддий манбаларга археологик ва антропологик ашёлар меҳнат ва уруш қуроллари, уй-рузғор ва зеб-зийнат буюмлари, музей шаҳарлар, тарихий обидалар, ёдгорликлар киради.

Мисоллар: меҳнат ва уруш қуроллари аجدодларимиз энг қадимги замонлардан тортиб шу кўнгача ҳўжалик ва ҳарбий ишда ишлатиш учун ясаган буюмлар-оддий тош қуроллардан тортиб, бугўнги кунда ишлатилаётган энг замонавий асбоб-ускуналар. Турли даврларда турли усталар томонидан яратилган зеб-зийнат буюмлари. Афросиёб каби қадимий шаҳарлар қолдиқлари, Самарқанд, Хива, Бухоро ва бошқа шаҳарларда сақланиб қолган тарихий обидалар.

2. Маънавий манбаларга ота-боболаримизнинг йиллар давомида яратилган ёзма асарлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари киради. Ёзма манбаалар қадим замонлардан то шу кунларга қадар улуғ аждодларимиз, буюк алломалар ёзиб қолдирган асарлар, турли ёзма ҳужжатлар, архив материаллари, китоблар, вақтли матбуот материаллар, кино-фото ҳужжатлар ва ҳоказо.

Аждодларимизнинг милоддан аввалги VII-VIII асрлардаги ҳаётини ўрганишда «Авесто» китоби қимматли ёзма манба ҳисобланади. Мазкур нодир китобда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, дастлабки давлат тузилмаларининг шаклланиш жараёнлари ўз ифодасини топган.

Ватанимиз тарихига доир маълумотлар юнон ва рим манбаларида, чунончи, Геродотнинг «История» (М.1972), Ксенофонтнинг «Греческая история» (М.1935), Полибийнинг «Всеобщая история» (М.1980-1989), Аррианнинг «Поход Александра» (М., Л., 1962), Страбоннинг «География в 17 книгах» (М., 1964); Курций Руфнинг «История Александра Македонского» (М., 1963) ва бошқаларнинг асарларида ҳам учрайди. Антик муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларни тўпловчи И.В. Пянковнинг «Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия» (Дўшанбе, 1975), Н.Г.Горбуновнинг «Фергана по сведениям античных авторов. История и культура народов Средней Азии» (Л., 1976) каби китоблар ҳам Ватанимиз тарихини ўрганишда ёрдам беради.

Хитой ёзма манбаларидан «Тарихий гувоҳликлар» (мил.авв. I аср), «Улуғ Хан хонадони тарихи» (милодий I аср), «Кичик Хан хонадони тарихи» (милодий V аср), «Вей хонадони тарихи» (милодий VI аср), «Шимолий подшоҳликлар (Бейши) тарихи» (милодий VII аср) ва бошқаларда Туркистон тарихи ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, арман, византиялик муаллифларнинг асарларида ҳам Ватанимиз тарихи ҳақида маълумотлар учрайди.

Ватанимиз тарихини ўрганишда туркий, форс, араб манбаларининг аҳамияти катта. Қадимги турк ёзуви тўғрисида С.Е. Маловнинг «Памятники древне-тюркский письменности» (М., 1951) ва «Енисейская письменность тюрков. Текст и перевод» (М., Л., 1951), А. Саъдуллаевнинг «Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда» (Т., 1996) асарларида, Насимхон Раҳмоннинг «Турк ҳоконлиги» (Т., 1993) китобида қимматли маълумотлари бор. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда Абулғозийнинг «Шажарайи турк» (Т., 1992), Л.Н. Гумилевнинг «Древние тюрки» (М., 1960), А.Ю. Якубовскийнинг «К вопросу об этногенези Узбекского народа» (Т., 1941), И. Жабборовнинг «Ўзбек халқи этнографияси» (Т., 1994) асарларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбек халқининг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётини ўрганишда Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» (Т., 1993), Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» (Т., 1968), Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» (Т., 1960), М. Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк. Уч жилдлик» (Т., 1960-1963), Абу Тоҳиржоннинг «Самария» (Т., 1991), Наршахийнинг «Бухоро тарихи» (Т., 1991), Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк» (Т., 1997), Амир Темурнинг «Темур тузуклари» (Т., 1991), Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» (Т., 1994) ва бошқа нодир китоблар муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Ватанимиз тарихини ўрганишда ўз даврида ҳокимият тепасида турган сулолалар тарихини ёритишга бағишланган бир қатор китоблар-Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Сийрат ас Султон Жалолиддин Мангбўрни» (Т., 1999), Низомиддин Шомийнинг «Зарафнома» (Т., 1996), Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (Т., 1997), Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи. Икки жилдлик» (Т., 1992), Хофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдулланом» (Т.,

1999), Мулла Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» (Т., 1989), Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» (Т., 1991) ва бошқалар қимматли манба сифатида диққатга сазовордир.

Бизгача етиб келган бундай моддий ва ёзма манбалар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти, Шарқ қўлёзмалар фонди дунёдаги энг йирик қўлёзмалар хазиналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда 40 мингдан зиёд қўлёзма нусхалари, 30 мингдан ортиқ тошбосма китоблар ва 10 мингдан ортиқ Шарқ тилларида ёзилган ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, Ватанимиз тарихига оид муҳим қўлёзма ҳужжатлар, нодир китоблар, қимматли маълумотлар хорижий мамлакатлардаги илм масканлари, кутубхоналарда сақланмоқда. Ана шу қўлёзма ҳужжатлар ва китобларнинг ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши Ватанимиз тарихини янада тўлароқ, ҳолисона ёритилишига, тарихимиз саҳифаларидаги «оқ» ва «қора» доғларнинг барҳам топишига кўмаклашади.

Ўзбекистон тарихига доир тарихий манбалар ҳақида маълумотлар Б. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари» (Т., 1991), Т. Саидкуловнинг «Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар» (Т., 1993) номли китобларда ҳам тўлароқ берилган, ўқув жараёнида улардан фойдаланиш зарур.

1. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг аҳамияти.

Ўзбекистон тарихи ёшларга халқимизнинг ўтмиши, тарихи ҳақида билим бериш билан чегараланиб қолмайди. У ёшларни ватанпарвар маънавий жиҳатдан комил фуқаро этиб шакллантиришда хизмат қилади. Ватанимиз тарихи “Ҳар бир фуқарони бой маданий меросимизни қадрлашга, асраб-авайлашга, юракдан ифтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиши меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга ундайди”³. Мустақиллик даврида Ўзбекистон тарихида бурилиш палласи, маъмурий буйруқбозликка асосланган тоталитар тузумдан холи, демократик тизимга ўтиш даври бошланди. Миллатимизни ҳаққоний тарихимиз билан қуроллантиришимиз лозим. Чунки тўғри тарих тўғри тарбияни йўлга солиб туради. Тўғри тарихий далил ишончли ҳужжат сифатида нишонга кишининг қалбига ва онгига аниқ етиб боради. Халқнинг ўзига бўлган ишончини оширади ва мустаҳкамлайди. Келажаги бунданда буюк давлат қуришга киришган халқимиз учун ўз тарихини билиши шунинг учун ҳам жуда зарур.

Олис ўтмишимиз ва яқин кечмишимизда юз берган воқеа-ҳодисаларни чуқур билиб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар олишимиз бугунимиз учун асқотади, келгусида эса ўтмишда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни такрорламасликнинг олдини олади. Тарихий сабоқ ҳимояланиш, тўғри йўлни

³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 371-б.

белгилаб олиш аҳамиятига ҳам эгадир. Буюк давлатимиз илдизлари чуқур томир отган қадимий заминда қурилмоқда, буни билмоқ ҳар қайси инсонга руҳ бағишлайди. Халқимизнинг, давлатчилигимизнинг ўтмиши шонли ва шуқуҳли экан, демакки, келажаги ҳам янада порлоқ бўлиши аниқ. Бунда авлоднинг аجدодга ворислиги асосий омилдир. Бугунги Ўзбекистон республикаси қадим Турон ва Туркистон мамлакатининг, шу заминда вужудга келган барча давлатларнинг бевосита ворисидир. Шундай экан бугунги ёшлар мустақилликни асраб авайлаш, мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг кейинги авлодларига янада қудратли, обод, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳолда етказиши уларнинг шарафли бурчидир.

Тарихнинг қуроли- маърифат ва маънивиятдир. Маънавий баркамолликни тарбиялашда Ватан тарихи муҳим омил ҳисобланади. Президентимиз, И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Маънавият-ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.”⁴. Инсонда тарихий хотира ўз Ватани тарихини, ўз халқи аجدодлари тарихини билиш орқали шаклланади. Тарих фани олам ягона ва яхлит, Ўзбекистон унинг ажралмас бир қисми, оламда содир бўладиган воқеа ходисалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда эканлиги хусусида тўғри тасаввур тушунчаларини шакллантиради. Аниқ таъкидлаганда, Ватан тарихи, талабаларда халқнинг ўтмиши, ҳозирги замон ва келажаги ягона тарихий жараён деган тушунчани шакллантиради. Бу эса ёшларни олға интилишга, тараққиётга кўмаклашишига ундайди. Ёшларнинг илмий дунёқарашини, сиёсий маданиятини тарбиялайди, жамиятда ўз ўрнини тўғри белгилашга кўмаклашади. Келажак сари интилаётган ёшлар учун бу маънавий бой мерос мустаҳкам таянчдир. Унинг заминида тинимсиз ва машаққатли меҳнат, ҳар қандай тўсиқларни енгиш, илмга ва зиёга интилиш каби ҳислатлар ётади. Бундай ҳислатлар Ўзбекистон тарихини ўқитиш орқали ёшларга сингдирилади.

2-Мавзу: Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми. (1соат)

- 1. Цивилизация тушунчаси .**
- 2. Инсониятни пайдо бўлиши хусусидаги қарашлар ва назариялар**
- 3.Ибтидоий жамият, уни даврлаштириш ва бу борадаги янгича ёндашувлар.**
- 4. Марказий Осиёдаги полеолит, мезолит, энеолит ва бронза даври ёдгорликлари**
- 5. Бронза давридаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар.**

1. Цивилизация тушунчаси .

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 137-бет.

Инсоният қадим-қадимдан ўз даврига хос турмуш тарзига, моддий ва маънавий маданиятга, яъни маълум даражадаги цивилизацияга эга бўлган. Даврлар ўтиши нитижасида, инсоният цивилизацияси даражаси ўсиб, ривожланиб, такомиллашиб борган. Бу жараён одамларнинг меҳнат қилиш усули, қанчалик даражада моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва кўпайтириш бориши билан боғлиқ кечган. У ёки бу цивилизация ҳақида сўз борганда инсониятнинг яшаш учун кураши, тинимсиз меҳнати, маънавий ва маърифатга интилиши туфайли ўзи учун яратган ва маданий қулайликларидан ва меҳнат қуроллари, кийим-бош, уй-жой ва оилавий муносабатлари, ишлабчиқариш усуллари, маиший хизмат воситалари, ижтимоий онги ва маънавий дунёси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-ҳуқуқий, муносабатлари даражаси асосида тавсифланадиган маълум бир тарихий давр тушунилади. Масалан, қадимги Шарқ цивилизацияси, Антик Европа цивилизацияси, Ислом цивилизацияси, Христиан, ҳозирги замон цивилизацияси кааби тушунчаларда инсонларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, ахлоқи, билим савияси, меҳнат қуроллари ва бошқа жиҳатлари мужассамлашган бўлади.

Илк цивилизацияга доир энг муҳим белгилардан, давлатнинг пайдо бўлиши, ёзувнинг вужудга келиши, деҳқончиликнинг ҳунармандчиликдан ажралиб чиқиши, жамиятнинг синфларга бўлиниши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши каби белгиларда кўринади.

Ҳозирги цивилизацияга хос муҳим белгилардан, ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги, бутун жаҳон миқёсида ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожланганлиги, коммуникация тизимининг мавжудлиги, планетар онг, планетар ахлоқнинг шаклланиши кабиларда кўриш мумкин. Ҳар бир минтақада цивилизация даврий нуқтаи назардан эрта ёки кечроқ, ўзига хос тарзда шаклланиб, ривожланиб борган. Тарихий илмий тадқиқотлар бизнинг ватанимиз- Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири эканлигидан далолат бермоқда.

2. Инсониятни пайдо бўлиши хусусидаги қарашлар ва назариялар.

Илмий манбалардан Ўзбекистон одамзод илк пайдо бўлган ўлка эканлигининг аниқлаш, аждодларимизнинг қадимги ҳаёти, турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданияти ҳақида зарур билимга эга бўлиш мумкин. Жамиятшунос ва табиатшунос олимлар ер шарида ҳаётнинг пайдо бўлиши, одамларнинг вужудга келиши муаммолари устида узоқ йиллардан бери тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Бу ҳақда диний ва дунёвий таълимотлар, ривоятлар мавжуд. Ислом дини одамларнинг Аллоҳ томонидан тупроқдан яратилиб, унга жон киритилгани, дастлабки одамлар Одам Ато ва Момо Ҳаводан бўлганлиги ҳақида тўхталиб, уларнинг қачон яратилганлигини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди, бу ёлғиз унгагина аёнлиги ғоясини илгари суради.

Юнон олими Арасту одамнинг пайдо бўлишини ер ҳаётининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёни билан боғлиқ тушунтиради. “Одамзод оддийдан мураккабга, ҳайвонот олаmidан одамзот дунёсига ўсиб чиқди”, -деб таъкидлайди.

Инглиз олими Чарлз Дарвин европалик археологларнинг Гибралтар ғояси, Германиянинг Неандертал водийси ва Австриядаги тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиб, одамларнингш аجدодлари дарахтда юрувчи энг олий турдаги маймунсимон одамлар дриопитеклар бўлганлиги ҳақидаги эволюцион назарияни илгари суради. У ҳар қандай маймундан одам пайдо бўлмаслигини, одамларнинг аجدодлари бўлмиш дриопитеклар аллақачон ўлиб кетганлигини таъкидлайди. Бироқ бундай назариялар мутлақо илмий ҳақиқатга зиддир. Хуллас одамзотнинг пайдо бўлиши ҳақида олимларнинг турлича фикр, қарашлари мавжуд, ҳозирча фанда одамзот табиатнинг бир қисми, у сайёрамизда тараққиётнинг маълум босқичида вужудга келди, кишилиқ жамияти меҳнат туфайли такомиллашиб борди, дастлаб одамлар ибтидоий тўда шаклида, кейинроқ уруғ-жамоа бўлиб яшаганлар деган хулосалар ҳам мавжуддир.

3-4.Ибтидоий жамият, уни даврлаштириш ва бу борадаги янгича ёндашувлар. Марказий Осиёдаги полеолит, мезолит, энеолит ва бронза даври ёдгорликлари.

Ибтидоий жамият-ибтидоий одамларнинг пайдо бўлишидан то давлат юзага келгунга қадар бўлган даврдир. Ибтидоий жамият полеолит, мезолит, неолит, энеолит ва бронза даврларига бўлиб ўрганилади. Мазкур даврлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардир:

Полеолит даври –бу давр «Қадимги тош даври» деб ҳам юритилади. Полеолит даври уч босқичдан иборат: Илк полеолит, ўрта полеолит ва юқори полеолит.

Аввало шуни такидлаш ўринлики, бу даврда ибтидоий одамлар ҳали металл ишлатишни билмаганлар, улар асосан оддий тошлардан, йирик хайвонларнинг суякларидан, шохларидан ва дарахтларнинг қаттиқ шохларидан меҳнат қуроли ясаганлар ва ундан фойдаланганлар.

Илк полеолит даврининг диққатга сазоворлиги шундаки, бу даврда одамлар ва уларнинг дастлабки меҳнат қуроллари пайдо бўлган. Бу даврнинг тош қуроллари археолог олимлар томонидан етарли даражада ва яхши ўрганилган. Инсонга тегишли дастлабки меҳнат қуроли Франция худудидаги Ашель деган жойдан топилган. Олимларнинг илмий хулосаларига кўра Ашель даври бундан бир миллион йил бурун бошланган ва милоддан аввалги 200-100 мингинчи йилларгача давом этган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида археолог Ў.Исломов бошлиқ, тадқиқотчилар Фарғона водийсидаги Селўнгур (Сўх туманида) ғоридан қадимий одам манзилгоҳини топдилар. Сўнги тадқиқотлар натижасига кўра Селўнгур илк полеолит даврига оид бўлиб, бу ердан олинган топилмаларнинг ёши бир миллион йилдан зиёдроқ экан. Ушбу топилмалар орасида энг аҳамиятлиси қадимги одамнинг жағ суяклари ва тишлари, елка суякларидир. Ҳозир фанда «Фарғона одами»-«Фергантроп» деб номланган бу қазилма Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон инсоният пайдо бўлиб ривожланган ўчоқлардан бири эканлигини узил-кесил исботлайди.

Илк полеолит манзилгоҳлари янада Шимолий-шарқий Ўзбекистоннинг, Тошкент вилоятининг Қорабулоқ маконидан ҳам топилган. Шунингдек Оҳонгорон яқинидаги Қизилолмасой ва Тошсой манзилгоҳларидан ҳам бу даврга оид манбалар топилган.

Ўрта полеолит-қадимги тош асрининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Бу даврга оид дастлабки ёдгорликлар тешиктош (Сурхондарё) ғор макони 1938 йилда А. Окладников томонидан очилган. Сурхон воҳасидаги (Бойсунтоғ) Тешиктош ғор-макони топилмалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё археология фанида машҳурдир. Ўрта полеолит даврига мансуб бу ғордан 3 000 га яқин тош қуроллар топилган. Энг муҳими шундаки, Тешиктош маконининг юқори қатламларида 9 яшар боланинг скелет суяклари топилган. Тадқиқотчилар фикрларига қараганда, бу бола неандертал типига қадимги одам вакилидир. Бу даврга оид археологик материаллар яна Тошкент вилоятидаги Обираҳмат маконидан Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон ҳудуддаги Қўтирбулоқ маконидан ҳам топилган. Ўрта полеолит даврида одамлар ҳаётида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврда одамлар Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларига тарқала бошладилар.

Совуқ иқлим туфайли ўрта полеолит одамлари оловни кашф этдилар ва сунъий олов чиқариш ҳамда уни сақлашни ўзлаштирганлар.

Сўнгги (ёки юқори) полеолит-бу давр узоқ давом этган қадимги тош асрининг охириги босқичи бўлиб, мил. авв. 40-12 минг йилликларни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда бу даврга оид Ўрта Осиёда 30 дан зиёд маконлар очилган. Масалан, Самарқанд шаҳрининг ўзида, Фарғонада Хўжағор, Помир этақларидаги Шуғнов, Тошкент вилоятидаги Кўлбулоқ, Тожикистондаги Қоракамар ёдгорликлари шулар жумласидандир. Сўнгги полеолит даврига келиб одамларнинг ҳаёти ва турмушида турли ўзгаришлар бўлиб ўтди. Хусусан одамлар ғордан чиқиб енгил турар-жойлар, чайла ва ярим ертўлаларда яшай бошладилар. Улар энди фақат тоғли ҳудудларда яшаб қолмай воҳалар бўйлаб тарқалдилар. Сўнгги полеолит даврининг ютуқларидан бири-найзанинг ихтиро қилиниши бўлди. Найза туфайли овчилик ривожланди.

Мезолит (ўрта тош асри)-тош асрининг кейинги ривожланиш даври ҳисобланади. Ўрта Осиёда мезолит даври нисбий тарзда мил. авв. 12-7 минг йилликларни ўз ичига олади. Мезолит- одамларнинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиши бўлиб, уларга оид материаллар кўплаб жойлардан топилган. Ўрта Осиёнинг мезолит даври маконлари Сурхондарёнинг Мачай, Фарғонанинг Обишир, Марказий Фарғонадан Тошкентнинг Бўзсув, қўшилиш, Тожикистоннинг Ошхона, Чилчорчашна каби жойларидан топилган. Мезолит даврига келиб ер юзидаги ўлкан музликларнинг яна шимолга томон силзиши натижасида иқлим барқарорлашиб ҳозирги даврдиги анча ўхшаб қолган эди. Бунинг натижасида Ўрта Осиё хайвонот олами ва ўсимлик дунёсида анча ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврга келиб кишилар нисбатан нозикроқ қуролларни тайёрлашни ўзлаштира бошлаганлар. Бу давр учун асосий аҳамиятли нарса шуки, бу даврда ўқ-ёй кашф этилди. Бу даврнинг энг катта

ютукларидан яна бири бу ёввойи хайвонларни, ит-қўй, эчкиларни қўлга ўргатилиши бўлди.

Жамият тараққиётининг маълум бир ривожланиш босқичида чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиқди ва биринчи меҳнат тақсимооти юз берди. Мезолит даврида (мил.авв 12-7 минг йилликларда) инсоният тараққиётида, унинг хўжалик фаолиятида муҳим ходиса содир бўлган. Бу даврда ёввойи хайвонлардан ит, қўй, эчки кабилар қўлга ўргатилди яъни хонакилаштирилди. Шунини айтиш керакки бу даврда овчиликдан чорвачиликка ўтиш муҳим ходиса бўлди. Одамлар турмуш тарзида темирдан фойдаланилиши хусусан, меҳнат ва ов қуролларини темирдан ясаиши кишилик тараққиётида муҳим аҳамият касб қилди.

Мезолит даврининг машхур ёдгорликларидан бири Сурхон воҳасидаги Мачай маконидир.

Ўрта Осиё тарихида **Неолит даври**нинг (янги тош асри) юқори чегараси мил. авв. VI-қуйи чегараси IV-III минг йилликлар билан белгиланади. Неолит даври қабилалари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, қўл бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиқиб балиқчилик ва овчилик ёки деҳқончилик, чорвачилик, айна вақтда қисман хунармандчилик билан шуғулланганлар.

Неолит (янги тош) даврида меҳнат қуроллари анча такомиллашди. Одамларда ўтроқ ҳаёт кечиришга ўта бошлади. Бу даврга келиб одамлар доимий ертўлалар, кулбалар қуриш, лойдан, гувалалардан оддий уйлар солиш кўчайди. Қишлоқлар пайдо бўла бошлади. Энди доимий ўтроқлик хўжалиги пайдо бўлди бу ҳол деҳқончиликнинг келиб чиқишига, чўлли худудларда, азм дарё ва қўл бўйларида эса ўтроқ овчилик хўжалигини қарор топишига сабаб бўлди.

Ўрта Осиё худудидан бу даврга кўплаб маконлар топилган. Фанда Жойтун маданияти (Жанубий Туркистондаги), Қалтаминор маданияти (Хоразм худудидаги), Хисор маданияти (Хисор-Помир тоғларидаги) номи билан аталувчи маконлар ушбу даврнинг энг йирик маданий қатламлари мавжуд топилмалардир. Бу давр учун энг хусусиятли жиҳатлар шундаки, Неолит даврида тош болталар анча такомиллаштирилди, деҳқончилик ва чорвачилик кашф этилди.

Энеолит (мис-тош) даври тош ва бронза даври ўртасидаги давр бўлиб, бу давр қуроллар соф мисдан ясалганлиги маълум. Ўрат Осиёда энеолит (мис-тош) даври нисбий тарзда мил.авв. IV минг йилликнинг охири-III минг йилликнинг бошларини ўз ичига олади. Бу даврнинг энг асосий хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлган:

1. Ҳайдаб деҳқончилик қилиш анча ривожланган эди.
2. Мис қуроллар пайдо бўлди.
3. Катта-катта жамоаларнинг пахса хом ғишдан тикланган катта-катта уйлар пайдо бўлди.
4. Кулолчиликда хумдонлардан фойдалана бошланди.
5. Рангдор сопол идишлар пайдо бўлди ва ҳақозо.

Бу даврга оид Ўрта Осиёдаги муҳим ёдгорликлар қуйидагилар: Жанубий Туркистондаги Анов ва Номозгоҳтепа макони ва бошқалар.

Бронза даври. Ўрта Осиёдаги муҳим ёдгорликлар қуйидагилар: Жанубий Туркистондаги Анов ва Номозгоҳтепа макони ва бошқалар.

Бронза даври. Ўрта Осиёда бронза даври мил. авв. III минг йилликдан I минг йилликнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ҳудудида бу даврга хос археологик материаллар анча кўп топилган масалан фанда тоза боғиёб маданияти, Амуробод маданияти, Зомонбобо маданияти, Сополли маданият ва бошқалар шу даврга хос маконлардир. Бу давр учун хос хусусият шуки, меҳнат ва ов қуроллари тайёрлашда бронзадан кенг фойдаланишга ўтилган. Бу даврда Ватанимиз ҳудудида ибтидоий тасвирий санъат анча ривожланди. Ўрта Осиё ҳудудидаги тоғли ҳудудлардан шу кўнга қадар кўплаб қоятош суръатлари топиб ўрганилганки, бу бронза даврида яшаган аجدодларимиз томонидан ишланган. Бундай ибтидоий, энг қадимги расмлар Сурхондарёнинг Зараутсой деган тоғ ён бағирлигидан топилган ва у мил. авв. VIII-IV минг йилликлар ишланганлиги тадқиқотчилар томонидан аниқланган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича Марказий Осиёда илк *темир даври* мил. авв. I-минг йилликнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу пайтга келиб ибтидоий жамоа тузуми ўзининг охириги босқичини ўтаётган эди.

Темир деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Темир ибтидоий жамоа тузуми-ни бузиб юборди ва ҳўжалик табақаланишининг тезлашига олиб келди. Темир туфайли чорвачилик деҳқончиликдан узил-кесил ажралди, кўплаб ҳайвонларнинг эгалари бўлган аслзодалар пайдо бўлди. Темир туфайли деҳқончиликдан ҳунармандчилик алоҳида ҳўжалик тури сифатида ажралиб чиқди. Шунинг тақдирини ўтиш ўринлики, илк ҳунармандчилик бир мунча аввал пайдо бўлган эди. Бироқ у ҳали деҳқончилик ва чорвачиликдан алоҳида ҳўжалик тури сифатида ажралиб чиқмаган эди.

5. Бронза давридаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар.

Аждодларимиз милoddan аввалги 3 мингинчи йиллардаёқ мисга қалай аралаштириб бронза яъни қаттиқ металл қотишмасини олишни ундан пишиқ ва қаттиқ меҳнат қуроллари, қилич, ханжар, уй- рўзғор, зеб-зийнат буюмлари ясашни ўзлаштириб оладилар. Бронзанинг кашф этилиши металлург ҳунармандларни, металлургия устахоналари ва заргарлик корхоналарини вужудга келтирди. Ҳунармандчиликнинг бу тариқа ихтисослашуви турли ҳудудлар ўртасида маҳсулот айирбошлашга, уларни иқтисодий жиҳатдан боғлашга олиб келди. Бронза даврида яшаган аждодлар ҳўкиз, от, эшак, туядан транспорт воситаси сифатида фойдаланганлар. Ҳайвонлар қўшилган ғилдирак аравалар вужудга келди. Ўзбекистон ҳудудидан бронза даври одамларининг макони ва қабристонлари топиб ўрганилган. Бухоро вилояти Қорақўл тумани марказидан 15 км. Шимолий-шарқдаги Зомонбобо қўли атрофида 1950 йилларда Я.Ғуломов 1960 йилларда А.Асқаров тадқиқот

ишлари олиб бориб, бронза даври одамларининг маконларини топиб ўрганадилар. Бу Замонбобо маданияти деб аталиб, майдони 170 кв.метр ертўла типигаги уй, икки чайла, кулолчилик хумдони ва бошқа ашёлар топилди. Қазув ишлари вақтида унинг атрофидан ўчоқ ўрни, устунлар ўрнатилган чуқурчалар, қорамол, эчки, ёввойи хайвонларнинг суяклари, қорайиб кетган буғдой ва арпа донлари, чакмоқтошдан ясалган ўроқ парчалари, тошдан ясалган мунчоқлар топилган. Топилмалардан замонбоболиклар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганликларидан дарак беради. Замонбобо кўлининг шимолий соҳилидан топилган қадимги қабристонда 45 та мазора очилиб ўрганилган. Мазора ҳозиргидек лаҳад шаклида бўлиб, марҳумлар ўнг ва чап ёни билан кўмилган. Эркаклар қабридан ўқ-ёй пайконлари, пичоқсимон қуроллар, аёллар қабридан тош мунчоқлар, олтин маржон, сурма, тошойна ва бошқа буюмлар топилган. Қазилмалардан топилган Бадахшон лаълидан ишланган мунчоқлар, сопол идишлар замонбоболикларнинг бошқа ҳудудларидаги уруғ жамоалари билан иқтисодий-маданий алоқаларда бўлганлигини кўрсатади. Миллоддан авв. III-II минг йилликларга келиб Ўрта Осиё жамиятида содир бўлган иқтисодий тараққиёт жараёнлари бу ҳудудларда илк шаҳарнинг пайдо бўлишига имкон яратди.

Ўлкамиз ҳудудида дастлабки шаҳар маданиятнинг шаклланиши ҳам жамият тараққиётида бўлгани каби узликсиз тараққиёт йўли билан ривожланган. Бу қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши узоқ ва босқичма-босқич давларни босиб ўтган. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида тадқиқотчилар қадимги шаҳар ҳаробаларини топиб текширдилар. Археологик топилмаларнинг далолат беришича бу кўҳна шаҳарларнинг баъзиларини ёши 2700-3000 йилдан кам эмас. Уларга Афросиёб, Кўктепа (Самарқандда,) Қизилтепа (Сурхон воҳасида) Узункир, Ерқўрғон (Қашқадарё воҳасида) ва бошқалар киради. Тадқиқотчиларнинг кейинги хулосаларига кўра Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки шаҳарсозлик маданияти мил. авв. II минг йилликдаёқ яъни бронза давридаёқ шакллана бошлаган. Бу шаҳарлар асосан аҳолиси суғорма деҳқончилик билан шуғулланган воҳаларда, қадимги савдо йўллари бўйларида, ҳукмдорлар қароргоҳлари атрофида пайдо бўлган. Қадимги шаҳарларни қишлоқдан ажралиб турган бир қатор белгилари бўлган. Булар; шаҳар мудофаа деворига эга бўлиши, шаҳар марказида арк, бозор ва диний эътиқод учун сиғиниш жойини мавжудлигидир.

3-Мавзу: Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари (2соат)

- 1. Давлат тузилмаларининг шаклланиш шарт-шароитлари ва омиллари.**
- 2. Ўрта Осиёда дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши. Қадимги Бактрия, Хоразм, қадимги Сўғд.**
- 3. Аҳмонийларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши озодлик кураш.**

4. Юнон-Бактрия, Парфия, Суғдиёна, Қанғ ва Давон давлатлари. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

5. Кушонлар салтанати ва унинг Ватанимиз халқлари тарихида тутган алоҳида ўрни.

1. Давлат тузилмаларининг шаклланиш шарт-шароитлари ва омиллари.

Ўрта Осиёда давлатчилик эрампиздан олдинги IX-VIII асрларда вужудга келади. Давлатнинг вужудга келишига сабаб, деҳқончилик билан чорвачиликнинг ривожланиши бўлди.

Қадимги, яъни илк давлатлар майда ҳудудий бирлик, “маданий хўжалик туманлари” сифатида бўлиб, уларнинг майдонлари 5-10 км² бўлиб, улар асосан деҳқончилик қилинадиган оазисларни ўз ичига олган одатда бу давлатлар таркибига аҳоли яшайдиган жойлар, суғориладиган ерлар, суғориш системалари ҳамда яйловлар кирган.

Давлатларнинг асосий вазифаси этиб ирригация объектларини қуриш ва улардан фойдаланишни таъминлаш, мамлакат ичида иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар ва халқлар билан алоқаларни доимий мустаҳкамлаб аҳолидан ўлпонлар ва солиқлар йиғиш қўшинларни талаш мақсадида урушлар олиб борган, ўз чегараларини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш белгиланган эди. Хуллас, юртимизда ташкил бўлган қадимги давлатлар вазифасини қуйидагича эди:

2. Жамоатчилик (бошқариш) фаолияти
3. Социал- иқтисодий (хўжалик) фаолияти
4. Ҳарбий (мудофаа) фаолияти
5. Ғоявий (диний) фаолияти

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлатчилик шаклланишида энг муҳим ва асосий омил бўлиб, бу иккала жараён узвий боғлиқ ҳолда кечган.

Маълумки, мил. авв. II минг йилликка келиб қадимги Ўзбекистоннинг деҳқончилик воҳаларида ўтроқ қабилалар ривожланиб, аҳолининг жойлашув тизими шаклланади. Аҳолининг алоҳида жойлашув манзилгоҳларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар-ўтроқ деҳқончиликнинг ривожланиши, аҳоли зичлигининг юқори даражаси, хунармандчиликнинг тараққий этиши, ижтимоий табақаланиш ва бошқарув тизимининг мураккаблашиб бориши, ўзаро алмашинув, савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг кучайиши ҳамда ҳарбий-сиёсий вазият Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки шаҳарларининг пайдо бўлишида асосий омиллардан ҳисобланади.

Жамият ҳаётида содир бўлан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мил. авв. III минг йилликнинг охири – II минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки шаҳарларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳам ҳудди жамият тараққиётида бўлгани каби узлуксиз тараққиёт йўли билан ривожланган. Бу қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, узоқ босқичма-босқич даврларни босиб ўтган. Мил. авв. II минг йилликка оид Ўрта Осиёдаги Жарқўтон,

Сополли, Дашли, Гонур, Намозгоҳ, Олтинтепа, Улуғтепа кабиларда илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун қуйидаги олимлар муҳим аҳамиятга эга бўлди:

- Аҳолининг ўтроқ деҳқончиликка ўтиши ва кенг воҳалар бўйлаб ёйилиши;
- Хунурмандчиликнинг ривожланиши ва айрим соҳаларига ихтисослашиши;
- Қадимги савдо йўлларининг ривожланиши натижасида иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда савдо-сотиқнинг тараққий этиши;
- Табиий-географик ҳамда ҳарбий-стратегик шарт-шароитлар.

Шаҳар маданияти даставвал Ўзбекистоннинг жанубида, Сурхондарё худудида шаклланди, сўнгра эса шимолга Сўғд (Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро), Хоразм, Шош ва Фарғона худудларига тарқалди. Бу-айнан юртлар ва халқлар тараққиётидаги нотекислик каби тарихий қонунияга зид эмас.

Кўп сонли архелогогик топилмаларнинг далолат беришича, Ўзбекистондаги айрим кўҳна шаҳарларнинг ёши 2700-3000 йилдан кам эмас. Уларга Афросиёб (Самарқанд), Қизилтепа (Сурхондарё), Узунқир, Ерқўрғон (Қашқадарё) кабилар киради. Қадимги шаҳарлар-тарихий ривожланишдаги урбанистик жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлган жамият тараққиётининг ижтимоий асос ҳисобланади.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асоси ҳисобланиб, бу жараён жанубий Туркменистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубида бронза (мил. авв. III- II йилликлар) даврида, Тошкент воҳаси ва унинг атрофларида эса илк темир (III-IV асрлар) даврида шаклланиб ривожланди. Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий суғориш бирмунча қулай бўлган Амударё (юқори, қуйи, ўрта) оқимлари бўйларида, Мурғоб воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидаги дастлабки давлатлар-Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунга келиб, Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб бронза ва илк темир даврига оид ёдгорликларидан (Сополли, Жарқўтон, Анов, Қизилтепа, Қўзалиқир, Афросиёб, Чуст, Далварзин, Даратепа ва бошқ.) ишлаб чиқарувчи хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган металл қуроллар топиб ўрганилган. Металл қуролларининг меҳнат қуроллари сифатида жамият кенг ёйилиш меҳнат унумдорлигининг янада юксалиши учун ўлкан имкониятлар яратиб, бу жараён давлатчилик пайдо бўлишини янада тезлаштирди.

Сўнгги бронза даврига келиб қулолчилик чархининг ишлатила бошланиши натижасида Сополли, Олтинтепа, Гонур, Жарқўрғон кабиларда қулолчилик маҳаллалари пайдо бўлади. Шунингдек, хунармандчиликнинг тошга, металлга, ёғочга, суякка ишлов бериш турлари ҳам кенг тарқалади. Хунармандчиликнинг ихтисослашуви, алоҳида хўжалик тармоғи сифатида шаклланиб ривожланиши жамиятдаги иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб давлатчилик пайдо бўлиши учун муҳим бўлган қўшимча маҳсулот кўпайишига турки бўлди.

Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган аҳоли қадимги даврлардан бошлаб ўзаро муносабатларини ривожлантириб келганлар. Бронза даврига келиб, шимолдаги кўчманчи чорвадор қабилалар ва жанубдаги ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ўртасида ўзаро мол айрибошлаш ва маданий алоқалар янада жадаллашди. Бу ўринда ўша даврда шаклланиб кейинчалик янада ривожланган қадимги йўлларнинг аҳамияти беқиёс бўлди. Бу йўллар орқали Ўрта Осиё қадимги аҳолиси минтақадан ташқари кўшни давлатлар Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон қабилар билан турли алоқалар ривожлантирилган.

2.Ўрта Осиёда дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши. Қадимги Бақтрия, Хоразм, Қадимги Сўғд.

Бронза даврига келиб аҳоли ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳаларига–деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликка ихтисослашиб борди. Бу жараён ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва уларнинг бир ерга тўпланиши учун замин яратади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ўз навбатида маҳсулот ҳажмининг ўсиб, кўшимча маҳсулот пайдо бўлишига сабаб бўлди. Демак, қадимги хўжаликнинг ихтисослашуви, суғорма деҳқончилиكنинг ривожланиши, металлнинг ҳаётга жадаллик билан кириб келиши ва ёйилиши, хунармандчиликка турли тармоқларнинг ривожланиши, ўзаро айирбошлаш ва савдо-сотиқ тараққий этиш натижасида жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий юксалиш кузатилади. Бу юксалиш илк давлатчилиكنинг асосий пойдевори ҳисобланади. Ўрта Осиёнинг жанубида жойлашган ўнлаб янги типдаги воҳа-давлатлар сўнгги бронза ва илк темир даврида (ИТД 1) баъзан йирик сиёсий бирлашмалар-подшоликларга бирлашар эдилар. Ўрта Осиё жанубида булар Бақтрия, Марғиёна ва “Катта Хоразм” эди.

“Авесто”да Ўрта Осиёдаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги кўплаб жуғрофий номлар ва халқларнинг номлари тилга олинади. Унда шундай дейдилар: “энг яхши ерлар ва мамлакатларнинг биринчи қилиб, мен Ахура, Мазда, Аръянэм Вайчахни яратдим... Яхшиларнинг иккинчиси сўғдлар яшайдиган Гава... яхшиларнинг учинчиси.. Мауру (Мавр)... яхшиларнинг тўртинчиси.. Баҳди (Бақтрия)... Бешинчиси мамлакат-Нисойа (Нисо)... ” ва ҳоказо. Ҳаммаси бўлиб “Авесто”да 16 та мамлакат санаб ўтилади, улар орасида Аръянэм Вайчах, Сўғд (Гова), Бақтрия ва Марғиёнда аниқ локализацияга эгадир.

“Аръянэм Вайчах” - “арий кенгликлари” деган маънони англатади. Кўп тадқиқотчилар уни Хоразм деб тушунадилар. Лекин тадқиқотчилар уни Хоразм деб тушунадилар. Лекин бошқача нуқтаи назар ҳам бор. Масалан, И.М.Дъяконовнинг фикрича “орийлар кенгликлари” бу ўринда бир мамлакат ёки вилоят тушунчасидан кўра кенгроқ маънода қўллаган ва бутун Ўрта Осиёда дастлабки йирик давлат бирлашмаларидан бири Қадимги Бақтрия подшолиги эди. “Авесто”да Бақтрия “Тўзал, туғлари юксак кўтарилган” деб тасвирланади. “Авесто”да олинган мамлакатлардан ёки марказлардан бири Баҳди деб аталади, ўша ерда “арахтра” атамаси ҳам учрайди, эҳтимол, бу

“Бахтар” атамасига мос келса керак. Бактрия ҳақидаги энг қадимги маълумотлар аҳмонийлар битикларида, хусусан, дунёга машҳур Нақши Рустамдаги Беҳистун қоясида учрайди.

Пересполда Бактрияликлар 15 жойда идиш кўтарган ҳолда ва икки ўрқачли Бактерия туялари билан тасвирланган. Бактерия мустақил сатраплик сифатида Амонийлар империясининг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган. У ҳақидаги энг ҳилма-ҳил маълумотлар қадимги юнон тарихчилари-Геродот, Ктисей, Страбон, Диодот, Плиний, Арриан, Квинт Курций Руф, Скилат ва бошқаларнинг асарлари мавжуд бўлиб улар мазкур мамлакатнинг қадимийлиги ва маданиятининг юксак савиясини таъкидлайдилар. Масалан, Ктисей Оссурия подшоси Нинанинг Бактрияга қилган юриши Бактрия подшоси Оксиарт ва унинг хазинаси ҳақида хабар беради. Ктисей томонидан тасвирланган халқлар орасида бактрияликлар биринчилардан бўлиб тилга олинади. Бактриялик ўзини эса Шарққа жойлаштиради.: Ғарб томонидан Бактрия “текислигига” борадиган йўлни “тоғлар” тўсиб турадилар, уларни фақат “довонлар” орқали ўтиб борилади. Бактрия Тнаисдан Хинд дарёсигача чўзилган, Танис уни Европадан ажратиб туради, Хинд дарёси эса - Ҳиндистондан. Геродот “Тарих” асарида Аҳамонийлар империяси таркибига кирган 20 сатраплик ва 70 халқларнинг рўйхатини келтиради. Улар орасида Амударё қирғоқларида жойлашган мамлакат – Бактрия ва бактрияликлар бор.

“Бактрия” номи Эсхиллнинг эрамизгача бўлган 472 йилда сахнага қўйилган “Форслар” трагедиясида ҳамда Гекатей, Скилак асарларида учрайди. Страбон Бактрияни Ариананинг жавоҳири сифатида таърифлайди. Бактрияликларга эса кўплаб муаллифлар “кўп сонли”, “жанговор”, ва “ботир” халқ сифатида бир хил тавсиф берадилар. Мамлакатда мустаҳкамлиги сабабли “забт этиб булмайдиган” кўплаб жойлар, шу жумладан, пойтахт Бақтра (Балх) бор эди.

Геродот аҳамонийлар подшоси Кир Мидиянинг бўйсундиргандан сўнг унинг йўли устида Вавилон, Бактрия халқи, саклар-массагетлар конфедерацияси Миср ёки Бобил сингари энг йирик давлатлар билан бир каторда турган. Афтидан, Бактрия таркибига, бир мунча вақт Марғиёна Суғд ва ҳатто Арея ҳам кирган ва бу археологик топилмалар томонидан тасдиқланган.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг жанубида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Қадимги Бактрия ҳудудидан ўттиздан зиёд Аҳамонийлар даврига оид манзилгоҳлар очилган. Уларнинг ҳар бирида ўзлаштирилган майдонлар ва суғориш тартибидан ташқари турар жойлар ва хўжалик хоналари, меҳнат ва ҳарбий қуруллар, кулолчилик буюмларининг қолдиқлари мавжуд эди.

Қадимги Бактрия аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Кучуктепа, Қизилтепа, Қизилча, Бандихон, манзилгоҳидан кўплаб меҳнат қуруллари-ўроқлар, ёруғчоқ ва деҳқончилик далолат бериб, деҳқончилик асосан сунъий суғоришга асосланганлигини кўрсатади.

Бактриянинг пойтахти қадимги Бақтра (ҳозирги Балх) шаҳрида қазилган ишлари олиб борилиб, у ердан топилган кулолчилик буюмлари кўхна шаҳар энг қадимги қатламлари милоддан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталарига оид эканлигидан далолат беради.

Жуда кўп ўтроқ манзилгоҳлари ва улардаги топилмалар вилоятда аҳоли кулолчилик, темирчилик, бронза қуйиш, тўқимачилик, шунингдек суғорма деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлигидан далолат беради.

Худди шу даврда Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд бўлган давлат қадимги Хоразм давлатидир. Бу давлатнинг ҳудуди ҳақида 2 та назария мавжуд:

Кичик Хоразм. Унинг ҳудуди С.П.Толстов фикрича Амударёнинг ўрта оқимида то Орол денгизгача бўлган ерлардан иборат (яъни ҳозирги Хоразм вилояти ерлари).

Катта Хоразм – Амударёнинг қуйи оқими бўйидаги ҳамда Мурғоб дарёси бўйидаги ерлар, шунингдек, Парфия подшолиги (ҳозирги Туркменистон) ерлари. Катта Хоразм давлати унинг ҳудудлари ҳақида Геродот маълумот беради: “Осиёда ҳамма томони тоғлар билан ўралган текислик бор. Бир вақтлари бу текислик Хоразмийларга қараган” Шунинг билан бирга Геродот шарқий Эрон қабилаларини бирлаштирган катта давлат уюшмаси- “Катта Хоразм ҳақида тахмин қилади”. “Катта Хоразм” давлати Хоразмнинг ўзини ҳудудигина ўз ичига олмасдан унинг маркази Марв ва Ҳиротгача чўзилган бўлган. Ҳали Геродотгача ҳам “Катта Хоразм” тўғрисида маълумот берган яна бир грек муаррихи, бу Грециянинг Мулет шаҳридан бўлган Гекатейдир (эрамиздан олдинги 500 йилларга яқин). У ҳам бир қисми Парфияликлардан Шарқий томондаги текисликлардир, иккинчи қисми тоғли ерлардан яшаган Хоразмийлар тўғрисида эслатиб ўтади.

Хоразмликлар ўзларининг заргарлик, кулолчилик, қурулсизлик, қирувчилик ҳунарлари билан машҳур бўлганлар. Шунингдек, улар устаси фаранг деҳқонлар бўлишган. Хоразм шаҳарларида савдо-сотиқ ривожланган бўлди.

“Хоразм” сўзи ва хоразмликлар тўғрисида илк ёзма манбалар, қадимги юнон тарихчилари милетлик гекатий (эрадан олдинги VII асрнинг охири-VI асрнинг бошларида яшаб ўтган) ва “тарихнинг отаси” деб ном қозонган Геродот (эрадан олдинги V асрларда) асарларида илк бор учрайди. Бу тарихчиларнинг гувоҳи беришича, ўрта ва қуйи Амударё минтақасида бешта йирик қабилалардан иборат қабилалар иттифоқи мавжуд бўлган, бу қабилалар дербиклар, сақораваглар, хорасмия, хаумварага, саки ва сиан қабилалари деб аталиб, иттифокнинг марказида ўртоқлашган маданиятга эга бўлган хорасмия қабиласи турган.

Атоқли олим С.П.Толстов “Хоразм-Хвари-замин-Хварри қабиласининг ери, деган маънони билдиради дейди. Б.Греков “Хоразм” сўзи икки қисмга бўлади: “хур-замин, хур-хуршид-офтоб-қуёш, замин-ер, яъни “Хоразм” қуёш ўлкаси деган маънони берилади, дейди. Олим шу мулоҳазасини тасдиқлаш учун “Хуросон” сўзини ҳам иккига ажратиб, хур-осон кун чиқадиган томон, яъни шарқ деган маънони билдиради, дейди.

Хоразм сўзининг асл маъносини тушунтиришга, унинг қадимий маданиятини ёритишга машҳур араб сайёҳи Ёкут Ҳамавий ва буюк шарқшунос олим В.В. Бартольд ҳам ҳаракат қилганлар.

Ёкут Ҳамавий ўзининг ўлмас асари “Маъжам ал-булдон” (“Мамлакатлар луғати”) асарига Хоразм ва унинг шаҳар, қишлоқлари ҳақида ўз даврига нисбатан тўлиқ ва қимматли маълумотлар беради. Жумладан, “Хоразм” сўзи ҳақида бундай дейди: “Хоразм бу муайян бир шаҳарнинг номи эмас, балки ўлка номидир. Унинг катта шаҳари ал-Журжония деб аталади”

Ёкут Ҳамавийнинг бу фикридан “Хоразм” сўзи маълум ҳудуд номи билан боғлиқ, деган фикрига келиш мумкин. Шунингдек “Хоразм” сўзининг келиб чиқиши тарихи ва мазмуни ҳақида гап кетганда шуни қайд этиш зарурки, бу масалада Эрон тилларининг ҳам таъсири бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Академик В.В. Бартольд ўз ижодида Ўрта Осиё халқларининг тарихини, жумладан, Хоразм тарихини ўрганишга салмоқли ўрин берган. У Хоразм сўзининг этимологияси ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: “Беруний келтирган календарь терминлар, байрам номлари ва бошқалар бир вақтлар Хоразмда Эрон диалектида гаплашилгани ҳақида баъзи бир тасаввурлар беради. Масалан, “Гау ховара” сўзи Гау-сигир, Ховара-ем, емиш маъносида келади”. Бу фикрлардан қайси бири ҳақиқий эканини айтиш кейин албатта қадимги Хоразм тарихини ёритишга йирик ўзбек археолог олимлардан академик Яхё Ғуломович Ғуломов самарали ҳисса қўшган. У ўзининг “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” асарида милoddан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи чорагида Хоразмда катта сув иншоотлари қурилиб, шаҳарлар ҳаёти барқ ургани ва мустақил Хоразм давлати гуллаб-яшнагани ҳақида ёзади. Ўтмишдаги кўпгина тарихчилар Хоразмда истехкомлари бор шаҳарлар мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумот берадилар. Хусусан тарихий манбаларда Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот (ҳозирги Беруний шаҳри), Гурганж (Кўҳна Урганч), Хива, Ҳазорасп ва бошқа шаҳарлар ҳақида маълумотлар бор. Археологик қазилмалар жараёнида Хоразм ҳудудида топилган ва ўз ҳажми, ишланиш санъати билан кишини ҳайратга солувчи қалъалар, саройлар ва бошқа иншоотларнинг жуда кўп харобалари бу маълумотларни яна бир қарра тасдиқлайди.

Хоразм ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар ва тарихий манбалар шундан далolat берадики, бу қадимий тупроқда кишилар анча илгари ўтроқ ҳаётга ўрганиб, давлат барпо қилганлар.

Юқорида эслатилган вилоятлардан ташқари Суғдиёна (Қашқадарё ва Зарафшон воҳалари), Марғиёна (Мурғоб дарёси воҳаси) каби йирик давлат уюшмалари ҳам бор эди. Бу вилоятларнинг аҳолиси ўтроқ ҳаёт кечириб деҳқончилик, уй чорвачилиги ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Марказий Осиёда энг қадимги давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши жуда муҳим масаладир. Давлат тузими вужудга келишини ёритиб берадиган асосий ёзма манба “Авесто” ва қадимги дунё муаллифлари қолдирган маълумотлардир.

Милоддан аввалги VI—IV асарларда эрончилик Сўғуда деб аталган давлат ҳақида форс подшолари ёзувлари, юнон-рим тарихчиларнинг асарлари маълумотлар беради. Аҳмонийлар даврида Сўғдиёнада (Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари) кўплаб шаҳар ва қишлоқлар бўлиб, улар форс подшоларига катта-катта солиқлар тўлаб турардилар. Археологик тадқиқотлар натижасида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидан милоддан аввалги VI—IV асрларга оид Узунқир, Ерқўрғон, Даратепа, Сангиртепа, Лолазор, Хўжабўстон, Афросиёб, Қоровултепа, Қўрғонча каби 50 дан зиёд кўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар очиб ўрганилган.

Сўғдиёнанинг пойтахти бўлган Афросиёб (Самарқанд) кўҳна шаҳри XX асрнинг 40-йилларидаёқ очилган эди. Афросиёбда милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида аҳоли яшаганлигининг излари жуда кўп. Кўҳна шаҳар аҳолиси асосан хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Афросиёб атрофидаги аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, душман ҳужум қилган пайтларда улар чорва молларини ва мол-мулкларни қалъа ичида сақлаганлар.

Афросиёб шаҳар ҳаётининг ривожланиши Сўғдиёна ва бутун Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг юксалиши ва инқирози билан мувофиқ тарзда кечган, чунки Самарқанд ўша давр мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг муҳим маркази эди. Самарқанд жаҳон савдо ва маданий марказларидан бири сифатида ўз мавқеини тўла даражада, лекин узилишлар билан ўрта асрларда ҳам сақлаб қолди.

Сўғдиёнанинг “иккинчи пойтахти” бўлган Ерқўрғон (Қашқадарё) тадқиқотлари дастлаб М.Е.Массон томонидан бошланиб, кейинчалик унинг шогирдлари томонидан давом эттирилади. Милоддан аввалги VI—IV асрларда умумий майдони 40 гектарга яқин бўлган маъмурий марказ Ерқўрғонни кўпчилик тадқиқотчилар Юнон-рим тарихчилари томонидан эслатилган Ксениппа вилоятининг марказий шаҳри деб ҳисоблайдилар. Ерқўрғон кўҳна шаҳридан топилган моддий маданият буюмлари аҳолининг деҳқончилик, хунармандчилик ва чорвачилик билан шуғулланганидан далолат беради.

Сўғдиёна ҳаётида деҳқончилик катта аҳамият эга эди. Шуниси муҳимки, деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб бу ҳақда ёзма манбалардан маълумотлар олишимиз мумкин. Страбоннинг ёзишича, Политимен (Зарафшон) дарёси воҳадаги энг катта сув манбаи бўлиб, суғориладиган ерларга каналлар орқали сув чиқарилган.

Қишлоқларнинг ривожланиши натижасида шаҳар кўринишидаги манзилгоҳлар ва шаҳарлар пайдо бўла боради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Афросиёб, Ерқўрғон, Хўжа-Бўстон, Узунқир Сўғдиёнадаги асосий марказлар бўлиб, бу кўҳна шаҳарларда хунармандчилик ва савдо-сотиқ айниқса ривожланиб борган.

2. Аҳмонийларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши озодлик кураши.

Милоддан аввалги VI аср ўрталарида Ахманийлар давлатига (мил авв.558-330 йй) қадимги форс қабилалари иттифоқи бошлиғи Кир¹ асос солган. Хинд дарёсидан Эгей ва Ўрта денгизгача бўлган ораликдаги Осиё мамлакатларини шунингдек Миср, Мидия, Болкон ярим оролининг бир қисмини босиб олади. Кир Ўрта Осиё ерларига юриш қилишга махсус тайёргарлик кўради. Кирнинг Ўрта Осиёга биринчи ҳарбий юришлари мил. Ав. 545-539 йилларни ўз ичига олади. Унинг Ўрта Осиёга иккинчи юриши 539-530 йилларни ўз ичига олади. Туроннинг табиатдан эркесвар, юртпарвар халқлари ўз она юртларини мардоновор ҳимоя қилади. Бу эса Кир¹ нинг қайта-қайта бу ҳудудга катта қўғшин билан бостириб келишга мажбур этган. Ахамонийларнинг юришига доир маълумотлар Юнон ва Рим муаллифларидан Геродот Юстин, Страбонларнинг ёзувларида кўп учрайди. Эрон шоҳи билан массагетлар маликаси мард ва жасур аёл Тўмарис ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўзаро уруши яқунларига оид Геродот маълумотлари алоҳида эътиборга молик. Унинг таъкидлашича, “Менинг билишимча бу жанг барча жанглардан ҳам даҳшатлироқ эди. Аввал иккала қўшин бир-бирларига узоқ масофадан туриб камондан ўққа тутдилар. Камон ўқлари тугагач, икки душман кучлар найза ва қилич билан курашдилар. Жанг узоқ вақт давом этди. Кўп қон тўкилди. Ниҳоят массагетлар ғалаба қозондидилар. Форс қўшинларининг катта қисми, жумладан, Кир ҳам жанг майдонида ҳалок бўлди”. Маълумотларнинг сўнгида Геродот “Кирнинг ўлими ҳақида кўп ҳикоялари орасида, менимча, бу энг ишончлисидир”, дея хулоса чиқаради. 200 минглик катта жанговар қўшин тузиб Тўмарис юртига келган Кир 2 ҳарбий маҳоратда тенгсиз бўлган массагет қабилаларини очиқ жангга енгитиш қийинлигини ҳис этиб, турли найранглар ишлатишга уриниб кетди. Шу мақсадда Тўмарис ҳузурига элчилар юбориб, унга уйланмоқчи эканлигини билдиради, лекин бу найранги натижасиз чиқади. Кир 2 шундан сўнг яна хийла ишлатиб, Тўмариснинг жасур ўғли Спаргалисни асирга олади ва оқибатда у ўзини ҳалок этади. Ягона фарзандидан айрилган она нафрати, бунинг устига эл юрт озодлигини ҳар нарсадан аъло билган Тўмарис Кир қўшинига қарши жангга тайёргарлик кўради. Бутун вужуди била массагетлар ғарнимларга қарши жанг бошлайди ва массагетларнинг ғалабаси билан яқунланади. Кир ҳам жангга ҳалок бўлади бу милоддан авв. 530 йилга тўғри келади.

Ахомонийлар шоҳи Даро¹ (522-486) даврида Турон ҳудудлари босиб олинади. Тарихий маълумотлар бўйича Даро¹ 519-518 йиллардаги ҳарбий юришлар давомида сак қабилаларини қийинчилик билан енгитиб, итоатга келтирган. Эрон ахамонийларига қарши Ўрта Осиёнинг Парфия, Марғиёна ҳудудларида Саклар ўлкасида кўплаб халқ қўзғолонлари бўлган. Эрон ҳудудидан топилган Бехистон ёзувларида мил. авв. 522 йилда Марғиёнада кўтарилган кучли халқ қўзғолонларига Фрада деган шахс етакчилик қилишган. Доро¹ кўшини қўзғолончилардан ўч олишади, 55 минг қўзғолончи қатл этилади, 7 мингга яқин киши асир олинади. Фрада ҳам қўлга олиниб қийноқ билан ўлдирилади. Қадимги давр муаллифи Полиен, жасур Широқ образи билан сакларнинг ахамонийларга қарши қаҳрамонона

курашини ҳикоя қилади. Буларнинг барчаси маҳаллий халқларнинг ажнабий босқинчилар зулмига бўйин эгмай ўз эркинлиги учун тинимсиз кураш олиб борганлигини кўрсатади. Мил. авв. 4 асрга келиб Эрон Ахамонийлари ҳокимияти кучсизланиб, заифлашиб қолади. Бундай шароитда Хоразм биринчи бўлиб ўз мустақиллигини тиклайди. Уста дипломат мохир сиёсатчи Фарасман мил. авв. 4 асрда Хоразм мустақиллигини қўлга киритиб, уни мустаҳкамлай бошлади. Ўлканинг бошқа ҳудудларида ҳам озодликка чиқиш кучайиб, қаттиқ кураш ҳаракатлари кенг авж олди.

Кўпгина манбаларнинг маълумот беришича, Ўрта Осиёнинг катта қисми Ахамонийлар давлати таркибига кирган. Булар, Мидия, Элам, Парфия, Бактрия, Сўғдиёна, Хоразм, Сака Хамуварка, Сака Тиграхауда ерлари кирган. Геродотнинг айтишича, Доро 1 ахамонийлар давлатини 20 та ўлкага бўлган.

Ахамонийлар даврида Ўрта Осиё халқларининг асосий машғулоти деҳқончилик эди. М. Авв. 6-4 асрларда Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна ва Фарғона воҳаларида кўплаб шаҳар ва қишлоқлар бўлган. Йирик шаҳарлар Афросиёб, Кўктепа, Узунқир, Ерқўрғон, Қизилтепа, Кўзалиқир қалин ва мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўралган бўлиб, улар вилоятлар ва деҳқончилик туманларининг маъмурий ва иқтисодий марказлари вазифасини бажарганлар. Шаҳарларда кулолчилик, темирчилик, бронза қуйиш, тўқимачилик ва савдо сотиқ ривожланган. Бу даврда Ўрта Осиёда Оромий ёзуви тарқалади. Оромий ёзувидан 4 та маҳаллий ёзув ажралиб чиқди. Бу парфия, сўғд, бактрия ва Хоразм ёзувлари бўлиб, Ўрта Осиё ҳудудида араблар келгунга қадар сақланиб қолди. м. авв. 6-4 асрларда хунарманчилик ва савдо сотиқ муносабатларининг ривожланиши натижасида Ўрта Осиё халқлари илк марта зарб қилинган танга пуллар билан танишдилар ва муомала қилдилар. Ўрта Осиё ҳудудидан ахамонийлар пул тартибига оид тангалар топилган.

4. Юнон-Бактрия, Парфия, Сўғдиёна, Қанг ва Давон давлатлари. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

Маҳаллий халқларнинг мустақиллик учун тўхтовсиз курашлари сабаб милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида бошлаб Бактрия давлатлари салавкийлар давлатидан ажралиб мустақил бўлдилар.

Шундай қилиб Ўрта Осиёни грек-македонлар томонидан босиб олишини бу ерда эллинистик давлат деб тарихда ном олган давлатни тузилишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам Искандарнинг юриши ва салавкийлар ҳукумронлиги даври миллий давлатчилигимизни ривожланишида антик (қадимги) ёки эллинистик давр деб аталади.

Милоддан аввалги 250 йиллар арафасида Бактрия ҳукмдори Диодот ўзини салавкийлар давлатидан мустақил қила бошлади. Бироқ у салавкийлар давлати билан алоқани дарҳол узмади ва ўзининг фаолиятида салавкийларга қарашлигини юзаки бўлсада кўрсатиб сиёсат юргизди. Бироқ унинг ўғли Диодот II ўзини салавкийлардан мустақил подшо деб эълон қилди. Шу тариқа Бактрия эпархияси (сатраплиги) ўрнида Юнон-Бактрия подшолиги вужудга келди. Бу подшолик 100 йилдан ортиқроқ ҳукм сурди. (милоддан

аввалги 250-140 ёки 130 йиллар). Унинг ҳудудига Суғд, Бактрия, Мирғиёна ерлари ҳамда Паркана ва Чочни бир қисм ерлари кирган.

Юнон-Бактрия давлатида Диодот II дан кейин евтидем Деметрий (милоддан аввалги 199-167 йиллар) Евкратитлар ҳукмронлик қилади. Булар даврида ўзаро урушлар кўчайди.

М.Евратит даврида Сўғд, Юнон-Бактрия давлати таркибидан чиқиб кетади.(милоддан аввалги 160 йилларга яқин) ва кейинчалик Хоразм таркибига киради. Ҳудди шу вақтда Парфия подшоси Митридат I Бактрияга қарши уруш бошлайди. Евкратитни ўзи эса Хиндистонни шимолий қисмини бўйсундириб келаётганда ўз ўғли Галиак томонидан ўлдирилади.

Шундай кейин аста-секин Юнон-Бактрия подшолигининг инқирози бошланди (милоддан аввалги II аср ўрталарида)

Кучсизланиб қолган Юнон-Бактрия давлатига Ўрта Осиёда яшовчи кўчманчи қабилалар-юечжейлар милоддан аввалги 140 ва 130 йиллар ўртасида, ҳужум қилиб, уни ағдарди. Умуман олганда юечжейлар Ўрта Осиёда юнон-македонлар ҳукмдорлигини таг-томири билан ағдариб ташладилар. Милоддан аввалги II асрнинг охири чорагида Амударёнинг шимолидаги ҳудудларининг барчаси юнон ҳукумдоридан озод этилди. Милоддан аввалги. I асрнинг ўрталарида энг охири Юнон-Бактрия давлати ерлари юечжейлар томонидан босиб олинган ва йўқ қилинган эди.

Паркана давлати (Давон). Мил. авв. II-I асрлар Хитой манбалари кенг, бой ва кўп аҳолили деб эслатилган Довон давлатини тадқиқотчилар қадимги Фарҳона деб ҳисоблайдилар. Мил. авв. III асрларда бу давлат “Довон”, кейинроқ эса “Бохан” ва “Полона” номлари билан эслатилади. “Полна” бу, шубҳасиз “Фарғона”нинг хитойгача талаффуз этилишидир. Хитой маълумотларига кўра мил. авв. II асрда Фарғонада 300 минг аҳоли яшаган. Воҳада шаҳарлар кўп бўлиб, пойтахти Эрши шаҳри (ҳозирги Марҳамат) эди. Қадимги фарғоналиклар ҳақида: “одамлари чуқур кўзли ва серсоқол; савдо-сотикда моҳир, хотинларни ҳурмат қилади. Хотиннинг айтганини эри албатта бажаради”, -деб маълумот беради.

Довон қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган мамлакат эди. Деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли арпа, шоли, беда каби турли экинлар экканлар. Шунингдек улар узумчилик ҳам қилганлар. Винони катта сопол хумларда узоқ йиллар сақланиш ҳам билганлар. Хитой сайёҳи Чжан Цзянь (мил. авв. II аср) маълумотларга кўра “Довон мамлакатада ҳамма жойда узумдан вино қиладилар. Бадавлат оилалар винони жуда кўп миқдорда захира қиладилар ва бу вино ўнлаб йиллар давомида бузилмай сақланади”. фарғона водийсида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу маълумотларни тасдиқлайди.

Чжан Цзянь Довондан олган таассуротлари ҳақида гапирар экан, уларнинг маданий савияси, урф-одатлари жиҳатдан бир-бирларига тенг эканликларини кўрсатади. Демак, хитой сайёҳи Фарғонада ҳам ўтроқ аҳолини учратган ва бу аҳолининг деҳқончилик соҳасида эришган ютуқлари уни ҳайрон қолдирган. Деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли билан бир қаторда, Фарғонанинг чўл ва дашт ҳудудларида кўчманчи чорвадор

аҳоли ихам яшаган. Манбалар бу кўчманчиларнинг от устида туриб камон отишга жуда моҳир эканликлари ҳақида эслатиб ўтади.

Ўша даврда Довон давлати ўзининг “афсонавий” ва “самовий” отлари билан шуҳрат қозонган. Довон арғумоклари мамлакатдан ташқарида ҳам, айниқса Хитойда жуда ҳам кадрланган. Хитойликлар Фарғона отларини илоҳийлаштириш даражасига бориб етганлар.

Мил. авв. II асрнинг охирлари Хитой императорлари Довонни босиб олишга ҳаракат қиладилар. Довон халқи босқинчиларга қарши узоқ муддатли оғир урушлар олиб борди. Мил. авв. 104-101 йилларда Хитой императорининг 60 минг кишилиқ кўшини Довонга бостириб киради. Манбаларга қараганда “Бир неча ўн минг кишилиқ хитойлик ёш жангчилар” бу кўшинга ёрдамчи куч сифатида қўшиладилар. Дастлабки ҳужум Хитой императори кўшинларининг мағлубияти билан якунланади. Хитой кўшинлари ўтиб бўлмас истехкомга айлантирилган Довон қалъалари қарашлигини синдиришга ожизлик қиладилар.

Милоддан аввалги 101 йилда кўп минг кишилиқ император кўшинлари Довонга иккинчи марта юриш қиладилар ва Эрши шаҳрини қамал қиладилар. Уларнинг бу сафарга ўрин ишлари ҳам муваффақиятсиз аҳолиси бўйсунитишни хоҳламагач, хитойликлар шаҳарга келадиган сув йўллариини беркитиб кўядилар. Шаҳар аҳолиси эса ўзлари қазиган қудуқлардан сув олиб, химояни мардонавор давом эттирадилар. Шундай шароитда Довоннинг ўша пайтдаги ҳукмдори Муғва кўшни давлат ҳукмдорлардан ёрдам сўрайди.

Қаттиқ қаршиликка учраган хитойликлар Довондан чекинишга мажбур бўладилар. Лекин Довонга “самовий” арғумоклар бериш мажбуриятлари кўядилар. Бу мажбуриятни бажариш борасида довонликлар орасида низо чиқади ва натижада Муғва ўлдирилади. (афтидан у хитойликларга солиқ тўлашга қарши бўлган бўлса керак).

Хитойликлар бир неча ўн “самовий” арғумок ва 3 мингта бошқа отларни олиб Довонни ташлаб чиқади.

Шундай қилиб, кўшни давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган Довонликлар мил. авв. II асрда Хитойликлар таъсирига тушмасдан ўз мустақилликларини сақлаб қолдилар. Довон давлатининг кейинги тақдири ҳақида маълумот деярли йўқ. Айрим ривоятларга кўра милодимизнинг II асрида бу давлатни кўчманчилар эгаллаган.

4. Кушонлар салтанати ва унинг Ватанимиз халқлари тарихида тутган алоҳида ўрни.

Кушон давлатининг пайдо бўлиши узоқ вақт олимлар орасида катта илмий мунозараларга сабаб бўлиб келганлар. Бу афсонавий туюлган подшолик тарихини ўрганиш ўтган асрдаёқ бошланган эди.

Ўтган асрда Лондон ва Париж, Вена ва Петербург тангашунослари кўлига баджаҳл ва серсоқол Шарқ подшолари ва антик давр худолари тасвирлаган тангалар туша бошлади. Уларда юнон алифбосида, номаълум тилда ёзувлар ёзилган эди. Шунингдек, инглиз офицерлари, врачлар ва саёҳатчилар Ҳиндистоннинг Шимоли-ғарбий районларидан антик даврга оид

шарқий услубда ишлаган ҳайкалчалар ва турли буюмлар топиб ола бошлайдилар.

Мил. Авв I асрга келиб Катта Юечжи уюшмасидаги бешта ҳокимликда Гуйшуан (Кушон) ҳокимлиги анча кўчайиб ва худди кенгайиб борди. “Сўнги Хан сулосаси тарихи” (Хитой) маълумотларга кўра, “Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю қолган тўртта ҳокимликни бирлаштириб ўзини Гуйшуан ҳокими деб эълон қилинди”.

Киоцзюкю (Кудзула Кадфиз) ҳамма мулкларни бирлаштириб, Қобулистон ва Қандахорни забт этади. Милодий I аср бошларига келиб Кушон давлати ўз аҳамиятига кўра антик давр Хитойдаги Хан давлати, Парфия подшолиги, Рим салтанати билан рақобатлаша оладиган қадимги дунёнинг энг қудратли ва забардаст давлатларидан бири сифатида ташкил топди. Хитой манбаларидаги “Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю”, илк кушон даврига оид топилма тангаларда акс эттирилган “Кушон подшоси Кудзула Кадфиз”га айнан мос тушади.

Кудзула Кадфиз ёки Кадфиз I ўз подшолик сиёсатини ҳокимият ерларини кенгайтириш билан бошлайди. Унинг даврида Кушон давлати ерлари анчагина кенгайди. Кадфиз I ҳукумронлик қилган давр Кушон подшолиги ҳақида тангашунослик тадқиқотлар орқали бирмунча маълумотлар олиш мумкин. Баъзи бир гуруҳ тангалар борки, уларнинг бир томонида энг сўнги Юнон-Бақтрия подшоси Гермей тасвири туширилиб, унинг номи ёзилган, иккинчи томонида эса, Геракл сиймоси ва “ўз ишончига катъий кушонлар ёбғуси Кужула Кадфиз” деган сўзлар бор.

Текширувлар шуни кўрсатадики, кейинроқ Кадфиз I ўз номини “ёбғу”дан “шоҳлар шоҳи” фахри унвонига кўтариб тангалар зарб этади. Яна бир гуруҳ Марказий Осиёдан (кўпроқ Тожикистондан) топилган тангаларда “шоҳлар шоҳи, буюк халоскор” деган ёзув учрайди. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, бу тангаларни Кадфиз I зарб қилган.

Кудзула Кадфиздан сўнг тахтга унинг ўғли Вима Кадфиз (Кадфиз II) ўтиради. У мамлакатда пул ислоҳоти ўтказиб олтин тангалар зарб қила бошлайди. Шунингдек Кадфиз II Ҳиндистоннинг бир қисмини Кушон давлатга қўшиб олади ва Рим салтанати билан алоқалар ўрнатади.

Кушон подшолари ичида энг машҳури Канишка ҳисобланади. Унинг ҳокимлик даврида Кушонлар салтанати янада гуллаб-яшнади. Канишка даврида Панжоб, Кашмир вилоятлари мамлакатга қўшиб олинган. Мамлакатнинг пойтахти эса Пешовар (Афғонистон) атрофида эди.

Мамлакатнинг худуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, марказий Осиёдаги кўпгина вилоятлар, Шарқий Туркистондан иборат эди. Сюань Цзяннинг ёзишича, “Канишка подшолик қилган даврда унинг шон-шухрати кўшни мамлакатларга ёйилди. Мамлакатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик томондан тан олинди. Хитойнинг ғарб томонидагилар ҳам Канишканинг ҳокимиятини тан олиб, ўнга ўз гаровга қўйилган одамларидан юборилган эдилар”.

Канишка даврида зарб этилган тангаларда Будда худоси, зардуштийлар худолари Вурутрагна, Анахити, Митра ва бошқаларни учратиш мумкин.

Айнан шу даврда зарб этилган тангаларда юнон алифбосидаги Бактрия тилида ёзилган тангалар (Европа тадқиқотчиларини хайратга солган тангалар) зарб этила бошланди. Канишка даврида Кушонлар давлатида буддийлик динига катта эътибор берилди (Канишканинг ўзи ҳам шу динда эди). Бактрия тилининг аҳамияти янада ошди. Ҳунармандчилик ва савдо юқори даражага кўтарилди. Кушон давлати ўзининг энг ривожланган чўққисига кўтарилган. Ҳинд манбаларининг маълумотларига қараганда, Кушон давлатига Канишкадан сўнг Васишка подшолик қилади. У ва Васудева подшолиги даврида қудратли кушонлар салтанати инқирозга учрай бошлайди.

Кушон подшолиги давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга назар ташласак, бу даврдаги йирик шаҳарлардан бири Термиз шаҳри эди. Термиз асосан Кушонлар давридаги юксак ривожланди. Бу даврда шаҳар Ҳиндистон билан ғарб, шимол, шарқ мамлакатларни боғлайдиган савдо йўлларидаги йирик шаҳарга айланган. Шаҳарнинг майдони анчагана катта бўлиб, унинг ҳудудидан Қоратепа, Фаёзтепа каби Будда ибодатхоналари қазиб очилган. Улар ибодат қилиш жойи бўлиши билан биргаликда, ажнабий савдогарлар савдо-сотик қиладиган манзил ҳам ҳисобланган. Ибодатхоналар қошида турли ҳунармандчилик устахоналари бўлиб, улар фақат қоҳинлар эҳтиёжини қондирибгина қолмай, бозор учун ҳам хизмат қилган. Ибодатхоналарда кулолчилик устахоналарини топилиш шундай далолат беради.

Сўғдиёна, Фарғона ва Чочнинг Кушон даврига оид кўҳна шаҳар ва қишлоқлари яхши ўрганилмаган бўлса-да, бу ерларда ҳам катта-катта ўзгаришлар ва шаҳарлар ривожини кузатиш мумкин. Йирик шаҳарлардан бири Самарқанд эди. Сўғдиёнада ундан ташқари майда манзилгоҳлар ҳам кўп эди. Манзилгоҳлар мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўралган эди. Фарғона водийсида ҳам моддий маданиятининг ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Хоразмда кўпгина шаҳарлар ва манзилгоҳлар мавжуд эди. Шулардан бири Тупроққалъа кўҳна шаҳридир. Шаҳар тузилишига кўра тўғри бурчакли бўлиб, қалин деворлар билан ўралган. Шаҳар ўртасида тор кўча ўтган. Шаҳардан Кушон даврига оид кўплаб нарсалар топилган. Бу ерга подшо саройи очилган бўлиб, шаҳар деворларида ажойиб тасвирларни учратиш мумкин. Шунингдек, Тупроққалъадан Хоразм подшоларининг архивидан намуналар ҳам топилган.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Кушон даврида Марказий Осиёнинг деярли барча вилоятлари қишлоқ хўжалигини яхши ўзлаштириб олган эдилар. Текисликларда суғорма деҳқончилик билан биргаликда чорвачилик ҳам ривожланади. Бу давр Хоразмда, Зарафшонда кўплаб суғориш иншоотлари қурилди. Деҳқончилик қурулларида ҳам ўзлаштириш содир бўлди. Масалан Кушон даврига оид Талибарзу ёдгорликларидан (Самарқанд) ер ҳайдайдиган омоннинг темир учи топилган.

Тоғ этаклари ва тоғ олди воҳаларида бу даврда чорвачилик ривожланиб боради. Айниқса, Фарғона чорвачилик билан шуғулланувчи ярим кўчманчи аҳоли кўп эди. Уларнинг зотдор отлари қўшин давлатларда ҳам машҳур эди.

Хунармандчилик фақат йирик шаҳарларда эмас кичикрок манзилгоҳларда ҳам ривожланди. Айниқса, қурол-аслаҳа устахоналарида ҳарбий қуроллар яшаш ривожланди. Кушонлар даврида пайдо бўлган ва мураккаб тузилишга эга бўлган Марказий Осиё камони кейинчалик Эронда кенг тарқалди. Найзалар ёғочдан ясаларди. Ўқлар ва найза учлари темирдан ясаиб бир неча кўринишга эга эди. Учи учбурчакли ўқлар кенгрок ёйилган эди. Ҳарбийлар ханжар ва қиличлар билан қуролланар эдилар. Милоднинг бошларида Марказий Осиёда дудама қиличлар расм эди. Қурол-аслаҳалардан қалқон, жанг болтаси ҳам тақиб юриларди.

Кушонлар даврида савдо-сотиқ, ички ва ташқи савдо айниқса ривожланди. Савдо муносабатларининг ривожланишида “Буюк ипак йўли” нинг аҳамияти катта бўлди. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда “Буюк ипак йўли” милоддан аввалги III асрнинг охири – II асрларда шакллана бошлайди. Кўпчилик олимлар милоддан аввалги II асрда Марказий Осиёга келган Хитойлик сайёҳ ва савдогар, император саройи офицери Чжан Цзянни Хитойдан бу йўлни бошлаб берган дастлабки сайёҳ деб ҳисоблайдилар. Милоддан аввалги II асрнинг охирида Хитой кўшинлари Довон (Фарғона) ерларига бостириб кирдилар. Ўша даврдан бошлаб Марказий Осиё ва Хитой ўртасида савдо ва маданий алоқалар ривожланиб борди. Фарғона, Сўғд ва Бактрияга ипакчилик кириб келди. Карвон йўли ривожланиб борган сари савдо-сотиқ ишлари ҳам ривожланиб борди. Хитой савдогарлари Марказий Осиёга асосан хом ипак ва ипак матолари, Марказий Осиёлик савдогарлар Хитойга шиша буюмлар, қимматбаҳо тошлар, зеб-зийнат буюмлари ва бошқалар элтганлар.

Милоднинг бошларида қадимги дунёнинг илғор маданиятли давлатлари асосан тўртгача: ўрта ер денгизидаги Рим, Яқин Шарқдаги Парфия, Хитойдаги Хан давлати ва ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Марказий Осиёни бирлаштирган қудратли Кушонлар салтанатига бўлинар эди. Ғарбда Британ оролларида шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган бу тўртта забардаст салтанат инсоният тарихида биринчи бўлиб “Буюк Ипак йўли” деб номланувчи бир йўл билан боғландилар. “Буюк Ипак йўли” Хитойдаги Хан империяси пойтахтидан Кушон ва Парфия давлатлари ҳудуди орқали Ўрта Ер денгизининг шимолий қирғоқларигача чўзилди. Бу йўл туфайли кўп минглаб (умумий узунлиги 12 минг км.) километр масофадаги давлатлар ўзаро алоқа боғлашга еришдилар. Подшоларнинг ўзаро элчи юборишлари, бир-бирларига ҳар қил совғалар инъом этишлари анъанага айланди. Савдо-сотиқ ривожланди. Шарқ билан Ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кўчайди. Ўша даврдаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келди.

“Буюк Ипак йўли ” бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Бу йўлдан бораётган савдогарлар кўпинча йўлнинг охиригача бормас эдилар. Марказий Осиё вилоятлари бу йўлнинг ўртасида жойлашганлиги сабабли савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термиз ва бошқа жойларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қилар эдилар. Ўша давр Марказий Осиё бозорларида четдан келтирилган кўплаб маҳсулотлар

мавжуд эди-ки, hozirги кунда Ипак йўли устидаги кўхна шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги археологик қазилмалар натижасида топилаётган топилмалар фикримизни далиллариدير.

Рим манбалари, кейинроқ эса араб географларининг маълумотларига қараганда, Рим салтанатига Кушон давлатидан асосан темир ва темир буюмлар олиб кетилган. Хитойликларни эса асосан “узоқ ва оғир йўлларни босиб ўтишга қодир бўлган” Фарғонанинг отлари ҳайратга солган. Шунингдек, Хитойга жун ва жун газламалар, қўй териси, қуrollар ва қимматбаҳо тошлар сотилган. Ўз навбатида Хитойдан ипак турли Хитой газламалари чинни буюмлар келтирилган.

Кушон давлати ундан ташқари катта ва кичик вилоятлар, дашт ва тоғ олди кўчманчилари билан савдо-сотиқ муносабатлари олиб борган. Юқорида қайд этганимиздек бу муносабатларда “Буюк ипак йўли” нинг аҳамияти бекиёс бўлди.

Кушон даври ёки милодий I- III асрлар кўпгина Ғарб ва Шарқ маданий мамлакатлари билан қизғин иқтисодий, маданий ва сиёсий муносабатларда бўлган қудратли ва мустақил давлатнинг ҳар томонлама гуллаб яшнаган даври бўлди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу салтанат қулдорлик муносабатлари анча тараққий этган бир шароитда ҳаёт кечирган турли халқларнинг аралашмасидан иборат эди. Айни пайтда, кушон даврининг охирига келиб Марказий Осиёда қулдорлик тузумининг емирилишига сабаб бўлган олимлар пайдо бўла бошлайди.

Кушонлар ҳукмронлиги даври Марказий Осиё тарихида ўчмас из қолдирди ва катта аҳамиятга эга бўлди. Шарқ ва Ғарбга қатнаб турган элчилар ва қарвонлар билан бирга маданий анъаналар ҳам кириб келди. Бу анъаналар маҳаллий маданий жараёнлар билан аралашиб ўзига хос Кушон маданияти ва санъатининг пайдо бўлишга олиб келди. Кушон маданияти ўз навбатида қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятида чуқур из қолдирди.

Кушон даври маданияти. Кушон даври Марказий Осиё халқларининг моддий ва маънавий маданиятида жиддий ўзгаришлар бўлганлиги билан изоҳланади. Буюк Кушонлар салтанатининг тақдири, маънавияти нуқтаи назаридан аянчали тугади, яъни ўз даврида унинг тарихи ва маданияти деярли ёзилмаган. У ҳақда қадимги маълумотлар жуда кам, ёзув (эпиграфик) ёдгорликлар ҳам унчалик кўп эмас.

Маълумки Марказий Осиёда милoddан аввалги IV-II асрларда оромий ёзув асосида Хоразм, Парфия ва сўғд ёзувлари пайдо бўлади. Кушон даврига келиб улар сафига яна бир ёзув-Кушон (Бақтрия) ёзуви пайдо бўлади. 22 ҳарфдан иборат ва кўпгина тангаларда учрайдиган бу ёзув, олимлар фикрича, Канишка даврида пайдо бўлади. Тангаларда зарб қилинган миниатюра тасвирларда баджаҳл ва серсоқол подшолар сиймоларини, юнон, ҳинд, форс, Марказий Осиёнинг турли худолари ва улар исмлари, подшоларнинг номлари ва унвонлари юнон ва ҳинд алифбосида, маҳаллий тилда битилганини кўришимиз мумкин. Кушон тангалари маданиятнинг ўзига хос томонари ёзув, тил, диний қарашлар ҳақида маълум хулосалар чиқариш имкониятини яратади. Аммо, тангалар Кушон маданияти қай даражада

бўлганлиги ҳақида тўла маълумот беролмайди. Бунинг учун санъат ёдгорликларига мурожат этамиз: санъат ёдгорликлари дастлаб Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида кўплаб очилди ва бу туркум санъат ёдгорликлари “Қандаҳор ҳайкалчилик мактаби” деб номланди. Бу ҳудуддан жуда кўплаб санъат асарлари топилган бўлиб, бу асарларда буддийлик худолари, монархлар тасвирланган. Ундан сўнг кушон даврига оид буддийлик манзилгоҳлари Ходда ва Шотарака (Афғонистон), Буткара (Покистон)дан юзлаб ҳайкаллар топилиб, кушон маданияти ҳақидаги тасаввурлар бирмунча кенгайди. Аммо, Марказий Осиё Кушон даври маданияти қай даражада бўлган эди?

Марказий Осиёнинг жануби ва Шимолий Афғонистондаги археологик тадқиқотлар Юнон-Бактрия ва Кушон-Бактрия маданияти гуллаб яшнаганидан далолат беради. Дастлабки ёдгорликлар Айритом ва Кўҳна Термизда 30-йилларда очилиб, 60-йилларда давом эттирилди. Кейинчалик кўҳна Термиз яқинидаги Қоратепа буддийлик ибодатхонаси, Фаёзтепа, Ҳолчаён ва Далварзин кўҳна ўаҳарлари очилиб ниҳоят даражада юксак бўлган кушон маданияти бутун дунёга машҳур бўлди.

Айритом кўҳна шаҳридан топилган уйларнинг пештоғига ишланган тош тасвирлар (шарафа) асримизнинг 30-40 йилларидаёқ маълум эди. Бу пештоқларда гулларга бурканган, мусиқа асбоблари чалиб турган қизлар ва дўмбира чалиб турган болаларнинг тасвири туширилган. Қазималар натижасида ибодатхона ва иншоотларнинг меъморий жиҳатдан ниҳоятда моҳирлик билан барпо этилганини кўрамиз. Сурхандарё вилоятининг Девон ноҳияси пахта далаларининг бирида қачонлардир йирик шаҳар бўлган Ҳолчаён ёдгорлигининг қолдиқларини сақланиб қолган. Шаҳарнинг пайдо бўлиши мил. ав. I минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Ривожланиш жараёни Кушон даврига тўғри келиб, бу давлат инқирозга юз тутиш билан шаҳар ҳам емирила бошлайди. Қазиб олинга бино ичида I асрда қурилган, унчалик катта бўлмаган сарой алоҳида қизиқиш уйғотади. Саройда деворий расмлар яхши сақланиб қолмаган. Инсоннинг юзи ва ёмон сақланган қомати, гуллар тасвири бор ҳолос.

Лекин саройдаги бадий маданият намуналари кўплаб топилган. Ҳайкаллар лойдан ишланиб устки қисми бўялган. Ҳайкаллардан энг каттаси 2 метрга яқин бўлиб, кичик ҳайкаллардан ўнлаб топилган. Бу санъат асарларида подшо герай авлодлари тасвирланган (ҳайкаллар тангалардаги тасвирлар билан солиштирилган). Марказда тахтларда ўтирган подшо ва унинг хотини, уларнинг ўнг ва чап томонларида подшо оиласи аъзалари, хотинлар ва эркалар, шунингдек маҳаллий зодагорлар ва Геракл ҳамда Афиша ҳайкаллари жойлашган.

Термиз-Душанба катта йўлининг ўнг томонидан катта майдон бўлиб у ерга табиат ва вақт таъсирида емирилиб ттепаликка айланган кўрғон бор. Шаҳарнинг мустаҳкам деворлар, ҳоким саройининг харобалари, иморатлар қолдиқлари-булар йирик Кушон шаҳри қолдиқларидир. Бу Далварзин кўҳна шаҳари бўлиб, у Кушон давлатининг дастлабки пойтахти бўлган деган фикрлар ҳам мавжуд.

1972 йилги казишмалар пайтида бу ердан умумий оғирлиги 30 кг. дан ортиқ тилла буюмлар хазинаси топилган. Бу хазинада ҳаммаси бўлиб 115 та билакузук, халқалар, тўғалар, бўйин тақинчоқлари, олтин қўймалан бор эди.

Далварзин кўҳна шаҳидан унча узоқ бўлмаган жойдан жуда қизиқ ва ўзига хос қабр топилди. Бу қабрдаги кўмиш анъаналари буддийлардан фарқ қилган ҳолда, баъзи ҳолларда Марказий Осиё анъаналарига ҳам ўхшамайди. Сағаналарда уч хилдаги дафн мавжуд бўлиб, улардан охиригиси мил. ав. I- III асрлардаги зардуштийларнинг дафн анъаналарига тўғри келади. Далварзин сағанаси қабрлари ўзига хос гўзаллиги билан, дафн маросими иншоотининг барча меъморлик ўхшашликлари билан зардуштийлик дафн маросимларига мўлжалланган бўлиб, “зардуштийлик дунёси” майдонидаги энг қадимги дафн этиш жойидир. Тўғри, Хоразмда ҳам бу даврга оид эҳтимол бу даврдан ҳам илгарироқ даврларга оид қабрлар топилган, лекин улар даҳмалар эмас, уларда инсон суяклари сопол астодонларда кўмилган. Милоднинг I асрларига оид астодон қўйилган сағаналар Мавр ва Марғиёнадан топилган, Худди шу тарздаги қабрлар Эрон археологлари топилмаларида ҳам учраб, улар ҳам мил. ав I асрларга оиддир. Далварзин даҳмаси ноёб меъморлик иншооти, ўзига хос бўлиб, гумбаз шаклидаги хужра, нафис терилган пештоқли кириш жойи билан кушон даври Шимолий Бақтрия меъморлик санъатини акс эттирувчи иншоотдир.

4-Мавзу: Ўзбек халқининг этник шаклланиши. (2соат)

- 1. Ўзбек халқининг этногенези ва унинг тарихшунослиги.**
- 2. Ўзбек халқининг этник асосини ташкил этган Ватанимиз худудидаги уруғ қабилалар, элатлар, уларнинг ижтимоий маданий ҳаёти.**
- 3. Ўзбек халқи этногенезининг иккинчи даври (IX-XII асрлар)**
- 4. XV аср охири XVI аср ўзбек халқи шаклланишида муҳим босқич.**
- 5. Ўзбекистонда ҳозирги этник жараёнлар.**

1. Ўзбек халқининг этногенези ва унинг тарихшунослиги.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қайта тиклангач халқимизнинг ўз келиб чиқиши ва умуман этник тарихига бўлган қизиқиши янада ортди. Бу табиий ҳол. Республикамиз президенти И. А. Каримов такидлаганидек «Биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак».

Бугунги маъруза ўзбек халқининг этник шаклланишига бағишланган бўлиб, унда ушбу жараён босқичма-босқич кўриб чиқилади.

Ҳозир жаҳонда сони жиҳатидан катта-кичик, турли тилларда сўзлашувчи, турли динга эътиқод қилувчи ва ҳар хил ҳўжалик юритувчи икки мингдан зиёдроқ номлар билан аталувчи халқлар яшайди. Уларнинг халқ сифатида шаклланиши ҳам тарихнинг турли даврларига тўғри келади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, дунёда ҳеч бир халқ ўзини соф (тоза), аралашмаган деб даво қилаолмайди. Чунки, ҳар бир халқ узоқ тарихий давр

давомида турли элатлар билан алоқада бўлиб аралашиб, қоришиб борган. Ҳар бир халқ ўзининг этник тарихи, этгенези ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга интилади. Ҳар бир халқ даставвал уруғ жамоасига бирлашганлар. Сўнгра уруғлар бирлашиб қабилани, қабилалар бирлашиб эса элатни ташкил қилганлар. Этногенез (этнос юнон тилида халқ, генезис- келиб чиқиш) деб илгари мавжуд бўлган бир неча этник компонентлар асосида янги этноснинг вужудга келишига айтилади. Ўзбек халқи илдиз олган, унинг илк тарихий аجدодлари саклар, массагетлар, тохарлар, бахтарлар, хионийлар, усунлар қанғарлар, сўғдийлар хоразмийлар ҳақида кўплаб маълумотлар Б.А.Аҳмедов, М.Эрматов, М.Г.Ваҳобов, А.А.Асқаров, Ғ.Абдурахмонов каби тарихчи олимлар асарларида ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ҳақида масалалар турлича ўрганилади. Масалан, Б.Аҳмедовнинг бир қатор илмий асарларида ўзбек аجدодлари қадим замонлардан Ўзбекистон ҳудудларида яшаганликларини, ХУI асрнинг бошларида бу ҳудудга келиб ҳукмронлигини ўрнатган кўчманчи ўзбеклар ўзбек халқининг тарихий қисмидан бири бўлганлигини таъкидлайди. Шарқшунос олим ўзбек халқининг тўла шаклланган вақтини “Қорахонийлар даврида (10-11) асрлар ўзбек халқи тўла шаклланиб, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланади” деб таъкидлайди. Академик А.Асқаров бу масала бўйича манбаларга асосланган ҳолда ўзбек халқи этногенезининг биринчи босқичи эрамиз бошларида бошланган. Милодий 6 асрнинг иккинчи ярмидан ўзбек этногенезининг иккинчи даври бошланган, XIV-XV асрларда эса бу жараённинг янги тараққий этган даври деб таъкидлайди.

Ўзбек халқининг этногенетик муаммолари академик Б.Ғ.Ғофуровнинг “Таджики” номи билан рус тилида чиққан монографиясида “Ўзбек халқининг этногенез муаммолари” деган алоҳида банд ажратиб бу ишларида Ўрта Осиё минтақаларида туркий тилли қабилалар ва халқлар қадим замондан буён яшаб келмоқдалар, уларнинг кўчиб юришининг кучайиш даври 6 асрга(турк ҳоконлиги) даврига тўғри келади. Кўчиб келган чорвадор аҳоли вақт ўтиши билан ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланадилар ва сўғдийлар, хоразмийлар, сак-массагетлар билан аралашадилар. Бу жараённинг кучайиб бориши натижасида туркий тилда сўзлашувчи аҳоли сон жиҳатидан кўпаяди ва пировардда ўзбек халқи шаклланади. 11 асрда ўзбек халқининг шаклланиш жараёни янада юқори поғонага кўтарилди. Муаллиф, сомонийлар даврида туркий халқ Ўрта Осиё воҳаларида яшовчи аҳолининг талай қисмини ташкил қилганлигини таъкидлаб ўтади. Қорахонийлар даврида туркий қабилаларнинг ўтроқликка ўтиши ва маҳаллий тожик аҳолисининг туркклашиши туфайли Ўрта Осиёда туркий халқлар этник жиҳатдан бир мунча кўпайиши ва 11 асрлар давомида ўзбек халқининг алоҳида элат бўлиб шаклланиш жараёни ниҳоясига етиши ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдиради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё халқларининг этногенези ҳақида Б.Ғ.Ғофуров концепциясида айтилган фикрлар олдинроқ С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский ва бошқа олимлар томонидан кўтарилган фикр мулоҳазаларга монандлигини исботлайди.

Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуровларнинг биргаликда chop этилган “�збек тилининг тарихий грамматикаси” асарларида ўзбек халқининг шаклланиш даври 11-15 асрлар дейилган бўлса Ғ.Абдурахмоновнинг кейинги ишларида ўзбек халқининг шаклланиш ниҳояси 11-12 асрларга тўғри келади деб турлича фикр-мулоҳазаларни беради.

Сўзсиз, халқнинг чиқиб келиш илдизи жуда узоқ ва этногенезини катта тарихий давр ажратиб туради. Бу давр ичида маълум ҳудудда бир эмас бир неча этнослар ташкил топган. Илк элатлар доимий эмас, улар емирилиб, ўрнида бошқа элатлар вужудга келади. Марказий Осиёда бирин кетин-ташкил топган элатлар ҳам оз бўлмаган. Ўзбек элати ҳам шу ҳудудда шаклланади. Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўринадики, ўзбек халқининг этногенези масалалари бўйича олимлар ўртасида турли фикрлар мавжуд.

2.Ўзбек халқининг этник асосини ташкил этган Ватанимиз ҳудудидаги уруғ қабилалар, элатлар ва уларнинг ижтимоий-маданий ҳаёти.

Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, ўзбеклар Ўрта Осиёнинг қадимги халқларидан бири бўлиб, кўхна ва бой тарихга, юксак маданиятга эга халқ ҳисобланади. Демакки, ўзбек халқи миллат мақомини олгунга қадар узоқ этник жараёнларни босиб ўтган. Бу халқ аجدодлари уруғ, қabila, элат сифатида таркиб топиб, сўнгра миллат даражасига кўтарилган. Ҳар бир халқ даставвал уруғ жамоасига бирлашганлар. Сўнгра уруғлар бирлашиб қабилани, қабилалар бирлашиб эса элатни ташкил қилганлар. Кўплаб халқлар тарихнинг турли босқичларида қabila ёки элат даражасига кўтарилгач тарқалиб кетганлар. Бир қатор халқлар эса аста-секин миллат даражасига ривожланиб чиққан.

Уруғ, қabila, элат ва миллат этноснинг (халқнинг) тарихан таркиб топган этник бирликларидир. Шу ерда юқоридаги ҳар бир этник бирлик тушунчасига баътафсил тўхталиб ўтамыз.

Уруғ-кишиларнинг энг қадимги этник бирлигидир. У қариндошчилик асосида ташкил топади. Бир неча ота-онадан тарқалган авлодлар ўзаро уруғлар ҳисобланади. Кишилиқ жамиятининг ибтидоий гала давридан кейинги босқичи яъни қуйи полеолитдан юқори полеолитга ўтиш даврида уруғ жамоалари шаклланган. Уруғчилик қон-қариндошчиликка асосланган бўлиб, ҳар бир уруғ одамлари бир-бирлари билан хўжалиқ ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлади.

Қabila ҳам ибтидоий босқичга хос этник бирлиқдир. Қabila уруғга нисбатан йирик бўлиб, у бир неча уруғларнинг ўзаро бирлашувидан ҳосил бўлади. Қabila аъзолари ўртасидан қон-қариндошлиқ алоқаларининг мавжудлиги, уруғ ва бўғинларга бирикиши, муайян ҳудудга эгалиқ қилиши, қабилadoшлар орасидаги иқтисодий бирлиқ ягона қабилавий тили ва номининг мавжудлиги қабиланинг асосий белгиларидир. Қabila қabila кенгаши томонидан бошқарилган. Одатда қabila кенгаши уруғ оқсоқолларидан ташкил топган ва қabila бошлиғи томонидан бошқарилган.

Кишилиқ жамиятининг тобора тараққий этиб бориши ва синфий жамиятининг пайдо бўлиши билан ибтидоий босқичга ҳос этник бирлик-қабила тузуми ўз аҳамиятини йўқотади. Аммо қабила атамаси ва ўнга таълуқли бўлган баъзи хусусиятлар қолдиқ сифатида тарихнинг кейинги даврларида ҳам сақланиб қолган эди. Масалан, XIX аср-XX аср бошларида ўзбек халқининг таркибида қабилалар мавжуд бўлиб, улар уруғларга бўлиниш тартибини ва уруғ-қабила номларини (этнонимларини) сақлаб қолганлар. Сўзсиз, улар ибтидоий босқич қолдиқлари ҳисобланади.

Элат. Ибтидоий босқичнинг охирларида синфий жамиятга ўтиш арафасида, қабилалар орасидаги этник, хўжалиқ-маданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида бир қанча қабилалар бирлашадилар. Қабилаларнинг бирлашиш жараёнида этник бирликнинг янги тури вужудга келади. Бу этник бирлик маълум тарихий шароитида ҳудудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида шаклланди. Фанда ушбу этник бирликка нисбатан «элат» атамаси қўлланилади.

Хуллас, элат, қабила билан миллат орасидаги этник бирлик бўлиб, синфий жамиятга ҳос этник уюшмадир.

Миллат—этник бирликнинг элатдан кейинги шакли бўлиб, унинг шаклланиши элатнинг шаклланиш жараёни каби узоқ давом этадиган ижтимоий воқелиқдир. Миллат этник тарихнинг, элатнинг энг юқори чўққиси, камолот босқичи. Бу босқичга кўтарилган халқнинг тарихан таркиб топган давлати биринчидан миллат номи билан юритилади; иккинчидан унинг аниқ ҳудудий чегарасида муомалада бўлган умуммиллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилган; учинчидан давлат ҳудудининг бутунлиги ва чегарасининг дахлсизлиги тан олинади; тўртинчидан миллат ва ўнга ҳос менталитет шаклланган бўлиб, фуқороларнинг ўзлигини англаш даражаси уларнинг ҳаёт мазмунига кундалиқ турмуш тарзига айланади ва ниҳоят бешинчидан, давлат жамият томонидан бошқарилади. Миллатни тил, ҳудуд ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омиллардан бири иқтисодий негиздир. Бир сўз билан айтганда, миллат, шаклланаётган халқнинг камолот босқичидир.

Ўзбек халқининг энг қадимги аجدодлари Ўрта Осиё ҳудудида қадимдан истиқомат қилган халқлардир. Тарихий манбаларда Ўрта Осиёнинг энг қадимги халқлари ҳақида бир қанча маълумотлар сақланиб қолган. Бунга кўра Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси суғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканлар, чочликлар номи билан юритилган. Ўрта Осиёнинг бепаён чўлларида ҳамда тоғли районларида эса бу даврларда шак, массагет, тохар ва бошқа этник номлар билан аталувчи кўчманчи чорвадор халқлар яшаганлар. Юқорида номлари келтириб ўтилган халқларнинг бир қисми яъни суғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканлар, чочликлар асосан ўтроқ ҳолда яшаб деҳқончилик ва хунармандчилик билан машғул бўлганлар. Улар қишлоқ ва шаҳарлар барпо этганлар.

Бошқа бир қисми эса яъни шаклар, массагетлар, тохарлар ва шу каби чўл аҳолисининг асосий хўжалиги чорвачилик бўлган.

Воҳаларни ўраб олган чўл зоналарида истиқомат қилган ушбу чорвадор Аҳоли Аҳмоний битикларида шаклар деб аталган. Юнон манбаларида эса улар скифлар деб юритилади. Асосий хўжалиги чорвачилик бўлган бу аҳоли «Авесто»да турлар деб аталиб, уларнинг юрти Турон деб юритилган.

Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолисининг бир қисми эроний, яна бир қисми эса туркий тилда сўзлашганлар.

Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган суғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканлар, чочликлар, шаклар, массагетлар, тохар ва бошқалар ўзбек халқининг этник асосини ташкил қиладилар. Ҳозирги тожиклар ҳам ўзларининг этногенезининг бошланиши айнан шу халқлардан оладилар.

Юқоридаги халқларнинг маълум қисми туркман, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа халқларнинг ҳам илк аجدодлари ҳисобланади. Узоқ тарихий давр мобайнида юқорида номлари санаб ўтилган халқлар ўзаро алоқада бўлиб келганлар.

Икки тилда сўзлашувчи қабила ва элатлар ўртасидаги бундай аралашуш ва қоришув натижасида милоддан олдинги II-I-милодий I-II асрлар давомида Сирдарёнинг ўрта оқимида янги элат-қанғар халқи вужудга келади. Қанғарлар Ўрта Осиёда ташкил топган энг қадимги туб ерли туркий қатламни ташкил қилганлар.

Кейинги асрларда (милодий II-IV асрларда) ҳам Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига Жанубий Сибирдан, Жунғориядан, Шарқий Туркистондан айрим қабилалар келиб жойлашганлар. Хионлар (Хионийлар), Кидарийлар ва Эфталийлар (абдаллар) шулар жумласидандир. Милодий V асрнинг биринчи ярмида Моварауннахрнинг сиёсий бошқаруви Эфталийлар қўлига ўтади.

Маълумки, VI асрнинг ўрталарида Олтойда, Жанубий Сибирда, Еттисувда, Шарқий Туркистонда жойлашган бир неча қабилалар бирлашуш натижасида Турк хоқонлиги ташкил топади ва қисқа вақт ичида Турк хоқонлиги кўчайиб Марказий Осиёнинг катта қисмини, жумладан Моварауннахрни эгаллайди. Турк хоқонликлари даврида ватанимиз ҳудудига туркий қабилалар кўплаб келишган. Бу ҳолат аҳолини туркийлашишини янада кўчайтирди. Турк хоқонлигининг ҳукмронлиги Ўрта Осиёда деярли юз йил давом этди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бирор жойи қолмадики, туркий қабилалар кириб бормаган бўлса. Туркийлашуш жараёни кейинги даврларда ҳам давом этди.

3. Ўзбек халқи этногенезининг иккинчи даври (IX-XII асрлар)

IX-XII асрлар ўзбек халқининг этник шаклланишидаги иккинчи босқич деб қаралади. Хўш, бу давр нимаси билан характерланади? Маълумки, IX аср бошларида Марказий Осиёда яна бир давлат- Қарлуклар давлати барпо этилди. Қарлуклардан чиққан Қорахонийлар (улуғхонлар) бу давлатни қарийб тўрт аср узликсиз бошқариб келдилар. Қарлук давлати ва Қарлуклар бўйича махсус тадқиқот муаллифи К.Шониёзов ўзбек аجدодларини алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб шаклланиши айнан шу давлат ҳудудида IX-X

асрларда содир бўлганлигини аниқлади. Унинг фикрича бу ҳудудда ўзбек халқининг ҳудудий, иқтисодий, маданий ва этник белгиларида умумийлик ҳосил бўлиб ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етган.

Бу даврда Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳозирги ўзбекларга хос қиёфа, маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Антрополог Т.Хўжайов тадқиқотларига қараганда IX асрга келиб аҳолининг антропологик қиёфасида кескин ўзгаришлар юз берганлиги кузатилди. Бу ўзгаришларни археологик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди.

Фанда мўғул истилоси Ўрта Осиё аҳолисини кескин мўғуллаштириб, ўзгартириб юборди деган фикр кенг тарқалган. Лекин тадқиқотчиларимиз бу масалага ҳам ойдинлик киритдилар. Мўғул истилоси Ўзбекистон аҳолисининг ташқи қиёфасига сезиларли изларни қолдирмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Сабаби, Чингизхон XIII аср бошида ташкил этган йирик мўғул давлатида мўғуллар сони тахминан 0,7 миллион кишидан иборат бўлган. Агар ҳар 6 кишидан биттаси аскарликка олинган бўлса, унда унинг қўшинлари сони 100-110 минг кишидан иборат бўлган. Лекин, ўша даврда мўғуллар қўшинларининг кўп қисмини йўқотганлар. Улар Ўрта Осиёга бостириб келганида қўшинларнинг кўпчилиги туркий халқлардан ташкил топганлиги маълум. Бу даврда Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатида 20 миллион аҳоли яшаган. Мўғул қўшинлари кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига ўз асоратини ўтказа олмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолида мўғул ирқи аломатлари деярли намоён бўлмаганлигини кўриш мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, IX-X асрларда қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудларда 20 дан ортиқ шаҳар, кўплаб қишлоқлар бўлган. Қарлуқлар кўп сонли, нуфузли «халқ» бўлиб, бир қисми чорвачилик билан шуғулланган. Қарлуқлар яшаган ҳудудларда бошқа туркий тилли этнослар (масалан чигиллар, яғмолар, халачлар) ҳам яшаганлар. Улар туркий тилда сўзлашганлар.

Қорахонийлар давлатида қарлуқ-чигил туркий тил лаҳжаси кенг тарқалди. Кейинчалик шу тил асосида адабий туркий тил юзага келиб, уни Махмуд Қошғарий «энг очиқ ва равон тил» деб атаган. Туркий тилда IX-XII асрлар мобайнида бир қатор асарлар ёзилган бўлиб, Аҳмад Юғнакийнинг (775-869) «Хибатул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар тухфаси) достони, Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср), «Қутадғу билик» (Саодатга йўловчи билим) асари, Аҳмад Яссавийнинг (1041-1167) «Ҳикматлар»и ҳамда «Ўғизнома», «Алпомиш», «Гўрўғли» каби дostonлар шулар жумласидандир.

Халқимизининг иккинчи қатлами Турон мамлакатининг нисбатан шимолий ғарбий ҳудудларида вужудга келган ва шакллана бориши XV асрнинг охирида поёнига етган. Ўзбек халқининг шаклланишида қатнашган қабилалар сони турли манбаларда турлича кўрсатилади. Шоир турди бу борада 92 рақамини келтиради.

4. XV аср охири ва XVI аср ўзбек халқи шаклланишида муҳим босқич.

Ўзбек халқининг шаклланишида учинчи муҳим давр XV аср охири ва XVI ҳисобланади. Бу даврда Дашти-Қипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиёга кириб келади ва улар маҳаллий аҳолига ўз номини беради. Дашти-Қипчоқ ўзбеклари ким? Қадимдан Дашти-Қипчоқнинг шарқий қисмида, ҳозирги Қозоғистон, Тобольск, Тура атрофларида кечиб юрган турк-мўғул қабилалари XIII асрнинг охири-XIV асрда яшаб ўтган Шарқ тарихчилари томонидан умумий бир ном билан, яъни «Дашти Қипчоқ ўзбеклари» деб аталган.

Шу жойда «ўзбек» атамаси келиб чиқиши ҳақида тўхталиб ўтиш керак бўлади. Ушбу этнонимни яъни «ўзбек» этнонимини келиб чиқиши ҳақида ягона бир фикр мавжуд эмас. Бир гуруҳ олимлар «ўзбек» деган номни 1312-1342 йилларда Олтин Ўрдада хонлик қилган Ўзбекхоннинг (асл исми Султон Муҳаммад) номи билан боғлайдилар. Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи”да Ўзбекхоннинг ҳокимият тепасига келишини “Ўзбек улуси” унга берилди. деб ёзади. Унинг фикрича, Олтин Ўрда давлати султон Муҳаммад – Ўзбекхонгача ҳам “ўзбек улуси” деб аталган. Ўзбек атамаси Олтин ўрда давлатида яшаган, ислом динини қабул қилган Орлот, Баҳрин, Дўрмон, Қорлуқ, Қипчоқ, Қўнғирот, Манғит, найман, Минг каби туркий қабилалар уюшмасини, яъни ўзбек халқи маъносини ва халқга тегишли мамлакатни билдирган. XIII асрнинг иккинчи ярми, XIV асрда яшаган шарқ тарихчилари томонидан бу халқ умумий ном билан ўзбек деб аталган. Айрим тадқиқотчилар эса «ўзбек» атамасини «ўзбек», «эркин», «мустақил» сўздан келиб чиққанлигини таъкидлайдилар. Хуллас, Дашти Қипчоқ ҳудудларида яшаган туркий аҳоли Мавароуннаҳр (Амударё ва Сирдарё оралиғидаги) ерларга келиб, бу ерда яшаётган ўтrock аҳоли билан уйғунлашиб кетган ва аҳолининг номи ўзбек деб аталган.

Дашти Қипчоқ ўзбекларини Мовароуннаҳр ерларига оммавий кўчиб келиши XV аср охири- XVI аср бошларида кўчайди. Бу даврда ўзбек халқининг этник таркиби Дашти Қипчоқдан кўчиб келган туркий қабилалар ҳисобига янада бойиди. Аниқроқ таъкидлаганда XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларида халқимизнинг биринчи қатламига ва иккинчи қатламларнинг муайян қисми қўшилади. Буюк Туроннинг Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларида азалдан яшаб келаётган яхлит этнинг қатлами бир бўлак бўлиб қўшилди ва уни тўлдирди, нуфусини оширди.

5. Ўзбекистонда ҳозирги этник жараёнлар.

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигининг қўлга киритилиши ўзбек халқининг тарихий тақдирига туб бурилиш яшаш баробарида, унинг том маънодаги эркинлиги, озодлиги ва мустақиллигини таъминлаб, ижтимоий тараққиётнинг кенг истиқболли йўлларига олиб чиқди. Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат бўлганлиги боис ҳам миллий масалани оқилона ҳал этиш унинг демократик ривожланиш йўлларида илгарилаб боришда муҳим аҳамият касб этади. Мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлаб республикада истиқомат қилувчи барча миллат ва элат кишиларининг миллий тили, маданияти, адабиёти, санъати, урф-одатлари, расм-русмлари

анъаналарини авайлаб сақлаш уларни жонлантириш ва янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилди. Мазкур элат ва халқларнинг ҳаётий масалаларини амалда ҳал этиш ва бу ишларни юксак даражада ташкиллаштириш учун миллий маданият марказлари тузилиб, фаолият кўрсата бошлади. Ҳозрида республикада 100 дан ортиқ шундай марказлар мавжуд бўлиб, улар бу борада тўлақонли иш юритмоқдалар. Ҳозирда республикамизнинг кўпгина мактабларида бошқа таълим тизимларида ўқишлар рус, қозоқ, тожик, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа тилларда ташкил этилган. Шунингдек айни бу тилларда вақтли матбуот нашлари ҳам чоп этилмоқда. Турли тилларда радио, телевидения эшиттиришлари мунтазам намоиш этилмоқда.

Бизким, ўзбеклар бир ирқий гуруҳга мансуб туркий қабилалар уюшуви, қўшиливи ва сингишувидан шаклланган халқмиз. Асосан туркий қон жўш уриб турган томирларимизда асрлар давомида борди-келди қуда-андачилик қилиб келаётган қўшни халқларнинг, шунингдек, узоқ-яқиндан турли илинж ва мақсадлар билан юртимизга келиб қолиб кетган, халқимиз бағрига сингишиб кетган одамларнинг ҳам қони бор, албатта. Дунёда қонига бошқа қон қўшилмаган, мутлақо ўз қонига эга бирортаям халқ бўлмаса керак. Ҳаммамиз ҳам энг аввало шу рубъи маскан- Ер фарзандимиз, кейин ўз юртларимизнинг фуқаролари бўламиз. Ҳозирги кунда ер юзида 30 дан ортиқ туркий халқ ва элатлар бор. Булар: ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, татар, бошқирд, қорақалпоқ, ёкут, чуваш, хакас, гагауз, караим, олтой, кўмик, нўғой, қирим, болқор ва бошқалардир. Уларнинг кўпчилиги мусулмон динидадирлар Туркий халқларнинг турмуш тарзлари ҳам анъанавий касбкорлари ҳам хилма-хилдир, ўтроқлашиш жараёнлари турли даврларда кечган, ҳамон кўчманчи турмуш тарзида давом этаётганлари ҳам бор. Масалан, ёкутларнинг буғучилик билан шуғулланаётган муайян қисми ҳамон кўчманчи тарзда умр кечирадилар. Бу иқлим шароити билан боғлиқдир.

Бугунги маълумотларга қараганда барча туркий халқларнинг умумий сони 280 млн. киши атрофида бўлиб, шундан еттидан бир қисмини, тахминан 40 млн. кишини ўзбеклар ташкил қилади.

5-Мавзу: V-XI асрларда ўзбек давлатчилиги ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт. (2 соат)

1. Хионийлар, кидарийлар ва эфталийлар.

2. Турк ҳоқонлиги. Ҳоқонлик даврида Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий ривожи.

3. Мовароуннаҳр араблар томонидан истило этилиши ва арабларга қарши ҳаракатлар.

4. IX аср бошларида Мовароуннаҳрнинг сиёсий аҳволи. Тоҳирийлар, сомонийлар ва қорахонийлар давлати. Давлатни бошқариш, солиқ сиёсати, ер-сув муносабатлари.

5. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлати.

6.Хоразмшоҳлар давлати. Давлатни бошқариш тизими, солиқ сиёсати. Ерга эгалик шакллари.

1. Хионийлар ва кидарийлар ва эфталийлар.

Узоқ ўтмишда хионийлар ва улар таркибидаги барча қабилалар Шимолий Хитойда, Сибирда, милодий 1-2 асрларда эса Қозоғистон чўлларида яшаганлар. Уларнинг айрим гуруҳлари шу асрларда Мовароуннаҳр ва хоразм ҳудудларига ҳам келиб жойлашганлар. Хионий қабилалари кириб келган пайтда Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида хоразмликлар сўғдийлар, кушонлар, қанғарлар ва бир қанча бошқа халқлар яшаган.

V асрнинг 20 йилларида Ўрта Осиёга Шарқдан Сирдарё ва орол бўйлари орқали яна бир кўчманчи аҳоли кидарийлар (юэжчжи ёки тохарларнинг авлоди) кириб келади. Кидар исмли ҳукмдор уларга йўлбошчилик қилгани учун кидарийлар номи билан тилга олинади. Кидарийлар Сўғдиёни Амударё бўйларидаги ерларни эгаллаб ўз ҳукмронлигини ўрнатадилар. Кидарийлар Балх шаҳрини ўз давлатининг пойтахтига айлантирадилар. Бироқ кидарийлар ҳукмронлиги узоқ давом этмайди. Кидарийлар билан сосонийлар ўртасида зиддиятлар кучайиб, улар ўртасида бир неча марта қуролли тўқнашувлар бўлади. 456 йилда бўлган навбатдаги жангда кидарийлар сосонийлардан қақшаткич зарбага учрадилар. Айни пайтда шимолдан жанубга силжиб келаётган эфталийлар босимида учраб, шимолий Ҳиндистон томон чекинишга мажбур бўлдилар. Кидарийлар у ерда 75 йилча ҳукмронлик қилдилар. Бу ҳудудларни турк ҳоконлиги эгаллаганда хоразмликлар ва сўғдийлар қаторида кидарийлар, хионийлар, эфталийлар ва бошқа халқлар ҳам бўлган. Хион (хионий), Кидарийлар этносларининг келиб чиқиши ҳақида халигача аниқ маълумотлар йўқ ва тадқиқотчилар орасида ҳам турли бахсли фикрлар мавжуд. Масалан, хионийларни эфталийларга ёки кидарийларга тенглаштирган, баъзан эса бунинг тескарисини эфталийларни хионийлар дейилган.

Хионийлар тарихий манбаларда милодий 4 аср ўрталарида тилга олинган. Бейшида (6 аср) бир вақтлар хунлар Суде (Сўғд) ҳокимини ўлдириб Судени эгаллаган эдилар. Шу маълумотларга кўра 350-356 йилларда хионийлар Сўғдиёни ва унинг марказий шаҳри Самарқандни эгаллаганлар. 356 йилда хионийлар саркардаси ўғли билан Сосонийлар подшоси Шопур 2ни Амида (Сурия) шаҳрини қамал қилишда иттифоқдош сифатида унга ёрдам берган. Шу йилда хионийлар Зарафшон воҳасини эгаллагандан сўнг Амударё воҳасига чиқиб Эрон сосонийлари билан чегарадолш бўлиб қолган. Дастлаб хионийлар Сосонийлар билан иттифоқчиликда яшаган бўлсада, 4 аср охири 5 аср бошларида улар билан рақиблашиб келганлар. 460 йили хионийларнинг катта қисми Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий ҳудудларига кўчадилар уларнинг айрим гуруҳлари Мовароуннаҳрда қолиб, эфталитлар билан аралашадилар ва кейинчалик ўтроқлашиб, туб ерли аҳолига қўшилиб кетадилар.

Хитой манбаларидан эфталитларни “ида, йеда, идан, идян” деб, сурия ва лотин манбаларидан эса “эпталит, эфталит, адбал”, арман ёзувларида “идал,

тетал, хептал”, араб ва форс муаллифлари “хайтал, йафтал, ҳетал”, хинд манбаларида “хуна” ва ҳоказо деб эслатиб ўтилади.

Хитойлик муаллифлар эфталитларни турклар (тукюе) билан боғлиқ равишда таърифлайдилар. Византиялик тарихчилар, масалан Проколий (6 аср) фэталитларни хунлардан деб кўрсатар экан, “улар (яъни эфталитлар) хунлардандир, таналари эса оқ” деб эслатади.

Эфталитлар билан сосонийлар ўртасида биринчи тўқнашувлар 5 аср 30 йиллардаёқ содир бўлган эди. Арман тарихчиси Вардапетнинг маълумотига кўра 5 асрнинг 50-йилларига келиб эфталитлар иттифоқи ниҳоятда кўчайиб кетади. 456 йилдаёқ эфталитлар ўз элчиларини Хитойга жўнатадилар. Эфталитлар тобора жанубига қараб силжий бошлайдилар ва ўз навбатида жанубдаги қўшни Эрон билан муносабатлар кескинлаша боради. Сосонийлар билан ҳал қилувчи қарашлар даври шоҳ Перуз (Феруз) даврига (459-484 йй.) тўғри келади. Тахминан 457 йили вахшунвор (ахшунвор) Эфталон бошчилигидаги эфталитлар Чағониён (Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрининг шимолидаги ерлар), Тоҳаристон, Бадахшонда ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар. 459 йили Эрон тахтига номи тилга олинган Перуз чиқади.

Манбаларда Перузнинг ҳокимиятга келиши эфталитлар билан боғлиқ равишда баён қилинади. Нафақат Перуз, балки унинг акаси Хўрмўзд (457-459) ҳам эфталитлар ёрдамида тахтни қўлга қиритгани маълум. Бундай ҳолат бекорга юзага келмаган. Чунки Хўрмўзд ва Перуз ўз вақтида тахт вориси сифатида сосонийлар давлатининг шарқий вилоятларини (Сейистондан Марғиёнагача бўлган ҳуду) бошқарганлар. (Хўрмўзд 420-457 йиллари, Перуз 457-459 йиллари). Шу муносабат билан қўшни ўлка сиёсий, савдо доиралари билан яқиндан муомалада бўлганлар.

Перуз эфталитларнинг кўчайиб боришини вақтинчалик деб билиб, улар кучидан Эрон тахтига келиш учун фойдаланган бўлиши керак. Аммо эфталитлар қудрати ошиб тез орада улар сосонийларга ҳам қарши туришларини англаган Перуз эфталитларга қарши жангга киради. Бу тўғрисидаги маълумотлар “Бахмал-Яшта” да ҳам, араб тарихчиси ат-Табарийнинг асарларида ҳам учрайди. Перуз (459-484) 3 маротаба эфталитларга қарши юриш қилади.

Биринчи курашдаёқ Перуз мағлубиятга учрайди ва асирга тушади. Византия императори Зенон ўртага тушиб, уни озод қилиб олади. Перуз чегарадаги Талкон (Таликон) шаҳарларини эфталитларга топширади ва Вархрон Бахромгўр белгиган чегарадан ўтмаслик мажбуриятини олади. Бу мағлубиятдан хулоса чиқариб олмай, у яна иккинчи бор эфталитлар устига юриш бошлайди. 3-чи урушда Приск Панийскийнинг маълумотича, Перузнинг эфталитларни алдаши хизмат қилган. Перуз ўлпон тўлаб бўлгач, эфталитлар билан муносабатни янгилашга ҳаракат қилади. У эфталитларга сулҳ тузишни ва ўзининг эфталитларга тинч мақсадида ҳукмдорга ўз таклифининг кафолати сифатида синглисини турмушга беришлигини таклиф этади. 484 йили эфталитлар ва сосонийлар ўртасида охириги кураш бошланиб кетади. Бу кураш Марв яқинида сосонийларнинг тугал мағлубияти билан якунланади.

Араб тарихчилар Деноварий ва Табарийларнинг ёзишича Перуз ўз кўшинининг бир қисми билан пистирмадаги чуқур ҳандакка тушиб кетган ва эфталитлар томонидан тошлар билан уриб ўлдирилган экан. Унинг бутун лагери, хонадони, мол-мулки эфталитлар қўлига тушиб мусодара қилинган. Бу курашдан сўнг Эрон устига оғир ўлпон солинган.

Сосонийлар қудратига эфталитлар томонидан шундай қилиб чек қўйилди. Эроннинг ўзида шу вақтга келиб ички сиёсий аҳвол кескинлашиб кетди. Оғир иқтисодий аҳвол, қулчиликнинг емирилиши, солиқларнинг ўсиши, қуйи табақаларнинг қашшоқланиши, урушдан кейинги вайронликлар натижасида норозилик ҳаракатлари бошланиб кетди. Халқ ғалаёнлари диний тус олиб, бу ҳаракатларга Маздак бошчилик қилди.

Маздак Ҳамдадон (470-529) зардуштийликнинг асл ғояларини ҳаётга тадбиқ қилмоқчи бўлиб, ўз ҳаракат мафкурасини яратди. Унинг таълимотчи кишилар бу дунёнинг неъматларидан тенг фойдаланишлари лозим, шунингдек, у ижтимоий ҳаётга жамоа ҳуқуқларини тиклаш, ер-сув, мол-мулкка баробар эгалик қилиш, ҳамманинг ўзаро тенглигига эришиши лозим, деган ғояни илгари суради. Маздак тарафдорларининг сони Эронда жуда кўплаб одамларни ташкил этди. Берунийнинг хабарига кўра, унинг ортидан минглаб кмшилар эргашдилар. Маздакийлар янги ижтимоий-иқтисодий муносабат-феодализмнинг талабларини олға сура бошлади. Маздакийлик ҳаракати ниҳоятда кўчайиб кетди. Кубодшоҳнинг (489-531) ўзи у билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Кубот Маздак тарафига ўтиб уни Эроннинг бош кохини етиб тайинлайди. Маздак ҳокимиятини ўз қўлига киритиб олгач, унинг тарафдорлари оҳир-оқибатда Куботни 496 йил тахтдан ағдариб ташлаб зиндонга ташлайдилар. Унинг ўрнига укаси тахтга чиқади Кубот зиндондан қочиб Эфталитлар даргоҳидан паноҳ топади. У ўз вақтида эфталитлар ҳукмдорининг синглисига уйланган эди. Суриялик муаррих Ийшу Стилит эфталитлар ҳузуридаги Куботнинг аҳволини шундай таърифлайди: “у кўзида ёши билан ҳар куни (эфталитлар ҳукмдоридан) лашкар билан қўллаб-қувватлашни илтимос қилардики, то яна давлат бошқарувини қўлга олсам” деб. Кубот эфталитлардан етарлича ҳарбий ёрдам олиб 499 йил Эронга юриш қилди. Чегарага етган пайтдаёқ укаси буни эшитиб тахтни ташлаб қочиб кетади. Кубот шоҳ I яна тахтга ўтиради. Аввал маҳфий, кейинчалик ошкора Маздакни қатл эттириб, унинг тарафдорларига қарши аёвсиз кураш олиб боради.

Куботнинг ўғли Хусрав I Анушервон (531-579) даврида кенг миқёсли ислохотлар ўтказилиши билан бирга маздакийлар ҳаракатига буткул чек қўйилади. Эфталитлар эса ўз қўллари остида Тоҳаристон, Бадахшон, Сўғд, Шарқий Туркистон ва Марказий Осиёнинг бошқа баъзи ерларини бирлаштирдилар.

Кубодшоҳ эфталитлар билан деярли тинч-тотув яшади. У 502-506 йилларда эфталитлар билан иттифоқчиликда Византияга қарши юришларда ҳам Эфталитлар Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Эронни бирлаштирган ўлкан давлатга асос соладилар. Кушон

подшолиги ҳудудларини ҳам яна ўз қўллари остида бирлаштирдилар. Эфталитлар сосонийларнинг Ўрта Шарқдаги ҳукмронлигига чек қўяди.

Эфталитлар давлати Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутиб, кейинчалик ўз ўрнини 563-567 йиллардаги курашдан сўнг тарих майдонидаги янги сиёсий куч-Турк ҳоконлигига бўшатиб берди.

Илк ўрта асрлардаги Хитой манбаларида эфталитларнинг кўчманчи қабилалар эканлиги, уларнинг юртида шаҳарлар йўқлиги, ўзлари ўтлоқларда яшаганликлари таърифланади. Кейинги давр тарихчилар хусусан ғарб манбаларида бошқача маълумотлар келтирилди.

Византиялик муаррих Прокопий Кесаркий (VI аср) шундай деб ёзади: “эфталитлар (салтанати) бир ҳукмдор орқали идора этилиб, ўз қонуний (адолатли) давлатчиликларига эгадирлар. Ўзаро ва қўшнилари билан (муносабатларда) адолат меъёрини сақлашда византияликлар ва форслардан ҳеч қилишмайдилар”. Демак, эфталитлар даврида ҳам кушонлар давридаги каби салтанат яқка ҳукмдор томонидан бошқарилган.

Ҳали кушонлар давридаёқ ер ва қўрғонларга эга бўлган аслзодалар ажралиб чиқа бошлаган, деҳқонлар маҳаллий зодагонларга кўпроқ тобе бўла бошлаган. Эфталитлар ўлкан ҳудудда бошқарувни қўлга киритгач обод деҳқончилик воҳаларига, ривожланган шаҳарларга, савдо йўлларига эга бўлдилар. Вақт ўттиши билан эса маҳаллий аҳоли билан аралашиб кета бошладилар. Натижада уларнинг бевосита ворисига айланади. Шу боисдан 568-569 йилларда Византия императори Юстин ҳузурида бўлган турк элчиси императорининг “Эфталитлар шаҳарларда яшайдилардими ёки қишлоқлардами?” деган саволга “улар шаҳарлик сулоалар, олий ҳазратлари деб жавоб берган”

Эфталитларнинг бир қисми кўчманчи чорвадор бўлса, асосий каттароқ қисми шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган ўтроқ аҳоли бўлган. Тохаристон ва Суғдда деҳқончилик ва боғдорчилик ривож топган. Қашқадарё ва Зарафшон водийларида ғалладан ташқари шоли ҳам етиштирилган. Хитой манбаларида қайд этилишича 6% асрларида хусусан Шарқий Туркистон ва Туркистон ерларида кўплаб ғўза екилар эди. Марказий Осиёнинг пахта толаси Хитойда ҳам машҳур бўлган. Тоғ ва тоғ олди ерларидаги аҳоли йилқичилик билан шуғулланган. Фарғона водийсида зотдор арғумоқлар кўпайтирилди. Феодал муносабатларнинг таркиб топа бошлаши билан суғориладиган ер майдонларини маълум бир қисми мулкдор зодагон табақа вакиллари-“деҳқонлар” қўлида тўплана бошланган эди. Бунинг натижасида қишлоқ жамоасининг эркин деҳқонлари маълум даражада зодагон деҳқонлар асоратига тушиб, уларга қарам “кадивар” ларга айланди. Суғорма ерларнинг бир қисми ибодатхоналарни мулки ҳисобланган. Бундай ерлар “Вағнзе” деб юритилган. Яйловларнинг асосий қисми оқсоқол зодагонлар қўлида бўлган. Эфталитлар орасида мол-мулк табақаланиши ҳам кучли бўлган. Улар орасида феодал муносабатлар шаклланиши билан бир қаторда ибтидоий жамоа тузуми сарқитлари ҳам сақланиб қолган эди.

Энг бой зодагонлар доимий ҳамроҳ сифатида 20 ва ундан ортиқ дўстларга эга бўлишган. Зодагон қафот этганда, қоида бўйича дўстлари ҳам

тириклигича қабрга қўйилган. Бэши солномасида ёзилишича, зодагонлар қазо қилган вақтда махсус тайёрланган тош даҳмаларга, оддий эфталит мурдаси эса тупроққа қўйилган. Бу икки хил кўмиш жамиятининг синфий табақаланишидан далолат беради.

Зодагонлар киммаатбаҳо кийимларда юришган. Бу ҳақда Сон Юн ўз эсдаликларидан қайд қилиб ўтади. Жиноятчилик қилган шахс ким бўлишидан қатъий назар боши кесилган, ўғирланган мол-мулк миқдоридан қатъий назар ўн баробар қилиб ундириб олинган.

Эфталитлар кучли қўшинга эга бўлишган. Лашкарнинг асосий қисмини суворийлар ташкил этган. Суворийлар асосан гурзи ва қилин билан қуролланганлар. Хитойликлар уларни моҳир камонбоз деб ҳам таърифлашган. Отлиқ қўшин асосий аҳамият касб этган.

V-VI асрларга деҳқончилик воҳаларида эфталитларнинг ўтrockлашуви кўчаяди, бунинг оқибатида суғорма каналлари қазиб чиқарилиб, минглаб гектар янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Суғориш услуги такомиллашади, шохариқлар чуқурлашиб, серсув суғориш тармоқларига айланган. Ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган Заҳариқ, Бўзсув, Дарғом каналлари V асрда барпо этилган энг йирик суғориш тармоқларидан бўлган. Шунингдек тоғ олдиларига сув чиқариш учун сув чиқариш асбобларидан ерларда зодагон деҳқонларнинг қалин хом ғиштдан уриб чиқилган ва баланд пойдевори устига қурилган ўлкан кўрғонлари, истеҳкомлар юзага кела бошлаган.

Истеҳкомларнинг тўрт бурчаги билан буржлар билан мустаҳкамланиб, девору-мўрилари бир неча қфатор камондан ўқ узгич нишон туйнуклари билан таъминланган. Қалин мудофаали феодал кўрғонлари илк ўрта асрнинг ўзига хос меъморчилик намуналаридан бўлиб, Нахшаб воҳасидаги Заҳоки-Морон қалъаси, Бухородаги Шаҳри Вайрон, Хоразмдаги Фир қалъаси шулар қаторидандир.

Воҳаларни ташқи душмандан ҳимоя қилиш мақсадида бир неча қақиримлаб қалин деворлар барпо этилган. Самарқанд воҳасидаги 12 та дарвоза эга бўлган Девори қиёмат, Бухоро воҳасидаги узунлиги 336 км. Ли Кампирак, Тошкент воҳасидаги Кампирдевор истеҳком деворлари шулар жумласидандир.

Шу давр меъморчилигида қасрлар қурилиши айниқса аҳамиятли бўлган. Қасрлар одатда 2 қаватли, шипи текис, гумбасимон ва равоқсимон ёпилган бир неча хонадан иборат бўлган. V асрдан бошлаб сарой, қасрлар қурилишда пахса ва хом ғишт билан бир қаторда кирпеч (пишиқ ғиштар) ҳам ишлатилина бошлаган. Сарой ва ибодатхоналар деворлари одатда рангдор тасвирлар билан безатилган.

Бундай тасвирий санъат намуналаридан бири Болаликтепа (Сурхандарё) қасри деворларида қайд этилган. Бу нодир тасвирий санъат асарларида башанг кийинган аёл ва эркакларнинг зиёфати тасвири берилган. Расмлар катта дид маҳорат билан ишланеган.

Шу давр моддий маданият ёдгорлиги сифатида Хоразмда Тупроққалъа харобасини ҳам кўрсатиш мумкин. Бу қалъа қалин истеҳком деворига эга бўлиб, қалъа ичидаги тўғри йўналтирилган кўчалар шаҳарни 10 та мавзегга

бўлиб турган. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида кўтарма супа устига хом ғишдан сарой қурилган. Унинг ёнида арк биноси бўлган. Шунингдек 100га яқин турар, қадимги Хоразм ёзувларида битилган 80 тадан ортиқ ҳужжатлар топилган.

Эфталитлар меъморчилигининг ажойиб намуналаридан бири Бухоро яқинидаги Варахша саройи бўлган. Бу кўрғон ўлкан тўртбурчак шакилдаги тепа устига қурилган. Деворлари ганч қилиниб, суратлар билан безатилган. Хоналар кенг-кенг бўлиб, қалин деворлар билан бир-биридан ажралиб турган. Бу қаср бухорхудо-ларнинг VI - VII асрларда қароргоҳи бўлган. Шунингдек Тошкент воҳасидаги Октепадан, Жўн ариғи яқинидан, Пойкентдан ва бошқа бир қатор жойлардан эфталитлар даври ёдгорликлари топиб тадқиқ қилинган.

Эфталитлар даврида ҳунармандчилик ҳам ривож топган. Айниқса кулолчилик, шишасозлик, чилангарлик, бўзчилик, заргарлик, қулолчилик касб-ҳуна-рлари ра-внақ топган. Чочда ясалган ўқ ва ёй “камони чочий” номи билан машҳур бўлган. Катта-кичик ўаҳарлар сони кўпайган. Биргина Зарафшон воҳасида Ривдад, Кушония, Хариман, Арқуд, Ромитон, Варахша, Пойканд каби савдо-ҳунармандчилик шаҳарлари мавжуд эди. Айрим маълумотларга кўра Пойканд шаҳри эфталитларнинг пойтахти бўлган.

Эфталитлар халқаро савдо соҳасида Эрон, Византия, Ҳиндистон, Хитой билан савдо-сотик муносабатларини олиб боришган. Эфталитлар “Ипак йўли” ни назоратга тутишга ҳаракат қилганлар “Ипак йўли” савдосидаги ва умуман савдогарлар ичида Суғдлар етакчи ўринни эгаллаган эди. Бу пайтда Марказий Осиёда олтин, қумуш, бадахшон лаълиси, рангли шиша ва шиша буюмлар турли ҳил мевалар, ип газлама, қора кўл, зоттор тулпорлар билан савдо қилина-рди.

Аввал бошида Эфталитлар Сосонийлардан бўлган вараҳран V ва Перознинг қумуш тангаларидан ўзаро савдо-сотикда фойдаланар эдилар. Кейинчалик Эфталитлар Эрон шоҳи Вараҳран V Баҳромгўр тангаларига тақлит қилган ҳолда қумуш тангалар зарб қилдилар. Бундан ташқари Бухоро, Пойканд, Самарқанд, Хоразмдаги маҳаллий ҳокимлар томонидан чиқарилган тангалар ички савдода кенг муомилада бўлган.

V-VI асрларда диний эътиқод ва тасавурлари билан узвий боғлиқ бўлган тасвирий санъат сопол ҳайкалчаларни яшаш ва уларга топиниш кенг ёйилади. Сопол ҳайкалчалар жой турларига кўра турлича бўлиб кийим-кечаклар, юз сиймолари тақинчоқлари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилган. Ўлкан ҳудуддаги Эфталитлар жуда кўп халқларни ўзида бирлаштирганлиги сабаби диний эътиқодлари турлича бўлган. Суғдда зардуштийлик кенг тарқалган бўлса, Тохаристон ва Шарқий Туркистонда буддийликка эътиқод қилувчилар кўпчиликлари ташкил этган. Шаҳарларда Насронийлар ва Яҳудий жамоалари ҳам мавжуд эди. Моилик ва Маздак таълимоти тарафдорлари ҳам пайдо бўлаётган эди. Навруз куни Бухоро оташпараслари Сиёвуш қабри устида хўроз сўйиб қурбонлик қилар эдилар.

Жанубда Буддийлик таъсири кўпроқ эди. Чорвадор аҳоли Туркийча сўзлашганлиги сабабли Туркий тил тобора кўпроқ ёйила бошлаган. Ўтроқ

аҳолининг катта қисми суғдий тилда сўзлашар эдилар. Сўғд тили ва ёзуви етти сув, Фарғонадан ўтиб Шарқий Туркистонга қадар етиб боради. Унинг “Самарқанд усули” кенг ёйилган эди. Бундан ташқари Хоразм Кхарошди, Бухоро ёзувлари ҳам мавжуд бўлган. Бундай ёзув ёдгорликлари Зангтепа, қоратепа, Афросиёб харобаларидан Кофирқалъадан топилган.

2.Турк хоқонлиги. Хоқонлик даврида Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий ривож.

Марказий Осиё давлатчилиги тарихида Турк хоқонлиги давлати муҳим ўрин эгаллайди. Турк хоқонлиги хусусидаги манбалар етарли бўлсада, лекин уларнинг кўпчилиги бир-бирига қарама-қаршилиги маълумотлар олинди. Биринчи навбатда VII- VIII асрларда тўпланган манбалар анча қимматлидир. Бу эпикграфик ёдгорликлар Ўрхун-Енесей руний ёзувлари Хитойнинг “танхонадони тарихи” VII-IX раср тарихий манбаси VI аср охирида яшаган Византиялик тарихчилар Менандир, Протектор, Феофан Византийский, суриячилик тарихчи Ионна Эфессийларнинг тарихий асарларидир.

Шунингдек, бу тўғридаги маълумотлар араб тарихчилари ат-Табарий, Деноварий (IX-X аср) ўлкамиз фузалоларидан Абу Райхон Беруний, Наршахий (X аср) ва бошқалар асрларида ҳам учрайди. Кейинги вақтда бу масалага янада эътибор кўчайди. Археолог олимлар, тарихчилар, адабиётшунослар, антропологлар бу хусусида янги тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Турклар, туркий қабилалар тарихи масаласи Тошкентда ўтказилган III жаҳон Туркология анжуманида ҳам кенг муҳокама этилди.

“Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Манас”, “Дада кўрқут” каби умумтуркий халқ дostonлари, Ўрта асрлардаги Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар асарларида туркий маданият, адабиёт, тарих тўғрисида турли маълумотлар келтирилади.

XI асрда яшаган аллома Маҳмуд Қошғарийнинг замондоши Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” (Саодатга йўлловчи билим) асарида афсонавий турк саркардаси Алп Эр Тўнга тўғрисида шундай деб ёзади: “... у билимдон, заковатли, катта хунар эгаси эди, бу фазилатлари унинг шон-шуҳратини дунёга таратган. У турк бекларининг сараси, овозаси оламини тутган, хунари талай эди. Унинг тенги топилмасди. Форслар уни Афросиёб деб аташган”.

Тарихда туркларнинг келиб чиқиши хусусида кўплаб афсона, ривоятлар ҳам мавжуддир. Абу Исҳоқ Нишопурий жам қилган (VIII аср) “Қиссаи-ал анбиё” асарида туркларнинг келиб чиқиши Нух пайғамбарга бориб тақалади.

Хитой ёзма манбаларида Турклар “хун” номи остида эрамининг 92 йилида Олтойнинг этакларига келиб ўрганишганлиги ва жужанлардан рухсат олиб улар учун темир қазиб чиқаришни бошлагапnlари ҳақида маълумот берилди. Бу улуғ Ашин уруғи номи билан аввал ыoшда аталиб келган. Хитойлар Ашин қабиласини “Ту-кю”, деб ҳам юритилган. П. Пельо бу сўзни “Турк-ют” (яъни туркийлар) деб изоҳлаган. “Турк” атамаси кучли, бақувват деган маънони англатади.

Аввал бу улугга берилган турк атамаси кейинчалик уларга яқин турган барча қабила-уруғларга ҳам умумий ном сифатида айтилиб кетилган.

Ашин уруғидан бўлган Асан (Асян), ва Туу, (460-545) туркий қабилалари иттифоқига асос соладилар. Туунинг ўғли Бумин (бу туркча ном, хитойча Тумин) ўзига Теле қабиласини буйсундирилади. Эндиликда анча мустахкамланган бу қабилалар иттифоқи ўзлари қарам бўлиб турган жужанлардан халос бўлиш йўлини қидиришади. Бумин 551 йили Марказий Осиёдаги энг кучли бўлган жужанлар хонини мағлуб этади.

Ўша йили Бумин янги давлат –Турк ҳоконлигига (551-744) асос солади. Или дарёси бўйида ҳукмдор деб эълон қилинганча “Илихон” деган унвонни олади. Турклар ҳукумдори ўзини ҳокон (туркча-қаған) деб юрита бошлайди. Олтойдаги Ўтукан шаҳри янги Турк ҳоконлигининг пойтахти қилиб белгиланади. Бумин ўз укаси Истемига (Истеми-туркча, Сэдим-хитойча, Синжибу-арабча, Стемби-хаган юнонча) биринчи саркарда, давлатнинг биринчи амаодор даражасига тўғри келувчи “Ябғу” (баҳодир) унвонини бериб у билан биргаликда ўз давлатини кегайтириш пайига бошчилик қилиб тез орада Шарқий Туркистондаги нушиби, туркаш, узли қабилаарини ўзига буйсундиради.

Муқанхон ҳукумронлиги даври турк ҳоконлигини энг қудратли паллага олиб кирди. 554 йил Муқан ҳокон Шарққа юриш қилиб Узоқ Шарқ ўлкаларини ўзига буйсундиради ва Тинч океани қирғоқларига чиқади. У Ўрхун, Туғла, Селенга дарёлари бўйларидаги қабилаларни, Енисей дарёси бўйларидаги қирғизларни, Байкал атрофларидаги уйғурларни ўзига буйсундиради. Муқан ҳокон эфталитлар давлатини тугатиш учун 544 йил Эрон шоҳи Хусрав I Анушеронга элчи жўнатади.

588 йил турклар Урал ва Волга бўйлариини забт этиб Шимолий Кавказдаги кўчманчи оварлар билан тўқнашади. Турклар эфталитлар ва оварларга қарши курашишда Византия ва Эрон билан дўстона алоқани мустахкамлашга ҳаракат қила бошлайдилар. Византиядан фойдаланган Эрон эфталитлардан Тоҳаростон, Чағаниён, Қобул атрофдаги ерларни тортиб олади.

563 йилдан эфталитларга қарши шимолдан турклар Чоч водийсига бостириб кирадилар. Тез орада улар томонидан Самарқанд, Кеш, Нахшаб эгалланади. Эфталитлар Хутталон, Термиз, Балх, Амул, Замм шаҳарларидане ёрдам олиб Бухоро яқинида катта жангга тайёргарлик кўрдилар. 8 кунли шиддатли жангда эфталитлар турклардан енгилдилар.

Турклар тезлик билан ҳаракат қилиб иложи борица эфталитларнинг ерларини кўпроқ ўз қўлларига олишга ҳаракат қиладилар. Амударёнинг жанубий соҳилигача бўлган ерлар, Эрон, унинг шимолий соҳилларидан Каспийгача бўлган ерлар турклар қўлига ўтади. Бирмунча вақт эфталитларнинг қолган-қутгани Зарафшон воҳасида яшаб туркларга солиқ тўлаб туради. Жанубдаги ярим мустақил эфталитлар ерлоари сосонийлар томонидан бир оз вақтдан кейин буткул буйсундирилиб олинади. Эфталитлар давлатининг мағлубиятидан сўнг бевосита иттифоқчилар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлайди.

Ҳоқонликнинг бевосита ғарбий қисмини бошқариб турган Истами ва бош ҳоқон Муқанхон ҳам савдо йўли ва унинг аҳамиятини яхши тушуниб бу масалани тинчлик билан ҳал қилишга ҳаракат қила бошлайдилар. Истами Ябғу Суғд ихшидига бу масалани ҳал этиш вазифасини топширади. Эронга машҳур Суғд савдогарри ва дипломати Мониах бошчилигида элчилар гуруҳи жўнатилган. Хусравшоҳ ўз атрофидаги амалдорларнинг маслаҳатига кириб, суғдийлар олиб келган ипакликларни сотиб олиб, сўнг уни элчилар кўз ўнгида йиғиб ёкиб ташлайди.

Истами бу воқеадан сўнг қатик ранжиса-да, Хусравшоҳ ҳузурига 2-маротаба ўз элчиларини юборади. Бу элчилар гуруҳи эндиликда фақат турклардан иборат бўлиб, унинг натижасидан яқин орадаги сиёсат намоён бўлиши керак эди. Бу сафар турк элчилари заҳарлаб ўлдирилади. Уларнинг фақатгина бир нечасигина ҳоқон ҳузурига етиб келади. Ўз ишларини сосонийлар “Турклар иссиқ об-ҳавони кўтариша олмадилар” деб беркитишади. Истами Хусрав I Анушервон кўшинларини тор-мол қилиб Эроннинг шимолига бостириб киради. Эфталитлар ўз ерларининг Эронга тушиб қолган қисмини яна ўз қўлларига қайтариб олади. Эрон тинчлик сулҳига келишиб 40000 Византия тилласи тўлаш мажбуриятини олади. Ундан сўнг Эрон билан Византия ўртасида ҳам уруш бошланиб, кетиб, сосонийлар давлати жуда ночор аҳволга тушиб қолди.

576 йили Муқан ҳоқон ва Истами ябғуларнинг вафотидан сўнг Турк ҳоқонлигининг таъсири анча заифлаша бошлайди. Эрон саркардаси Баҳром Чубин Чур-Баға ҳоқон кўмондонлигидаги 30000 кишилик турк кўшинини тор-мол қилади. Чур Баға жангда ҳалоқ бўлади. Баҳром Чубин Бухоро яқинидаги Пойкенд шаҳрига бостириб Ҳоқон ҳазинасини эса Эрон шоҳи Хурмуздга юборади.

Муқон ҳоқон вафотидан (576 йил) сўнг тахтга унинг укаси Арслон Тўба ўтирди. Арслон Тўла буддийликка берилган бўлса-да, мамлакатни мустаҳкамлаш учун Ци салтанати билан шартнома тузади. Бундан ташқари у мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш чораларини ҳам кўрди. Аммо, 581 йилда Арслон Тўба вафот этгач Турк ҳоқонлари ўртасида ўзаро курашлар авж олиб кетди. Бу курашлар натижасида ҳоқонлик икки қисмга: шарқий ва Ғарбий қисмга бўлиб кетди. Шароқий ҳоқонлик Хитой ва Мўғулистони бир қисмини ўз ичига олиб уни Арслон Тўбанинг кичик ўғли Ишбара бошқара бошлайди.

Иккинчи ҳоқон ғарбий ерларини-Еттисув, марказий Осиёнинг асосий қисми, Шарқий Туркистон, ҳозирги Қозоғистон тасарруфини олган Истами ябғунинг ўғли Қора Чўрин бошқарар эди. Қора Чўрин Истамининг вафотидан (576 йил) сўнг бу лавозимига ўтирган бўлиб, бошқа ҳоқон ва хонлар ичида энг қобилятлиси ва тадбирқори эди. Кейинги хонлар-Тўамон ва Амроқ эди. Улардан ташқари яна кичик 4 та хон бўлган. Бу ҳокимлар ўртасида зимдан адоват кезар, уларнинг кўпи бир-бирига душманд бўлиб, қулай вазият келишини кутиб турар эдилар. Ўзаро курашлар натижасида мамлакат ичида ҳам аҳвол кескинлашиб, иқтисодий таназзул бошланиб кетди.

Шу вақтда кескин вазият пайтида туркий шахзода Обрўй бошчилигидаги халқ ҳаракати (585-586 йиллар) бўлиб ўтди. Обрўй ҳаракати тўғрисида узук-юлуқ маълумотлар сақланиб қолган. Хусусан Абдурҳмон Муҳаммад Нишопурийнинг (XI аср) “Ҳазинат-ал-улум” асаридаги бу масалага бағишланган парча Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарига киритилган. Унинг ёзишича Обрўйнинг қароргоҳи Пойкандда бўлиб, у бой зодагонлар ва савдогарлар устидан қаттиқ назорт ўрнатган. Бўнга чидай олмаган зодагонлар Туркистон толмонига йўл олишган. Обрўй атрофида эса қашшоқ деҳқонлар гуруҳлари йиғила борган.

Ўзаро муттасил урушлар ҳамада тахт талашишлар мамлакатни парчаланиб кетиши ва маънавий иқтисодий инқироз ҳолатига олиб келди. Қора Чўрин қариб қолган вақтида тахминан 600 йилларга келиб ўзини ҳокон деб эълон қилади. Қора Чўрин Буғу ҳокон (қаҳрамон ҳокон) деган номни олган эди. Ҳоконликдаги оғир вазиятдан фойдаланган Хитой императори ички назолар келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. 582-603 йиллардаги ўзаро урушлардан сўнг 603 йил ҳоконлик тўла мустақил 2 қисмга: Шарқий ва Ғарбий қисмларга айланди. Ғарбий ҳоконлик таъсири остида Ёттисув, Чуводийси, Волга, Кубаннинг Қуйи қисми, Иртиш, Ишим дарёлари бўйидаги ерлар, Марказий Осиёнинг кичик ярим мустақил давлатлари унинг таркибида бўлди.

Феодал муносабатлар ривожланаётган Ғарб ҳоконлигининг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анча-мунча мураккаб эди. Ярим асрлик ҳукумдорлик жараёнида туркларнинг бир қисми ўтроқлашади, қолганлари ерли чорвадорлар билан аралашиб кетади. Ўтроқ ҳаётнинг анъанавий – маъмурий удумлари таъсирида бошқарув таркиблари аста-секин ўзгариб, туркларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб боради. Турклар сиёсий ҳаётда фаол қатнашиб, Марказий Осиё сиёсатининг ҳамма жабҳаларида тенг қатнаша бошладилар. Ҳокон Шегуй вафотидан кейин (618 йил) ҳокимияти келган Тўн ябғу (Тўн баҳодир) даврида Ғарбий ҳоконлик яна кўчаяди.

3.Мовароуннаҳр араблар томонидан истило этилиши ва арабларга қарши ҳаракатлар.

VII асрнинг ўрталарида Арабистон ярим оролида яшовчи тарқоқ араб қабилалари Ислом таълимоти асосида марказлашган кучли Араб халифалигини ташкил қилдилар. Бу ҳаракатни раҳбари Пайғамбаримиз Муҳаммад Ибн Абдуллоҳ эди. Араблар тез фурсат ичида қўшни давлатлар Эрон ва Византияни босиб оладилар. Миср, Сурия, Фаластин давлатлари бўйсундирилади. Ислом дини жаҳон динларидан бирига айланади. Араблар Мовароуннаҳрга 705 йилда Қутайба Ибн Муслим бошчилигида юришни бошлаб Балх шаҳрини эгаллайдилар. 707 йилда Қутайба катта қўшин билан Амударёдан ўтиб Бухоро воҳасига бостириб киради. Пойканд шаҳрини қамал қилиб, қаттиқ қирғиндан сўнг уни эгаллайди. 708-709 йилларда Бухорони босиб олади. Шундай қилиб 10 йил давомида муттасил олиб борилган қонли жанглار натижасида Мовароуннаҳр Араб халифалигига бўйсундирилади. Мовароуннаҳр босиб олинганча истилочилар барча шаҳар ва қишлоқларга ўз

ҳарбий қисмларини жойлаштирадилар, сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва уни барқарорлигини таъминлаш учун Ислом динининг тарғиботи ва уни ерли аҳоли ўртасида тарқатиш ишлари билан шуғулланадилар. Улар ҳарбий кучга таяниб, аҳолидан турли солиқлар ундириб, уларни турли жамоа ишларига сафарбар этадилар. Мовароуннахрнинг иқтисодий ҳаётини ўз қўлларида жиловлаш учун истилочилар бу ерда ҳам сосонийларнинг солиқ тартибини жорий этадилар. Тартиб буйича экин ерларидан 0,20 - 0,25 хисса миқдорида хирож, чорва ҳунармандчилик ва савдо сотикдан қирқдан бир хиссада закот ҳамда ислом динини қабул қилмаган маъжусийлардан эса жузъя солиғи олинган.

VIII асрнинг 70-80 йилларида Мовароуннахрда Арабларга қарши кўзғалон кўтарилди. Бу кўзғалон “Оқ кийимлилар” кўзғалони деб аталиб ўнга Марвлик ҳунарманд Хошим ибн Ҳақим раҳбарлик қилди. У “Муқанна” яъни ниқобдор лақабини олган, у саводли ва билимдон шахс бўлган. Кўзғалон Марвда бошланиб тез орада Сўғд, Қашқадарё водийсига ёйилади. Кеш шаҳри яқинидаги сом қалъаси кўзғоло н маркази бўлган. Оқ кийимликлар ҳаракати кенгайиб халқ ҳаракатига айланади. Бу кўзғолонни бостириш учун халифа катта куч тўплайди, аммо кўзғолончилардан катта талофат олиб, Самарқандга чекинади. Кўзғолон 776 йилда Бухорога ёйилди. Наршах қалъаси кўзғолоннинг марказига айланади. Сон жиҳатидан устун араблар Наршоҳ қалъасини эгаллаб, кўзғолон раҳбарини ўлдирадилар. Араблар энди кўзғолон маркази бўлмиш Самарқанд ва Кеш вилоятларига катта куч билан юриш бошлайдилар. Оқ кийимликлар арабларга қарши икки йил жанг қиладилар. Нихоят кўзғолончилар енгилиб Самарқанд шаҳри босиб олинади. Курашнинг охириги босқичи Кеш водийсида тоғлар орасида бўлади. Сом қалъаси узоқ муддат камалдан сўнг таслим бўлади. Муқанна ўзини ёниб турган оловга ташлаб ҳалок қилади. Шундай қилиб 10 йил давом этган Араб халифалигини ларзага келтирган кўзғолон бостирилади. Кўзғолонни енгилишига сабаб кўзғолончилар уюшқоқлик билан ҳаракат қилмадилар. Маҳаллий задогон деҳқонлар араблар томонига ўтиб сотқинлик қилдилар. Кўзғолоннинг узоқ давом этиши кўзғолончиларни тинка (мадори) ни куритди. Араблар кўзғолончиларни кучларини билиб ҳар бир вилоятда алоҳида-алоҳида равишда бостирдилар.

Араб истилочилари Мовароуннахрни босиб олгач, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун Ислом динини мажбуран қабул қилдиришга асосий эътиборни қаратдилар. Мовароуннахрнинг тақводор аҳолисини узил кесил бўйсундиришда ягона динга-ислом динига бирлаштириш хал қилувчи аҳамият касб этишини улар яхши тушунар эдилар. Шу боисдан улар ерли аҳолининг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган оташпарастлик, Моний, Будда каби динларни хурофот сохта динлар деб эълон қилдилар. Айниқса Мовароуннахр аҳолисининг асосий дини хисобланган оташпарастликка қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Ибодатхоналарини вайрон қилиб ўрнига жоме масжидларини бино қилдилар. Диний китоблар ёқиб юборилди, дин арбоблари-кохинлар қувғин қилинди.

Ислом динини қабул қилиб мусулмон бўлган аҳолига дастлабки йилларда хирож ва жузья солиқларидан озод этилиб, имтиёзлар берилди. Намоз ўқиш учун масжидга борганларга икки дирҳамдан пул берилди. Исломни қабул қилишдан бош тортган аҳолидан жон боши солиғи-жузья ундириб олинди. Оғир солиқлардан кутилиш учун биринчи навбатда аҳолининг энг камбағал катлами исломни қабул қилдилар. Бироқ улар номигагина мусулмон бўлиб узоқ вақтгача ўз динларига содиқлигича қолганлар.

Шундай қилиб араб истилочилари томонидан Мовароуннахрни босиб олиниши оқибатида маҳаллий халқни урф-одати, дини ва эътиқоди, қадимдан ривожланиб келаётган маданияти поймол этилди. Истилочилар Мовароуннахрнинг ҳамма жойларида маҳаллий дин намоёндаларини, маданият, адабиёт ва илм аҳилларини қувғин қилдилар ва қатл этдилар. Сўғд ёзувида битилган диний ва шарий китобларни, илмий асарларни, қимматли ҳужжатларни йўқ қилдилар. Ислом дини араб тили ва ёзуви, халифалик қонун ва қоидалари зурлик билан жорий этилди. Натижада Мовароуннахр халқи узоқ давр мобайнида бесавод бўлиб қолди. Араблар келтирган ва ерли аҳоли учун мутлоқо ёт бўлган имлони ўзлаштириб саводхон бўлиш учун яна асрларга тенг авлодлар умри сарф бўлди.

Амир Кутайба 715 йили ҳозирги Андижон вилояти, Жалақудук туманида унга қарши исён кўтарган ўз аскарлари томонидан ўлдирилган. Амир Кутайба аскарларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган Хоразм, Термиз, Бухоро, Самарқанд, Фарғона каби Туркистон ҳудудлари кейинчалик Ислом динининг энг йирик марказлари бўлиб қолди. Мусулмон дунёсига буюк Хоразмийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Фарғоний, Самарқандийларни етиштириб берди.

4. IX аср бошларида Мовароуннахрнинг сиёсий аҳволи. Тоҳирийлар, сомонийлар ва қорахонийлар давлати. Давлатни бошқариш, солиқ сиёсати, ер-сув муносабатлари.

Араблар истилосидан кейин Ўрта Осиёда (IX-XII) феодал муносабатлар янада мустаҳкам негизда қарор топа борди.

Хуросон ва Мовароуннахрни идора қилган араб ҳокимлари бутун халифалик салтанатига кучли таъсир ўтказдилар. Буни 809 йилда Боғдодда мусулмон дунёси тарихида салмоқли из қолдирган. Машхур халифа Хорун-ар-Рашид вафотидан сўнг халифаликда юз берган муҳим сиёсий ўзгаришлар ҳам яққол исбот қилди. Мовароуннахр ва Хуросоннинг йирик феодал намоёндалари бўлмиш Тоҳир ибн Хусайн, Самон Худод сингари етакчи кучлар мадати билан халифалик тахтига ўтирган Хорун-ар Рашиднинг кенжа ўғли, Хуросон ноиб Маъмун яги халифа сифатида маҳаллий феодаллар, амиру-бекларга илтифотлар курсатиб, уларнинг ички мустақиллигини янада мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида Тоҳир ибн Хусайн, Самон худот ва уларнинг авлодлари Хуросон ва Мовароуннахр ҳудудларининг амалда ҳукмдорлари бўлиб олдилар. Тоҳирийлар расман халифаликка тобе ҳисоблансаларда, амалда ўз ички мустақил сиёсатини ўтказиб ва уни амалга ошириб бордилар.

Сулола асосчиси Тоҳир ибн Ҳусайн Хуросоннинг энг йирик ер эгаларидан бўлиб у Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмунни тахтга ўтиришига ёрдам берган. Маъмун (813 - 833 й.) халифа бўлиб олгач, Тоҳир ибн Ҳусайн тез орада халифаликнинг энг нуфузли кишиларидан бирига айланди. У бир неча вақт халифа кўшинининг бош саркардаси лавозимида ишлади. 821 йили эса халифа уни Хуросон ноиби қилиб тайинлади. Тоҳир Хуросон ноиблигини пойтахти қилиб Нишопур шаҳрини танлади. Хуросонга қайтгач у ўзига қарашли ноибликни мустақил давлатга айлантириш режаларини туза бошлади. Бир йил ўтмасданок Тоҳир ибн Ҳусайн халифа исмини жума намозидаги хутбада қайд қилишни ман қилди. Бу халифага нисбатан очик исён эди. Лекин унинг режалари амалга ошмади. У тўсатдан вафот этди. Тахмин қилинишича, унинг ўлимида халифанинг одамларини кўли бўлган.

Халифа Маъмун Тоҳир ибн Ҳусайн ўрнига Хуросон ноиби қилиб унинг ўғли Талхни тайинлайди (822 - 828 йиллар). Тоҳирнинг иккинчи ўғли Абдулло ноиблик қилган йилларида (830 - 844 йиллар) Хуросон халифага вассал ҳисобланса-да, аслида мустақил давлатга айланди. Халифа Мутасим. (833 - 842 йиллар), бир неча бор Абдуллони бўйсундиришга ҳаракат қилди. Аммо бунда у муваффақиятсизликка учради.

Тоҳирийлар кучли ҳокимият тузишга, қишлоқ хўжалигини ташкил этишга астойдил ҳаракат қилдилар. Янги суғориш иншоотларини барпо этдилар. Маҳаллий амалдорларни ўз лавозимларини суистеъмол қилмасликларини назорат қилдилар. Албатта бунда улар деҳқонлар манфаатини эмас, балки аҳолидан олинадиган солиқни ҳазинага изчил келиб тушишини назарда тутганлар. Улар на деҳқондан олинадиган солиқ миқдорини, на улар утайдиган мажбуриятларни камайтирмаганлар. Солиқлар миқдори жуда катта бўлган. Солиқларнинг кўпчилиги деҳқонларни кўзғолон кўтаришига олиб келган. Тоҳирийлар бу кўзғолонларни шавқатсиз бостириб турганлар.

Тоҳирийлар ислом динини халқ орасида кенг ёйиш сиёсатини давом эттириб, ислом рухонийларини ўз режаларини амалга оширишда таянч деб билганлар. Талх ибн Тоҳир ноиблиги (842 - 864) даврида зардуштийлик дини сақланиб келган. Давлатни идора этишда тоҳирийлар малакали, билимли амалдорларга муҳтож эдилар. Шунинг учун улар билимдон одамларга хомийлик қилганлар. Маълум тоифадаги одамларга билим олиш учун кенг шароитлар туғдириб берганлар. Манбаларда қайд қилинишича Тоҳирийлар жуда билимдон бўлганлар. Хусусан, Тоҳир ибн Ҳусайн ва Абдулло анча танилган шоир бўлган. Абдулло вафотидан кейин Тоҳирийлар давлати аста-секин инқирозга юз тутди ва кўп вақт ўтмай уларнинг ҳокимияти бутунлай тугатилди. Тоҳирийлар сулоласининг сўнгги вакили Муҳаммад ибн Тоҳир (862- 873й) Ёқуб Ибн Лайс билан бўлган жангда мағлуб бўлди.

Сомонийлар сулоласига асос солган Сомон йирик ер эгаси бўлган. Манбаларнинг бирида у Балх яқинидан, иккинчисида эса Самарқанд атрофидан ёки Термиздан бўлганлиги қайд этилган. Сомон Маъмун Хуросон ноиблиги пайтида ўнга хизматга ўтган ва тез орада унинг эътиборини қозонган, Маъмун таъсири остида халқ зардуштийлик динидан воз кечиб, ислом динига кирган. Худди шу вақтда Сомонийнинг ўғли Асад ҳам халифа

Маъмун эътиборига тушган. Асаднинг тўртта ўғли бўлган ва улар Маъмун саройида хизмат қилишган. Маъмуннинг буйруғига биноан Хуросон ноиб Асаднинг ўғилларини 820 йилда Мовароуннахр ўлкаларига ноиб қилиб тайинлайди. Хусусан, Асаднинг катта ўғли Нухни Самарқанд, Аҳмадни Фарғона, Яҳёни Шош ва Уструшонани, Илёсни Хирот ноиб қилиб тайинлайди. Тоҳир ибн Хусайн Асаднинг ўғилларини яхши билган ва уларга керакли вақтда ёрдам қўлини чўзган.

Аҳмад Сомоний аста-секин Мовароуннахрни ўз оиласи бошчилигида бирлаштиришга киришади. Тоҳирийлар Аҳмаднинг бу фаолиятига қаршилик кўрсата олмадилар. 864 йилда Аҳмад вафот этди. Сомонийлар сулоласининг бошлиғи сифатида 865 йилда Аҳмаднинг ўғли Наср тан олинди. Лекин ҳамма Сомонийлар ҳам сулола бошлиғи сифатида Насрни бирдан тан олмадилар: хусусан Шош ҳокими Ёқуб Насрни тан олмай ўз номидан тангалар зарб қила бошлади. Айниқса, Насрнинг укаси Исмоил билан алоқаси кескин эди. Маълумки, 873 йили Бухоро вилоятини Тоҳирийларнинг сўнгги вакили Муҳаммад ибн Тоҳир босиб олди ва ўнга солихлар солди. Бундан ғазабланган халқ Муҳаммадга қарши кўзғолон кўтардилар. Шаҳар амалдорлари Наср ибн Аҳмадга мурожаат қилиб, сомонийлардан Бухорога ноиб юборишни илтимос қилдилар. Бухорони сомонийлар давлатига қўшиб олишни режалаб юрган Наср бу таклифни хурсанд бўлиб қабул қилди ва Бухорога ноиб қилиб укаси Исмоилни жўнатди. Исмоил Бухорога келиб кўзғолонни бостирди.

Наср Исмоилни ўз ноиб деб ҳисоблар эди. Исмоил ибн Аҳмад Бухорода ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, Самарқандга юбориладиган солиқни юбормай қўйди. Шундан сўнг ака-ука ўртасида низо пайдо бўлди: 886 йили Наср ва Исмоил қўшинлари тўқнашдилар. Бу жангда Исмоил мағлуб бўлди ва у вақтинча Бухоро ноиблигидан туширилди. Лекин икки йил ўтгач ака-ука қўшинлари ўртасида яна тўқнашув бўлди. Бу жангда Исмоилнинг қўли баланд келди. Наср қўшини тор-мор қилинди. Мовароуннахр ҳукмронлиги Исмоил қўлига ўтди. Лекин Исмоил Насрдан тахтни тортиб олмади ва Наср ўз вафотигача (892 йили) сомонийларнинг бошлиғи сифатида Самарқандда қолди.

Наср вафотидан сўнг Исмоил давлат бошлиғи бўлди. Пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилди. Ўзаро жанжал ва исёнларни бартараф этгач Исмоил 893 йили кўчманчиларга қарши қўшин тортди ва Тарозни эгаллади. У бу ерда хонни ва унинг 10 минг қўшинини асир олиб, бу жангда катта ҳарбий ўлжани қўлга киритди. Халифа ал-Мутадис (892-902й) Исмоилни қудрати кўчайиб кетаётганлигини кўриб, Мовароуннахрдан махрум бўлиб қолишидан саросимага тушди ҳамда хийла йўллариини излай бошлади. У Мовароуннахрдан узининг барча одамларини саройга таклиф этди ва уларга Исмоилни Мовароуннахр ҳокимлигидан туширилганлигини ва Амр ибн Лайсни у ерга ҳоким қилиб тайинланганлигини эълон қилди. Бу билан халифа ўзининг икки душманидан бир йўла қутулмоқчи эди. Мовароуннахр ноиблиги тўғрисида ёрликни олган Амр ибн Лайс Исмоилга қарши қўшин тортди. 900 йили Бухоро остонасида Амр ибн Лайс қўшини

тор-мор этилади. Наршахий ва бошқа муаллифларнинг қайд қилишича, Исмоил Амир билан бўладиган жангга қўшиндан ташқари Бухоро хунармандларини ва ҳамда оддий халқнинг қўлига қурол бериб, ўз озодлигини сақлаб қолишга чақирган. Кенг халқ оммасининг бу жангда иштирок этиши Исмоилга зафар келтирди. Исмоил араб босқинидан кейин биринчи бўлиб ўзаро жанжаллар, босқинчилар томонидан таланган ўлкани қудратли бир давлатга айлантиришга муваффақ бўлди.

Энди Исмоил олдида асосий масала турар эди. У ҳам бўлса араб халифалигидан ўз мустақиллигини сақлаб қолиш учун марказлашган мустаҳкам давлат маъмуриятини тузиш керак эди. Йирик ер эгаси бўлган Исмоил биринчи навбатда маҳаллий феодал зодагонлар ва савдогарларнинг маанфаатларини кўзлаб иш тутди. Давлатнинг иқтисодий куч-қудратини ошириш, қишлоқ хўжалигини, хунармардчиликни ва савдони ривожланиши учун кенг шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим эди. Шу мақсадда Исмоил катта ва яхши қуролланган, сараланган қуролли кучларни ташкил қилишга киришди. У айниқса, турк ғуломларидан иборат қисмларни тузишга катта эътибор берди. Натижада Сомонийлар давлати тез орада мусулмон шарқидаги марказлашган кучли давлатга айланди.

Йирик ер эгаси бўлган Исмоил маҳаллий феодал зодагонлар ва савдогарларга суяниб давлатни идора қилган. Лекин Исмоил ҳам, бошқа Сомонийлар ҳам ички ижтимоий зиддиятларни йўқота олмаган. Дехқонларнинг ер эгалари томонидан қаттиқ эксплуатация қилиниши натижасида феодалларга қарши қўзғолонлар бўлиб турган. Бундан ташқари айрим чека ўлкаларнинг ҳокимлари марказлаштириш сиёсатига иложи-борича қаршилиқ кўрсатганлар. Хусусан, Хоразм, Афғонистон ҳудудларида жойлашган ҳокимлар сомонийларга вассал бўлсада, улар ўз ерларида мустақил сиёсат юргизганлар. Улар сомонийлар саройига тўланадиган солиқнинг маълум қисмини эмас, балки совға-саломлар юбориш билан кифояланганлар.

907 йилда Исмоил вафот этгач тахтни ўғли Аҳмад ибн Исмоил эгаллади (907-914 й). Аҳмад ҳукмронлиги даврида бир қанча қўзғолонлар бўлиб ўтди. Хусусан, амакиси Исоқ ибн Аҳмад Самарқандда, Рай ва Сейистон ҳокимлари исён кўтардилар. Бу исёнлар шавқатсизлик билан бостирилди. Аҳмад узоқ вақт ҳукмронлик қилмади. Давлатни идора этишда араб тилини қайта тикланиши кўпгина маҳаллий зодагон ва Турк ғуломларининг норозилигини уйғотди. 914 йилда у Турк ғуломлари томонидан ўлдирилди. Тахтга Аҳмаднинг 8 ёшли ўғли Наср ибн Аҳмад (914-943 й) ўтирди. Саройнинг рухсати билан давлат ишларини вазир Абдулло Жайхоний бошқарди.

914 йилнинг охирида Самарқандда яна қўзғолон кутарилди. Давлатнинг жанубий ҳудудларида бўлган Хусайн ибн Али Марвозий раҳбарлигидаги қўзғолон айниқса кескин тус олди. Қўзғолон карматлар ғояси байроғи остида бўлиб ўтди. Бу қўзғолон 918 йилда бостирилди. Марвозий асир олинди. Кўп ўтмай Марвозий раҳбарлигидаги қўзғолон бостирилгач Аҳмад ибн Нух ҳокимиятга қарши қўзғолон кўтарди. 922 йилда эса Илёс ибн Исоқ қўзғолон

кўтарди. Тинмай давом этган кўзғолон ва исёнлар Сомонийлар давлатининг қудратига катта таъсир кўрсатди ва у аста-секин таназзулга юз тутди.

Наср ҳукмронлиги даврида Сомонийлар давлати ҳудудларида карматлар ҳаракати анча кескин тус олди. Карматлар исломни ёйилишга, феодал муносабатларни кўчайишига қарши чиқдилар ва олдинги анъаналарни, кишлоқ жамоаларини қайта тиклашни ёқлаб чиқдилар.. Шунинг учун бу ҳаракатга кенг халқ оммаси қўшилди. Карматлар ғоясини амалдорларнинг бир қиёми ва ҳатто Насрнинг ўзи ҳам қабул қилди. Насрнинг бу қадами реакцион мусулмон рухонийларнинг ва турк ғуломларини норозилигини кўзғатди. Натижада Наср тахтдан воз кечишга мажбур бўлди. Тахтга Насрнинг ўғли Нух ўтирди (943-954йиллар). Нух карматларга қарши шавқатсиз кураш олиб борди. Уларнинг мол-мулклари мусодара қилинди. Нух ҳатто ўз отаси Насрни занжир-банд қилиб, қалъага қамаб қўйишга буйруқ берди.

Нух ҳукмронлиги даврида Сомонийлар давлатини инқироzi кўзга яққол ташлана бошлади. Бўшаб қолган хазинани тўлдириш мақсадида Нух солиқлар миқдорини кўпайтирди. Бу халқ норозилигини янада оширди. Халқ норозилигидан фойдаланган Нухнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад Хуросон ноибни Абу Али Чароний ёрдамида вақтинча Бухоро тахтини эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Абу Али Чароний Хуросонга қайтгач Нух яна Бухоро тахтига қайтди ва исёнкор қариндошларини қаттиқ жазолади. Лекин Сомонийларнинг Абу Али Чароний билан кураши Абдумалик ҳукмронлиги даврида (954-961 й) ҳам давом этди. Абдумалик замонида турк лашкарбошилари давлат ишларига аралашishi анча кўчайди. Хусусан турк лашкарбошиси Алп Тегин «буюк Хожиб» лавозимига кўтарилган. Абдумалик вафотидан кейин Сомонийлар тахти учун кураш янада кескин тус олди. Алп Тегиннинг қатъий ҳаракати билан тахтга ўтирган Абдумаликнинг ўғли бор йўғи 6 кун ҳукмдорлик қилган. Тахтга Мансур ибн Нух (961 - 976 йиллар) ўтирган.

Солиқларнинг йил сайин кўпайиб бориши, феодалларнинг ўзаро жанжаллари, ноибларнинг марказга бўйсунмай қўйиши ва саройдаги бўлаётган тахт учун курашлар сомонийлар давлатини жуда заифлаштириб юборди; Бу курашлар аynиқса, Амир Мансур ибн Нух II (976 - 997 йиллар) ҳукмронлиги даврида кескин тус олди. Ички низолар оқибатида Нух II Еттисув ва Қашғарда вужудга келган Қорахонийлар давлатининг Мовароуннаҳрга қилган юришларига кескин қаршилик қилолмади. Сомонийлар давлатидаги сиёсий беқарорликдан фойдаланган Қорахоний Ҳорун Буғрохон 990 йили Фарб томон қўшин тортди ва икки йил давомида сомонийларга қарашли бир қанча вилоятларни ўз давлати таркибига қўшиб олди.

Талас, Илоқ ва Шошда айтарли ҳеч қандай қаршиликсиз ўз ҳукмронлигини ўрнатган Ҳорун Буғрохон 992 йили Сомонийлар пойтахти Бухоро томон қўшин тортди. Бу жангда Нух II қўшинлари тор мор этилди. Сомонийлар амири Нух II Бухорони ташлаб, Амударёдан кечиb ўтди ва

Амул шаҳрида яна Қорахонийларга қарши қўшин тўплай бошлади. Қорахоний Буғрохон Бухорони ҳеч қаршиликсиз эгаллади. Лекин бу ерда у меваларни кўп истеъмол қилиш оқибатида касал бўлди ва орқага қайтишга жазм қилди. Хорун Буғрохонни орқага қайтишига яна бир сабаб, Аҳолини унта қарши бўлганлигидадир. Шунинг учун у Мовароуннаҳрни бу вақтда ўз қўли остида ушлаб қолишга кўзи етмаган.

Хорун Буғрохон Нухнинг ўғли Абдулазизни ўз қошига чакириб, тахтни ўнга топширган. Ваҳоланки, агар у Мовароуннаҳрни ўз қўли остида сақлаб қолишга кўзи етганда, Бухорога ўз ноибини тайинлар эди. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Хорун Буғрохон Бухорони ташлаб чиқиб кетганидан сўнг унинг қўшини йўл йўлакай, аҳолига ҳужум қилиб катта зиён етказган. Орқага қайтган Қорахонийлар қўшинига ўғуз-туркман қабилалари ҳам ҳужум қилиб, уларнинг кўп мол-мулкларини тортиб олганлар ва ўлдирганлар. Хорун Буғрохон Бухорони ташлаб чиқиб кетганидан хабар топган амир Нух II 992 йилни 12 августида пойтахтга қайтган ва чекинаётган Қорахонийлар қўшинига зарба бериш йўллари излаган. Самарқанд аҳолиси ҳам Қорахонийлар қўшинига ҳужум қилиб турганлар. Соғлиғи ёмонлашган Хорун Буғрохон Самарқанддан ватанига йўл олди ва Қучқорбоши деган жойда вафот этди (992 й.).

997 йили Нух II вафот этди. Тахтга ўтирган Мансур ибн Нух ўз амалдорлари билан келишишга ҳаракат қилди. Аммо бу ҳаракат яхши натижа бермади. Сомонийлар саройидаги энг нуфузли амалдорлардан ҳисобланган Абу Али Муҳаммад Исфажобий амирга қарши исён кўтарди. Исфажобийни илтимосига биноан Қорахоний ҳукмдори Элик Наср сомонийларга қарши қўшин тортди. Лекин Элик Наср Исфажобийни ўзини амир қилиб Узгандга жўнатди. Бу пайтга келиб сомонийлар саройида ўзаро келишмовчиликлар янада кўчайди. 999 йили Мансур тахтдан туширилди, ва кўзи кўр килинди. Тахтга Мансурнинг укаси Абдумалик ибн Нухни ўтказишди.

Маҳмуд Ғазнавий 999 йилнинг май ойида Мансур учун ўч олиш шиори остида Мовароуннаҳрга қарши қўшин тортди. У Сомонийлар қўшинини тор-мор қилиб катта ўлжалар билан Ғазнага қайтди. Юзага келган бу вазиятдан Элик Наср ҳам фойдаланишга ҳаракат қилди. Негаки, бу жанг оқибатида Хуросон Маҳмуд Ғазнавий қўлига ўтган эди. Шу йилнинг декабрь ойида Элик Наср сомонийлар сулоласини тугатиш мақсадида Бухорога қўшин тортди. Сомонийлар Бухоро аҳолиси ёрдамида Қорахонийларни шаҳарга киргизмасликка ҳаракат қилдилар. Лекин аҳолининг кўп қисми Сомонийларни: қўллаб-қувватламади ва Элик Наср Бухорони 999 йилнинг 23 октябрида айтарли қаршиликсиз босиб олди. Элик Наср Бухорога Жафар Тегинни тайинлаб ўзи Урганчга қайтди.

Юқоридаги воқеалардан сўнг Нух II нинг ўғли Абу Иброҳим Исмоил (Мунтасир лақаби билан) бир қанча муддат самонийлар давлатини тиклаш учун Қорахонийларга қарши гоҳо ютуқли гоҳо муваффақиятсиз урушлар олиб борди. Бу курашларда ўнга гоҳо Салжуқийлар, гоҳо Ғазнавийлар ҳукмдорлари ҳам ёрдам бериб турдилар. Лекин Қорахонийлар қўшини билан

тўртинчи марта йирик тўқнашувдан сўнг у жангда енгилади ва 1005 йил бошларида ўлдирилади. Шу тариқа Самонийлар хукмронлиги Маварауннаҳр ва Хуросонда тугатилиб, уларга қарашли ўлкаларни Қорахонийлар ва Ғазнавийлар бўлиб олишди.

Самонийлар даврида ижтимоий – иқтисодий тузум. Сомоний хукмдоридан Исмоил Самоний Моварауннаҳр ва Хуросонни бирлаштиришга ва янги марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлган. Ислохотлар ўтказган 10 та девон ташкил қилган. Давлат амир унвони билан ибора қилинган. Давлат мажмуини мустаҳкамлашда, Наср II Сомонийнинг маърифатли вазирлари Абуабдулло Муҳаммад Жайхоний ва Абуфазл Муҳаммад Баламийларнинг хизматлари катта бўлган. Умуман, Сомонийлар хукмдорлиги даврида вазирлик мансабига асосан шу икки сулола вакиллари тайинланганлар.

Довонлар орасида вазир ёки “хўжа бузург” девони алоҳида ўрин тутган. Бу девонга бошқа ҳамма девонлар бўйсўнган. У ҳамма – маъмурий, сиёсий ва хўжалик маҳкамаларини назорат қилган.

Давлатни идора этишда “мустауфи девон” ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу девон давлатнинг бутун молия ишларини бошқарган ва назорат қилган. Девон хазинадор томонидан бошқарилган.

“Девон амир-ал-мулк” ёки “ал-расаил” давлат аҳамиятига молик бўлган расмий ҳужжатларни тузиш билан шуғулланган. Бундан ташқари бу девон чет давлатлар билан бўладиган муносабатларни ҳам бошқарган.

“Мухтасиба” девони бозорларни, сотувчиларни, қадоқбошларнинг оғирлигини, бозордаги молларнинг нархини, сифатини назорат қилган.

Давлат хазинасининг даромадларини ва харажатларини “мушриф” девони назорат қилган. Бундан ташқари “қози аззия” ва “вақф” девонлари бўлган. “Қози аззия” девони давлат ерларини, “вақф” девони ҳадя этилган ерларни ва мусулмон руҳонийларининг бошқа мол-мулкларини назорат қилишган.

Девонийларнинг айтарли ҳаммасини вилоятларда бошқармалари бўлган. Сомонийлар давлатида мусулмон руҳонийларнинг таъсири ниҳоятда кучли бўлган. Улар марказий ҳокимият ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Давлат амалдорлари асосий бой деҳқон ва руҳонийлардан танланган. Бунда юқори табақага мансуб бўлишдан ташқари, маълум билимларга эга бўлиш талаб этилган. Амалдорлар араб ва форс тилларини, қуръон ва шариатни яхши билиши ва турли фанлар тўғрисида маълум даражада тасаввурга эга бўлган.

Хар бир ўлкалар ва вилоятлар ҳокими кўнгиллилардан иборат қўшин сақлаган.

Сомонийлар даврида қудратли марказлашган давлатнинг вужудга келиши натижасида Мовароуннаҳр ва Хуросонда маълум барқарорлик қарор топди. Бу ҳолат мамлакат иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Деҳқончилик, хунармадчилик ва савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Мовароуннаҳр ва Хуросон бу вақтда Шарқнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ўлкаларидан ҳисобланган.

Хуросон ва айникса, Мовароуннахр деҳқончилик ўлкалари қаторига кирган. Бу ерларда деҳқончилик асосан сунъий суғоришга асосланган. Кўплаб сой ва дарёлардан чиқарилган катта-кичик каналлар мавжуд бўлган.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликдан ташқари лалмикор деҳқончилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Канал қурилиши учун халифа давлат хазинасидан 20 миллион дирҳам ажратган.

Сомонийлар даврида деҳқончилик билан бир қаторда хунармандчилик ҳам кенг суръатлар билан тараққий қилди, айникса, тўқимачилик яхши тараққий қилди. Бу ерда ипак ва жундан тайёрланган турли-туман газламалар ўзининг сифатлилиги, бежирим ва нафис нақшлари билан ажралиб турган. Бухоронинг Зандана, Самарқанддаги Ведар ва Сурхондарёдаги Дарзанг тўқимачиларининг маҳсулотлари фақатгина Мовароуннахр ва Хуросондагина эмас, балки Ироқ, Эрон ва Ҳиндистонларда ҳам маълум бўлган.

Кулолчилик ҳам сомонийлар даврида ўз тараққиётининг энг юқори босқичларига кўтарилган. Манбаларда қайд қилинишича айникса, Самарқанд, Бинкен ва Марв кулоллари тайёрлаган идишлар ўзининг бежирим шакли, юқори сифати, ажойиб ва нафис нақшлари билан ажралиб турган.

Бу даврда шишасозлик ҳам кенг ривожланган. Шишасозларнинг устахоналари Нисо, Марвда, Термизда, Пойканд каби шаҳарларда очиб ўрганилган. Марказий Осиё шишасозларнинг маҳсулотига бошқа ўлкалардан эҳтиёж катта бўлган.

Сомонийлар даврида металлургия соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилган. Бу даврда Бадахшонда қумуш, олтин, биллур, ложувард каби қимматбаҳо металл ва тошлар қазиб олиш давом этган.

Марказий Осиёда сомонийлар даврида қоғоз ишлаб чиқариш ҳам яхши ривожланган. Қоғоз ишлаб чиқариш бўйича энг йирик марказ Самарқанд бўлиб унда қоғозларнинг маҳсулоти фақат Марказий Осиё ёки Шарқда эмас, балки Европада ҳам машҳур бўлган.

Ёзма манбаларда қайд қилинишича, бозорлар катта-кичик шаҳарларда ва хатто қишлоқларда бўлган. Айникса карвон йўллари бўйича жойлашган шаҳарларда бир нечтадан бозорлар бўлган. Бухоро, Хўжанд, Кеш, Термиз, Хирот, Марв, Нишопр шаҳарларидаги бозорлар катта ва жуда гавжум бўлган. Савдо расталари карвонсаройнинг ўзида ҳам бўлган. Карвонсаройлар йўлларда ҳам қурилган.

Бозорларда сотиладиган моллар аввало маҳаллий аҳолининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Хунармандлар ўз молларини сотиб озиқ-овқат молларини харид қилишган, ўз навбатида деҳқонлар хунармандчилик молларини харид қилишган. IX-X асрларда Марказий Осиёнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотик катта аҳамиятга эга эди. бу борада кўчмачилар билан чегарадош бўлган шаҳарларнинг аҳамияти катта бўлган. Кўчмачилар шаҳарларга келиб деҳқончилик ва хунармандчилик маҳсулотларини харид қилганлар, тери сотганлар.

Марказий Осиёлик савдогарлар ўз молларини араб халифалиги таркибига кирган давлатларга, Кавказга, Хазар ва Булғорияга, Хитой ва Ҳиндистонга олиб бориб сотганлар. Марказий осиедан Хитой билан Ўрта Ер денгизини бирлаштирувчи ва Жануби-Шарқий Европага олиб борувчи карвон йўллари ўтган. Хазар, Булғор ва Рус ерларига марказий Осиёдан куруқ мевалар турли-туман газламалар, гуруч ва кумуш чиқарилган. Ўз навбатида Жанубий-Шарқий Европадан Марказий Осиёга мўйна, мис, тери, қорамол, қўллар келтирилган.

Сомонийлар давридаги маданий ҳаёт. IX-X асрларда меъморчилик санъати ва қурилиш услуги ўз тараққиётида яна бир босқич юқорига кўтарилди. Бу давр қурилишида аввалги асрлардаги каби хом ғишт ва пахса асосий қурилиш материали ҳисобланган. Қурилишда ёғочдан кенг фойдаланилган. Уйларнинг устунлари ва тўсинлари ёғочдан қилинган, томлар ясси бўлган.

Сомонийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросон меъморчилик санъатининг юқори тараққиётдан ёрқин далолат берувчи ёдгорлик бу Бухородаги Исмоил Сомоний мақбарасидир. Бу мақбара асрлар оша бизнинг кўнгача етиб келиб, ўзининг меъморий баркамоллиги ва шу билан бирга оддийлиги билан инсонни ҳайратга солади.

Сомонийлар меъморлигининг яна бир ноёб дурдонаси Каттакурғондан 60 км, жанубдаги Тим қишлоғида жойлашган Араб ота мақбарасидир. Араб ота мақбараси ҳашаматли меъморчиликнинг анча ривожланганлигидан далолат беради. Мақбарада битилган ёзувларга қараганда бу иншоот 977-978 йилларда қурилган бўлиб, бу ерда сомонийлардан бири кўмилган. Араб ота мақбараси исмоил Сомоний мақбараси билан ўхшашлик топади.

Сомонийлар даври меъморчилигининг нодир намуналарини Карки (Туркманистон) яқинидаги Аламбардор, Узун (Сурхондарё) яқинидаги Хўжа Нахшрон, Карманадаги Мир Саид Баҳром мақбараларида ҳам учратиш мумкин. Бу ёдгорликлар ҳам IX-X аср меъморлиги юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.

IX-X аср меъморлигининг ривожланиш йўлларининг сақланиб қолганлигини кўплаб масжидлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масжидларнинг томи одатда гумбаз шаклида бўлган. Бу даврга оид масжидлар тўғрисида сўз юритилганда, Бухородаги Мағоки Атторон, Пойканд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шахристондаги Чилдухтарон масжидларини қайд қилиш мумкин. Бу ёдгорликлар Марказий Осиё диний меъморчиликнинг ривожланиш йўлларини кузатиш имконини беради.

Наршахийнинг ёзишича, амир Наср ибн Аҳмад Бухоро Регистонида ўзи учун катта сарой қурдирган ва унинг қурилишига катта маблағ сарфлаган. Бу сарой ғоятда гўзал бўлган.

Сомонийлар даврига оид шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг уйлари тўғрисида ҳозир археология анча маълумотларга эга. Бу борада қадимий Самарқанд-Афросиёб, Хорашкент-Канка, Бинкент, Термиз, Марв, Даҳистон каби ўнлаб ёдгорликларда олиб борилаётган изланишларнинг натижаси диққатга моликдир.

Бу даврда Бухоро, Марв, Самарқанд, Нишонур, Балх, Бинкент, Кеш, Хўжанд, Ургенч йирик маданият ва фан марказига айландилар.

Йирик маърифатпарвар ижодкорлардан бири Абу Абдулло Рудакий бўлиб, форс-тожик адабиётининг отаси ҳисобланади. Шоир, созанда, бастакор, ҳофиз Рудакий маълум муддан Самонийлар саройида ҳам ишлаган.

Машҳур шоир Абу Мансур Дақиқий “Шохнома”га асос солган.

Абдулқосим Фирдавсий эса Бухорога келиб ижод қилган ва Дақиқий “Шохнома”сини давом эттирган. Фирдавсий “Шохнома”си жаҳон адабиёти ҳазинасига қўшилган ўлмас ҳисса бўлди.

Сомонийлар даврида Муҳаммад мусо ал Хоразмий бир неча фанлар соҳасида йирик ихтиро, кашфиётлари билан бир қаторда Бағдоддаги Маъмун академиясига ал Фарғоний билан биргаликда раҳбарлик қилдилар.

Бу давр маданияти, фанининг энг йирик вакилларида бири Абу Наср ал Фаробийдир. Фалсафада, тилшинослик, мантиқ, мусиқа, математика каби қатор фанларда янгиликлар ижод этиб, жаҳон фанини бойитди.

Сомонийлар даври табобатининг энг машҳури Ибн Сино бўлиб, унинг табобатга оид хизматлари ҳозирги кунгача халқаро табобатни энг азизи ҳисобланади.

Аҳмад ал Фарғоний эса астрономия илмида ўлкан ютуқларни қўлга киритди. Дамашқ, Бағдодда унинг лойиҳаси билан расадхоналар қурилди. Нил дарёсининг сувини ўлчайдиган асбоб “миқёс ул жаҳид” (нилометр) асбобини кашф этди. Хуллас Сомонийлар давлати даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон араб халифалиги таъсиридан бутунлай қутулди.

Х асрнинг II ярмида Қорахонийлар давлати таркиб топди. Янгидан ташкил топган давлатнинг биринчи бошлиғи «буғраҳон» (яъни подшоҳ) деб аталувчи давлат унвонига эга бўлган. Уни арабча Хорун ибн Мусо ибн Сатул деб аташган, лекин ҳужжатларда фақат Буғраҳон деб келтирилган.

Бироқ Еттисув Мовароуннаҳр томонидан анчагина маданий таъсиротга учради.

Бўғраҳон бошчилигида Еттисув туркийларнинг Ўрта Осиёнинг ғарбий вилоятлари - Шош, Фарғона, Суғдиёна ва бошқа ерларга босқинчилик юришлари бошланди.

Бошқа ҳар қандай босқинчилик ҳаракати сингари ўрта асрларда бу юришлар ҳам талон-торожлик ва зўравонлик билан боғлиқ эди.

Солиқ зулмидан азоб чеккан деҳқонлар Сомонийлар қўшинлари ҳаракати туфайли Сомонийлар ҳокимиятидан норози бўлишди. Ана шу ва бошқа сабаблар оқибатида қудратли, бой ва маданиятли Сомонийлар давлати ағдарилиб, Қорахонийлар давлати қарор топди.

Х асрнинг иккинчи ярми Сомонийларнинг турли исёнларга қарши кескин кураш олиб бориши билан ифодаланади. Бўғраҳон Жун Мўмиёна саройига жойлашди. Бироқ касаллик, бунинг устига кун жазирамаси уни Сомонийлар пойтахтини тарк этишга мажбур қилди ва у Самарқандга йўл олди. Бўғраҳон касаллигининг кўчайиши сабабли Самарқанддан кетишга мажбур бўлди. У Қашқар томон йўл олди ва йўлда вафот этди.

Бирок бу ҳолат ҳам Нухга янада мустаҳкамланиб олиш имконини берди, Хуросон Абу Али ва Фаик кўлида, Ғазна ҳамда Хирот Сабук Тегин кўлида эди. 996 йили туркийлар Наср бошчилигида Мовароуннаҳрга ҳужумни тикладилар. 999 йилда Қорахонийлар Бухорони кўлга киритдилар ва Мовароуннаҳрда ҳокимият ҳақидаги масала ҳал этилди.

Тўғри, Сомонийлар яна 1005 йилга қадар қаршилик кўрсатдилар. Бирок кўлга киритилган ютуқлар воқеаларнинг боришига таъсир этмади. 1005 йилдан кейин Қорахонийлар қаршилик кўрсатиш тўхтади.

1001 йили Маҳмуд Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлатлари ўртасидаги чегарани белгилашда Наср билан шартнома тузди. Амударё асосий чегарага айланди. Бунинг натижасида эса Сомонийлар салтанати ўрнида Қашқардан Амударёга қадар чўзилиб, Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Ёттисув, Шош, Фарғона ва қадимги Суғдиёна ҳудудини ўз ичига олган Қорахонийлар давлати билан Шимолий Хиндистондан қарийиб Каспий денгизининг жанубига қадар чўзилиб, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий-Шарқий Эронни ўзи ичига олган Ғазнавийлар давлати пайдо бўлди.

Мовароуннаҳрда Сомонийлар давлатининг қулаши ва ҳокимият тепасига Қорахонийларнинг келишини тожик сулоласининг туркий сулола билан алмашинуви деб билиш керакмас. Ўрта Осиёда рўй берган ўзгаришлар ниҳоятда чуқур бўлиб, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонини қамраб олган эди, авваламбор, марказлашган давлат тузуми буткул қулади. Қорахонийлар мамлакатни вилоятларга бўлиб бошқариш усулини таъсис этди. Уларни сулола вакиллари-иликхонлар бошқаришган, унинг ҳукмдори-буюк хон кўпинча Қашғарда, аҳён-аҳёнда Боласоғунда бўларди. У Эрондаги “шоҳаншоҳ” сингари “хонлар хони” ёки “султонлар султони” деган унвонга эга эди. қорахонийлар сулоласи манбаларида у “тамғачхон” ёки “табғачхон” деб аталган. Туркийлар Хитой императорини ҳам шу унвон билан аташган.

Иликхонлар ҳузурида вазир, саҳиб-барид муставфи, шаҳарларда ҳоким, раис, мухтасиб ва бошқалар сақланиб қолган эди. Диний мансаблар тўлиқ сақланиб қолган, чунки Қорахонийлар дин аҳли билан дўстона муносабатда эди.

Улар туркийлар қўшини билан иттифокда бўлиш анъанасини давом эттиришди.

Қорахонийларнинг ҳокимият тепасига келиши йирик заминдорликнинг эски кўринишлари емирилишини тезлаштирди, бу емирилиш X асрнинг иккинчи ярмидаёқ бошланган эди.

В.В.Бартольд ўз асарларида таъкидлаб ўтишича, мўғил истилоси арафасида, яъни XIII аср бошларига келиб, йирик заминдорлар сифатида деҳқонлар тилга олиниши деярли учрамайди. Бирок деҳқон деган сўзнинг ўзи атама сифатида йўқолиб кетмади, балки мазмунини ўзгартирди. Энди деҳқон дейилганда майда ер эгаси тушунила бошланди.

Шарқда “иктоъ” атамаси билан маълум бўлган шартли ер эгаллиги XI асрда кенг тарқала бошланган. Иктоъ – ерни бировга совға қилишнинг мунтазам равишда муайян даромад олиб туриш билан боғлиқ бўлган ўзига хос бир кўринишидир. Салжуқийлар султони вазири Низом ул-Мулкнинг

“Сиёсатнома” асарида иқтоъ-даромаднинг муайян қисмини олиш мақсадида совға қилинган ер деб таърифланади.

Давлат ҳокимияти, шунингдек, тегирмон, ҳаммом, бозордаги дўкон ва бошқа нарсалардан тушадиган солиқ ёки даромадни ҳам иқтоъ қилиб бера олган.

Қорахонийлар иқтоъни туркий саркардалардан ташқари амалдор тожикларга ва бошқаларга ҳам берган.

XI асрда Мовароуннаҳрга Қорахонийлар билан биргаликда маълум миқдорда кўчманчилар ҳам келишди, уларнинг подалари экинзорларни пайхон қилиб ташлади. Дехқонларнинг асосий қисми қишлоқ жамоаси шароитида яшашда давом этар, жамоада эса чоракор мавқеи баланд эди.

Қорахонийлар замонида ҳунармандлар ҳам бор эди. Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний туркий тилда битилган «Қутадғу билиг» асарида ёзишича, Қорахонийлар ҳунармандларга, хусусан, темирчи, тикувчи, этикдуз, сув ташувчи, эгарчи, тошкесар, ўкчи, ей ясовчи ва бошқа хил касб эгаларига яхши муносабатда бўлишган.

Савдогарлар ҳам қадрланарди. Бироқ чорвадор кўчманчиларга муносабат бошқача бўлган, чунки улар жохил ва ярамас одамлардир, деб ёзади муаллиф.

Қорахонийлар дехқончиликни, айниқса шаҳар ҳаётининг маданий аҳамиятини яхши тушунишарди. Улар Қашғар, Боласоғун, Тароз, Узган, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни пойтахт қилишган. Бу ерларда улар саройлар қуришар ва гоҳо қишлаб ҳам қолишарди.

Айни вақтда Қорахонийлар ўзлари дуч келган ва манфаатларига мослаштира олишган тартибларни тан олмасликлари мумкин эмас эди.

Иликхонлар билан хонлар хони ўртасидаги алоқа мустаҳкам эмас эди. Вилоят ҳокимлари доимо ўзаро адоватда бўлиб, мустақилликка интилишар, шу боис Қашғардаги ҳукмдор билан оралари ёмон эди.

Қорахонийларнинг пойтахти Боласоғун бўлса ҳам хонлар кўпинча, Қашғарда яшашарди. 1072 йили Ўзган пойтахт бўлди, XI аср охирида Ўзган Қорахонийлар салтанатининг Фарғона вилояти маркази бўлиб

Самарқандни марказ қилиб олган Мовароуннаҳр иликхони ҳаммадан кўпроқ нуфузга эга эди.

1046/47 - 1068 йиллари Мовароуннаҳрда хонлар хони Иброҳим ҳукмронлик қилди, у бирон-бир муҳим ишни бажаргани йуқ, аммо дин ахли билан яқин эди. Унинг даврида иккита янги сулола - Салжуқийлар билан қорахонийлар ўртасида нихоятда дўстона муносабатлар вужудга келди. Фақатгина иккита шаҳар - Амударёнинг икки соҳилидаги Термиз ва Балх атроф худуди билан биргаликда низо манбаи эди, холос.

1063 йили Салжуқийлар давлатининг асосчиси Тўғрулбек вафот этди, унинг ўрнини жияни, Чорибек Довуднинг ўғли Алп Арслон (1063-1072 й) эгаллаб, Марв (ҳозирги Мари) шаҳрини пойтахт қилди.

1068 йили хонлар хони Иброҳим тахтни ўғли Шамс ул-Мулк Насрга топширди, у эса ҳокимият учун укаси Шуайс (ёки Сафайс) билан кураш

бошлаб ғолиб чикди. Насрнинг ҳукмронлик даврида Салжуқийлар султони, Алп Арслон билан зиддият кўчайди. 1072 йили Алп Арслон Қорахонийларга қарши буюк юриш бошлади. Қарийб 200 минг кишилиқ кўшинни Амударёдан ўтказиш учун у кемалардан махсус кўприк курдирди. Бироқ юриш бошланишидаёқ Алп Арслон ўз чодирда маҳаллий қалъалардан бирининг бошлиғи Юсуф ал-Хоразмий томонидан ўлдирилди. Юришни кечиктиришга тўғри келди.

1072-1092 йиллари Салжуқийлар тахтига Маликшоҳ чикди, ана шунинг даврида Низом ул-Мулк вазир бўлиб, «Сиёсатнома» асарини ёзди.

1080 йили Шамс ул-Мулк Наср оламдан ўтди, унинг ўрнини укаси, кейинчалик шоирларнинг пири ҳисобланган Хизр эгаллади. У қачон ўлгани номаълум, ўрнига ўғли Аҳмад чикди.

1089 йили Салжуқийлар султони Маликшоҳ Аҳмадхонга қарши юриш бошлади. Ўша йилиёқ у Бухоро билан Самарқандни эгаллади, Аҳмадни асирга олиб Исфаҳонга жўнатди. Сўнг Маликшоҳ Аҳмадни Самарқандга қайтарди, мутаассиб рухонийлар ва туркий саркардалари 1095 йили Косонга (Фарғонадаги) юриш пайтида Аҳмадни ёй ипи билан бўғиб ўлдиришди. Унинг ўрнини Масъудхон эгаллади.

1092 йили Маликшоҳ ҳам ўлдирилди ва 1118 йили ҳокимият тепасига буюк Салжуқийларнинг сўнгги вакили султон Санжар (1118 - 1157 йиллар) келди. Унинг ҳукмронлик даврида Салжуқийлар Мовароуннаҳрда энг юксак мавқега эришдилар.

Мовароуннаҳрнинг сўнгги ҳукмдори Арслонхон шол бўлган ҳолатда фитначи рухонийларга қарши султон Санжарни ёрдамга чақирди, у эса бутун Мовароуннаҳрни эгаллаб олди. Бу воқеа 1130, йили рўй берган эди. Шундан кейинги Қорахонийлар мустақилликни бой бериб қўйишди ва Салжуқий Санжарга қарам бўлиб қолдилар.

5. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлати.

Ғазна шаҳри Хуросоннинг сиёсий марказига айланиши X асрнинг II ярмига тўғри келди. Ғазнавийлар давлатининг асосчиси Сабуктегин эди. бу давлат Шимолий Ҳиндистонда қарийиб Каспий денгизининг жанубийгача, ҳозирги Афғонистон ва шимолий – шарқий Эронни ўз ичига олади.

Вужудга келган дастлабки кунлариданоқ Ғазнавийлар давлати давлати Эрон ва Ўрта Осиё тарихида катта аҳамият касб эта бошлади. Маҳмуд Ғазнавий босқинчилик юришларини ташқи сиёсатининг асоси бўлиб олди. Шу мақсадда у яхши қуролланган қўшин тузиб, Шимолий Ҳиндистоннинг Панжоб, Кашмир ва бошқа вилоятларига 17 марта юриш қилди.

У шаҳарларни талаб, ҳайкал ва идиш кўринишида олтину кумушни, шунингдек, мато, қурол, фил, чорва ва бошқа нарсаларни олиб кетарди. Шундай юришларининг бирида Маҳмуд Канавжа шаҳридан 20 миллион дирҳам, 57 минг қул ва 350 филни ўлжага олди.

Таланган бойлик ўнга қўшинни мунтазам кўпайтириб боришга, сарой, масжид, Мадраса каби иншоотлар қуришга имкон берди. Бироқ бу маблағ

кишлоқ хўжалиги ва хунармандчиликни ривожлантириш учун сарфланмас эди.

Босқинчилик юришлари Маҳмуднинг қудратини оширди. Қўшни хукмдорлар, Қашғарда ўтирган Қорахонийлар хони ҳам у билан ҳисоблаша бошлашди. Ўз навбатида Маҳмуд ҳам Қорахонийлар тарафидан хотиржам бўлиш мақсадида уларнинг хукмдори билан келишарди. Бир сафар Қорахонийлар Хуросоннинг Балх, Тус ва Нишопур вилоятларини босиб олишди, аммо Маҳмуд Ҳиндистондан қайтгач уларни қувиб юборди.

Қорахонийларнинг 1007 - 1008 йиллардаги иккинчи юриши ҳам туркий қўшиннинг мағлубияти билан тугади. Бу даврда Қорахонийлар давлати вилоятларга бўлинган бўлиб, уларни Қорахонийлар сулоласи вакиллари - иликхонлар идора этишарди. Иликхонлар ўртасида адоват кучли эди. Айниқса Самарқанд ва Бухоро иликхони Алптагин билан Қашғарда ўтирган буюк хон Қодир ўртасидаги душманлик кучли бўлган.

Бу эса Маҳмуд Ғазнавийга жуда қўл келарди. Бир сафар Маҳмуд сиёсий суҳбат учун Қодирхон билан учрашди. XI асрда яшаб ўтган форс муаррихи Гардизий «Зайн ул-ахбор» номли асарида Самарқанд жанубида ўтган бу учрашувни жуда гўзал тасвирлайди. Аввалига иккала хукмдор ўзаро мулозаматдан сўнг бир бирларига йирик жавоҳир ҳадя этишган. Маҳмуд Ғазнавий Қодирхоннинг сиёсий саводсизлиги, соддароқ ва қовушмаган одамлигини кўргач, уни ўзининг ҳашамати, бойлиги ва меҳмондўстлиги билан хайратга солишга қарор қилади. У Қодирхон учун тилла аралашган парчадан тўқилган катта чодир қуриб, уни ичкараси ва ташқарисидан безатишни, тўкин дастурхон ёзиб, қимматбаҳо совғалар беришни буюради. Булар хилма-хил жавоҳирлар, олтину кумуш қадахлар, тилла юганли ажойиб отлар, урғочи филлар, гулдор чодирлар, бебаҳо гиламлар ва хоказолардан иборат эди. Буни кўрган Қодирхон ундан кам келмаслик учун қўлидаги жамики яхши нарсаларни тўплашни буюради. Тилла эгар-жабдуқли дулдул отлар, олтин белбоғли турк руломлари, сувсар, оқсувсар ва қора тулки мўйнаси ва бошқаларни йиғиб, Маҳмуд Ғазнавийга юборади.

Бу учрашув муҳим сиёсат муаммоларини ҳал қилди. Мовароуннахрни Алптегиндан Қодирхоннинг ўғлига олиб беришга келишиб олишди.

Бироқ Маҳмуд Ғазнавий Алптегинни йўқотишни истамасди, унинг иттифоқчилари бўлган Салжуқийлар қўшинини енгиб, ҳокимиятини заифлаштирди, ҳолос. Ғазнавий Мовароуннахрдаги қорахонийлар сиёсати ва айниқса Хоразмга катта таъсир кўрсатарди. Ўз даврининг иқтидорли саркардаси ва қаттиқ қўл хукмдори бўлган, Султон Маҳмуд Ғазнавий 1030 йилда вафот этади. Шундан сўнг тахтни унинг ўғли Маъсуд (1030-1041) эгаллайди. Лекин Маъсуд отаси тузган давлатни бутунлигича сақлаб қололмади.

Маҳмуд Ғазнавийга расман тобе бўлган, лекин амалда мустақил бошқариладиган Хоразм шоҳи Хорун ибн Олтинтош 1034 йилда Хоразмни бутунлай мустақил деб эълон қилди ва катта қўшин билан Хуросонга юриш қилди. Лекин Султон Маъсуд томонидан сотиб олинган кишилар Хоразм шоҳи Хорунни ўлдирадилар. Уни қўллаб қувватлаган

қорахонийлар қўшини яна Самарқандга қайтиб кетади. Шундан сўнг Султон Маъсуд қорахонийлар билан музокаралар олиб боради ва шу йўл билан ғазнавийлар ҳокимиятига бўлган хавфни бир оз камайтиради.

Ғазнавийлар султони Маъсуд Хуросонга юриш қилган турк-салжуқийлари билан кўп бор жанг олиб боришга мажбур бўлди. Маҳмуд Ғазнавийнинг рухсати билан шимолий Хуросонга жойлашиб олган салжуқийлар бу даврга келиб ғазнавийлар учун катта хавф туғдира бошлади. 1035 йилда салжуқийларнинг Хуросонга янги ҳужуми бошланади. Нишопурдан Нисо шаҳрига етиб келган ғазнавийлар қўшини салжуқийларга зарба берган бўлсада, Салжуқийнинг невараси Тоғрул ва Чангри бошчилигидаги туркманлар кечаси Ғазнавийлар қароргоҳига ҳужум қилади ва ғалаба қозонади. 1037 йил апрел ойида туркманлар Мари вилоятини узил-кесил эгаллашга эришдилар ва Бағдодда, халифага ҳокимият учун ёрлик беришни сўраб элчи жунатадилар. Шу тарифа Хуросондаги янги давлатга - *салжуқийлар давлатига* асос солинди.

Кейинги йилларда туркманлар Тоғрул бошчилигида бир қанча зарбалар бериб Хуросоннинг катта қисмини босиб олдилар. Шундан сўнг Маъсуд катта қўшин билан салжуқийлар устига юриш қилди. 1040 йилда Мари яқинидаги Данданакон деган жойда ҳал қилувчи жанг бўлиб, бунда Маъсуд армияси қаттиқ мағлубиятга учради. Жангдан зўрға қочиб қутилган Маъсуд тез орада (1040 йил)да вафот этди. Унинг ворислари Ғазнавийлар давлатининг аввалги қудратини тиклашга муваффақ бўла олмадилар. Аста-секин ўз Қудратини йўқотиб бошлаган ғазнавийлар давлати XII асрнинг охирида Афғонистон ҳудудида ташкил бўлган янги давлат Ғурийлар томонидан бутунлай тугатилди. Ғазнавийларга тегишли Хуросон аста-секин салжуқийлар қўлига ўтди.

Салжуқийлар давлати.

Салжуқийлар давлатининг бош султони бўлиб Тоғрулбек (1038-1063й) сайланди. У катта истилочилик юришлари олиб бориб, Балхни, Ироқнинг шимоли, Озарбайжонни, Кўрдистонни ва Қўҳистонни ҳам босиб олишга эришди. 1055 йилда у катта қўшин билан Бағдодга кириб келди ва халифадан ўз номига хутба ўқитишни талаб этди. Шундан сўнг халифа диний ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиб, дунёвий ҳокимиятни султон унвони билан Тоғрулбекка топширди. Салжуқийлар давлатининг пойтахти қилиб Тоғрулбек Рай шаҳрини танлади. Унинг ҳукмронлиги даврида салжуқийлар Кавказда Византия қўшинларига ҳам катта зарба бердилар. У Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилаётган қорахонийлар билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Лекин, унинг вориси Алп Арслон (1063-1072) Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди, Византия императори Роман IV Диоген қўшинларини мағлуб этди. Ундан кейин тахтга ўтирган Маликшоҳ (1072-1092) 1089 йилда қорахонийлар ўртасидаги ички низолардан фойдаланиб Бухоро ва Самарқандни эгаллади ва катта ўлжа билан орқага қайтди. Лекин қорахонийлар салжуқийларнинг ярим вассалига айландилар. Маликшоҳнинг ўлиmidан кейин салжуқийлар давлатида тахт учун ўзаро

курашлар қизиб кетади ва 1118 йилда ҳокимият буюк салжуқийлар сулоласининг сўнгги йирик вакили Султон Санжар (1118-1147) қўлига утади. Унинг даврида Салжуқийлар давлатининг пойтахти Марв шаҳрига кўчирилади. У Мовароуннаҳрдаги қорахонииларнинг ички ишларига, сиёсатига катта таъсир ўтказа олишга эришган салжуқийлардан эди. Лекин, 1141 йилда қорахитойлар билан Султон Санжар ва унинг вассали, иттифокдошига қорахоний Маҳмудхоннинг бирлашган қўшинлари ўртасида, Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида бўлиб ўтган жангда қорахитойларнинг ғалаба қилиши Салжуқийлар давлатини анча заифлаштирди. Салжуқийларнинг мағлубиятидан Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад Отсиз усталик билан фойдаланиб, 1141 йилнинг қишида Салжуқийларнинг пойтахти Марвни босиб олди. 1142 йилда эса Нишопурга юриш қилди. Лекин Султон Санжар Хоразм қўшинларини Хуросондан қувиб чиқаради ва Хоразмшоҳ Отсизни яна ўзига бўйсундиришга эришади. Султон Санжарнинг ҳаракатларига қарамасдан Салжуқийлар давлати ўзининг аввалги қудратини йўқота борди. Салжуқийларга хал қилувчи зарбани Балх ва Хўжжалан вилоятларида яшовчи кўчманчи Ғуз қабилалари берди. 1153 йилда улра Султон Санжар қўшинларини тор-мор қилиб, ўзини асир олдилар. Ғўзлар химоясига қолган Марв, Нишопур шаҳарларини талаб, ўт қўйдилар. Султон Санжар 1156 йилда асрликдан қочган бўлса ҳам, лекин Салжуқийлар давлатини қайта тиклай олмади ва бир йилдан кейин вафот этди.

6. Хоразмшоҳлар давлати. Давлатни бошқариш тизими, солиқ сиёсати. Ерга эгалик шакллари.

Хоразм Сомонийлар даврида уларга тобе эди. X аср охири ва XI асрнинг бошларига келиб Хоразм ҳокими Маъмун I ва унинг ўғли Али ибн Маъмун Сомонийлар давлати тугаганидан сўнг мустақил давлат тузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Лекин Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар ва Хуросондаги Ғазнавийлар давлати олдида Хоразм давлати жуда кучсиз бўлиб, кўп ҳолларда Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Маъсудга қарам эди. Ғазнавийлар давлатининг инқирози ва Хуросонда Салжуқийларнинг ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин Хоразм дастлабки йилларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилган бўлсада тез орада Салжуқийларга қарам давлатга айланди.

Хоразмни мустақил давлат сифатида шаклланишида кўп хизмат қилган ҳукмдор Қутбиддин Муҳаммад Отсиз (1127-1156) эди. Салжуқий Султон Маликшоҳ даврида Хоразмни ҳукмдори бўлган Ануштегиннинг невараси Отсиз ўзи тобе бўлган Салжуқий султонларининг ҳар бир хатосидан усталик билан фойдаланди. Айёр, дипломат ва моҳир саркарда бўлган Отсиз мустақил ташқи сиёсат олиб борди. У Хоразм ерларини анча кенгайтириб, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларни, Манғишлоқни босиб олади. Шундан сўнг у бир неча бор (1138, 1141-1142, 1147-1148 й.й) Султон Санжарга қарши исён қилди ва мағлубиятга учраб Салжуқийларга бутунлай тобе бўлиб қолди. Лекин шунга қарамасдан у Хоразмни

мустақиллиги учун мустаҳкам асос ярата олди. Султон Санжарнинг ўлимидан сўнг (1157 й) Салжукийлар давлати деярли йуқ бўлди ва Хоразмни мустақил давлат сифатида сиёсат олиб бориш учун кенг йул очилди. Муҳаммад Отсизнинг ўлимидан сўнг ўғли Эларслон тахтга ўтирди. У отасига Қараганда анча қулай вазиятда давлатни бошқарди. Хуросондаги воқеалардан фойдаланиб у Каспий бўйидаги Дехистонни босиб олишга эришди. Эларслон отаси даврида Хоразмга бўйсундирилган кучманчи туркман ва қипчоқ қабилалари ёрдамида Мовароуннахрнинг ички ишларига ҳам тез-тез аралаша бошлади. 1158 йилда у катта қўшин билан Мовароуннахрга бостириб кирди. Бу вақтда қорахитойларга вассал бўлган Қорахонийлар кўчманчи қарлуқ қабилалари билан жанг олиб боришаётган эди. Эларслан қарлуқларга Бухоро ва Самарқанд учун олиб борган жанглarda ёрдам берди. Лекин қорахитойлар қўшинлари ёрдамга етиб келиши билан Эларслон Хоразмга қайтишга мажбур бўлди. У бир неча марта Хуросонга юриш қилган бўлсада, муваффақиятга эриша олмади. 1171-1172 йилларда қорахитойларнинг катта қўшини Хоразмшоҳнинг ўлпонини ўз вақтида тўламаётганлигини баҳона қилиб Хоразм устига юриш қилди. Эларслоннинг буйруғи билан Сирдарёдаги катта туғон бузиб ташланади ва катта майдон сувга бостирилади. Бу қорахонийлар қўшини юришини қийинлаштирди ва Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч)ни талон-тарож қилишдан сақлаб қолинди. Лекин қорахонийларнинг бу босқини даврида Эларслон вафот этди. Ундан кейин Хоразм тахтини унинг кичик ўғли Султоншоҳ эгаллайди. Эларслоннинг катта ўғли Алоуддин Такаш Қорахитойлар ёрдами билан укаси Султоншоҳдан тахтни тортиб олишга эришди. Султоншоҳ Хуросонга қочишга мажбур бўлди. Шундан сўнг Алоуддин Такаш (1172-1200 й) Хоразмда маҳкам ўрнашиб, қорахитойларга ваъда берган улпонни тўлашдан бош тортади. Бўнга жавобан қорахитойлар Хоразмга яна юриш қиладилар, лекин муваффақиятсизликка учрайди. Султоншоҳ эса қўшин билан Марв шаҳрини, Серахс ва Тусни эгаллади.

Қорахитойларнинг муваффақиятсиз юришларидан кейин, Такаш ўз давлатини янада мустаҳкамлади, Мовароуннахрга, Хуросонга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. У Мовароуннахрни эгаллай олмаган бўлсада, лекин Хуросонни бир неча туманларини босиб олди. Лекин Хоразмшоҳ Такашнинг Хуросонда кучли ва хавфли рақиби бор эди. Бу тобора кўчайиб бораётган Ғурийлар давлати эди. Ғур вилояти ҳозирги Афғонистондаги Херируд дарёси бўйида, Хиротдан Балхгача, Қобулдан Ғазнагача чўзилган вилоят бўлиб, бу ерда асосан форсий қабилалар яшатан. Сўнгги Салжукийлар даврида Ғур вилояти ўз мустақиллигини анча мустаҳкамлади.

1150-1151 йилларда ғурийлар ҳокими Алоуддин Ғазнавийлар сулоласи султони Баҳромшоҳ устидан ғалаба қозониб, Ғазна шаҳрини вайрон қилган эди. Ғазнавийларга сўнгги зарбани 1186-87 йилларда Ғурийлар ҳокими Ғиёсиддин Муҳаммад берди. Шундан сўнг Ғурийлар ҳозирги Афғонистонни ҳамда Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий районларини ҳам маълум

вақт эгаллаб турдилар. Хуросонда Салжукийларнинг кучсизланганидан фойдаланиб Ғурийлар Султони Ғиёсиддин Муҳаммад 1175 йилда Ҳиротни эгаллади ва Хуросоннинг марказий районларига ҳужумлар уюштириб турди. Қорахитойларнинг вассали ҳисобланган Хоразмшоҳ Такаш эса Хоразмни қорахитойлар қўлидан қутқариш учун катта куч сарфлашга мажбур бўлди. Фақат XII асрнинг 80 йилларида у Хуросонда баъзи бир ютуқларни қўлга киритди. 1187 йилда у Нишопўрни, 1192 йилда Рай шаҳрини, 1193 йилда Марв шаҳрини эгаллади. Бағдод халифаси Наср (1180 - 1225) ва Ғарбий Салжукийлар Султони Тоғрул II ўртасидаги низодан фойдаланиб, Такаш қўшинлари 1194 йилнинг март ойида Тоғрул II га қарши уруш очди ва уни енгиб Ҳамадон шаҳрини эгаллади. Тоғрул II эса жангда ўлдирилди.

Хоразмшоҳнинг тобора кўчайиб бораётганидан хавфсираган Халифа Наср қўшинлари Такашга қарши чиқдилар. 1196 йилнинг июн ойида хоразмликлар халифа қўшинларини енгдилар. Шу тариқа Эроннинг катта қисми Хоразмшоҳлар қўлига ўтди ва Хоразм давлати худуди бирданига икки бараварига кенгайди. Хоразм давлати энди Бағдод халифасига тегишли жойлар ва Ғурийлар билан чегарадош бўлиб қолди. 1200 йилда Такаш вафот этди ва шундан кейин Ироқда халқ қўзғолон кутарилди, бу ердаги Хоразм қўшинларининг катта қисми қириб ташланди, қолганлари Хуросонга чекинишга мажбур бўлди. Хоразмшоҳлар ичида Такаш энг талантли лашкарбоши ва ҳукмдор эди. У жуда оғир вазиятда Олд Осиё ва Марказий Осиёнинг катта қисмини бирлаштириб қудратли давлат тузишга муваффақ бўлди.

Лекин Такашнинг катта хатоси шунда эдики, у ўзининг хотини Туркон Хотун мансуб бўлган қипчоқлар қабиласига катта эркинликлар берди, уларни доимо қўллаб-қувватлади. Туркон Хотуннинг давлат ишларига аралашуви Хоразмдаги ички низоларнинг кўчайишига олиб келди. Такашнинг ўлимидан кейин Хоразм тахтига унинг ўғли Алоуддин Муҳаммад ўтирди (1200-1220йй) 1203йилда Муҳаммад қорахитойларнинг ёрдами билан Хуросонни бутунлай босиб олди. Ҳиротни ва яқин атрофларини эгаллади, 1207 йилда у ўз пойтахтига қайтиб Мовароуннаҳрни босиб олиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Шу йилнинг ўзидаёқ Муҳаммад Мовароуннаҳрга катта куч билан ҳарбий юриш бошлади. Бунинг сабаби Бухорода кўтарилган халқ қўзғолони эди. Бу қўзғолон 1206 йилда Бухоро садри (ҳокими) Муҳаммад ибн Абдулазизга қарши қаратилган эди. Бухоро садрларига хос барча ёмон ҳислатлар бу одамда мужассам эди. У халқдан катта солиқлар олиб, уларни шафқатсизларча эзар эди. У диний раҳбар бўлишига қарамасдан айш-ишратга, овга муккасидан кетган эди.

Бухорода унинг зулмига қарши халқ ҳаракатининг асосий кучлари шаҳар ҳунармандлари эди, қишлоқ аҳолиси - деҳқонлар бу ҳаракатни қўллаб қувватлади. Бу қўзғолоннинг бошлари қалқон ясовчи устанинг ўғли Малик Санжар исмли шахс эди. Қўзғолончилар садр Муҳаммадни оиласи билан қувиб чиқардилар. У қорахитойлардан ёрдам сўради. Лекин Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахитойлардан олдинроқ ҳаракат қилиб Бухорони

босиб олди ва шу тарифа Мовароуннахрни Хоразм таркибига қўшиб олиш бошланди. қўзғолончиларнинг бошлари Малик Санжар Урганчга олиб кетилди.

Мовароуннахр халқи Хоразмшоҳни қорахитойлар зулмидан қутқарувчи куч сифатида қарши олди. Муҳаммад Хоразмшоҳ қорахитойларнинг вассали бўлган Самарқанд ҳокими (қорахонийлар сулоласидан) Усмон билан дўстона муносабат ўрнатди. Бу эса қорахитойларнинг Самарқандга юриш қилишига олиб келди ва улар шаҳарни босиб олдилар. Бу вақтда мўғул қабилаларидан бири бўлган найманлар қорахитойларнинг Еттисувдаги ерларига бостириб кирдилар. Шунинг учун қорахитойлар шошилиш равишда орқага қайтишга мажбур бўлдилар. Қорахитойларнинг қийин аҳволга тушиб қолганидан фойдаланган Хоразмшоҳ. Самарқандни эгаллаб (Усмон унинг вассалига айланди) қорахитойлар устига юриш қилди ва Талас водийсида 1210 йилда қорахитойлар қўшини устидан ғалаба қозонди. Бу ғалаба туфайли Муҳаммад Хоразмшоҳнинг аҳволи анча мустаҳкамланди. Самарқанд ҳокими Усмон Хоразмшоҳнинг тўлиқ вассалига айланди ва унинг куёви бўлди.

Солиқларнинг ҳаддан ташқари ошиб кетганлигидан норози бўлган Самарқанд халқи 1212 йилда қўзғолон кўтарди. Катта қўшин билан Хоразмшоҳнинг ўзи Самарқандга кириб бориб қўзғолончилардан шавкатсизларча уч олди ва ўз куёви Усмонни ҳам ўлдирди. Шундан сўнг у Мовароуннахрдаги вазиятни ўз фойдасига хал этиш учун Фарғонани Усмоннинг укаси Қодирдан тортиб олди. Ўзган шаҳрини ҳам эгаллади ва шу тариқа қорахонийлар сулоласи бутунлай тугатилди. Қорахитойлар сулоласини эса кўчманчи найманлар Кучлуқ раҳбарлигида тугатдилар. Хоразмшоҳ Марказий Осиёни бутунлай эгаллагандан сўнг Ғарбга юриш қилди ва тез орада Эрон ва Афғонистонни босиб олди. Бағдод халифасини ағдаришга ўриниб кўрди.

6-Мавзу: Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX-XII асрларда юз берган (ренесанс) уйғониш даври. Фан ва маданиятнинг юксак равнақи.

- 1.Уйғониш даври атамаси. IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданиятнинг юксалишига таъсир кўрсатган тарихий шарт-шароитлар ва асосий омиллар.**
- 2.Табиий ва ижтимоий фанлар ривож.**
- 3.Бадиий адабиётнинг ривожланиши.**
- 4.IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик.**

1.Уйғониш даври атамаси. IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданиятнинг юксалишига таъсир кўрсатган тарихий шарт-шароитлар ва асосий омиллар.

Одамзод умумий ривожланиш билан бирга қанчадан-қанча тусиқларни, таназзул ва тушкунликларни бошидан кечирган ва уларни бартараф этиб, ўз моддий ва маданий даражасини қайта тиклаган ва янги

таракқиёт сари астойдил интиланган. Фанда бундай йирик, салмоқли юксалишни тикланиш, «уйғониш», «ренессанс» ҳам деб атайдилар. Хусусан Ғарбий Европада бундай ренессанс XV-XVIII асрларда деярли 700 йиллик хурофат зулматдан сўнг юз берган. Марказий Осиёда илк уйғониш даври IX-XII асрларга тўғри келди ва ўзгача шарт-шароитларда кечди. Унинг кўлами, оқибатлари, жаҳон цивилизациясига таъсири ҳам бўлакча бўлган.

Ўлкамиз ҳудудида милоддан аввалги даврларда эришилган моддий ва маънавий маданият янги асрларда Кушон подшолиги, эфталитлар давлати ва Турк хоконлиги даврларида ўсиб борди. Меъморликда янги қурилиш ғоялари вужудга келди ва улар мураккаб муҳандислик ечими асосида амалга ошди (Масалан Устуришона, Варахша ва бошқалар). Хунармандчилик ривожланди, уларнинг янги турлари вужудга келди. Савдо-сотиқ, қўшни юрт-элатлар билан муносабатлар ривож топди, суғорма деҳқончилик майдонлари кенгайди, янги сув иншоотлари барпо этилди. Аҳоли ўртасида саводхонликка интилиш кўчайди. Мавжуд дин ва ақидалар ўзаро муросада яшади. Маданий ҳаёт, саънатни турли жанрлари бойиди. Табиий фанларга, атроф муҳитни англашга, кенгроқ билишга интилиш кўчайди. Лекин, VIII аср бошларида Марказий Осиё аҳолиси араблар босқини натижасида оғир қийинчиликларга дучор бўлди ва истилога қарши кўп йиллик кураш олиб борди. Абу Райхон Беруний асосли равишда араблар истилоси оқибатида Сўғд ва Хоразмнинг бой маданияти барбод бўлди, деб афсусланган эди. Шу билан бирга араб халифалигида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Уммавийлар сулоласидан ҳокимият Аббосийларга ўтганлиги муҳим воқеа бўлди. Янги сулола бениҳоя катта салтанатни идора қилишда, унинг таракқиётининг таъминлашда илму-фаннинг аҳамиятини чуқурроқ англади. Хулоса Хорун-ар-Рашид (786-809), сўнгра унинг ўғли Маъмун ўз тасаруфидаги ўлкадан олимларни халифалик пойтахти Боғдодга таклиф этдилар, уларни самарали ишлари учун шароит яратдилар.

Ўлкамизда ислом динининг тарқалиши, унинг маҳаллий одат-удумлари билан тез орада уйғунлашуви катта аҳамиятга эга бўлди. Маданий соҳада хусусан исломнинг ахлокий тариқатлари, шунингдек IX-X асрлардаги дунёвий илимларни ривожли араб дунёсидаги ижтимоий-маънавий вазиятни анча ўзгартирди. Шунинг билан бирга араб (ислом) цивилизациясининг шаклланишда Хиндистон, Эрон, Юнонистон, Марказий Осиё ва Кавказ халқларнинг маданиятининг таъсири катта бўлган Минтакамизда қадимдан цивилизация асослари, моддий ва маънавий маданиятнинг чуқур илдизлари мавжуд эди. VIII аср охирида IX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий ва сиёсий вазият янги барқарорлашди. Бундай шароит минтақада илм-фан, умуман маданиятнинг кенг кўламда ривожланиши учун асос яратди. Хусусан, Бухаро, Самарқанд, Хива, Термиз, Фарғона, Хўжанд, Қўқон каби шаҳарлар маданият ўчоқларига айланди. Хоразмда эса Маъмун академияси ташкил топди.

Ўлкадаги мазкур маданий юксалиш феодал муносабатларнинг хусусан, феодал бошқарувининг марказларига айланган шаҳарларнинг у ердаги хунармандчилик, савдо-сотиқ алоқаларининг тезлик билан ривожланиши

асосида вужудга келди. Бу ривожланиш эса Ўрта Осиёнинг араб халифалигига қўшилиши, кенг савдо-сотиқ алоқаларига киришуви исломнинг тарқалиши натижасида янада авж олди.

Аввалдан мавжуд бўлган ва Ўрта Осиёнинг Ғарбидан-Шарқигача кесиб ўтган ҳамда қатор шаҳарларнинг ҳам ўз ичига олган машҳур Ипак йули мавқеининг янада кўчайиши ҳам маданий ривожланишда муҳим роль ўйнади.

2. Табиий ва ижтимоий фанлар ривожи.

Ўрта аср маданияти шу даражада юксакликка кўтарилганки, дунёвий илмлар, турли аниқ фанларнинг ютуқлари, натижалари уларнинг мазмуни белгилашда муҳим аҳамият касб этган. Турли соҳаларда ижод этилиб катта ютуқлар кулга киритилган. Ўрта Осиёда диншуносликнинг ўта ривож топган асри IX аср бўлса, XII аср илм-фан тараққиётининг чўккиси бўлди. IX - XII асрлар давомида Ўрта Осиё халқлари дунё маданиятига илм фаннинг турли соҳалари буйича, хусусан, араб еки анъанавий илмлар, яъни асосан гуманитар илмлар соҳасида ҳам жуда ўлкан хисса қўшдилар. Бу даврда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик буюк олимларнинг ижоди, фаолияти, асарлари ўрта аср илм-фани ривожига ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Ўрта Осиёдан чиққан Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фаробий, Ибн Сино, Беруний сингари олимларнинг номи бутун Шарқ ва Европа Ўрта асрида ниҳоятда хурмат билан тилга олинади. Марказий Осиё олимлари Ўша пайтда маълум бўлган барча илм соҳалари билан кизикдилар, дунёвий ва диний фанлар ривожланишга ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшдилар. Бу ҳақида М.Ҳамидуллаевнинг "Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти" (Фан-1994 йил) Ф.Сулаймонованинг "Шарқ ва Ғарб" (Ўзбекистон-1997 йил) асарларида шунингдек "Буюк сиймолар, алломалар" (Меърос 1995-1996 йил) тўпламларида сермазмун ва бой маълумотлар келтирилган. Бу нашрларда нафақат Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Фаробий, Беруний ва Ибн-Синонинг кўп киррали фаолияти хусусида, балки уларнинг юзлаб издошлари ва шоғирдлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Улар лотин, араб ва бошқа қатор тилларни билганлар, жахон цивилизацияси яратган аниқ ва гуманитар фанлар бўйича ўз мустақил мулоҳазаларига эга бўлганлар.

Марказий Осиё маданиятининг ривожланишида М.Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Рудакий, Наршахий каби арбобларнинг хиссаси ҳам каттадир. Имом-ал Бухорий, Ат-Термизий каби буюк муҳаддисларни бутун ислом олами бугун ҳам эҳтиром билан тилга олмоқда.

Ўлкамизда юз берган илм-фан, маданият ва саънат соҳаларидаги узгаришлар, янгиликларни асосий хислатларидан бири инсонпарварлик Ғоялари доимо устин турганлигидир. Марказий Осиёдаги уйғонишнинг муҳим белгиси бу дунёвий билимларга интилиш ҳамда дин ва диний билимларни жамият, инсон манфатларидан келиб чикиб талкин этиш бўлган. Одомзот маънавиятини бойитиш эса асосий мезон бўлган. Ғарб олимлари эътирофича антик цивилизация билан Европа то уйғониш

даврига қадар, яъни XVI асргача араб тилида битилган асарлар орқали танишган. Г.Гегель узининг тарих фалсафасида "Фан ва билимлар айниқса фалсафа Ғарбга араблардан утган" деб курсатади. Юртимиз алломаларининг кўпчилиги замон тақозосига кура уз асарларини асосий қисмини Ўша пайтда халқоро тилга айланган араб тилида ёзганлар. Шу боисдан аксарият Ғарб олимлари кўпчилик Шарқ олимларини араб деб фараз қилганлар.

Ўрта Осиёлик мутафаккир олимлар ҳақида маълумотлар.

Абу Абдулло Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий.(783-850й) Буюк мутафаккир ва олим ал-Хоразмий Хивада таваллуд топган. Ёшлигидан илм-фанга, айниқса табиий фанларни ўрганишга қизиқди. Араб, форс, хинд, юнон тилларини мукаммал ўрганди. Ўқиган, ўрганганлари асосида, табиатнинг берган буюк иқтидори билан бир неча фанларга доир йирик, қимматли асарлар яратди. Унинг арифметика ва алгебрага доир «Китоб ал-жабр вал муқобала» (Тўлдириш ва қарама-қарши қўйиш ҳақида китоб) асари математика фанида янги даврни бошлаб берибгина қолмай, балки унинг кейинги асрлардаги тараққиётига ҳам катта асос бўлди. Ал-Хоразмийнинг иккинчи математикага оид асари «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб» бўлиб, бу асар туфайли аввал Шарқ халқлари, сўнгра эса Европа халқлари ҳам Қадимий Ҳиндистоннинг катта ютуғи-ўнлиқ ҳисоблаш системаси билан танишдилар. (XII асрда лотин тилига ўгирилган). Ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-ард» (ернинг сурати) асари географияга, «Астрономик жадваллари» астрономияга оид бўлиб, улар муаллифнинг номини жаҳонга ёйди. Шунингдек, «Куёш соатлари тўғрисида рисола», «Тарих рисоласи», «Устурлаб ҳақида рисола», «Муסיқа рисоласи» сингари ажойиб асарлари олимга катта шуҳрат келтирди, унинг номини абадийлаштирди. Ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал муқобала» асари кейинчалик Европада «Алгебра» деб юритила бошланди. Унинг астрономияга оид асари эса фақат Шарқда эмас, балки Ғарбда ҳам асрономия фани ривожига катта роль ўйнади. 1983 йилда халқимиз буюк алломанинг 1200 йиллик тўйини катта тантана билан нишонлади.

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Ал-Фарғоний. Ал-Фарғонийнинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар тарихда кам сақланиб қолган. 861 йилда вафот этган. Астрономия, математика, геодезия, гидрология фанларининг билимдони Фарғона заминида тўғилиб ўз илмий-маданий заковати билан Бағдоддаги биринчи Маъмун академиясигача борган (иккинчи Маъмун академияси Хоразмшоҳ Маъмун академияси эди). (Ал-Фарғоний, Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий билан бирга бу академиядаги олимларга раҳбарлик қилишган. Фарғоний араб илмий атамашунослигини вужудга келишига ва ривожига катта ҳисса қўшди. Бағдод ва Дамашқдаги расадхона қурилишларида фаол қатнашди ва у ерда Птолемейнинг «Юлдузлар жадвалидаги» маълумотларни текшириш ишларини олиб борди.

Ал-Фарғоний астрономияга оид «Астрономия негизлари» асарида астрономияга оид билимларни тартибга солди, ўзининг янги натижалари билан бойитди. Ўша давр анъанасига мувофиқ мамлакатларни етти иқлимга бўлиб ўрганди. Куёш соатларини баёнини берди, астрономик асбоблари

яратди. Фарғонийнинг бу асари Н.Коперник даврига қадар Европада астрономия фанидан асосий қўлланма сифатида фойдаланилди.

Ал-Фарғоний 25 ёшидан Маъмун академиясига бориб, у ерда салкам 50 йил ҳалол меҳнат қилди. Маъмун даврида Бағдодда ташкил этилган кутубхонада 400 минг жилд китоб мавжуд эди. Бағдод академиясида Ал-Фарғоний билан биргаликда хоразмлик Мусо ибн Шокирнинг ўғиллари Аҳмад, Муҳаммад ва Хасан ибн Мусо ака укалар номларини ва уларнинг илмий натижаларини ҳам кейинчалик Беруний ўз асрларида ҳурмат билан тилга олади.

Фарибдан Бағдод академиясига бориб астрономия ва математика фанлари бўйича тадқиқотлар олиб борган Ал-Жавҳарий ҳам алоҳида ўринга эгадир. Аҳмад Фарғонийга араб илмий дунёсида «Хосиб» лақаби берилган яъни, уни математика соҳасида тенги йўқлиги тан олинган. Европада Фарғонийни Алфраганус деб атаганлар. Шунини таъкидлаш керакки, 828 йилда Бағдодда 1-чи расадхона ишга туширилганда, уни марвлик фалакшунос олим Яхё ибн Абу Мансур бошқарган. 3 йил ўтгач Дамашқда ана шундай иккинчи расадхона барпо қилинди ва ўнга Марказий Осиёлик аллома Ҳолид ибн Абдумалик Марварудий раҳбарлик қилди. Қизиғи шундаки ҳар иккала-расадхонани ҳам Ал-Маъмун илтимосига кўра лойиҳасини ва барча андозаларини қоғозга тушириш Аҳмад Фарғонийга юклатилган бўлиб, ушбу расадхоналарнинг вазифалари, ишлари, режалари ҳамда илмий натижаларини текшириб фанга киритиш ҳам илмий раҳбар Аҳмад Фарғонийнинг зиммасига тушди.

Халифа Мутаваккил (847-861) томонидан 861 йили Ал-Фарғоний Қоҳира яқинидаги Фустат шаҳрига Нил дарёси суви сатҳини ўлчаш учун юборилади. Фарғонийнинг бу соҳада ясаган нилометр асбоби ҳозиргача сақланмоқда. Фарғонийнинг бой Меъроси, асарлари ҳозир Қоҳира, Лондон, Париж, Берлин кутубхоналарида сақланмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, Фарғоний асарларининг билган кўп қисми ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. 1998 йил кузида мутафаккир комусий олим, юртдошимиз, халқаро миқёсдаги етук олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик ўлкан тўйи мамлакатимизда, хусусан, у тўғилиб ўсган Фарғона водийси диёрида кенг нишонланди, ажойиб зиёратгоҳ ташкил этилди ва олимга муҳташам ҳайкал ёдгорлик ўрнатилди.

3.Бадий адабиётнинг ривожланиши

Бу даврда маънавий маданиятнинг ранг баранг соҳаларидан бири адабиёт бўлиб, у ўз даврининг ижтимоий онгининг муҳим томонларини узида ифодалайди. Бадий адабиёт бу даврда уч тилда ривожланди: форс, тожик ва араб. Бадий ижодда устун жанрни поэзия ташкил этди.

1.Араб тилидаги адабиёт ҳақидаги манбалардан Ўрта Осиё олими Абу Мансур ибн Абдумаликнинг "Ятимат-ад-дахр фимахосин ахл ал-аср" каби антология хрестоматияларидир.

Абу Ахмад ал-Котиб, Муҳаммад ал-Муродий ва бошқа шоиру, ёзувчилар ижод қилганлар.

2. Форс тожик тилдаги адабиёт.

Бу даврда форс тожик тилида ижод этган шоирлардан Шохи Балхий, Равнакий, Бухорий, Шокир Бухорийларни курсатиш мумкун. Лекин бу тил шеъриятни, бадий адабиётни Рудакий, Фирдавсий, Умар Хаём кабилар дунёга машхур қилдилар.

3. XI-XII асрларга келиб ижтимоий маданий ҳаётда туркий тилнинг кенг тарқалиб бориши давлат ишларида кенг кулланилишига кўча бошланди: араб, форс тиларидаги бадий асрлар билан бирга туркий тилда ҳам йирик дostonлар, шеърлар яратилди. Юсуф Хос Хожибнинг "Кутадғу билиг" ва Ахмад Югнакийнинг "Хибатул Ҳаккойик" асарлари шулар жумласидандир. Яна Сулаймон Боқирғоний ҳам шу тилда ижод қилган. Ўша даврларда бадий адабиёт асосан дoston, шеърият ва кичик қиссалардан иборат эди.

Бу даврда қадимги суғд, урхун ёзувлари ўрнига араб ёзувининг тарқалиши асосида бу янги ёзувда турли асарлар ёзиш ҳам авж олди. Улар кулда ёзилиб кўчирилган. Кулёмаларни чиройли ёзувлар билан кўчириш турли безаклар бериш усуллари ҳам кенг кулланилди.

Кулёмалар араб ёзувида битилган. Бошланғич ислом диний китоблар куфий ёзувда битилган. Сўнгра куфий ёзуви асосида етти шаклдаги ёзув Шарқда, жумладан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўша даврдаги кулёмалар мана шу етти шаклдан бирида битилган. Булардан айниқса райхоний усули ниҳоятда чиройли бўлиб саҳифаларини безашда, дуо китобларида кўпроқ ишлатилган.

Абу Наср ал-Фаробий (873-950 йй) Ўтрорда тўғилган, бошланғич маълумотни Шох, Бухоро, Самарқандда олган сўнг Бағдодда узоқ яшаб, замонасининг олимлари билан илмий мулоқотда бўлган. Илмнинг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ рисоалар ёзган. Юнон илмини, хусусан Аристотел Меъросини чуқур билгани ва уларни Шарқда ривожлантиргани учун Аристотелдан сўнг уни «Иккинчи муаллим» деб аташган. Унинг рисоалари риёзиёт, фалакийёт, тиббийёт, ахлоқшунослик, мушакашунослик, давлатни бошқариш, айниқса фалсафа ва мантиқ илми масалаларига бағишланган. Аристотелнинг барча фалсафий асарларига шарх ёзган. Мушак назариясига бағишланган «Мушак ҳақида катта китоб» номли машхур асари бу соҳа тарихига бағишланган энг дастлабки тарихий манбалардан бирidir. У серқирра, қомусий олимдир.

Абу Райхон Беруний (973-1048 йй). Хоразмда таваллуд топган бу мутафаккир, серқирра олим астрономия, тарих, тиббийёт, риёзиёт, жуғрофия, геодезия, метеорология, этнография, фалсафа, филологияга оид 150 га яқин асарлар яратган. Бу асарлар Беруний номини жаҳонга таратди. Шунингдек, унинг хикоялар, шеърлар битганлиги ҳам маълум. Беруний Ўрта асрда биринчи бўлиб глобус яратди. У араб, форс, ҳинд туркий тилларни мукамал билган. Унинг «Сайдона», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Минерология», «Қонуни Маъсудий», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарлари ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган. Махмуд

Газнавий саройда ҳам хизматда бўлган. У Ибн Сино билан ҳам замондош эди.

Абу Али Ибн Сино (980-1037 йил) Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилиб ўсган Абу Али жаҳон маданияти, илм-фани хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сиймолардан биридир. У фалсафа, мантиқ рухшунослик, адабиётшунослик, шеърият, мусиқа, геология, минерология, физика, математика, тиббиёт, астрономияга оид юзлаб асарлар яратди. Абу Алининг илмий қизиқишлари доираси шу қадар кенг бўлганки, унинг 40 дан зиёд тиббиётга, 30 га яқин астрономия ва табиатшунослик фанларига, 185 та фалсафа, мантиқ ва илоҳиётга бағишланган асарлар яратгани маълум. («Историография общественных наук в Узбекистане». «Библиографические очерки» Т. «Фан» 1974 г. стр. 30)

4.IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик.

IX-XII асрда дунёвий фанлар билан бирга диний билимлар ҳам кенг ривожланди. Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Бурхонуддин Марғилоний, Абу Хафс Кабир Бухорий каби уламолар ислом таълимотининг ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Ислом дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайишида Бухоро шаҳри марказий ўрин эгаллади. Тасаввуф таълимоти ривожланиб Ўрта Осиёда унинг турли хил йўналишлари (XII асрда Туркистонда Яссавия, XIII аср охирида Хоразмда Кубровия, XIV асрда Бухорода Нақшбандия) пайдо бўлди ва тарқалди Имом Исмоил ал-Бухорий (810-869 йй.) Буюк ҳадисшунос олим Бухорода таваллуд топган бўлиб, ёшлигидан билимга интилиб, араб тили ва ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёдлашга кунт билан киришган. Кейинчалик Бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ал-Пойкандий, Абдуллох ал-Маснадийлардан ҳадис илмини чуқур ўрганиб кўп ҳадисларни ёд олган. 16 ёшларида онаси ва акаси билан сафарга отланиб Балх, Басра, Куфа, Боғдод, Дамашқ, Миср, Макка, Мадина шаҳарларида бўлишиб машҳур ҳадис олимларидан илм олган. Маълумки, «ҳадис» муқаддас «Қуръон» китобидан сўнг иккинчи ўринда туради. Имом Бухорий ҳаёти давомида 600 минг ҳадис тўплаб, улардан 7275 ҳадисни ўзининг 4 жилдлик «Ишонарли тўплам»ига киритди. Тўплам Миср ва бошқа кўп мамлакатларда чоп этилган. Ниҳоят бу тўплам 1991-1992 йилларда ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларга тақдим қилинди. Ал-Бухорий ҳадислари ислом дунёсидаги юзлаб ҳадисчи олимларникидан алоҳида фарқ қилади ва шунинг учун ҳам «Ишонарли» тўплам дейилади. Ал-Бухорийнинг ислом диншунослигига оид 20га яқин катта ҳажмдаги асарлар ёзгани маълум. Унинг ҳадислари ва асарларининг диққат марказида диннинг инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юксалиши, тозалиги, донолиги, яхши ва ёмонни бир-биридан ажрата билиши каби ҳислатлари туради. Ислом дунёсининг йирик олими, ҳадисшуносликда энг юқори поғонага чиққан Имом Исмоил ал-Бухорийнинг 1205 йиллиги 1998 йил халқаро миқёсда тантанали нишонланди ва у вафот этган Самарқанд

атрофидаги Челақ шаҳрида ниҳоятда ҳашаматли зиёратгоҳ қурилди. Бу ерга жаҳоннинг турли жойларидан минглаб одамлар зиёратга келмоқдалар.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-894йй) Ислом дунёсида машҳур бўлган ҳадисчи олим Имом ат-Термизий Термиз яқинидаги Буг қишлоғида тўғилган. 26 ёшидан бошлаб Самарқанд, Бухоро, Хижоз, Ироқ, Нишопур шаҳарларида машҳур муҳаддис олимлар билан учраша бошлади. Унинг буюқ ҳадисчи олим бўлиб, етишишида Имом Исмоил ал-Бухорий устозлиги катта ўрин тутди. Умрини ҳадислар тўплашга бағишлаган Ат-Термизийдан катта илмий Меърос, жумладан: «Китоби ал-Жомъе ас-сахих», «Китоб ул илм», «Китоби ат-Тамойили ан-Набавий», «Китоби аз-зухл», «Китобул исми вал хуна» каби асарлар қолган.

1990 йил сентябрь ойида Тошкентда ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Исмоил ал-Бухорий ҳадислари каби Ат-Термизий тўплаган ҳадисларда ҳам тарбия, ахлоқ одоб, ота-она, ва фарзанд ҳақ-ҳуқуқлар, ҳалоллик, поклик, каби умуминсоний қадриятлар ва ахлоқ мезонлари асосий ўрин тутди.

Абу Абдураҳмон ан-Насоий (830-915 йй) Моварауннаҳрлик ҳадисчилардан ан-Насоий ҳам Ислом дунёсида машҳур бўлиб Нисо (Ҳозирги Туркменистон) шаҳрида тўғилган. Узоқ вақтлар Мисрда яшаган. Ҳадислар тўплаган. У «Ат-сунан ал-Кубро», «Ал-Мужтаба», «Ал-Сунан» номли ҳадис китобларини ёзиб қолдирган. Бу китоблар ислом диншунослар орасида ўзига хос обрўга эгадир.

Бурхониддин Марғилоний (1197 йилда вафот қилган) тўлиқ исми Бурхониддин Марғилоний Ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ал-Риштоний. Бурхониддин фикҳ илмига (дин, шариат ҳақидаги фан) оид бир нечта рисоаларни «Бидоятул мубтадий» (илмга-киришувчи дастлабки асос) «Ал мазид» (зиёда қилиш) «Китобул фароиз» (фарзлар ҳақида китоб) ва бошқа асарларни ёзиб қолдирган. Бурхониддин Марғилонийнинг «Хидоя фи фуруъ ал-фукх» (Фикҳ соҳалари бўйича қўлланма) асари 56 китобдан иборат бўлиб, бу асар шариат кодекси деб аталади, Марғилонийнинг ислом дунёсида обрўси ўзига хосдир. Асарда Қипчоқ, угўз, ямак, бошқирд, бисмил, ябоку, кай, татар, қирғиз, чиғил, тухси, яғмо, игрок, жару, жамил, уйғур, тангут, табғоч сингари турли турк қавмлари ҳақида кўплаб ашёвий далиллар келтирилади. Унинг бу етук асари халқаро аҳамиятга ҳам эгадир.

7-Мавзу: Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш. Жалолиддин Мангуберди-Ватан ҳимоячиси. (2соат)

1. Мўғулларни Ўрта Осиёга истилочилик юришлари.

2.Мовароуннаҳр халқларининг мўғулларга қарши озодлик кураши. Жалолиддин Мангуберди.

3.Чиғатой улусининг ташкил топиши, унинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти.

4.XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаёти.

1. Мўғулларни Ўрта Осиёга истилочилик юришлари.

XII аср охирларида Мўғулистонда яшовчи турли қабила ва уруғлар ўртасида сиёсий курашлар авж олган эди. Уларда айниқса уруғ-аймоқчилик муносабатлари кучли бўлиб, асосан кўчманчи чорвачилик, овчилик ва мол айирбошлаш билан кун кечирар эдилар. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт даражаси ҳам анча паст эди.

1155 йилда бир нечта қабилалар бошлиғи бўлмиш Ясуғой баҳодир ва Улун хотун оиласида Темучин туғилди. Улуғбекнинг ёзишича Ясуғой баҳодир ўз атрофидаги улуғ аъёнлар билан кенгашиб, ўғлининг исмини Темучин деб қўйди. Бўнга сабаб ўша вақтларда татар қабилаларининг қудратли подшоҳининг исми ҳам Темучин эди. Гўдак улғайганда Темучиндек қудратли шоҳ бўлсин, деб ният қилинди. Темучин отадан 13 ёшида етим қолган пайтда отасига тобе бўлган кўпгина қабилалар уларни ташлаб кетди ва шу боис у кейинчалик кўпинча мураккаб ҳамда хавфли шароитларни бошидан кечирди. Ўзаро қабилавий жангларда фаол қатнашган Темучин кейинчалик ўз атрофига 13 минг кишилик лашкар ҳам тўплай олди. Сўнгра уларнинг сони ортиб борди. Тез орада Темучин Найман, Тотор, Унғут, Ўйғур, Керойит қабилаларини ўзига бўйсундиришга эришади ва 1205 йилларга келиб у Мўғулистон ҳудудидаги энг қудратли ҳукмдорга айланди.

1206 йилда Онон дарёси бўйида махсус чақиртирилган қурултойда Темучин бутун Мўғулистоннинг Ҳокони деб эълон қилинди. Шу жойда ўнга Чингизхон (кучли бақувват дегани) лақаби берилди. Чингизхон шу тариқа Манчжуриядан то Иртишгача Байкалдан Тангғутгача ҳудудларда кўчиб юрувчи кўп сонли қабилаларнинг ягона ҳукмдорига айланди. Давлатнинг диний, сиёсий ижтимоий фаолиятининг барча қирралари 1206 йилдаги ўша йирик йиғинда “Ясо” қонунлари тўпламида янада асосланиб, мустаҳкамланди. Қорақурум қалъаси пойтахт қилиб танланди.

1207-1208 йилларда Энасой (Енисей) ҳавзаси, Еттисув вилоятининг шимолий қисми босиб олиниб, у ердаги уйғурлар ҳам тўлиқ бўйсундирилди. 1209 йилда Чингизхон Хитойнинг шимоли-шарқийдаги Тонгғут мамлакатига ҳужум қилиб, катта ўлжа ва кўплаб одамларни қул қилиб, Мўғулистонга олиб кетди. 1211-1215 йиллар давомида эса аввал Хитойга ҳужум қилиб, қудратли Цзинь армиясига қаттиқ зарбалар берди, сўнгра эса Пекин шаҳрини ишғол қилди. Цзинь сулоласи ағдарилиб, Шимолий Хитой Мўғуллар давлатига қўшиб олинди. Мўғулистонда қудратли давлатни ташкил қилган Чингизхон ўз эътиборини энди Марказий Осиё томонга қарата бошлади.

Хоразмшоҳлар давлатида 1189 йилдан 1200 йилгача ҳукмронлик қилган Оловиддин Такаш фаолиятининг асосий якуни давлат куч-қудратининг янада кўчайганлигидир. Такаш, ҳукмдорлик билан боғлиқ ҳаётининг деярли барчасини ҳарбий юришларда ўтказди. Улкан ғалабаларга эришди, Хоразм давлатининг узоқ ўлка ва ҳудудларга танитди. 1200 йилнинг ёзида Бағдод халифалиги томон ҳарбий юриш уюштирган Оловиддин Такаш йўлда бетоб бўлиб, вафот этади. 3 июл куни жасади Гурганжга олиб келиниб, ўзи қурдирган мадраса олдида дафн этилди. Унинг ҳукмронлиги даврида

кудратли давлат тузилиб, Хоразмнинг Осиё ва Европа мамлакатлари билан алоқалари мустаҳкамланди. Такаш даврида бу давлат таркибида аҳоли сони ўсиб, кўпайди. Ҳунармандчилик, маданият, архитектура юксалди. Пойтахт Гурганж дунёдаги гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Такаш олиб борган ташқи ва ички сиёсатнинг кучли томонлари билан биргаликда заиф томонлари ҳам мавжуд эдики, бу ҳолат келгусида бу давлатнинг ичидан емирилишида ўзига хос сабабларидан бири бўлди. У ҳам бўлса, Такашнинг қипчоқ уруғидан бўлган хотини-Туркон хотуннинг ўз ҳимоясидаги қипчоқ ҳарбий аслзодаларига ҳадеб ҳомийлик қилиши эди. Бу аёл давлат ишларини ўз қўлига олишга ўрин ар, қипчоқларни давлатнинг ички ишларига аралаштиришга имконият яратиб берарди. Қипчоқларнинг саройда йирик имтиёзлилиги асл хоразмлик туркий аъёнларга ёқмасди. Бу ҳолатлар эса ички курашлар, зиддиятларни янада кўчайтиб боришига ҳам сабаб бўлар эди.

Хоразмшоҳ Такашнинг катта ўғли Маликшоҳ Такаш ҳаётлиги даврида, 1171 йилда вафот этган эди. Шунинг учун ҳам тахтга чиқиш иккинчи ўғли Қутбиддин Муҳаммадга насиб этди. 1200 йил 3 август куни Гурганж аҳолиси ва Хоразм давлатининг аъёнлари, амирлари иштирокида тахтга Такашнинг Туркон хотундан тўғилган ўғли Қутбиддин Муҳаммад ўтиради. У ўзига отасининг лақаби Оловиддин номини қўшиб олади ва тарихга Оловиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ номи билан кирди.

Оловиддин Муҳаммад подшолик қилган даврида (1200-1220) Самарқанд ва Ўтторни қорахонийлардан тортиб олади, узоқ Ғазнагача (Афғонистон жануби) ўз чегарасини кенгайтириб, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонни бўйсундиради. Дашти Қипчоқнинг ичкари ҳудудларига кириб боради. Маълумотларга кўра, 25 дан ортиқ мамлакат ўнга қарам бўлган. Шу туфайли бўлса керак, Оловиддин Муҳаммад эришилган ўлкан ютуқлардан ортиқча қибрланиб, ўзини “Искандари Соний”, яъни иккинчи Искандар деб эълон қилади. Кейинчалик бу ном ҳам камлик қилиб, узоқ йиллар ҳукмдорлик қилган салжуқий шоҳ Султон Санжар номини ҳам олади ва ўзини “Султон Санжари соний” деб атаёт бошлади. Тарихий манбаларга қараганда, шу пайтларга келганда Хоразмшоҳлар давлатига қарашли 400 дан ортиқ шаҳарлар бўлган.

Мўғуллар истилоси арафасида Хоразмшоҳлар давлатида асли иккиҳокимлик ўрнатилган эди десак, муболаға бўлмайди. Мамлакат шоҳи Оловиддин Муҳаммад ҳисоблансада, ички ва ташқи сиёсатни олиб боришда иккинчи ҳоким шоҳнинг онаси Туркон хотун ҳисобланган. Оловиддин Такаш вафотидан сўнг Туркон хотун энди давлат ва бошқарув ишларига ҳар томонлама, тўлиқ аралаша бошлаганди. Оловиддин Муҳаммад эса дастлабки пайтларданок уни инкор қилишга журъат этолмасди. Туркон хотун хаттоки, айрим масалаларни ҳал этишда биринчи бўлган, султоннинг баъзи буйруқ ва фармонларини инкор этган ва ўз номидан фармонлар чиқариб, истаган масалаларини ҳам ҳал қилиш қудратига эга бўлган. Шоҳ эса ҳеч вақт ўнга эътироз билдира олмаган, чунки, бир томондан она ҳурмати бўлса, иккинчи томондан эса Туркон хотуннинг тарафдорлари, унинг уруғидан чиққан турк амирлари кўпчилиқни ташкил қиларди. Замондошларининг таърифича бу

аёл “Худованди жаҳон”, яъни “Жаҳон ҳокимаси” деб ном қозонган. У ўзининг туғросига (муҳрига) ҳам эга бўлган.

Туркон хотун ҳатто, молия масалаларига ҳам фаол аралашиб, буйруқлар бера олган. Шунингдек, тахт Меъросхўрини ҳам ўзи белгилаган. Туркон хотуннинг талаби ва маслаҳати билан ҳукмдор тахт вориси қилиб ўта қобилиятли, ўтюррак, моҳир саркарда, Оловиддин Муҳаммаднинг туркман хотини Ойчечакдан туғилган катта ўғил Жалолиддинни эмас, балки қипчок хотинидан туғилган, Жалолиддиндан анча паст Ўзлақшоҳ тайинланди. Бундай ҳолатлар шубҳасиз, давлатни ичдан бўшаштиришга, ички зиддиятларни кўчайишига, инқирозни тезлашишига ҳам сабаб бўлган эди.

Мўғуллар истилоси арафасида мамлакатнинг тушкунликка ва танг аҳволга келишига яна бир сабаби шу эдики, оддий халқнинг иқтисодий аҳволи ниҳоятда оғир эди. Халқ доимий солиқлардан ташқари, уч мартадан ортиқча, махсус солиқлар тўлашга мажбур эдилар. 1206 йилда Самарқандда, 1212 йилда Самарқанд ва Бухорода оддий халқнинг кўтарган қўзғолонлари Хоразмшоҳ томонидан шавқатсизларча бостирилди. Бу эса шоҳга нисбатан халқ норозилигини янада оширади.

Катта салтанат ҳукмдори бўлган Оловиддин 1217 йилнинг кузларида жуда катта қўшин билан (турли манбаларда турли маълумот бирида 600 минг, бирида 400 минг аскар) ўзининг азалий душмани бўлган Бағдод халифалигига қарши отланди. Худди шу йили куз эрта тушганлиги туфайли киш қаттиқ келиб, қалин қор ёғади. Уч кун давом этган қор бўрони қўшиннинг кўп қисмини қирилишига сабаб бўлади ва Хоразмшоҳ ўз мақсадидан воз кечиб, орқага қайтишга мажбур бўлади. Қайтишда эса Парчам кўчманчи қабилалари ва Ҳаккар қабиласидаги курдлар уларга хужум уюштириб, қўшиннинг асосий илғор қисмини тор-мор қилади. Бу йўқотишлар ҳам шоҳнинг обрўсига путур етказди. Шунингдек, Хоразмшоҳнинг 1216 йилда диний арбоб шайх Мажиддин ал-Бағдодийни қатл қилдирилиши, Бағдод халифаси устига юриши диний уламоларнинг ҳам Оловиддиндан бутунлай ихлосини қолдирган эди. Шундай қилиб, мўғуллар истилоси арафасида Хоразмшоҳ Оловиддин Муҳаммаднинг давлат тизимида ҳам, аҳоли табақалари орасида ҳам ҳеч бир астойдил суянадиган таянчи қолмаган эди. Хива хони, тарихчи Абулғозий ўзининг “Шажараи турк” китобида Хоразмшоҳ давлатидаги бу нохуш ҳолатларни таърифлаб, “Султон Муҳаммад давлатининг қайтиши” деб баҳолаган эди.

Чингизхон ва Оловиддин давлатларининг элчилари савдо қарвонлари сафларида бир бирларига бориб, айни вақтда турли, керакли маълумотлар тўплаб, айғоқчилик вазифаларини ҳам бажарардилар. Элчилик муносабатлари 1215 йилдан бошланиб, Оловиддин Муҳаммад дастлаб Баҳовуддин Розий бошчилигидаги ўз элчиларини Чингизхон ҳузурига юборади. Пекинда элчиларни қабул қилган Чингизхон уларни илиқ кутиб ва уларга ўзаро тотувлик, дўстликни ҳамда икки мамлакатга тегишли ҳудудларда савдогарларнинг эркин қатнови тарафдори эканлигини билдирди. 1218 йил баҳорида Чингизхон ҳам қимматбаҳо моллар ва шоҳга совғалар ортилган қарвонни ўзининг энг содиқ одамларидан бири, хоразмлик савдогар

Маҳмуд Ялавоч бошчилигида Хоразмшоҳ ҳузурига юборади. Элчилар Хоразмшоҳга Чингизхон юборган совғаларни ва номани топширадилар. Номада Чингизхон қудратли Хоразмшоҳ билан яхши қўшничилик, дўстлик, тинчлик ҳақида шартнома тузиш ниятида эканлигини ва уни энг яхши фарзандларидан бири сифатида ҳурмат қилишини билдирган эди. Чингизхон номасидаги кейинги жумла, Хоразмшоҳнинг иззат-нафсига тегиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлиши мумкин.

Кибру-ҳавоси баланд Хоразмшоҳга бу гап, яъни уни ўз фарзандидек кўриши, дегани умуман ёқмаган. Шоҳ тунда Маҳмуд Ялавоч билан алоҳида суҳбатлашиб, Чингизхон, унинг давлати, ҳарбий қудрати ҳақида талайгина саволлар беради. Унинг вазоҳатидан кўрққан Маҳмуд ўнга бир қанча сохта маълумотлар беради. Хоразмшоҳ ўнга Чингизхон саройида ўзининг жосуси бўлишни ҳам таклиф этади. Ялавоч кўрққанидан ўнга ҳам рози бўлади. Хоразмшоҳ Чингизхон билан шартнома тузишга розилигини билдириб, уларга жавоб бериб юборади. Маҳмуд Ялавоч барча воқеалар қатори шоҳ билан алоҳида суҳбатни ҳам, унинг савол ва таклифларини ҳам батафсил Чингизхонга етказади. Хуллас, мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлатининг истилоси арафаларида икки йирик тарихий шахс, ҳукмдорлар ўртасида бир-бирини ҳар томонлама ўрганишга мўлжалланган ана шундай муносабатлар бўлиб турган эди.

Хоразмшоҳ билан шартнома тузилганидан кўнгли тўқ бўлган Чингизхон Пекиндан хоразмшоҳлар давлатига Умар ҳожи ал-Ўтрорий, ал-Жамол ал-Марғоний, Фаҳриддин ал-Бухорий бошчилигида 450 та мусулмон савдогарлардан иборат, ҳар қабиласидан 2-3 тадан вакил бўлиб, улар Хоразм мамлакатадаги ноёб молларни Мўғилистон учун танлаш, харид қилиш ишлари билан шуғулланишлари лозим эди. Айни вақтда, Хоразмшоҳ давлатига келгусида ҳарбий юришлар учун маълумот тўплаш мақсадида юборилган кишилар ҳам бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмасди. Тарихчи Насавийнинг ёзишича, карвон Ўтрор шахрига етиб келганида шаҳар ҳокими, Туркон хотуннинг амакиваччаси Инолчиқхон (асл исми Ғойирхон) ундаги қимматбаҳо молларни кўриб, очкўзлиги авж олиб, нияти бузилиб, Хоразмшоҳга карвондагилар ўзларини жосусдек тутаяптилар деб шошилиш хабар юборади. Хоразмшоҳ ҳокимга карвонни мамлакат ичкарисига киритмай, тўхтатиб туриш ҳақида буйруқ юборади. Лекин Туркон хотун ҳимоясига ишонган Инолчиқ катта фожеага қўл уради, яъни, унинг буйруғи билан карвон қўлга олинади, барча савдогарлар ва бошқа кишилар қатл этилади. Карвондаги молларнинг бари мусодара қилинади. Тасодиф туфайли тирик қолган бир туякаш Чингизхон ҳузурига етиб бориб, фожеа ҳақида ўнга хабар беришга муваффақ бўлади.

Араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг ёзишича эса Инолчиқхон катта карвонни Ўтрорга етиб келганлиги ҳақида Хоразмшоҳга хабар берганди. Хоразмшоҳ карвондаги барча савдогар ва хизматчиларни ўлдиришни ва бойликларни саройга юборишни буюради. (В.В.Бартольд, Асарлар 1 т. 465-б)

Нима бўлганда ҳам, бу воқеа тузатиб ва тўхтатиб бўлмайдиган ўлкан хато бўлиб, унинг оқибатлари даҳшатли воқеаларга сабаб бўлди.

Чингизхон бу нохуш воқеа хабарини ўзига хос совуққонлик билан тинглайди. Унинг ўғиллари Хоразмшоҳ устига дарҳол қўшин тортишни талаб қилсаларда, у масалани тинчлик йўли билан ҳал қилишга қарор қилади. Хоразмшоҳ ҳузурига ўз элчиси ибн Киррож Буғрони икки киши ҳамроҳлигида жўнатади ва фожеа айбдорларини жазолашни, ҳамда Инолчиқни унинг ихтиёрига беришни қатъий талаб қилади.

Хоразмшоҳ албатта бу талабларни бажара олмаслиги аниқ эди. Чунки бир томондан, Инолчиқ Туркон хотунни амакиваччаси бўлса, иккинчи томондан, қипчоқ саркардалари билан қариндош эди. Табиийки, улар бу ишга, яъни, Инолчиқни ҳибсга олиниб, Чингизхонга юборилишига йўл қўймасдилар. Оловиддин Муҳаммад Чингизхон элчисини ўлдирилиши ва унинг икки ҳамроҳини масхаралаб, соқолларини қирдириб, жўнатиб юборишни буюради. Бу ишлар ҳам Чингизхон билан жиддий муносабатларни янада кескинлаштиради. Шунини таъкидлаш жоизки, Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангуберди отасига элчиларга нисбатан хушмуомала бўлишни, Ўтрор фожеасининг асосий айбдори Инолчиқни Чингизхон ҳузурига жўнатишни маслаҳат берган эди. У Сирдарё буйларидан то Суриягача чўзилган катта давлатдаги мусулмонларнинг қони тўқилгандан кўра битта одамни қони тўқилишини афзал билган эди. Бироқ, шоҳ Жалолиддиннинг доно маслаҳатини ҳам инобатга олмайди. Жалолиддин бўлажак даҳшатли урушни, қирғинни аввалдан кўра билган эди.

Элчининг ўлдирилиши Чингизхоннинг сабр косасини тўлдирди ва унинг учун Хоразмшоҳлар давлати устида ҳарбий юриш қилишга ундаган охириги боҳона бўлди. Чингизхон ўз чопари орқали Хоразмшоҳга подшоҳлар ўртасида бир-бирига ёзилган хатлар тарихида энг қисқа сўзлардан (6 та сўз) иборат бўлган хатини жўнатади. Унда шундай дейилганди: "Сен урушни хоҳлагандинг, сен уни оласан".

Ҳар иккала томон энди бўлғўси урушга тайёргарлик кўра бошлади. 1219 йил сентябрида мўғуллар ўзларининг биринчи зарбасини Хоразм давлатининг чегара шаҳри бўлган Ўтрорга қаратди. Шаҳар ҳокими Инолчиқхон бўлиб, Чингизхоннинг у билан алоҳида ҳисоб-китоби бор эди. Шаҳарни Инолчиқ бошлиқ 50 минг кишилиқ гарнизон ва Ҳожи Қоража бошлиқ 10 минг кишилиқ қўшин ҳимоя қилиши лозим эди. Шаҳарнинг яхши мустаҳкамланганлиги ва узоқ мудофаага тайёрланганлигини сезган Чингизхон қўшиннинг бир қисмини ўз ўғиллари Чигатой ва Ўктой бошчилигида Ўтрор қамалига қолдирди. Қолган қўшинни уч қисмга бўлиб, бир қисмини катта ўғли Жўжи бошчилигида Ўтрордан Шимолда жойлашган Жанд ва Барчинликенд қалъаларини эгаллашга, иккинчи қисмини Улоқ Нўйон бошчилигида Бинокат ва Хўжанд шаҳарларини эгаллашга жўнатди. Ўғли Тўлихон ва машҳур саркардалари Жебе Нўён ва Субутой Баҳодир бошчилигидаги қўшинлар билан ўзи Мовароуннаҳр ва Бухоро томон йўл олди.

Чингизхоннинг Туронзаминга, хусусан Хоразмшоҳлар давлатига қарши ҳарбий ҳаракатлар қатъий тус олган эди. Бу ҳужум арафасида Оловиддин кўзга кўринган давлат арбоблари, бообрў амирлар, йирик саркардалар

иштирокида ҳарбий кенгаш ўтказди. Кун тартибига битта масала, яъни, яқинлашиб келаётган хавфли, ниҳоятда маккор душманга қарши қандай чора кўриш масаласи қўйилди. Турли фикр-мулоҳазалар тингланди. Шунини айтиш керакки, ушбу кенгашда қабул қилинган қарор ва чоралар Хоразмшоҳлар империяси тақдирини ҳал этди.

Ҳарбий кенгашда ягона тўғри таклифни (кўпчилик номидан) Шаҳобиддин ал-Хивақий киритди. У 400 минг кишилик Хоразм қўшинини Сирдарёнинг нариги томонига тўплаш, узоқ йўлдан чарчаб келган мўғул қўшинига дам олгани қўймай, ҳужум қилиб тор-мор этишни таклиф қилди. Кенгаш иштирокчиси шаҳзода Жалолиддин Мангуберди мўғул қўшинини Мовароуннаҳрга кириб келишига йўл қўйиш, кейинчалик маҳаллий шароитни яхши билганликдан фойдаланиб, ўнга тўрт томондан ҳужум қилиб тор-мор этиш таклифини ўртага ташлади.

Баъзилар эса кўп сонли Хоразм қўшинини қалъаларга бўлиб ташлаш ва ҳар бир қалъанинг мудофаасини ташкил этишни ўша қалъа ҳимоячиларига топшириш таклифини киритдилар. Бу таклиф Хоразм давлати учун кучли маккор душман билан яккама якка курашишда ҳалоқатли таклиф эди. Минг афсуски, Хоразмшоҳ Оловиддин Муҳаммадга ушбу таклиф маъқул келади. Тарихчи Насавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ ўзининг кўп сонли қудратли қўшинини қалъаларга бўлиб юбориб, тузатиб бўлмайдиган катта хатога йўл қўйди. Ҳатто Овруполик олимлар тарихчилар ҳам ўз асарларида Хоразмшоҳ Муҳаммадни Чингизхонга қарши курашда нотўғри тактика қўллаб ўз мамлакатини ҳалоқатга олиб борганликда айблайдилар. Муҳаммаднинг қабул қилган қатъий қарори билан амалга оширилган ҳимоя натижасида мўғуллар бўлиниб-бўлиниб кетган ҳарбий қисмларни осонгина бирин кетин тор-мор қилиб қисқа фурсатларда Мовароуннаҳрни эгаллашларига қулай имконият туғилган эди.

Маърузачи Чингизхон бошлиқ мўғул истилочиларининг Хоразмшоҳ давлатига ҳарбий юриш бошлашида Ўтрор воқеалари ва фожеасининг алоҳида ва деярли асосий ўрни бор эканлигини яна бир бор талабаларга эслатиб, яна Ўтрор воқеаларига қайтиш ва бу борада қуйидаги маълумот ва жараёнларни ҳар галгидек содда ва тушунарли тилда баён этиши мумкин.

Мўғул истилочилари жуда катта куч ва шижоат билан Ўтрорни эгаллашга ошиқдилар. Лекин шаҳар мудофаачилари мўғулларнинг қутуриб қилган ҳужумларига қарамай, душман ҳужумини қаттиқ туриб қайтармоқда эдилар. Манбаларга кўра, Ўтрор камали 5 ойдан ортиқроқ давом этган ва унинг ҳимоясига 80 мингдан ортиқроқ аскарлар иштирок этган. Қамал пайтида муғулларга ҳам катта талафот етказилган. Мудофаа борган сари оғирлашиб борган. Устига, устак қамалдагиларга ташқаридан ҳеч қандай ёрдам ҳам йўқ эди.

Инолчиқ саркардаларидан Ҳожа Қоража қаршилик кўрсатиш бефойда деб мўғулларга таслим бўлишни таклиф қилди. Инолчиқдан рад жавобини олгач у ўз қўшини билан шаҳардан чиқиб мўғулларга таслим бўлади. Ниҳоят бошқа ҳимоячилар ҳам душманга таслим бўладилар ва мўғуллар шаҳарга бостириб кириб жуда қаттиқ ваҳшийликлар қиладилар. Ҳимоячилар қириб

ташланади. Ҳоким Инолчиқ эса тезда қўлга олиниб унинг оғзи, кўзи, бўрни ва қулоғига кўрғошин кўядилар. Мўғуллар сотқин Ҳожа Қоражани ҳам ўз ҳукмдорига содиқ бўлмаган бизга ҳам содиқ бўлмайди деб қатл этдилар. Шундай қилиб, Ўтрор шаҳрининг мудофааси Хоразмшоҳнинг субутсизлиги ва лоқайдлиги туфайли фожеали тугайди. Бу вақтда Жўжи бошлиқ мўғул отряди Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган Сигноқ шаҳрини 7 кунлик камалдан сўнг ишғол қилдилар. Шаҳар ҳимоячиларидан қаттиқ ўч олдилар. 1219 йил 21 апрел куни Жам шаҳри мўғуллар томонидан жангсиз эгалланди улар шаҳар аҳолисини шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқариб, 9 кун ушлаб турдилар ва шаҳарни шип-шийдон қилиб таладилар. Бу йўқотиш ва босқинларнинг асосий сабабчиси Оловиддин Муҳаммаднинг йўл қўйган тактик хатоси эканлигини яна бир бор эслатиб қўйиш жоиз деб билдик. Бу жиддий хатолар натижасида тез орада Сирдарёнинг юқори оқимида жойлашган Бинокат шаҳри ҳам 3 кунлик мудофаадан сўнг мўғулларга таслим бўлди.

Хўжанд шаҳрига яқиндагина ҳоким этиб тайинланган жасур саркарда Темур Малик тақдирига эса 70 минг кишилиқ душман аскарига қарши курашиш ёзилган эди. Жон-жаҳди билан Хўжандни ҳимоя қилган Темур Малик кучлар нисбатидаги катта фарқни яхши тушуниб 70 та қайиқ тайёрлатди. Қайиқлари ҳамда одамлари билан кўп курбонлар бериб дарё оқими бўйлаб сузиб, минг машаққат билан Урганчга етиб келди. Хўжанд ҳам душман томонидан эгалланди.

Хоразмда Темур Малик урушга курби етадиган каттагина қўшин тўплаб, мўғулларга қарши кураш олиб боради. Ҳатто Сирдарёнинг қуйи оқимларидаги Янгикент шаҳрини мўғуллардан тортиб олишга эришади. Лекин Темур Малик билан Хоразмшоҳнинг бошқа лашкарбошлари ўртасида бирлик йўқ эди. Шу сабабли Темур Малик мўғуллардан енгилиб, дастлаб Хуросонга, кейин эса Сурияга ўтиб кетади. Манбаларга кўра, умрининг охирида Хўжандга дарвиш сифатида келиб шу ерда вафот этади. 1220 йил февралда Чингизхон катта куч билан келиб қадим шаҳар Бухорони қамал қилди. Йирик илм-фан маркази бўлган Бухоро ҳимоячиларининг қаттиқ қаршиликлари ҳам фойда бермади ва қисқа муддатларда бу тарихий шаҳар ҳам мўғуллар қўлига ўтди.

Чингизхон март ойида Шарқнинг сайқал шаҳри, Марказий Осиёнинг қадимий ва йирик мараказларидан бири Самарқандга юриш бошлади. Қаттиқ ва шиддатли ҳужумлар натижасида шаҳар қозиси ва шайхулисломи мудофаани тўхтатиб, таслим бўлишга қарор қилдилар ва Чингизхонга ўз вакиллари юбордилар. Шўнга қарамай, шаҳар эгаллангандан сўнг мўғуллар оммавий қирғин ўтказдилар. Самарқанд ҳам таслим бўлаётганини эшитган Оловиддин Муҳаммад Амударёдан ўтиб, Эрон ҳудудларига–Табаристонга қочади ва Каспий денгизининг Жанубидаги юқумли ва бедаво касалликка учраган одамлар жон сақлайдиган кимсасиз бир оролда (Ашурада ороли) жон сақлашга мажбур бўлди..

Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”да, “Хору-зорликда ўлган Хоразмшоҳни дафн этишда атрофдагилар қанча уринмасин, қафан топа

олмайдилар. Уни ўзининг кийиб юрган кийимида дафн қилдилар”,-деб ёзилади. Бу аянчли воқеа ўша оролда 1221 йил февралда содир бўлган эди. Манбаларга кўра, Хоразмшоҳ ўлими олдида салтанатни фақат Жалолиддингина сақлаб қолиши мумкинлигига ниҳоят кўзи етгач, унинг белига қилич тақади, Жалолиддинни тахт вориси ва валиаҳд деб эълон қилингани ҳамда қолган фарзандларининг унинг измидан чиқмаслиги ҳақидаги барча васиятларини ёзма равишда Жалолиддинга беради. Афсуски, бу ҳолат анча илгарироқ бўлиши керак эди.

1221 йил бошида Хоразмшоҳнинг ўғиллари Узлоқшоҳ, Оқшоҳ ва Жалолиддин Хоразмга қайтиб келиб шоҳнинг вафоти ва Жалолиддинни тахт вориси этиб тайинлангани ҳақидаги хабарни етказдилар. Лекин саройдаги кўпгина лашкарбошилар бўнга норозилик билдирадилар ва улар Узлоқшоҳ билан биргаликда Жалолиддинга қарши турли ифво ва бўҳтонлар қила бошлайдилар. Ниҳоят Жалолиддинга қарши уюштирилган фитна ҳам фош этилади. Бундай шароитда тахтни бошқара олмаслигига кўзи етган Жалолиддин укаси Узлоқшоҳ фойдасига тахтдан воз кечади ва Темур Маликнинг кичик бир гуруҳига қўшилиб, яширинча Хуросонга ўтиб кетади.

1220 йил кузида мўғуллар қаттиқ ҳужумлар билан Термиз шаҳрини эгаллаб, уни талон-тарож қилдилар. Энди Чингизхон Хоразмшоҳларнинг маркази, таянчи бўлган Урганч шаҳрини эгаллашга бел боғлади. Шаҳар аҳолиси мудофаага яхши тайёргарлик кўриб, мўғулларга қаршилиқ кўтсатдилар. Урганчга мўғуллар бостириб келаётганини эшитган Хоразмшоҳ Оловиддиннинг ўғиллари Узлоқшоҳ ва Оқшоҳлар шаҳарни ташлаб қочган эдилар. Лекин узоққа бора олмадилар ва Нисо (ҳозирги Ашхабод) яқинида мўғуллар билан бўлган жангда ҳалок бўлдилар. Шаҳарни ҳимоя қилиш эса ўлгўдай кўрқоқ, амалпараст, ўзини султон деб эълон қилган Хумортегин деган кимсага теккан эди. 50 минг кишилиқ мўғул қўшинлари шаҳарни қамал қилади. Шаҳар мудофаасини ўз зиммасига олган Хумортегин кутилмаганда шаҳар дарвозасини мўғулларга очиб бериб, аскарлари билан душманга таслим бўлади. Урганч шаҳри душман томонидан эгалланди. Ислон дунёсида ўз тариқатига эга бўлган улуғ аллома, шайх Нажмиддин Кубро ҳам Чингизхон томонидан қилинган илтифотни рад этиб, ҳамюртлари билан жангда шаҳид бўлди.

2. Мовароуннаҳр халқларининг мўғулларга қарши озодлик кураши. Жалолиддин Мангуберди.

Фитна уясига айланган пойтахтдаги саройдан кетган Жалолиддин Нисо остонасида 300 отлиқ қўшини билан унинг йўлини тўсиб турган 700 отлиқ мўғул қўшинини енгади. Ғазнага келиб, янги куч тўплай бошлайди. Мўғуллар устидан бир неча бор зафар кучди. Жалолиддин Қандаҳор шаҳрини қамал қилаётган мўғулларни шиддатли жанглардан сўнг тор-мор қилади, Ғазнада Жалолиддин қўшинига ҳар томондан ҳарбий кучлар келиб қўшила бошлади.

Халаж қабиласи ҳарбий бошлиғи Сайфиддин Ифрок, Балх ҳокими Аъзам Малик, Афғон лашкарининг сардори Музаффар Малик ва қарлуқлар

йўлбошчиси Ал-Ҳасан қўшинлари Жалолиддинга келиб қўшилдилар. Жалолиддин Валиён қалъасини қамал қилаётган мўғул қўшинларини ҳам яксон қилди.

Бу ғалаба хабарлари Чингизхонга етиб бориб туради ва бундан анча безовталанган Чингизхон ўзининг энг синалган саркардаси Шиқи Хутуку Нуйон бошчилигидаги 45 минг кишилик қўшинини Жалолиддинга қарши юборади.

Икки йирик қўшин Афғонистоннинг Парвон шаҳри яқинидаги паст текистликда учрашади. Ушбу жангда Султон Жалолиддин ўзининг ҳарбий даҳосини яна бир бор намоён этди. Жанг шавқатсиз, беомон бўлди. Жангда Жалолиддин ўзига хос ноёб усуллар қўллади. Мазкур жангда Жалолиддин қўшинлари кучли ва маккор мўғул қўшинларини тор-мор қилади. Парвон ёнидаги жангда мўғулларнинг енгилиши уларнинг Хоразмшоҳлар давлатига хужумлари давомидаги биринчи катта мағлубияти эди. Шундай қилиб, Чингизхон рўпарасидаги рақиби унинг ўзига муносиб эканлигини ҳис этади ва у энди қатъий, ҳал қилувчи жангга ҳозирлик кўришнинг вақти келганлигини сезади ҳамда жанга катта тайёргарлик кўра бошлайди.

Жалолиддиннинг Парвон ёнидаги ўлкан ғалабасининг энг эътиборли томонларидан бири шу эдики, бир қанча шаҳарлар аҳолиси бу ғалабадан хабар топиб, ундан рухланиб, мўғулларга қарши исён кўтардилар, уларнинг ноибларини ўлдирдилар. Айни вақтда Парвон ғалабасини натижасида, Жалолиддинга катта ташвишлар келтиришини у хаёлига ҳам келтирмаганди. Бу жангда қўлга тушган ўлжаларни бўлиб олиш чоғида Жалолиддин лашкарбошилар ўртасида ўлжага олинган зотдор бир арабий отни таллашиб қаттиқ низо чиқади. Жалолиддин уларни мурасага келтира олмади. Низо туфайли лашкарбошилар Сайфиддин Афрок, Аъзам Малик ва Музаффар Маликлар ҳар бири 25 мингдан ортиқ лашкарлари билан аразлаб кетиб қолдилар (Афсуски, кейинчалик мўғуллар уларнинг барчасини алоҳида-алоҳида енгиб, қириб ташладилар). Бу мудҳиш ҳолатдан Жалолиддиннинг ҳарбий кучи кескин заифлашди. Оз қўшин билан кучли душман олдида ночор қолган Жалолиддин Ҳиндистонга ўтиб кетиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Лекин Синд (Ҳинд) дарёси бўйида кемалар тайёрланаётган пайтда ўнга қарши шахсан ўзи астойдил отланган Чингизхон, ўз қўшинлари билан етиб келди. Кучлар нисбати Чингизхон фойдасига кескин фарқ қиларди. Мағлуб бўлишига ақли етган Жалолиддин душман қўлига асир олиниб, ҳақоратланмаслиги учун онаси, хотинлари ва қизларини уларнинг ўзларининг хоҳиш-иродаси билан дарёга чўктиришга фармон беради. Лекин мўғуллар Жалолиддиннинг 8-9 ёшли ўғилчасини асир олиб, Чингизхон хузурига олиб келганларида, ҳокон унинг юрагини суғуриб олиб, итга ташлашни буюради. Буйруқ ижро этилади.

Нисо вилоятидаги қалъалардан бирининг соҳиби бўлган машҳур тарихчи Шаҳобиддин ан-Насавий 1224 йилдан 1231 йилгача, яъни Жалолиддиннинг вафотигача унинг энг ишончли мулозимларидан бири бўлиб хизмат қилади. У доимо Жалолиддиннинг ёнида бўлган ва кўрган билганларини ёзиб борган. Унинг ёзишича, бу икки йирик саркарда қўшинлари ўртасидаги ҳаёт-мамот

учун бўлган тарихий жанг 1221 йил 24 ноябр куни рўй беради. Тарихчи Жувайний эса бу воқеани шундай таърифлайди: “Шу куни тонгда Султон Жалолиддин сув ва олов ўртасида қолди. Бир тарафда пишқириб оқаётган Синд дарёси, орқада эса оташдек куйдирувчи мўғул лашкари. Шундай мураккаб шароитда Султон ўзини йўқотмади ва душман билан олишув йўлини танлади”. Бу тенгсиз жангда Жалолиддин бор шижоат, маҳорат ва қувватини кўрсатиб жанг қилиб, ҳатто мўғул лашкарларини ҳам лол қолдирди. Лекин Чингизхон кўшини соат сайин кўпайиб борарди. Охири марта катта ўрин иш билан кўшинни бир оз чекинишга мажбур қилиб, жиловни орқага бурди ва совутини ечиб ташлаб, отга камчи урди. Қирғоқдан туриб 10 газ ёки ундан ортиқроқ баландлик масофадан дарёга сакради. Довюрақ арслон мисоли дарёни кечиб ўтди ва нариги соҳилга чиқиб олди. Чингизхон бу ҳолатни кўриб отини дарё қирғоғига елдириб келди. Султон бир шамшир, найза ва қалқон билан дарёдан ўтган эди. Чингизхон бу ҳолни кўриб ўғилларига юзланиб айтди: “Мард отанинг ўғли шундай бўлмоғи лозим! Сув ва оловнинг икки гирдобидан қутулиб, нажот соҳилига етдими, ундан беадад ишлар ва беҳисоб таҳликалар тўғилажак”.

Синд дарёси бўйидаги жангнинг акс-садоси ўтмиш қаъридан бизнинг кунларгача турли воситалар ёрдамида етиб келган. Инглиз шарқшуноси Г.Раверти ҳамда рус олими ва сайёҳи Г.Е.Грумм-Гржимайлонинг ёзишларича, Синд дарёсининг Жалолиддин кечиб ўтган жойи ва шу яқиндаги чўл унинг номи билан “Чўли (Жўли) Жалолий” деб атала бошланиб, бу ном ҳозиргача сақланиб қолган.

XX аср бошларида Муғулистонга саёҳат қилган айрим олимларнинг гувоҳлик беришича, ички Мўғилистоннинг (ХХР ҳудудида) Эжен Хўру деган жойида Чингизхоннинг мақбараси бор. Бу ерда Чингизхоннинг руҳига атаб баъзан маросимлар ва амаллар ўтказиб турилади. Жумладан, руҳонийлар ҳар куни эрталаб Чингизхоннинг ҳарбий юришлари давомида эришган 150 та катта кичик ғалабаларини санаб ўтадилар ва улар биринчи навбатда Чингизхоннинг Жалолиддин устидан эришган ғалабасини алоҳида зикр қилиб, билдиришар экан (Нурёғди Тошев “Жалолиддин Мангуберди” номли рисола. Т. Камолот. 1999.20-21 бетлар). Бу маълумот албатта Чингизхоннинг ҳарбий юришлари давомида у Жалолиддиндек ўзига бас кела оладиган бошқа рақибга учрамаганлигидан далолатдир.

Синд дарёсидан кечиб ўтгандан сўнг Жалолиддин қолган-қутган жангчиларни тўплаб, Шимолий Ҳиндистон ҳудудидаги бир қанча давлатлар ҳукмдорлари билан муносабат ўрнатишга ҳаракат қилишни дилига тугиб кўяди.

Лекин жуда ҳолдан тойган, кам сонли кўшин Жалолиддин бошчилигида ҳали ўзига келишга улгурмай, Шатра вилоятининг подшоси кўшиннинг оғир аҳволдан фойдаланиб, уларга минг отлиқ ва 5 минг пиёда аскарлари билан ҳужум қилади. Жалолиддин тангрига таваккал қилиб қилиб кўшинини жон-жаҳди билан урушга отлантиради ва бениҳоя жасорат туфайлигина Хоразм жангчилари Ҳинд кўшинини тор-мор қиладилар. Натижада, Шатра подшосининг жангчилари таслим бўлиб, Жалолиддин томонга ўтадилар.

Жалолиддин ўз қўшинини аҳволини анча яхшилаб олади, аста-секин қўшини сони, кудрати ошиб боради. Ҳатто ўз номидан танга зарб қилдиради, барча вилоятларда намозда унинг номини хутбага қўшиб ўқиладиган бўлади.

Жалолиддин Ҳиндистонда турли хил жанглар ва фитналарни бошдан кечириб, уч йилу 7 ой ҳукмронлик қилди. Бу ерда у катта давлат барпо қилди. Ўнга теvarакдан янги-янги кучлар келиб қўшилади. Жалолиддин ўз давлати чегараларини кенгайтириб, катта куч тўплаб, сўнг мўғуллар билан ҳисоб-китоб қилишни қалбининг энг тўрига тугиб қўйганди. Шу мақсадда ўзининг ҳарбий юришларининг дастлабкисини Ироққа лашкар тортишдан бошлади. Ироқ ва Эроннинг обрўли амалдорлари Жалолиддин томонга ўтдилар. Миср ва Сурия ҳукмдорлари ҳам Жалолиддинга тобеликларини билдириб, элчи юбордилар. 1226 йилгача Жалолиддин Озарбайжон ва Гуржистонни жанг билан эгаллади. 1227 йил 5 сентябрда Жалолиддин Исфаҳон яқинида Эронни мўғуллардан ғимоя қилиб, улар устидан катта ғалабани қўлга киритади.

Шу йили Чингизхон вафот этиши муносабати билан чингизийлар бир оз муддат ўз ички ишлари билан овора бўладилар. Уларнинг айрим раҳбарлари ҳатто бундан буён Жалолиддин билан яхши муносабатда бўлишга ҳам ҳаракат қиладилар.

1230 йилда Жалолиддин Ҳилот шаҳрини қамал қилаётган пайтда синглиси Ҳолсултондан (уни мўғуллар асир қилиб олган ва Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи унга уйланган ва ундан бир фарзанди ҳам бор эди) бир нома олади. Синглиси номада Жалолиддинга, унинг кудратидан, мулкидан, имкониятларидан ҳоқоннинг хабари борлигини, ҳоқон Жалолиддин билан чегара масалаларида келишиб олиб, тинч-тотув яшашга аҳд қилганлигини билдиради. Шунингдек, агар мўғулларга қарши туришга кучи етса, уларга қарши курашиб, ўч олиши, ёки улар сулҳни истаб турганда, улар билан ярашишни маслаҳат беради. Лекин Жалолиддин синглисининг бу хатини жавобсиз қолдиради ва Хоразмшоҳлар давлатини қайта тиклаш мумкин бўлган ушбу имкониятга эътиборсизлик билан қарайди. Худди шу вақтда Кичик Осиёдаги Ани вилоятининг Кўнъё султони Оловиддин Қайқубод ўз ихтиёри билан Жалолиддинга келиб қўшилган бўлсада, Жалолиддиннинг баъзи хатолари туфайли улар ўртасида совуқчилик тушади ва у Жалолиддинга қарши фитна тайёрлайди. Қайқубод фитнага шунингдек, Шом, Шимолий Месопотамия каби давлатлар ва бошқа бир қатор шаҳарлар ҳукмдорларини ҳам жалб этишга эришади. Лекин Жалолиддин бу ҳаракатга ҳам унчалик эътибор қилмайди. Айнан шу даврларга келганда Жалолиддин характерида қандайдир тушуниб бўлмайдиган лоқайдлик, мўғул қўшинларига қарши ҳаракатда сустлик ҳолатлари рўй бераётган эди. Фитначиларнинг жуда катта бирлашган қўшинлари билан Жалолиддин қўшинлари ўртасида 1230 йилнинг августида тарихий тўқнашув бўлиб ўтади. Жалолиддин қўшинлари катта талафот кўриб, Озарбайжон ҳудудларига чекинади. Унинг кучсизлангани ҳақида Озарбайжондаги Исмоилийлар ҳукмдори Оловиддин Муҳаммад III мўғулларга яширин мактуб йўллайди. Мақсад - Жалолиддинни мўғуллар қўли билан йўқ қилиш эди.

Мўғуллар бу имкониятдан фойдаланиб, Жалолиддинга қарши махсус катта қўшин жўнатадилар. Шу вақтдан бошлаб, Жалолиддиндан омад юз ўгириб, уни ўз аъёнлари ва яқинлари ҳам эътибори анча пасая бошлайди.

Хатто, унинг энг ишончли бош вазири Шароф ал Мулкнинг ҳам ўнга муносабати ўзгариб, Жалолиддинга қарши фитна уюштирилишига журъат этади. Жалолиддин бундан хабар топиб, вазирини қатл этади. Омад ундан юз ўгирган. Тушкунликка тушган Жалолиддиннинг сўнги пайтларда ичкиликка ва маишатга берилган ҳолатлари кўп бўлади. Жалолиддиннинг мўғулларга қарши чиқиши учун уларга бас кела оладиган қўшини, минг афсуски, энди йўқ эди. Шунинг учун ҳам ёрдам сўраб барча қўшни мусулмон ҳукмдорларга мурожаат қилади. Бахтга қарши бундай оғир пайтларда қўшни мамлакатлар ҳукмдорлари ёрдам қўлини чўзмадилар ва улар Жалолиддинни ёлғиз қолдирдилар.

Шундан сўнг Жалолиддин ўзининг бор одамлари билан кичик Осиёдан ўтиб, Исфаҳонга келди. Уни таъқиб қилиб юрган мўғуллар унинг қароргоҳига, навбатдаги зиёфатдан сўнг қаттиқ уйқуда ётганда хужум қиладилар. Жалолиддиннинг энг яқин амири Урхоннинг ёрдамида мўъжиза туфайлигина қочиб жон сақлайди. Сўнг Жалолиддин мўғуллар таъқибидан қочиб, Майофарикин яқинидаги Айндар номли қишлоққа етиб келганда курд қароқчилари қўлига тушади. Курдлар унинг бор нарсасини олиб қўядилар. Уларнинг бошлиғи Жалолиддинни бир уйга қамаб, соқчи тайинлаб кетади. Шу пайтда бир курд бу воқеадан хабар топиб, Жалолиддин турган уйга келади. Бу кишининг биродари Ҳилот қамалида хоразмийлар томонидан ўлдирилган бўлиб, у ўч олиш пайида юрганди. Соқчининг қаршилигига қарамай, курд ҳеч қандай қуролсиз Жалолиддинга найза санчиб ўлдиради. Шунча йиллар суронли, тенгсиз жангларда, бекиёс жасорат кўрсатиб, улардан омон чиққан тенги йўқ боҳодир Жалолиддиннинг ҳаёт йўли шу тариқа шухратсиз тугайди. Бу воқеа 1231 йили 17-20 август ўрталарида содир бўлган эди.

Шундай қилиб, Чингизхон бошлиқ мўғул истилочиларининг 1219 йилнинг охирида Оловиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ниҳоятда катта ва кучли империяси ҳудудларини эгаллаш учун бошлаган юришлари шахсан шоҳнинг ўзи йўл қўйган ва тузатиб бўлмайдиган хатолари туфайли ҳудуд халқлари бошига, фожеали қора кунларни солди. Юзлаб шаҳар-қишлоқлар, турли иншоотлар вайрон қилиниб, ер билан яксон бўлди. Хоразмшоҳлар душман куч-қудратини ҳисобга олмаганлиги, ўзига тобе ҳудудлар халқларини ҳимоясига уюштирамаганлиги бир неча юз минглаб аҳолининг ёстиғи қуришига, ўз салтанатининг бутунлай қулашига, ўзининг эса кимсасиз бир оролда шон-шухратсиз ўлим топишига сабаб бўлди.

Қўштемур қўшини енгилганини эшитган халифа Бағдодда мудофаа ишларини шошилиш бошлаб юборади ва бу ишга 1 миллион динор маблағ ажратилади. Хоразмшоҳ ўз қўшини билан Боғдод яқинига келиб, 12 кун туриб, яна орқага Озарбайжон томонга қайтиб кетади. Султоннинг бу ҳатти-ҳаракатининг сабаби ханузгача номаълум. Биз бундан шундай бир мантикий ҳулоса қилишимиз мумкинки, Жалолиддин барча мусулмон ҳукмдорлари

катори ислом дини ва унинг ақидаларини ҳурмат қилганлиги туфайли мусулмонларнинг ғоявий маркази-Боғдодга ҳужум қилиб, бу муқаддас шаҳарни вайрон қилишни истамаган бўлиши мумкин. Лекин бу юриш орқасида қанчалик улкан оворагарчиликлар бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Лекин, мўғуллар эса, 1258 йили Боғдодни босиб олиб, уни вайрон қилдилар, таладилар, Хоразмшоҳлар давлатига душманлик қилган халифалар тақдири ана шундай тугади.

3.Чиғатой улусининг ташкил топиши, унинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти.

Кепакхон (1309, 1318-1326) давригача Чиғатой улусида сиёсий барқарорлик бўлмади. 1251 йилги Қорарақурум курултойдан кейин Чиғатой улуси иккига бўлиниб кетди: Шарқий Туркистон, Ғулжа ўлкаси, Еттисув Фарғонанинг Шимолий Шарқий қисми ҳокон ихтиёрида қолди: Мовароуннаҳр Фарғонанинг Ғарбий қисми Олтин Ўрда қўл остига ўтди.

Олтой Ибн Гойдар ибн Чиғатой (1261-1266) Чиғатой улусини Олтин Ўрда таъсиридан қутқариш чораларини кўрди. Олтин Ўрданинг Бухорода турган 5 минг нафарлик кўриқчи қўшинни қириб ташлади, уларнинг мол-сулки, оилалари мусодара қилинди.

Бароқ ибн Йисунқор ибн Комкор ибн Чиғатой замонида (1266-1271) Чиғатой улуси анча кўчайди. Бароқхон Олтин Ўрда хони Мангу Темур (1267-1280) ва Кайду қўшинларини Сирдарё буйидаги жангда мағлуб этса-да, лекин охири енгилди. Унинг элхон Абокохонга(1265-1289) қарши юришлари ҳам натижа бермади. Чиғатой улусининг кўп қисми Ўғатойнинг набираси Қайду ва Олтин Ўрда хони Мангу Темур таъсирига тушиб қолди. Некпой (1271-1272) ва Буко Темур (1272-1291) ҳукмронлиги даврида эътиборга лойиқ ўзгариш бўлмади. Кайду улус тахтига Бароқхоннинг ўғли Дувани(1291-1306) ўтказди. Андижоннинг тикланиши, Узганнинг Фарғона ўлкаси пойтахтига айлантирилиши унинг номи билан боғлиқ. Дувахон Қайду билан ҳамкорлик қилиб, катта эътибор қозонди. Дувахон вафотидан кейин ўғли Кунжакхон ва Толғу ибн Қудағай ибн Бўри Мутуган ибн Чиғатойлар хонлиги узокқа чўзилмади.

Кепакхон ибн Дувахон ўз уруғдошларининг низоларига барҳам берди. Чиғатой давлатининг ривож, шаҳарлар қурилишига омил бўлган пул ва маъмурий ислохотлар Кепакхон номи билан боғлиқ.

XIУ асрнинг 40 йилларида Чиғатой улуси икки қисмга: Еттисув, Фарғонанинг шарқий қисми, Шарқий Туркистондан иборат Мўғулистонга ва арбий улус-Мовароуннаҳрга бўлиниб кетди ва сиёсий жиҳатдан парчаланди. Мўғуллар асос солган давлат ярим кучманчи типдаги, асосан ҳарбий тартибларга мувофиқ келган давлат бошқарувига эга сиёсий ташкилот эди. Чингизхон ва унинг авлодлари хон унвони соҳиблари эдилар. Уларнинг қўли остидаги бошқарув тизимида турли унвон, мартаба ва мансаб эгалари бўлган. Бундай амалларнинг аксарияти ҳарбий тартибларга мос тушарди. Йирик ҳарбий бўлинма бошида нўёнлар, баҳодирлар ва мерганлар турган.

Ўн минг аскардан иборат туманга хоннинг фарзандлари ҳам бошчилик қилишган. Хоннинг шахсий соқчилик бўлинмаси-кешик ҳам бўлган. Фавқулодда ҳолатларда мазкур бўлинманинг ҳаракати қўл келган.

Чиғатой улуси даврида Мовароуннахрни бошқариш ишлари маҳаллий ҳукмдорларга топширилган эди. Мовароуннахрнинг бошқарувчиси йирик савдогар ва судхўр Махмуд Ялавоч эди. У Хўжанддан туриб ўз қўли остидаги мўғул ҳарбий бўлинмалари ёрдамида давлатни бошқарган, солиқларни йиққан. Бухорода эса маҳаллий зодагонлар ва рухоний раҳбарлар мамлакатда бошқарувни ўз қўлларига олган эдилар. Булар маҳаллий амирлар ва садрлар ҳисобланган.

Маҳаллий бой-зодагонлар қатламига таянган ҳолда мўғул хонлари Ўрта Осиёдаги вилоят ва ҳудудларни идора қиладилар. Ишончли кишиларга махсус ҳужжат-пайзалар берганлар. Алоҳида ёрликдарга маҳаллий аҳоли амалдорлар, савдогарлар, рухонийлар, хон хонадони вакилларига ўша ерлардан ўтиб қолса, турар жой берганлар ҳамда уларни озиқ-овқат ва от-улов билан таъминлаганлар.

Чиғатой улусида иқтисодий муносабатлар. Чиғатой улуси хонлари ўз улусларига инжу тарзида эгалик қилганлар, яъни хону хонзодалар ўзларига берилган юртнинг даромадидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар, ҳолос. Ер солиғи мол (хирож) умумий ҳосилнинг ўн фоизини ташкил этган. Кўчманчилар тўлайдиган кўпчур юз бош молдан бир бош ҳисобида бўлган. Савдодан тарғу жаримаси олинган. Мунка ҳоқон номида пул зарб этилгач, 1270 йилдан солиқ ва жарималар пул билан олина бошлаган. Пул улуснинг кўплаб йирик шаҳарларида, масалан, Олмалик Бухоро, Ўтрор, Тароз, Қошғар, Тошкент, Ўш, Марғилон, Оқтепа, Узганд, Хўжандда зарб қилинган.

Масъудбек ташаббуси билан 1271 йилда пул ислоҳоти ўтказилди. Чиғатой улусининг барча шаҳар ва туманларида бир хил вазндаги кумуш тангалар зарб этиш ва муомалага киритиш бу ислоҳотнинг асосий моҳиятини ташкил этар эди. Бу ҳол ички савдо ва ижтимоий муносабатларни тартибга соларди: энди кумуш тангалар зарб этиш эркинлиги вужудга келди; хоҳлаган киши ўз ихтиёридаги кумуш буюмларини зарбхонага олиб келиб кумуш тангага айлантириши мумкин эди.

Аҳолининг кумуш тангаларга ишончи мустаҳкамланди, танга нуфузи ортиб борди. Натижада XIII асрнинг 80-90 йилларида улуснинг 16 та шаҳрида зарбхоналар очилиб, уларда доимий равишда кумуш тангалар зарб этилди.

Чиғатой улусида ер солиғи ундан бир хажмда белгиланган. Олий мансабдорлар солиқ тўламаганлар. Гап шундаки, йирик мулкдорлар, савдогарлар, ислом пешволари мўғуллар билан яқинлашиб, катта имтиёзларни қўлга киритган, ҳар хил ёрликлар олган эдилар. Солиқ турларидан яна бири кўпчур эди. У чорвадор хўжаликлардан олинган.

Чорвадорлардан яна шулси солиғи олганлар: ҳар сурувдан бир қўй ва кимиз учун ҳар минг бош отдан бир бия ундирилган.

Яна бир солиқ тарғу деб аталган ва хунарманд, савдогарлардан олинган. Тарғу ишлаб чиқарилган ва сотилган молнинг ўттиздан бир улуши

хажмида бўлган. Яна маҳаллий халқ туз солиғи, жон ёки кумуш солиғи тўлаган.

Маълумки, мўғул хонлари ноибларга барот (ижара ёрлиғи), пайза берганлар, ноиблар солиқ йиғиш пайтида расмий белгиланган хажмдан зиёдроқ ундириб олган.

4. XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаёти.

XIII аср иккинчи ярми ва XIV аср биринчи, ярмида ҳўжалик, иқтисодий ҳаётдаги силжишлар, савдо-сотиқнинг ривожланиши, қолаверса, Чигатой мўғулларининг тобора ўтроқ ҳаётга мослаша бориши, босқинчилик вақтида таназзулга юз тутган маданий ҳаётнинг нисбатан жонланишига олиб келди. Аввало шаҳарсозлик билан боғлиқ бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйила бошланди. Маҳаллий диний уламолар ва дунёвий задогонлар, гоҳида мўғул зодогонларининг баъзилари қурилиш ишларига хомийлик қила бошлашди. Меъморчиликда алоҳида ўрин тутган ганчкорлик, ғишт ўймакорлик, кошимпазлик, меъморий хаттотлик қайта тикланди. Мовароуннаҳр, Хоразмда маҳаллий бинокорлар иштирокида хонақо, мақбара, масжид, мадраса, сарой миноралар қад кўтара бошлади.

Бухородаги Сайфиддин бохарзий мақбараси биринчилардан барпо этилган меъморий бино сифатида кўриш мумкин. Шунингдек, шу даврларда барпо этилган Бухородаги Қусам ибн Аббос мақбараси зиёратхонаси, Хўжа Аҳмад мақбараси, Урганчдаги Нажмиддин Кубро Тўрабекхоним мақбараси, масжид ва иккита баланд миноралар, Хўжанддаги Дувахон мақбарасини тилга олиб ўтишимиз мумкин.

Кўрилаётган давр бинокорлиғи ва меъморчилиғида пишиқ ғишт, кошин, парчин ва меъморий ўймакор ҳамда ганч ва оҳак, писта кўмир, қумлардан тайёрланган маҳсул қоришмалар каби қурилиш маҳсулотларидан биноларни қуришда ва безашда кенг фойдаланилади. Монументал биноларнинг аксарияти эса бир ёки икки гумбазли, тоқу ровоқли ва пештоқли бўлган. Шунингдек, нақшларнинг турли-туман, гулдор бўлиши ўймакор амалий санъат қайта тикланганидан дарак беради. Қулочилик, мисгарлик, заргарликда ҳам нақш билан ишлов бериш ҳолати авж олади.

XIII-XIV асрнинг иккинчи ярмида форс-тожик адабиётида Жалолиддин Румий,(1207-1272), Муслихиддин Саъдий Шерозий,(1219-1293), Амир Хисрав Дехлавийларнинг(1253-1225), ўрин ва мавқеи кўтарилиб жаҳон оламига танилади. Асли Балх шаҳридан бўлган Румий 14 ёшида ўз оиласи билан кичик Осиёнинг Кўния султонлиғига бориб қолади. У Кўния, Халаб, Дамашқда таҳсил олиб, буюк тасарруф илми шоири ва файласуфи бўлиб танилади. 36 минг байтдан иборат “Маснавийи-маънавий” деган дostonни яратади. Саъдий эса ислом оламида ўзининг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари, ғазаллари ахлокий фикрлари билан кенг шуҳрат қозонади. Дехлавий эса “Ҳамса” дostonини Хиндистондаги ҳозиргача машҳур “Ҳисрхон ва Дувалра” ни, Муфтах Ал-футух “Нух сипехр” каби асарларини ёзади. Бу даврда тарихнавислик ҳам ривож топади. Абу Умар Мирхожиддин

Журжонийнинг 1260 йилда ёзилган “Табакади Носирӣ”, Оловуддин Отамалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгўшаи”, Файзуллоҳ Рашидиддин Ҳамадонийнинг “Жомей Ат-Таворих” шу каби тарихий асарлар сирасига киради. Туркий тилда ижод қилган яна бир шахс бу Носириддин Бурхоний Рабғузидир. Унинг бизгача “Қиссаи Рабғузӣ” асари етиб келган.

Бу пайтга келиб туркий адабиёт ривожини билан бир қаторда тасаввуф, дин илмлари ҳам ривожланди. Тасаввуф илмининг машҳур намоёниси Бурҳониддин Нақшбанд (1318-1389) аввало ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриш ғоясини ёқлади.

8-Мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт. (2соат)

- 1.XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият.**
- 2.Соҳибқирон Амир Темур ҳокимиятининг ўрнатилиши. Марказий давлат бошқарувининг такомиллашуви.**
- 3.Амир Темурнинг вафотидан кейин темурий шахзодалари ўртасида тожу-тахт учун курашлар.**
- 4.Мавароуннаҳрда Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги**
- 5. Темурийлар даврида илм-фан ва маданият равнақи.**

1. XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият.

Амир Темурнинг сиёсат майдонига чиқиши ва унинг марказлашган давлатни вужудга келтириш учун кураши тўғрисида сўзлашдан аввал, XIV асрнинг 40-60 йилларида Мовароуннаҳрда тарихий вазият қандай эди, деган саволга жавоб бериши, ана шу даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳволга қисқача тўхталиб ўтиши учун қуйидагиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир. Бу хусусда академик И.Мўминов: *"Бу даврда Мовароуннаҳрда чет эл қарамлигидан, мўғул хонлигидан ажралиб мустақил, кучли ҳокимият тузишдан манфаатдор бўлган аслзодалар орасидан айрим гуруҳлар етишиб чиқа бошлади"*, -деб ёзган эди. Чиғатой улуси ҳокими Кебекхоннинг 1318-1326 йиллардаги маъмурий ва пул ислоҳоти ўтказишдан ва бошқа ишлардан ҳам мақсади шундай бўлса керак.

Чингизийлардан чиққан хон Қозонхон ҳам худди шундай Кепекхонга ўхшаб бошқача сиёсат юргизишга ҳаракат қилди.

Булар масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи, энг муҳим томони шундаки, кенг халқ оммаси кўп машаққатлар билан узоқ вақт ичида ирригация тармоқларини ариқ, зовур, сув омборлари, тўғонларни тиклади, деҳқончилик, ҳунармандчиликни йўлга қўйди, айни вақтда ўзаро урушларга, майда феодал ҳокимларнинг ўзбошимчалигига, мўғул хон ва Олтин Ўрданинг турли ноиблари босқинчилигига қарши кураш олиб борди", - деб ёзган эдилар.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида халқ оммаси янада кўпроқ азоб чекди, хўрланди, таланди. Чиғатой хонлари билан маҳаллий аҳоли, зодагонлар

ўртасида зиддият тобора кескинлашиб борди. Ана шу курашлар натижасида XIV асрнинг 40 йилларида Чигатой улуси икки қисмга - Шарқий Туркистон ва Еттисувни ўз ичига олган Мўғулистон ва Мовароуннаҳрга бўлиниб кетди. Бўлинган давлатлар ўртасида ўзаро кураш авжига чиқиб, Мўғулистон хонлари Мовароуннаҳрга тез-тез ҳужум қилиб турдилар.

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳам тобора мураккаблашиб бораётган эди. Бундан ташқари Мовароуннаҳр бир неча феодал давлатларга бўлиниб, Кеш-Шаҳрисабз, Бухоро, Термез, Бадахшон, Хўжанд, Шош-Тошкент ва бошқа вилоятлар ҳокимлари ўртасида тинимсиз уруш-жанжаллар бўлиб турарди. Бу ҳолатларнинг барчаси мамлакатда битга каттиққўл ҳокимиятнинг бўлмаганлиги оқибати эди.

Мана шу вазиятда, яъни 1360 йили мўғул хони Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрга ўз қўшинлари билан осонликча бостириб кирди. Мовароуннаҳр тарқоқ ҳолдаги феодал давлатлардан иборат бўлганлиги учун ҳам Туғлуқ Темур қўшинларига қарши ҳамжихатлик билан кураш олиб борадиган куч йўқ эди. Унинг қўшинлари ҳатто, ҳеч қандай қаршиликсиз Қашқадарё томон ҳаракат қила бошлади. Қашқадарё ҳокими Хожи Барлос мўғул босқинчиларига қарши курашишни ташкил этиш ўрнига, ундан кўрқиб ўз қўшинларини олиб, Амударё томон чекинди. Халқ бошлиқсиз ва нажотсиз қолди. Мана шунинг ўзи ҳам маҳаллий халқ орасидан кучли шахслар чиқишини тақозо этар эди. Ана шундай бир вазиятда тарих саҳнасига бутун жаҳонга доғруғ солган, ўзининг салмоқли изини қолдирган, ҳар томонлама оллоҳ ато этган талантга, қобилиятга эга бўлган Амир Темур чикди. Академик И. Мўминов ўринли таъкидлаганидек, "Чигатой улусининг зулми, майда феодал бекларнинг вахшиёна эзиши, мўғул хонлари, Олтин Ўрда бекларининг Мовароуннаҳрдаги тўхтовсиз босқинчилик юришларидан азобланган, хонавайрон бўлган, 150 йил мобайнида чет эл ҳукмронлигидан тинкаси қуриган мамлакатнинг, халқнинг мустақилликка эришиш талаби эди. Бу тарихий зарурият Темурда, унинг лашкарбошчилигида равшан кўринади".

Ўқитувчи ўз имкониятларига қараб, талабаларга бу иловадаги маълумотларни ўқиб олишни ёки амалий машғулот муҳокамасига тавсия этиши ҳам мумкин. Амир Темур тарқоқ феодал давлатлар ўртасидаги уруш жанжаллардан ўз халқининг азоб чекаётганига, мўғул босқинчиларининг кўрсатаётган кулфатларига бефарқ қарай олмади. Шунинг учун ҳам муғул хони Туғлуқ Темур қўшинлари Қашқадарёни забт этиш учун йўлга тушганини кўриб, Ўз ватанини, халқини азоб укубатга ташлаб, ҳеч нажотсиз қолдириб кетаётган Хожи Барлос билан кетаётган Темур юз берган вазиятни ҳисобга олиб, ўз ватанини мўғул босқинчиларидан қутқариб қолиш лозимлигини англади. Қочиб кетаётган тоғаси Хожи Барлосга "Сизнинг Хуросонга қараб йўл олишингиз менинг эса вилоятни вайронликдан қутқариб қолиш учун Шаҳрисабзга қайтишим маъқулдир ва давлатни идора қилишни сақлаб қолмоқлик мақсадида мўғул хони хизматига кирганим маъқул, фойдалидир", - дейди. Шу ўринда Шарафиддин Али Яздий Темурнинг ҳарбий юришларга бағишланган, 1437 йилда ёзиб тугалланган "Зафарномасида Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини келтиради:

"Бошлиқсиз мамлакат жони суғуриб олинган танага ўхшайди. Жонсиз тана унинг ҳалоқати билан баровардир". Шундай қилиб, Амир Темур мўғул хони Тўғлиқ Темурга очикча чиқиш, кураш олиб бориш фойдасиз эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиб, унинг хизматига киради ва ўзининг тўғри маслаҳатлари билан унинг ишончини қозонади. Тўғлиқ Темур 25 ёшли Амир Темурга ишонч билдириб, Хожи Барлос ўрнига Шахрисабз ҳокими қилиб тайинлайди. У ўзи ҳукмрон бўлиб олган ҳокимликнинг мавқеини мустаҳкамлаш чоратадбирларини кўришга киришади. 1361 йилдан бошлаб Қозоғоннинг набираси, Балх ва унинг атрофи ерлари ҳукмдори Амир Ҳусайн билан яхши муносабат ўрнатади. Бу муносабатни янада мустаҳкамлаш мақсадида Темур 1362 йили унинг синглиси Улжос Турконга уйланади.

Туғлуқ Темур вафот этгандан сўнг, унинг ўғли Илёсхўжа 1365 йилда катта қўшин тўплаб, Мовароуннаҳрга юриш бошлайди. Буни пайқаган Ҳусайн ва Темур ўзларига қарши жуда шиддат билан келаётган Илёсхўжага қарши қўшин тўплайди. Чиноз билан Тошкент ўртасида тўқнашиб катта жанг қилишади. Бу шиддатли жанг кетаётган даврда кучли жала ёққанлиги учун ҳам бу жанг тарихга "Шилта жанги" ёки "Жанги лой" номи билан кирди. Урушда Илёсхўжа қўшинларининг кўли баланд келиб, айниқса Амир Ҳусайн жуда катта зарар кўради. У Темур билан ўз қўшинлариининг қолганини олиб чекинишга мажбур бўлади. Аввал улар Самарқандга, сўнг Амударё соҳилларига чекинадилар. Илёсхўжа эса Самарқанд томон юришини давом эттиради.

Самарқанд шаҳри аҳолиси Илёсхўжанинг босқинчилик ҳаракатини бартараф этишга киришади. Уларга шаҳардаги бир гуруҳ сарбадорлар раҳнамолик қилишиб, шаҳар аҳолисини мўғул босқинчиларига қарши курашга чақирадилар. Халқ оммасининг муғул талончиларига, маҳаллий ер эгаларининг ҳаддан ортиқ жабру-зулмларига қарши кучли норозилиги бу ерда "сарбадорлар" деб ном олган қудратли озодлик ҳаракатининг бошланишига олиб келди. Асли бу ҳаракат 1330 йилда Хуросонда бошланиб, улар мўғулларга бўйсиниб яшагандан кўра дорда осилиб ўлишни афзал кўрган эдилар. Самарқанддаги "сарбадорлар" нинг раҳбарлари мадрасада таҳсил кўрувчи Мавлонозода, собиқ пахта саваловчи Абу Бакр Қалавийлар эдилар. Мавлонозода Жомеъ масжидида тўпланган ўн мингга яқин аҳолига мурожаат қилиб, шаҳарни мўғуллардан ҳимоя қилишга даъват этди. Уларни мадрасалар талабалари, ёшлар, ҳунармандлар, шаҳардан ташқаридаги деҳқонлар ва ўрта ер эгалари қўллаб-қувватладилар. Улар Самарқанд мудофаасини муваффақиятли ташкил қилиб, - мўғулларнинг босқинчилик ҳаракатини бартараф этишга муваффақ бўлдилар. Илёсхўжа икки минг жангчиларидан ажралиб, аввал Самарқандни, сўнг Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Мўғул босқинчилари устидан эришилган ғалаба агар халққа жасур, қобилиятли, ишончли, ўз сўзи устидан чиқиш учун астойдил ҳаракат қиладиган раҳбар бўлса, жуда кўп ишлар қилиш мумкинлигини кўрсатди.

Қишни Темур Кешда - Шахрисабзда, Ҳусайн эса Амударё соҳилларида ўтказётганларида сарбадорларнинг мўғул талончилари устидан эришилган

ғалабаларини эшитиб, Самарқандга қайтадилар. Бундан кейинги воқеалар жараёнида икки амир ўртасидаги ихтилофлар тобора кўчайиб борди.

60-йилларнинг охирида Хусайн ўзига қарашли Балх шаҳрини мустаҳкамлаб, истехкомлар қуришга киришди. Шаҳар деворини тиклаб, қурол-яроғни кўпайтира бошлади. Темур бу ҳаракатнинг ўзига қарши қаратилганини яхши англаётган эди. У Хусайнни йўлдан қайтаришга қанча ҳаракат қилсада, фойдаси бўлмади. Шу сабабли Темур олдинроқ ҳаракат қилиб, унинг хатти-ҳаракатларини тўхтатишга мажбур бўлди.

Бироқ Хусайн ўз маккорлигини давом эттиргач, Амир Темур 1370 йилда уни Хатлон ҳокими Кайхусров қўли билан бартараф этди.

У Чингизхон авлодидан бўлган Амир Хусайннинг бева хотини Сарой-мулкхоним (Бибихоним)га уйланиб, «Кўрагон» (хон куёви) номини олди. Бундан ташқари Амир Темурга Соҳибқирон деган улуғ ном ҳам кўшиб ишлатилади. Мана шу пайтдан бошлаб Амир Темурнинг Мовароуннахрнинг яқка ҳукмдори сифатидаги фаолияти бошланди. Шунингдек, кўшин саркардаларининг қурултойи ҳам Амир Темурни Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори деб эълон қилади. Асосий вазифа Мовароуннахрни бирлаштиришдан иборат, деб тушунган Темур яқин кишиларидан бири амир Довудни девонбеги қилиб тайинлади. Яна уч вазирни тайин қилиб, уларга асосан ҳал қилувчи муҳим ишлар топширилди. Мамлакатдаги қабила ва гуруҳларнинг манфаатлари тўлалигича инobatга олинди. Бу хусусда Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: "Улар (тайинланган вазирлар) мамлакатнинг кўзга кўринган аъёнлари ҳисобланиб, бошқа ҳар бир кимса улар фикрларига иқтидо этарди. Арабларда қанча бўлса, туркларда ҳам қарийиб шунча қабила ва гуруҳлар бордир. Ўша вақтлардан ҳар қайсиси бир қабилага мансуб бўлиб ўз фикр чироғи билан у қабила уйларини ёритувчи пилик мисоли эди. Улардан бирининг қабиласи орлот, иккинчиси жалойир, учунчисиники қовунчи, тўртинчисиники барлос деб аталарди. Темур тўртинчи қабила ўғлони эди".

Бундан шу нарса яққол кўриниб турибдики, А.Темур ўз ҳукмронлигининг дастлабки кунлариданоқ, ҳар бир қабила манфаатини четда қолдирмади. Бу удумларга у бошқа мансабларни тайинлашда ҳам амал қилди.

Мовароуннахрнинг машҳур шаҳарларидан ва мўътабар жойларидан бири ҳисобланган Самарқанд пойтахт қилиб танланди. Пойтахтни мустаҳкам деворлар билан ўраб, шаҳристон ва саройлар қурдира бошлади.

Амир Темур учун Амударё ва Сирдарё оралиғи ерларини, Фарғона ва Шош–Тошкент вилоятларини ўзига қаратиш ва бирлаштириш унча қийинчиликларни талаб қилмади. Бу ерларда Темурга қарши турадиган ҳокимият кучларининг деярли ўзи йўқ эди. Амир Темур Хоразм ерларини ўз мамлакатининг ажралмас қисми деб ҳисоблар эди. Қадимий Хоразмни бирлаштириш кўпгина сабабларга биноан мураккаброқ бўлди. Бунинг боиси Хоразм иккига бўлинган бўлиб, Шимолий Хоразм Олтин Ўрда таркибига кирар, Жанубий Хоразм эса Чиғатой улуси қарамоғида эди, 1359 йилда Бердибекхоннинг вафотидан сўнг Олтин Ўрдада бошланган ғалаёнлардан

фойдаланиб, Хоразм мустақил бўлиб олди ва уни Қўнғирот қабиласидан сўфилар сулоласи бошқара бошлади. Хусайн Сўфи Хоразмнинг ҳар икки томонини бирлаштиришга ҳаракат қилиб, қот қалъаси ва Хивани куч билан қўлга киритди. Амир Темур Хусайн Сўфидан Жанубий Хоразм вилояти ва унинг шаҳарларини қайтаришни талаб қилди. Бунга рад жавобини олгандан сўнг 1372 йил ҳарбий юриш қилиб, ҳудудни қайтариб олди. Шу йили Хусайн Сўфи қотни яна босиб олди. 1373-1374 йиллари Темур Хоразмга яна юриш қилди. Ана шу икки юриш натижасида Жанубий Хоразм Темур давлатининг таркибига кирди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг Хоразмга даъвоси туфайли Темур яна Хоразмга уч бор юриш қилди ва 1388 йилда Хоразмни тўлиқ эгаллади.

2. Мовароуннаҳрда Амир Темур ҳокимиятнинг ўрнатилиши. Марказий давлат бошқарувининг такомиллашуви.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш ва уни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятига Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда давлатлари катта хавф туғдириб турган эди. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо қарвон йўллари ҳам уларнинг тасарруфида эди.

XIV аср 70-йиллари Ўрталаридаги Оқ Ўрдадаги воқеалар, Оқ Ўрда хони Ўрусхон ва унинг ўғли Темурмалик, Тўхтамиш билан бўлган жанглари, Олтин Ўрданинг тор-мор этилиши Амир Темур давлатининг марказлашган ҳолда мустаҳкамланишига имкон яратди.

Буюк Амир Темур моҳир саркарда сифатида қаттиқ интизомга бўйсунган кўшин тузди. Улар ўнлик, юзлик, минглик, туманлик асосида бошқарилди. Ҳарбий юришлар вақтида «оддий аскарлардан ҳар 18 киши ўзи билан бирга бир чодир, ҳар бири икки от, бир камон, бир садоқ ўк, бир қилич, арра, бигиз, бир қоп, болта, ўнта игна ва бир чарм халта олишлари шарт»¹ қилиб қўйилган.

Соҳибқирон учун ҳар бир аскар жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз ҳисобланган. У ўз кўшинига катта эътибор бериб, улар низомни қатъий бажариши, жангда аёвсиз ва довурак бўлиши, душманга юмшоқ муомалали ва адолатли бўлиши лозим деб ҳисоблаган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур аскарлари ичида тақводор, саховатли, ҳудожуй кишилар кўп бўлган. Улар бечораларга хайру-эҳсон кўрсатиш, бошига оғир ташвиш тушганда ёрдам қўлини чўзиш, асирларга юмшоқ муомалада бўлиш ва уларни озод этишга одатланганлар.

Амир Темур армиясида Амир Хўжа Сайфиддин, Амир Сулаймон Хаш, Амир Оқбуға, Амир Сорибуға, Амир Бирандик, Шайх Али Баҳодир, Темур Тош, Баратхўжа, Амир Довуд Барлос, Амир Муайяд, Арлот каби қўмондонлар хизмат қилганлар. Айрим юришларда Амир Темурнинг ўғиллари ва набиралари ҳам кўшинга қўмондонлик қилганлар.

1380-1382 йилларда Амир Темур Хуросон ерларини бўйсундириб, Ҳирот, Астробод, Домғон, Семнон ва Мозандаронларни қўлга киритган эди.

¹ Темур тузуклари. 83-бет

Амир Темур биринчи йирик юришларини Эрон, Арманистон, Гуржистон ва Ироққа қаратди. Эроннинг жануби-Исфахонда ҳукмронлик қилиб турган музаффарийлар сулоласи, Ироқ ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилиб турган Элхонийлар Амир Темурга таслим бўлдилар. Арманистон ва Гуржистон ҳам эгалланди.

1398 йили майида Афғонистон ва Ҳиндистонга юриш бошланди. Август ойида Қобул, 15 декабрда эса Дехли эгалланди.

Амир Темур Миср ва Сурия султони Барсуқнинг вафоти тўғрисидаги хабарни эшитгач, 1399 йил октябрида Миср сари йўл олди. Барсуқ ўрнида тахтга ўтирган ёш султон Фараж Соҳибқирон қўшинларига бас келолмади. 1400 йилда Сурия ва Миср ҳам эгалланди.

Бу пайтда Туркия султони Боязид бутун Европага хавф солаётган эди. Унинг қўшини чакмоқдек ҳаракат қилиб, ўлкан ғалабаларни қўлга кирита бошлаган эди. Шу боис ҳам Боязидга «йилдирим» (чакмоқ) лақаби берилган эди. У 1396 йилда Европанинг 100 минг кишилик армияси устидан ғалабага эришади. Жангда Европа рицарларининг энг саралари ҳалок бўлади. Шу туфайли ҳам Европа давлатлари туркларга бас келадиган қудратли куч деб, фақат Амир Темурни танлаган эдилар. Шу боис бу давлатлар Амир Темур давлати билан ҳарбий, сиёсий ва савдо муносабатларини ўрнатишга интилиб, мунтазам равишда ўз элчиларини юбориб турдилар. 1401 йилда Қорабоғда турган Амир Темур ҳузурига Кастилия қироли Генрих III нинг элчилари Пайо де Сатамайор ва Дон Эрнон Санчеслар ташриф буюрдилар. Константинопол регенти Ионнинг элчилари Фрэнсис ва Александрлар Боязидга қарши биргаликда курашиш таклифи билан келадилар. Греция императори Мануэл III ҳам шу таклиф билан мурожаат қилади. Венеция ҳукмдори эса Амир Темурга бу ишда флот билан ёрдам беришга ваъда қилади.

Амир Темур бу қистовлар ва ваъдаларга эътибор бермаган ҳолда Боязидга дўстона мактуб йўллаб, ўзининг рақиби Қора Юсуфни қайтариб юборишни сўрайди. Аммо Боязиддан ҳақоратомуз жавоб олади. Айнан мана шу ҳақорат икки ўртада уруш бўлишига сабаб бўлади. 1402 йилнинг июлида Анқара яқинидаги жангда Амир Темур 2000 минг кишилик қўшин билан Боязид ва унинг қўшинлари устидан ғалаба қозонади. Боязид эса асирга олинади. Амир Темурнинг беғараз жаҳонгир эканлигини яна шу жойда кўриш мумкин-ки, у тўлиқ ғалабага эришган бўлса ҳам, Туркияни ўз давлатига қўшиб олмасдан, Боязид ўрнига унинг ўғлини султон қилиб қўяди.

Амир Темур Анқара ёнидаги ғалаба туфайли «Европа холоскори» номини олди. У Европани вайронлик ва зулмдан сақлаб қолди.

Бу ғалаба Амир Темур қўшинларининг жуда катта ва буюк ғалабаларидан бири бўлиб, у Темур ҳарбий назарияси, тактикаларининг беқиёс тантанаси бўлди. Самарқанд ва Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик ва савдо алоқаларининг ўрнатилиши ва кенгайиши ҳам ана шу даврдан бошланди.

Амир Темур ўша даврда муҳим мавкега эга бўлган Хитой Туркистон ерларини босиб олган эди, Амир Темур шу ерларни қайтариб олиш мақсадида

Хитойга юришга пухта тайёргарлик кўра бошлади. Бир неча йилги пухта тайёргарликдан сўнг 1404 йилда ўз мақсадини амалга ошириш учун 200 минг жангавор қўшин билан Хитой томон юриш бошлади.

Ана шу тариқа Амир Темур ўзининг уч йиллик (1386-1388), беш йиллик (1392-1398), етти йиллик (1399-1405) юришлари давомида Озарбайжонда жалойирлар, Сабзаворда сарбадорлар давлатини, Ҳиротда курдлар давлатини тугатиб, Эрон ва Хуросонни, Ҳиндистон, Сурия ва Миср ерларини эгаллайди.

Аммо у 1405 йилнинг 15 феввалида жангавор юриш чоғида Ўтрор шаҳрида касалланиб вафот этди. Шу тариқа Соҳибқироннинг буюк Хитойни қўлга киритиш режаси амалга ошмай қолди.

Жаҳонгир Амир Темур ўз фаолияти давомида кўп жанглар қилди ва бу жанглар натижасида Қора, Эгай ва Ўрта Ер денгизларидан то Ҳиндистоннинг шарқи, Мўғулистон, Хитойгача, Урол тоғлари, Москва остоналари ва Днепр бўйларигача бўлган ҳудудни забт этди.

Амир Темур Ўз ҳарбий юришлари натижасида 27 мамлакатни ўзига бўйсундирди. Фосих Ҳавофийнинг «Мужмал-и-осихий» китобида ёзилганидек: «1370 йилдан то 1404 йилга қадар қарийиб 30 марта қўшин тортган Амир Темурнинг ҳамма вақт қўли баланд келди».¹

Шу тариқа Амир Темур буюк салтанатга асос солиб, феодал тарқоқликларга, тинимсиз давом этаётган уруш, жанжалларга барҳам берди ва ниҳоят шу салтанатда осойишталик ўрнатди.

Амир Темурнинг мустақил марказлашган давлат ҳарбий докторинасининг ишлаб чиққанлиги унинг буюк саркардалигидан далолатдир. Буюк саркарданинг ҳарбий санъати сирларини, унинг ҳарбий сабоқларини мустақил Ўзбекистонимизда ва ҳатто бошқа йирик мамлакатларда ўрганилиши фикримизнинг исботидир.

Темурийлар даврида Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт.

Амир Темур мамлакатда қатикқўл ҳокимият ўрнатиш зарурлигини яхши тушунарди. Негаки, кўчманчи муғул-турк қабилаларидан жалоир, барлос, сулдуз ва бошқаларнинг ўзбошимча бошлиқларини итоатда сақлаб туриш осон эмас эди. Шу мақсадда мамлакатда қонун ва тартиб ишларини жорий этишга киришади. У ўзига мустаҳкам таянч барпо этиш мақсадида барлос қабиласидан махсус ҳарбий қисм ташкил этиб, уларга катта имтиёзлар беради.

Амир Темур ўз давлати ҳокимиятини мустаҳкамлашда ислом динига таянди. Ислон намояндалари уни қўллаб-қувватлади. Мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган деҳқонлар ва шаҳар аҳолиси – тижоратчилар, хунармандлар соҳибқироннинг давлатни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларини маъқулладилар.

А.Темур ўз давлати асосларини адолат билан мустаҳкамлади ва «Куч адолатдадир» (Рости-русти) шиорига амал қилди. Мамлакат аҳолисини 12 табақага бўлиб, уларнинг ҳар бирига нисбатан ўзига хос сиёсат юргизиб, Ўзининг ўлкан ташкилотчилиги қобилиятини намоён этди. Амир Темур

¹ Салоҳиддин Тошкандий. «Темурнома», Тошкент, «Чўлпон», 1990, 17-бет

давлат худудининг туманларга бўлиниши ва ўз ўғилларига улус сифатида тақсимлаб берилишини амалга оширган бўлса ҳам, Мовароуннахрни парчаламай ўз қўлида маҳкам сақлади. Давлатга махсус хизмат қилганларга «Суюрғол»лар сифатида ер-сув ва мол-мулк берди, ҳамда алоҳида хизматлар учун «Тархон» ёрлиқларини жорий этди. Тархон ёрлиғини олганлар турли солиқлардан озод этилди. Амир Темур ўзи тузган давлатда олий ҳукмрон бўлса ҳам, ўзини ҳеч қачон подшоҳ ёки султон деб атамай, умрбод амир унвонини сақлаб қолди. У анъанага риоя қилган ҳолда ёнида сохта хонларни сақлади.

Амир Темур давлат ишларини юргизишда 4 нарсага доим амал қилди. Булар: 1. Кенгаш. 2. Машварату маслахат. 3. Қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик. 4. Эҳтиёткорлик.

Амир Темур ҳукмдор учун қуйидаги ўн икки хислат зарурлигини ва бу хислатларнинг бирортасига амал қилинмаса салтанат ишларига путур етиши мумкинлигини тарихий мисоллар билан исбот қилиб берган эди. А.Темур ҳукмдор биринчидан ўз сўзига эга бўлиши, иккинчидан адолатпеша бўлиши, учинчидан ҳар ишда фақат ўзи ҳукм чиқариши, тўртинчидан қарорида қатъий бўлиши, бешинчидан ҳукми жорий этилиши, олтинчидан подшолик ишларини ҳар кимга топшириб қўймаслиги, еттинчидан кўпчиликнинг фикрини эшитиши, саккизинчидан шошмасдан мулоҳаза билан иш юритиши, тўққизинчидан сипоҳу, раиятни умид ва қўрқув орасида сақлаши, ўнинчидан барча ишни ўз эркича қилиши, ўн биринчидан ўз ишларига бировни шерик қилмаслиги ва ўн иккинчидан давлат ишларини махфий сақлаб, бошқалардан огоҳ ва ҳушёр бўлишлиги лозимлигини алоҳида уқтирган эди.

А.Темур давлат амалдорларнинг софлигига, хазинага кўз олайтирмаслигига алоҳида эътибор қилиб, ўз тузукларида: «Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб, бойликнинг бир қисмини ўзлаштириб олган бўлсалар текшириб кўрилсин», -деб ёзиб қолдирган эди.

Амир Темур давлатни бошқаришда 7 вазирга суяниб иш кўрди ва улардан 4 вазирнинг ҳар куни девонхонада ҳозир бўлишларини талаб этди. Булар: 1. Мамлакат ва раият вазири. 2. Сипоҳ вазири. 3. Эгасиз қолган мулк вазири. 4. Салтанат ишларини юритувчи вазир. Бундан ташқари яна 3 вазирдан иборат сарҳадлар вазирлари ҳайъатини тузди.

Вазирлардан биринчиси ер солиқлари, бож, ўлпон – солиқ ундириш, ҳамда миршаблик юмушларини бошқарган, мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни ечиш, раият аҳволини ўрганиш, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ, ўлпонларни тақсимлаш ишларини бажарган. Иккинчи вазир сипоҳ вазири ҳисобланиб, сипоҳийларнинг маошлари ва танҳо (бу ерда тожу-тахт учун қилган хизматлари эвазига берилган инъом маъносида)ларни бошқарган. Учинчи вазир эса эгасиз қолган, ўлиб кеган ва қочганларга тегишли молларни, келиб кетаётган савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорвасини бошқариш, буларнинг барчасидан тўпланган даромадларни омонат тарзида сақлаш ишлари билан шуғулланган.

Салтанатнинг ҳар бир идорасида крим-чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинланган.

Соҳибқирон давлатида Девони бузург (бош вазир)дан ташқари ҳар бир вилоятда «Девон» деб аталувчи бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар, - бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қилиб турган. У халқнинг хулқу-ахлоқини кузатиб турган. Унинг ходимлари вақти-вақти билан сўроқ, текшириш-тафтиш, тергов ишларини ҳам олиб боришган.

Темур халқнинг шикоятлари ва арзларини ўрганувчи махсус арзбеги лавозимини жорий этган. Арзбеги шикоят ва аризаларни кўриб чиқар, уларда кимлар айбдорлигини аниқлар ва бу хусусида кенгашга хабар қилар эди. Айбдорлар ким бўлишидан қатъий назар қаттиқ жазоланган. Солиқлар, молиявий масалаларда қатъий тартиб – қоида ўрнатилган. Рус шарқшунос олими Д.Н.Логофет бу хусусда «...биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарсани унинг (Темурнинг) ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди», деб ёзган эди.

Амир Темур вазирларини танлаш ишига ғоят жиддий қарар ва уларни 4та сифатга эга бўлишларига аҳамият берар эди. Булар: 1. ақл-фаросатлилиқ; 2.тоза наслиқ; 3.сипоҳу-райят аҳволидан хабардорлиқ; 4. сабр чидамлилиқ ва тинчликсеварлиқ.

Амир Темур ўз империясига қўшиб олган мамлакатларни идора этиш учун тайинланадиган кишиларга қўйиладиган талаблар тизимини ҳам ишлаб чиқди. Бундай раҳбарлар А. Темур талабига кўра қуйидаги фазилатларга эга бўлиши лозим бўлган: 1) Олий жаноб табиатли ва руҳий ҳолатининг кўтаринкилиги; 2) Нозик ақл ва зийраклиқ; 3) Юксак малака ҳамда халқ ва қўшинга мурожаат қила билиш; 4) Сабр-тоқат ва одамлар билан муроасага келишмоқ.

Мана шу юқоридаги қоида ва талаблар Амир Темур ҳокимиятини идора этишда ва уни мустаҳкамлашда муҳим ўринни эгаллади. Соҳибқирон тузган империянинг маъмурий-худудий бўлиниши асосан туманлардан иборат бўлганлиги учун янги амирлик тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш зарур эди. Шу боис Амир Темур 313 кишига амирлик мансабини беришга фармон бериб, шулардан бир кишини амир-ул-умаро, 4 кишини бекларбеги, 100 кишини Ўнбоши, 100 кишини юзбоши ва 100 кишини мингбоши этиб тайинлади. Булардан ташқари 8 та амирлар амир-ул-умаро ёрдамчилари этиб тайинланганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур миллий ғурур, ватанпарварлиқ, инсонпарварлиқ каби олийжаноб фазилатлар билан қуролланган буюк давлат арбоби эди. Мажар олими Херман Вамбери таъкидлаганидек, Ўрта Осиёда асл турклик даври Темурдан бошланган. У туркларнинг муғул-хитой дунёсининг устидан ғалабасини мужассам этиб, миллий давлатга асос солган, мамлакатнинг расмий тили турк (ўзбек) тили бўлган.

Буюк Амир Темурнинг сиёсий фаолияти нафақат давлатчилиқ тарихини бойитишда, шу билан бирга ҳозирги шароитда миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлашда ҳам амалий аҳамият касб этмоқда.

Буюк Амир Темур томонидан ёзилган муҳим асар бу «Темур тузуклари», яъни «Тузукоти Темурий»дир. «Қомус ул аълом» деб номланган ва Истамбулда нашр этилган қомус китобида: «Амир Темур «Тузукоти» деб юритиладиган қомуслар мажмуасини ёзди. Унда ўзининг ҳаёт йўлини баён этган.

3. Амир Темурнинг вафотидан кейин темурий шахзодалари ўртасида тожу-тахт учун курашлар.

Амур Темур қудратли салтанат барпо этиб, унинг ҳудудларини кенгайтириб, иқтисодий, маданий, маънавий жиҳатлардан юксалтириб доврўғини оламга машҳур қилган бўлсада, бироқ унинг вафотидан кейин мамлакат таназзулга учраб турди. Бунинг асосий сабаби аввало шундаки, Амир Темур тасарруфига кирган эллар ва юртлар шу қадар хилма-хил, узоқ масофаларга чўзилган бўлиб, уларни ягона бир марказдан туриб узоқ вақт бошқариш мураккаб эди. Бунинг устига улардаги турли туман мухолифатчи кучлар эртами кечми ўз ҳудудларининг мустақиллиги учун курашишлари аниқ эди. Соҳибқирон салтанатини заифлаштириш ва парчаланишга олиб келган муҳим омиллардан яна бири кўп сонли темурий шахзодалар ўртасида тож тахт учун бошланиб кетган ва бир неча йилларга чўзилган ўзаро бесамар уруш ва низолардир. Чунки, Амир Темур вафотидан кейин салтанат ворислари унинг доно васиятларига, ўғитларига амал қилмади. Марказий ҳокимиятни эгаллаш мақсадида жангу жадалларга киришди.

Амур Темур Хитой юришига отланган бир пайтда 1405 йил 18 февралда касалланиб вафот этган бир пайтда унинг 4 ўғлидан 2 таси Мироншоҳ ва Шохрухмирзо, 19 та неvara, 15 чевара, шунингдек қизлари Оғабегим, Султон бахт бегим ва Оғабегимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзолар қолган эди.

Амир Темур васиятига кўра унинг ўрнини Қобул, Қандаҳор ва Шимолий Ҳинд ерларини бошқариб турган набираси Пирмуҳаммад эгаллаши керак эди. Бироқ шахзода Халил Султоннинг ўзбошимчалик билан Самарқандни эгаллаб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилиши, табиийки, бошқа шахзодаларнинг ҳам кўзғалишига, салтанатнинг дарз кетишига олиб келди. Бу орада салтанатнинг ғарбий ҳудудлари мустақил бўлиб ажралиб кетди. Озарбайжон томонда туркманларнинг Оққуюнли ва Қорақуюнли сулолаларининг Темур салтанатига бўйсунмаслик ва унга нисбатан қаршилик ҳаракати кучайди. Амир Ҳудайдод ва Шайх Нуриддинлар эса Мовароуннахрнинг турли ҳудудларида бош кўтардилар. Фақат, қатъиятли, шижоатли Шохрух миrзо бу қонли низолар, урушларга барҳам бериб, Хуросон ва Мовароуннахрда ҳокимиятни қўлга олади ва Мовароуннахрдаги вазиятни 1409 йил ўз фойдасига ҳал этиб, уни катта ўғли Улуғбекка топширади. Ўзи эса 1407-1447 йиллар Хуросон ҳукмдори бўлиб қолади.

4.Мавороуннахрда Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги.

Мирзо Улуғбекнинг асл исми Муҳаммад Тарағай бўлиб, у 1394 йилда Султонияда таваллуд топган. Бобоси Амур Темур унга катта меҳр билан қараб ёшлигидан ўз тарбиясига олган. Улкан туғма истеъдод, ақл заковат

соҳиби бўлган Улуғбек давлат бошқарувини пухта эгаллашдан ташқари диний ва дунёвий билимларни ҳам етук даражада ўзлаштирган. У Мовароуннаҳр тахтини эгаллаганда энди 15 ёшга тўлган эди. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги (1409-1449) темурийлар даврининг анъанавий ривож ва муҳим ижтимоий ўзгаришлар йўлидан илгарилаб боришида алоҳида алоҳида даврни ташкил этади. Ўша давр тарихчиларининг яқдил фикрича Улуғбек бобоси давридаги бошқарув тизимини, барча тартиб қоидаларни тўла сақлашга ҳаракат қилган. Солиқ ва молия сиёсатида ҳам бунга амал қилган. Тўғри, Улуғбек Амур Темур сингари жангу жадалларга қизиқмади. Бу соҳага унинг ортиқча рағбати ҳам бўлмаган. Фақат зарурият тақоза қилгандагина у ҳарбий юришларга отланган. Масалан, 1414 йилда Фарғона ҳукмдори шахзода Аҳмад итоатдан бош тортган пайтда у катта қўшин тортган ва бу юриши билан нафақат Аҳмадни итоатга келтирган, айтиб чоғда Туркистон ерларини ҳам ўз давлати таркибига қўшиб олишга муваффақ бўлган. 1425 йилга келиб Улуғбек мирзо Иссиқкўл тарафга юриш қилиб, у ердаги исён кўтарган маҳаллий муҳолифатчи кучларни бартараф этиб, мамлакатнинг шарқий чегараларини анча мустаҳкамлашга эришди. Бироқ ҳукмдорнинг 1427 йилда Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Сиғноқ ва унинг атрофида ҳудудий даволар билан бош кўтарган Дашти Қипчоқ аслзодаларидан саналган Бароқхонга қарши юриши унинг учун кутилмаганда муваффақиятсиз якун топди. Бу мағлубият Улуғбекни ҳокимиятдан маҳрум бўлишига ҳам олиб келаёзди. Отаси Шохрухнинг катта қўшин билан етиб келиши уни ўз ҳукмронлигининг қайта тиклашига имкон берди. Шундан сўнг Мирзо Улуғбек уруш ҳаракатларидан кўра кўпроқ мамлакат ишлари, унинг ички сиёсати масалалари билан шуғулланишга эътибор қаратди. Шу боисдан ҳам эндиликда унинг фаолиятида мамлакат ободончилиги, юрт тинчилиги, фаровонлиги, илм-фан равнақи оид масалалар асосий ўрин эгаллайди. Мамлакатда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, ва зироатчилик аввалгидек ривожланишда давом этди. Кўплаб сунъий суғориш иншоотлари барпо этилди. Буюк ипак йўли орқали халқаро карвон савдосида фаол иштирок этади. Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Шош ва бошқа шаҳарларда кўплаб хашаматли мадрасалар, масжиди мақбаралар, карвонсаройлар қад ростлайди. Унинг бевосита раҳбарлигида қурилган тенги йўқ меъморий иншоот расадхона ўша давр илму-фани ва техникасининг энг сўнги ютуқларини ўзида мужассам этган эди.

Улуғбекнинг 1428 йилда ўтказган пул ислоҳоти ҳам мамлакатда савдо-сотиқ ва пул муомаласини, молия сиёсатини йўлга қўйишда муҳим воқеа бўлган. Улуғбек муомалага чиқарган янги вазндаги танга пуллар ўз қадри, қиммати билан иқтисодий ҳаётни жонлантириш, савдо-сотиқни ривожлантириш алоҳида рол ўйнайди. Унинг даврида ҳам юқори табақа вакиллари, ҳарбий саркардалар, олий руҳонийларга аввалгидек алоҳида имтиёзлар бериш тартиби ҳукм сурди. Бундан ташқари давлатнинг катта маънавий таянчи ҳисобланган диний муассасалар ихтиёрида ҳам улкан миқёсдаги вақф ерлари тўпланган эди.

Улуғбек давлат сиёсатида қанчалик оқил ва изчил сиёсат юритмасин, илм фан аҳлига, дин пешволарига ҳомийлик қилиш, савдо, тижорат ва ҳунарманд аҳлига рағбат қилмасин, унга қарши муҳолифат кучлар ҳам анчагина бор эди. Улуғбек катта ер эгаларининг оддий фуқароларга нисбатан суиистеъмолчиликларини чеклаш тадбирларини кўрганда, улар Улуғбекга қарши чиқдилар. Руҳонийлар орасидаги жаҳолатпарастлар Улуғбекни ислом динига зарар келтирувчи “бетавфиқ ҳукмдор” деб ташвиқот қилдилар. Шу тариқа жаҳолатпарастлар илмга, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун кўрувчилар тараққиётга қарши чиқдилар. Улуғбек мамлакатдаги турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги ички зиддиятларни, муттаасиб, реакцион кучлар муҳолифатини охиригача баратараф эта олмади. Бу эса 15 асрнинг 40 йиллари охирларига келиб Мовароуннаҳр давлатини беқарорлик ва чуқур ижтимоий ларзаларга дучор этди. 1447 йилда Шохрух мирзо вафоти муносабати билан Улуғбекнинг ота тахтига даъвогарлик қилиб Хуросонга юриши, жияни Алоуддавла ва бошқа меросхўрлар билан ҳокимият талашиши, унинг йўқлигида Абулхайрхон бошлиқ Дашти қипчоқликларнинг Мовароуннаҳр ерларига ҳужум қилиши, қора кучлар иғвоси туфайли ўз ўғли Абдулатиф билан бошланган низонинг каттажангга айланиб кетиши, унда Улуғбекнинг мағлуб бўлиши унинг фожеали ўлими билан якун топди ва темурийлар сулоласи инқирозини янада чуқурлашишига олиб келди. Улуғбек академияси тарқалиб кетди. Кутубхонадаги кўплаб китоблар ёндирилди, олимлар бошқа юртларга кетишга мажбур бўлди. Улуғбекнинг ўлиmidан кейин ўғли Абдулатифнинг ўлдирилиши, ундан кейин Самарқанд ҳокимияти тепасига Абу Саид Мирзо келди.

5. Темурийлар даврда илм-фан ва маданият равнақи.

Амир Темур фаолиятини ўрганишда асосий манбалардан бўлган, “Зафар йўли” деб аталган китобда улуғ бобомиз ўз таржимаи холи хусусида бундай дейди: “Бир куни отам Амир Тарағай менга деди: Билгилки сен, Темур-Тарағайнинг ўғли; Тарағай-Амир Баргулнинг ўғли; Баргул-Амир Илингизнинг ўғли; Илингиз-Баҳодирнинг ўғли; Баҳодир-Анқал Нўённинг ўғли, Анқал Нўён-Суюнчининг ўғли, Суюнчи-Эрдамчи барлоснинг ўғли, Эрдамчи Баҳодир-Қочули Баҳодирнинг ўғли; Қочули Баҳодир-Туманакхоннинг ўғли, Туманакхон-Ёфас ўғлоннинг авлоди, Ёфас эса Нух пайғамбарнинг ўғли” –Амир темур аجدодлари Туманакхонга бориб тутатишини ва барлослар аслан туркийлар бўлиб, Абулғозийнинг “Шажараи турк” асарида шундай жумлалар битилган: “Туманакхон яхши улуғ подшоҳ эди. Унинг 9 ўғли бўлиб, учинчиси Қочули, анинг ўғлининг оти Эрдамчи Барлос. Барча барлос эли шунинг насли турурлар Темур ушбу уруғдан эрди Барлоснинг маъноси сипоҳсолор темак бўлур (сипоҳсолор-лашкарбоши) Туркийси черик бошлаб юритадиган киши” Барлослар ўзбек миллатининг шаклланишида фаол қатнашганлар ва Турон, Туркистонга шон шараф келтирган аجدодларимиздирлар.

Туркийча битилган «Темур тузуклари»нинг бир қўлёзма нусхаси Яман ҳокими Жаъфар подшоҳ томонидан миллий кутубхонада сақланган. Бу

асарнинг форс тилига таржимасини Мир Абу Толиб Ҳасаний ат-Турботий Маккага ҳаж қилиб қайтиб келганидан сўнг амалга оширган. Ана шу нусха асосида «Темур тузуклари» бизгача етиб келган ва XIX асрнинг охирларида рус тилига таржима этилиб, нашр қилинган. Асар бутун дунёга машҳур бўлиб, асрлар оша ўз аҳамиятини сақлаб қолиб, жуда кўп тилларга таржима қилинган. Араб тили профессори, инглиз майори Уайт асарнинг форсий матнини нашрга тайёрлаган ва у 1783 йили Оксфордда чоп этилган. 1785 ва 1890 йилларда ушбу нашрнинг форсча матни ҳеч ўзгаришсиз Ҳиндистоннинг Калкутта ва Бомбей шаҳарларида, 1963 йилда Эронда нашр этилган. У 1787 йили таниқли француз шарқшуноси Л.Лянглэ томонидан ушбу асар француз тилида ҳам нашр этилган.

«Темур тузуклари» икки бўлим ва 56 банддан иборат бўлиб, китобда бу бўлимлар мақола деб аталган. Биринчи мақола Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустахкамлаш, қўшинларни ташкил этиш юзасидан тузукларидан иборат. Иккинчи мақолада эса, Амир Темур томонидан ўтказилган 13 кенгаш тафсилотлари ва уларда буюк соҳибқироннинг амалга оширган тадбирлари баён этилган.

Шунингдек, «Тузуклар»нинг биринчи қисмида Амир Темурнинг етти ёшидан то вафотига қадар (1342-1405 йил 18 феврал) кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиши, ижтимоий тарқоқликка барҳам бериши ва марказлашган давлат тузиши, Эрон ва Афғонистонни ўз тасарруфига олиши, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш устидан қозонилган ғалаба ва ниҳоят буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Туркия ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Китобнинг II қисми Соҳибқирон номидан айтилган ва унинг тожу-тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панду-насихатларидан иборатдир. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу-тахт эгаларининг бурчи ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу-тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва ҳоказолар хусусида сўз юритилади.

Иккинчи бўлимда, яъни мақолада Амир Темур шундай деб ёзади: «Мамлакатларни фатх этувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим учун салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим, ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим»¹.

Улуғ Амир Темур яна давом этиб: «Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуклар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим»², - деб ёзган эди.

Олийжаноб ахлоқий фазилатларни Амир Темур хазратлари улуғлабгина қолмаганлар, балки бу фазилатларни бажаралишини давлат ҳудудида яшаётган фуқаролардан, ҳатто ўз оила аъзолари томонидан ҳам сўзсиз

¹ Темур тузуклари, Тошкент, 1991 йил, 55-бет.

² Темур тузуклари, Тошкент, 1991 йил, 55-бет.

бажарилишини талаб қилганлар. «Яна тажрибамдан кўриб билдимки», - деб ёзади Амир Темур – «давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялонғоч одамга Ўхшайди, уни кўрган кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим»¹.

Амир Темур ўз тузуқлари кейинги авлоди учун бир қўлланма бўлиб қолишни кўзлаб: «Фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири ўнга мувофиқ иш юритсин Бу тузуқлардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга ўтадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлғай»², - деб ёзиб қолдирган эди.

Дарҳақиқат бу асардан фақат Темурий шаҳзодаларгина эмас, кўплаб шарқ ҳукмдорлари ўзларининг фаолиятларида фойдаланганлар ва ўнга юқори баҳо берганлар. Жумладан, Шох Жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1842), Бухоро амири Абдуллаҳадхон (1885-1910) лар «Тузукот»дан парчалар кўчиртириб, улардаги қоидаларга амал қилганлар.

Темур тузуқларида Амир Темур ўзи тузган қўшиннинг тузилиши, қуролланиши ҳамда буюк соҳибқироннинг ҳарбий санъати ҳақида ҳам муҳим маълумотлар берилган. Зеро Амир Темур тузган қўшин ўзининг стратегик ва тактик маҳорати билан Ўша даврнинг энг мукамал ва кучли армияларидан ҳисобланган. Амир Темур эса жаҳонда маҳоратли буюк саркарда сифатида шуҳрат қозонган. Ҳозир ҳам кўпгина хорижий мамлакатлар ҳарбий ўқув юртларида «Темур тактикаси» махсус курс сифатида ўтилади. Юртимиз ва халқимиз мустақил бўлгач, мустақил давлатчилигимиз асосларини яратишда буюк Амир Темур ва унинг «тузуқлари»га мурожаат қилмоқдамиз. Унинг «Куч адолатда» тамойили эса ҳуқуқий давлат барпо этишимизда йўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек А.Темурга бағишлаб яратилган асарлар сони Оврўпа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Амир Темур томонидан марказлашган давлатнинг тузилиши, феодал тарқоқликнинг тугатилиши, мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг ўрнатилиши Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти йўлида ижобий рол ўйнади. Муғуллар даврида вайрон бўлган иқтисодиёт тикланди, хунармандчилик ва тижорат ишлари ривожланди, фан ва маданият раванқ топди, шаҳарлар обод бўлди. Энг муҳими, халқ тинч ва осойишта ҳаёт тарзига кирди.

¹ Темур тузуқлари, Тошкент, 1991 йил, 57-бет.

² Темур тузуқлари, Тошкент, 1991 йил, 53-бет.

9-Мавзу: Ўзбекистон ҳудудининг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари. (2соат)

1.Шайбонийлар сулоласининг Мовароуннаҳрда ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва унинг бошқарув тизими.

2.Бухоро хонлигининг ташкил топиши. Бухорода Аштархонийлар сулоласи даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

3. Хива хонлигининг ташкил топиши. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳвол.

4. XVIII асрда Фарғона водийсидаги сиёсий вазият. Қўқон хонлигининг ташкил топиши. Қўқон хонлигида маданий ҳаёт.

1.Шайбонийлар сулоласининг Мовароуннаҳрда ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва унинг бошқарув тизими.

Марказий Осиё айниқса, ўзбек халқи тарихида –хонликлар даври алоҳида ўрин тутди. Кўп минг йиллик ўзбек халқи тарихида бу давр ўзининг муддати билангина эмас, балки, шу даврда халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган жуда катта воқеалар билан ҳам ажралиб туради.

Темурийлар даврида буюк Темур давлатининг бундай парчаланиб кетиши Фарбда Қора денгиз қирғоқларидан бошланиб, Шарқда Иртиш дарёси ва Балхаш кўлига қадар, жанубда эса Сирдарёнинг қуйи оқимларигача чўзилган. Қипчоқ даштларида яшовчи Ўзбеклар деб аталмиш туркий тилда сўзлашувчи кўчманчиларни Моварауннаҳр ерларига кириб келишлари учун қулай шароит яратиб берди.

Ўз вақтида муғуллар истилоси остида қолган ҳудуди забт этилиб, Жўжи улусига киритилган Дашти Қипчоқ аҳолиси Жўжи ўлимидан кейин унинг ўғилларидан бири Шайбонқули остида ўзининг мустақил улусини ташкил этиш учун кураш олиб боради. Натижада Ёйиқ дарёсининг Шарқидан Сирдарё бўйлариғача бўлган ерларда бундай улус бапро этилади. XV асрда ана шу Шайбон бошчилигидаги улусда яшаган кўчманчилар ўзбек номи билан аталганлар.

XVI аср Хива тарихчиси Абдулғозийнинг ёзишича (1603-1664) асосан чорвачилик ва кўчманчилик билан шуғулланувчи ўзбекларнинг кўпчилиги ёзни Ёйиқ дарёсининг юқори оқимида, қишни эса Сирдарёнинг қуйи оқимида ўтказадилар. Бу ерда ўзбеклардан ташқари қипчоқлар қўнғиротлар уйшун, найман ва бошқа қабилалар ҳам яшаган бўлиб, улар ўша ўзбеклар таркибига кирар эди.

XV асрнинг 20 йилларига келиб Дашти Қипчоқ уруғлари ичида Шайбонийлар уруғи (ўзбеклар) олдинга чиқди. Бу уруғнинг энг кўзга кўринган вакили, кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абдулхайрхон бўлиб, у ўзидан олдин бу ерда ҳукмронлик қилган Бароқхондан фарқли ўлароқ, тахтни ўзгалар ёрдамида эмас, балки бир қатор ўзбек қабилалари, чунончи Найман, Қўнғирот, Қиёт, Дурман, Уйғур, Уйшун ва бошқа қабилаларнинг ёрдамида эгаллади. У жуда қисқа вақт ичида йирик давлатни

вужудга келтирди ва бу давлатни унинг ўзи 1428 йилдан 1468 йилгача бошқарди.

1451 йилда таваллуд топган Шайбонийхон Мовароуннахрга бегона эмасди. У темурийларга қондошлиги бор, Шимолий Туркистонда 1430 йилда ўзбек давлатларидан бирини тузган Абулхайрхон унинг ота томонидан бобоси эди. Абулхайрхон узоқни кўзловчи давлат арбобларидан бўлиб, ён қўшнилари бўлган темурийлар билан қариндошлик алоқаларини боғлайди, ўғил, невараларини Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўқитади, ўзи эса Мирзо Улуғбекнинг Робия Султонбегим исмли қизига уйланган. Муҳаммад Шайбонийхон Абулхайрхоннинг невараси, Мирзо Улуғбекнинг авараси эди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Моварауннахрдаги ўзаро курашлар билан банд бўлган темурийларнинг асосий рақиби шимолдаги мўғуллар эди. Уларнинг Моварауннахр ерларига тўхтовсиз талончилик хужумларидан безор бўлган темурий шаҳзодалар мўғулларга қарши курашда Шайбонийхондан фойдаланиш мақсадида у билан иттифоқ туздилар. Шайбонийхон бобоси Абдулхайрхон Дашти Қипчоқда ташкил этган давлатни бир томонлама кўчайтириб, ўз олдига ҳали ўша бобоси режалаштирган Моварауннахр ерларини босиб олиш ишини ҳал этишни мақсад қилиб қўйди ва уни амалга оширишга киришди. Бу ишга киришар экан, Шайбонийхон энг аввало 1480 йилда Қозоқ хони Бурундукхонга катта зарба берди. Шундан сўнг Шайбонийхон 1488-1500 йиллар ичида Ўтрор, Ясси, Сиғанок, Шахрисабз, Туркистон шаҳарларини эгаллайди. Шундан сўнг Темурийлар пойтахти Самарқандни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Шайбонийхон 1499 йилда дастлаб Самарқандни қамал қилганда бу ерда Султон Аҳмад Мирзонинг ўғилларидан бири, Султон Али Мирзо ҳукмронлик қиларди. Унинг қобилятсиз, ҳар томонлама ожизлигидан хабар топган Шайбонийхон Самарқанд шаҳрига кирмай Шахрисабз ва Қарши шаҳарларини талаб Қипчоқ даштига қайтиб кетади. Озроқ вақт ўтгач Шайбонийхон Тошкент ҳокими Маҳмудхондан озроқ ёрдам олиб, Самарқандга янгидан хужум бошлайди. Худди шу пайт Бухоро ҳокими Муҳаммад-Боқи тархон қўшинлари Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзога ёрдамга келаётганлигини ҳақида Шайбонийхон хабар топади. Шундан сўнг у Самарқанд қамалини тўхтатиб, асосий кучларини Бухоро қўшинларига қарши қаратади натижада Дабусия қалъасида (ҳозирги Зиёвуддин станцияси яқинида) бўлган жангда (1500) Шайбонийхон қўшинлари ғалаба қозонадилар. Шундан сўнг Шайбонийхон Бухорога томон шиддат билан ҳаракат қилади ва шаҳарни уч кун қамалдан сўнг қўлга киритади. Шайбонийхон томонидан Бухорони қўлга киритилгани ҳақидаги хабар Самарқанднинг ҳукмрон доиралари орасида саросима келтириб чиқаради Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзодан норози бўлган амирларнинг бир гуруҳи Андижонда ҳукмронлик қилаётган темурий Бобур ихтиёрига, иккинчи гуруҳи, Султон Али Мирзонинг Тошкентда ҳукмронлик қилаётган акаси Увайс Мирзо ёнига равона бўлдилар.

Воқеалар ривожини синчиклаб кузатиб турган Самарқанд ҳокими Султон Али Мирзо бу вазиятда Шайбонийхон билан музокаралар олиб боришни лозим топиб, бир гуруҳ ўзига яқин кишилар билан унинг ҳузурига ташриф буюради. Шу тариқа Шайбонийхон 1500 йилда жангсиз Самарқандни биринчи марта эгаллайди. Шайбонийхон барча Самарқандликларни пойтахт яқинидаги Конигул яланглигида тўплаб, катта издиҳом ўтказиб, халойиққа қарата: “Бизлар гарчи ўзбеклар деб аталсакда аслида келиб чиқишимиз бўйича худди сизлар каби турклармиз, қонимиз, тилимиз, динимиз, мазҳабимиз бир!”

Бироқ, Самарқанд руҳонийларининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири хўжа Абдулмакарим ёрдамида Бобур тез орада Самарқандни эгаллаб, шайбонийларнинг шаҳарда қолдирилган қўшинларини ва уларни тарафдорларини қириб ташлайди. Шундан сўнг Бобур Шайбонийхон қўшинларини таъқиб этишга киришади. Лекин 1501 йил апрелида Зарафшон дарёси бўйида Сарикўл деган даштдаги жангда талофат кўриб Самарқандга чекинади. Бу ерда 4 ой қамалда бўлиб, охири 1501 йилнинг иккинчи ярмида Самарқандни ташлаб чиқади ва Тошкент ҳокими Маҳмудхон ҳузурига кетади. Шайбонийхон иккинчи марта Самарқандни қўлга киритади.

Шайбонийхон Самарқандни қўлга киритгач, 1503 йилда Сирдарёнинг юқори қисмига қараб юриш қилди. Бу ерда (Тошкент ҳокими) Маҳмудхон, Бобир бошлиқ бирлашган кучларга дуч келди. Архиён ёнидаги шиддатли жангда улар устидан ғалабага эришиб. Тошкент, Шохруҳия, Фарғона шаҳарларини қўлга киритди(1504).

Шайбонийхон 1505 йилда Хоразмни, Моварауннахрнинг асосий шаҳарларини эгаллагач, Хуросонни ва ўнга қарашли ерларни босиб олишни мақсад қилди.

Хуросон султони Ҳусайн Бойқаро (Султон Ҳусайн) (1489-1506) ўзининг тўнғич ўғли Балх ҳокими Бадиуззамон билан бирга Шайбонийхонга қарши курашмоқчи бўлади. Лекин бу кўзланган натижани бермайди. Муҳаммад Шайбонийхон Ҳиротга қарши юриш арафасида Ҳусайн Бойқаронинг икки ўғли Бадиуззамон билан Музаффар Мирзо ўртасида тахт кураши бошланади. Натижада Ҳирот тахтига улар бир вақтда подшо бўлиб кўтариладилар. Бу Шайбонийхонга қўл келади. Шайбонийхон қўшинлари 1504 йилда Хисравшоҳ ҳукмронлик қилган Қундуз шаҳрини эгаллади. 1507 йилда эса Шайбонийхон Хуросон пойтахти Ҳиротни эгаллади, сўнгра Астрабодни эгаллади. Тахт талашган ака-ука темурийлар эса бири Фарбга, бири Шарққа қочди. Қисқа вақт ичида Шайбонийхон Темурийлар ерлари бўлган Бухоро, Самарқанд, Балх Маҳшад, Нишопур, Каба шаҳарларини эгаллади. У Сирдарёдан Афғонистонгача бўлган ерларнинг ҳукмдори бўлиб олди. Фақатгина Сирдарё бўйидаги ерлар Тошкент ҳукмронлигида бўлсада, булар ҳам Шайбонийхонга ярим қарам эди. 1500-1507 йиллар ичида Шайбонийхон Шохруҳ мирзо ўғли Мирзо Улуғбек билан бирга ҳукмронлик қилган бутун Туркистон ҳудудларимикёсида марказлашган қудратли давлат туза билди. . Шайбонийхон хужуми арафасида ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ёмонлиги, меҳнаткаш халқ оммасининг қашшоқ ҳаёти кўчманчи ўзбеклар-

ғалабасининг асосий омилларида бири бўлганлигини кўрсатиб ўтиш зарурдир. Аҳвол шўнга бориб етган эдики, Фарғонадек ери серунум, деҳқони миришкор юртда ўзбеклар хужуми кунларида 3-4 минг аскарни боқиш учун маблағ йўқ эди.

Темурийлар ўша даврдаги оғир иқтисодий аҳволини улар саройида хизмат қилган ўз даврининг забардаст шоирларидан бири Биноий шундай хикоя билан ифодалайди: “На егулик ғаллам бор ва не кийимга ғамланган бахмалим бор. Еядигани, киядигани бўлмаган киши илм ва ҳунарга қандай ўрин а олсин.”

Тиниб-тинчимаган Шайбонийхон 1508-1509 йилларда қозоқ ерлари устига юриш қилди ва ерларни эгаллади. Натижада Шайбонийхон давлатининг жанубий чегаралари Ҳироту Ҳиндикуш тоғларигача, ғарби сафавийлар давлатию Каспий денгиз бўйларигача, кунчиқар томони Шарқий Туркистонгача борар эди.

Бу билан ҳам кифояланмаган Шайбонийхон 1510 йилдан бошлаб қолган Хуросон ерларини босиб олишга киришди. Худди шу вақтда. Яъни XV асрнинг охирларида Эрондаги ўзаро феодал урушлар натижасида ҳокимият тепасига сафавийлар сулоласининг кўзга кўринган вакили Исмоил Сафавий келган эди. Исмоил Сафавий Хуросонни Шайбонийхондан тортиб олмоқчи бўлди. Шайбонийхон бўнга кўнмади. Натижада Исмоил Сафавий Шайбонийхонга қарши кўшин тортди ва 1510 й. декабрда Марв ёнидаги жангда Шайбонийхоннинг 17 минглик армияси қириб ташланди. Шайбоний асирга олиниб калласи кесилди ва уни калласидан шох Исмоил шароб ичадиган идиш ясатди. Шайбонийхоннинг бошсиз жасадини қариндошлари Самарқандга келтириб дафн қиладилар, қабр устига сағана ўрнатадилар. Бу сағана ҳозирги Регистон майдонининг шимоли шарқ тарафидадир.

Исмоил Сафавий бутун Хуросонга эга бўлиб чегаралари Озарбайжондан Боғдодгача чўзилган Эрон давлати худудларини янада кенгайтирди.

Шайбонийхон ўлдирилгач, Хоразм ҳам Эрон шохи Исмоил қўли остига ўтади ва Хоразмда Эронлик “қизилбошлар” ҳукмронлиги бошланди. Лекин бу узоқ давом этмайди Шайбонийхон жиянлари томонидан ғанимлар қувиб чиқарилади. Шайбонийлар давлати айниқса бу сулола вакиллари Убайдуллахон (1533-1539), Абдуллахон11 (1557-1598) ҳукмронлик қилган даврларда мусулмон шарқида йирик ва қудратли давлатлардан бирига айланган эди.

2.Бухоро хонлигининг ташкил топиши. Бухорода Аштархонийлар сулоласи даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Бухоро иқтисодий ва маданий марказ сифатида Шайбонийлар давридан бошлаб кўчая бошлаган эди. Шайбонийлар сулоласининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири бўлган Убайдулло Султон 1533 йилда Шайбонийлар сулоласининг олий ҳукмдори этиб кўтарилди. 1512 йилдан бошлаб Бухоронинг ноиби бўлиб турган Убайдулла Самарқандни бошқариб турган Кўчкинчихон авлодлари билан ораси ёмонлиги туфайли ҳокимиятни

Бухородан туриб бошқарди. Бухоро мамлакатнинг сиёсий-маъмурий марказига айланди. Бухоро расман хонлик сифатида Шайбонийлардан бўлган Абдуллахон II даврида 1557 йилда вужудга келди. Абдуллахон 1557-1598 йилда ҳукмронлик қилди. Абдуллахон II ўз олдига илгари, яъни Муҳаммад Шайбоний давридаги Шайбонийлар давлатининг кучли мавқеини тиклаш ниятида Тошкент ҳокимлари, Хисор амирлари, Самарқанд султонлари билан тўхтовсиз урушлар олиб борди. Бу қонли урушлар сабабли ўлкада бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом” асарида баён этилган. Абдуллахон II ўз ҳукмронлиги даврида олиб борган тинимсиз урушлар натижасида 1573 йилда Фарғона, 1574 йилда Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор, 1578 йилда Самарқандни ўзига қаратгач, 1582 йили Дашти Қипчоқ ҳукмдори Бароқхоннинг ўғли Бобохонни устига ҳам юриш қилди ва унинг устидан ғалаба қозониб, Шохрухия, Сайрам, Оҳангарон шаҳарларини эгаллади. Шундан сўнг сал вақт ўтмай 1583 йилда Балх шаҳрини 1584 йилда эса Бадахшонни эгаллади. Ниҳоят 1595 йилда Хоразм ҳам. Абдуллахон II томонидан босиб олинди. Шундай қилиб, Абдуллахон II XVI асрнинг 90 йилларининг бошларигача бутун Марказий Осиё ерларини ўз қўлига киритишга муяссар бўлди. Абдуллахон II Бухорони ўз давлатининг пойтахти сифатида маъмурий, иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантирди. Унинг давлати ўзининг иқтисодий, ҳарбий ва маданий қудрати жиҳатидан ўз даврининг энг кучли давлатига айланди. Шу боис бир қатор дунё мамлакатларининг. Абдуллахон II давлатига бўлган эътибори ва қизиқиши ортиб борди. Бу ўз навбатида Абдуллахон II нинг бошқа мамлакатлар билан турли соҳалардаги алоқалар ўрнатилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Хусусан, 1558 йилда Москва князи Иван Грозний Антоний Женкинсон бошчилигидаги ўз элчиларини Бухорога жўнатади. Ўз навбатида, Абдуллахон II ҳам ўз элчиларини Москва князлари Иван Грозний ва унинг ўғли Федорлар ҳузурига юборган. Бундан ташқари, Абдуллахон II 1572, 1576 йилларда ўз элчиларини Ҳиндистон подшоси Акбаршоҳ ҳузурига юбориб, бу билан Акбаршоҳни Эрон шоҳи шоҳ Аббосга қарши биргаликда курашга тортишга ҳаракат қилади. Ўз навбатида Ҳиндистон подшоси Акбар ҳам совға-саломлар билан Абдуллахон II га ўз совға-саломларини юбориб турган. Бироқ, Абдуллахон II ҳукмронлигининг сўнг йилларида Бухоро учун оғир кунлар бошланди. Қозоқ хони Таваккалхон Москва подшоси Федор Иванович васаллигига ўтиб, унинг ёрдамида Абдуллахон II га қарши кураш бошлади ва тез орада Тошкент, Туркистон, Самарқанд ва Андижон шаҳарларини эгаллади.

1598 йилда ўз ўғли Абдумўмин томонидан, Абдуллахон II ни ўлдирилиши Шайбонийлар давлати инқтирозини янада тезлаштирди. Аммо, Абдуллахон II ўлгач, хонлик тахтига 1601 йилга келиб, уни 1753 йилгача яъни 150 йилдан ортиқ бошқарган Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласи вакиллари Боқимуҳаммадхондан (1601-1605) тортиб то Абулфайзхонгача (1711-1747) даврида Бухоро хонлигида ижтимоий-сиёсий аҳвол ёмонлашиб, мамлакат янада заифлашди. Натижада Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1740 йилда Бухорони катта қисмини босиб олди ва Бухоро тахтига ўз тарафдори

Муҳаммад Ҳаким Оталиқни ўтказди. Лекин, 1747 йилда Нодиршоҳ ўлгач, отасининг ўрнига оталиқ этиб кўтарилган Муҳаммад Раҳим Аштархонийлар сулоласининг охириги вакили Абулфайзхонни қатл эттириб, Бухоро тахтини эгаллайди ва 1753 йилда ўзини амир деб эълон қилади. Хонлик эса шу вақтдан бошлаб амирлик деб атала бошлайди.

Бухоро хонлигида иқтисодий ҳаёт ўта оғир бўлган. Бўнга тўхтовсиз урушлар ва тахтда ўтирган хону амирларнинг кўпчилигининг тутуруксиз сиёсати сабаб бўлган. XVII-XVIII асрларда молия тизимини асосини Бухорода араблар истилосидан бери сақланиб келаётган хирож (ҳосилни 5/1 дан 3/1 қисмигача бўлган миқдорда ер солиғи ва ушр (даромаднинг ўндан бири) ташкил этган. Бухоро хонлигида ҳам Хива хонликларидаги сингари ерларнинг кўпчилик қисми давлат қўлида бўлган. Бухорода давлат ерлари “Амлоки подшоҳи” ёки “Амлоки султони” дейилган. Бундай ерлар тарихда “Мулки девони” номи билан аталиб Бухоро ва Хоразм хонликларида то октябр тўнтаришигача сақланиб келди. Хонликда ернинг иккинчи тури “Мулк ерлари” ва учинчиси “Вақф” ерлари бўлган. Барча хонликлардагидек Бухоро хонлигида ҳам суд ҳукмрон синфлар-бой феодал синфлари қўлида зулм ва эксплуатация қуроли эди. Ҳамма қозилар тепасида олий қози (қози калон) турган. У амир томонидан тайинланиб, давлатдаги ҳамма қозилар иши устидан назорат қилган.

Суд жараёни ислом шариати асосида олиб борилган. Суднинг чиқарган ҳукми ўзгармас бўлган. Чунки унинг ҳукмини бошқадан кўриб чиқадиған ташкилот бўлмаган. Қизиғи шундаки, суд жараёнида иккита аёлнинг судга берган кўрсатмаси бир эркакнинг кўрсатмасига тенг бўлган. Жазолар турлича бўлган фақат чиқарилган ўлим жазоси ижрочи учун қозилар амирдан рухсат олишлари зарур бўлган.

Хонликда давлат даромадининг кўп қисми савдодан олинадиған тўловлар ҳисобига яратилар эди.

Бухоро хонлигида қўшинлар мунтазам бўлмай, лозим бўлганда хоннинг махсус фармониға асосан тўпланадиған ўз шахсий гвардиясига эға бўлган. Улар кўпроқ ўзға давлат кулларидан (руслар ва қолмиқлардан) ташкил топган. Бухоро амирлигида қўшинлар сони XIX асрнинг 60 йилларига 10-11 минг киши бўлган.

XIX аср бошларида Бухоро хонлигида 36000 минг навқари бўлган. Уларнинг бир қисми Бухорода, қолганлар хонлиқнинг бошқа ерларида яшаб амирдан “танҳо” сифатида олған ер ва деҳқонларига эға бўлганлар.

Бухорода артиллерия деярли йўқ бўлса, 13 та станоксиз мис тўпи бўлган. Шулардан биттасидан байрамларда отилган.

Бухоро хонлигида бу даврдаги маданият ҳақида гапирилганда шуни айтиш керакки, ўзаро урушлар маданиятни ҳам оғир аҳволға солиб қўйди. Хонликда ақидапарастлик авж олди. Бу ерда 300 масжид 50 дан ортиқ мадрасалар бўлса, улар маорифни ривожлантиришға етарлича ҳисса қўшолмади.

Хонликда ана шу даврда математика, астрономик соҳаларида йирик олим Мулло Турсун Фарозий, мусиқачи Кавкабий, йирик фалсафашунос олим мулло Юсуф Қорабоғий (1644-1648) ва бошқалар яшаб ижод этган.

Тарих соҳасида ҳали катор ишлар қилинган. Аштархонийлар инқироzi ҳақида уларнинг сўнги вакилларида бир нечаларини аянчли ўлими ҳақида куйловчи “Муқимхон тарихи”, “Убайдуллохон тарихи” каби тарихий асарлар ёзилган. Хонликда айникса, Субҳонқулихон даврида (1680-1700) махсус мадраса-шифоҳона ташкил этилган, унинг ўзи Нишоний таҳаллуси билан шеърлар ёзган, кўп олим фузоларни, шоирларни тўплагани ҳақида маълумот бор.

Субҳонқулихон даврида Турди ва Махмур каби шоирлар ижод этган. 1682 йилда Муҳаммад Вали Самарқандий деган шоир “Музақкирул асҳоб” мажмуасини тузиб унда шу даврда яшаб ижод этган 200 дан ортиқ адабиёт арбобларининг таржимаи ҳолини берган.

Муҳаммад Балхий “Субҳонқулихон” асарини, Мирмуҳаммад Амин “Убайдуллохон” асарини ёзди. Шу даврда XVII аср шоирларидан Сайидо Насафий Ғофир Самарқандий (аттор), Масихо (темирчи), Манзур Самарқандий (этикдўз), Мулла Сарафроз, Фитрат каби демократик шоирлар яшаб ўтган.

Бу даврда Сўфи Оллоёр ва Машраб яшаб суфийлик ғояларини илгари суради. Суфийлар тасаввуфнинг 4 қондаси: Шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатга амал қилишни илгари сурадилар. Улар тангрига бўлган муҳаббатларини, шеърларда изҳор этадилар. Шунингдек, улар инсон, маҳбуб, моддий дунё ноз неъматларидан баҳраманд бўлиш ҳақида куйлайдилар.

Меъморилик оҳасида ҳам анча иш қилинади. Самарқанддаги Регистон аталмиш бош майдон шу даврда шаклланади. Шу даврнинг энг бой кишиларидан бўлган Ялангтўшбий, Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдирди. Хўжа Аҳрор қабри олдида мадраса ва номозгоҳ қурилди. Абдулазизхон даврида (1645-1680) бир қанча мадрасалар қурилди. Ҳали XVI асрдаёқ Бухоро ўзининг ажойиб рассомлари, ҳуснихатчилари билан шуҳрат қозонган эди. Қулёзмаларни ҳуснихат қилиб кўчириш, миниатюралар ёзиш, авжига чиққан эди. Бу даврда Бухорода яшаб ижод этган рассом Шайхзода Маҳмуд, Абдуллолар ўз даврининг атоқли ҳуснихатчилари эди.

Муҳаммад Раҳимдан кейин Бухоро тахтида манғитлар сулоласидан Шохмурод, Ҳайдар, Насрулло, Музаффар, Абдулаҳад, Олимхонлар ўтиришди. Уларнинг ҳар бири ҳукмронлик қилган йиллар ўзига хос мураккаб зиддиятли ҳусусиятларга эга. Бухоро хонлиги 1920 йил 2 сентябрда болшевиклар томонидан ағдарилди.

3. Хива хонлигининг ташкил топиши. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳвол.

Хоразмда 1511 йилда Эронлик “қизилбошларга” қарши фитна уюштирилди. Ўз вақтида Абдулхайрхонга қарши чиққан Хоразмдаги ўзбек уруғлари ўша Қипчоқ Даштида Шайбонийлар билан ёнма-ён яшаган ва улар

билан нодўстона муносабатда бўлган Берка султоннинг икки ўғли Эльбарсхон билан Бильбарсхонни Хива тахтига яширинча таклиф қиладилар. Ака-укалар бу таклифларга кўра Хивага келадилар. Хива халқи “қизилбошларни” ағдариб Эльбарсхонни хон этиб кўтардилар. Бу воқеа 1511 йилда содир бўлади. Хонлик тасарруфига Хоразм-Амударё этакларидаги қадимий деҳқончилик воҳаси, Манғитқишлоқнинг Абулхон тоғлари Машҳади Мирсиён ва Ўзбой атрофидаги ҳудудлар кирган. Эльбарсхон тез орада Хоразм ерларини шимолий Хуросоннинг каттагина ерлари, Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлар ва Туркистоннинг жанубий ерларигача бўлган ерлар ҳисобига кенгайтирилди. Ва ана шу ҳудудда Хива хонлигига асос солди. Хонликнинг пойтахти дастлаб Вазир шаҳри, кейин Кўхна Урганч ва Хива бўлган.

Бироқ, 1511 йилда Эльбарсни Хива хонлигига асос солган бўлсада, унинг ўзининг давридаёқ хонлик бир неча феодал эгаликларга бўлинган бўлиб, уларни бошқараётган шахзодалар ўртасида узлуксиз феодал урушлар бўлиб турди. Айниқса, бу урушлар 1538 йилда Эльбарсхон ўлгач (Эльбарсхон 1511-1538 йилда ҳукмронлик қилган) унинг ворислари даврида кўчайиб кетади. Бунинг устига Хива хонлигига қарши Шайбонийлардан Убайдуллахон (1538) юриш қилди ва Хива хони Аванешни ўлдириб, ўрнига ўз ўғли Абдулазизни ўтказади. Унинг даврида яна феодал урушлар кўпаяди. Буни айниқса Хива тахтида Араб Муҳаммад (1602-1643) ўтирган даврда яққол кўриш мумкин эди. Қисқаси XVI аср 40-йилларидан бошлаб Хива хонлигида ўзаро курашлар, айниқса хонликдаги ўзбеклар билан туркман уруғлари ўртасидаги зиддиятлар, қолаверса атрофдаги қозоқ ва қалмиқларни ҳужумлари хонлиқни заифлаштирди. Хонликдаги бундай оғир аҳволдан фойдаланган Бухоро хонлари Субҳонкулихон (1680-1702) ва Эрон шоҳи Нодиршоҳлар (1740) Хива тахтини ўз қўлларига киритадилар. Бироқ Хива хонлигида бундан кейин ҳам тинчлик бўлмади. Бу ерда Эрон ҳукмдорларига қарши тез-тез ғалаёнлар кўтарилиб турди. Бундан фойдаланган ўзбек қабилаларидан бири-Қўнғирот уруғининг бошлиғи Муҳаммад Амин Иноқ хонлик тахтини эгаллаб, хонликда янги-қўнғирот сулоласига асос солди.

Хива хонлигида (XVI аср) бошқарув тизими жуда мураккаб бўлиб, уруғчиликка асосланган бюрократик тизим мавжуд эди. Хивада бошқа хонликлардан фарқли ўлароқ иноқ деган лавозим бўлиб, бу лавозимни эгаллаган одам хондан кейинги одам ҳисобланиб, амир-ул-умаро, яъни ҳукмдорлар ҳукмдори деб аталарди. Хонликда девонбеги ҳам бўлиб, у хоннинг ўзидан кейинги амалдор ҳисобланарди. Яна қўшбеги деган лавозим бўлиб, ўнга хонликнинг жанубий қисмидаги ўтроқ аҳоли буйсунарди. Бу ерда хон, вазир ва қўшбегидан ташқари яна 5 кишидан иборат хон маслаҳатчилари (улар уруғ бошлиқларидан тузиларди) бўлган ҳар уруғ бошлиқларидан (иноқлар ва оталиқлар) 2 киши давлат бошқарувига кирган.

Хива хонлик бошқарувида ясовуллар штати бўлган. Яна юзбоши, мингбоши каби амалдорлар бўлган. Яна жойлардаги амалдорлар ўзларининг куйи бошқарув тизимларига эга бўлиб, ўз ерларини мустақил бошқаришган. Хонлик ўз навбатида округларга бўлинган бўлиб, уларни ҳокимлар ва

козилар бошқарган. Хонликда яшовчи туркман, козоқ ва қорақалпоқлар ҳокимларга бўйсўнмай, фақат ўзларининг уруғ бошлиқларига итоат қилганлар. Туркманларда улар бек ҳамда вакиллар дейилса, қорақалпоқ ва козоқларда бий деб аталганлар. Хонликда дин аҳллари: сўфилар, шайхлар катта ҳурмат эътиборга эга бўлганлар.

Хонликда XIX аср 1 ярмида ҳам феодал муносабатларнинг ривожланиб боришига қарамай, ўтмиш патриархал ҳаёт қолдиқлари сақланиб қолаётган эди. Ер ҳамда сув хон, йирик феодаллар қўлида эди. Айрим феодаллар қўли остидаги ерлар 15 минг танобни ташкил қилганда, оддий жамоа аъзоси бўлган деҳқоннинг ери 1-2 танобдан ошмас эди.

Рус элчиси (Москва) Иван Хохлов маълумотига кўра XVII асрда хон қўшинлари сони 15 мингдан 30 минггача бўлган.

Хива хонлиги иқтисодини бу даврда оғир солиқлардан тушган пуллар ташкил қилган. Иқтисодий ҳаёт хонликда жуда оғир бўлган. Хива хонлигида ернинг бир қисми ҳукмронлик қилдаётган сулола аъзоларига (тўраларга), шунингдек ҳарбий бошлиқларга (саркардаларга) ҳамда вақф ерлари сифатида масжид-мадрасаларга берилган. Бу ерларда ишловчи ижарачилар “беватанлар”, “яримчилар” деб аталганлар. Оддий меҳнаткаш хонга “салгут” деб аталган оғир ер солиғини тўлаган. Яна “бегар” деб аталган мажбурият бўлиб, бўнга асосан ҳар бир хонадондан бир киши 12 кун давомида хонга ишлаб берган. Аҳолининг деҳқончилик билан шуғулланадиган қисми сувни етишмаслигидан азоб чеккан. Бойларнинг ерларида қуллар ишлаган. Шаҳардаги ҳаёт бу даврда оғир бўлган. Шаҳар аҳолиси ҳунармандчилик, айримлари деҳқончилик билан шуғулланган. Бугдой, арпа эккан, қурт боқишган. Савдо кам ривожланган. Чунки қароқчилар ҳужум қилиб турган. Савдони оғир аҳволга тушиши шаҳар аҳолиси ҳаётини ёмон аҳволга тушириб қўйганини 1558 йилда хивани кузатган Женкинсон ёзади. 1573-1575 йилда Амударё ўз изини ўзгартиради натижада эски изи атрофидаги жойлашган қишлоқ ва шаҳарларда ҳаёт тўхтади. Одамлар эски Урганчдан, янги Урганч жануброққа ўтиб яшайдиган бўлади. Амударё эски ўзанини қуриши хонлик марказини Хивага кўчишига сабаб бўлади.

Амударё ўзанини ўзгариши мамлакат иқтисодий ҳаётига катта таъсир қилди. Хонлик хазинаси бўшаб, ҳатто амалдорларга ҳам йиллаб ойлик тўланмай қолди. Қишлоқ хўжалигида асосан қўл меҳнатида фойдаланилган. Меҳнат қуроллари қоқоқ бўлган. Бу ўз навбатида хонликда иқтисодий аҳволни ёмонлигига сабаб бўлган. Ҳар уч хонликда, жумладан Хива хонлигида ҳам ўз пули бўлган. Бу пуллар олтин, кумуш тангалар ва мис пулдан иборат бўлган.

XVIII аср бошларига келганда иқтисодий тушкунлик вужудга келди. Бўнга сабаб шу даврда ўзбеклар билан туркманлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, Бухоро хонларининг Хива хонлари ички ишларига аралашуви, Қозоқ қолмиқларини тўхтовсиз ҳужумлари, Эрон шоҳи Нодиршоҳни Хоразмни 1740 йилда босиб олиши (Элбарсхон даврида) бўлди.

Бундан фойдаланган Петр 1 1714-1717 Хоразмга Бекович-Черкасский экспедициясини юборди. Бу вақтда Хива тахтида Шерғози хон ўтирган эди. (1715-1718 йиллар)

Хива хонлигида аҳоли XIX аср I ярмида 350000-500000 ни ташкил қилган. Асосий қисми ўтроқ аҳоли эди. Бир қисми чорвачилик билан шуғулланган.

Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, давлат тузуми 1804 йилда Қўнғирот иноқлари йирик вакилларида бири Муҳаммад Раҳимхон Хива тахтини эгаллаб, 1806-1825 йиллар давомида хонлик қилади. Унинг даврида хонлик ҳар тарафлама кўчаяди ва марказий ҳукумат мустақамланади. Лекин унинг ворислари Муҳаммад Эминхон, Қутлимурод, Олакуллилар даврида Хива хонлигидаги аҳвол яна мураккаблашди. Хива хонлиги 1920 йил феввалида большевойлар томонидан ағдарилди.

4. XVIII асрда Фарғона водийсидаги сиёсий вазият. Қўқон хонлигининг ташкил топиши. Қўқон хонлигида маданий ҳаёт.

Ўрта Осиёда энг кейин вужудга келган хонлик бу Қўқон хонлиги эди. Хонликка 1710 йилда минг қабиласидан чиққан Шохрухбий асос солди. Бу ерда шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Шайбонийлардан сўнг Бухоро тахтига ўтирган Аштархонийлар сулоласи даврида шу сулола вакилларининг тахт учун ўзаро курашлар туфайли Бухоро хонлиги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча ночор аҳволга тушиб қолган эди. Бундан фойдаланган Фарғона XVIII аср бошларидаёқ Бухородан мустақил бўлиб ажралиб чиқди. Бу ерда дастлаб ҳокимиятни Чодак қишлоғи хўжалари қўлга киритди. 1710 йилда эса хўжалардан ҳокимиятни ўзини Чингизхон авлодидан деб ҳисоблаган, ўзбекларнинг минг уруғидан бўлган Шохрухбий олади. Қўқоннинг биринчи хони Шохрухбий 1710-1721 ҳукмронлик қилади.

Минглар тез орада ўз қўлларига Сирдарё бўйидаги ерларни ҳамда Еттисувнинг бир қисмини киритадилар ва ана шу ҳудудда Бухородан мустақил янги давлатга яъни хонликка асос соладилар. Шохрухбий ўз давлатининг пойтахти этиб, Қўқон шаҳрини танлайди. Бу шаҳар араб сайёҳларнинг хабарига кўра жуда гўзал ва баҳаво шаҳар бўлиб, Ҳуқанд ёки Ҳавоқанд қишлоғи ўрнида қурилган.

Қатор тарихий маълумотлар жумдладан тарихчи Абдулкарим Бухорийнинг қолдирган маълумотларига кўра “Фарғона” деб аталган бу мулк айниқса Шохрухбийнинг ўғиллари Муҳаммад Раҳимбий (1721-1740) ва Абдукаримбий (1740-1760) ҳукмронлиги даврида иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан анча ривожланади. Бу даврда унинг ҳудудлари кенгайиб, Қўқон, Андижон, Марғилон каби шаҳарларда савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривожланади.

Норбутабий (1769-1800), Олимбек (1800-1809) Умархон (1809-1822) ҳукмронлиги даврида эса хонликка атрофдаги ерларни қўшиб олиш шунингдек, марказий ҳокимиятни кўчайтириш мақсадида жойлардаги

феодаллар ва бекларнинг ўзбошимчалик ҳатти-ҳаракатларини бостиришга қаратилган ишлар олиб борилди.

Масалан, Норбўтабий ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ Чуст ва Наманган ҳокимларининг марказий давлатга бўйсунмай ўзбошимчалик билан сиёсат олиб боришларига қарши шиддатли кураш бошлади ва уни ғалаба билан якунлади. Шундан сўнг яна бир ўзбошимча ҳукмрон-Хўжанд ҳокими устига юриш уюштирилиб, унинг устидан ҳам ғалаба таъмин этилиб, анча йиллар давомида Бухоро амирлигига бўйсуниб келган бу шаҳар Қўқон хонлигига узил-кесил қўшиб олинди.

Ўзининг тўхтовсиз урушлари ва каттиққўллик билан олиб борган сиёсати туфайли Қўқон хонлигининг ҳам ҳудудий ҳам сиёсий жиҳатдан қудратини юксалтирган Олимхон 1809 йилда фитна йўли билан ўлдирилгач, шу фитнада фаол қатнашган унинг укаси Умархон хонлик тахтига ўтиради. Умархон ўзининг хонлик йилларида Бухоро амирлигига қарашли Туркистон ерларини босиб олиш учун уруш олиб борди. У бу билан чегараланиб қолмай, Сирдарёнинг юқори қисмида яшовчи қозоқлар устига ҳам юриш қилиб, уларни ҳам ўз ҳудудига қўшиб олади. Тошкент, Бухоро, Хива йўллари кесишган жойда Оқмачит қалъасини қурдирди. Унинг даврида хонлик ҳар тарафлама янада кўчайди. Буни сезган Умархон ўзига “Амир ал-Муслимин” унвонини берилишини талаб қилди ва бўнга эришди. Натижада у ўз номини жума номозда хутбага қўшиб ўқитиш ҳукмига эга бўлди. Бундан ташқари унинг номи билан танга пул ҳам забт этилди.

Умархон ўлгач хонлик тахтини унинг 12 яшар ўғли Муҳаммад Али (1822-1842) эгаллади. Унинг даврида хонликда бир қатор мавҳум воқеалар содир бўлдики, булар хонликни унинг аҳолисини кейинги ҳаётига ҳар тарафлама салбий таъсир қилмай қолмади. Гап шундаки, Муҳаммад Алихон 1829 йиллар давомида Шарқий Туркистон ва Қошғарга, ҳамда Қоратегин тожиклари устига муваффақиятли ҳар-хил юришларни амалга оширди ва ўзига “Ғозий” яъни дин йўлида курашувчи деган номни олди. Бироқ, шўнга қарамасдан мамлакатдаги дин пешволари ичида унинг душманлари ҳам кўп эди. Ўша дин пешволари Муҳаммад Алини шаккок, худодан қайтган деб эълон қилишди ва унинг устидан Бухоро амири Насруллога арз қилишди. Бухоро амири томонидан 1840 йилда Қўқонга юборилган элчи Муҳаммад Алихонни ўғай онасига уйланган ва кофир деб эълон қилинган деган ифво гапни олиб келди. Шундан кейин хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида уруш келиб чиқади. Урушда Қўқон хони енгилиб, Хўжанд шаҳрини Бухорога топширишга мажбур бўлади.

1842 йилда Қўқонда Муҳаммад Алихон унинг зулмига қарши халқ кўғолони бошланади. Бухоро амири Насрулло бундан фойдаланиб, Қўқонга лашкар тортиб боради, Қўқонни қўлга киритиб, 3 кун талон тарош қилади ва Қўқон хони Муҳаммад Алихонни, унинг онаси ўз замонасининг ажойиб шоираси Нодирабегимни ёш ўғли Муҳаммад Аминни бир қанча сарой хизматчилари билан биргаликда халқ кўзи олдида қатл эттиради, Қўқон Бухорога қўшиб олинади. Бироқ 3 ой ўтгач 1842 йилнинг ёзида Қўқонда Насруллога қарши қарши кўзғолон кўтарилиб, унинг ҳокимияти ағдарилиб

ташланади. Шундан кейин, Қўқон тахтига собиқ Қўқон хони Олимхонни Таласда яшаётган жияни Шерали таклиф этилди ва у 1842-1845 йиллар давомида хонлик қилди.

Бироқ, 1845 йилда Шералихон билан уни тахтга кўтарилишига сабабчи бўлган қипчоқлар ўртасида юзага келган зиддият туфайли Шералихон ўлдирилади. Тахтга унинг 13 яшар ўғли Худоёрхон қўйилади. Худоёрхон 1868 йили Чор Россияси билан сулҳ тузиб, амалда унинг вассалига айланди. Худоёрхонни Чор Россияси билан яқинлашишига қаратилган сотқинлик сиёсати ва унинг хонликдаги зулми халқнинг ғазабини уйғотади. Натижада ўнга қарши халқ кўзғолонлари бошланади. Ана шундай кўзғолонлардан энг каттаси 1872 йилдан то 1878 йилгача давом этган Пўлатхон ва Абдурахмонхон Офтобачи бошчилигидаги кўзғолон бошлади. Бу кўзғолонлардан қочиб Худоёрхон Тошкентга чор генераллари олдига ёрдам сўраб келади. Чор генераллари оқ подшонинг фармони билан 1876 йил 19 февралда жаъми тахтида 16 та хон ҳукмронлик қилган Қўқон хонлиги тугатилиб, Фарғона генерал-губернаторлигига қўшиб юбордилар.

Қўқон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва маданий ҳаёт ҳам ўзига хос бўлган. Хонлик ҳудудидаги бир томондан Сирдарё билан Қоратегин ўртасида жойлашган Фарғона вилоятидан ториб то Туркистонгача, иккинчи томондан Қошғардан то Балхаш кўлларигача бўлган катта ерлар кирган. Хонлик аҳолиси ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, яҳудийлар, афғонлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, уйғурлардан ташкил топган. Хонлик ташкил этилган вақтда унда яшовчи аҳолининг умумий сони 1,5-2 млн кишини ташкил этади. Қорақалпоқлар гилам тўқиш билан танилган. Ўзбеклар, тожиклар асосан деҳқончилик, шунингдек қосибчилик билан шуғуллансалар, қирғиз ва қозоқлар чорвачилик, қорақалпоқлар гилам тўқиш билан банд эдилар. Яҳудийлар, ҳинди, афғон ва бошқа халқнинг вакиллари эса савдо билан шуғулланганлар. Яҳудийлар яна мусаллас тайёрлаш билан машғул бўлганлар. Қўқон хонлигида деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли сувдан фойдаланишни мукамал эгаллаганликлари билан ажралиб турар эдилар. Бу ерда сунъий суғориш ишлари кенг кўламда олиб борилган.

Деҳқончиликда буғдой, арпа, тарик, жўхори, шоли, мош, ловия, пахта ва бошқа экинлар экилиб, улардан яхши ҳосил олинган. Ер эгалигининг асосан 4 тури мавжуд бўлган: Биринчиси, хирож ерлари (замини хирожий) асосий ер эгаларининг ерлари. Иккинчиси, давлат ёки амлок ерлари (замини давлат, замини амлок) бу хон ихтиёридаги ерлар бўлган. Учинчиси хусусий ерлар бўлган, ерлар ичида ўртачаси ҳисобланган яъни, хон ерларидан кейинги ўринда турган, (менинг фикримча), бу ерлар хоннинг махсус фармойиши билан берилар эди. Тўртинчи, вақф ерлари, бу ерлар диний муассасаларга қарашли эди, унда асосан руҳонийлар фойдаланар эдилар.

Хирож ерлари ер эгалари, хусусий ерлар бўлиб, ундан олинган солиқ хирож деб аталар ва ҳосилнинг 1/5 қисмидан то 1/8 қисмигача ташкил қилар эди. Хорижнинг бир қисми ҳамма хонликлардаги каби бу ерда иш билан олинган.

Амлок ерларидан хон хон баъзан айрим кишиларга тақдим этар, бундай ерлар танҳо деб юритилар эди. Бу ерлардан солиқ йиғиш ҳуқуқи танҳодорларга берилар эди. Танҳодорлар ўз ерларини бошқаларга ижарага беришга ёки ўзлари бевосита солиқ йиғиш ҳуқуқига эга эдилар.

Хусусий ерлар хон томонидан айрим кишиларга у ёки бу хизмати учун махсус ёрлик билан берилар ва бундай ерга эга бўлган шахслар ҳамда жамоаларнинг бари солиқдан озод қилинар эди. Бундай ерларни “мулки хур” деб аталар эди. Ундан ташқари, “замини ушри” деб юритиладиган ерлар ҳам бўлган. Улардан ҳосилнинг 1/10 қисми баробарида солиқ олинар эди. Расмий солиқлардан ташқари яна турли хил фавқулодда солиқлар бўлган, бўнга мисол қилиб кумуш солиғини олишимиз мумкин.

Расмий солиқлардан ташқари яна бошқача қилиб айтганда, марказий солиқлардан ташқари деҳқонлар яна район бошлиғи учун кафсон доруға, амир учун, қишлоқ оқсоқоли учун, муштак деган солиқлар тўлар эдилар. Амлокдорлар келгунча деҳқонлар ҳосилни йиғиштириб, ўриб олишга ҳақлари йўқ бўлган, ҳамда солиқ йиғувчилар келиб ҳосилни тахминий ҳисоблаб чиқар эдилар ва шўнга қараб олинадиган солиқ миқдорини белгилаб чиқар эдилар. Улар деҳқонларни ҳоҳлаганча талаш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Бундай солиқлардан ташқари, яна уруш вақтларида хон саёҳатга чиққанда, хонга совға бериш вақтларида аҳолидан жуда кўплаб солиқлар олинар эди. Шаҳар аҳолиси учун солиқ уйлар, ишхоналар ва дўконлар миқдorigа қараб белгиланган.

Хунаrmандлар икки табақадан иборат бўлиб, юқори табақани усталар, қуйи табақани шогирдлар, ҳаммоллар, кунбай ишловчи усталар ташкил қилар эдилар.

Асосий ҳунар хиллари ип ва ипак матолар тайёрлаш, темирчилик, эгаржабдуқ ясаш, буёқчилик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, арава ва омоч ясаш, мум ишлаш, писта кўмир тайёрлаш, қамиш томлар ясашдан иборат бўлган. Қўқонда хонга қарашли порох ишлаш ва қоғоз тайёрлаш корхоналари бўлган.

Қўқон хонлиги ҳудудида ер ости бойликлари ҳам кўп бўлган ва шулар жумласидан, Наманганда олтин, Андижонда кумуш ва кўрғошин, Тянь-Шаннинг Шимолий тарафида, Қоратоғда бироз мис ва темир рудалари олинган. Селитра Чаккисўз, Ўратепа, Хўжандда, олтингугурт Лаъликон, Ўратепада учрар эди. Ўш ва Наманганда тошкўмир олинар эди. XIX асрда Қўқон шаҳрида ип газлама тўқиш марказлашди, жун ишлаш Тошкентда, темир асбоблар Наманганда марказлаша борди. Солиқ, асосан натурада бўлди ва шу билан бирга пул билан ҳам солиқ тўланадиган бўлиб қолди.

Россия билан савдо алоқалари ривожланди. Россия Ўрта Осиё ўз навбатида, пахта, жун, чорвачилик, боғдорчилик маҳсулотлари етказиб берган.

Қўқон хонлиги ўзининг атрофдаги бошқа хонликлар билан ўзаро савдо муносабатлари олиб борардилар. Қўқон хонлиги Бухорога мева, ипак

чиқарар эди. (Хитой моллари ҳам шу жумладан), Бухоро эса ўз навбатида пахта, жун, юпка матолар, рус чити каби молларни берарди.

Қўқон хонлигида давлатни бошқаришда ҳам бошқа хонликларга караганда айрим ўзига хос хусусиятлар бўлган.

Хонликда хондан кейинги асосий амалдор мингбоши бўлганки, у ҳукук ва вазифаси жиҳатдан Бухоро хонлигидаги Қушбегига тенг бўлган. Қўқон хонлигининг маъмурий-сиёсий соҳасида бевосита хон томонидан Тошкентни идора этиш учун сайланадиган беклар бегини аҳамияти катта бўлган.

Қўқон хонлигида мухтасиб лавозими ҳам бўлиб, у Хива ва Бухоро хонликларидаги раис вазифасини бажарган. Қўқон хонлигида мухтасиб зиммасига яна аҳолининг хулқ-атвори, юриш туриши ҳамда шарият, савдотик, талабларини бажариш устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Хонликда миршаблар, яъни, кўрбошилар бўлиб, улар кечқурун бозорлар ва осойишталикни сақлаш билан банд бўлганлар.

Қўқон хонлиги вилоятларга бўлинар. Вилоятлар бекликларга бўлинар, бекликлар эса ўз навбатида аминлик ва оқсоқолликка бўлинар эди. Вилоятлар устидан ҳокимликлар, бекликлар устидан беклар, оқсоқолликлар устидан оқсоқоллар, аминликлар устидан аминлар ҳукмронлик қилар эди. Хон мамлакат устидан асосий бошлиқ ҳисобланар, бироқ мамлакатнинг давлат ишларини олиб бориш учун давлат кенгаши ташкил қилинар эди. Хон кенгашига ҳар турли унвонга эга амалдорлар кирар (шу жумладан руҳонийлар ҳам). Хон кенгашининг баъзи аъзолари баъзи бир вилоятларнинг ҳокими ҳисобланар эди. Бироқ, улар ўз вилоятларида бўлмасдилар. Бошқа ҳокимлар вилоятларда, яъни ўз ерларида яшардилар. Хон олдиға фақат совғалар топшириш ва айрим хизмат ишлари учун келардилар. Қишлоқлардаги аминлар ва оқсоқоллар вилоят ҳокимлари томонидан тайинланар, аҳолини баъзи судга доир ишларини қараш ҳуқуқига эга эдилар.

Асосий суд органи қози ҳисобланиб, уларни хоннинг ўзи тайинлар эди. Қозилар ҳам диний, ҳам фуқаролик ишларини кўрар эдилар. Қозилар ҳатто ўлим ҳукмини чиқаришга ҳам ҳуқуқли эдилар.

Хонликда мингбошидан кейин қушбеги, додхоҳ, понсодбоши ва парвоначи деб аталган амалдорлар турганлар. Улар вилоятлар устидан ҳукмронлик қилганлар, уруш вақтларида қўшинларга қўмондонлик қилганлар, тинчлик вақтларида хон кенгашида қатнашиб, давлат ишларини ҳал қилганлар. Хонликда армия асосан отликлардан иборат бўлиб, улар фақат уруш ҳолатларидагина чақирилган. Уларда на қаттиқ ҳарбий интизом, на бир хил ҳарбий кийим бўлган.

Ҳарбий қисмлар асосан вилоят ҳокимларининг қўлидаги қўшинлардан ташкил топган. Ҳарбий қисмлар асосан вилоят ҳокимларининг қўлидаги қўшинлардан ташкил топган. Ҳарбий қисмлар 3 га бўлинар эди: Сипоҳ (кавалерия), Сарбоз (пиёда аскарлар), Тўпчи (артиллерия). Сипоҳлар отлик аскар бўлиб, хон гвардияси ёки вилоят ҳокимлар қошидаги ҳарбий қисмлар составига кирар эди. 1830 йилда Қўқон хонлигининг энг йирик ҳарбий қисми Тошкент отрядида 15 минг сарбоз бўлган. Қўқон хонлиги қўшинларининг

куролланиш даражаси Бухоро хонлигига қараганда ёмонроқ бўлган. XIX асрнинг 50-йилларида хонлик кўшинларининг $\frac{1}{7}$ қисмигина пиликли милтиқлар билан куролланган бўлиб, бутун хонликда 100 га яқин мисдан қуйилган замбараклар бўлган ҳолос. Бошқа хонликлардаги каби ерлар асосан бойлар, амалдорлар, ўзига тўқ меҳнаткашлар, диний ходимларнинг қўлида эди. Ерга эга бўлмаган деҳқонлар бойлар ва катта ер эгаларининг қўлида оғир шароитларда ишлар эдилар. Ана шундай деҳқонларни чоракорлар дер эдилар. Чоракорлар ҳосилни йикқанларидан кейин $\frac{1}{5}$ қисмини хирожга ва ёлланган ишчи кучига тўлагандан сўнг $\frac{1}{4}$ қисмини ўзига олиб қолар эди. Агар пахта ёки жухори ишлаб чиқарилган бўлса, ҳалиги тўловлардан сўнг, $\frac{1}{3}$ қисми ўнга қолар эди. Қўқон хонлигида яшовчи Наливкин ва Наливкиналар у ердаги аҳолини ҳаёти ҳақида гапира туриб шундай дейишган. “Улар очликка (ҳар доим оч яшашга) ўрганиб кетганлари учун, йилнинг маълум фаслларидаги очлик улар учун қишдаги совуқ ва ёздаги иссиқ каби табиийдир”. Камбағал аҳолининг уйлари гуваладан ясалган, қапа, ертўла кўринишидаги уйлар бўлганлигини айтиб ўтиш керак. Бундай уйларга ертўла бўлса, эшик билан мўри ягона нур тушиб турадиган жой бўлган. Ҳаво каттиқ совуқ бўлганида эшик маҳкам ёпилар, мўри кигиз билан тўсилар эди, сассиқ қора чироқ ёкиб ўтирилар эди.

Маориф тизими асосан ислом дини асосида тузилган эди, яъни 2 босқичга бўлинган бўлиб, 1 – босқичда билан ўқувчиларга (калтаклаш усули билан) Қуръон ва баъзи бошқа китобларни ёдлаттирар эди. Бу босқичнинг муддати 2-5 йил эди. 2-босқичда олий даражада маълумот олинар эди. Муддати 20 йилгача эди.

Юқорида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар Қўқон хонлигида санъатга ҳам таъсир кўрсатди. Бу таъсир натижасида бу ерда ҳам адабиётнинг 2-қисми яъни демократик ва феодал-клерикал оқимидир. Демократик адабиёт намоёндалари сифатида Ғозий, Ҳозик, Нодири, Маҳзуна, Увайсий каби замонасининг ажойиб шоиру-шоираларини кўрсатиш мумкин. Бироқ, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, тақдир тақозоси билан мамлакатимиз ҳудудида вужудга келган сулола вакиллариининг айби билан бойлик, ер, юрт ва тахт талашиб доимий равишда бир-бирлари билан тўхтовсиз урушлар олиб борди. Бу ўз навбатида мамлакат халқ бошига сон-саноксиз кулфатлар келтирди.

Шундай қилиб, Марказий Осиёда тарих тақозоси билан вужудга келган уч хонликдаги ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида гапирар эканмиз, шу нарсага эътиборни қаратишимиз керакки, энг аввало ҳар уччала хонлик ҳам ўша даврдаги ҳукмрон синфлар манфаатини ҳимоя қилишга тўла бўйсундирилган эдики, бу навбатида ўлкада иқтисодий, маданий ва ҳарбий соҳада ночорликни келтириб чиқарди. Бундан фойдаланган Чор Россияси ўлкани босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантирди.

10-Мавзу: Ўзбек хонликларининг Россия империяси тамонидан босиб олинishi. Мустамлакачилик зулмига қарши миллий озодлик ҳаракати. Жаҳидчилик. (2соат)

- 1.XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва ўзаро муносабатлари.**
- 2.Россия империяси қўшинларининг Қўқон хонлиги ҳудудларига ҳужуми.**
- 3.Кауфманнинг Бухорога юриши. Зирабулоқ ёнидаги жанг.Бухоронинг Россия вассалига айлантирилиши.**
- 4. Кауфманнинг Хива хонлигига юриши. Гандимиён шартномаси.**
- 5.Россия империясининг ўлкамиздаги мустамлакачилик сиёсати. Туркистонда иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда ҳукмронликни ўрнатиш тадбирлари.**
- 6. Жаидчилик ҳаракатининг юзага келиши. Унинг атоқли вакиллари.**
- 7. Биринчи жаҳон урушининг ўлка ҳаётига таъсири.**

1.XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва ўзаро муносабатлари.

Ўзбек хонликлари ҳаёти ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қолоқлик, тургунлик сезиларли даражада эди. Бу бир қатор омиллар билан боғлиқ эди. Асрлар давомида бир бутун бўлиб қолган мамлакатнинг ягона иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган аҳолининг учга бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги урушлар, ҳар бир хонлик ичидаги феодал тарқоқлик ва ўзаро ҳокимият учун тинимсиз давом этган ички низо, жанжаллар бутун мамлакатни вайрон қилди. Ўзаро урушлар қабилалар кўчишларини келтириб чиқарди. Бу жараён этник можароларни келтириб чиқарар эди.

Аҳоли бек ва хонларнинг амалдору-мансабдорларнинг зуравонлигидан азоб чекар эди. Турмуш даражаси паст бўлиб, аҳоли ўзи учун энг зарур бўлган нарсаларни ҳам харид қила олмас эди. Асосий бойлик бўлган ерга мулкчиликнинг эски усули ҳали ҳам ўзгармасдан келар эди. Хонликларда ҳукмдор ернинг бирдан-бир эгаси бўлиб ерда ишловчи дехқонларга ер ижара тарзида бириктирилган эди. Дехқон ер эгаси эмас етиштирилган ҳосилнинг эгаси эди. Шу сабабли ҳам у ерни асраб-авайлашга интиلمас эди, Дехқончилик ночор аҳволда эди. Ерга ишлов бериш ўша бир жуфт хўкиз, омон тарзида қилиб кетган эди. Ирригация ишларига аҳамият пасайиб суғориладиган ерлар қисқариб борар эди.

Хонликларда саноат ишлари, товар-пул муносабатлари ривожланмади. Савдо муносабатлари ҳамон айирбошлаш тарзида эди. Ўрта Осиё жаҳон бозоридан ажралиб қолган, устига устак ички бозор ҳам ташкил топмаган эди. Ўзбек хонликларидаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, иқтисодий ва ҳарбий ночорлик қўшни мамлакатларни уни ўз тассаруфига киритиш учун қўл келди (айниқса Россия учун). Ва бу нарса оҳир оқибатда бу ўлкаларни Россия томонидан босиб олиниши билан якунланди.

2.Россия империяси қўшинларининг Қўқон хонлиги ҳудудларига ҳужуми.

XIX асрнинг Ўрталарида мустамлакачи икки йирик империя, яъни Англия ва Россия давлатларининг манфаатлари Туркистонда тукнашди. Россия сиёсатчилари Туркистон халқлари ўз холига ташлаб қуйилса, тез орада Британия ҳокимиятининг Марказий Осиёнинг ва кейинроқ Каспий денгизининг Шарқий томонларини эгаллаб олишидан хавфсирар эди.

XIX асрда Буюк Британия ўз тасарруфидаги Хиндистон ва Афғонистон орқали хонликлар билан савдо-сотиқ ва дипломатик алоқалар олиб борар эди. Айни пайтда Туркистонни рус чоризми босиб олишидан хавфсирамоқда эди. Шарқ сиёсатида инглизлар Россиянинг чегаралари Афғонистонгача етиб келмаслигини истар эдилар. Хеч бўлмаганда хонликлар икки давлат Ўртасидаги бетараф майдон бўлиб қолиши лозим эди.

Англиянинг асосий мақсади хонликларни босиб олишга чоғланаётган Россиянинг режаларини барбод қилиб, учала хонлиқни ўнга қарши бир куч бўлиб бирлаштиришдан иборат эди. Бу мақсади амалга ошгач, унинг Марказий Осиё бозорларини эгаллаш режаси ҳам йўқ эмас эди. Бу ишларни амалга ошириш учун Англия ҳукумати 1841-1842 йилларда Стоддарт ва Конолини хонликларга махсус миссияни бажариш учун жунатиб юборди. Қўқон ва Хива хонлари уларнинг таклифига кунди, ҳарбий кучларни бирлаштиришга рози бўлди.

Аммо Бухоро амири Насруллохон инглиз элчиларини қатл қилди. Бу иши билан у чор Россияси мустамлакачилик сиртмоғининг ташлашига имконият яратиб берди. Россия бу имкониятдан фойдаланишга киришиб, 1853 йилда Окмачитни эгаллаб олди.

Шунда ҳам инглизлар хонликларга ердам бериш йулларини кидирдилар. Замонавий туп қуювчи муҳандислардан бирига Мустафо исмини бериб Қўқонга жунатди. Хиндистонлик туркий сипоҳларга кўнгилли бўлиб, Қўқонга келишларига рухсат беради. 1858 йил март ойида Англия парламенти Хиндистонда мустамлакалаштириш ва Туркистонда савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадида махсус кумита таъсис этди. Бунинг оқибатида инглиз савдогарлари турли махсулотлар билан хонликларга келиб турди. Улар тобора Россия савдогарларига ҳафвли ракобатчи була бордилар. Бу тадбирлар Россия ҳукуматини ташвишлантирди. Хукмрон ва ҳарбий доиралар подшо ҳукуматини босиб олишга ундай бошладилар. Шунингдек, инглиз жосусларининг хонликларда пайдо бўлаётганлиги ошкор бўлгач, хонликлар ҳудудларини бирин-кетин босиб олишга изн берилди. Дастлабки ҳарбий ҳаракатлар Қўқон хонлигига қаратилди.

60-йиллардан бошлаб Россия чоризми Марказий Осиёдаги миллий мустақил давлат Қўқон хонлигига қарши босқинчилик ҳаракатини фаол олиб борди. Бу ҳаракатлар борган сари кенг миқёсли урушга айланди. Қўқон хонлиги дахшатли ёв билан яккама-якка кураш олиб борди. Босқинчи ёв замонавий қурол-аслаҳага эга бўлиб, уларга Европанинг катта урушларида тажриба ортирган генераллар раҳбарлик қилдилар. Улар босқинчиликда катта маҳоратга эга эдилар. Дастлаб генерал Перовскийнинг қўшини 1853 йили шиддат билан Қўқон хонлиги қалъаси бўлган Окмачитни эгаллаш учун

юриш бошлади. Қалъа химояси 20 кун давом этди. Босқинчилар кудратли 17 туп ва жанговор икки ярим мингга яқин кишилиқ отрядлари билан тинимсиз хужум қилиб турдилар.

Босқинчилар қалъага зарбани артиллерия билан берди ва уни вайрон қилиб ташлади. Замонавий қурол-яроғи туфайли улар кам талофот кўрди.

Чоризмнинг энг ёвуз ҳаракатларидан бири шу бўлдики, у Марказий Осиё худудида кон-кариндош бўлиб яшаб келатган козоклар, қирғизлар, туркманлар, ўзбеклар ва тожиклар орасида низо уруғини сочди.

1859 йили подшо Александр II нинг ўзи шахсан иштирок этган сарой кенгашида ҳарбий вазир Долгоруков, граф Перовский ва Госфордлар ҳам катнашдилар. Кенгашда Туркистон ерларини босиб олишни кўчайтириш, Қўқон хонлигини бир ёғлиқ қилиш масаласи қурилган эди.

Босиб олишига қаршилиқ қурсатган қалъа ва шаҳарларга омонлиқ бермай, янчиб ташлаш, аёвсиз қирғин қилиш ғоялари ҳам ҳаракатдаги армия кўмонларидан чиқди.

1860 йил 29 августда полковник Циммерман кўмондонлигидаги отряд Пишпекка хужум қилди. Қалъа химоячилари 4 сентябрғача ўзларини мардонавор химоя қилдилар. Қалъа тамомила ёндирилиб, ер билан яксон этилди.

1861 йил 21 июнда подшо иштирокидаги кенгаш Қўқон хонлигини бир ёқлиқ қилиш ҳақида яна бир бор қарор қилди. Бу кўрсатма асосида хонлиқ ичкарасига яна кириб бориш, бирин-кетин шаҳар, вилоятлар ва қалъаларни тухтовсиз забт этишга киришилди. 1862 йил майида рус қўшини Оксув, Пиштепа ва Чолдевор қалъаларини босиб олди.

1864 йил 1 майда Вернийдан йулга чиққан генерал Черняев отряди Қўқонликларнинг чекинишга мажбур қилди. 4 июлда Авлиеотани жанг билан олди. Сўнгра Черняев отряди Чимкентга йул олди. 1864 йилда Перовский портидан йулга чиққан полковник Верекин отряди Туркистон шаҳри томон юриш қилди.

Полковник Верекин генерал Черняевдан ёрдам олиб, Туркистон шаҳрини 12 июнда босиб олди. Сўнгра чоризм армияси Чимкентга йул олди. Ўнга генерал Черняев кўмондонлиқ қилди. Олимкул бошчилигидаги сарбозлар чор қўшинларининг дастлабки хужумини тухтатдигина эмас, балки қарши зарба ҳам бердилар. Черняев сафдоши полковник Верёвкиндан ёрдам суради. У Черняевга капитан Мейер бошчилигидаги отрядни жунатди.

Генерал Черняев Олимкул зарбасидан аламзада бўлиб, кузгача ўз қўшинларини туплаб, катта хужумга тайергарлиқ бошлаб юборди.

1864 йил сентябрь ойининг бошларида энг дахшатли жанглардан бири Чимкент остонасида бошланиб кетди. Туркистон томонидан қилинган хужумга генерал Черняев ўзи, Авлиеота томонидан қилинган хужумга эса подполковник Лерхе бошчилиқ қилади. Шаҳар узок вақт аёвсиз тўпга тугилди. Чимкент вайронага айлантирилгач, пиёдалар хужумга утди. Аёвсиз қирғинлар билан Чимкент шаҳрига 22 сентябрда ёриб кирилди.

Чимкент қўлдан кетгач, Қўқон хонлигининг энг йирик шаҳри Тошкентга йул очилди. Тошкентга юриш ҳаракатлари 1864 йил 27 сентябрда

бошланди. У 4 октябрда шаҳарга етиб келди ва хужумни дарҳол бошлаб юборди. Тошкентликлар оёкқа туриб душманни шаҳарга киритмаслик чорасини кўрдилар. Генерал Черняев шаҳар мудофаачиларини қаршилигига учраб, хужумни тухтатишга мажбур бўлди ва Чимкентга қайтиб кетди.

1865 йилда Сирдарё ва янги Қўқон йўналишлари туфайли Тошкент бусағаларигача эгалланган ҳудудларда Тошкент вилояти ташкил қилиниб, у ерларга Оренбург генерал губернаторлигига бўйсундирилди. Генерал Черняев губернатор қилиб тайинланди.

Черняев 1865 йил 3 февралда Россия ҳарбий вазиридан хат олди. "Қушимча ҳарбий кучлар ёрдамга етиб боргунга қадар ҳеч қандай ҳарбий ҳаракат тадбирини қурмасдан, Қўқон хонлигидан норози Тошкент аҳли билан алоқа боғлаб туришингиз ҳақида император жаноби олийлари буйруқ беришни лозим топдилар".

Мансаб ва унвонга ҳаддан ташқари учган генерал Черняев юқоридан келган буйруқларга амал қилмай, мустақил ҳаракатлар қила бошлади. Мулла Олимкулдан норози бўлган Тошкентлик катта мансабдор Абдурахмонбек хоинлик қилди ва генерал Черняевни Ниёзбек қалъасини олишга ундади. Тошкентни сув билан таъминлаб турган бош манба шу ердан ўтар эди. Черняев Ниёзбек қалъасини эгаллаб олди. Тошкент аҳли дарҳол Қўқондан ёрдам юборишларини сурайди. Бундан дарғазаб бўлган генерал Черняев бутун қўшини билан Тошкент шаҳри остонасида пайдо бўлди.

Тошкентликларга ёрдам бериш учун саркарда Олимкул Тошкентга етиб келди ва мудофаани ташкил қилишга киришди.

Генерал Черняев асосий хужумни жанубдан, яъни Камолон дарвозаси томонидан бошлайди. Чунки у Бухоро амири қўшинлари ҳам Тошкентга кириши мумкинлигинидан хавфсиради. Хужум бошлангунига қадар Олимкул ўз қўшинларини шаҳардан ташқарига олиб чиқди. Сарбозларини бир неча отрядларга бўлиб, 36 иборат артиллериясини муҳим йўналишларга жойлаштирди.

Нихоят, 1865 йил 9 май куни икки томон кучлари тўқнашди. Рус қўшинлари босар-тусарини билмай кенг ва чуқур Салор ариғидан ўтиб, тупларнинг қаттиқ химоясида шаҳарга яқинлашиб келавердилар. Олимкул бошчилигидаги қўшин қарши чиқиб, уларнинг йўлини тўсиб қўйди.

Шундай дахшатли жанг қизиқ кетдики, еру-кук ларзага келди. Бутун осмон чанг билан қопланди. Одамлар қаерда-ю, қуроллар қаерда эканлигини ажратиш мумкин бўлмай қолди. Нихоят, Тошкентликлар тоб беролмай енгилиб коча бошладилар. Ҳамма саросимага тушиб турган пайтда Олимкулга ўқ тегиб йиқилди. У сафдан чиққач, Худоёрхоннинг қариндоши Султон Мирсаид амир лашкарбоши вазифасини ўз зиммасига олди. Олимкулнинг ўлиmidан сўнг Тошкентликлар Бухоро амирига мурожаат қилиб ёрдам сурайди. Аммо амир рад жавобини беради.

Бу пайтда Черняев Бухорога борадиган йўللарни ҳам тўсиб қўйди. Сўнгра Тошкентга сўнгги хужумни бошлади. Шаҳар аҳолиси қаттиқ қаршилик қурсатишни давом этди. Хар маҳалла, уй жанг майдонига айлана борди. Айниқса, Киёт маҳалласининг жангчилари қахрамона қурашдилар.

Абдурахмон ясовул бошчилигидаги кўнгиллилар гуруҳи кун буйи душман хужумини дафъ этиб турди. Нихоят Тошкентликлар бу уруш катта вайронагарчилик ва қурбонликлар беришга айланиб кетаётганлиги ҳамда вазиятни ўнглаб бўлмасликни назарда тутиб, мўзокара бошлашга мажбур бўлдилар. 1865 йил 17 июнда мўзокаралар бошланди. Черняев шаҳарнинг Ҳақимхужа Кози Калон, Абулкосим Эшон, Домла Солиқбек Охун каби кишилар билан суҳбат ўтказди. Икки томон ахдномага имзо чекди. Черняев ўз ҳаракатларини ҳокимият олдида оклаш учун оксоқоллардан гуё Тошкент ихтиёрий равишда рус қўшинига бўйсунганлиги ҳақида хат уюштириб беришни талаб қилди. Черняев сохта ахдномани тўлдиришни Абдусаттор Қорабош ўғлига топширади. Сўнгра шаҳар катталарининг барчасига мажбурий равишда қўл қуйдирилиб муҳр бостирилади.

Тошкентни забт этган чор зобит ва солдатлари учун катта унвонлар тақдим қилинади. Черняевга катта маош билан нафақа тайинланиб, олтин қилич совға қилинади. Сохта ахдномани Ватан хоинлари Черняев буйруғи билан Санкт-Петербургга олиб кетишди. Шу тариқа Тошкент рус чоризми қўлига ўтди. Тошкентнинг тақдири Россия фойдасига ҳал этилгач, Оренбург генерал губернатори Крижановский 1865 йил кўзда Тошкентга етиб келди. У Тошкентни Қўқон ва Бухоро таъсиридан мутлоқо ҳалос қилиш чораларини куриб, уни мустақил ўлка деб эълон қилди. Бу пайтда Қўқон ва Бухоро уруш ҳолатида эди. Бухоро амири қўшинлари Хужанддан Қўқон хонлигининг ичкарасига кириб борарди. Амир йул-йулакай Тошкент муаммосини ҳал қилиши ва уни ўзига қушиб олиш учун рус қўмондонларига шаҳарни топширишни талаб қилди. Лекин генерал Черняев ўрнига тайинланган янги қўмондон Романовский Бухоро амири талабини бажармади. Талаблари бажарилмаган амир Тошкент томон йулга отланди. Аммо Хўжанд яқинидаги Иржар қишлоқи олдида рус қўшинлари томонидан тор-мор этилди. 1868 йил 24 майда босқинчилар Хужандни босиб олдилар.

Генерал Романовский ҳарбий вазирга юборган "Марказий Осиё чегарасидаги ишларнинг аҳволи тугрисида"ги мактубида амирнинг уруш ҳаракатларини давом эттиришга тайёрланаётганлиги ҳақида хабар қилди.

1866 йилнинг бошларида Жиззахга хужум қилинди. Аммо Жиззахликлар шаҳарни қаттиқ химоя қилдилар. Душман орқага қайтишга мажбур бўлди. 1868 йил октябрь ойида босқинчилар яна Жиззах шаҳрига хужум қилдилар. Бу жанг дахшатли бўлди. Душман ҳарбий қуролларининг устунлиги туфайли Жиззахликлар 18 октябрда таслим бўлдилар. Ҳарбий ҳаракатлар яна давом қилдирилиб, Уратепа, Янги Қўргон истехкомлари ҳам ишғол этилди. Рус қўшинлари Бухоро амирлигининг бир қисмини эгаллаб, уни Қўқон хонлиги чегараларидан ажратиб ташлади.

3.Кауфманнинг Бухорога юриши. Зирабулоқ ёнидаги жанг. Бухоронинг Россия вассалига айлантирилиши.

1867 йил 17 июнда Россия императори Александр II Туркистон ҳарбий округини таъсис этиш ҳамда Марказий Осиёдан босиб олиниб,

Россия таркибига киритилган хуудлардан иборат Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилиш тугрисида фармон берди. Округ қўмондони ва генерал губернатори килиб генерал-адъютант фон-Кауфман тайинланди. Фон Кауфман ўзига берилган катта ваколатлар асосида Бухорога қарши уруш ҳаракатлари кенг куламда бошлаб юборди.

1868 йил 1 майда 8300 кишилиқ рус қўшини (16 туپ билан) Самарқанд шаҳри остонасидаги Чўпонота тепалигида амир қўшинини мағлубиятга учратди ва 2-майда Самарқандга кириб келди. Сохибқирон пойтахти сифатида дунёга ном чиқарган, мусулмон оламининг йирик маданият марказларидан бирининг ғайридин ёғийлар томонидан босиб олиниши катта йўқотиш бўлди. Ундан бутун ислом олами ларзага келди. Амир Музаффарнинг обрўси мусулмон оламида тушиб кетди. Чунки, Самарқанд шаҳри амирликнинг йирик иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий таянч шаҳарларидан эди. Амир қўшинлари христиан дунёсига мансуб ёвларнинг салб юришини тўхтата олмадилар. Натижада чор қўшинлари амирлик хуудидидаги янада чуқурроқ ёриб киришда давом қилдилар.

Тугри, катта мағлубиятларни тўхтатиш ва қасос олиш амир Музаффар ўзининг асосий кучларини Зирабулоқда тўплаб зарба беришни режалаштирди. Бу ерда амир 15минг отлиқ, 6 минг пиёда 14 та тўпларини йиғди. У жанг олдидан қўшинига зафар тилаб, Она юрт учун кофир босқинчиларга қарши жангга киришга мурожат қилди. Жангни Ғалаба билан тугаллаган сарбозларига мухорабадан сўнг 125 минг тилла пулни бўлиб беришини ваъда қилди. Аммо оғир жангда амир қўшини мағлубиятга учради. Амир Кизилкум ичкарасига кочди. Бу ваҳимали хабардан амирлик Аҳолиси ларзага келди, норозилик кўчайди. Нихоят, у Қўзғалонга айланиб кетди. Энди амирликнинг турли томонидан халқ оқими Самарқанд томонга оқа бошлади. Қарши, Шахрисабз ва Китоб бекларидан кучлар келиб Самарқандга урнашиб олган рус гарнизонига қарши жанг бошлади. 1868 йил 8 июнда Фон-Кауфман бу хабарни эшитиб зудлик билан Самарқанд шаҳрига қайтади. Унинг қўшини Самарқандни камал қилаётган халқ ҳаракати отрядларини тўзғитиб юборди. Шаҳар аёвсиз жазоланди, ҳеч кимга омонлик берилмади. Аммо босқинчилар ҳам катта талофот кўради. Улардан 275 киши улди ва ярадор бўлди. Генерал-губернатор фон Кауфман Самарқанддаги бу талофотни "катта йўқотиш" деб тан олишга мажбур бўлган эди. Ғалабадан бутунлай умидини ўзган амир Музаффар таслим бўлиб, хажга кетишини режалаштира бошлайди. Бироқ амалдорлар уни сулҳ тузишга ундайдилар. Нихоят, у бу таклифга кунади. 1868 йил 23 июнда амирнинг элчилари Самарқандда турган фон-Кауфман хузурига келадилар. Фон-Кауфман Самарқанд, Каттакўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмини Россияга беришни ва 500 минг сўм миқдорида товон тулашни шарт килиб қуйди. Сулҳига кўра, Бухоро амири чет давлатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум қилинди, рус савдогарлари учун монесиз савдосотиқ қилиш мажбурияти юклатилди. Амир россияга сиёсий тобелигини тўла тан олди.

Амир таслим булгач, халқ ҳаракати яна авж олиб кетди. Ватанпарвар кучлар ундан қаттиқ норози бўлдилар. Хатто амирнинг катта ўғли Абдумалик ҳам отасининг таслимчилик сиёсатини мақулламади. Унинг атрофига нуфўзли беклар бирлашиб, рус мустамлакачилари ва Музаффархонга қарши кураш бошлаб юбордилар. Улар амирнинг тахтдан махрум этилганлигини ва ўрнига Абдумаликни хон қилиб кутарганликларини эълон қилишди. Натижада амир Музаффарнинг аҳволи оғирлашди. Ота ва ўғил қўшинлари ўртасида Самарқанднинг Жом қишлоғида жанг бўлди. Жангда амир енгилди.

Сўнгра кутарилган Қўзғалонларни енга олмаслигига ишонч ҳосил қилган амир 1869 йилнинг кўзида ёрдам сураб фон Кауфманга мурожаат қилди. Бу вақтга келиб Абдумалик анча катта кучларни туплаб улгурган эди. Китоб беги Жўрабек, Шахрисабз ҳокими Бобобек ва машхур Султон Содиқлар шахзоданинг энг ишончли саркардаларидан эдилар. Айникса, руслар учун Султон Содиқ хавфли рақибга айланган бўлиб, у онгли ҳаётининг асосий даврини рус босқинчиларига қарши курашга бағишлаган мард лашкар боши эди. Хатто, Зирабулок жанггида амир қўшини коча бошлаганда ҳам у улим билан олишиб, майдонни оҳирги укини отмагунча тарк этмади. Сўнгра амир таслим булгач, у Журабек ва Бобобекларнинг сафига келиб қушилди. Уларни тор-мор келтириш учун Кауфман генерал Абрамовни тиш-тирногига қуролланган армия билан таъминлаб, ватанпарвар саркардалар устига ташлади. Замонавий кучлар билан қуролланган Абрамов Қўзғалончиларнинг кучларини тўзгитиб юборди. Мағлубиятга учраган Қўзғалончилар енгилиб, турли томонларга бош олиб кетдилар. Султон Содиқ ўз отряди билан чекиниб, Қизилқум орқали Хива хонлиги ҳудудига ўтиб кетди. Шу тариқа Бухоро Россиянинг ярим мустамлакасига айланди.

4. Кауфманнинг Хива хонлигига юриши. Гандимиён шартномаси.

Чор Россиясининг хонликларни алоҳида тор-мор этиш йулидан унумли фойдаланди. Хонликларнинг ўзаро келиша олмаганлиги босқинчиларга қўл келган эди. 1839 йилда граф Перовский катта қўшин билан Хивага қарши отланди. Бирок Хива сарбозларининг тинимсиз хужумлари ва киш шароитидаги мураккаб вазият туфайли у устюрт орқали чекинишга мажбур бўлди. Бу қўшин тақдирига ҳам дахшатли фожеа соломаси битилди.

Бу воқеалар Хива хонлиги ҳақида Россия ҳукмдорлари орасида турли шов-шувларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Натижада Россия сиёсий-ҳарбий доиралари Хивани "бўйсунмаган Ўрта Осиё жазоир" деб атаб бошладилар. (Маълумки, Жазоир халқи Француз босқинчи мустамлакачиларига қарши ўзок вақт мобайни да миллий озодлик уруши олиб борган эди). Шуларни назарда тутиб Чор Россияси Хивани эгаллаш учун жуда катта ҳарбий ва иқтисодий захира кучлар ажратди. Чор Россияси армияларининг юқорида қайд этилган ўлкан мағлубиятлари сабаблари жиддий ўрганилди. Ҳарбий режалар жуда пишиқ ва пухта ишлаб чиқилди.

Бунинг устига Россия Қўкон ва Бухорони ўзига тобе қилгандан сўнг Хива хонлиги унинг учта ҳарбий округи-ғарбда Кавказ, шимолда Оренбург ва Шарқда Туркистон ҳарбий округлари қуршовида қолди. Бундан ташқари "Орол" ҳарбий флотилияси кўчайтирилиб, уруш бошланиши билан ҳарбий кемалар Амударё юқори оқими томон сузиб, Хива хонлигига десант тушириши лозим эди. Бу жанговар кемаларнинг капитанлари катта денгиз жангларида чиниккан зобитлар эдилар.

Хивага хужум қилишдан аввал катта жосуслик ишлари олиб борилди. Хужум йўналишлари аниқ белгиланди. Зарур бўлган ҳудудлар ҳарбий-топографик жиҳатдан хариталаштирилди. Хива хонлигини босиб олиш учун жами 12000 дан ортиқ солдат ва зобитлар, 56 та туп-замбараклар ажратилди.

Хива йўналишидаги барча ҳарбий кучларнинг бош қўмондони қилиб фон-Кауфман тайинланди. 1873 йилнинг баҳорида унинг буйруғи билан барча қўшинлар Хива чегараларини бўзиб ўтиб, олдиндан келишилган режага мувофиқ босқинчилик урушини бошлаб юбордилар. Бу ҳаракатларда номларини халқларимиз нафрат ва даҳшат билан тилга оладиган саркарда-генераллардан Головачёв, Скобелев, Верёвкин, Столетевлар ҳам жазо отрядлари бошликлари сифатида иштирок этдилар.

Хива хонлигига уруш эълон қилинишининг асосий сабабларидан бири Муҳаммад Раҳимхон II нинг фон-Кауфман қўйган талабларни бажармаганлигида эди. Бу талаблар туркман ва козоклар томонидан кулга туширилган рус фуқароларининг кул қилиб сотилганларини озод қилиб юбориш тугрисида эди. Гарчи бу талаблар бажарилган тақдирда ҳам Хива хонлигининг тақдири Петербург саройида ҳал қилиб қўйилганди. Демак, генерал-губернатор фон Кауфман талабининг бажарилмаганлиги бу бир бахона эди, ҳолос.

Хива сарҳадларидаги соқчилар рус босқинчилари катта қўшин билан Хивага юриш бошлаганлиги хабарини Муҳаммад Раҳимхонга етказдилар. Хон катта кенгаш чақириб, унда душман хужумини қайтариш чораларини куриб чиқди. У Чоржуй тарафдан келиб, Амударё ўнг соҳилидаги кечув жойини мўлжаллаб ҳаракат қилаётган фон Кауфман йулини тўсиш учун Муҳаммадмурод девонбегини дарё томонга юборди. Кўнғирот тарафга келаётган генерал Верёвкин отрядини тухтатиш учун эса Элтўзар инокни жўнатди. Ўнга Ёвмут ва Хоразм йигитларидан ташкил қилинган 6000 сарбозлардан иборат қисмни ҳам қушиб берди.

Девонбегининг сарбозлари билан фон Кауфманга қарашли генерал Ивановнинг отряди ўртасида Уч Учокда биринчи бор тўқнашув бўлди. Иккала томондан ҳам катта талофотлар кўрилди. Одамқирилган деган жойда Хоразм лашкарлари фон Кауфманнинг солдатларидан анчасини қириб ташлади. Бу тўқнашувда кухна Урганчлик уста Пирниёз деган баходир йигит мардлик кўрсатиб жангда ҳалок бўлди. Кауфман Хоразм лашкарларининг хужумини артилерия ёрдамида қайтарди ва уларни чекинишга мажбур қилди. Хоразм лашкари дарёнинг чап соҳилига кечиб ўтишга мажбур бўлди.

Фон Кауфман озик-овқат захираси тамом бўлаётганлиги сабабли овул, қишлоқ, қалъалар аҳолисига ўз махсулотларини арзон-гаровга сотиш ҳақида

буйрук берди. Бўнга ким қарши турса уни киргин қилиш, талон-тарож этишга рухсат берилди. Фон Кауфманни ўз даврининг йирик тарихчиси, Хива хонлигининг забот этилишини ўз кўзи билан курган Муҳаммад Юсуф Баёний "Шажарайи Хоразмшоҳий" асарида бундай деб таърифлайди: "Кауфман хавфга тушиб 300 солдат, 250 козок отлисига Чоркуфскини бош этиб эл ораларига юбориб козок отлини тарожга маъмур этиб деди: Аробага маълумот юклаб, аскар тарафига келатургони булса, матосининг баҳосини бериб олинглар, вагарна, торож этинглар. Талон-тарож этиб озик-овкат туплаш оддий ходисага айланди".

1873 йил 18 май куни фон Кауфман отрядлари Амударёдан кечиб ўтиб, 23 май куни Хазорас II калъасини босиб олди. Бу вақтда генерал Веревкиннинг ҳарбий қисми Кўнғирот остоналарига яқинлашиб келди. Бундан хабар топган шаҳар бийлари ва оксоқолу ҳокими (Хабниъзбий, Сайидбий, Тожимуродбий, Конирғали, Мансурбийлар) унинг ҳўзурига вакил юбориб: "Хонимиздан рухсат ва қурол-яроғ келгунча тўқнашмай туришни илтимос қилишди". Аммо Веревкин бундан хурсанд бўлиб шаҳарни тўпга туттириб, ўнга бостириб кирди. Шаҳар таланди. Сўнгра Хужайли шаҳри ҳам кўлга киритилди. Кейин рус аскарлари Манғит калъаси тарафга отландилар. Манғит ва унинг атрофидаги овуллар дахшатли тарзда киргин килинди. Муҳаммад Юсуф баёнийнинг асарида бу воқеа шундай баён килинган: "Чун (рус қўшини-муаллифлар) Манкит Ёвукида бир улуг ов балиққа (Катта Овул-муаллифлар) келдилар Веревкин буюрди. Россия аскарлари ул овбага хужум этиб, Аҳолини эркагу-хотин ва ёшу қарига қарамай қатлиом этиб ондин сўнг уялаб ул овбани ер билан яксон этилар. Онджин сўнг муниги била ҳам қаноат этмай, Мантик калъасига ҳақим бурунрок Аҳолиси келиб, калъани русияга таслим этиб, ҳамон тотиб қайтиб эрдилар, хужум этиб кириб эркагу хотун ва қарийу йигит ва аёлу атфолдан бешиқдаги углонларгача кириб, қатл этелиб, иту эшак ва ҳар турлук жондор йуликса ҳам отар эдилар. Чун жондор қуймай кириб тамом этдилар, шаҳарни утлаб чиқиб кетдилар".

Бу босқинчилар томонидан содир этилган, аёвсизлиги жиҳатдан фашизмдан асло қолишмайдиган дахшатли ваҳшийлик эди. Бундай ваҳшийликни Африкадаги европалик мустамлақачилар ҳам қилишмаган эди.

Муҳаммад Раҳимхон Хивани ихтиёридаги мавжуд қуч билан мудофа қилиб булмаслигига кўзи етиб, Измикшур тарафдаги турк ман овулига бориб яширинди. Бундан фойдаланган Отажон тура хон номидан фон Кауфмандан Хива шаҳрини вайрон этмаслигини сурайди. Аммо у ҳукумдор булмаганлиги учун Кауфман қочиб кетган Муҳаммад Раҳимхонни топишни талаб қилди ва мўзоқараларни фақат у билан олиб бориши мумкинлигини билдирди.

У Муҳаммад Раҳимхон ҳўзурига келгунча хон саройидаги барча ноёб бойликлар, Нодир қитобларни, хон ҳазинаси, тахти ва тожини Петербургга юбориш қораларини кўрди.

Хива забот этилгач, фон Кауфман унинг хонлик ҳазинаси ва асрий йигилган моддий маънавий бойликларни тортиб олди. У Хива шаҳрини тарк этиб, ўзига қароргоҳ сифатида Гандимиён қишлоқини танлади ва хоннинг

келишини шу ерда кутти нихоят Муҳаммад Раҳимхон анча вақт яширин ҳолатда юриб сўнгра Туркман сардорлари маслаҳати билан Измихшур овулини тарк этиб, фон Кауфман ҳузурига йўл олди.

1873 йилнинг 12 августидан Туркистон ҳукумдори фон Кауфмон билан Хива хони учрашдилар. Хоннинг кулига нотенг ва адолатсиз шартнома матни зардалик билан тўтказилди. Ғолиб ва босқинчи Кауфман ўз шартларини катъий куйди. Мағлуб ҳукмдор эса унинг айтганларини қабул қилди. Шартномага кўра Хива хони сиёсий ҳуқуқлардан, мустақил ташки сиёсат юритишдан маҳрум этилди. Хон ўзини рус подишосини итотли хизматқори деб тан олди. Хон ҳўзурида сарой амалдорлари рус қўмондонларидан иборот Девон (кенгаш) тўзилди. Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилидаги хонликка қарашли барча ерлар Россияга берилди. Рус савдогарлари ва санаотчилари хива хонлигида бож тулаш ва мажбуриятларни бажаришдан озод этилди. Улар эркин савдо қилиш ва корхоналар куриш ҳуқуқини олдилар. Рус фуқароларини Хива ҳудудида қозилар томонидан суд қилиш таъкикланди. Хонликка икки миллион икки юз минг доллар миқдорида контребуция солинди. Шу тариха Хива хонлиги Россиянинг вассалига айланди.

Подшо Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, бепаён ҳудудларга эга бўлди. У дунёнинг энг мустамлакачи мамлакатига айланди шунинг учун ҳам Ўша вақтда Россия тугрисида "улкан миқдордаги мулк ўғриси" деган ҳақ гаплар айтилган эди.

Россиянинг икки бошли бургут тасвири туширилган мудҳиш мустамлакачилик байроғи Болтик бўйларидан Кавказ чўққиларигача Украина даштларидан Ўрта Осиё кенгликлари ва ўзок Шарқ тизмалари қадар хилпираб турди. Чор Россияси Польша, Финляндия, Кавказ орти Бошқирдистон, Сибир ва Қалмоқлар юртини мустамлака асоратига солган салобатли ва шафқатсиз империя эди.

Санктпетербург ҳукумрон доиралари Буюк Британиянинг Хиндистондаги ва Франциянинг Тунис ҳамда Жазоирдаги мустамлака тартиблари тажрибаларини урганган ҳолда ўзларининг улардан тубдан фаркли, типик Русча мустамлакачилик тизимларини яратдилар. Уни Туркистонда зуравонлик йули билан амалга оширдилар. Россия империясининг Ўрта Осиёдаги тартиблари Польша, Финляндия, ва Кавказдагидан ҳам тафовутли хусусиятга эга эди. Бу хусусият маҳаллий халқларга мутлоқо ишонмаслик, уларга беписандларча қараш каби шовинистик руҳ ва кайфиятлардан иборат эди.

Туркистонда мустамлакачилик тизимини ва сиртмоғини маҳкам ушлаган генераллардан ўнлаб босқинчи саркардалар миллий давлатчилигимизни халқимиз хотирасидан учиритиш йулини тутдилар. Уларнинг Туркистондаги фаолиятини ёвўзлик саҳифаси билан бошланиб, ёвўзлик саҳифаси билан ёпилади.

1868 йил 22 январда Кауфман ўз маърузасида русларнинг ҳукмронлик бақувват заминга эгалигини алоҳида таъкидлаб бу ҳукмронлик абадий бўлишини таъкидлади.

Ф.Гирс Туркистон ўлкасини бошқариш тартиби ҳақида тўзган қонун лойихасида аслзода рус зодаганлари, ҳарбийлари ва мус тамлака маъмуриятида ишлаб, бой тажриба ортирган амалдорлардан иборат Дашт комиссияси 1865-1867 Туркистон ўлкасида қандай мустамлака тўзимини урнатиш ҳақида императорга ўз мулохазалари битилган лойихани юборди. Рус императори Александр II бу лойихани "Ўрта Осиёдаги мулкларни ўзлаштириш бўйича Махсус Қўмита" диққатига ҳавола этди.

Россия империяси ҳарбий вазири граф Д.Милютин 1867 йилда Вазирлар Кумитасига Туркистон ўлкаси бошқарувига доир қонун лойихасини тақдим этди. Лойиха Россия тамонидан истило этилган Ёттисув ва Сирдарё вилоятларида Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этиш ва уни ҳарбий вазирлик ихтиёрига беришни назарда тутган эди. Вазирлар кумитаси фармойиши билан бу лойиха "тасдиқлангач" қонун тариқасида кучга киришини эълон қилди. Барча ташкилий, сиёсий, иқтисодий тадбирларни амалга ошириш шахсан генерал-губернатор ихтиёрига топширилди. Шу тариқа 1867 йилдан 1881 йилга қадар Туркистон халқлари тақдирини хал этиш генерал-губернатор Кауфман ихтиёрида бўлди.

Вилоятларда ҳарбий губернаторлар тайинланди. Улар шахсан рус императори томонидан тасдиқланар эди. Уезд бошликлари рус армияси полковниклари, участка престаллари эса капитан унвонидаги зобитлардан тайинланган. Волость бошқарувчилари, юзбоши-оқсақоллар, элликбошилар ва унбошилар эса сайлов асосида маҳаллий аҳоли вакилларида сайланган. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топган 1867 йили Туркистон ҳарбий округи ҳам юзага келди.

Россия империясининг ҳукмрон доиралари ички ишлар вазирининг "Туркистон ўлкасининг олий, ўрта ва қуйи бошқарувида кучли ҳокимият зарурки, улар ўз фаолиятларида тўла эркин булсинлар, маҳаллий аҳоли вакиллариининг розилигига муҳтож бўлмасинлар" деган фикрга тула қушилганлар шунинг учун ҳам генерал-губернаторлик марказий ўлка бошқаруви Туркистонда мутлоқ ҳоким бўлган.

Марказий ўлка бошқаруви генерал-губернаторлик ҳамда унинг Кенгаши ва маҳкамасидан иборат бўлган.

Туркистон генерал-губернатори ўз кўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштирган. Бир вақтнинг ўзида у подшо ноиби, ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Ёттисув казак қўшинлари қўмондони, бош миршаб, бош прокурор вазифаларини ҳам утаган. Генерал-губернаторнинг Россия императорига тоъбе Бухоро амири ва Хива ҳамда Афғанистон ва Қашқар билан муносабатини маҳкаманинг дипломатия қисми 1899 йилга қадар бошқарган. 1899 йилдан бошлаб бу вазифани бажариш учун генерал-губернатор ҳузурида дипломотик ишлар бўйича амалдорлик лавозими жорий қилинди. Маҳкама ихтиёрига Туркистон оммавий кутубхонаси, Тошкент музейи, Марказий архив, "Туркестанские ведомости" газетаси ва босмахонаси ҳам берилган эди.

Генерал-губернатор ўлка ҳаёти билан асосан маҳкама ҳужжатлари орқали танишган, шунинг учун ҳам бу идора Туркистон бошқарувида ғоят

муҳим рол уйнаган. Бундай хужжатларни губернаторга турли соҳа мутахассислари тайёрлаб беришган.

Туркистон генерал-губернаторлиги 90-йилларга келиб беш вилоятга булинди. Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Каспий орти вилоятларини рус армиясини генералларидан шахсан импараторнинг ўзи тайинлагани ҳарбий губернаторлар бошқарди. Улар ўзларида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини мужассамлаштирган.

Ҳарбий губернаторлар қошида Вилоят бошқармалари бўлиб, улар губерна бошқармаси ҳуқуқларига эга булишган. Вилоят ҳаётининг барча масалалари шу бошқармаларда куриб чиқилган.

Вилоятлар уезд ва волостьларга бўлиниб идора килинган. Уездлар бир неча участкаларга булинган.

5.Россия империясининг ўлкамиздаги мустанлакачилик сиёсати. Туркистонда иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда ҳукмронликни ўрнатиш тадбирлари.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши юқорида таъкидлаганимиздек, хонликлар ҳзларининг мустақилликларини бутунлай йўқотди. Шунинг учун ҳам хонликларнинг ҳеч қандай аралашувисиз 1881 йилда Россия-Эрон чегара конвенцияси, 1885-1887 йиллардаги мўзокаралар билан рус ва британ ҳукуматлари томонидан Афғанистон билан бўлган чегара, 1895 йилги мўзокаралар билан Помир чегаралари ҳозирги Ўрта Осиёнинг ўзил-кесил чегараси белгиланди. Шу билан амалда Россия Ўрта Осиё устидан иқтисодий-сиёсий жиҳатдан тасарруф қилиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Чунки, чегара конвенциясининг имзоланиши Россиянинг Ўрта Осиё ерларини босиб олинишини амалда халқаро миқёсда тан олиниши эди.

Аввало, шуни ҳам айтиш ўринлики, бу истило оқибатида ўлкада иқтисодий турмуш тартибга солинди, савдо йўллари хавфсизлиги таъминланди, муайян тартиб қарор топди, бу эса бутун территорияни ягона ҳўжалик бозори, ягона ишлаб чиқариш системасига бирлаштириш имконини берди. Шунингдек, ички низолар ва маҳаллий ҳокимларнинг муттасил жанжалларига, тартибсизликларига барҳам берилди.

Чор Россияси маъмурлари Ўрта Осиёнинг хом-ашё бойликларини ташиб кетиш, ўлкага рус капиталининг кириб келиши, бозорларини рус моллари билан тўлдириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан империяни боғлашда асосий восита темир йўл деб биларди. Темир йўл ўз даврининг замонавий алоқа воситаси ҳам эди. Рус маъмурлари қурган темир йўллар Ўрта Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан энг муҳим районларини кесиб ўтиши ва бирлаштириши лозим эди. 1880 йил ноябрида Закаспий темир йўл қурилиши бошланди. Бу темир йўл Қизил Арвот орқали Ашхобод ва Самарқандга етказилди. 1888 йил 15 майда бу ерга биринчи поезд келди. Йўлнинг бошланғич нуқтаси Ўзун-Ададан Красноводскийга олинди, бу 126 верстни ташкил этди. 1898 йили бир учи Марвдан жанубга Кушкага етказилди. Темир йўлнинг давоми Тошкент ва Андижонга 1895 йили бошланиб, 1899

йили ниҳоясига етказилди, 1915 йилда Жалолободга етказилди. Шу тариқа Ўрта Осиё темир йўлининг умумий ўзунлиги 1748 верстага етказилди.

Рус мустамлакачилик сиёсатининг иккинчи бир жиҳати Ўрта Осиё ерларига рус қишлоқларидан деқонларни кўчириш бўлди. 1868 йилдан 1882 йиллар давомида Еттисувда 25 минг аҳолиси бўлган 29 қишлоқ, Сирдарё вилоятида 1300 кишилик 19 қишлоқ ташкил этилди. 1891 йилда Россиянинг Европа қисмидаги каттагина ерларни қамраб олган қурғоқчилик русларни Ўрта Осиёга оммавий тарзда кўчиб келишга сабаб бўлди. Хонавайрон бўлган, ярим оч юрган кечаги рус деҳқонлари XX аср бошларига келиб, сотиб олган ерларида деҳқончилик билан шуғулланмай ерларни маҳаллий аҳолига ижарага бера бошлади.

1910 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 124 та рус қишлоғи бўлиб, буларда 70 мингга яқин аҳоли яшаган. Рус аҳолиси шаҳар аҳолиси билан бирга 200 мингдан кўпроқ кишини ташкил этган.

Россия тўқимачилиги ишлаб чиқаришининг ўсиб бораётган талабларини Америка пахтаси қондира олмаётганди, шунингдек олисдан хом-ашё олиб келиш жуда қимматга тушмоқда эди. Истилочилик ҳаракатларининг бирдан-бир мақсади арзон қишлоқ хўжалик хом-ашёсини етиштирадиган ерларни қўлга киритиш эди. Ўрта Осиё ерларини ўҳлга киритишлари биланоў рус мустамлакачиларининг асосий вазифаси ўлкада пахтачиликни ривожлантириш бўлди. Рус мустамлакачилари ипаксимон ва ингичка толали америка пахтасини эктира бошладилар. Тошкент яқинида уруғчилик - тажриба базаси ташкил этилиб, унда 1884 йилда маҳаллий ва америка пахта навлари чатиштирилиб, шундай бир нав яратилдики, ʻар иккала навадан ҳам яхшироқ нав вужудга келди. Янги нав пахта чигити 1884 йили 300 ботмон (1 ботмон тахминан 1 гектар ерга тўғри келадиган ўлчов бирлиги) ерга, 1886 йили 12 минг, 1890 йили 59 минг, 1909 йили 191 минг 1910 йилда эса 350 минг ботмон ерга экилди. Туркистон Россиянинг пахта мустақиллигини таъминлаб берди. 1907 йилнинг ўзида 5 миллион пуд (1 пуд 16 килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги) пахта толаси рус тўқимачилик саноати учун олиб кетилди.

Масаланинг иккинчи томони арзон пахта хом-ашёси жазавази савдогарлар, мансабдорлар, ҳарбий бошлиқлар, ҳокимиятга даҳлдор маъмурларни, кимники пули кўп бўлса, ўшани пахта экишга, ерларни сотиб олиб пахта эктиришга ундади.

Тошкент яқинида рус ишбилармон ва савдо фирмаларининг дастлабки пахта плантациялари пайдо бўлди. Беляковнинг 620 десятина (1 десятина бир гектарга яқин ер ўлчов бирлиги), Ярославль катта мануфактураси - 400, Тарсин - 200, ака-ука Никифоровларнинг 300 десятина ерда пахта плантациялари бор эди. Самарқанд областида энг йирик ширкатчи Мейеркортнинг 200 десятинага яқин, Фарғона областида Томич, Ўудрин фирмаси, Ярославль катта мануфактураси учун пахта етиштирарди. Туркистонда умумий ҳажми 4800 десятина бўлган майдондаги йирик плантацияда пахта етиштириб катта даромад олишаётган эди.

Пахта рус капиталини ҳам Ўрта Осиёга жалб этди. Пахтани етиштириш ва харид қилиш билан камида 30 та савдо шаҳобчалари шуғулланарди. Россиядаги энг йирик банклар - Рус-Осиё банки, Москва савдогарлар банки ва Давлат банки асосий қарз берувчи банклар эди. Бундан ташқари Полтава, Нижегород - Самарский ер банклари ҳам Туркистонда ўз бўлимларини очдилар.

Мустамлакачилик иқтисодий сиёсатининг муҳим жиҳатларидан яна бири рус капиталининг кириб келишидир. Туркистонга капитал пахта етиштириш ва сотиш бўйича йирик савдо-ишлаб чиқариш компаниялари орқали ҳам кириб келди. 1913 йилда “Бешбош” деган жуда катта пахта-ёғ ширкати тузилиб, у Туркистонда етиштириладиган пахтанинг 30 фоизидан кўпроғини харид қилар ва сотар, 80 минг тонна пахта толасини ташиб кетар ҳамда 160 тонна чигит тайёрларди. Унинг 29 та пахта заводи бор эди. Бу ширкат билан 30 та пахта заводи бўлиб, Фарғона водийсининг ҳзидагина 7-8 миллион пуд пахта харид ўилиб турган Водревлар савдо уйигина беллаша оларди ҳолос. Водревлар 1916 йилда Иваново-Вознесенск мануфактурасини ўхлға киритиб, тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқарадиган ғоят катта комбинатни яратиб, Фарғона пахта далалари, темир йўллари, пахта тозалаш заводлари ва Иваново тўқимачилик заводлари унинг таркибий қисми бўлиб қолди. Бу хусусида аввало шуни таъкидлаш ўринлики, Туркистонга савдо-саноатни кириб келиши яхши, ачинарли томони халқнинг миллий бойлиги Туркистонда қолмасдан Россияга оқиб кетмоқда эди. Маҳаллий аҳоли тобора қашшоқлашиб, ердан, мулкдан ажралиб, нон топиб ейиши учун боши оёган томонга кетаётганларнинг сони кўпайиб бормоқда эди. Бу Ўрта Осиё халқининг фожиаси эди. Бундай ҳолатни “прогрессив”ликка ёйган ҳар бир киши мутлақо адашади. Агарда ўлканинг миллий бойлиги ўзида қолиб, моддий фаровонлигига, турмуш шароитини яхшилаш манфаатларига хизмат қилса, унда бу масалага бошқачароқ ёндошиш мумкин.

Русларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши, уларнинг иқтисодий-сиёсати аввало маҳаллий бойларда мавжуд бўлган инсоф ва диёнатни батамом кўтариб юборди. Эксплуатацияни, юльчиликни энг жирканч шаклларини руслар маҳаллий бойларга ҳам ўргатдилар. Натижа нима бўлди? Руснинг мустамлакачилик тартиби Ўрта Осиё халқларига нима берди? Биринчидан, русларнинг Ўрта Осиёни босиб олган дастлабки даврига нисбатан XIX асрнинг 80-90-йилларига келиб, деҳқонлар оммасининг аксарият қисми қашшоқлашди. Иккинчидан, аниқроқ айтадиган бўлсак, рус ва маҳаллий бойлар, савдо-саноатчилари 1889-1890 йилларда Самарқанд уездигаги камбағалларнинг 15 минг десятина, Жиззах уездида 5 минг десятина ерини турли йўллар билан тортиб олган. Бу жараён Фарғона вилоятида бундан ҳам фожиалироқ кечган. А.Ф.Миддендорфнинг таъкидлашича, Фарғонада ерсиз қолган деҳқонларнинг сони 60 фоизга етган. Учинчидан, асрлар давомида ота-боболаридан қолган ерларни шу даражада кўп сотиш фақат чоризмнинг иқтисодий мустамлакачилик сиёсати оқибатида юзага келди. Тўртинчидан, ерсиз, нонсиз, сарсон-саргардон маҳаллий халқ оқими мустамлакачилик зулмининг маъсули. Бешинчидан, ҳеч қачон халқ бу даражада ўз

хукмдорларига нафрат билан карамаган. Бундай далилларни кўплаб келтиришга руснинг босқинчилик сиёсати ва унинг оқибатлари сабабчидир.

XIX асрнинг охирларида Туркистонда жуда кўп эски мактаблар ишлаб турди. Булар асосан бошланғич ва Ўрта ҳамда олий диний таълим берувчи маданий ўчоқлар эди. Эски мактабларда таълим нинг сифати мактабдор кўйган талаб ва унинг ўзининг ҳамда қўл остидагиларнинг тайёрлигига кўпроқ боғлиқ эди. Илғор домлалар диний таълим билан чегараланиб қолмасдан дунёвий таълим ҳам берарди. Ўқувчилар хат-саводини чиқаришар, ҳисобдан ҳам бир кадар дарс оларди. Мактабларда адабиёт, тарих, географик илмларга ҳам анча ўрин ажратилган. Эски мактабда камбағалларнинг болалари биринчи босқичдаги таълим тарбиядан сўнг ўқишни тамомлаган ҳисобланарди. Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари мактабдорлар қўлида яна саккиз йил шоғирд бўлиб, ўқишни давом эттирар эдилар.

Эски мактаб одатда кичик бўлиб, унда 10-15 нафар ўқувчи таҳсил олган. Лекин мадрасалар ўз ҳашаматлиги, жозибадорлиги билан алоҳида ажралиб турган.

Ўлканинг йирик шаҳарларида мадрасалар қурилиши давом этди. Улар одатда улуғворлиги билан ажралиб турар эди. Йирик мадрасалар олий таълим вазифасини бажариб, уларда бир неча муддарислар дарс берганлар.

Шаҳарларда баъзи бир муаллимларнинг рафиқалари ёки саводхон аёллар отинойилик қилганлар. Улар қизларнинг саводини чиқарганлар.

1897 йилда Андижон атрофида пахта заводи қошида дастлабки янги усул мактаби очилди. Шундан кейин бундай катта шаҳарларда ҳам мактаблар очила бошланди. Янги усул мактаблари ўз олдида қуйидаги вазифаларни қўйган:

1. Ёш авлодга ҳозирги замон ҳаётида керак бўладиган билимлар бериш;
2. Эски усул таълим мазмунига ёпишиб қолмасдан, замонавий таълим усуларини қўллаш:

тарбиялаш, сўнгра руслар билан маҳаллий халқларни аралаштириб юбориб, шу ерда Европача турмуш тарзининг ғалабасини тула таъминлашга интилди. 1880 йилда империя Давлат кегашиди Туркистондаги маҳаллий Аҳоли болаларини руслар билан биргаликда уқитиш масаласи кутарилиб, ўнга ҳарбий вазир генерал-адъюнан граф Мулютин, маориф вазири граф Толстойлар розилик беришди. Бу масалага яъни рус тузем мактабларини шу жабҳадан туриб хал қилишни Розинбах гайрат билан киришиб, у бошланғич мактаблар "рус тузем" мактаблари тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди.

1884 йилда Тошкентда биринчи рус тузем мактаби очилди. 1998-1999 йилларда шахсан генерал-губернаторнинг ташаббуси ва фаол иштироки билан дастлаб катта ешдаги туркистонликлар кейин эса кейин эса ўқувчилар Россияга сайехатга юборилди. Бундан кўзатилган мақсад ҳақида Туркистон ўлка билим юртлари бош инспектори Ф. Керенский шундай фикр билдирган-Сартлар ва киргизларнинг болалари Россиянинг улугворлиги, қудрати ва бойлигини куриб, аҳолисининг машғулоти, меҳнат унуми,

саноати ва савдо сотиғи билан танишиб, бу ҳақда ўзоқ вақт эслаб, бошқаларга гапириб юришади.

Биринчи саёхатчилар 1899 йилда ҳарбий вазирнинг шахсан ўзи қабул қилиб, уларни "азиз меҳмонлар" деб атади. Вазир уларга совға тариқасида 300 сўм берди. Саёхатчиларни Царское селого тамошага юбориб, уларга йул бошловчи қилиб генерал штаб полковнигини тайинлади. Зиератчилар Царское селода курикни кўзатишаётганда уларнинг олдида генерал, штаб бошлиғи, сўнгра императорнинг амакиси буюк княз келиб кўриниш берди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон каби шаҳарлардан келган 14-18 ёшлардаги 15та Ўзбек, 2та козок, 1та тожик ўқувчи "давлат панох император"-оқ подшонинг илтифотига сазовор бўлдилар. Туркистон ёшлари икки ой давомида Санктпетербург, Москва ва бошқа йирик шаҳарларни кўрдилар. Кейинги икки экскурсия ҳам шундай дабдабали равишда уюштирилди.

Чоризмнинг Туркистон ўлкаси аҳолисини руслаштириш сиёсатининг риёкорлиғи шунда эдики, рус амалдорлари ўзбек, козок, қирғиз, туркман, тожик халқлари орасидан етишиб чиққан ва русчани мукаммал ўрганган одамларни хушламай улардан чўчиб турган ва ўрни келганда таъқиб қилган. Чунки бундай маърифатпарварлар ўз халқларининг кўзини очишлари, ҳақ-ҳуқуқларини танишлари ва миллий онгларини ўстиришларига бевосита таъсир кўрсатишлари мумкин эди. Рус амалдорларига эса русчани яхши билган ва халқнинг кўзини очиб ғафлат уйқусидан уйғотадиган зиёлилар керак эмас эди. Мустамлака маъмурияти Туркистон зиёлилари катта мавқе ва мансабга эришса, ўз халқлари учун садоқат билан хизмат қилишлари, мустамлака тартибларига қарши чиқишлари ва бу ҳаракатга бош бўлишлари мумкинлигидан хавфсирашган. Шунинг учун ҳам уларни маълум чегарада сақлаб, энг муҳим масалалар ҳал этиладиган идоралардан четлатишган. К.Победоносцев рус маъмурияти хизматига қандай одамлар олиниши лозимлиғи ҳақида бундай деган эди-"Бизга русчани гапирганда тутилиб-тутилиб қизарадиган, русча хатни чала саводларча ёзадиган, фақат губернатордангина эмас, балки балки ҳар қандай амалдордан ҳайиқиб, қўл ковуштириб турадиган номзодлар маъқул".

Мана шу кўрилган йул-йуриқларнинг ўлкада амалга оширилиши ўлка фарзандларининг рус-тузем мактабларида ҳақиқий илм олишларига эмас, балки империя учун ёт миллатлардан содиқ мутелар тайёрлашдек сиёсий мақсадларга йўналтирилганлигидан далолат беради.

6.Жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши. Унинг атоқли вакиллари.

XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистонликлар тилида "жадид", "усули жадид" деган сўз ва ибора айланишиб қолди. Дастлаб зиёлилар орасида қўлланилиб юрилган бу сўз ва ибора борган сари оддийроқ одамларнинг ҳам тилига кўча бошлади. Кейинроқ эса бу ходиса бутун жамият ҳаётида ўзгаришлар ясай бошлагач, "Жадид", "усули жадид",

"тараққий" каби сўзлар оммалашиб кетди. Хатто бу сўзни "Кофир" маъносига нисбат бердилар. Айрим намоёндаларни тўғридан-тўғри "тараққий" ё "жадид" деб аташ бошладилар.

Кримнинг Боғча саройида "Таржимон" номли газета чиқариб бутун Россия Чор маъмурларини ташвишга солиб қуйган Исмоилбек Гаспирали "Усули жадид" тушунчаси ва у билан боғлиқ бутун бир жараённинг валломати эди.

Бу тушунчани Исмоилбекнинг ўзи шундай таърифлайди: "Ота-бобо кунлардан колмиш миллий мактабларни ислох этмак усули жадид демакдир, бошқа бир укув, бошқа бир мактаб демак далилдир".

Амалий жиҳатдан фавқулодда ижобий натижалар берган бу усул аср бошида Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларига кириб бораётган эди. Бу усул тарғиботчилари ана шу муносабат билан "Жадидлар" номини олди, уларнинг мактаблар ислохотлари билан бошланиб, аста-секин жамиятнинг маданий-маънавий ҳаётини, кенгроқ ижтимоий-сиёсий соҳаларини қамраб олган ҳаракати учун эса "жадидчилик ҳаракати" деб аташ расмий тус олди.**

Шу билан бирга бу даврни тарихий ва илмий адабиётларда "миллий уйғониш даври" деб аташ ҳам 20-йилларда таомилга кирган эди.

Шундай қилиб, XIX аср охири ва XX бошларида Туркистонда "жадидчилик" ёки "Миллий уйғониш даври" бошланди. Профессор Беғали Қосимов бу давр хусусиятларини ўрганиб, шундай хулосага келган эди:

Хуш, жадидчилик Туркистонда қандай юзага келди?

1865 йили Туркияда "Генч Османилар"-(Ёш усмонийлар)жамияти юзага келиб, у зулм ва жаҳолатга фаол салтанатга қарши кураш олиб боради. Бу ҳаракат Россия мусулмон зиёлиларига, айниқса, татар зиёлиларига кучли таъсир қилади.

Россия мусулмонлари дунёсидаги ижтимоий-маънавий ҳаракатда Исмоилбек Гаспирали (1852-1914)нинг хизмати катта бўлди. У туркий тилдаги матбуотда "таржимон" газетаси ташкил этиб, кенг мусулмонлар орасида таркатади.

Унинг саҳифаларида даставвал Бухорода сўнгра мусулмон Россиясининг марказида "усули жадид" ғояси тарғиб этилди.

"Усули жадид" деб ном олган мактабни биринчи бўлиб Исмоилбек Гаспиринский 1884-йили Боғча саройида очиб, мусулмон болаларини бутунлай янги усулда ўқитишга киришди.

Тез орада бу хабар Туркистонга ҳам етиб келди. Исмоилбек Гаспиринскийнинг мактаби туркий халқлар орасида намуна бўлди. Туркистондаги биринчи "усули жадид" мактаби 1893 йили Исмоилбекнинг бевосита ёрдами ва мадади билан Самарқандда очилди. Иккинчи жадид мактаби эса Андижонда Султонмурод бойнинг пахта тозалаш заводи биносида 1897 йили укувчиларни қабул қилди. 1898 йили Қўқонда Салоҳиддин домла, Тошкентда Маннонқори ва андижонлик Шамсутдин домлалар жадид мактабларини очдилар. Бу маълумотлар албатта камайтириб кўрсатилган, чунки чор маъмурлари хусусий ҳолда очилган бундай мактабларни тўла ҳисобга олиш имкониятига эга эмас эдилар.

Туркистонда жаид мактаблари сони ушиб боришида иқтисодий омил ҳам асосий ўрин тутарди. Туркистонда саноат ва савдони, айниқса пахтачиликни ривожланиши натижасида юз минглаб, гоҳо, ҳатто миллион сўмлаб пулни муомалага киритадиган, фойдали акцияларга, кимматли қоғозларга, йирик ҳосилдор ерларга эга бўлган сармоядорлар, бадавлат тадбиркорлар маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиқиши тезлашди.

Капиталистик муносабатлар ўзига кўпроқ катъият билан йўл оча бошлади. Ўзбек бойлари капиталистик саноат корхоналари, пахта тозалаш заводлари совун, ёғ-мой комбинатлари ўз капиталларини ҳисобига кура бошлаган эдилар. Маҳаллий капиталистлар, саводли ходимлар-ҳисобчилар, таржимонлар, иш юритувчилар ва хоказоларга муҳтож эди. Эски мактаблар эса бундай ходимларни етиштириб бериш имкониятига эга эмас эди.

Шу сабабли жаид мактабларининг очилишига миллий буржуазия вакиллари хайрихоҳлик билдириб моддий жиҳатдан куллаб кувват ладилар. Бу мактабларнинг кўплари пахта заводлари ҳудудида очилар эди. Бу фикрнинг исботи учун Андижон шаҳридаги жаид мактабларни мисол келтириш мумкин. "Андижондаги биринчи жаид мактаблари Султонмуродбойнинг пахта тозалаш заводи биносида, Абдуғаффор Аминнинг ўз маблагидан кўрдирган пишиқ ғиштли мактабхонасида, Зулунбек Домланинг уйида, Орзукулбек бойнинг пахта тозалаш заводи конторасида очилган. Пахтачи бой М.У.Сафонов ҳам Нариманов кўчасидаги ўғил болалар ва кизлар уқийдиган ягона жаид мактабини маблаг билан таъминлаб турган".

"Андижон атрофидаги қишлоқларда 15 та жаид мактаби бўлиб, улардан 12 таси бадавлат одамларни уйида, 2 таси масжид биносида ва 1 таси маҳсус бинода очилган. Мактаб учун бинони Хотамбой кўрдирган бўлиб, домлага ойига 200 сўм маош тўлаб турган." **

1900 йилга келиб жаид мактаблари янада кўпайди. Тошкентдаги Шайхонтохур даҳасидаги "Госпиталь" бозори ёнида Мунавварқори Абдурашидхонов мактаб очиб болаларни жаид усулида ўқита бошлади.

Бухоро амирлигида ҳам биринчи жаид мактаби катта шухрат қозонди. Шу йили Пустиндўз қишлоқида ҳам бундай мактаб очилди. Самарқандда эса Абдуқодир Шакурининг жаид мактаби катта шухрат қозонди. Расмий маълумотларга кура, 1903 йили Туркистондаги жаид мактаблари сони 104 тага етди.

Шу тариқа Туркистон ўлкасида жаидчилик ҳаракати кенг қулоч ёза бошлади. Албатта бунда профессор Х.Вохидов таъкидлаганидек: "Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланишига Русия мусулмонларининг миллий-озодлик ҳаракати мафкурачиларининг таъсири катта бўлди".

Жаидчилик ҳаракатининг диққат масалаларидан бири ўлкада кенг миқёсда маданий-оқартув ишларни амалга ошириш эди. Жаидлар Туркистон ўлкасининг янгидан ва кўтарилиб келаётган маданиятида факат ғарб эмас, балки Шарқ маданиятининг ҳам усул ва аломатларини ўзида мужассамлаштирган эдилар.

Бу ходиса, айникса адабиёт, санъат, меъморчилик, маориф соҳаларида кўпроқ сезилади ва кўзга ташланади. Улар Шарқ маориф тафаккури ва ахлоқ таълимотларидан ҳам самарали фойдаланганлар.

XX аср бошларида маданият соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Жадиdlарининг амалий дастурига кура маданият ислох этила бошлаган эди.

Жадиdlар яратаётган маданият Туркистонликларнинг кийим-кечагида, пойафзалида, ташки кўринишида, то онги ва маданий тафаккуригача барча нарсани ўзгаришга махкум қилган эди ва шундай бўлди. "Туркистонликлар соч қўйди, сокол-мўйловини кирди, Европача ёқали кўйлақ, костюм, пальтолар, пошнаи оёқ кийимлар ва янги бичимдаги бош кийимларни аста секин кийиш кенг тарқала борди".

Маданиятдаги янгиликлар ва ўзгаришлар енгил кечмади. Бу кийин, машаққатли ва хавф-хатарга тўла кўп йиллик жараён эди.

XX аср маданиятидаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни бахс мунозара, талашиш, тортишишни ва тўқнашувларга тўла эди. Янги маданиятни қонунлаштириш, турмушга киритиш курашни талаб қилди. Янги кийим-кечак, пошнаи пойафзал, ёқали камзул, пальто кийган, сокол-мўйлов кирганлар ва соч ўстирганлар кадимлар томонидан кофирликда айбланар эди. Маърифатпарварлар ўз ҳаракатларига зиёлиларни, бойларни, рухонийларни, Туркистон ҳаётида янги пайдо бўлган сармоядорларни, косиб-хунармандларни ва деҳқонларни бир сўз билан айтганда, миллатнинг барча табакаларини жалб қилдилар ва янги Туркистон учун курашишга отлантирдилар. Уларнинг фикрича иқтисодни ҳам, сиёсатни ҳам, урф-одатларни, диний ақидалар ва маросимларни ҳам янги турмуш талабларига мос тарзда ислох қилиш зарур эди. Шунинг учун улар кўп йўналишда иш олиб бордилар, чунончи, даслабки даврларда янги мактабларига мос тарзда ёзиш билан жиддий шугулланган жадиdlар аста-секин фаолият доира ларини кенгайтира бордилар.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Тошкентда телеграф урнатилгани маълум. Бу телеграф Чор ҳукумати томонидан жорий қилинган деб уйлайдилар. Аслида эса, Тошкент телеграфи Саид Азимбой ташаббуси билан амалга оширилган. Телеграф учун кулай бўлган иморатни ҳам Саид Азимбой инъом қилган экан".

Бундан ташқари жадиdlар кутубхоналар, хунар ургатувчи ихтисослашган мактабларни ҳам ўз маблағларига очдилар. Айни пайтда, халқ дорилфунуни ташкил этиш учун маблағ йиғдилар, аммо чор ҳукумати бўнга йул қўймай, йиғилган маблағларни биринчи жаҳон уруши ҳаракатлари учун топширишга мажбур этди.

Шунга қарамай улар бутун Туркистон бўйлаб тузилган "Жамияти хайрия"лар орқали тўпланган пуллар эвазига миллатнинг истеъдодли ёшларини Москва, Санкт-Петербург, Нижний-Новгород, Қозон, Боку каби шаҳарларга, шунингдек чет элларга Олмония, Франция, Англия, Швецария, Туркия, Миср, хатто Америка ва Японияга уқишга юборишга интилдилар. Уларнинг режасига кўра, бу ёшлар чет элларда шифокорлик, мухандислик,

иктисодиёт, ҳуқуқшунослик каби яна бошқа кўплаб замонавий билимларни эгаллаб қайтишлари ва миллат равнаки учун курашувлари лозим эди. Булардан ташқари, жадидлар Туркистоннинг йирик шаҳарларида матбаа ишларини ташкил қилдилар. Улар газета ва жуналлар чиқардилар. Булар: Тошкентда "Хуршид", "Садои Туркистон", "Турон", "Турк эли", "Нажот", "Кенгаш Шурои Исломи", "Улуғ Туркистон", Самарқандда "Ойна", "Хуррият", Бухорода "Турон", "Бухорои Шариф", Қўқонда "Садои Фарғона", "Тирик сўз", "Кенгаш", "Юрт", "Хуррият", Фарғонада "Фарғона нидоси" каби бошқа кўплаб чоп этилган газета ва журналлар ана шулар жумласидандир".

Жадидлар мактаб учун яратган дарсликларида тарих, миллат, Ватанга таъриф беради. Ватанни, халқни, она ерни химоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини уқтиради.

Жадид мактаблари учун дарсликлар тайёрлаш давом этади. Махмудхужа Бехбудий "Мунтахаби жуғрофияи умумий", "Мад-хали жуғрофияи умумий", "Мадхали жуғрофияи имроний", "Мухтасар геграфияи Русий", Абдулло Авлоний "Биринчи муаллим", "Мактаб Гулистони", "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ", "Садриддин Айний", "Тахсибус сибён", Фитрат "Ўқиш", "Ўқув мактабларининг сўнгги синфлари учун", Ҳамза "Ўқиш китоби", "Қироат китоби", "Енгил адабиёт" дарсликларини ёздилар. Зикр қилинган дарсликларда Шарқ алломалари асарларидан ташқари рус, қадимги грек, араб, форс, Европа ёзувчи ва педогогларининг болалар учун махсус битган хикоялари салмоқли ўрин эгаллайди.

Жадидлар нашр ширкатлари тўздилар, босмахона очдилар. Театр ишларини йўлга солдилар. Йиллар ўтиб, жадидлар ҳаракати ва улар очган мактаблар ҳамда ҳунар ўқув муассасалари, газета ва журналлар, кутубхоналар ва нашриётлар, театр ва хайрия жамиятлари, ширкат ва хоказолар аста-секин катта ижтимоий кучга айланди.

Жадидлар даври-бу миллий уйғониш, Туркистон фуқаролари кадр қимматини тиклаш даври бўлди. Шундай қилиб, вақти-соати билан жадидчилик ҳаракати Туркистоннинг энг бақувват ва ягона ижтимоий-сиёсий, миллий-мафкуравий кучига айланди. Бу куч билан на чор ҳукумати, на муваффақият ва на совет ҳукуматлари ҳисоблашмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун жадидлар советлар даврида қувғинга учратилди.

"Махмудхужа Бехбудий таржимаи ҳолига Хожи Муъин ёзган" "Бош сўзи" да қуйидаги фикрларни билдирган: Биз Туркистон турклари, бугунги мухташам маданиятимиз сўнгидан кейин, сўнгги асрларда ҳар бир жихатдан жуда четда қолдик. Лекин сўнг бўлса ҳам гуноҳ ва хатоларимиздан хабардор бўла бошладик. Бироз уйғониб кетдик. Бизда интиҳоб даври 1901 йилдан бошланди".

Жадид ҳаракати юзага келганда Туркистонда ҳаёт ниҳоятда қийин ва оғир кечар эди. Ўлка ўз ўтмиши, тарихи, фан ва маданиятидан беҳабар аҳволга тушиб қолган эди.

Жадидлар Туркистонни ғафлат уйқусидан уйғотишга ва оламни кўз очиб кўришга, ўзлигини танишга даъват этди. Бу савобли ишда жадид адабиёти, жадид театри, жадид матбуоти, азалий ва адабий бўлган инсон

руҳиятини теран бадий кайфиятини юксакка кўтариб юборди. Улар оврупча театр ва адабиётнинг янги-янги жанрларини Туркистон маданий ва маънавий ҳаётига жорий этар эканлар, халқ оғзаки драмасининг муайян шаклларида бахраманд бўлдилар.

Жадид зиёлиларининг театрчилик ҳаракатлари юзага келишда ўша зотларнинг ғайрат ва қийинчилик билан ёзилиб, матбуот саҳифаларига кўчган кўзатишлари, мулохазалари ҳам маълум даражада аҳамият касб этди, миллий тафаккурни шўнга тайёрлади, йўналтирди.

Дарҳақиқат, театр-дунё, дунё эса томошахона. Саҳна айлангани каби дунё ҳам ҳамиша айлана ҳаракатда. Келажакни кўзлаган одам ўтмишини, кечмишни ўйлаши, бугунини ростлаши зарур.

Жадидларнинг ўз мақсадларини руёбга чиқишида маданий оқартув ишларидаги фаолияти ҳам таҳсинга сазовордир. Зеро, мустақил давлат пойдеворини тиклар эканмиз, ўтмишидан, хусусан яқин тарих жадидлар сабоқларидан ибрат олмаслигимиз мумкин эмас. Улар ибрати қилган ишларида ва айтган сўзларида қолди. Уларнинг миллати номида айтган сўзлари, дарди-изтироблари эса шеър бўлиб ва яна "театр рисоалари" деб аталмиш саҳна асарларида қолди.

XIX асрнинг 80-йилларида халққа маърифат ва зиё тарқатиш уни дунёвий билимлар асосида саводли қилиш ва маданиятни кўтариш ғояси сифатида вужудга келган жадидчилик ҳаракати асримиз бошларига келиб сиёсий куч сифатида ташкилий сифатга эга бўлди. Туркистонни Русиянинг мустамлакачилик исканжасидан халос бўлиши мустақилликка эришиш ва уни маърифатли, фаровон ҳамда обод Ватанга айлантириш мақсадида жадидлар маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий курашда фаол қатнашдилар.

Биринчи рус инқилоби жадидчиликни кўчайишига, кўлами ва мазмун йўналишининг кенгайишига йул очди, халқ орасида кескин уйғониш бошланди. Жадидлар ташаббускорлигида бир қанча матбуот органлари ташкил этилди. Ўзбек халқи тарихида биринчи бўлиб мустақил нашр этилган газета "Тараккий" газетаси бўлиб, унинг биринчи сони 1906 йил 14 (26) июнь куни чиқди. Газетанинг биринчи сонидан эълон этилган бош мақолада "Биз мусулмонларни хурриятда халқлари борми?"

Йўқ!!! Қариндошлар, юз марта йўқ"! деган сарлавха берилган. Бу мақоладан Чор ҳукуматининг 1905 йил 17 октябрда эълон қилинган ҳамда халққа қатор эркинликлар ваъда қилган манифести хусусида бўлиб, унда бу ҳужжат Туркистон халқларига ҳеч қандай эркинлик бермаганлиги, аксинча ҳамон миллий ва сиёсий зулм-истибдод ҳукм суриб келаётганлиги ҳақида дадиллик билан баралла айтилади: "Хозирда ижтимоия, калом, матбуот учун берилган хурриятлар: оғзига сув томизиб турган оғир хастадек эканини тилсиз ва кўп табиблар ҳам тасдиқ этурлар. Бу каби замор ва ланж ҳарриятларга халқимиз ҳамона рози бўлмай курашиб, тортишиб, хуррият, яъни озодлик ва шодлик байрамларини умри боқий одамларга кўрсатурлар"

Жадидларнинг етакчи намоёндаларидан бири М. Бехбудий "Хуршид" газетасининг 1908 йилги сонларидан бирида эълон қилинган мақоласида

мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон ўлкаси хом-ашё етказиб берувчи замин бўлиб қолганидан халқимиз қашшоқ бўлиб яшаяпти, деб кайғуради. Бехбудий саноати ривожланган европаликлар хом-ашёни ўзимиздан арзонга олиб, яна ўзимизга қимматга сотиш билан миллионер бўлиб кетмокда, бизнинг халқимиз эса камбағаллигича қолмокда, деб таъкидлайди.

Бехбудий бу ҳақда қуйдагиларни ёзади: 6 миллион Туркистонлиларда 3 миллионер борлиги маълум. Дехқонлар эса, гарчи бир вақт қўли бир оз ақча кўрар, яна оврупа (бойларига) бир, икки-беш хом молд бериб пишиқни зўрға олур».

Жадидларнинг барча газета ва журналларида Туркистонда зулм ва истибдодга қарши эрк ва ва маърифат, маданият, миллий озодлик ва адолат учун курашиш зарурлиги ҳақидаги кўплаб мақолалар эълон қилинди.

Матбаачилик йўлга қўйилди. Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида босмахоналар ишга тушди. "Мусулмонча" китоб ва журналлар чоп этила бошланди. Бу ҳақда Абдулла Авлоний шундай ёзади: "1905 йилдаги Россияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз сиёсий маслақларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартирмоқ ва кўзин очмоқ чорасига киришди. Бўнга эришмоқ учун газит чиқармоқни муносиб кўриб, уюшманинг ҳаракати билан ўзбек тилида газеталар чиқарилди. 1906 йилда "Тараққий", "Хуршид" газеталари чиқиб, эски ҳукумат томонидан тўхтатилгандан сўнг 1907 йилда ўз муҳаррирлигим билан ҳамда темир йул ишчиларининг социал-демократик фирқасининг алоқа ва ёрдами билан "Шухрат" исминдаги газетни Сапёрни кўчада чиқардим".

Жадидларнинг асосий ғоявий йул-йуриқлари ана шу ташкил этилган матбуоти саҳифаларида ўз ёркин ифодасини топди. Публистика шиддат билан ривожланди. Биргина Бехбудийнинг матбуотда босилган мақолаларини мутахассислар 300 дан ортиқ чамалайдилар. Абдурауф Фитратнинг "Хинд сайёҳи", ("Баёноти сайёҳи хиндий"), Туркияда чиққан "Мунозара" асари, "Сайха" шеърлар тўплами эълон қилинишида Бехбудий ва бошқа жадидларни ёрдами катта бўлди. Мирмуҳсин Мирмуҳамедов, Чўлпон, Қодирий, Мунаввар Қори, Ҳамза, Тавалло, Азжий ва бошқалар ўз асарларида тараққийпарварлик ғоялари ўз ифодасини топди. Драматургияга асос солинди. Бехбудий биринчи бўлиб 1911 йилда "Падаркуш" драмасини ёзиб цензурадан ўтказди, ҳамда 1919 йили нашр этди. Ўша йили пьеса саҳналаштирилиб, Самарқанддаги "Халқ уйида" ўйналди. "Падаркуш" тез орада шухрат топиб, Тошкент, Қўқон, Андижонда ташкил топган театр труппалари томонидан саҳнага олиб чиқилди. Агарда Бехбудий чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати оқибатида кириб келган ичкиликбозлик ва маънавий ахлокий бузукликларни фош этади. Шунингдек, Туркистондаги ҳамма балолар ёшлар ўртасида маърифатга аҳамият бермасликдан, одамлар табиатини унга илм бериш билан тузатиш мумкин. Туркистон ёшлари жаҳолат қандай фалокатларга олиб боришларини билиб қўйишлари керак, деган мазмундаги фикрларни олга суриш керак.

"Падаркуш" пьесаси ўзидан кейинги пьесаларнинг сахналаштирилиши учун бир тажриба намунаси бўлиб хизмат қилди. Жаидлар асарнинг драматик шаклининг афзалликларини тез тушуниб етдилар. Уларнинг кўпчилиги сиёсий жихатдан саводсиз бўлган ватандошларнинг кенг оммасига ўз маслак ва ғояларини таъсирли ҳамда тушунарли ҳолда етказиш учун сахнавий ҳаракат ва кўрин ишлардан фойдаланишга ўриндилар. Кейинчалик "Кухна Туркия", "Қотил ким?", "Бахтсиз куёв" каби пьесалар сахнага қўйилди. Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижондан ташқари Бухоро ва Қарши шаҳарларида жаидлар томонидан хаваскорлар гуруҳи, театри ташкил қилинди.

Туркистон жаидларининг кардош халқлар, биринчи навбатда, усмонли турклар, озор, татар, бошқирд ва бошқа туркийзабон жаидлар билан ҳамкорлиги кўчайди. Бир сўз билан айтганда адабий маданий, ижтимоий-сиёсий турмушнинг ҳамма катламларида жаидчилик ҳаракатидаги кутарилиш яққол кўзга ташланди.

Мустамлакачи Чор ҳукумати жаидларнинг ҳаракатлари билан Туркистондаги миллий ва диний уйғониш содир бўлаётганидан, истилочиларнинг сиёсий найрангларига фахм фаросати етадиган ва сал Қуйиб берса "қора халқ"ни озодлик курашига кўтаришга ва бу курашни моҳирлик билан бошқаришга курби етадиган маърифатли ва миллатпарвар бутун бир авлод шаклланаётганидан таҳликага тўшади. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасида 1908 йилда "Туркистон ўлкасида ва ундан четда жосуслик қилиш масаласи" буйича ишлайдиган комиссия тўзилди. Комиссия асосан жаидчилик ҳаракатини йўқ қилишдан борди. У Туркистондаги мактаб ва мадрасаларни барчасини жаидлар таъсирига берилмаслиги учун жон-жаҳди билан кураш олиб бордилар. Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетиб, истилочи Чор ҳукумати чекка ўлкалардаги миллатпарварлар билан жиддий шуғулланишга имкон тополмай қолдилар. Шунда ҳам махфий идоралари, мустамлака сиёсатининг бу ўлкага юборилган мафкурачилари уларни ҳамиша кўз остида сақлаб турар, ҳам маънан, ҳам жисмонан эзиб ташлаши қулай мавридини пойлаш эди.

Маълумки, Россия подшоси Николай IIнинг 1916 йил 25 июнда "Фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибир ва Кавказ гайритабиийларидан 19 дан 31 ёшгача эр кишилардан мардикорлик қа олиш ҳақида"ги 1526 рақамли фармони эълон қилинди. Бу ноқонуний фармон ўлкадаги чор маъмурлари томонидан бошбошдоқлик билан амалга оширилди. Оқибатда Туркистоннинг кўпгина шаҳар ва туманларида аҳоли ўртасида норозилик туғилиб исёнга айланди. Исёнлар шавкатсиз бостирилди. Ана шу паллада жаидлар сукут сақламай, аҳолига ёрдам бериш пайига тушдилар. Улар чорҳукумати олиб бораётган бу сиёсатнинг нотўғрилигини халққа тушунтириб, бу масалада ташкил этишларида фаоллик курсатдилар.

Шу тариқа 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатини куллаб қувватладилар. Жиззах, Ёттисув, Тошкентда қирғинларининг шохиди бўлган жаидлар факат хурриятгина Туркистон халқларига озодлик бериши мумкинлигини чуқур идрок этдилар. Натижада ўлкада турли сиёсий

тўғараклар, жамиятлар пайдо бўлди. Андижон ва Қўқонда "Ғайрат", Тошкентда "Уламо", "Шўрои Исломия", Самарқандда "Иттифок" жамиятлари, Бухорода "Ёш Бухороликлар", Хивада "Ёш хиваликлар" партиялари тузилди.

Туркистон жаидларининг Россиядаги турли сиёсий партия ва уюшмаларига муносабати хар-хил эди. Уларга кўпрок рус бур-жуа монархия партияси кадетларининг маслак ва қарашлари маъқул тушган эди.

"Хозир Россияда-деб ёзади Бехбудий "Хуршид" журналининг 1906 йил 11 октябрь 6-сонидаги 22 "Хайрул-умури афсосуhr" (Хар ишда меъёр дуруст") номли мақоласида, бу кадетлар фирқасига мансуб халқ хар дин ва миллат ахлидан ниҳоятда кўпдир. Собик миллат мажлиси аъзоларини аксари бу фирқадан эдилар. Бу фирқа ҳақиқатда Ўрта фирқадир. Мўътадил ал-мижоз халқлар бу фирқани хоҳлагандурлар. Россия мамлакатига беҳроқ хизб йўқдир". Бехбудий кадетлар партиясини шу тариқа таърифлаб, Туркистон мусулмонлари мазкур партияга кушилишга қарор қилганликларини билдирди."... Биз, Туркистон мусулмонлари 23 августда Нижний шаҳрида бўлган Россия мусулмонлари хизбига байъат қилиб, сиёсатан кадетларга қўшилуб, дидан ва илман мазкур съезд иттифоки ҳукмига ва мункод бўлса керак. Яқинда мазкур навдаи исломия қарорномаси босилиб олам матбуоти ила нашр қилиндур. Туркистонни мухтарам муаллиф ва муҳаррирлари ғараз, нафсоний ҳасад, баҳс ва мунозарали шахсияларини Шарқ этиб, шу маслак ва шу жамиятга шобеъ ва ходим булмоқлари хизматидин ва давлат, обруйи Ватан ва Миллатдур".

Туркистон жаидлари сардори Бехбудий социал-демократик партия РСДРПга ўз муносабатини билдириб Қуйидагиларни ёзади; "Буларнинг (социал демократларни) бошловчи муроди ҳозирги барча зокун, мулкيات қоидаларини бутун бўзуб, мол ва ерларни ҳамма халойиқ ўртасида масавий этмокчидир. Бойлик ва камбағалликни йўқ қилиб, дунё молини роҳатидан ҳаммани баробар фойдалантириб масъуд ва роҳат умр ўтказилмоғига ва хар ким ўз истиқболидан амин булмоқига зокун ва қода жорий қилмокчидурлар. Буларни пруграмини жорий булмоғига ҳозирги асримиз мустаид эмас... Хар ҳолда, бу партияни муроди мумкин лойиқ ёйинки ҳаёлийдек қурунуб, бу тоифага қушулмок биз мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлиқдир. Пруграмаларини молия моддаларини бир оз тағийир бормагунча шариятга мувофиқ улмағони қабил оз тағийир бормагунча шариятга мувофиқ улмоғони қабил жоний ва оила бобидаги фикрлари ҳам асло, тугри қелмайдур".

Бошқа жаид газеталари ҳам социал-демократик мафкурага қарши чиқдилар. "Бундай партияларнинг-деб ёзди. "Таракқий" газетаси, бизга фойдасидан қура кўпроқ зарари тегади". "Мусулмонлар учун жуда тўғри қеладиган партия конституцион демократик (кадетлар) партиясидир". "Тужжор" газетаси ҳам худди шундай фикрни айтади: "Биз кадетларнинг қонун лойиҳаларига қўшилишимиз керак, чунки бу дастур жуда маъқул ва биз учун ғоят фойдалидир".

Умуман олганда Туркистон жаидларининг ижтимоий-сиёсий жамиятида аввало янги усул мактабларини очишга катта эътибор берилди.

Шунингдек, улар миллатни саводли қилиш ва шу орқали миллатга даврни талаб ва муаммоларини тушунтириш, халқни кўп асрли ғафлатдан уйғотиш йулида жуда катта ишларни амалга оширдилар. Улар Туркистон келажагини, равнақини таъминлайдиган фуқароларни етказишни мақсад қилиб қўядилар ва бу мақсадни амалга ошириш учун ўзлари очган янги ишидаги мактабларда миллат фарзандларини ўқита бошлайдилар.

7. Биринчи жаҳон урушининг ўлка ҳаётига таъсири.

Биринчи жаҳон уруши бутун Россия империяси, шунингдек Туркистон ўлкаси аҳолисининг ҳам аҳволини янада оғирлаштирди. 1914 йил 26 июлда Туркистон ўлкаси “Фавқулодда муҳофаза ҳолатида” деб эълон қилиниб, миршаблик назорати кучайтирилди. Ҳар қандай тарғибот ва ташвиқот таъқиқланиб, Махсус қўмита томонидан 500 рублгача жарима солиш, 10 ой муддат камаш ҳуқуқи белгиланди. Мавжуд тузумдан норозилик ўзбек ишчи, хунармандлари ўртасида кучайди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган 425 саноат корхонасидан 220 та пахта тозалаш, 76 таси қўн-тери ишлаш, 32 таси пиллп қуришиш заводлари бўлиб, буларда 18 минг ишчи кунига 12-14 соатдан оғир шароитда меҳнат қилган. Темир йўл ишчилари сафида туб миллатли ишчилар сафи 4,5-5 мингни ташкил қилган. Туркистон хунармандларининг аҳволи ҳам оғир бўлган. Рус саноати молларининг рақобати уларни хонавайрон қилиб, кўпчилиги охири оғир меҳнат қилувчи ишчилар сафига бориб қўшилган эди. Уруш ўлканинг қолоқ қишлоқ хўжалигига асосланган иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Натижада ўлка аҳолисининг 90 фоизини ташкил этган деҳқон ва чорвадорларнинг аҳволи ҳам мушкуллашди. 1916 йилда ўлканинг асосий экин бўлган пахтанинг экин майдони ҳам ҳосилдорлиги камайиб кетди. Пахтага ихтисослашган рус фабрикантлари, ўз навбатида пахта нархини барқарорлаштиришга интилиб, охири ҳукумат ёрдамида тайёрланган пахтанинг қатъий нархда бўлишига эришдилар. Бундан пахтакорларнинг норозилиги кучайиб пахта топширишдан оммавий бош тортиш бошланиб кетди.

Деҳқонлардан олинадиган расмий солиқларнинг ҳажми ҳам кун сайин ортиб борди. Туркистон ер солиғи 1914 йилда 6859021 рубл бўлган бўлса, 1916 йилга келиб, бу рақам 14311771 рублни, яъни икки барабарни ташкил қилди. 1915 йилда махсус солиқ солиниб, у пахтакорлар учун ҳар пуд пахтадан 2 рубл 50 тийинни ташкил қилди. Нон нархи уруш пайтида 6 баробар ошди⁵. Озиқ-овқат таъминотининг қийинлашуви сабабли Туркистонда меҳнаткашларнинг норозилиги кучайди. Нарх-навонинг ошиши йирик ер эгалари, капиталистлар, чайқовчиларга қўл келди. Натижада улар катта фойда кўра бошладилар.

Рус мустамлакачилари уруш пайтида Туркистондан 59 млн. пуд пахта, 8,5 млн пуд пахта ёғи, 950 минг пуд пилла, 2925 минг пуд тери, 300 минг пуд гўшт, 229 минг пуд совун, 474 минг пуд балиқ олиб кетишди. Фронтга

⁵ Ўз Рес. Марказий Давлат Архиви, 461-жилд, 1-рўйхат, 1676-иш, 2-варақ.

аҳолидан 70 минг от, 12 минг туя, 38 минг кв. метр гилам-наматлар, 2400 минг рубл нақд пул йиғиб олдилар. Худди шу даврда гуруч, гўшт, қанд, кийим-бош нархи бир неча марта кўтарилиб, аҳоли рўзгорини оғир аҳволга солиб қўйган эди. Айнан шу шароитда подшонинг бу оилаларни боқувчисиз қолдирадиган мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги фармони халқ сабр-қосасини тўлдирган сўнги томчи бўлди.

Император Николай 11 имзо чеккан 1916 йил 25 июнь куни эълон қилинган “Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоатлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофқаси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида” фармонига кўра Туркистон, Сибир, Кавказ халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбар қилишни мўлжаллаган эди. Лекин бу фармонни бу тарзда Туркистон ўлкасига мутлақо татбиқ этиб бўлмаслигини тажрибали подшо амалдори собиқ ҳарбий вазир А.Н.Кропаткин ҳам тушунган эди.

Бироқ шундай бўлсада подшо фармони тезлик амалга оширилиши буюрилиб, Сирдарё вилояти зиммасига 87 минг, Самарқандга 88 минг, Фарғонага 50 минг мардикор юбориш вазифаси юклатилди. Бундай сафарбарлик фармонининг эълон қилиниши ва вилоятларга юклатилиши аҳоли ўртасида қонли воқеаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. 1916 йил 10 июлга келиб, Эски Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон, Чуст ва бошқа вилоятларда катта ғалаёнлар содир бўлди. 11 июлдан 15 июлгача Фарғона вилоятининг турли жойларида сафарбарликка қарши ошкора талаблар билан чиқишлар бўлиб ўтди. Бу эса Туркистон ўлкасида миллий озодлик кўзғолонига айланиб кетди, маҳаллий аҳолининг яшаш шароити, моддий аҳволи янада оғирлашди.

11-Мавзу: Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қурулли ҳаракат. (2соат)

- 1.Россияда 1917 йил феврал буржуа-демократик инқилоби, унинг Туркистонга таъсири.**
- 2.Туркистонда советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши.**
- 3.Туркистон (Қўқон) мухториятининг ташкил топиши.**
- 4.Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қурулли ҳаракатлар: моҳияти,ҳаракатлантирувчи кучлари, босқичлари, йўлбошчилари.**
- 5.Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият.**

1.Россияда 1917 йил феврал буржуа-демократик инқилоби, унинг Туркистонга таъсири.

1917 йил 27 февралда Россиядаги феврал буржуа-демократик инқилоби ғалабаси туфайли подшо Николай II тахтдан ағдарилиб, ҳокимият тепасига рус буржуазияси чикди ва улар муваққат (вақтли) ҳукумат туздилар.

Петроградда бўлиб ўтган ҳодисаларлар таъсири остида Туркистонда янги ҳокимият тўзилмаларини барпо қилиш юзасидан кучли жараён бошланди. Большевиклар таъсирида ҳамма шаҳар ва ишчилар мавзеларида ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузила бошлади. Улар инқилобий демократия орзусини юзага чиқаришга вакил этилган ва муваққат ҳукумат маҳаллий муассасаларининг хатти-ҳаракатлари устидан назорат олиб бориш ҳуқуқини даъво қиладиган қуролланган халқ органлари тариқасида ташкил топиб борди. Бу советлар хайъатига асосан оврупалик аҳоли вакиллари кирди.

Ўлканинг мусулмон аҳолиси ҳам фаол сиёсий кураш жабғасига тортилди. 1917 йилнинг март апрель ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилиш даври бўлди. Пайдо бўлиб келаётган миллий демократик кучларнинг етакчиси жадидлар бўлиб қолди, улар ўзларининг аввалги бутун фаолиятлари билан шу вазифага тайёрланган эдилар. Улар демократик инқилобга ва у эълон қилган тамойилларга катта умид боғлаб, унинг ғоялари ва шиорларини амалга оширишга фаоллик билан киришдилар. Шу ойларда улар халқ онги шуурида жипслашиш, миллий бирликни мустаҳкамлаш эҳтиёжини уйғотиш бобида муҳим қадамлар қўйишга эришдилар.

Феврал воқеаларидан кейин сиёсий ташкилотлар фаолиятида ҳам ўзгаришлар содир бўла бошлади. "Шўрои Исломия", "Уламо" ва "Алаш Ўрда" сингари янги фирқалар ташкил топди.

Халқ ўз бахти-саодати учун кураш байроғи остида турли ташкилотларни вужудга келтира бошлади. Самарқандда "Мусулмонлар клуби", "Мирважул-Ислом", Қўқонда "Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи", Каттакўрғонда "Равнақ-ул ислом", Хўжандда "Муайин ат-толибин" каби ташкилотлар тузилди.

Таракқийпарвар зиёлилар томонидан ташкил қилинган "Турон" жамияти ташаббуси билан 1917 йил март ойида вужудга келган йирик миллий ташкилотлардан бири-"Шўрои Исломия" эди. Ташкилот нега бундай ном олди? 1917 йилда Советлар (шўролар) ташкил қилиш-ғояси кенг тарқалган эди. Жойларда "Ҳамма ҳокимият Советларга" деган шиор остида намоёишлар ўтказила бошланди. Одамлар "Энди халқ Советлар орқали ўз тақдири ва келажagini ҳал эта олади", деб уйлай бошлади. Ташкилотнинг 1917 йил 14 мартдаги йиғилишда шундай таклиф киритилди: "Нега рус ишчи ва аскарларида ўз шўролари Совет маъносида бор, биз мусулмонларда эса ҳеч қандай шўро йўқ. Келинг биз ҳам бугўнги мажлисда ташкилотимиз номини "Мусулмонлар шўроси" ёки чиройли қилиб айтганда "Шўрои Исломия" деб айтайлик. Шундай қилиб, Тошкент шаҳрининг маҳаллий аҳолиси ўзи сайланган ва ўнга ишонч билдирган миллий ташкилотга эга бўлди.

15 мартда Мунаввар қори ҳовлисида I идора мажлиси бўлиб ўтди, унда доимий раис, котиб, саркотиб, хазинадор ва уларга муовин сайланди. Раисликка Абулвоҳид қори Абдурауф қори ўғли, муовинликка Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, саркотибликка Катта хўжа Бобохўжа ўғли, хазинадорликка мулла Ризо Охун Йўлдош хўжа ўғли, муовинликка

Абдусамин қори Хидаётбой ўғли сайланди. "Шўрои Исломия" ташкилоти ўз олдига қўйган асосий мақсад ва вазифаларни муваққат қонуннинг қуйидаги бандларида билдирган:

1. Туркистон мусулмонлари орасида сиёсий, илмий ва ижтимоий жиҳатдан замонага мувофиқ ислохот фикри тарқатмоқ.

2. Бутун Туркистон мусулмонларини бир фикр ва бир маслакка келтирмоққа тадбир ва ҳаракатлар қилмоқ.

3. Мамлакатларнинг усул идоралари ҳақида маълумот йиғиб, Таъсис мажлисига ҳозирланмоқ.

4. Туркистоннинг ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва овулларида митинглар ясаб, сиёсий, илмий ва ижтимоий хутбалар ўқитмоқ.

5. Эски маъмурларни ўриндан қолдириб, ўрнига янги маъмурлар қўймоқ йўлларини халққа кўрсатмоқ.

6. Туркистондаги турли миллатлар орасида бўлган ва бўладурғон ихтилоф ва шубҳаларни битириб, бир-бирларига яқинлаштириб, бирлаштирмоқ учун тадбир ва ҳаракатда бўлмоқ.

7. Турли миллат ва фирқаларнинг комитетлари ила алоқада бўлиб, ўз вакиллари воситаси ила мусулмон эҳтиёжларини ул комитетларга билдирмоқ ва лозим топганда улардан ёрдам сўрамоқ.

Апрел ойининг бошларида ўлканинг бошқа шаҳарларида ҳам «Шурои Исломия» ташкилотлари барпо этилди. Уларнинг асосий вазифаси-келажақда Туркистон автоном (мустақил) жумҳуриятини барпо этиш эди.

«Шурои Исломия» ташкилоти "Нажот", «Шурои Ислом», "Кенгаш", "Хуррият", "Эл байроғи" ва "Равнакул ислом" сингари нашрларида ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳамда қарорларини кенг омма орасида ташвиқ этди.

Бу ташкилот Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда катта роль ўйнади. Унинг вакиллари Москва ва Қозонда бўлиб ўтган Умумрусия мусулмонлари қурултойида қатнашди. Туркистон шаҳарлари Думасига аъзо бўлиб кирди, Таъсис мажлисида тасдиқдан ўтказиш учун ўлкани идора этиш усули қонун лойиҳасини тайёрлашда фаол қатнашди, ҳар хил хайрия ишларида фаол бўлди. Мактаб ва мадрасани ислоҳ қилиш йўлларини белгилаб берди.

Демак, "Шурои Исломия" аъзолари бўлмиш туркистонлик миллий демократик руҳдаги тараққийпарвар зиёлиларимиз Россияда 1917 йил феврал инқилобидан сўнг авж олган умумдемократик ҳаракатда мустақил Туркистон учун курашди. Тараққийпарвар ислохотчилар матбуот ва митингларда Туркистондаги ижтимоий тенгсизлик, меҳнаткаш омманинг оғир аҳволи ҳақида Қуйинчаклик билан сўзлаб, унинг ижтимоий сабаблари, илдизларини англашга ва халққа тушунтиришга ҳаракат қилишди.

Феврал воқеаларидан кейин Туркистонда руҳонийлар орасида ҳам уйғониш содир бўлди. Улар ҳам умуммусулмон бирлиги ғоясига таяниб, 1917 йилнинг апрел ойи бошларида "Шурои Исломия"га қўшилиб, ташкилот тарафидан уюштирилган тадбирларда қатнашдилар. Бироқ шу йилнинг ёзида жаидлар (янги ислохотлар тарафдорлари) ва қадимлар (эскилик

тарафдорлари) орасидаги муносабат кескинлашди, натижада қадимлар "Уламо" жамиятини тўзиб, Туркистонда феодал тўзумни тиклаш ва уни шариат асосида бошқариш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар.

Кадетликдан юз ўгирган Қозоқ Букейхон ўғли раҳбарлигида "Алаш Ўрда" номли миллий партия ҳам вужудга келди. Эсерлар ғоясига эргашиб юрган кўпчилик намояндалар эсерларда кўчайиб бораётган шовинизмни кўриб, улардан юз ўгирадилар ва "миллий социалист фирқаси"ни тўзишга бел боғлайдилар. Лекин кўпчилик синфий эмас, МИЛЛИЙ-ҒОЯ атрофида бирлашиш талаби билан чиқаётган эди. Туркистонда худди шундай ғоя Мунаввар қори¹, Авлоний, Тавалло, Низомиддин Хужаев² қабилар—номи билан боғлиқ "Турон" жамиятида ўз ифодасини топган эди. Бироқ март-апрелда Н. Хужаев уни бироз демократлаштирди. Бироздан сўнг "Турон" "Турк федералист" фирқасига айланди ва унинг дастури эълон қилинди.

1917 йилнинг 7-15 апрел кунлари ишчи ва солдат депутатлари советларининг I Туркистон ўлка съезди бўлиб ўтди. Ундаги жами 263 делегатнинг деярлик барчаси оврупаликлар вакиллари эди. Ўлка ҳокимияти тўғрисидаги масала муҳокамасида бир қанча делегатлар мусулмонларнинг ягона ҳокимият барпо этиш тўғрисидаги истакларини ҳисобга олишни талаб этди. Съезд демократик республика тўзишни ёқлаб чиқди-ю, лекин Туркистон халқлари учун ўлкага мухторият бериш, миллий тенгсизликни тугатиш сингари масалаларга ўз муносабатини билдирмади. Бу масалалар 9-16 апрелда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси ижроия қўмиталари съездида ҳам кўрилди. Унинг 171 делегатида 99 таси оврупалик эди. Унда делегатлар марказлаштирилган республикага қарши чиққан бўлсалар ҳам, лекин мухторият фақат маданий ва сиёсий етук халқларга берилиши мумкин деб ҳисоблади. Айрим делегатлар эса мухторият миллий бўлмай, балки ҳудудий бўлиши керак деб ҳисоблар эдилар. Съезд резолюциясида ҳам ҳудудий мухторият ёқлаб чиқилди.

Мана шу икки съездда ҳам ўлка халқларини менсимай, уларга ишончсизлик билдирдилар.

Ана шундай бир вазиятда 1917 йил 16 апрел куни Тошкентда бутун Туркистон мусулмонларининг I қурултойи бўлиб ўтди. Съездга ўлканинг барча туб халқларидан вакил бўлиб келган 150 нафар делегат ҳозир бўлди. Съезд муваққат ҳукумат ва унинг дастўрин и тан олди ва Россияда Федератив демократик республика таъсис этиб, барча халқларга, жумладан Туркистон халқларига ҳам миллий мухторият бериш ғоясини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Съезд марказий раҳбар орган-Туркистон ўлкаси мусулмонлари

¹ Мунаввар Қори Абдурашидхонов Тошкентдаги жадидларнинг етакчиси. Янги мактаблар очиб, улар учун дарсликлар ёзган. Ўрта Осиё дорулфунунинг ташкилотчиларидан бири. Туркистонда большевизмга қарши, миллий мустақиллик учун курашиб «Миллий иттиҳод» партиясини тузган. 1926 йилда ўз партиясини тугатиб, советхокимиятига хизмат қилди, маърифатпарварликни давом эттирди. 1929 йилда «Миллий иттиҳод» партияси устидан бўлган суд якунида отиб ташланган.

² Низомиддин Хўжаев 1885 йилда Тошкентда ишчи оиласида туғилди. 1914 йили у инқилобий ҳаракатдаги иштироки учун босмахонадан ишдан бўшатилади. 1918 йилда коммунистик партия сафига қабул қилинди. У эски шаҳар Совети ижроия қўмитаси лавозимида ҳам ишлаган. 1919 йил сентябрида I-Фарғона область революцион қўмитаси раиси ҳам қилиб тайинланди. 1931 йили Ўрта Осиё Давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон Давлат плани Президиумининг аъзоси бўлиб ишлади.

Советини тўзди: Унинг биринчи мажлисида раис, риёсат аъзолари М. Чукаев (раис), Аҳмад Заки Валидий, Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар сайланди. Шу тариқа Туркистон халқларини жипслаштириш борасида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Ўлкада мусулмон меҳнаткашлари шўролари тўзила бошланди. 1917 йил 14 майда Тошкентда маҳаллий ишчиларнинг мажлисида мусулмон меҳнаткашлари, ишчилари депутатлари Советининг низоми лойиҳаси тасдиқланди. 15 июлдаги йиғилишда 32 кишидан иборат Тошкент шаҳар мусулмон ишчи вакиллари шўроси сайланди.

Андижон, Қўқон, Самарқандда ҳам бундай шўролар тўзилди, улар хайъатига асосан маҳаллий халқлар вакиллари сайланди.

1917 йил ёзида Тошкентнинг эски шаҳарида 12 та касаба шўроси тўзилди. Ўнга Султон хўжа Қосимхўжаев раис бўлди. 1917 йил август бошларида Андижон шаҳрида мусулмон ҳунар аҳлининг "Саной ул-Ислом" шўроси тўзилди. Ўнга 1500 киши аъзо бўлиб кирди. ("хуррият", 1917, 28-сон, 7 август).

Тошкентда "Хуршид", "Садойи Туркистон", "Турон", "Турк эли", "Нажот", "Кенгаш", "Шурои Ислом", Самарқанда "Ойна", "Хуррият", Бухорода "Турон", "Бухорои шариф", Қўқонда "Садойи Фарғона", "Тирик сўз" рўзномалари, "Хуррият" журнали, Фарғонада "Фарғона нидоси" рўзномаси чиқа бошлади. Уларда халқни сиёсий фаол бўлишга чорланди.

Сентябр ойларига келиб ўлкада вазият ўзгара бошлади. Болшевиклар кўтарган "Бутун ҳокимият советларга" деган шиорга муносабат ҳам бир хил эмас эди. Ўлка мусулмон аҳолисининг ваколатли органлари бу шиорга қатъиян салбий нуқтаи назарда туриб олди. "Шурои Ислом" ташаббуси билан сентябрда чақирилган ўлка мусулмонлари II съезди ҳокимиятни солдат, ишчи ва деҳқонлар советларига беришга қарши чиқди. Бироқ съезднинг бу қарори ҳеч кимнинг қулоғига кирмади. Большевиклар таъсири билан ўлка Советлари бутун ҳокимиятни Советларга бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўлкадаги миллий ҳаракат ўз ривожининг янги даврига кирди. "Шурои Исломия" ташаббуси билан 17-20 сентябрда Тошкентда Туркистонлик ва Қозоқ мусулмонларининг съезди ўтказилди. Унда "Шурои Ислом", "Турон", «Шурои Уламо» ва бошқаларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон ва Қозоғистон учун умумий бўлган "иттифоқи муслимин" деган сиёсий партия тўзишга қарор қилинди. Съезд ишида Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий тўзуми тўғрисидаги масала асосий масала бўлди. Қабул қилинган қарорда демократик Россия республикаси таркибида ҳудудий мухтор федерация тузиш ғояси илгари сурилди. Съезд мухториятга "Туркистон Федератив Республикаси" деган номни қўйиб, 11 парламент республикаси асосида тузилажак бўлғуси давлат тузумининг бош тамойиллари ва меъёрларини белгилаб берди.

Туркистон мусулмонларининг биринчи сиёсий партияси-Туркистон федералчилар партияси, яъни "Турк одами марказий федералист фирқа"си ҳам мана шу сиёсий масалаларга ўз муносабатини белгилаб олди. Унинг

дастурида ҳам Туркистонда миллий-худудий мухторият тамойиллари негизида демократик республика тузими ғояси чуқур асосланган эди.

Феврал воқеалари ўлкадаги жадиждлар оқими фаолиятини ҳам жадаллаштирди. Масалан, Бухоро жадиждлари ўртасида кескин ажралиш юз берди, «Ёш бухороликлар» партияси шаклланди (бу оқим 1908 йилда Бухоро жадиализми ҳаракати сифатида пайдо бўлган). Улар амирнинг чекланмаган ҳукмронлигига қарши ошқора чиқа бошладилар.

Феврал инқилобидан кейин тўзилган муваққат ҳукумат Бухоро амирлигига нисбатан иккиёқлама сиёсат олиб борди: бир томондан, амирни қўллаб-қувватлади, иккинчи томондан, ислохот ўтказиш зарурлигига шаъма қилди, бўнга амир розилик берди. 1917 йил 7 апрелида Бухорода ислохот ўтказиш тўғрисидаги баённома ҳам эълон қилинди. Шу муносабат билан «Ёш бухороликлар» 1917 йилнинг 9 апрелида намоёиш уюштирдилар. Улар "Яшасин ислохот", "Яшасин ҳуррият, конституция, матбуот эркинлиги ва мустақил мактаб" деган шиорлар билан амир саройига йўл олдилар. Бироқ, реакцион кучлар қатнашчиларни йўқ қилишга киришдилар. Таъқиблар натижасида «Ёш бухороликлар» янги Бухорога кўчдилар ва шу ерда уларнинг сафида ажралиш рўй берди. Ўнг ва сўл қанотлар пайдо бўлди. Ўнлар М.Мансуров бошчилигида(уларнинг кўпи савдогар доираларининг вакиллари эди) амир билан мўзокаралар олиб бориш йўли билан келишишни ёқлаб чиқдилар. Аммо муваффақиятсизликдан сўнг уларнинг кўпи «Ёш бухороликлар» ташкилотидан чиқдилар.

Сўллар эса (Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Мусо Саиджонов ва бошқалар) "вилоятларда партизанларнинг чиқишларини ташкил этиш" йўли билан куrollи кўзғолон тайёрлаш имконияти бор деб ҳисоблашди. Бунда улар деҳқонлар иштирокида, Муваққат ҳукумат, Туркистон ўлка органлари ва ишчи ҳамда солдат депутатлари Советлари вакилларининг ёрдамига умид қилишарди. Бироқ, Муваққат ҳукумат, ишчи ва солдат депутатлари Советлари вакилларининг амир ҳукумати билан келишуви, деҳқонлар оммасининг пасивлиги уларни фаол курашга ўтишга имкон бермади.

Амир таъқибининг кўчайишига қарамай, ёш бухороликлар ўз фаолиятини давом эттирдилар. Улар бутун куч ғайратини икки вазифани ҳал этишга: амалий дастўрни ишлаб чиқишга, ташкилотга ишчилар, ҳунармандлар, солдатлар ва айниқса деҳқонларни иложи борица кўпроқ жалб этиш мақсадида аҳоли ўртасида олиб борадиган иш усуллари аниқлаб олишга қаратдилар.

Хоразмда «Ёш Хиваликлар» ҳаракати ҳам фаоллашди (бу ҳаракат 1905 йилда Хива жадиализми базасида ижтимоий-сиёсий оқим сифатида шаклланган). Улар сиёсий партияга айланиб, хон ҳокимиятига қарши очиқ кураш йўлига ўтдилар ва инқилобий кайфиятдаги солдатлар билан алоқа ўрнатдилар. Улар 1917 йил апрелида солдатлар ёрдамида Хивада намоёиш ўтказдилар. Яшасин озодлик, адолат ва тенглик яшасин қаҳрамон жангчилар, "Йўқолсин Мусатабидлик" шиорлари билан хон саройи томон чиқдилар.

Уларнинг талаби билан хоннинг "Баённома"си эълон қилинди. Унда мамлакатда парламент бошқаруви жорий этилиши, парламент Олий давлат ҳокимияти сифатида умумхалқ овоз бериш йўли билан шакллантирилиши эълон қилинди. "Баённома" эълон қилинган кунинг эртасига «Ёш Хиваликлар» марказий қўмитасининг мажлиси бўлди, унинг раиси қилиб Бобоохун Салимов сайланди унда мажлис депутатлари сайловини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Олис районларга шу хусусдаги мактублар юборилди, йирик шаҳарларда эса аҳоли ўртасида инқилобий ғояларни тарғиб қилиш ва сайлов ўтказиш учун ташвиқотчилар юборилди. Сайлов компанияси якунлангач мажлис барпо этилди, ўнга жойларда сайланган 30 депутат «Ёш Хиваликлар» ташкилотининг ҳал қилувчи овозга эга бўлган 5 вакил, партия марказий қўмитасининг қолган аъзоларига мажлис йиғилишларида маслаҳат овози билан қатнашиши ҳуқуқи берилди ва Туркманлардан 7 депутат кирди.

«Ёш Хиваликлар»нинг бўлиниб кетган ўнг қаноти уларга Ислом хўжа бошчилик қилган савдо саноат вакиллари эндагина туғулиб келаётган капиталист ва бойларни бирлаштириб, хонга қарши суиқасд ташкил қилиш билан шуғулланди. Фитнадан хабар топган хон муваққат ҳукумат Туркистон комитети вакиллари энда мадади билан 1917 июнда мажлисни тарқатиб юборди ва унинг раҳбарларини қамокқа олди.

Хон зулмининг кўчайиши шароитида «Ёш хиваликлар» партияси очик фаолият кўрсата олмай қолди. Шу сабабли унинг сўл қаноати (ўнга Бобохон Салимов етакчи, хунармандлар, деҳқонлар, ўрта ва майда савдогорлар ва аҳоли бошқа қатламлари вакиллари кирар эди) яширин ишлаш йўлига ўтди. Улар Гурлан, Манғит, Қипчоқ ва бошқа бекликларда партия бўлимлари ва ячейкаларини ташкил этишди.

2.Туркистонда советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг шовинистик сиёсати.

Петроградда 1917 йил 25 октябрда 7 ноябр большевиклар ташкил этган курултай қўзғолон ғалаба қилди. Шу куни кечки пайт очилган Советларнинг II Съездида "Ишчи, аскар ва деҳқонларга" деган хитобнома қабул қилинди. Унда кўплаб ишчилар, аскарлар ва деҳқонларнинг мададига, Петроградда амалга оширилган қўзғолон мададига таянган ҳолда Советлар ҳокимиятни ўз қўлига олганлиги баён этилди. Самарқандлик Съезд делегатлари Д. Деҳқонов ва А. Фроловлар Петрограддан ҳамшаҳарларига берган телеграммаларида ҳокимият Советларга, ер деҳқонларга ўтгани, бутун жаҳон халқларига сулҳ тавсия этилганлигини хабар қилдилар. Хабарлар Туркистондаги аҳволга муҳим туртки бўлди.

Тошкентда ҳам 28 октябрда қўзғолон бошланди. Қўзғолон марказлари темир йўл устaxonаларида жойлашган бўлиб, большевик В.С.Ляпин раҳбарлигида инқилобий қўмита тўзилган эди. Қўзғалончиларга генерал Коровиченконинг 2000 кишилиқ яхши курулланган қўшинлари қарши турарди. Бу қўшинлар дастлабки вақтдаёқ Тошкент Совети мажлис қилаётган озодлик уйини, темир йўл устaxonаларини ўраб олди. 30 октябрга келиб

камалдагиларга Красновордск, Самарқанд, Қизил Ўрдада ва бошқа шаҳарларда Тошкент совети чақириғига кўра қўшимча кучлар ёрдамга келди. Турли сабаблар билан Туркистонга келиб қолган венгерлар, чехлар, серблар ҳам уларга кўмаклашдилар.

31 октябрь куни кўзғолончилар шаҳар марказини, бош почтахонани, банкни эгалладилар. 1 ноябрдаги шидатли жанглар натижасида ҳарбий қалъа ишғол қилинди. Коровиченко эса хибсга олинди. Тўрт кунлик қуролли кўзғолон Тошкентда Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан якунланди.

Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида ҳам ҳокимият бирин-кетин большевиклашган Советлар қўлига ўта бошлади. 1917 йилнинг 2 ноябрида Тошкентда бутун ўлка демократик кучларининг қўшма мажлиси бўлиб, унда ҳокимият масаласи муҳокама қилинди. Бироқ, ўнга ўлка шўроси, Тошкент шўроси ижрокуми, мусулмон вакиллари ўлка шўроси, қирғиз вакиллари ўлка шўроси фақат маслаҳат овози билан катнашишга рухсат олди, ҳолос.

Бундан норози бўлган маҳаллий халқлар шўролари 5 ноябрда ўз Съездларига йиғилдилар ва чақирилмоқчи бўлган ишчи, аскар ва деҳқон шўроларнинг III Съездига ҳал қилувчи овоз билан катнашмоқчи эканликларини билдирдилар.

Туркистон ишчи, аскар ва деҳқон шўроларининг 15-22 ноябрда бўлиб ўтган III ўлка Съезди маҳаллий халқлар шўроларининг қонуний талабларини инобатга олмади. Съезда биринчи «Совет ҳукумати халқ комиссарлари совети» тўзилди. У 15 кишидан иборат бўлиб Ф.И. Колесов раис, А. Казаков озиқ-овқат халқ нозири, В.Н. Завезиский, адлия нозири П.Г. Полтарацкий меҳнат нозири Н.Я. Успенский махсус топшириқлар бўйича нозирлар этиб сайланган эди. Ҳукумат таркибига маҳаллий халқлар вакилларида ҳеч ким киритилмади. Уч киши: Колесов, Полтарацкий, Казаковлар большевик, қолганлари эса эсер ва меньшевиклар, рус помещиклари вакиллари эди.

Шу тариқа ўлкада тузилган янги ҳукумат маҳаллий шароитни ва маҳаллий халқлар талабини инобатга олмади.

Ёзувчи А. Горький октябр тўнтаришига ўзининг салбий муносабатини билдирган эди. Унинг «Новая жизнь» газетасида қилинган «Демократияга» деб аталувчи мурожатида октябр тўнтариши Россия шароитида ноқонуний экан, Ўрта Осиё, Туркистон шароитида эса ўн карра, юз карра ортиқроқ ноқонуний бўлган ва зўрлик йўли билан бевақт амалга оширилганлиги таъкидланган эди. Бу тўнтариш туфайли минглаб, миллионлаб аждодларимиз гуноҳсиз қирилиб кетдилар ва ўз қадрдон ва жонажон она юртини ташлаб, хорижий мамлакатларга бошпана излаб, изтироб билан кетишга мажбур бўлдилар. Бундай тўнтариш билан бошқача жамият қуришга Россиянинг ўзи ҳам тайёр эмас эди. Тезда Россияда бошланган фуқаролар уруши бунинг исботидир. Большевиклар тўнтариши ва уларнинг ёлғон ваъдаларини амалга оширилиши Туркистон учун янада мураккаб эди.

Туркистон ижтимоий иқтисодий ҳолатдан ниҳоятда қоқоқ, кам тараққий этган бир ўлка эди. Бу ерда феодал ижтимоий иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмрон мавқега эга эди. Капиталистик ишлаб чиқариш

муносабатлари эндигина шаклланаётган эди. Туркистон ўлкасида эндигина баъзи бир кичик-кичик саноат корхоналари, пахта тозалаш корхоналари темирчилик устахоналари каби вужудга келаётган эди ҳолос. Шу боисдан, бу ўлкада большевиклар инқилобни амалга оширишда асосий куч бўлган йўқсиллар-пролетариат синфининг ўзи ҳали синф сифатида шаклланиб улгурмаган эди. 1913 йилда Туркистондаги жами 6 миллион аҳолининг фақат бир фоизидан камроғини ишчилар ташкил этар эди, ҳолос. Туркистонга Совет тўзуми зўрлик йўли билан киритилди. Бу тўзумни маҳаллий миллат вакиллари қўллаб қувватладилар.

Хуллас, Совет тўзуми Туркистон ўлкасининг обектив тараққиёт қонунларига зид ҳолда, ўлкага четдан Россиядан келган бир гуруҳ шахслар томонидан зўрлик билан амалга оширилди, яъни зўрлик йўли билан экспорт қилинди. Маҳаллий халқ уни қабул қилмади.

Ҳокимиятнинг янги органига туб аҳоли вакиллари киритилмади. Янги ҳукумат ишчи, солдат ва деҳқонлар ҳокимиятига туб аҳолининг муносабати бутунлай номаълум бўлгани учун ҳам, туб аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлар бўлмагани учун ҳам ўлканинг олий инқилобий ҳокимиятига ҳозирги вақт мусулмонларини жалб қилиш маъқул эмас, деб даъво қилди. Туркистон ўлка халқ комиссарлари Советининг биринчи ҳайатини тузишда айнан ана шу принцип амалга оширилди. Туркистон большевиклари раҳбарларининг пролетар инқилобининг моҳияти ва вазифаларини тор синфий нуқтаи назаридан туриб тушиниши, инқилобий янги ҳокимият раҳбариятида аҳолининг пролетар қатламларигина бош ўринда туриши керак деб эътироф этиши маҳаллий, асосан пролетар бўлмаган мусулмон оқимининг ўлкани бошқаришида иштирок этишдан амалда четда қолиб кетишга олиб келди. Ўлкадаги янги ҳокимият ўз моҳиятига кўра большевиклар ваъда қилгандек «меҳнаткашлар ҳокимияти» бўлмай балки «меҳнаткашлар учун ҳокимият» бўлиб қолди.

3.Туркистон (Қўқон) мухториятининг ташкил топиши.

Большевиклар бошчилигидаги шўроларнинг бундай шовинистик сиёсати ўлка халқининг улар етакчиларининг норозиликка сабаб бўлди. Шу сабабли мухторият учун кураш октябрь тўнтаришидан сўнг мусулмон шўролари ва фирқаларнинг бош вазифасига айланди. Уларнинг бу курашига большевиклар раҳбарининг барча мусулмон аҳолисига тенглик, озодлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ажралиб чиқиш ҳуқуқлари берилганлиги ҳақидаги мурожаати ҳам туртки бўлди. 1917 йил 27 ноябрда Қўқон шаҳрида "Шурои Исломия", "Уламо", ва "Алаш Ўрда" партиялари халқ оммасининг истакларини ифода этиб, IV ўлка мусулмонлари фавқулотда Съездига тўпландилар. Съездда Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро ва Каспий орти вилоятларидан икки юздан ортиқ делегатлар қатнашди. Шунингдек, яҳудий ташкилотлардан вакиллар ҳам бор эди. Съездда Маҳмуд хўжа Бехбудий Съезд хайъатига номусулмон вакиллари ҳам киритишни таклиф этди. Съезд делегатларидан бири бу масалага тўхталиб: "Хайъатга сайлов

вилоятлар ва алоҳида диний ҳамда миллий гуруҳлар бўйича эмас, балки билимдон зукко ва ишбилармонлигига кўра ўтказилиши керак", -деган эди.

Съездда Туркистон автоном ҳукумати "Туркистон мухторияти" тўзилиб, Алаш Ўрда раҳбари Муҳаммадjon Тинишпоев ўнга бошлиқ қилиб сайланди. Бироқ кўп ўтмай ҳукумат раислигига "Шўрои Исломия" раҳбари партиясининг Мустафо Чўқаев тайинланди. Ҳукумат таркибига 54 киши киритилиб, Ислom Шоаҳмад ўғли молия нозири, Маҳмуд ўғли адлия нозири, Потяляхов озиқ-овқат нозири, Мустафо Чўқаев айнаи бир вақтда ташқи ишлар нозири, Убайдулла хўжа ҳарбий вазир этиб сайланди. Полковник М.Чанишев бош қўмондон, Саидносир Миржалил эса хазиначи лавозимини эгаллади.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, Туркистон мухторияти бошқарув кенгашида 54 ўриндан 18, яъни учдан бир ўрин ўлкадаги оврупалик миллатлар ташкилотларга ажратилди.Шу тарзда мухторият аъзолари демократик ва умумманфаат асосида сайланган эди. "Туркистон мухторияти"нинг тўзилиши ва унинг атрофига большевикларнинг зўравонлигидан норози бўлган рус оқ гвардиячиларининг, рус капиталистларининг ва бошқа оппозиция кучларининг бирлашиши бежиз бўлмаган, албатта. Туркистон мухторияти қўл остида ҳарбий куч ва маблағ бўлмаслиги орқасида ҳар жихатдан яхши уюштирилган ва курулланган Қизил Армияга бас келишининг ҳеч иложи йўқ эди. Шу боисдан мухторият раҳбарияти рус оқ гвардиячилари ва капиталистлари ҳамда хорижий мамлакатлар кўмагида мақсадга эришиш мумкинлигини яхши англаган эди. Улар ўзларининг қийин аҳволини ҳисобга олган ҳолда бўлажак барпо этиладиган Россия давлатининг таркибида Туркистон мухториятини ташкил этишни режалаштирганлар. Бу ўша вақтдаги шароитда жуда тўғри қилинган иш эди.

Мухторият ҳукумати сиртдан қараганда мухторият шаклида ягона Туркистон давлатини тузишни мўлжаллаган эди. Лекин амалда мустақилликни таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бу ҳақда Мухторият ҳукуматининг халқ оммасига йўлланган мурожаати гувоҳлик беради. Бу Туркистоннинг барча фуқаролари мусулмон, рус, яҳудий, ишчи, аскар, деҳқонларга қаратилган чақириқда бундай дейилган эди: "Ўлкада яшовчи барча қабила ва халқлар, шаҳар ва земства кенгашлари, сиёсий, жамоат, касаба ташкилотлари ва уюшмалар, барча давлат, жамоат хусусий масалаларини Туркистон халқ ҳокимияти атрофлича жипслашишга ва ўнга юкланган оғир вазифаларни ҳаётга тадбиқ қилмоқ учун етарли ёрдам беришга чақирди. Шундай вақт келдики, энди кишанлардан қутилган Туркистон ўз ерининг эгаси бўлади ва ўз тарихини ўзи яратади. Олдимизда турган вазифаларнинг жиддийлиги ва улуғворлигини англаб, ишимизнинг ҳақлигига чуқур ишонган ҳолда биз бу меҳнатларимизга оллоҳнинг раҳмати ёйилишини тилаймиз ва ишга киришамиз. Кўриниб турибдики, Мухторият ҳукумати миллат ва диний этиқодидан қатий назар ўлкадаги барча мазлум халқларни демократик асосда мустақилликка эришишига даъват этган. Туркистон мухториятини ўлка аҳли тўла ёклади. Бу ҳақда 1917 йил декабрида Тошкентда икки маротаба ўтказилган умумхалқ йиғинда Мунаввар Қори,

Мулла Одил Муфти, Сайд Ғанихон, Шерали Лапин, Пирмуҳаммад Аълам нутқ сўзладилар. Шунингдек, ўзбек ишчилари, касб ҳунармандларидан 15 киши сўзга чиқди. Бу ерда 13 декабрда Хайит кунида катта намоиш ўтказишга келишди. Шу куни қизил аскарлар халқ намоишини ўққа тутдилар. Бир неча киши камоққа олинди. Ўша йилнинг 26 декабрида Қўқонда мусулмон ишчи ва аскар вакиллариининг I фавқулотда съездида "Қўқон (Туркистон) мухторияти"ни ёқловчи қарор қабул қилинди.

Хуллас, Туркистон мухториятининг тарафдорлари кундан-кунга кўчайиб борди. Ўлканинг Совет органлари эса мухтор Туркистон муваққат ҳукуматини тан олмасликларини биринчи кунларидаёқ маълум қилди. Улар бу ҳукуматни "Туркистоннинг бир тўда бойлари ва руҳонийлари" манфаатларини ифода қилувчи акси инқилобий, буржуа инқилоби деб баҳоладилар. Мухтор ҳукумат тарафида бўлганлар жазолана бошланди. Тошкент шаҳар думаси тарқатилди. "Туркистанский вестник" газетаси ёпилди. Самарқанд "Шурои Исломи" ташкилотининг фаолияти тақиқланди.

Халқнинг аксарият қисмининг мухториятни қўллаб-қувватлаши, шўро ҳукуматининг мухтор ҳукуматга қарши тарғиботлари, айниқса 1918 йил январиди бўлиб ўтган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари IV ўлка съезди қарорлари икки ҳукумат муҳолифлигини янада кескинлаштирди.

Бунинг устига мухтор ҳукумат ичида ҳам зиддиятлар вужудга кела бошлади. "Шўрои Исломи" билан "Уламо" ўртасидаги аввалги қарама-қаршилиқлар яна қалқиб сиртга чиқди. Улар мухториятнинг асл моҳиятини ва уни қўлга киритишнинг усул амалларини ҳар-хил тушунар эдилар.

13 декабрда Тошкентда шўролар ҳукумати томонидан бегуноҳ одамларнинг қонини тўқилишидан норози бўлган "Уламо"чилар 1918 йил 5 январдаги митингда мухтор ҳукуматга норозилик билдирдилар. Бу норозилик мухтор ҳукумат раҳбарияти алмашувига ҳам сабаб бўлди. М. Тинишпоев ўрнига М. Чукаев бош вазир этиб тайинланди. Моддий таъминот, ҳаражатлар сарфи ошиб бораверди. 1918 йил январига келиб, Қўқоннинг ўзида ҳам вазият кескинлашди. Қўқон Совети қўлида бўлган янги шаҳар билан Мухтор ҳукумат қўлидаги эски шаҳар ўртасидаги қарама-қаршилиқ ҳам янада авж ола бошлади. Мана шундай икки томоннинг бир-бирига душманлиги ошиб турган бир вазиятда 1918 йил 30 январ куни номаълум кишилар телефон станцияси ва Қўқон Совети биносига ҳужум уюштирдилар. Айнан шу ҳаракат кейинги фожиаи воқеаларга сабаб бўлди. Фавқулодда ҳолат жорий этилди. Қўқон Совети мухтор ҳукуматга айбдорларни тутиб бериш, қўлга олинганларни 3 соат ичида озод қилиш ҳақида ультиматум топширди. Ялпи сафарбарлик эълон қилиниб, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан мадад сўралди. 31 январга ўтар кечаси Скобелевдан К. Осипов отрядининг келиши билан зўрайиб қолган Қўқон Совети қуроли кучлари эрталабдан эски шаҳарни пулемётдан ўққа тутта бошлади. Ўз навбатида қарши томондан ҳам ўт очиш бошланди. Ревком К. Осиповга муваққат ҳукуматни камоққа олиш ва уларни артилериядан ўққа тутишга рухсат берди. Шаҳарнинг Мухтор ҳукумат жойлашган қисмида ёнғин бошланди, ўғирликлар авж олди. Ғазабланган халқ ҳам қўлига нима тушса, қуролланиб ҳукумат ҳарбий қисмлари билан

кўча жангларига кириб кетдилар. Бироқ бу ўрин ишлар беҳуда кетди. Омон қолиб ночор қолган аҳоли саросима ичида шаҳардан қочиб яқин атрофдаги қишлоқларга яширинди.

Муваққат ҳукумат милицияси бошлиғи Эргаш ва унинг тарафдорлари ҳокимият тўнтариши ясади. М. Чукаев маҳамаси ағарилди. Ҳарбий кенгаш раиси М. Чанишев ва унинг энг яқин сафдошлари рус офицерлари камокқа олинди. Чукаев ҳукуматининг демократик қотилини ташкил этувчи бошқа аъзолар Эргашдан яшириниб Қўқонни ташлаб чиқиб кетдилар. Фақат ички миллий кучларга таянувчи Туркистон мустақиллиги учун охиригача курашга жазм қилганларгина қолди, ҳолос.

1918 йил 5 февралдан 6 февралга ўтар кечаси Туркистон халқ комиссарлар Совети томонидан ўлка ҳарбий комиссари Е.О. Перфильев бошчилигида иккинчи эталон ҳарбий қисмлар Қўқонга келиб, 6 февралда улар эски шаҳарга бостириб кирдилар. Мухторият қўшинлари ваҳимага тушиб тинч аҳоли билан шаҳарни ташлаб чиқа бошлади. Бу ҳаракат натижасида эски шаҳарнинг учдан бир қисми яқсон бўлди. Аҳоли ўртасида кўп қурбонлар бўлди. Ўша даврдаги "улуғ Туркистон" газетасида ёзилишича "Қўқон ўликлар шаҳри"га айлантирилди. Мўзокаралар бошланиб, 9 (22) феврал куни "Тинчлик шартнома"си имзоланди. Ўққа тутилган, таланган, таҳқир қилинган аҳоли Совет ҳокимиятини тан олишга мажбур этилди.

Мухториятчиларнинг Совет ҳокимияти томонидан тор-мор этилиши тарихда "Қўқон фожиаси" деб ном олди. "Туркистон мухторияти"нинг ўзи эса ўлка халқлари озодлик ҳаракатининг қудратли, ҳақиқат рамзига, эркинлик ва мустақиллик учун кураш рамзига айланди.

4.Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатлар: моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, босқичлари, йўлбошчилари.

Ўлкамизда октябр тўнтаришидан кейин юз берган маҳаллий халқларнинг миллий озодлик ва эрк учун олиб борган курашларнинг шўролар даври адабиётларида 1918-1920 йилларда мамлакатда бўлиб ўтган фуқаролар урушининг бир қисми деб баҳоланди ва у "Босмачилик ҳаракати" деб номланди.

Аслида бу ҳаракат қатнашчилари талончилар, каллакесарлар бўлмай, ўз халқининг миллий давлати Туркистон мухтор ҳукуматини ҳимоя қилган, мустақиллик ва озодлик учун ўлкадаги шовинистик сиёсатга қарши шўролар ҳукумати ва истибдодига қарши курашган миллий қаҳрамонлар эдилар.

"Қўқон мухторияти" тор-мор этилгандан сўнг Туркистонда ижтимоий сиёсий вазият ниҳоят даражада кескинлашди. Иқтисодий танглик, озиқ-овқат танқислиги сиёсий танглик кучайди. 1918 йилнинг баҳорида Фарғона водийсининг қишлоқларида Туркистонликлар отрядларининг қизил армия қўшинлари билан қуролли тўқнашувлари бошланди. Бу истиклолчилар ҳаракатининг бошланиши эди. Бу ҳаракатнинг бошланиши қуйидаги сабаблар туфайли эди:

1. "Қўқон мухторияти"нинг тор-мор этилиши ва маҳаллий аҳолига қарши шафқатсиз жаъзо чораларини авж олдирилиши.

2. Халқ ўртасида зўрлик билан "Социалистик" сиёсатни амалга ошириш натижасида масжид ва мадрасаларнинг ёпиб қўйилиши.

3. Озиқ-овқат тақсимотини зўрлик билан жорий этиб, эркин савдони тақиқлаб қўйилиши.

4. Марғилонда Совет ҳокимияти томонидан муқаддас Қуръоннинг ёкилиши.

Истиклол йўлида жангга кирганлар "Туркистон-Туркистонлик халқларнинг ватанидир". "Туркистоннинг озодлиги учун". "Туркистонни фақат Туркистонликларнинг ўзи босқинчилардан халос қилади. "Дин учун, Қуръон учун шаҳид бўлайлик ёки зафар қозонайлик" каби шиорларни кўтардилар. Тадқиқотчи Яссавий томонидан тўзилган солномада истиқлолчилар раҳбарларидан 114 қурбоши номи келтирилади. Бу ҳаракат ривожидавомида Кичик Эргаш ва Катта Эргаш, Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек), Шермуҳаммадбек (Қуршермат), Иброҳимбек лақай, Омон полвон, Хуррамбек, Исмат каби қурбошилар ўзларининг қаҳрамонликлари, жасоратлари билан ном чиқардилар.

Гох ғолиблик гох мағлублик билан 30 йилларнинг ўрталаригача давом этган бу ҳаракат ўзининг бир неча босқичлари билан белгиланади.

Миллий озодлик ҳаракати тарихида унитилмас давр - унинг энг оммавий тус олган 1918-1920 йиллардаги бошланғич давридир. Истиклолчилар курашининг биринчи байроғини Қўқон мухторияти бостирилгандан кейин миллий қўшин қўмондони Кичик Эргаш бошчилигидаги йигитлар кўтаради. Кичик Эргаш қисқа муддат ичида қуролли отряд тузиб Бачқир қишлоғи, Қўқон яқинида Кизил Армия қўшинлари билан жанг қилди. Жанговар операцияларнинг бирида Эргаш ҳалок бўлади. Қўрбошилиқ лавозимини шу қишлоқлик Катта Эргаш ўз зиммасига олади. Бачқир қишлоғи Қўқонлик истиқлолчиларнинг истеҳкоми бўлиб қолади. 1918 йил баҳорида истиқлолчилар сафига қурбоши Мадаминбек қўшилади. У аввалданок руссия мустамлакасига қарши ўз ҳаракатлари билан ном қозongan бўлиб, 1914 йил оқ подшо сургунида бўлган эди. Фервал инқилобидан сўнг Туркистонга Мадаминбекни Совет ҳукумати Марғилон милицияси бошлиғи қилиб тайинлайди. Лекин Совет тизимининг халққа ўтказган зўравонлик сиёсатини кўргач Мадаминбек ўз қўли остидаги милиционерлари билан истиқлолчилар томонига ўтиб кетади. Марғилон шаҳри ҳам истиқлолчиларнинг яна бир мустаҳкам таянчига айланади. Ўш томонида Ҳолхўжа қурбоши, Наманганда Шермуҳаммадбек қўрбошилар фаолият олиб борадилар. Бутун Ўзбекистон ҳудудларида жанглар олиб бораётган истиқлолчиларнинг умумий сони 60 мингдан ҳам ортиқ эди.

Бу ҳаракатнинг кенгайиши Фарғона вилоятини жанговар ҳаракатлар майдонига айлантирди. Шўро ҳукумати вазиятнинг бундай авж олишидан чўчий бошлади. 1919 йилнинг 10 феврилида Туркистон Республикаси инқилобий ҳарбий кенгаши "Фарғонага қўшинлар юборишга қарор қабул

қилди". Фарғонадаги аксил инқилобий ҳаракатга қарши кураш юзасидан фавқулотда комиссия тўзилди ва уларга чекланмаган ваколатлар берилди.

Лекин мустақиллик учун бошланган курашни энди ҳарбий куч билан тўхтатиб қўйиш мумкин эмас эди. 1919 йилнинг баҳорида деярли бутун Фарғона водийси истиқлолчилар назорати остига ўтган эди. Шўро ҳукумати айёрлик йўлига ўтиб, 1919 йил 7 май куни озодлик учун кураш катнашчиларига умумий авф эълон қилди.

Аммо бу йўл ҳам унчалик натижа бермади. Мустақиллик ҳаракати Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига ҳам ёйилиб кетди.

1919 йил 1 сентябрда Жалолободда Мадаминбек билан Дехқонлар армияси қўмондони К. Монстровларнинг кучларини бирлаштириш ва Совет ҳукуматига қарши биргалашиб ҳаракат қилиш ҳақидаги шартномаси имзоланди. Бирлашган кучлар 1919 йил 7 сентябрда Ўш шаҳрини жанг билан олдилар. Улар 10 сентябрда Андижонни камал қилдилар. Бироқ қизил армияга мадад етиб келди, истиқлолчилар катта талофатлар билан Хитой чегарасига чекиндилар. 1919 йил 22 октябрь куни чегарадаги Ирқиштомда курбошилар қурултойи очилди. Қурултой "Фарғона муваққат ҳукумати"ни тузди. Ҳукумат бошлиги ва бош қўмондони Мадаминбек ва унинг ўринбосари Монстров сайланди. 1919 йил октябрь охирида водийдаги 150 га яқин отрядларни Мадаминбек, Ҳолхўжа, Эргаш ва Шермуҳаммадбек бошчилигидаги 4 та йирик бирлашмага бирлаштиришга қарор қилинди. Бироқ 1919 йил сентябрида марказдан «Турк-комиссия»нинг келиши, уларнинг Фарғона водийси аҳли ўртасида олиб борган ташвиқотлари, 1920 йил март ойида Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг «Ерларни меҳнаткаш деҳқонларга қайтариш тўғрисида»ги декретлари истиқлолчилар ҳаракатининг боришига таъсир эта бошлади. Бунинг устига ўлкага яна Қизил Армия қисмлари келтирила бошланди.

1920 йил январ-фервалида Эргаш қўшинлари, Монстровнинг деҳқонлар армияси тор-мор этилди. Ҳаракат катнашчилари орасида Советлар томонига ўтиш жараёни авж олди. Мадаминбек ҳам жангда енгилиб, Олой водийсига чиқиб кетишга уринди, лекин бу уриниш барбод бўлди. У қолган кучларни сақлаб қолиш учун Туркистон дивизияси қўмондонлиги билан 1920 йил 6 мартда битим имзолашга мажбур бўлди.

Бироздан сўнг у Тошкентга жўнатилды. Омон қолган ҳаракат катнашчилари Олой водийсида тўпланиб Шермуҳаммадбек бошчилигида ҳаракат қила бошладилар. Олой тизмаси тоғ олдиларида бўлиб ўтган қурултойда Шермуҳаммад бутун ислом кучлари қўмондони этиб тайинланди. Шермуҳаммадбек ва Ҳолхўжалар ўзларининг ниятларини амалга ошириб, алдов йўли билан Мадаминбекни ўлдирдилар. 1920 йил майида Шермуҳаммадбек раҳбарлигида Муваққат Туркистон ҳукумати тузилди. Озиқ-овқат тўплаш ва отлар йиғиш учун махсус гуруҳ тузилди. Бу гуруҳ фаолияти эса маҳаллий халқ норозилигига сабаб бўлди. 1920 йил майида Фарғонага Туркистон fronti қўмондони М.В.Фрунзе келди, истиқлолчиларга қарши кураш тактикаси кескин ўзгарди. Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши озодлик ҳаракати қонундан ташқари деб эълон

килди. Истиклолчилар отрядлари бирин кетин тор-мор этила бошланди. Бироқ тугатилган отрядлар ўрнига янгилари пайдо бўлди. Мухиддин, Омон полвон, Рахмонкул, Исломулло, Эшмат бойвачча, Исроил, Соли Махсум, Отақўзи, Ёрмат Махсум, Боястон, Алиёр, Аҳмад полвон каби кўпгина курбошилар отряди курашга қўшилдилар. Шўро ҳукуматига мустақиллик учун бошланган бу ҳаракатни бостириш учун яна кўп йиллар керак бўлди.

Туркистонда мустабид шўро тўзуми ўрнатилгач, большевиклар раҳбарлигидаги Совет ҳокимияти Туркистонда миллий эмас, ҳудудий мухтор ҳукумати тўзишга киришган эди. Шу мақсадда улар 1918 йилнинг апрелида бўлиб ўтган Советларнинг V съездида Туркистон Мухтор Республикасини тўзиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Айнан шу пайтда Ўрта Осиёда собиқ подшо Россиясининг икки вассали-Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳам мустақил давлатлар сифатида фаолият кўрсатаётган эди.

5.Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият.

Октябрь тўнтариши ва Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Ўрта Осиё хонликларининг ички ва ташқи сиёсий аҳволи кескин ўзгариб большевикларга нисбатан адовати, уларнинг Туркистондаги ҳукуматни тан олишдан бош тортиши кўчайди. Иккала хонлик жадаллик билан ўз қуроли кучларининг жангавор салоҳиятини ошира бошлади. Зўрайиб бораётган очлик, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларнинг хаддан ташқари кўтарилиши, ҳарбий зулм хонликларнинг ички сиёсий ҳаётида беқарорликни юзага келтирди. Туркистон большевиклари ва шўро ҳукумати хонликларнинг ички ишларига кўпол суратда аралаша бошлади. Колесов 2 март куни қизил гвардиячи отрядлар ва Янги Бухоро ишчи дружиналарига Эски Бухорога бостириб кириш тўғрисида буйруқ берди ва амирни сулҳ тўзишга рози бўлишига мажбур этди. 1918 йил 25 март куни Қизилтепада сулҳ битими имзоланди. Бу ишлардан мақсад Бухоро амирини оғохлантириш ва унинг советларга қарши истехкомга айланиб кетишига йўл қўймаслик эди. 1919 й 9 апрель куни Хивага яқин Тахтада РСФСР билан Хева ўртасида яраш тўғрисида шартнома имзоланди. 1919 йилнинг ёзидан бошлаб Совет Туркистони билан Бухоро ва Хива ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашди. Амир Саид Олимхон билан Жунаидхон Советларга қарши ҳарбий-сиёсий иттифок тўздилар. Жунаидхонга рақиблик қилаётган энг йирик туркман қабилалари бошлиқларининг вакиллари-Қўшмамадхон билан Ғуломмалихонлар Тўрткўлда тўзилган Хива инқилобий марказга коммунистлар ва ёш бухороликлар билан биргаликда кирдилар. Бу марказ хонни ағдариб, ҳокимиятни қўлга олишни ўзига мақсад қилиб қўйган эди. Бундай вазиятлардан фойдаланган шўро ҳукумати Хива хонлигини бўйсундириш учун ҳаракатларни бошлаб юборди. Қўшинлар кириб келиши натижасида Жунаид отрядлари Ғазобод ва Тахта томон чекиндилар. 1920 йил 20 январь куни Жунаидхоннинг бош короргоҳи - Тахта Кизил Армия қўшинлари томонидан ишғол қилинди.

1 Февралда эса қўшинлар Хева хонлиги пойтахти-Хевага кирдилар. Шундай қилиб, ёш хевликлар ва туркман уруғ бошлиқларининг бир қисми совет куруллойи кучларининг ёрдамида монархия тартиботини ағдаришга муваффақ бўлиб, ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар.

1920 йил 2 февралда Саид Абдулла тахтдан воз кечди, бутун ҳокимият муваққат инқилобий ҳукуматга топширилди. 1920 й. 26 апрелда Бутунхоразм 1 курултойи Хоразм халқ Республикаси тузилганлигини эълон қилди. Ҳукумат халқ нозирлари совети тўзилди. Унинг раиси қилиб Полвонниёз Юсупов сайланди.

Бухородаги воқеалар ҳам худди шўнга ўхшаш ривожланиб борди. Бухоро амирини М.В.Фрунзе «Совет танасидаги жароҳат» деб атаган эди. 1920 й. 10 август куни РКП(б) Марказий комитетининг Сиёсий Бюроси Туркистон фронтининг Инқилобий ҳарбий Кенгаши учун Бухоро масаласи юзасидан махсус директивалар қабул қилинди. Тайёргарлик РКП(б) Марказий Комитети томонидан ишлаб чиқилган режа бўйича олиб борилди. Бухоро амирини ағдариш учун бухороликларнинг ёрдам сўраган мурождати керак эди. Бухоро коммунистик партиясининг Чоржўйда иш олиб бораётган IV съезди 1920 йил 16 августдаёқ Бухоро хонлигида инқилобий вазият етилганлигини эътироф этиб, асрий феодал зулм ҳамда истибдоддан халос этиш учун ёрдам сўраб Турккомиссиясига мурожаат этди. 1920 йил 29 август куни эски Чоржўйда Бухоро коммунистлари кўнгилли отрядининг чиқиши ташкил этилди. Турк fronti қўшинлари бу вақтга келиб сафарбарликка тайер ҳолатда турган эди. 1920 йил 25 август куни Фрунзе Туркфронт қўшинларига «қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида» буйруқ берди. Улар Бухоро остонасида Бухоро қўшинларининг шиддатли қаршилигига дуч келди. Август ойининг охирида Фрунзе қўшимча мадад тўғрисида фронт штабига мурожат қилишга мажбур бўлди. Бухоро шафқатсиз равишда ўққа тутилди. Амир, ўзи ёзганидек, «вайронагарчилик янада зўрайиб, одамларнинг яна ҳалок бўлишига йўл қўймаслик» учун ўз қўшинлари билан Бухородан чиқиб кетди. 1920 йил 2 сентябрда Туркфронт қўшинлари ва Бухороликларнинг кўнгилли қисмлари Бухорога кириб боришди. Амирлик ағдарилди. 1920 й. 14 сентябрда Абдуқодир Мухиддинов раислигида УмумБухоро инқилобий комитети тўзилди. Ҳукумат- халқ нозирлари Совети тўзилиб, уларга раис Ф.Хўжаев тайинланди.

1920 йил 6-8 октябрь кунлари бўлиб ўтган халқ вакилларининг I УмумБухоро курултойи Бухорони ҳокимияти ишчи ва деҳқонлар қўлида бўлган Халқ Совет Республикаси деб эълон қилинди.

Мана шу тариқа большевиклар раҳбарлигидаги шўролар ўз орзу-истакларини амалга ошира бориб, Ўрта Осиёда мустақил фаолият кўрсатаётган икки хонликда ҳам истибдод тузумини ўрнатди. Бу тузум ва унинг истибдоди натижасида Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий, маънавий қарамлиги кучайди.

12-Мавзу: Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирларининг муштамлақчилиқ моҳияти. (2соат)

- 1. XX асрнинг 20 йилларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият.**
- 2. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини нинг ўтказилиши ва унинг салбий оқибатлари.**
- 3. Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати ва амалиёти**
- 4.Аграр сиёсат.1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳати, унинг оғир оқибатлари**
- 5. Ўзбекистонда 20-30 йилларда маданий ҳаёт.**
- 6.СССРда маъмурий-бўйруқбозлик, тоталитар тузумининг қарор топиши. Қатағонлик сиёсати.**

1. XX асрнинг 20 йилларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият.

20-йиллар бошлари арафасида Туркистон ўлкаси бошқарувининг сиёсий майдондаги аҳвол қуйидагича рўй бераётган эди. Октябрдан кейинги дастлабки йилларда бутун мамлакатда бўлгани каби Туркистонда ҳам Совет ҳокимияти фуқаролар уруши туфайли вужудга келган мураккаб шароитда қарор топди. Бу жараёнда белгиланган омиллар, бир томонда, меҳнаткашларнинг янги ҳаётга интилишлари бўлса, иккинчи томондан, пролетариат диктатураси муассасаларини шакллантиришнинг устун даражасидаги маъмурий усуллардан эди.

Туркистон республикаси тузилаётган чоғда уни мухторият деб аташди, ваҳолангки қабул қилинган низомда федератив жумҳурият деб кўрсатилган эди. Чиндан ҳам Туркистон федератив республика сифатида шаклланишида халқлар жойлашувининг миллий-худудий хусусиятларини ҳисобга олиш имкони туғилган бўлар эди. Жумладан, “ўз чегаралари”дан ташқарида зич ҳолда яшаб турган у ёки бу миллатнинг — қозоқ, тожик, туркман туманларидаги ўзбекларнинг, ўзбек туманларидаги тожиклар, қозоқлар, туркманлар ва ҳақозоларнинг ҳам. Бироқ бутун Россия Марказий Ижроия Комитети, РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳамда РКП(б) Марказий Комитети ҳужжатларида Туркистонга мухтор жумҳурият сифатида қаралди. Ўлканинг биринчи каолицион Марказий Ижроия Комитети таркибига 18 большевик, 18 сўл эсер сайланди, улар орасида маҳаллий аҳолидан етти киши бор эди.

1918 йил апрелида Туркистон Компартиясига раҳбар бўлган И.О.Тоболин маҳаллий миллатларнинг вакиллари ичида советларнинг раҳбар органи — Марказий Ижроия Комитети раиси лавозимида муносиб одам йўқ деб ҳисоблаб, унинг вазифасини вақтинча бажаришни ўз зиммасига олди. Туркистон Компартиясининг II съездида И.О.Тоболин ва унинг тарафдорлари — “кекса коммунистлар” гуруҳи аъзолари тутган йўл қораланди.

Сўнгра Туркистон МССР Марказий Ижроия Комитетига тажрибали большевик, 1898 йилдан партия аъзоси, эътиқодига кўра байналминал инсон

— Петр Алексеевич Кобозев бошчилик қилди. Уни Туркистон МИКнинг биринчи маротаба сайлаб қўйилган раиси деб ҳисобламоқ лозим. Ҳамраис сифатида эса Андрей Федорович Солькин сайланган эди. Кўп ўтмай П.А.Кобозевни Москвага чақиртириб олишди ҳамда у Туркистонга яна 1919 йил бошида қайтиб келди, энди Туркистон ишлари бўйича алоҳида муваққат комиссия аъзоси ҳисобланарди. А.А.Казаков (Туркистон Марказий Ижроия Комитетнинг раиси) ва республиканинг баъзи бошқа раҳбар ходимлари унинг ваколатлари эътироф этишга қарши чиқдилар. Улар П.А. Кобозевни чақириб олишни сўраб В.И.Ленинга шошилинчнома йўлладилар. Бироқ, у шу ерда қолди. Туркистон округи темир йўлнинг коммисари вазифасида ишлади Туркистон компартиясининг III-IV съездларида П.А.Кобозев улуғ давлатчилик шовинистларни кескин танқид қилиб чиқди. 1919 йил октябрида у Туркистонда партия совет хўжалик қурилиши соҳасида жуда кўп иш қилишга улгурди, кейин Москвага бориб, ишчи-деҳқон инспекция халқ комиссарлигида ишлади. 1921-1923 йилларда Узоқ Шарқда хизмат қилди, сўнгра 1941 йилга қадар Москва чегара (ҳозирги Геодезия) институтининг профессори, Виктор, кафедра мудири вазифаларида хизмат қилди. П.А.Кобозевдан кейин Туркистон Марказий Ижроия Комитетига 1917 йилнинг апрелидан большевиклар партиясининг аъзоси Андрей Петрович Солькин (1895-1945 йилларда) раислик қилди. Бу лавозимда 1918 йил ноябригача ишлади.

1918 йилнинг октябрида А.Ф.Солькин ТКП ўлка комитетининг раиси этиб сайланди 1920 йили у Ленин декрети билан Тошкентда давлат Университетини ташкил этиш мақсадида келган машҳур “Фан поезда”ни қабул қилиб олишда фаол иштирок этди. 1920-1922 йилларда А.Ф.Солькин ана шу университетда бир вақтнинг ўзида ҳам талаба ҳам ректор кейин эса проректор бўлди. Бундай мисол биринчи эҳтимолки, яққо ягонадир.

Икки ой мобайнида — 1919 йилнинг январига қадар Туркистон Марказий Ижроия Комитетига Всеволод Дмитриевич Вотинцев(1892-1919 йиллар) раис бўлди.

Шундан кейин Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раиси лавозимини А.А.Казаков, И.А.Апен, Н.Тўрақулов, А.Раҳимбоев ва бошқалар эгаллашди. Турк МИК раиси ҳамда ТКП ўлка комитети раиси лавозимларига туб миллатга мансуб большевиклар орасидан биринчи бўлиб сайланган Назир Тўрақулов эди. У Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси сифатида бир йилдан сал кўпроқ ишлади.

А.А. Казаков ТуркМИК раиси лавозимида бўлган пайтда – 1919 йил июнида Халқ Комиссарлари Кенгашини тугутишга қаратилган нотўғри қарор қабул қилиндики, республика 1920 йил мартига қадар ҳокимиятсиз қолди. Я.У.Рудзутакнинг фаол қўллаб – қувватлаши билан Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгаши қайта тикланди, бунда Назир Тўрақуловнинг ёрдами катта бўлди У Бухоро ва Хоразм коммунистик партияларининг шаклланиши ҳамда мустаҳкамланишига ҳам кўмклашди.

Туркистон АССР Советларининг Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлари Кенгаши ва Компартияси Бухоро ҳамда ҳамда Хоразм

республикаларининг (кейингисини раҳбарлари алоҳида позицияда тургандилар) партия - давлат органлари билан биргаликда, шунингдек Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети, РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳамда РКП(б) Марказий Комитетининг фаол ташкилий – сиёсий кўмагида Ўрта Осиё миллий давлатларининг тўзилиши учун қулай шарт- шароит вужудга келтирилди.

2. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини нинг ўтказилиши ва унинг салбий оқибатлари.

Ўрта Осиё миллий давлат чегараланишини ўтказиш ташаббуси энг аввал мазкур минтақанинг халқлари ва партия давлат органларидан чиққани йўқ. Вазият шундай бўлдики, ҳатто В.И. Ленин ҳаётлигидаёқ Туркистоннинг ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ривожланиш хусусиятларига асосан иқтисодий ва маданий жиҳатдан, у ҳам бўлса Россия шарқий чеккаларининг капитализми четлаб социализмга ўтишдаги ўзига хос белгилари ҳисобга олинган ҳолда қараларди.

1924 йилга келиб, Ўрта Осиё ёхуд Туркистонда мавжуд бўлган учта давлат бирлашмаси: Туркистон (ТАССР), Бухоро халқ республикаси (БХР) ва Хоразм халқ республикаси (ХХР)ни қайта тузиш, яъни қайтадан миллий давлат чегараланиши ўтказишга тайёргарлик авж олиб кетди.

Амалда Туркистон халқларининг чоризм мустамлакачилик сиёсати йилларида орзиқиб қутган озодлик, тенглик, биродарлик, мустақиллик тўғрисида орзу-умидлари пуч бўлиб чиқди.

Туркистон шўро ҳокимиятининг хом ашё манбаи бўлиб қолаверди. Демак, «Зўраки инқилоб» халқ талабини, амалда қондирмади. Чоризмнинг реакцион миллий сиёсати янгича кўринишда большевикча ниқоб, марксча-ленинча коммунистик мафкура остида давом эттирилди. Энг асосийси, Туркистон халқлари ҳокимият бошқарувига яқинлаштирмади. 1920 йилда Туркистондан Русияга 6730 вагон пахта, 1000 вагон жун, 111 минг жуфт пойафзал, 100 минг кўрпа-тўшак, 202 минг бош кийим, 324 минг кўйлак, 11,5 минг калта пўстин, 6,4 минг эгар, кўплаб микдорда мева-сабзавот, вино, балиқ ва бошқа маҳсулотлар олиб кетилди. Шу- йилнинг фақат февраль-август ойларида Туркистон темир йўлларида 10000 вагонга яқин турли ҳарбий ва халқ ҳўжалиги аҳамиятига молик юklar ташиб кетилди. Шўро ҳукуматининг биринчи кунлариданоқ маҳаллий халқ, илғор зиёлилар Туркистон бойликлари ўзига хизмат қилиш, ўлкамизнинг мустақил бўлиши учун курашди.

Мураккаб шароитда маҳаллий миллий кучларнинг Туркистондаги ҳокимият идораларида асосан ерли аҳоли бўлиши учун курашишдан бошқа чораси қолмади. Бу албатта Турор Рисқулов раҳбарлигидаги миллий зиёлилар бошчилик қилдилар.

Жумладан, миллий кучлар 1920 йил 17 январда бўлиб ўтган Туркистон комфирқаси Ўлка Кўмитаси, Мусулмонлар бюроси ва Турккомиссиянинг (у 1919 йилда тўзилиб, Элиава раислигида Туркистонга юборилган эди) кўшма мажлисида ўлкамиз ҳудудида мустақил «Турк Республикаси» ва «Туркистон

Компартияси»ни тўзишни талаб қилиб чиқдилар. Шунингдек улар Туркистон мухтор жумҳурияти. Конституцияни қайта кўриб чиқишни, маҳаллий аҳолидан махсус мусулмон армияси тўзишни, рус қўшинларини ўлкадан олиб чиқиб кетишни ҳам таклиф қилдилар.

Бу масала Туркистон Компартиясининг V ўлка конференциясида ҳамда мусулмон коммунистларининг III ўлка конференциясида ҳам муҳокама қилинди. Ўз навбатида ҳали мустақил яшаб турган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳам Туркистондаги шўро мухтор ҳокимиятини тан олмади.

Бундай вазиятда Туркистонда шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун юборилган Турккомиссия аъзолари орасида ҳам иккиланиш пайдо бўлди. Масалан, Элиава ва Куйбишев Туркистон миллий кучлари таклифини зарур чора деб тушунди. Ф. Голошчекин эса иккилланди. Фақат Я.Э.Рудзутак, кейинчалик эса М.В.Фрунзе миллий кучлар таклифига қатъиян қарши чиқдилар.

Кўп ўтмай, 1920 йил 24 февралда бўлиб ўтган Турккомиссия йиғилиши М. В. Фрунзенинг фаол аралашуви билан маҳаллий халқларнинг Турк Республикаси ва Туркистон компартияси тўзиш тўғрисидаги таклифларини рад этди. Комиссия Туркистонни идора қилишнинг шўро тўзумига мослаштирилган лойиҳасини ишлаб чиқди.

8 мартда РКП(б) Марказқўми Турккомиссиянинг Туркистонни бошқариш тўғрисида ишлаб чиққан лойиҳасини маъқуллади. Натижада Туркистон компартияси вилоят партия ташкилоти ҳуқуқи билан Россия комфиркаси таркибига қирадиган бўлди. Туркистон мухтор шўро Республикаси эса шу номда РСФСР таркибида қоладиган бўлди.

Турккомиссиянинг бундай сиёсатидан норози бўлган маҳаллий халқ ва миллий-ватанпарвар кучлар 1920 йил май ойида Турор Рискулов, Низомиддин Хўжаев ва Бек-Ивановлардан иборат «Турк делегацияси»ни Москва, болшевиклар раҳбарияти хузурига юборилди. Кўриниб турибдики, Туркистон халқлари бу раҳбарга катта умид боғлаган эди. Бўнга сабаб Ленин бошлиқ шўро ҳукумати собиқ чор Русияси таркибидаги Польша ва Финландия мустақиллигини тан олган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилган русларнинг украинлар, гуржилар ва бошқа халқлар билан тенглигини бир неча бор таъкидлаган эди.

Бироқ, Ленин ва фирка Марказқўми Туркистон халқларининг юқоридаги таклифларини, бошқача қилиб айтганда Туркистон мустақиллигини тўла рад этди. Улар афсонавий бой ўлка бўлган Туркистондан ажралиб қолишдан кўрқиб, уни бир неча бўлакка бўлиб юришга қарор қилдилар. Шахсан Ленин 1920 йил 13 июнда фирка Марказқўми ва Шўро ҳукуматининг Туркистондаги ваколати органи ҳисобланган Турккомиссияга қуйидаги кўрсатмани беради:

1. Туркистоннинг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонга бўлинган харитаси тўзиб чиқилсин;
2. Бу уч қисмни қўшиб юбориш ёки ажратиш шартлари батафсилроқ аниқлаб чиқилсин.

Унинг бу кўрсатмаси фирқа Марказқўми Сиёсий бюроси, шунингдек Турккомиссия фаолияти учун асос бўлди. 29 июнда фирқа Марказқўми Сиёсий бюроси «РКП(б) нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида» махсус қарор қабул қилиб, бу ердаги мавжуд ташкилий-худудий ва маъмурий тўзилмалар ўзгартирилмасдан сақлаб қолинишини маълум қилди.

Марказнинг бундай хатти-ҳаракатидан норози бўлган миллий-демократик, ватанпарвар кучлар бу қарорга қўшилмасликлари ҳамда Туркистон Компартияси Ўлка Қўмитаси ва Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси таркибидаги чиқишларини билдирдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу вақтга келиб Туркистонда вазият ўзгарган, Бухоро амири Сайид Олимхон, Хива хони Саид Абдуллахон ва Жунайидхонлар тахтдан ағдарилган, янги Хоразм ва Бухоро халқ Шўро Жумҳуриятлари ташкил топган эди.⁶ Ўз-ўзидан равшанки, Полвонниёз Юсупов бошчилигидаги Хоразм, Ф.Хўжаев раҳбарлигидаги Бухоро халқ ҳукуматлари ҳам эркин, озод, мустақил йўлдан боришга интиладилар. Аммо, РСФСР билан тўзилган шартномалар, Туркистон АССР билан бўлган ўзаро муносабатлар уларнинг ҳам оёқ-қўлини боғлаб қўйган эди.

Бундай вазиятдан фойдаланган Турккомиссия Туркистон Компартияси Ўлка Қўмитасини тарқатиб юборди ва Туркистон Компартиясининг шўро тўзуми тарафдорлари бўлган Тўрақулов, Отабоев, Қосимхўжаев, Иброҳимов, Ўстабоев, Ҳакимов ва бошқалардан иборат Муваққат Марказқўмини тўзди.

Кўриниб турибдики, Марказий Шўро ҳукумати Туркистон, Бухоро ва Хоразмни сира қўлдан чиқаргиси йўқ эди. Чунки у бу ерлардан катта бойлик, кўп ва арзон маҳсулот оларди. Масалан, марказ биргина Бухородан 1923 йилда 400 минг, 1925 йилда 885 минг пуд пахта ёки 1921 йилда 100 минг, 1922 йилда эса 1 млн. дона қоракўл тери олди. Мана шунинг учун Россия комфирқаси РКП (б) Маказқўми Сиёсий Бюроси «Бухоро масаласига доир» деган махсус қарор қабул қилиб (1923 й.), бу ерда Шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашни қизитиб юборди. Хивада ҳам аҳвол айнан шундай эди.

Натижада мақсадларининг амалга ошувига кўзи етмаган Бухоро ва Хоразм ҳукуматларининг ватанпарвар раҳбарлари ҳукуматлар таркибидан чиқдилар. Хусусан Бухорода ҳарбий нозир Абдулхай Орипов, Туркистондан сургун қилинган ватанпарварлар Қушбегаев, Мунавварқори Абдурашид-хонов, Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Усмонхўжаев ва бошқалар масъул лавозимларидан воз кечиб озодлик учун курашаётган миллий ватанпарвар кучлар томонига ўтдилар. Ана шундай шароитда Марказий ҳукумат вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли Туркистонни бўлиб юбориш, деб ҳисоблади ва буни амалга оширишга киришди.

Бу даврда Туркистон, Бухоро ва Хоразмда гарчи тили, дини, кадриятлари, хатто урф-одатлари ўхшаш бўлган туркий халқлар асосий кўпчиликни ташкил этса-да, улар ҳар уччала жумҳуриятда ҳам аҳоли таркибига кўра кўп миллатли эди.

⁶ Хивада 1920 й. 2 февралда Бухорода эса 1920 й. 2 сентябрда шўро тўзуми ўрнатилган.

Масалан, Марказий Осиёдаги жами ўзбекларнинг 66,5 фоизи Туркистонда, 22,2% Бухорода, 11,3% Хоразмда яшар эди. Ёки ўзбеклар Туркистон МШСР аҳолисининг 51,4% ни БХРда 50,1, ХХРда 61,1 фоизни ташкил этарди. Бу миллатлар бир-бири билан иноқ бўлиб, қадим-қадимдан бирга яшаб келар, яъни қон-қардош бўлиб кетган эдилар.

Шўро ҳукумати ва РКП(б) Марказқўми Сиёсий Бюроси Туркистон халқларининг мана шундай мустақкам бирлигига атайин раҳна солишга ўринди ва ўз манфаати йўлида зўр бериб маҳаллий миллатларга миллий республикалар тўзиш ғоясини сингдирди. Бу қуруқ бир мақсад бўлмасдан ўзоқни кўзлаб, амалга оширилаётган аниқ режа эди. Бу масала юқорида, яъни Марказда Туркистон халқлари аралашувисиз обдон пухта ўрганилди ва 1924 йилга келиб, бевосита кун тартибига қўйилди. Марказий ҳукумат ва РКП(б) Марказқўмининг доимий ташвиқоти ва таъсири остида Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг шўро органлари ва партия ташкилотлари Ўрта Осиёда янги миллий Шўро республикаларини «ташкил этиш таклифи» билан чиқдилар.

Дарҳол РКП(б) Марказқўмининг Ташкилот бюроси тўзилди ва масалани муҳокама қилиб, ўрганиб чиқиш Я.Э.Рудзудакка топширилди. Ўз навбатида РКП(б) Марказқўми Ўрта Осиё бюроси махсус комиссия тўзди. Я.Э.Рудзудак раҳбарлигида ишлаган бу комиссия 1924 йил 11 майда ўлкамиз ҳудудида СССР таркибига кирувчи янги «мустақил» Ўзбекистон ва Туркменистон ХСРни, Ўзбекистон таркибида Тожикистон, РСФСР таркибида Қорақирғиз мухтор вилоятларини тузишни ва Туркистоннинг қозоқлар туманларини Қозоғистон ССР таркибига беришни зарур деб топди. Комиссия ҳулосаси билан танишиб чиққан, РКП(б) Марказқўми Ўрта Осиё бюроси ўзининг 2 июлдаги йиғилишида бу таклифларни асосан маъқуллади ва уни РКП(б) Марказқўми муҳокамасига ҳавола қилди.

Айни шу пайтда Хоразм ХСР⁷ раҳбарларидан Одинаев ички ишлар нозири - Абдусаломов, Хоразм ХСРнинг Тошкентдаги элчиси Ёқубов, Хоразм Давлат Режа Қўмитаси раиси - Шулимов миллий чегараланишга қарши чиқдилар ва РКП(б) Марказқўми номига норозилик мактубини йўлладилар. Улар Хоразм Жумҳуриятини ўз хоҳишича қолдиришни, Туркистоннинг Амударё вилоятини Хоразм ХСР таркибига беришни сўрадилар. Аммо бу талаблар ҳам олдингиларидек рад этилди.

1924 йил 12 июнда РКП(б) Марказқўмининг Сиёсий Бюроси Туркистон, Бухоро ва Хоразм ҳудудида миллий чегараланиш ўтказиш масаласини кўриб чиқди ва маъқуллади. Унда қуйидагилар кўзда тутилди:

1. Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг туркманлар яшайдиган қисмларидан «мустақил» Туркменистон ХСРни тузиш.

2. Туркистон ва Бухоронинг ўзбеклар яшайдиган қисмидан «мустақил» Ўзбекистон ССРни тўзиш.

3. Туркманлар яшайдиган ҳудудларни ажратиб олиб, Хоразм Жумҳуриятини мавжуд ҳолатида қолдириш.

⁷ 1923 йилда Бухоро ва Хоразм халқ Жумҳуриятлари Шўро Социалистик Жумҳуриятларига айлантирилган эди.

4. Ўзбекистон Жумҳурияти таркибида Тожикистон мухтор вилоятини тўзиш.

5. Россия Федерацияси таркибида Қирғизистон мухтор вилоятини тўзиш.

6. Туркистоннинг қозоқлар яшайдиган туманларини Қозоғистон ССР билан бирлаштириш.

Мазкур қарорда Хоразмда ташвиқот ишларини кўчайтириш ҳам кўрсатилди. Натижада 1924 йил 26 июлда Хоразм Компартияси ўз қароридан қайтиб, миллий чегараланиш ўтказишни маъқуллади.

Шундан сўнг, Марказий ҳудудий комиссия тузилди ва у янги бўлажак республикалар ва вилоятлар чегараларини аниқлашга киришди.

Марказий ҳудудий комиссия ўз хулосаларида илгари режалаштирилган Тожикистон мухтор вилояти ўрнига Ўзбекистон таркибида Тожикистон мухтор жумҳуриятини, шунингдек Қорақалпоғистон мухтор вилоятларини тузиш зарур, деган фикрни билдирди⁸. Ниҳоят, бу ишлар 1924 йилнинг сентябрига келиб ўз ниҳоясига етди. Туркистон МСЖ МИҚнинг фавқулодда сессияси, Бутун Бухоро ва Бутун Хоразм Шўроларининг IV қурултойлари Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказишни мақулладилар.

1924 йил 9 ва 11 октябрда бўлиб ўтган РКП(б) Марказқўми Сиёсий Бюроси йиғилишида бу масала узил-кесил ҳал қилинди.

27 октябрда эса СССР советларининг 11 сессияси Ўрта Осиёда миллий чегараланиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади.

Шундай қилиб, ўлкамиз ҳудудини парчалаб юбориш ниҳоясига етказилди. Собиқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм жумҳуриятлари ўрнида Ўзбекистон ва Туркманистон шўро социалистик жумҳуриятлари, Тожикистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти, Қирғизистон ва Қорақалпоғистон мухтор вилоятлари ташкил этилди. Туркистоннинг қозоқлар яшайдиган қисми Қозоғистон мухтор социалистик жумҳурияти таркибига киритилди,

2. Ниҳоят марказнинг хоҳиш-иродаси амалга ошди. Ягона Туркистон халқлари миллий хонадонларга бўлиб юборилди. Улар миллий давлатларга бирлашдилар. Жумладан, Ўзбекистон шўро социалистик республикаси ташкил этилди. Бу воқеага катта сиёсий тус берилди. Ўзбекистон ССРни ташкил этиш тантаналарида шўро давлати арбоби М.И.Калинин иштирок этди. Албатга у кўзлаган мақсадларнинг амалга ошганидан хурсанд эди. Буни унинг Москвага қайтиб боргач, ўзини кутиб олувчилар олдида айтган қуйидаги сўзларидан билиш мумкин. «Ўртоқлар! Боғу-бўстонга ўралган, ноз-неъматга тўлган Ўзбекистондан, партиямиз сизлар учун, бутун рус халқи учун олий жойлар тайёрланди. Биринчи сизларни шу билан табриклайман⁹».

Миллий чегараланишдан сўнг, Ўзбекистон ҳудудига қуйидаги ерлар киритилди:

⁸ Қорақолпоқ мухтор вилояти 1924-1932 йилларда Қозоғистон МШСР таркибида, сўнг 1936 йилгача мухтор жумҳурият мақомида РСФСР таркибида бўлди.

⁹ Ўзбегим. - Тошкент, 1992 й., 221-бет.

а) собиқ Туркистон Жумҳуриятидан Самарқанд вилояти Жиззах, Каттакўргон ва Хўжанд уездларининг 41 волости, Сирдарё вилояти, Тошкент ва Мирзачўл уездларининг 24 волости, Фарғона вилояти Андижон, Қўқон, Наманган ва Фарғона уездларининг 70 волости ва 7 қишлоқ округи;

б) собиқ Бухоро жумҳуриятидан Бойсун, Бухоро, Ғўзор, Қарши, Кармана, Курота, Шахрисабз, Шеробод ва қисман Сариосиё вилоятлари;

в) собиқ Хоразм жумҳуриятидан 23 шўро (туман)си киритилди.

Булардан ташқари, собиқ Туркистон МШСР Самарқанд вилояти Самарқанд ва Хўжанд уездлари 12 волости, Фарғона вилояти Помир тумани, Бухоро жумҳуриятининг шарқий Бухоро, деб аталган Гарм, Ҳисор, Кулоб, Қўрғонтепа. Дўшанбе ва қисман Сариосиё вилоятларини ўз ичига олган Тожикистон Мухтор Жумҳурияти ҳам Ўзбекистон ХСР таркибига киритилди.¹⁰

Ўзбекистон ССР ташкил топган пайтда, унинг ҳудуди 312 минг 394 кв.км. бўлиб, аҳолиси 4 млн. 447 минг 55 кишини ташкил этарди.

Жумҳуриятимиз аҳолиси ўз миллий таркибига кўра, (Тожикистондан ташқари) қуйидагича эди: ўзбеклар - 74,2, тожиклар (1926 йил маълумоти бўйича) - 7,4, руслар - 5,5, қozoқлар - 2,4, қирғизлар - 2,04 фоиз ва ҳоказо.

Самарқанд шаҳри Ўзбекистон Республикасининг пойтахти деб эълон қилинди. 1930 йилга келиб, пойтахт Тошкент шаҳрига кўчирилди, Республика ҳукумат идораларини ташкил этиш жараёнида ҳокимият Файзулла Хўжаев бошлиқ Инқилобий Қўмита ва В.И.Иванов ҳамда Акмал Икромовлар раҳбарлигида Ўзбекистон Комфирқаси Ташкилий Бюроси қўлига берилди.

1925 йил 8 февралда Бухорода Ўзбекистон Комфирқасининг 1 курултойи очилиб, Ўзбекистон Компартияси тўзилганлиги расман эълон қилинди.

Курултойда В.И.Иванов ва А.Икромов Марказқумнинг маъсул котиблари қилиб сайландилар.

Орадан кўп ўтмай, 13-17 февраль кунлари Ўзбекистон Шўроларининг ҳам 1 - таъсис курултойи бўлиб, унда «Ўзбекистон шўро социалистик республикаси ташкил этиш тўғрисида Баёнот» қабул қилинди. Баёнотда Ўзбекистоннинг Иттифоқ таркибига кирганлиги эълон қилинди.

Ўзбекистон шўроларининг биринчи курултойи жумҳуриятда давлат ҳокимиятининг раҳбар органи – Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасини сайланди. Йўлдош Охунбобоев унинг раиси, Султонхўжа Қосимхўжаев, Нарсулла Махсўм Лутфуллаев ва Жаҳон Обидовалар унинг ўринбосарлари қилиб сайландилар.

Шунингдек, Шўролар курултойи инқилобий Қўмита фаолиятини маъқуллаб, Файзулла Хўжаев раислигидаги жумҳурият ҳукумати - Ўзбекистон ШСР Халқ Комиссарлари Кенгашини ҳам тасдиқлади.

Ўзбекистон ШСР ташкил этилиши муносабати билан унинг ҳудуди қайтадан туман ва вилоятларга бўлинди, Жумҳурият ҳудудида Тошкент,

¹⁰ Тожикистон МШСР 1929 йилда мустақил ШСРга айлантирилиб, бевосита СССР таркибига киргунга қадар Ўзбекистон ШСР таркибида бўлди.

Самарқанд, Фарғона, Зарафшон, Сурхандарё, Қашқадарё, Хоразм вилоят ва округлари, кўплаб туманлар, қишлоқ, Овул Кенгашлари ташкил қилинди.

Юқорида айтганимиздек, Тожикистон МШСР 1929 йилга келиб, Ўзбекистон ШСР таркибидан чиқди ва мустақил иттифокдош республика бўлди. 1936 йилда Қорақолпоғистон мухтор вилояти мухтор жумхуриятга айланди ва Ўзбекистон таркибига киритилди. Янги вилоятлар ташкил қилинди.

Ўзбекистоннинг 30-йиллардаги бутун куч имкониятлари ҳукмрон партиянинг «социалистик қурилиш», деб аталган бош жараёнини амалга оширишга қаратилган эди. Республика комфиркаси бутун ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва маданий ҳаёт соҳаларига раҳбарлик қилар эди. 1929 йилдаги фирқани тозалаш жараёнида аъзоларнинг 15,6% унинг сафларидан чиқарилди. Юқоридан берилган кўрсатма асосида шўроларнинг аҳамияти қисқартирилиб, жамоат ташкилотлари қайта тўзилди. Уларнинг аъзолари сони мажбурий тарзда сони кўпайтирилди. 1940 йилда 600 мингдан кўп қасаба уюшмаси, 400 минг нафарга яқин комсомол аъзолари бор эди. Бу даврда фаолият кўрсатган оммавий кўнгилли жамиятлар: МОПР (ишчиларга ёрдам берувчи ҳақаро жамияти), қизил ярим ой жамиятлари ҳам қайта тўзилди.

Ҳукмрон фирқа раҳбарлигида ҳамма нарсга беш йиллик режаларни бажариш ишига сафарбар этилди. (1928-1932 йиллари - 1 беш йиллик, 1933-1937 йй - 2 беш йиллик, 1938-1941 йй - 3 беш йиллик). Бу беш йилликлар ҳукмрон фирқанинг буйруқбозлик усули ва зўраки ташаббускорлик йўли билан амалга оширила бошлади.

Маъмурий буйруқбозлик тизими ва фирқанинг якка ҳокимлиги таъсири остида содир бўлган ўзгаришларга қонунийлик тусини бериш, социалистик қурилиш амалиётини, унинг муваффақиятини мақтаб, кўкларга кўтариш учун сталинча раҳбарият шу ўзгаришларни мамлакатнинг асосий қонунида мустаҳкамлаб қўядиган конституция қабул қилишни зарур деб топди ва 1936 йилнинг ноябрида собиқ Иттифок шўроларининг VIII съездида янги конституция қабул қилинди. Унинг асосида 1937 йил феврилида республика шўроларининг фавқулодда VI қурултойида Ўзбекистон конституцияси ҳам қабул қилинади. Бу конституцияда ҳам Ўзбекистон барча республикалар қатори тенг ҳуқуқли деб расман эълон қилинган бўлса-да, бироқ у ҳамма нарсага қодир марказга тобелигича, қарамлигича қолаверди.

Мазкур конституцияга мувофиқ, 1938 йил 25 июнда республика Олий Кенгашига сайловлар ўтказилди. Унинг 1 сессияси ЎзССР Олий Кенгаши раёсатини сайлади ва республика халқ комиссарлари кенгашини тўзди.

1939 йил 29 декабрда эса, ЎзССР маҳаллий шўроларига сайловлар ўтказилди.

Республикада маъмурий-иқтисодий районлаштириш жараёни такомиллашиб борди. 1941 йилнинг 6 мартида Андижон, Наманган ва Сирдарё вилоятлари тўзилди.

1940 йилнинг сентябрида ЎзССР Халқ Комиссарлари кенгаши қошида «Иқтисодий кенгаш» ташкил этилди, Ўзбекистон Давлат назорати халқ комиссарлиги тўзилди. У давлат маблағлари ва моддий бойликларини ҳисобга олиш, сарф-харажатлар устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, ҳукумат қарорларининг ижросини текшириш учун ташкил этилган эди.

3. Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати ва амалиёти

1920-йиллар охири 30-йилларнинг бошларида индустрлаштиришнинг салбий ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам кўрина бошлади. Раҳбариятдаги ўта жадал индустрлаштириш тарафдорлари қишлоқ хўжалиги ҳисобидан индустрлашни талаб қилдилар. Уларнинг муҳолифлари эса индустрлаштириш асосида саноатни ўстириш билан фаравонликни юксалтириш ва қишлоқ хўжалигини ихтиёрий суратда кооперациялашни оқилona бирга қўшиб олиб бориш тарафдори бўлдилар. «Халқлар отаси» Сталин эса, биринчи нуктаи назарни қўллаб қувватлади. Шу тариқа индустрлаштиришнинг оқилona йўли-ю, 5 йиллик режалари тузилди.

Ўзбекистонда аҳвол бутунлай ўзгача эди. Чунки у аграр республика эди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги мақсулотлари салмоғи 60% дан кўпроқни, саноат эса 40% дан камроқни ташкил этарди. Бундан ташқари, саноат ишлаб чиқаришининг 90% га яқини қишлоқ хўжалик ашёларини ишлашга асосланган эди. Оғир индустрия эндигина ривожланаётган республикаимиз мамлакатнинг асосий пахта бозасига айланиб қолган эди.

Биринчи беш йилликда (1928/29-1932/33 йй.) 192 та янги саноат корхонаси, (ўша давр расмий маълумотлари бўйича) шу жумладан. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводи, Қувасой цемент ва оҳак заводлари ишга туширилди. Чирчиқстрой, Олмаликстрой, Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши давом эттирилди. 1932 йилга келиб, оғир саноат салмоғи 8,8%ни, машинасозлик салмоғи 1,3%ни, енгил саноат салмоғи 69,3 %ни ташкил этди. Шу йили Ўзбекистонда пахта толасининг 90%, цементнинг 50%, ўсимлик мойининг 56%дан ортиғи, хом ипакнинг 42% ишлаб чиқарилди.

Иккинчи беш йилликда (1933-1937 йй.) ҳам Ўзбекистонни асосий пахта базаси сифатида ихтисослаштириш кўзда тутилган эди. Бу беш йилликда республикада 189 та саноат корхоналари ва электр станциялари ишга туширилди. Шу беш йиллик давомида республикада хунармандчилик кооперациясининг ялпи маҳсулоти деярлик 3 баровар кўпайди.

Учинчи беш йилликнинг (1938-1941 йй.) дастлабки йилларида ҳам кўплаб корхоналар, жумладан энг йирик Чирчиқ электр кимё комбинати қурилиб ишга туширилди.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси мамлакатни индустрлаштириш ва унинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамласига катта ҳисса қўшган бўлса ҳам, у хом ашё олиб чиқиб кетиладиган ўлка бўлиб қолаверди.

Жадал индустрлаштириш маблағлари меҳнаткашлар зиммасига оғир юк бўлиб тушади. Индустрлаштириш ишчилар сонининг кўпайишига олиб

келади. Биргина биринчи беш йиллик давомида йирик саноатдаги ишчилар сони 3,5 баробар кўпайди. Уларнинг ярмидан кўпроғини маҳаллий кадрлар ташкил эта бошлади. Кадрларни ишлаб чиқаришдаги ўқув курслар ва хунар-техника билим юртлари тайёрлаб бера бошлади. Маҳаллий кадрлар Москва, Санк-Петербург, Иваново-Вознесенскда ҳам ўқитилди. 1940 йилда саноатдаги ишчилар сони 142 минг нафарга етди.

Аммо шу нарса ҳақиқатки, малакали ишчилар ва муҳандис-техник ходимларнинг аксариятини оврўполик миллатлар вакиллари ташкил этарди.

Олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун Ўрта Осиё индустрия институтини, темир йўл транспорти, тўқимачилик институтлари иш бошлади.

Сифат даражага эътибор берилмаса ҳам жадаллаштириш учун «социалистик мусобақалар» бошланди. Новаторлар меҳнат қаҳрамонлари сифатида кўллаб-қувватланди. Мусобақалашув 1935 йилда энг юқори даражага етиб, «Стахановчилик ҳаракати» номини олди.

Айни вақтда ниҳоят даражада зўр бериб қилинган меҳнат ана шу иқтисодий имкониятни яратувчиларнинг моддий фаровонлигига амалда ҳеч бир таъсир этмас эди.

4. Аграр сиёсат. 1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳати, унинг оғир оқибатлари.

20-йиллар охирига келиб қишлоқларда бозор муносабатлари муҳити тобора кўпроқ барҳам топа бошлаган эди. Шўро давлати 1929 йилнинг кўзидан бошлаб кооперацияни ривожлантириш сиёсатини ҳар томонлама жамоалаштириш сиёсати билан алмаштирди. Айни пайтда маҳаллий шароитда мутлақо ҳисобга олинмади. Бунинг устига маҳаллий матбуот ҳам «коллективлаштириш учун барча имкониятлар мавжуд», деган хато фикрларни ёритиб борди.

1930 йилнинг январида собиқ хукумрон фирқа марказқўмининг жамоатлаштириш учун қулоқларни синф сифатида тугатиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Ўнга асосан Ўзбекистон комфирқа марказқўмининг ҳам “жамоалаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида” ги қарори қабул қилинди (1930 йил 17 февраль) Қарорига асосан республикада ялпи жамоалаштириладиган 17 та район белгилаб берилди. Лекин бу жойларда жамоалаштириш учун шароит йўқ эди. Айрим районларда буйруқбозлик, қўрқитиш усули билан бир неча ҳафта амалга оширилди. Жамоа хўжаликларига кирмаганларга сув бериш тақиқланди, уларга кўшимча солиқлар солинди, сургун қилинди.

Жамоалаштириш қулоқ хўжаликларини тугатишга қаратилган эди. Аммо шу баҳонада кўпгина ўрта ҳол ва камбағал деҳқонларнинг хўжаликлари ҳам тугатилди. 1930 йилда Ўзбекистонда тугатилган 2648 хўжаликларининг аксарияти ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлар хўжаликлари эди.

Жамоалаштиришдаги бундай кўпол хатолар деҳқонларнинг оммавий норозиликка сабаб бўлди. 1930 йил 25 февралда Фарғона, Андижон,

Бухоро, Тошкент, Хоразм, Самарқанд ўлкаларининг кўпгина жойларида оммавий норозиликлар бошланди. Айрим жойларда улар шўро ҳукуматига қарши сиёсий чиқишларга айланди. Аксарият деҳқонлар эса жамоа хўжаликларидан чиқа бошладилар. 1930 йилнинг мартида жамолаштириш фоизи 47% ташкил этган бўлса, 1930 йилнинг майида бу кўрсаткич 29 % тушиб қолди.

1930 йилнинг кўзидан бошлаб яна жамолаштириш тазйиқи бошланди. 1931 йилнинг ёзига келиб 56,7% деҳқон хўжаликлари бирлаштирилди. 1930-1933 йиллар мабойнида деҳқон хўжаликларининг сони 5.5 мингтага етди. Уларнинг кўпчилиги собиқ Иттифокнинг бошқа районларига, Украина Сибирга кўчириб юборилди. Республиканинг ўзида эса 17 та “қулоқ” кишлоқлари ташкил қилинди.

Ўзбекистонда кишлоқ хўжалигини жамолаштириш расман 1932 йилда паёнга етказилди. Жамоа хўжаликларига кирмай қолганлар учун тазйиқ яна авж олдирилди. Улар учун солиқ миқдори жамоа хўжалиги аъзоларига нисбатан 50 % оширилди. Натижада биринчи беш йиллик охирида жойлаштириш фоизи 91.5% га етди. 1939 йилда эса бу кўрсаткич 99.5% га етди. Якка хўжаликлар фаолияти барҳам топди. Йирик жамоат ишлари чиқариш кишлоқ хўжалигини ташкил этишнинг амалдаги бирдан бир шакли бўлиб қолди.

Жамоа хўжаликлари деҳқонларнинг ишлаб чиқариш воситаларини бирлаштириш асосида тўзилди. Бу воситалар ягона бўлинмас фондга қўшилиб, жамоа хўжаликлари аъзолари жамоа хўжаликларидан чиқиб кетадиган бўлсалар, уларга қайтарб бериш мумкин эмас эди. Айнан мана шу қоида деҳқонларнинг мулкдан ажралиб қолишига сабаб бўлган эди.

Колхозлар иқтисодий жиҳатдан бутунлай давлатга қарам бўлиб қолди. Уларнинг мустақиллиги ва ташаббуси кескин чекланди. Йирик ишлаб чиқариш воситалари эса МТС(машина трактор станция)лар орқали давлат қўлида тўпланиб борди. МТСлар жамоа хўжаликлар далаларини натурал ҳақ эвазига ишлаб берар, бу ҳақнинг миқдорлари эса юқоридан белгилаб берилар эди. 1933 йилнинг бошларида Ўзбекистонда 73 МТСлар фаолият кўрсатди.

Совхозлар тузилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Биринчи беш йиллик охирида Ўзбекистонда тўзилган савхозлар сони 60 тага етди.

Сталинча раҳбарият жамоа хўжалик аъзолари жамоа хўжаликларидан кетиб қолишнинг олдини олиш мақсадида уларга паспорт берилишини тақиқлади. Чунки улар бирон жойга бориб, муҳим яшаш имкониятига эга бўлолмас эди. Мамлакатни хом ашё билан ҳамда пахта мустақиллигини таъминлаш учун Ўзбекистон ҳудудида пахта якка ҳокимлиги жорий этилди. 1929-1932 йилларда пахта экиладиган ер майдонлари 550 минг дан 928 минг гача етди. Ялпи пахта ҳосили эса 625 минг тоннадан 752 минг тоннага етказилди. 1932 йилга келиб, республика иттифок пахтасининг 60%ни бера бошлади. Ирригация ва қурилиш ишларига эътибор қаратилиб, 1937-1940 йиллар мабойнида республикада суғориладиган ерлар майдони 260 минг гектарга кенгайди. Бу хил тадбирларни ўтказишда кўзатиладиган бирдан бир

мақсад республикада пахта якка ҳокимлигини янада қарор топтириш эди. 1939 йилда ялпи пахта ҳосили деярлик 1 млн. 583 минг т. га етди, ҳосилдорлик эса гектаридан 17.8 ц. ни ташкил этди. Урушдан олдинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари асосан марказ саноатини ривожлантиришга мослаштирилди. Бу даврда баъзи иқтисодий муваффақиятларга қарамай, жамоалаштириш натижасида деҳқонларга ҳос бўлган турмуш тартиби бўзилди, маънавий, ахлоқий қадриятлар заволавор топди. “Юқоридан қилинган инқилоб”дан Меърос бўлиб қолган энг оғир нарса- ер эгаллигининг йўқ бўлиб кетиши, меҳнаткаш инсон билан ер, жамият билан табиат алоқаларининг бўзилиб, емирилиб бориши эди. Қишлоқ учун анъана бўлиб келган кўпгина халқ одатлари ва расм русўмларини қоралаш, динга қарши ташвиқот ва тарғибот ҳам қишлоқ ёшларига салбий таъсирини ўткази бошлади.

5. Ўзбекистонда 20-30 йилларда маданий ҳаёт.

XX асрнинг 20-30 йилларида маданий соҳа ҳам ўзига ҳос мураккаб, қийинчилик билан кечди. 20 йиллар бошларига келиб, Ўзбекистон ҳудудида маданий қурилишнинг энг долзарб вазифаларидан саналган совет таълим тизимини шакллантириш ишлари бошлаб юборилди. Советлар Ўзбекистонда янги таълим тизимини жорий этар экан, халқ саводхонлигига эришиш, илм-маърифатдан баҳраманд этиш орқали юрт фарзандлари онги шуурида коммунистик ғояларни чуқур сингдиришга ва ўзлари учун содиқлик билан хизмат қиладиган авлодни тарбиялаб вояга етказиш асосий мақсадлари эди. Халқ таълимининг истеъдодли ташкилотчилари Абдулқодир Шакурӣ, Исмаиулла Раҳматуллаев, Исҳоқхон Ибрат, О.Дадахўжаев, Абдулла Мустақов, Ҳоди Файзиев, Ашурали Зоҳирӣ, Собиржон Раҳимов, Шокиржон Раимӣ, Қори Ниёзий, Савд Ризо Ализода, Тўхтаназар Шермухамедов, Рафиқ Мўмин ва бошқалар катта педагогик иш олиб бордилар. Мактаблар сони ўсди. 1920 йилда Фарғона, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида 1405 тага етди. Ташкил бўлган мактаблар, айниқса, қишлоқ жойларида ва туманларида асосан 1—2 бошланғич синфлардан иборат эди. Кейинчалик юқори синфлар пайдо бўлиб борди. Бундай тартиботдаги қизлар мактаблари ҳам Тошкентда, Андижонда, Қўқонда ва бошқа жойларда биринкетин очилди. Аёл муаллимлар Солиҳахон Муҳаммаджонова, Муҳаррама Қодирова, Гулсўм Копоева, Фотима Бурнашева, Зебинисо Раззоқова, Зайнаб Садриддинова, Марям Шарипова ва бошқалар дарс-тарбия ишларини олиб борганлар.

20-йиллар бошида Самарқандда Абдулқодир Шакурӣ (1875— 1943) мудирлик қилган мактаб, 1922 йилда Фарғона шаҳрида Ҳусанхон Ниёзий бошчилигида очилган иккинчи босқич мактаб, қатор бошқа мактаблар намунали даражада эди. Миллий, жадид мактаблари учун дарсликлар, ўқиш китобларини зиёлиларимиз аср бошидан ёзиб чиқариб келдилар. Педагог, олим, давлат арбоби Абдулла Авлоний 1920 йилдан Тошкентдаги ўлка билим юртида, сўнгра ўзбек хотин-қизлар билим юртида мудирлик қилди.

Фитрат 1917 йилда «Ўқув» китобини, 1919 йилда Ш. Раҳимӣ ва Қ.

Рамазон билан бирга «Она тили» дарслигини, сўнгра «Имло масалалари» китобини ёзиб чиқарди. 1917 йилдаёқ Саид Ризо Ализода биринчи синфлар учун «Биринчи йил» ўқитиш дастўрин и ишлаб чиқди. Шокиржон Раҳимий 1919 йилда биринчи алифбо «Совға», 1922 йилда «Ўзбек алифбоси» дарсликларини, бошқа ўқув қўлланмаларини чиқарди. 1918 йилдан у Тошкентда мактаб мудир бўлган.

Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам мактаблар, таълим-тарбия масканлари очилди. Аммо хўжаликнинг парокандалиги, сунъий тўсиқлар оқибатида 20-йиллар бошида мактаблар сони қисқарди, дарсликлар ёзиш, нашр қилиш тўхтади. 1922 йилга келиб Туркистонда болаларнинг 25 фоизи мактабларга жалб қилинган эди. Бухоро республикасида 1921 йилда 175 та янги мактаб, 11 минг ўқувчи бор эди. Лекин 1924 йил ўрталарига келиб мактаблар 69, ўқувчилар 3563 тани ташкил қидди. Хоразмда 40 та умумтаълим мактаблари ва интернатларда 2600 бола таълим-тарбия олди. Ўзбекистон республикаси ташкил бўлганида турли босқичдаги 1500 та мактаб бўлиб, уларда 116 минг ўқувчи ўқир эди.

Миллий зиёлилар, давлат арбоблари газета, журналларнинг тарбиявий, зиё тарқатувчилик ролига жиддий аҳамият бердилар ва сермазмун фаолият кўрсатдилар.

1923 йилдан чиқа бошлаган «Муштум» ҳажвий журнали кенг ижтимоий аҳамият касб этди. Шунингдек, «Машраб» номли журнал ҳам чиққан. 1918—1920 йилларда Туркистонда ўзбек тилида 11 та газета чиқарди. 20-йилларда ҳам бу жараён давом этди.

Янги шароитларда ўзбек миллий матбуотчилигини ривожлантиришга маърифатчи дарғалар А. Авлоний, М. Бехбудий, Фитрат, Мунаввар Қори, А. Қодирий, Чўлпон, Ашурали Зоҳирий, истеъдодли журналистлар Ғози Юнусов, Элбек, Пўлат Солиев, Маннон Рамзий ва қатор бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Совет ташкилотлари сиёсий ақидаларга таяниб матбуотга таъқибни кўчайтирдилар. Айрим газеталар 2—3 ой фаолият кўрсатиб улгурмасдан ёпилиб, ман қилинар эди. Газеталар номларини ўзгартириб чиқарарди. Соф виждонли журналистлар таъқиб остига олиндилар, кейинчалик қатағон қилиндилар. 1925 йил бошида Ўзбекистонда ўзбек тилида 17 номда газета ва журналлар чиққан. Тошкентда 7 та босмахона ишлаб турган. Кутубхоналар, мўзейлар сони кўпайиб борди. Тошкентнинг Эски Жўва даҳасида «Турон» кутубхонаси самарали фаолият кўрсатди. Бухоро республикаси ҳукумати махсус комиссия таъсис этди, у нодир қўлёзмалар, китобларни тўплаш билан шуғулланди. 1921 йил декабрида Минораи калон ёнидаги бинода давлат кутубхонаси тўзилди, китоблар, қўлёзмалар тўпланди. Республиканинг вилоятларида ҳам кутубхоналар ташкил этилди. 1921 йилда уларнинг сони 13 тага етди. Ўзбекистон ташкил бўлганида марказий ва маҳаллий кутубхоналар 152 тани ташкил этар эди.

Музейлар ташкил қилишга киришилди. 20-йиллар ўртасига келиб 5 та мўзей бор эди. Уларда халқимизнинг бой тарихи акс этган осори-атикалар кўйилган.

Ташкил бўлаётган маориф тизими, бошқа соҳалар учун ўқитувчилар, мутахассислар тайёрлаш чоралари кўрилди. Тошкентнинг Янги шаҳарида 1918 йилда Туркистон давлат университети, шарқшуносликинститути, консерватория, техникумлар очилди. 1920 йилда университетга Россиядан педагог-профессорлар, китоблар, ўқув куроллари етказиб келинди. Бу масканлар инқилобий синфийлик тамойили билан ишлади. Университетнинг тайёрлов-ишчилар факультети (рабфак)да камбағал табақага мансуб кишилар ўқиган. Ерли халқлар вакиллари уларга кам қатнаган.

Тошкентнинг Эски шаҳарида, Қўқон ва бошқа шаҳарларда муаллимлар тайёрлаш курслари, 1920 йидан 7 та дорилмуаллимин (инпрос), бир нечта билим юртлари фаолият кўрсатди. 1925 йилга келиб Ўзбекистон қишлоқларида 2748 муаллимлар ишлаб турган ёки 3—4 марта ўсган.

1924 йилда Қўқон билим юрти 13 та йигит-қизлар битириб чиқди. Унда кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Қори-Ниёзий дарс берди.

Чет мамлакатлар билан маданий алоқалар, ёшлар-нинг ўқиб келишлари XX аср бошларидан кенгайиб борди Бухоро республикаси ҳукумати ташаббус кўрсатиб, бу ишга ташкилий тус берди. 1922 йилда Туркистон, Бухоро ва Хоразмдан 70 га яқин ёшлар Германияга ўқишга жўнатилди.

Ёшларимиз Германиянинг турли ўқув юртларида муваффақият билан ўқидилар, мутахассислар бўлиб етишдилар. Афсуски, ўз она юртига қайтган йигит-қизларимиз мустабидлик қатағонига учради.

Ўзбекистон кўп асрлик санъат турларига бой. Кенг халқ оммаси санъатни тушўнган ва ардоқлаган. Самарқандлик Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, тошкентлик Тўйчи Ҳофиз Тошмуҳамедов, хоразмлик Матёкуб Харратов, Матюсуф Харратов, Матпано Худойберганов, Мадрахим Ёқубов (Шерозий), бухоролик Домла Ҳалим Ибодов, Фарғона водийсидан Мадумар Ҳофиз, Шораҳим Шоумаров, Маматбува Ҳофиз, Абдуқодир Найчи (Исмоилов) ва бош-қалар ўзбек классик кўшиқчилиқ санъатини тараннум қилдилар. Санъат труппалари, миллий театрлар тузилди ва фаолият кўрсатди. Янги санъат турлари доираси кенгайди. М. Бехбудий, А. Қодирий, Абдулла Авлоний, Ҳожи Муинлар асос солган ўзбек драматургиясини Фитрат, Хуршид (Шамсиддин Шарофиддинов, 1890—1960), Ғулом Зафарий ва бошқалар давом этгирдилар.

Миллий сахна санъати соҳасида етук актёр ва режиссёр Маннон Уйғур (1897—1955), театр танқидчиси, ғарб пьесалари таржимони Чўлпон фидойилиқ кўрсатдилар.

Кино санъати ривожланди. 20-йиллар ўрталарида Ўзбекистонда 14 театр (уларнинг кўпчилиги миллий театр), 19 кинотеатр фаолият кўрсатган.

1924 йилда 24 нафар ёш ўзбек санъаткори Россияга ўқишга жўнаб кетди.

1924-1925 ўқув йилида республика бюджетининг 24 % халқ маорифи учун ажратилди. 1928-1929 ўқув йилга келиб умумтаълим мактаблари сони 2

мингдан ошди. 20-йилларнинг охирига келиб педогог кадрлар сони республикада 5.5 мингга етиб қолди. Лекин шу йилларга келиб республикадаги вақф мактаблари ва эски усул мактаблари бутунлай тугатилди.

1930 йили умумий бошланғич таълимнинг жорий этилиши саводсизлик кўламларини қисқартиришга ёрдам берди. Турли соҳа мутахасисларини тайёрлаш мақсадида янги-янги институтлар очила бошлади. 1933 йилда САМду барпо этилди. 30 йилларнинг охирларида республикада 44 мингта талаба ўқийдиган 30 та олий ўқув юртлари ва 98 та техникумлар ишлаб турди. 20 йиллар охирларига келиб республикада 10 дан ортиқ илмий тадқиқот институтлари ишлар уларда мингдан ортиқ илмий ходимлар иш олиб борди.

1932 йили Фанлар комитети тўзилиб, у 1940 йил ССР ФА нинг Ўзбекистон филиалига айлантирилди. Маҳаллий миллатдан ўша йиллари турли соҳада олимлар, академиклар етишди. Ҳ.Абдуллаев, Т.Қори Ниёзий, Т.Зоҳидов, У.Орипов, Я. Ғуломов, ва бошқалар.

20- йилларнинг охири ва 30 йилларнинг бошларига келиб мустабид тизимининг қарор топиб бориши, шахсга сиғинишнинг кўчайишига қарамай республикада ижодий ҳаёт ўзига хос ўсиб борди. Адабиёт майдонида Ғ. Ғулом, Ойбек, Ғайратий, Ҳамид Олимжон, Ойдин Собирова, Уйғун, Комил Яшин, Усмон Носир, Амин Умарий, Зульфия каби ёш талантлар самарали ижод қила бошладилар. 1934 йилда Республика ёзувчилар уюшмаси ташкил топди. Жаҳон ва рус адабиётининг етук асарлари таржима қилинди. Шунингдек мусиқа, театр, кино санатининг йирик вакиллари етишиб чиқди. Т.Жалилов, Ю.Ражабий, М.Ашрафий, Т. Содиқов, М.Бурхонов, М.Уйғур, Р.Ҳамроев, А.Ҳидоятлов, О.Хўжаев, Х.Носирова, К.Зокиров, М.Қорёкубов, Б.Мирзаев, Л.Саримсоқова, Р.Пирмуҳаммедов, Тамарахоним, М.Турғунбоева, ва бошқалар ўзбек маданиятини юксакларга кўтара бошладилар. 1940 йилга келиб республикада 50 та жумладан 47 та миллий театр ишлаб турди. Тасвирий ва амалий санъат ўсиб борди. 1932 йилда Ўзбекистон рассомлари уюшмаси тўзилди. Лекин маъмурий буйруқбозлик шахсга сиғиниш тобора авж олиб борар ва унинг таъсири маданий ҳаётга ҳам сезилмай қолмасди.

20-30 йиллар атеистик ҳаракатнинг кўчайиши билан таърифланади. 1928 йилда “Хавсизлар уюшмаси” тўзилиб, жойларда зўр бериб атеистик ишлар олиб борилди. Мусулмон диндорлар камситила бошланди. Хотин қизлар масаласи республикада қадимдан ўзига хос мураккаб нозик масала бўлиб келган, мусулмончилик қонун қоидалари, анъаналари асрлар оша мавжуд бўлган. Совет ҳукумати ана шу масалага ҳам ниҳоятда кескин мунособатда бўлди ва мусулмон аёллари гўё тўрт девор ичидаги қафасдан озод қилиш, эркаклар билан тенг ҳуқуқли, ёнма-ён туриб ҳар соҳада бирга меҳнат қилишларини тарғиб қилиб “хужум” номли ҳаракатини бошлаб юбордилар. Ваҳоланки, бу ишлар жуда нозик ва эҳтиёжкорлик билан ёндашишни, шошма шошарлик билан эмас, тўғри, вазмин тушинтириш орқали секин-аста, вақт ўтиши билан амалга ошишини тақозо этарди. 1927

йилда тўзилган бу компания тарғиби билан Республика маҳаллий аёлларнинг фаолларидан ташкил топган махсус комиссиялари тўзила бошлади. Паранжи ёпиниб юрадиган аёлларга қарши тарғиб ишлари ёппасига бошланиб кетди. Минглаб аёллар уларни тарғибига учиб паранжи ташлаб, бу ҳолатлар жуда катта фожеаларга олиб борди. 1927-1928 йилларда республика бўйича 2.5 мингдан ортиқ фаол аёллар ана шу “хужум” камчилигининг қурбони бўлдилар. Бу ишлар аста-секинликни, босқичма-босқич амалга оширилишни талаб қилар эди.

Лекин айтилиб вақтда Совет ҳукумати ўзбек хотин-қизларини озодликка чиқариш жараёнида, уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш тадбирларини ҳам амалга ошириб борди. Хотин-қизлар клублари, артеллар, тикув цехлари ташкил қилина бошлади. 1930 йилда республика ҳунармандчилик кооперациясининг 50 дан ортиқ артелларида 5 минг нафардан кўпроқ аёллар ишларди.

1925-28 йилларда ташкил қилинган аёллар колхозларида 5.5 мингдан кўпроқ аёллар меҳнат қилди. Аёлларни саводини чиқаришга катта эътибор берилди. 1936 йилга келиб 186 минг аёл саводини чиқарган эди. Аёллардан давлат арбоблари, олимлар, шифокорлар, ўқитувчилар, санъаткорлар, етишиб чиқа бошладилар. Жаҳон Обидова, Тожиҳон Шодиева, Сара Эшонтўраева, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, М.Турғунбоевалар шулар жумласидандир.

Хуллас, 20-30 йилларда Республика маданий ҳаётида ҳам салбий, ҳам ижобий ҳолатлар, ўзгаришлар, жараёнлар, ютуқлар, камчиликлар, қурбонлар, курашлар, зиддиятлар, мувофақиятлар асосида ўзига хос кўринишлар давом этди.

6. СССРда маъмурий-буйруқбозлик, тоталитар тузумининг қарор топиши. Катағонлик сиёсати.

Биз ўрганаётган 20-30 йилларда Республикамиз ҳаёти Марказнинг каттик назорати остида ўтар эди. Партиянинг йўл-йўриқларидан бир оз бўлсада четга чиқиш сиёсий, аксил инқилобий ҳаракат деб баҳоланар эди.

«Социализм мустаҳкамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам шунчалик кўчайиб боради» деган сталинча сохта ғоя бутун мамлакатда катағонлик сиёсатини бошланишига сабаб бўлди. ВКП(б) марказий қўмитаси томонидан ўйлаб чиқарилган «партиядаги ўнг хатар» нинг эълон қилиниши билан мамлакада «Троицкийчилар» ниқоби остида, хибсга олинишлар бошланди.

Мамлакатда бошланган катағонлик сиёсатининг бош мақсади зўраки ўрнатилган тўзумга қарши бўлганлардан ўч олиш, Сталин сиёсатидан норози бўлганлар ва ундан ақл, билим жиҳатдан устун турганларнинг йўқ қилиш ҳамда янгича кўринишда давом этаётган муштамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Ўзбекистон компартиясининг IV съезди (1929 й) ҳам Республикамизда партия ташкилотларидаги гуруҳбозликка қарши кураш ниқоби остида таййик механизмини ишга туширди.

Дастлаб жойларда миллий маданиятни қайта тиклаш, халқ турмишини яхшилаш муаммоларига диққатни жалб этишга ўрин ган раҳбар ходимлар ва ижодий зиёлийлар йўқ қилинган эди. Айнан шу муносабат билан республикамизнинг Турор Рискулов, Абдулла Рахимбоев, Назир Тўракулов, Иноғомжон Хидиралиев, Қайғисиз Атабоев, Султонбек Хужанов сингари машҳур арбоблар миллатчиликда айбландилар. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муқобил йўллари аналга оширишга ўрин ган кишиларга гуруҳбозликка қарши кураш шиори остида айблар қўйилди. Кейинчалик «иноғомовчилик», «18лар гуруҳи», «қосимовчилар» деб ном олган ишлар худди ўша пайтларида тўкилган эди.

1929 йил охирларида атоқли маърифатчи Мунаввар Қори Абдурашидхонов бошчилигидаги «миллий истиқлол» ташкилотининг аъзолари қамоққа олинди. Камалган 85 нафар аъзолардан 15 таси отиб ташланди, қолганлари эса тўзатиш-меҳнат лагерларига жўнатилди. Йирик жамоат арбобларидан Маннон Абдуллаев (Рамз), Носир Саидов, Маҳмуд Ходиев (Боту), Хосил Василев, Собир Қодировлар ўлим жазосига ҳукм этилдилар, кейинчалик бу ҳукум ўзоқ муддатли қамоқ жазоси билан алмаштирилди.

1930 йили Давлат банки аппаратида тозалаш ўтказилиб, бир қанча раҳбар ходимлар қамоққа олинди. Республика Олий судининг собиқ раиси Саъдулла Қосимовнинг иши билан боғлиқ «қосимовчилик» деган, ишлар тўқиб чиқарилди. Суд ишларининг ҳаммаси асосан илғор сиёсий арбобларни йўқ қилишга қаратилган эди. Буларнинг ҳаммасида Сталиннинг хўжалик муоммаларини маъмурий чоралар билан ечишга мойиллиги ва чексизхокимлик қилишга интилиш мудҳиш ролни ўйнади. 20-йиллар охирларида бошқа республикаларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам хусусий капитални ва нэпманлар, бойлар хўжаликларининг қолдиқларини жуда қисқа муддат ичида тугатиш йўли қўллаб қувватланди. Мана шу нэпманлар, бойларнинг ҳаммаси социалистик қурилишнинг энг ашаддий душманлари деб эълон қилинди.

1930 йил февралдан бошлаб Ўзбекистонда қулоқ хўжаликларни тугатиш компанияси бошланди. Бу компания, худди бошқа республикалардагидек, қонунлар ва инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бўзиш ҳоллари билан биргаликда давом этиб борди. Биргина Мирзачултумани (Тошкент округи)да 75 та хўжалик қулоқ қишлоқ сифатида тугатилди. Кўпгина районларда қулоқ хўжаликларигина эмас, балки ўрта ҳол ва ҳатто камбағал хўжаликлар ҳам мусодара қилинди. Натижада Ўзбекистонда биргина 1930 йили 2648 та қулоқ ва бойлар хўжаликлари деб аталган хўжаликлар тугатилди. 1930-1933 йиллари тугатилган хўжаликлар сони 5,5 мингтага етди, уларнинг кўпчилиги иттифоқнинг бошқа районларига, асосан Украина ва Сибирга кўчирилиб юборилди. Кўчирилганларнинг кўпчилиги нобуд бўлиб кетди.

Собиқ иттифоқда қатағонликнинг кенг миқёсида бошланиши ВКП(б) XVII съезди (1934й) ва унда кўрилган ташкилий масалалар билан боғлиқдир. Съезд якунида партия марказий қўмитасига котиблар сайлови ўтказилди.

Номзодлар орасидан С.М.Киров кўп овозни эгаллади. Сталин усталик билан бош котиб (саркотиб) сайловини ўтказдирмади. Чунки С.М.Киров саркотиблик лавозимини эгаллаши мумкин эди. Шу сабабли Сталин то умрининг охиригача ҳукумат раиси ва партия марказий кўмитаси котиби (саркотиб деб аталмаса ҳам у партиянинг бош раҳбари сифатида фаолиятини давом эттирди) лавозимларида турди.

Партия XVII съезидан кейин кўп ўтмасдан С.М.Киров ўлдирилди. Бу воқеа партия ва мамлакатда кенг қамровли Қатағонликни бошлаб берди. Бу ҳаракатлар номига-Киров душманларига қарши кураш никобида бўлсада, аслида съездда Кировга кўп овоз бериб, Сталинга унча ишонмаган коммунистлардан ўч олишдан иборат эди.

Партия XVII съезида қатнашган 1956 делегатдан 1108 таси, съезд сайлаган 139 та марказкум аъзолари ва аъзоликга номзодлардан 98 таси, яъни 70 фоизи қатағон қилинди.

Сталин съезддаги сайловлардан сабоқ чиқариб, ўзидан ҳар томонлама кучли, онгли фаолларни йўқ қилишга киришди. Собик иттифокдаги қатағонлик 1937-1938-йилларда ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Партия ва давлат раҳбарларидан Зиновьев, Каменев, Бухорин, Риков, Пятаков, Томский кабилар устидан сунъий айблар тўқилди. Мамлакатда «Зиновьевчи», «Каменевчи», «Бухаринчи», «Пятаковчи», «Томскийчи»лар қидирилди. Бир неча минглаб кишилар ана шу ёрликлар билан қатл эттирилди ва лагерларга жўнаттирилди.

Ўзбекистонда янги Қатағонлик партия ва Давлат олдида катта -катта хизматлар қилган атоқли арбобларни қамоққа олишдан бошланди. Сиёсий бошқарма органлари (ОГПУ) Ф.Хўжаев¹, А.Икромов, Д.Манжара, С. Сегизбоев, А.Каримова ва бошқалар хусусида советларга қарши кўпоровчилик ишларини тўқиб чиқардилар. Булар назарий баҳс ва мунозараларда ўз позицияларини маҳкам туриб ҳимоя қиладиган ҳурматли ва эътиборли халқ етакчилари эди. Улар шахсга сиғинишнинг якка партия зўравонлиги илдиз отиб кетишининг хавфли эканлигини очик равшан тушинар эдилар. Улар жойларда катта ҳукм ўтказа оладиган бўлишларига қарамай қатағонларнинг зўрайиб боришини тўхтатиб қолмадилар. Ўзбекистонда кенг кўламли агентура кўзатувлари ва оммавий равишда қамоққа олиш ишлари ташкил этилди. 1937 йилнинг август сентябр ойларида бир неча минг кишилар республика ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД)нинг ички қамоқхоналарига тушиб қолди. Уларнинг орасида Ўз компартия марказий комитаси котиблари С.Болтаев, И.Худайкулов, А.Цехев, марказкўм бўлим бошлиқлари М.Шермухаммедов, М.Усманов, К.Берчин, ЎЗЛКСМ марказкуми котиблари И.Ортиқов, Т.Рискулов, Ф.Тарасов, Республика халқ комиссарлари А.Исламов, М.Турсунхўжаев, вилоят партия кўмитаси котиблари Д.Ризаев, К.Болтаев, Н.Исроилов, Ю.Ирисметов ва бошқалар бор эди. 1938 йил баҳорига келиб вилоятлар, шаҳарлар, партия

¹ Ф. Хўжаев Ўзбекистон Республикаси ҳукумати раиси лавозимида ишлаган. У 1937 йилда хибсга олиниб, отишга ҳукм этилган. Унинг онаси, хотини ва кизини ҳам лагерга жўнатдилар. 1954 йилда «айбсиз айбдорлар» озод этилгач, биргина қизи қайтиб келди. Олдин онаси, кейин хотини лагерда вафот этган эди.

қўмиталари котибларининг 60% дан кўпроғи, шу йилнинг иккинчи ярмида эса вилоятлар, шаҳарлар, районлар партия қўмиталарининг 114 нафар котиблар қатағон қилинди.

1934 йилдан 1938 йилгача бошқа республикалар каби Ўзбекистонда 40 мингдан зиёд киши жаз оға тортилган эди. Шулардан 730 таси халқ душмани деган тухмат билан отиб ташланди.¹

Ўзбекистон жамияти ҳамма табақаларга кенг ёйилган хибсга олиш тўлқини остида қолди.

Ўзбекистон НКВД сининг ички турмаси ва бошқа жойлардаги қамоқхоналарда махбуслар шафқатсиз жисмоний жазоларга маҳкум этилар эди. Энг кучли ва мардонавор кишилар ҳам аҳволи иложсизлиги кўриб ва ўз яқинларининг тақдирларидан хавотир олиб қилмаган жиноятларини тан олишга мажбур бўлар эдилар.

Махбусларнинг кўплари ўз-ўзини ўлдиришни бирдан бир чора деб билардилар. 30-йилларнинг охирида Ўзбекистон ҳамманинг кўнглига тушган дахшат, хоинлик, зўрлик ва бедодлик шароитига тушиб қолди.

(Халқимизнинг гули бўлган зиёлиларимизнинг, етакчиларимизнинг қатағон қилинишида ўз юртдошларимизнинг айрим вакиллари кўрқувдан хоинлик, сотқинлик қилганликларидан, амал курсиларига ўтириш мақсадида бир бирларини сотганларидан, ўша давр қатағонлик мафкураси таъсирида кўзлари кўр бўлиб қолган айрим миллатдошларимизнинг қабих ишларидан ҳам кўз юммаслигимиз керак).

Шу тариқа инсонийлик ва демократия принципларини топтаб, оёқ ости қиладиган, ҳар қандай ўзгача фикр юритишни куч билан бўғадиган, оммавий ўзбошимчилик ва зўрлик ўтказиб, Ватанга содиқ неча ўн минглаб кишиларни кириб ташлаган тоталитар тарғибот қарор топиб борди.

"Социализм қурилиши" деб аталган йилларда янги жамият кишисининг тўла қонли образини яратиш бобида хормай толмай кураш олиб борган ўзбек зиёлиларининг катта бир гуруҳи ҳеч қандай асоссиз сабаблар, уйдирма тухматлар ва бўхтонлар орқасида шубҳа остига олиниб, умумий таъқиб ва қувғинга гирифтор бўлдилар. Ажойиб фан захматкашлари, қобилиятли ижод соҳиблари, маданият жон қўярлари сталинча қатағонликнинг айбсиз айбдорлари, бегуноҳ қурбонлари бўлдиларки, буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундай мислсиз аянчли қисматга, жисмоний йўқ қилинишга маҳкум этилган сиймолар орасида А. Қодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон, К. Алиев, Ш.Сулаймон, У.Носир,² О.Хошим, М.Суфизода, А.Ёкубов, Миён Бўзрик, Солиҳов сингари ўзбек халқининг маънавий мулкига бебаҳо ҳисса қўшган ўнлаб унинг ажойиб ўғлонлари борлиги бизни чуқур қайғу ва изтиробга солади. Ўз халқининг қуйлагани, унинг даври, ташвиши, хасрати

¹ «Жаҳон адабиёти», 1998 й. январ, 39-бет.

² У.Носир 1937 йилда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан Москвага борган эди. Декада иштирокчилари Сталин билан учрашдилар. Улар Тошкентга қайтаётиб, поездга чиқадилар. У.Носир ўз купесидаги ҳамроҳларига Сталин билан учрашув таъсуротларини сўзлаб, "Оддий одам эканку, мени бир оғайним бор, уни кerosин сотадиган тоғаси ҳам бор. Сталин шу тоғасига қўшар экан" деган сўзни айтади. Мана шу сўзлар уни Тошкентга келгач, қамоққа олиниб, қамоқ лагерига жўнатилишига ва оғир қийноқлар туфайли бетоб бўлиб, вафот этишига сабаб бўлади.

ва муаммоларини ўйлагани учун бу ўта исътедод сохибларининг йўқ қилинганлиги, уларнинг ёрқин ижоди сўндирилгани-тоталитар тўзум хунрезлиги ва бебошлигининг қонуний натижасидир.

Тоталитар тузум, шахсга сиғиниш ва сталинча қатағонлик сиёсати Ўзбекистон халқ таълими ривожига ҳам салбий таъсир этди. Таълим тарбия ўта сиёсатлаштирилди. Миллий маданий меъросни ўрганиш, миллий тарбия усулларида фойдаланиш тақиқланди. Мактабда "большевикча тарбияларни" ўрнатиш учун олиб борилган кураш ёш авлод тарбиясига путур етказди, натижада болаларга катталарнинг ҳоҳиш иродасини ва талабларини итоатгўйлик билан бажарувчилар деб қараладиган бўлди. Бўлаётган ишлардан халқни чалғитиш, халқда "дохий" га муҳаббатни янада ошириш учун ғалаба рапортлари, ўлкан ютуқлар, буюк натижалар керак эди. Бу ғалабалар "дохий" образининг янада яқинроқ бўлиши учун нима қилиб бўлса ҳам қўлга киритилиши лозим эди. Бирон натижага эришилмаса, бунинг учун жавоб бериш керак эди. Шу сабабли Сталин мамлакатнинг исталган жойида ҳоҳлаган кишини қатағон қилиш учун назарий асос бўла оладиган фикрларни башорат қила олар эди. "Правда востока" газетасининг 1940 йил 30 июн сонида эълон қилинган "халқ маъорифининг юксак марралари сари" номли мақолада: "Партия ва шахсан ўртоқ Сталин кун сайин болаларга, мактабга бўлган ҳақиқий муҳаббат ва ғамхўрлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Сталиннинг қўлида пионер қизча билан тушган тасвири бизда партиянинг совет болаларига бўлган меҳр муҳаббати тимсоли бўлиб қолди"-деб ёзилган эди. Ва ҳоланки 1939-1940 йилларда "дохий севган" болаларнинг 4.7% мактабларга жалб этилмаган, 6.1% мактаблардан кетиб қолган, жами 100 мингдан зиёд болалар мактабларга қатнамай қўйган эдилар.¹

30-йилларда кўпгина ҳалол ўқитувчилар ҳам "халқ душмани" деб эълон қилинди. Уларнинг фарзандлари эса, бундай "ёрликни" олган бошқа кишилар фарзандлари сингари комсомол аъзолигидан ўчирилиб, мактаблардан ҳайдалдилар.

Қатағон йилларида фавқулодда қонунлар қабул қилинди. 12 ёшдан бошлаб ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлиб қолди. Ўсмирларнинг катталар билан биргаликда қатл этилган ҳоллари ҳам содир бўлди.

Қатағонликлар оқибатида ўқитувчи кадрлар сони камайиб кетди. Халқ таълими тўзими раҳбарлари, педагог олимлар ҳибсга олиниб, "халқ душмани" сифатида йўқ қилинди: (халқ таълимида қа- тоғонликни кенгрок, тушунтиришни истаган ўқитувчилар учун профессор И.Турсуновнинг "Истиқлолга интилган қалблар нидоси" (Т., 1993 и) китобини тавсия этамиз.)

Меҳнаткашларни чалғитиш учун матбуотда "халқ душманлари" ни "фош этадиган" мақолалар мунтазам эълон қилиниб борилди. Шу мақолалардан айримларини матнда келтириб ўтишни лозим топдик:

"Душманлар Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигини беҳудага қўлдан бермай келган эмаслар. Турли даврларда Маориф халқ

¹ Қаралсин: «Учитель Узбекистана» газетаси, 1988 йил 31 август.

комиссарлигига бошчилик қилган Усмонов, Каримов, Ризаев, Рамзий каби собиқ халқ комиссарларининг ҳаммаси халқнинг ашаддий душмани бўлиб чиқдилар. Кўпгина шаҳар ва район Маориф булимларининг аппаратлари ҳамда мактаблар мана шундай тудалар билан ифлосланган экан халқ душманлари жуда катта зарар келтирдилар. Уларнинг зарар кўрандачилик хатти ҳаракатлари оқибатида мактаб ёшига етган болаларни умумий мажбурий ўқишга жалб этиш иши хан ўз тўла амалга оширилаяпти. Халқ душманлари ўзбек болаларининг тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларни туғаллашларига тускинлик қилдилар. Мана шунинг учун 8-10-синфларда ўқиётганларнинг 11% гина маҳаллий миллат вакилларидир Ўзбекистон мактабларига ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ишига зарар кўрандаларча муносабат оқибатида 2176 ўқитувчи етишмаётир... "Правда востока" газетаси, 1938 г 6 январь)

"Халқ комиссари Сорокин қаноти остидаги миллатчилар ўзбек ўқувчиларини ўзбек тилини дарсликлардан ўрганиш имкониятидан маҳрум қилдилар. Халқ комиссари эса котибалардан ташкил топган ўтиб бўлмас тўсиқ орқасига, кабинетига ўтириб олиб, ташқарида нима булаётганидан беҳабар". Бу даврда матбуотда бундай айбларнинг ёзилишининг ўзи инсонни суд ва терговсиз отиб ташлаш учун кифоя эди.

Юқорида номи зикр этилган К.Сорокин 1936 йил июл ойида республика халқ маъорифи комиссари қилиб тайинланган эди. У 15 ойгина халқ комиссари бўлиб ишлади. 1937 йилнинг 29 сентябрида уни хибсга олишди. сўнгра унинг рафиқасига ҳам хибсга олиш тўғрисидаги ордерни кўрсатишди. Бироқ уни (Гулсўм Абдурахманова) ўша вақтда хомиладор эканлиги кутқариб қолди. Уни қамоқдан чиқариб, яшаб турган уйини тезда бўшатиб қўйишни талаб қилишди. У икки ёш гўдаги билан қайнонасининг кичик бир уйига кўчиб ўтди. У Сталинга, Ворошиловга, Берияга мактублар ёзди. Лекин "Эрингиз хат ёзишиш ҳуқуқларидан маҳрум этилган ҳолда 10 йилга ҳукм қилинган деган мазмундаги жавоблар Берия имзоси билан келарди. Кейинчалик қамоқ муддати хатлар бўйича икки баравар кўпайтирилди. Эри хибсга олингандан уч ой кейин отиб ташланганлигидан беҳабар Гулсим опа ҳар ойда эрининг турмада кун кечириши учун НКВД кассасига олтмиш сўмдан пул тўлаб турди. У бу йиллар ҳатто, "дохий" тезда адолатни тиклайди, деб кутди. Ҳатто, ўзининг 1938 йил январда туғилган қизига Сталиннинг қизи шарафига Светлана деб ном ҳам қўйган эди. ("Правда Востока" газетаси, 1937 йил, 15 сентябрь.)

Сталинча мустабид ҳокимияти дастидан миллий жумҳуриятлар мустақиллиги, суверенлиги барбод этилибгина қолмай, шу билан биргаликда уларнинг фуқаролари ички эътиқоди, асрлар оша давом этиб келган миллий қадриятлари, урф-одатлари, расм-русмлари, диний эътиқодлари ҳам топталди. Динни, руҳонийлар ва диндорларни таъкиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада зарар етказди. Маъмурий ислохот тартиботи урнатилиши билан динга илмий, миллий нуқтаи назардан ёндошиш инкор этила бошлади. "Социализмда динга ўрин йўқ, ўнга дин

бегона" деган қоида устун бўлиб қолди. На масжидлар, на черковлар, на диндорлар шу қадар таъкибларни ҳеч қачон бошидан кечирмаган эдилар.

Республика руҳонийларининг асосий қисми 30-йилларда концентрацион лагерларга жунатилди. Масжидлар бекитиб қўйилди. Уларнинг аксарияти отхоналар, омборхоналарга айлантирилди. Бу қилинган ишлар, шубҳасиз, миллионлаб кишиларнинг шахсиятига, миллий ғурури, ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатмай қолмади. Хатто шундай ҳолатларга ҳам дуч келиндики, жумҳуриятимиздаги кўплаб хонадонларда вақти- вақти билан ўтказиб туриладиган тинтув пайтида араб ёзувида босилган бирор китоб топилгудай бўлса, унинг номи, мазмунини суриштириб ҳам ўтирмасдан, ўша хонадон соҳибига жамиятга ёт унсур шахс деган лаънат тамғаси босилиб, уни қамок ёки сургун жазосига маҳкум этиларди.

Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги Бегувул қишлоғида илмий, яхши фазилатлари билан элда ҳурмат қозонган, аёлларни ўқитиб, саводли қилган муътабар онахон Бибижон Исмоиловани 80 ёшида диний китоб ўқишда айблаб, қамокқа олишган ва момо қамокда оғир аҳволда вафот этган. Ҳолбуки, уйига ўша кўзғунлар бостириб кирган кечада Бибижон момо ўзининг ҳамиша ўқиб юрадиган севимли "ахлоқул-мухсинин" (яхши хулқлар) китобини ўқиб ўтирар ва бу асар гўзал инсоний фазилатлар таърифидан ҳикоя қилар экан. У даврларда ноҳақ айбланиб муштипар момо сингари фожеали қисматга дучор бўлганлар кўплаб учрарди. Бундай ҳоллардан саросимага тушган одамлар аввалгидек китобхонлик нари турсин, хатто эски китобларни қўлга олишдан уни уйда асрашдан ҳам ҳадиксирайдиган бўлиб қолгандилар. (Қаралсин: М.Содиқов. Эрксевар, хурриятпарвар эл ворисларимиз, т., "Қамалак", 1992, 38-бет).

Бу хилдаги бедодликлар, баттолликлар орқасида халқимизнинг Қадим Қадимдан, авлодлар оша авайлаб, сақланиб, асралиб келинган кўплаб нодир маънавий қадриятлари, миллий удумлари, урф одатлари завоқ топди, емирилди, одамларнинг эса мутелиги, маънавий, руҳий мажрухлиги кучайиб борди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сталинча мудҳиш йилларда ҳам ўз иймон-этиқодини сотмаган, ўз фикридан қайтмаган, ўз ғоясига содиқ бўлган юртдошларимиз кўп эди. Уларнинг тирик қолганлари мустақиллигимизга эришишимизга ўз ҳиссаларини қўшдилар ва қўшмоқдалар.

13-Мавзу: Иккинчи жаҳон уриши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. (2 соат)

- 1.Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши сабаблари. Умумий ҳарбий сафарбарлик**
- 2. Республикада ҳўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг ҳарбий изга солиниши.**
- 3.СССРнинг ғарбий вилоятларидан саноат корхоналар, ўқув муассасалари ва аҳолини Ўзбекистонга қўчириб келиниши**
- 4. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ ҳўжалиги.**

5.Ўзбекистонликларнинг уруш жангоҳларида кўрсатган жасоратлари.

6.Уруш йилларида Ўзбекистонда фан ва маданият.

1. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши сабаблари. Умумий харбий сафарбарлик

Инсоният жуда кўплаб урушларни бошидан кечирган бўлиб, булар ичида энг даҳшатлиси, 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган, XX аср фожиаи бўлмиш иккинчи жаҳон урушидир. Олти йил (1939 йил сентябр — 1945 йил сентябр) давом этган бу уруш ер шарининг 80% аҳолиси жойлашган худудни, 61та мамлакатни ўз ичига қамраб олди.

Иккинчи жаҳон урушини бутунжаҳон коммунистик империясини тузишга қаратилган совет давлати ҳамда Германия ва Япония каби агрессив кучларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш учун интилишлари келтириб чиқарди. Урушнинг асосий айбдорлари жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъвоси билан майдонга чиққан Адольф Гитлер ва Иосиф Сталин юргизган агрессив сиёсат бўлди. Франция ва Англия сиёсий етакчиларининг жавобгарлиги шундан иборат бўлди. Бу эса, Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. 1939 йил 23 августда Германия билан 10 йил муддатга ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномаси уларнинг жавобгарликларини ташкил қилади. Совет-герман битимининг махфий қўшимча баённомасига кўра, Германия билан СССР таъсир кўрсатиш доираларини бўлиб олишган эди. Энг сўнгги тарихий тадқиқотлар «август битими» мамлакат ҳавфсизлигини мустақамлаб, совет-герман урушининг эмас, балки иккинчи жаҳон урушини ва унга СССРнинг тортилишини тезлаштирган ҳужжат бўлганлигини кўрсатади. Чунки, Германия давлатининг ҳам, совет давлатининг ҳам стратегик мақсадларини акс эттирган бу шартномага мувофиқ Германия билан СССР Польшага бир вақтда қўшин киритишлари лозим бўлган. Шунга кўра 1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германияси Польшага бостириб кирди. 3 сентябрда эса Англия ва Франция Германияга уруш эълон қилдилар ва иккинчи жаҳон уруши бошланди. Гитлер жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида ҳалокатли уруш ёнғинининг асосий айбдори бўлиб намоён бўлди. Сталин эса айнан шуни кутган эди. У совет қўшинларини 17 сентябрдагина Польша худудларига кирита бошлади ва Шарқий Европанинг ҳалоскори сифатида ғарбий Белорусия ерларини босиб олиб, кейинроқ расмий равишда СССРга қўшиб олди. 1941 йил 22 июнь якшанба куни тонготарида август шартномасини бузиб, фашистлар Германияси СССР га ҳужум бошлади. Германия билан унинг иттифоқчилари Италия, Финландия, Венгрия, Руминия, Болгария ҳам Совет Иттифоқига қарши урушга кирдилар.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ бутун мамлакатда бўлганидек Ўзбекистонда ҳам партия ташкилотлари томонидан митинглар ва йиғилишлар ташкил қилинди. 1941 йил 22 июндаёқ Тошкент

тўқимачилик комбинатининг ишчилари ана шу дақиқадан бошлаб ўзларини Ватан ҳимоясига сафарбар қилинган, деб ҳисоблашларини билдирдилар. 23-24 июнда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва бошқа шаҳарлардаги йиғилишларда Ватан ҳимояси учун ҳар қандай вазифани бажаришга шай эканликларини билдирган ўзбекистонликлар ҳарбий комиссарликларга фронтга кўнгилли сифатида жўнатишларини сўраб аризалар бера бошладилар. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, урушнинг дастлабки кунларида республиканинг шаҳар ва туман ҳарбий комиссарликларига 14 мингдан ортиқ ариза тушган. Бу ўзбекистонликларнинг ўз ватанпарварлик бурчларини, ҳар бир уруш инсоният бошига келган офат эканлигини юксак даражада англаб, уруш оловини ёқувчиларга қаттиқ нафрат билан қарашликларини кўрсатади. Халқ Комиссарлари Кенгаши номидан жойларга кўрсатмалар жўнатиб, унда уруш аҳволни кескин ўзгартириб юборганлиги, Ватан жиддий хавф остида қолганлиги, барча ишларни ҳарбий изга солиш учун тез ва қатъий равишда қайта қуришни амалга ошириш зарурлиги кўрсатилиб, «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» қақирғи талаб даражасига кўтарилган эди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ совет халқи-ўзбекистонликлар ҳам босқинчилар устидан ғалабага эришишга бутун кучларини бахшида этдилар. Мустабид тузум зулми остида эзилаётган халқлар қандайдир ғояларни эмас, балки она-юрт, Ватанларини ҳимоя қилдилар. Ўзининг ватанпарварлик бурчини юксак даражада хис қилган ўзбек халқи фашизмдан фақат СССРни эмас, энг аввало, Ўзбекистонни ҳимоя қилишни, уни яна бир босқинчидан сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган эди. Чунки, халқимиз социализм ниқоби остида қилинган босқинчилик, сиёсий қатағонлар захмини ҳали унутмаган бир даврда гитлерчи босқинчиларнинг босиб олинган ҳудудларда қилган ашаддий жиноятлари, улар ўрнатаётган тартиб тўғрисидаги хабарларни эшитиб, фашизмнинг мустабид тузумдан ҳам даҳшатлироқ, инсоният бошига келган офат эканлигини англаб етган эди, яъни халқ ўзини душманни тўхташишга ва улоқтириб ташлашга қодир бўлган бирдан бир куч деб хис қилди. Президент ҳақли равишда бундай, деб таъкидлаган эди: «Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз. Бу аччиқ лекин, олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бўнга йўл ҳам бермаймиз!» Чунки, Ўзбекистонликларнинг жанг майдонларидаги жасорати, фронт орқасидаги фидокорона меҳнати мустабид давлат машинасининг тазйиқи, эрксиз ҳаракат тарзида эмас, балки онгли, асл ватанпарварликнинг манбаи бўлган Ватанга мухаббат туйғусининг юксак даражадаги кўриниши бўлди.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг барча моддий ва маънавий кучлари, ресурслари фронт учун сафарбар қилина бошланди. Умумий ҳарбий сафарбарлик эълон қилинди. Ўзбекистон ҳукумати миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқди. 1941 йил 13 ноябрдан 1942 йил мартигача 14 та миллий ҳарбий қўшилма, жумладан, 9 та ўқчи бригада, 5 та отлик аскарлар дивизияси тўзилиб фронтга жўнатилди. Умуман, уруш бошларида 6,5 миллион кишидан иборат бўлган Ўзбекистон аҳолисининг 1.433.230 таси урушга сафарбар этилган. Уларнинг кўпчилиги мардлик намуналарини кўрсатиб, жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Чунки ота-оналар, Ўзбекистон халқи ўз ўғлонларини фронтга жўнатар эканлар, уларга босқинчиларга қарши шараф билан курашиш, ўтмишда босқинчиларга қарши курашларда ғолиб чиққан қахрамонларнинг жанговар жасоратларидан намуна олишни, мард, ботир аскар бўлиб, душманлар устидан ғалаба қозонишларини тилаб қолгандилар.

2. Республикада хўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг ҳарбий изга солиниши.

Ҳарбий вазият фронт орқасини мустаҳкамлаш юзасидан шошилиш чора-тадбирлар кўришни талаб қилди. Халқ хужалигини қайта кўриб, ҳарбий изга тушириш умумий дастўрнинг таркибий қисми бўлди. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ҳарбий вазиятдан келиб чиқиб, зудлик билан фронт манфаатларига бўйсундирилди. Республика саноат корхоналари уруш бошланиши биланок қайта қурилиб, мудофаага зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилди. Катта ёшдагилар учун иш куни олти кунлик иш ҳафтасида 11 соатгача ўзайтирилди. Аслида иш куни 12-14 соатга чўзиларди. Таътилга чиқиш бекор қилинди. Бу ҳол ишчи-хизматчилар сонини кўпайтирмасдан туриб ишлаб чиқариш қувватлари Ҳажмини тахминан 1.3га ошириш имконини берди. Ишчи кучининг етишмаслиги натижасида идора хизматчилари, уй бекалари, ўқувчилар ишлаб чиқаришга жалб этилди. 1941 йил декабрда ҳарбий корхоналарнинг барча ходимлари сафарбар, деб эълон қилинди ва мазкур корхоналарга бириктириб қўйилди. Кадрлар, хом ашё, ишлаб чиқариш воситалари танқислигига қарамасдан 1941 йил декабрдаёқ республикадаги 30га яқин корхона мудофаа учун маҳсулот бера бошлади. Корхоналарда фронт бригадалари номини олган бригадалар тўзила бошлади, дастлаб октябрда «Ташсельмаш» заводида ташкил этилган бўлса, 1942 йил бошларида уларнинг сони 1,5 мингга етган. 1942 йил ўрталарига келиб халқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга ўтказиш Ўзбекистонда асосан охирига етказилди. Урушнинг оғир йилларида ўзбек халқининг асосий маънавий-ахлоқий хусусиятлари, унинг инсонпарварлиги ёрқин намоён бўлди, яъни юртбошимиз айтганларидек “тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмади».

3. СССРнинг ғарбий вилоятларидан саноат корхоналар, ўқув муассасалари ва аҳолини Ўзбекистонга кўчириб келиниши.

Яшин тезлигида уруш олиб бориш режасига эга бўлган немис-фашист кўшинлари шиддат билан Шарққа қараб ҳаракат қилар эди. Фронт яқинидаги шаҳар ва кишлоқлардан юз минглаб аҳоли, саноат корхоналари, ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва бошқа моддий бойликларни мамлакат ичкарисига -Шарққа кўчириш бошланди. Ўрта Осиё республикаларига эвакуация қилинган 308 корхонанинг 104 таси (Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, «қизил Оксой», «Россельмаш», Сўмск компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москвадаги «Электрокабель» ва «Подъёмник» заводлари, Темир йўллар халқ комиссарлигининг машинасозлик заводи, Чкалов номидаги авиация заводи, «Красный путь» заводи, Киевдаги «Трансигнал» заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқалар) Ўзбекистонга; улардан 55 та корхона Тошкент ва Тошкент вилоятига, 14та завод ва фабрика Самарқандга, 22таси Фарғона водийсига, иккитаси Бухоро вилоятига жойлаштирилди. Бу корхоналарни жойлаштириш, монтаж қилиш ва ғоят қисқа муддатларда ишга тушириш вазифасини ташкилий жиҳатдан таъминлаш иши билан махсус комиссия шуғулланди.

“Россельмаш” 25 кунда, «қизил Оксой» заводи бу ерга етиб келганидан кейин орадан 29 кун ўтганда ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлади. 1941 йил декабрга келиб эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийб 50 таси ишга туширилди. 1942 йил биринчи ярмида эса барча келтирилган саноат корхоналари маҳсулот чиқара бошлади. Электр энергияси ва ёқилғи ишлаб чиқариш, кўмир, қора ва рангли металл базаларини ташкил этиш, кимё саноатини ривожлантириш, қурилиш материалл туширилди. Чирчиқ электр кимё комбинатининг иккинчи навбати, Қўқон Тукқориш (аралаш минерал ўғитлар) заводининг суперфосфат заарини ишлаб чиқаришни кўпайтириш уруш йилларидаги Ўзбекистан саноатининг асосий йўналишлари эди. Ҳарбий ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бориш зарурати саноат қурилишини кўпайтиришни талаб қилар эди. Асосий қурилиш ишлари хашар усули билан олиб борилди. Электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида 7та йирик ва 30га яқин кичик ГЭСлар қурилди. Айниқса, Ўзбекистоннинг энг йирик гидроэлектростанцияси бўлиб қолган Фарход ГЭСи қурилиши умумхалқ қурилишга айлантирилиб, 10 ой ичида Сирдарё тўсилиб, ГЭС ишга туширилди. Салар, қуйи Бўзсув, Товоксой, Оққовоқ, Октепа, Қибрай ГЭСлари ҳам муддатидан олдин қурилиб ишга туширилди. Бу республикада электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтирди. Электр энергияси 1940 йилга қараганда 1943 йилда 3,5 баробарга ошди, 1945 йилда эса 1187 миллион киловатт соатга кўпайди. 1945 йилга келганда 1940 йилдагига нисбатан 30 марта кўпроқ, яъни 103 миллион тонна кўмир қазиб олинди. Уруш йилларида республикада «Чуқурлангар», «Толмозор», «Найман», «Шахрихон-Хўжаобод», «Жанубий Оламушук» ва бошқа янги

нефть конлари ишга туширилиши билан бирга Фарғона водийсида ишлаб турган «Андижон», «Полвонтош», «Чангартош», «Чимён» нефть конларида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари натижасида республикада нефть ишлаб чиқариш 4 марта кўпайди. ЎзССР ХКСнинг 1942 йил 17 июнда Бекободда металлургия заводи қуриш тўғрисидаги қарорини бажаришга 30 мингдан кўпроқ киши жалб этилиб, 1944 йил 5 мартда Ўзбекистоннинг биринчи металлургия заводи ишга туширилди. 1945 йил февралда Бекобод металлургия заводининг иккинчи навбати ҳам маҳсулот бера бошлади.

Уруш туфайли қийин ва оғир шароитда қолганига қарамасдан кўчириб келтирилганларга, ярадор ва ногиронларга, фронтга кетганларнинг хотинлари ва болаларига кўрсатган ғамхўрлиги ўзбек халқининг бирлик ва қардошларча дўстликка инсонпарварлик билан интилишининг ёрқин тимсоли, ўлкан ахлоқий куч-қудрати ва ҳақиқий самимий олижаноблигининг чин маънодаги исботи бўлди.

Ўзбекистон уруш йилларида Россиянинг босиб олинган районларидан—Украинадан, Белорусиядан ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди. Аҳоли уларга турар жой бериб, ўзи сиқилиб яшади, кўчиб келганларни тўйдириш учун охириги бўлак нонини ҳам бўлиб берди, уларга пойабзал, кийим-бош тўплади. Уларга 135 минг кв. метр турар жой майдони ажратиб берилди. Кўчириб келтирилганларни ишга жойлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 1941-1942 йилларда қарийб 240 минг киши жойлаштирилди ва иш билан таъминланди.

Кўпгина оилалар икки ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкентлик Шомахмудовлар турли миллат фарзандларидан 14 болани ўз оилаларига тарбияга олдилар. Каттакўргонлик Ҳамид Самадов оиласи 12 болани асраб олди. Ф. Қосимова 10 нафар, М.Жўраева ва Ашурхўжаевалар 8 болани ўз оилаларига олдилар. 1943 йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди. Уруш арафасида республикада 106 та болалар уйида 12 минг бола тарбияланаётган бўлса, 1945 йилга келиб, уларнинг сони Ўзбекистон вилоятларида ва қорақалпоғистонда 263 та болалар уйида 31300 болага етди. Юқоридаги аниқ далиллар халқимизнинг бошқа миллатларга бўлган меҳр-муҳаббатини, бағрикенглик фазилатларини акс эттиради. Уруш йилларида Ўзбекистонга фронтда ярадор бўлган жангчилар кўплаб келтирилди. Уруш бошлангандаёқ республика ҳукумати госпитал базасини ташкил қилишга киришган эди. 1941 йил 1 октябргача Ўзбекистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 14950 ўринга эга бўлган 47 госпитал барпо этилди ва зарур ускуналар билан жиҳозланди. Фақат Москва, Калинин, Ростов ва бошқа вилоятлардан 15900 ўрин-каравотга эга бўлган 48 госпитал республикамизга кўчириб келтирилди ва ишга туширилди. Эвакуация қилинган госпиталларга Тошкентдаги ва Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларидаги энг яхши бинолар ажратиб берилди. 1942 йилнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида 39140 ўринга эга

бўлган 113 та эвакуация госпиталлари жойлаштирилди. Даволанаётган жангчиларнинг тўлақонли овқатланишни ташкил қилиш учун 750 дан ортиқ корхона, ташкилот, колхоз ва совхозлар госпиталларни оталиққа олди за бутун Ўзбек халқи ярадорларга ғамхўрлик қилди.

4. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги.

Уруш йилларида қурилиш материаллари, тўқимачилик ва пойабзал, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат тармоклари ҳам ривожланди, касбга эга бўлмаган кишиларни ҳам ишга жалб қилиб, ишлаб чиқариш жараёнида касб ўргатила бошланди. 1942 йилга келиб республика саноат корхоналарида ишлаётган хотин-қизлар 63,5%ни ташкил қилган. Натижада урушнинг икки йили давомида Ўзбекистонда 105673 нафар оммавий касбдаги саноат ишчилари тайёрланган бўлиб, шундан 73 минг нафари бевосита ишлаб чиқариш жараёнида хунар эгаллади. Ишчилар синфининг умумий сони уруш охириларига келиб 196,2 минг кишига етдики, бу уруш бошлангандаги сонидан 54,6 мингга кўпдир. Очлик, чарчоқ, толиқиш, қийин шароитларга қарамадан илғор ишчилар кунлик нормаларини 300-400, ҳатто 500 фоизга қадар бажарган вақтлари ҳам бўларди. 1943 йилга келганда СССР ҳарбий ишлаб чиқаришда Германияга етиб, ҳатто ўтиб кетишида мамлакат ичкарасидаги ишчиларнинг хизмати жуда катта бўлди. Уруш йилларида Ўзбекистонда вужудга келган ҳарбий саноат комплекси томонидан фронт учун 2100 та самолёт, 17342 та авиамотлар, 2318 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи курол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн. дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн. радиолампа, қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий санитария ва ҳаммом-кир ювиш поезди, 2200 дона кўчма ошхона ва 7518,8 мингта гимнастёрка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги тайёрлаб бердилар. Бу ўзбекистонликларнинг фашист босқинчиларини тор-мор этишга, ғалабага қўшган катта ҳиссаси бўлди.

Уруш йилларида республикада 280 та янги корхонанинг қурилиб ишга туширилиши натижасида 1945 йилга келиб саноат ишлаб чиқариши уруш арафасидагига нисбатан деярли икки баравар ортди, нефть қазиб олиш 4, металл ишлаб чиқариш 4,8, машинасозлик маҳсулотлари 13,4 баравар, кўмир қазиб чиқариш 30, энергия ишлаб чиқариш 2,42 баравар кўпайган.

Уруш йилларида фронт орқасида оғир, қийин шароитда меҳнат қилишларига, ишчи кучининг етишмаслигига қарамадан иттифокнинг мудрофаа қурилишлари ва саноат корхоналарига 155 мингдан ортиқ ўзбекистонлик жалб қилинган. Немис-фашистларни тор-мор келтириш учун олиб борилган умумхалқ курашига ўзбек деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Марказ кўрсатмалари билан асосан пахта экишга мослаштирилган, қишлоқ хўжалигидаги яхши техника воситалари, отлар фронт учун олиб кетилган, тажрибали деҳқонларнинг кўпчилиги фронт ва фронт орқасидаги ишларга жалб қилинган бир пайтда юқоридаги вазифани

бажариш янада мушкуллашар эди. қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, сувдан фойдаланишни яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқдир. 1942-1943 йилларда Ўзбекистонда суғорилиб экин экиладиган ерлар майдони 546 минг гектарга кўпайди.

Уруш йилларида Ўзбекистон деҳқонлари қандлавлаги, кўнгабоқар каби озиқ-овқат экинлари, зиғир ва каноп каби техник экинларини етиштиришни ўзлаштирадилар. маккажухори, кунжут экишни кўпайтирадилар. Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ипакчилик, қорақўлчилик алоҳида аҳамият касб этган бўлса, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ҳам салмоқли ўринга эга эди. 1942-1943 йилларга келганда сабзавот майдонлари уруш арафасига қараганда 12,5 минг, узумзорлар майдони 5,1 минг гектарга кўпайди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш уруш йилларида Ўзбекистон деҳқонларининг олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверди. Объектив сабабларга кўра 1942-1943 йиллардаги пахта топшириш режалари бажарилмай қолди. Лекин уруш даври шароитидаги техника воситалари, ишчи кучининг етишмовчилиги, минерал ўғитларнинг камлиги сабабли рўй берган бу ҳолатни Марказ тан олишни истамади ва ўша пайтдаги Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсупов қаттиқ огоҳлантириш олди. 1944 йил январида ўтказилган республика пахтакорларининг биринчи қурултойида пахтачиликни юксалтириш вазифалари тўғрисидаги фикр алмашув ва кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон йиллик пахта тайёрлаш режасини 101,4 фоизга бажарди.

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари 4 млн. 148 минг т. пахта, 82 млн. пуд ғалла, 54067 т. пилла, 195 минг т. шоли, 57 минг 444 т. мева, 36 минг т. қуруқ мева, 159 минг 300 т. гўшт, 22 минг 300 т. жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш билан душман устидан қилинган ғалабага муносиб ҳисса қўшган бўлса, немис-фашист оккупантларидан озод қилинган ҳудудларда қишлоқ хўжалигини тиклаш ишлари учун техника ва ишчи кучлари билан ёрдам бериб, ўзбек халқи ўзининг инсонпарварлик, дўстлик, биродарлик туйғуларини намоён этди. 1943 йилда Ўзбекистондан озод қилинган туманларга 1152 та трактор, 25 та комбайн, 1138 та плуг, 379 та сеялка каби техникалар, Украина ва Ставрополь ўлкасига 1596 нафар комбайнчи, 41 нафар механик 30 нафар агроном, 11 нафар бухгалтер юборилди. РСФСР, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларининг халқ хўжалигини тиклашда минглаб ўзбекистонликлар фаол иштирок этдилар.

5. Ўзбекистонликларнинг уруш жанггоҳларида кўрсатган жасоратлари.

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ўзбекистонлик жангчилар ўзларининг ботир, мард, қўрқмаслик хислатларини намоён қилиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Урушнинг дастлабки кунларида шиддат билан бостириб кирган душман қўшинлари тўхтатиб қолинмади ва кўплаб кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлди. Бунинг учун Сталин бошлиқ совет ҳукумати раҳбарлари жадобгардирлар.

Чегара қўшинларида хизмат қилаётган совет жангчилари орасида ўзбекистонликлар ҳам кўпчиликти ташкил қилар эди. Улар ўз заставаларини ҳимоя қилишда қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб, охириги ўқлари қолгунча душманга қарши жанг қилдилар. Улар халок бўлганлардан кейингина душман заставаларга кириш имконига эга бўлди. Гродно яқинида лейтенант Усов, сиёсий раҳбар Шарипов, Брест қалъаси муҳофазасида Аҳмад Алиев, Дониёр Абдуллаев, Бобокомил Кашанов, Ўзоқ Ўтаев, Нурум Сиддиқов, Мадамин Хожиев, Е.Я.Лисс, Раҳимбой Арслонбоев, Саидахмад Бойтемиров, Ф.И.Лаенков каби ўзбекистонликларнинг кўрсатган жасоратлари Ватан ҳимоячилари қаҳрамонона жасоратининг рамзи бўлиб қолади.

Иккинчи жаҳон урушида Смоленск, Одесса, Ленинград, Москва муҳофазалари совет жангчиларининг ҳақиқий қаҳрамонлик мўъжизалари бўлди десак хато қилмаймиз. Бу жанглар душманни тўхтатиб қолиш имконини берди. Гитлернинг яшин тезлигида уруш олиб бориш режаси барбод бўлди.

Москва муҳофазасига етиб келган, Туркистон Ҳарбий округида тўзилган, генерал-майор И.В. Панфилов қўмондонлик қилган, таркибида 180 дан ортиқ ҳарбий ва ҳарбий сиёсий билим юртларини тамомлаган командирлари бўлган 316-ўқчи дивизия Волоколамс-Дубасекова, Ново-Петровск ёнидаги жангларда қаҳрамонона курашди. Ўзбекистонлик Абдулла Тоғаев, Мамадали Мадаминов, лейтенант Пилюгин бошлиқ тўққизта жангчи жасоратларини алоҳида қайд қилиш мумкин. Москва учун олиб борилган жангларда ўзбек халқи қаҳрамон қизларининг жасорати намунасини кўрсатган Зебо Ганиева қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Москва остонасида фашист қўшинларини тор-мор қилишда кўрсатган жасоратлари учун 1753 ўзбекистонлик жангчи «Москва муҳофазаси учун» медали билан тақдирланди.

С. Қосимхўжаев Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 1942 йилдаги қишки Ҳужумларда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, жасорат билан жанг қилган кўчкор Турдиевга 1942 йил май ойида Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони берилди. Жангчиларимизнинг жасорати ҳали ўз ҳарбий кучининг асосий қисмини сақлаб, душман қўшинларини тамомила йўқ қилишга, совет раҳбарларининг хатолари ўрнини қоплашга камлик қилар эди. Бунинг учун душманниқидан кучли Ҳарбий-техника, яроғ ва тактика керак эди.

1942 йил май-июн ойларидаги совет қўшинларининг ҳужумкор операцияларини тўхтатган душман 25 июнда Волга ва Шимолий Кавказ йўналишида ҳужумга ўтди. Мамлакатда яна қалтис вазият вужудга келди. Ана шундай бир пайтда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига очиқ мактуб билан мурожаат қилиб, ўз фарзандларини ватанга содиқлик ва жангда қўрқинч нисмалигини билмасликка чақирди. Бу чақириққа ўз қаҳрамонликлари билан жавоб берган жангчиларимиздан 1974 нафари «Кавказ муҳофазаси учун» медали билан мукофотланди.

Волга бўйидаги Сталинград мудофаасини ёриб, душман устидан катта ғалабанинг қўлга киритилиши урушнинг боришида туб бурилишга асос бўлди. Бу жангларда кўрсатган жасоратлари учун 2733та ўзбекистонлик жангчи «Сталинград мудофааси учун» медалига сазовор бўлди. Кавказ учун олиб борилган жангларда Тошкентда тўзилган Собир Рахимов кўмондонлигидаги дивизия жиддий муваффақиятларни қўлга киритиб, 8 мингдан ортиқ душман жангчиларини кириб ташладилар. Бу дивизия юртдошимиз кўмондонлигида Шарқий Пруссиягача жанговар йўлни босиб ўтди. Кейинчалик Польша ерларини озод қилишда Собир Умарович Рахимов раҳбарлигидаги 37-гвардиячи Речицк ўкчи дивизияси алоҳида ажралиб турди. Данциг шаҳрига биринчилардан бўлиб киришди. Оғир ярадор бўлган С.У. Рахимов 1945 йил 25 мартда халок бўлди. Ўзбек халқининг мард ўғли С.У. Рахимовга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони берилди.

1943 йилда Орёл-Курск йўналиши бўйича олиб борилган шиддатли жангларда кўрсатган жасоратлари учун Аҳмаджон Шукуров, В. Шаландин, М. Абдуллин, А. Солиховлар Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Днепрни кечиб ўтишдаги қаҳрамонликлари учун 100га яқин ўзбекистонликлар Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони билан тақдирландилар. Улардан Ж.Усмонов, В. Набиев, Х. Аминов жасоратларини алоҳида қайд этиш мумкин.

1944-1945 йилларда Белоруссия, Украина, Молдавия, Болтиқбўйи республикалари ва Россия Федерациясининг ҳарбий вилоятларида фаолият кўрсатган ўзбекистонлик жангчилар жасорати иккинчи жаҳон уруши тарихи саҳифаларига битилган бўлиб, уларнинг номлариёқ душман кўнглига қўрқув солган эди. Булар орасида Мамадали Лапиболдиев, Ж. Отабоев, И. Мусаев, А.Ҳақимов, И.Қосимов ва бошқаларнинг мардлик намуналарини таъкидлаш мумкин.

1944 йил кўзига бориб СССР чегаралари бутунлай Польша, Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Чехословакия, Австрияни озод қилиб, Берлинни эгаллашда совет кўшинлари таркибида ўзбекистонлик жангчилар ҳам ўзларининг байналминаллик туйғуларини намоён қилиб, Европа халқларининг фашистлар асоратидан озод бўлишларига ўз хиссаларини қўшдилар. У мамлакатларни озод қилишдаги жасоратлари учун Б. Бобоев, П.Нурпеисов, Т.Назаров, А.Раҳимов, М.Фаёзов ва бошқалар Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони, 2430 нафар ҳамюртимиз «Будапештни озод қилиш учун» медали, 1706 киши «Берлин олингани учун», 109208 киши «Германия устидан ғалаба қозонганлиги учун» медали билан тақдирланганлар.

1945 йил 9 августга ўтар кечаси совет ҳукумати Японияга қарши уруш бошлади. 2 сентябргача давом этган бу жангда 6770 нафар ўзбекистонлик жангчилар иштирок этиб, Квантун армиясини мағлубиятга учратишда, Япониянинг таслим бўлишида ўз хиссаларини қўшдилар. Н. Латипов, А. Каримов, У. Дониёров каби кўплаб ҳамюртларимиз юксак ҳарбий маҳорат ва жанговар фаолликларини намоёиш этдилар.

Иккинчи жаҳон урушининг ғолибона якунланишида ўзбекистонликларнинг фронт ва фронт орқасидаги жасоратлари катта ҳисса бўлиб хизмат қилди. 120 мингдан ортиқ ўзбекистонликлар СССРнинг орден ва медалларига сазовор бўлдилар. Совет Иттифоқи қахрамони унвонига эга бўлган 300 дан ортиқ жангчидан 75 таси ўзбек ўғлонлари эди. Ўзбекистонлик 82 та жангчи «Шухрат» орденининг учала даражаси билан тақдирланди. Италия, Англия, Франция, Югославия, Польша, Чехословакия, Венгрия каби мамлакатларининг орденлари билан тақдирланган ҳамюртларимиз бир неча минг кишини ташкил этади.

Ўзбекистон урушдан катта йўқотиш билан чиқди. 1939-1945 йилларда бўлиб ўтган иккинчи жаҳон уруши фронтларига сафарбар қилинган 1433230 кишидан 263005 киши ҳалок бўлди, 132670 киши ноғирон бўлиб қайтди.

Катта қурбонлар эвазига бўлса ҳам ўзбекистонликлар инсониятни фашизм балосидан қутқаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Урушда ҳалок бўлганлар хотирасини тиклаш ва қадрлаш мақсадида «Хотира» китоблари тўзилди, пойтахтимиз марказида Хотира майдони ва Мотамсаро она ёдгорлик мажмуаси тикланди. Бу ишларга бошчилик қилган юртбошимиз фармони билан 9 май «Хотира ва қадрлаш» куни, деб эълон қилинди. Ҳозирги кунда ҳаёт, меҳнат ва уруш фахрийларимиздан ёш авлод ҳамиша миннатдордир.

6. Уруш йилларида Ўзбекистонда фан ва маданият

Ўзбекистон ишчи ва меҳнаткашлари билан бир қаторда фан, маориф ва маданият ходимлари ҳам немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» шиорига «лаббай!» деб жавоб берган кўпгина олимлар урушнинг биринчи кунларидаёқ фронтга кетдилар.

Улар орасида Ўзбекистоннинг машҳур олимларидан У.А. Арифов, Ё.Ҳ. Турақулов, И.Исмоилов, Х.Усмонов ва бошқалар бор эди. Т.Н.Қори-Ниёзий, В.И.Романовский, Т.З.Зохидов, И.А.Райкова, О.С. Содиқов каби олимлар натижаси халқ хўжалиги ва фронт зарурияти учун хизмат қилган муаммоларни ҳал қилишда катта куч билан меҳнат қилдилар.

Ўзбек математик, механик ва астрономлари авиация, ўқ-дори, ҳарбий техника сифатини оширишга алоқадор бўлган бир қанча муҳим илмий муаммоларни ҳал қилдилар. Бунда Т.А. Саримсоқов, В.И. Романовский, М. Камолов, Н.Н. Назаров ва бошқа олимлар ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг эҳтимоллик назарияси ва математика статистикаси соҳасидаги ижодий изланишлари артиллерия отишмалари ва бомба ташлаш аниқлигини, жанговар самолётларнинг юк кўтариш имкониятини оширишга, республикада ишлаб чиқарилаётган ҳарбий техниканинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришга имкон бердир.

Геолог олимлар фойдали қазилма бойликларини қидириб топиш, саноатни зарур хом ашё билан таъминлаш вазифаларини бажаришга катта

эътибор бердилар. Ўзбекистон тоғлари ва чўлларида 1943 йилнинг ўзидагина 35 та геология экспедициялари иш олиб борди. Ўзбекистонлик кимёгарлар пахта чиқиндисидан халқ хўжалигида фойдаланиш так-лифини, этил спиртини, сирка кислотасини, қамишни қуруқ қайта ишлаш натижасида кўмир брикетини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқдилар. Бунда академик О.С. Содиков бошлиқ гуруҳ ишлари алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари-тарихчилар, шарқшунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар ва файласуфлар ўзларининг ижодий меҳнатлари билан мамлакат илмий салоҳиятини ривожлантиришга, оммага инсонпарварлик ватанпарварлик эрксеварлик ғояларини сингдиришга қимматли хисса қўшдилар.

1943-1945 йилларда қўлга киритилган муваффақиятлар билан ЎзФА Иттифокда танилган илмий марказга айланди. Бу пайтда академия таркибидаги 22 та илмий муассасада 818 илмий ходим фан оламининг турли жабҳаларида тадқиқот ишларини олиб бордилар. ЎзФАнинг фаолиятида кўчириб келтирилган илмий ходимларнинг ҳам ўзига хос хиссаси бўлди.

Уруш йилларининг кийинчиликларига қарамасдан Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва маориф муассасаларининг фаолияти ҳам тўхтаб қолмади. Ўзбекистонда 29 та олий ва 52 та ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турди, уларнинг сони марказдан кўчириб келтирилган 31 та олий ўқув юрти ва 7 та ҳарбий академия ҳисобига яна ортиб борди. Бу ўқув юртларида уруш йиллари мобайнида 11.750 нафар юқори малакали мутахассис ва 6.673 нафар кадрлар тайёрланди. Ўзбек адабиёти ҳам халқимизнинг ёвўз душманга қарши кураш йилларида ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Ғафур Ғулом, Уйғун, Собир Абдулла, Зулфия, Темур Фаттоҳ каби шоир ва ёзувчилар уруш майдонларига сафарбар этувчи шеърлари ва мақолалари билан халқни ғалабага рухлантирдилар. Ойбекнинг «Ёвга ўлим!» шеъри, «Навоий» романи, «Мен яхудий», Ҳамид Олимжонининг «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Жангчи Турсун», «Роксананин кўз ёшлари» ва бошқа асарлар уруш йилларидаги ўзбек адабиётининг ёрқин намуналаридир. М. Исмоилий, Илёс Муслим, Назармат, Адҳам Раҳмат, Н. Сафаров, Иброҳим Раҳим, З. Фатхуллин, Адҳам Ҳамдам каби ёзувчи ва журналистлар фронтда иштирок этиб, «Қизил армия», «Фронт Ҳақиқати», «Қизил аскар ҳақиқати», «Суворовчи», «Ватан шарафи учун» каби фронт газеталарида хизмат қилиш жараёнида, Ҳамид Олимжон, Ойбек, А. Умарий, Ғафур Ғулом, Раъно Узоқова ва бошқа шоир ҳам ёзувчилар ҳукумат делегациялари таркибида фронтнинг олдинги марраларига бориб, ўз қаҳрамонлари билан танишдилар, юртдошларининг жасоратларини тараннум этдилар. Драматургия соҳасида Н. Погодин, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Собир Абдуллалар ёзган «Ўзбекистон қиличи» ва А. Умарийнинг «қасос», Яшин ва Собир Абдулланин «Даврон ота» каби асарлари билан бирга Уйғун ва Иззат Султон «Алишер Навоий», Ҳамид Олимжон «Муқанна», Мақсуд Шайхзода «Жалолиддин Мангуберди», Ойбек «Махмуд Торобий» каби драматик

асарларини яратдиларки, уларда ўзбек халқининг босқинчиларга қарши кураш саҳифалари акс эттирилди.

1941-1945 йиллардаги уруш даврида Ўзбекистонда таъсирчан восита ҳисобланган театр ва санъат анча ривожланди. Театр ва санъат арбоблари фронтнинг олдинги марраларида бўлдилар. Бу даврда Ўзбекистонда 35 та маҳаллий ва 16 та кўчириб келтирилган театр жамоаси фаолият кўрғазиб, бутун уруш давомида 203 та янги постановка тайёрладилар ва 6. 667. 303 томошабинга 13.568 та спектакл ва концертлар кўрсатдилар, жангчиларни руҳлантирдилар, уларни фашизм устидан ғалабага ундадилар. Айниқса, Тамарахоним, валима Носирова, Мукаррама Туркунбоева, Сора Эшонтуроева, Абдор Хидоят, Шукр Бурхонев каби санъаткорлар иштирокидаги концерт ва томошалар жангчилар, томошабинлар қалбига зўр кўтаринкилик баҳшида этган. қисқа метражли фильмлар ва 10 та овозли бадий фильмларини яратиш билан Й. Аъзамов, К. Ёрматов, Н. Ғаниев, С.Мухамедов каби ўзбек режиссёрлари уруш йилларида кинематографияни ривожлантирдилар. Бу даврда ишланган «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зухра» каби фильмлар «Ўзбекфильм»нинг олтин фондига айланди.

14-Мавзу: Совет давлатида маъмурий буйруқбозлик тузумининг кучайиши ва инқирози даврида Ўзбекистон (1946-1991йй.)

- 1. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти. Республикамизнинг аграр ҳўжалиги**
- 2. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар хусусиятининг эътиборга олинмаганлиги оқибатлари. “Сохта урбанизациялаштириш”**
- 3. Ўзбекистонда XX асрнинг 50-70 йилларда ўтказилган иқтисодий ислохатлар унинг самарасизлиги. Республикада маданий ҳаёт.**
- 4. Шароф Рашидов –давлат ва жамоат арбоби.**
- 5. XX асрнинг 80-йиллар ўрталарида СССРнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маънавий ҳаётида инқирозли вазиятнинг янада кескинлашуви.**
- 6.1991 йил август воқеалари, марказий давлатчилик танглиги ва СССРнинг таназзулга юз тутиши.**

1. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти. Республикамизнинг аграр ҳўжалиги

50-80 йиллар Ўзбекистон тарихи ўта мураккаб даврлардан бири бўлиб, бир тарафдан, Ўзбек халқининг фидокорона меҳнати сабаб республика иқтисодиёти анчагина ривожланди, иккинчи тарафдан, тоталитар тузум, маъмурий буйруқбозликнинг кучайиши натижасида иқтисодий маънавий ҳаётда бир қатор муаммолар, ноҳуш ҳолатлар тўпланиб бориб, пировардида инқирозли вазиятни келтириб чиқарди.

Ўзбекистонни саноатлаштириш ВКП (б) нинг XVIII съезди ва ЎзКП (б) МҚнинг IX пленумидан кейин катта куч билан кенгайиб кетди. Халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари, мамлакат иқтисодиётида СССРнинг асосий хом ашё базаси бўлган Ўзбекистон республикасида оғир саноатни тез суръатлар билан ривожлантиришни, мамлакатнинг улкан табиий бойликларидан фойдаланишни қаттиқ талаб қилди¹¹. 1946-1950 йиллар мабойнида республикада 150 та йирик саноат корхоналари куриб ишга туширилди. Саноатнинг янги тармоқлари қора ва рангли металлургия, станоксозлик вужудга келди. Иккита йирик “Чирчиқсельмаш” ва “Ўзбексельмаш” машинасозлик заводлари курилиб ишга туширилди. 1950 йилда 1946 йилга нисбатан машинасозлик 19 баробар ўсди, табиий газ олиш 3 баробар ўсди, электроэнергия 480 млн.дан 2.665 млн.квт соатга етди, енгил ва тўқималик саноати 128.7 фоизга кўпайди. Беш йил ичида республика жами саноат маҳсулоти 183 фоизга ортди. Қўқон шаҳар заводининг Украинага кўчирилиши мунособати билан шакар ва спирт ишлаб чиқариш бажарилмаган эди. Химия, уй-жой курилиши соҳалари бўйича ҳам капитални ўзлаштириш бўйича белгиланган режалар бажарилмади. Бироқ бу беш йилликда иттифок миқёсидаги корхоналарнинг маҳсулти 4.8 баробар кўпайган ҳолда, республика бошқарувида бўлган маҳаллий саноат атиги 8 % га ўсди ҳолос. 1951-1955 йилларга мўлжалланган биринчи беш йилликда ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришини 54 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотини 50 % ўстириш, пўлат ишлаб чиқариш 80 фоизга, прокат ишлаб чиқариш 70 фоизга кўпайтириш мўлжалланди. Халқ хўжалигига сарф қилинган маблағ олдинги беш йилликдагига нисбатан икки баробардан кўпроқ бўлди. Самарқанд суперфасфат заводи, Олтин топган кўрғошин-калай комбинати, Тошкент чини заводи, Чирчиқ шиша заводи, Қуйибўзсув, 2 та Наманган ГЭСлари, Андижон ГРЭСлари ишга туширилди. Электр энергияси ишлаб чиқариш 1950 йилдаги 2,682 млн.квт.соатдан 1955 йилда 3,880 млн.квт.с га етди. Қўмир қазиб олиш 70 фоизга, машинасозлик икки баробар, минерал ўғитларни ишлаб чиқариш 81 фоизга, тўқимачилик саноати 15 фоизга ўсди. 50 йилларнинг охирида 1300 дан ортиқ фабрика ва заводларни бирлаштирган саноатнинг 70 тармоғи мавжуд эди. Бироқ бешинчи беш йиллик режанинг бажарилиш яқунларини таҳлил қиладиган бўлса бу даврда саноат маҳсулотининг йиллик ўсиш даражаси кескин камайиб борди. Олдинги муаммоларнинг биронтаси ҳам ҳал қилинмади.

1.Энергетика соҳаси бошқа тармоқларининг ривожланишидан орқада қолмоқда эди.

2.Йилдан йилга капитал курилиши бўйича режалар бажарилмай қолаверди.

3.Нефт конларини қидириб топиш ишларининг қисқариши туфайли нефтни қазиб олиш пасайди.

4.Енгил саноатнинг 25 фоиз корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткичларни бажармадилар.

¹¹ Қизил Ўзбекистон. 1949 йил, 25 февраль.

5.Мехнат унумдорлигининг ўсиш даражаси пасайиб борди. Режалар асосан халқ хўжалигини жадал ривожлантириш ҳисобига бажарилди. Беш йил ичида халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 2.3 баробар кўпайишига қарамай, ялпи саноат маҳсулоти зўрға 1.6 баробар мехнат унумдорлиги эса 1.2 баробарга ўсди. Бу далиллардан кўриниб турибдики капитал маблағларни сарфлаш кутилган самарадорликни бермади.

6.Республикада ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш нотекис эди. Масалан 1955 йилда ялпи саноат маҳсулот ишлаб чиқаришда Тошкент вилоятининг ҳиссаси 39.8 фоиз бўлгани ҳолда Сурхандарё вилояти ҳиссаси эса 1.7 фоизга тўғри келди.

1958-1965 йилларда яна 142 саноат корхоналари қурилди¹². 1965 йилда Ўзбекистон миллий даромадининг 35,3% и саноат ишлаб чиқариш улушига тўғри келган бўлса, 1970 йилда 40% дан ошди. Ўртача йиллик ўсиш суръатлари электр энергетикада 11,4%, рангли металлургияда 14%, нефтни қайта ишлаш саноатида 13,2%, газ саноатида 19,8%, химия саноатида 1,5% бўлди¹³. 1985 йилга келиб республика 1549 та саноат корхоналарига эга бўлди ва ишлаб чиқаришнинг ялпи даромади 1960 йилга нисбатан 5 бараварга ўсди¹⁴. Катта захирага эга бўлган кўмир, нефть, газ каби бойликлар ишга солинди ва қудратли ёқилғи саноати барпо этилди. 1965 йилда газ қазиб олиш 8 баравар кўпайиб, 1970 йилда 32 млрд куб. метрдан ошди. Ўзбекистоннинг газ саноати тармоқлари Ўрта Осиёдан ташқари Россия Федерациясининг энг катта саноат марказларини доимий таъминлаб турган. Совет бошқаруви йилларида Ўзбекистон конларидан йилига ўртача 20 млрд. кубометргача табиий газнинг олиб кетилиши оқибатида газ захиралари анча камайди¹⁵.

Ўзбекистонда 60 йилларда олтин қазиб олиш саноати бунёд этилди. Мурунгов, Чодак, Конбулоқ олтин конлари, Фарғона водийси дарё ўзаниларида сочма олтин, Нурота, Қурама, Зарафшон, Ҳисор, Помир тоғларида олтин таркибли кварц томирлари ва рудалар мавжудлиги аниқланди. Республика ҳудудида 30 олтин кони аниқланди. Олтин қазиб олувчи Мурунгов тоғ бойитиш комбинати, Маржонбулоқ комбинати қурилди. "Ўзбек олтин" бирлашмаси тузилгач унинг таркибида Чодак бойитиш комбинати (1965), Ангренда Олтин саралаш фабрикаси ишга туширилди.

Совет ҳокимияти йилларида бунёд бўлган саноат марказлари, хусусан, Чирчиқ, Ангрен, Олмалик, Бекобод, Навоий, Зарафшон, Муборак каби шаҳарларда асосан бошқа миллат вакиллари, яъни мамлакатнинг турли минтақаларидан кўчириб ва кўчиб келган ишчи кадрлар жойлашди. Шу тариқа республикадаги саноат шаҳарлар ҳам кўп миллатли бўлиб борди. Ўзбекистоннинг индустриал давлатга айлантирилиши унинг иқтисодий

¹² Совет Ўзбекистони. 1965 йил, 20 октябрь.

¹³ Совет Ўзбекистони ишчилар синфи тарихи. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 308.

¹⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 году. стат. ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1986. – С.13, 46.

¹⁵ Донокулов Х. Мустабид тузум даврида Ўзбекистонда нефть-газ саноати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2003. - №1. – Б. 59.

мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим ҳисса қўшса-да, аввалгидек хом ашё етказиб берадиган республика бўлиб қолаверди. Қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари кенг ривожланишига тўсқинлик қилиниб, республика саноати бир томонлама ихтисослаштирилди¹⁶. Умумий таъкидлаганда, саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 60%и хом ашё ва ярим фабрикатларга тўғри келди¹⁷. Маҳаллий раҳбарият тарафидан кадрларни миллийлаштиришга катта ҳаракатлар қилинсада, марказ аввалгидек республика саноат ишчи гуруҳларини иттифок тузумининг ижтимоий таянчи сифатида руслаштириши, республикалараро кўп йиллик сунъий миграция натижасида саноат ишлаб чиқариши кўпроқ жойлашган йирик шаҳарларда маҳаллий аҳолини сиқиб чиқариш ва бу жойлардаги барча йирик саноат муассасалари иттифокнинг тассарруфида бўлгани учун кўчириб келинганлар жойлаштирилди. Барча беш йилликлар даврида республикада кўп миллатли кадрларини етиштириш, ўлканинг бой табиий ресурсларини жадал ўзлаштириш жараёнлари билан биргаликда борди¹⁸. Ўзбекистонда иттифок марказининг манфаатларини кўзлаб кўп миллатли шаҳарларнинг, янги замонавий ишлаб чиқариш тармоқларининг барпо этилиши ва ривожланиши, марказдан кадрларнинг йилдан-йилга кўплаб жўнатилиши оқибатида бу ерда аҳоли ўртасида меҳнат тақсимооти жиддий равишда ўзгарди. Айниқса 1960-1980 йилларда Ўзбекистонга иттифокнинг марказий минтақаларидан одамларни кўчириб келтириш кенг миқёсда давом этди. Туб ерли миллатга мансуб ишчилар сони республикадаги саноат ишчилари умумий миқдорининг кўпайишидан анча орқада қолди. 1979 йилги бутуниттифок аҳоли рўйхатларига кўра Ўзбекистон халқ хўжалик тармоқларида ишловчиларнинг ўз миллати умумий сонига нисбатан тўғри келадиган салмоғи ўзбеклар орасида 37,2%, қозоқлар орасида 36,6%, қорақалпоқлар орасида 51,1% да эди¹⁹. Ўзбекистон туб миллатларининг меҳнат билан шуғулланиш даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан ҳам пастроқ бўлган. Бу ҳудудда саноат тармоқлари учун маҳаллий раҳбар, ишчи, муҳандис ва қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш билан бирга уларнинг сонини мунтазам равишда кўпайтириб боришга алоҳида масала сифатида қаралиши зарур бўлган. Бироқ мутахассис кадрларни тайёрлашда республиканинг ўзига хос ижтимоий-миллий ва демографик хусусиятлари инобатга олинмади. Бир ва беш йиллик режаларда ҳам юқори органлар фақат меҳнат унумдорлигининг ўсиши, белгиланган режа қандай бўлмасин бажарилиши, қўл меҳнатини механизмлар билан алмаштириш, иш ҳақи фонди ва ишчи, меҳнаткашларнинг сони бўйича кўрсаткичлар тасдиқланган²⁰. Аммо меҳнат ресурсларининг сифати, яъни

¹⁶ Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллий ишчи кадрлар тайёрлаш тажрибасидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1997. - №3-4. – Б. 35.

¹⁷ Саноат ишчилари миллий кадрларининг шаклланиши // Ўзбекистон коммунисти. – Тошкент, 1990. - №6. – Б. 91.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, 58-фонд, 23-рўйхат, 112-иш, 6-варак.

¹⁹ Ўзбекистоннинг демографик ривожланиши ва иш билан таъминланиш проблемалари // Ўзбекистон коммунисти. – Тошкент, 1985. - №3. – Б. 45.

²⁰ Тошмуродов Т. Кадрларни тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – Б. 24.

кадрларнинг маълумот даражаси, малакаси, ижтимоий ҳолати, олий ва ўрта маълумотли мутахассисларнинг ишчи ва хизматчилар умумий сонига нисбатан салмоғи ва бошқа кўрсаткичларга етарли эътибор берилмади.

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринни эгаллайди. 1950-1980 йилларда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш, суғориш иншоотларини қуриш ишлари авж олдирилди. Бу ишлар Республика қишлоқ хўжалигида пахта монокультура сифатида ривожлантирилди. Республикада 30 центнерчилик ҳаракатида минглаб пахтакорлар қатнашдилар. Бу ҳаракатда Замира Муталова, Мехринисо Убайдуллаева кабилар меҳнатда катта жасорат кўрсатдилар. Пахтачилик 1947 йилда 1940 й даражасига етиб, 1950 йилда давлатга 2.116 минг тонна пахта сотилди. Ҳосилдорлик гектаридан 14.7 центнердан (1940й) 21.1 центнерга (1950 й) етди. Шу билан бирга пахта якка ҳокимлиги, пахтачилик механизациялаштириш ва химиялаштириш ҳаракати кўчайди. 1948 йилда пахта териш машиналари ишлаб чиқарилгач, ғўза баргини тўкишда бутифос ва меркаптопос қўлланила бошлади.

Чорвачилик соҳасида бажариб бўлмайдиган ноаниқ режалар қабул қилинган эдики, натижада бу вазифалар бажарилмади. Ипакчилик соҳасида эса 1940 йилдаги 685.4 тонна ўрнига 1950 йилда тонна пилла давлатга сотилиб, катта ютуққа эришилди.

1954 йилнинг февралда собиқ ҳукмрон фирқа марказкомининг ва Собиқ иттифоқ ҳукумати “Ўзбекистон ССРда 1954-1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида” қарор қабул қилиниб, унда сув хўжалигини яхшилаш, пахта етиштиришни механизациялаштириш, кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилди. 1958 йилда МТСлар қайта қурилиб, кўплаб машина ва тракторлар колхозларга сотилди. 1953-1955 йилларда 130 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Тракторларнинг сони қишлоқ хўжалигида 33.5 мингдан (1951 йил) 46.8 мингга (1955 й) етиб, 40 фоизга кўпайди. МТСлардаги пахта териш машиналарининг сони 3.3 мингдан 15.1 мингга етди. 1950 йилда 1,1 млн гектар ерга ғўза экилган бўлса, 1985 йилда қарийиб 2 млн. гектар ерга ғўза экилди. Пахта хом ашёси шу йилларда 2,3 млн тоннадан, 5,4 млн тоннага етди. 1985 йилда республика пахта майдонлари барча экин майдонларининг учдан икки қисмини эгалларди. 1963 йилга келиб, Ўзбекистонда 1400 колхоз ва 182 совхоз фаолият кўрсатаётган эди. Қарши, Шеробод, Аму Бухоро магистрал каналлари қурилиб ишга туширилди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида ҳам маълум ишлар қилинди. 1964 йилда колхоз ва совхозларга 64 минг трактор 16.4 минг пахта териш машиналари, 59.6 минг култиваторлар сотилди. Етти йилликда механизатор кадрларга эътибор кўрсатилиб 96 минг тракторчи тайёрланди. Шу йилларда Турсуной Охунова, Жавод Қўчиев, М.Умрзоқов каби механизаторларнинг номи машҳур эди.

Раҳбарият томонидан 1956 йилда қабул қилинган Ўзбекистонда 300 минг гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги қарори пахта етиштиришни кескин кўпайтиришни назарда тутди. Натижада Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод воҳаси, Марказий Фарғона ҳамда

Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги чўлларни ўзлаштириш ишлари авж олдирилди ва тўққизинчи беш йилликнинг ўзида 510 минг гектар янги ерлар фойдаланишга топширилди²¹. Мирзачўлда қарийб 300 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилиб, 60 мингга яқин янги аҳоли хўжаликлари, совхозлари бунёд этилган. Жиззах чўлида 50 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилиб, янги пахтачилик колхоз ва совхозлари ташкил этилди²². Янги ерларни ўзлаштириш жараёни янги совхозлар, уларнинг хўжалик бинолари, аҳоли яшайдиган посёлкалар бунёд этиш билан бирга олиб борилди. 1956-1965 йилларда Мирзачўлда 84 минг гектарер ўзлаштирилди. 16 та пахтачиликга ихтисослашган, 1та боғдорчилик совхозлари ташкил этилди. 1957 йил Янгиер, 1961 йилда Гулистон шаҳарлари вужудга келди. 1953-1963 йилларда Марказий Фарғона чўлларида 72,4минг гектар ер ўзлаштирилди, 16 та янги колхоз, 2 та совхоз вужудга келди. Жиззах чўлида 670 минг гектардан кўпроқ янги ерлар ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган ерларда Мирзачўл (1967), Дўстлик (1970), Зафаробод (1973), Арнасой (1977) туманлари ташкил этилди. Шундай қилиб Ўзбекистон ҳудудида 1946-1965 йиллар қарийб 600 минг гектар янги суғориладиган ерлар ишга туширилган бўлса, 1966-1985 йилларда 1,6 млн. Гектар янги ерлар ўзлаштирилиб фойдаланишга топширилди. Аммо ўзлаштирилган ерларга янги кўчирилган асосий аҳоли маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, аҳоли хўжаликларини жойлаштириш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишлари қониқарсиз аҳволда бўлди. Республиканинг янги ўзлаштирилган бир қанча туманларига кўчириб келтирилган хўжаликларга нисбатан ижтимоий ёрдам қоғозларда битилган чора-тадбирларни қамраб ололмасди. Оқибатда бир қатор вилоятлар аҳолисининг яшаш шароити умуман замон талабига жавоб бермаган ва иқтисодий жиҳатдан орқада қолишига сабаб бўлган.

2. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар хусусиятининг эътиборга олинмаганлиги оқибатлари. “Сохта урбанизациялаштириш”

Ўзбекистонда ишчи кучи танқислиги баҳонасида, кўплаб ишчи кадрлар марказдан кўчириб келтирилди. Дастлаб марказнинг саноат корхоналари билан бирга бу ерга кўчиб келган кадрлар маълум даражада маҳаллий ишчи кадрлар тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ кейинги йилларда марказдан кадрлар жўнатиш кўпайди. Жумладан, РСФСРдан 1961-1965 йилларда 115,3 минг нафар ишчи кўчирилган бўлса, 1966-1970 йилларда эса 66,4 минг нафар ишчи келтирилди²³. Совет тузумининг мақсади минтақада ишчилар синфининг кўп миллатли кадрларини етиштиришни баҳона сифатида кўрсатиб, ўлканинг бой табиий ресурсларини ўз эгаларининг қўлида эмас, балки ўзлари ишонган кадрлар қўлида бўлса ўзлаштириш янада тезроқ амалга ошишини билган. Мисол учун, Мурунгов олтин кони 1969 йил очилгандан кейин ишлашга асосан марказдан кадрлар жўнатилади, конда мутахассислар аниқлашича олтин захираси қалинлиги 400 метр бўлиб, унинг

²¹ Рашидов Ш. Адабий-танкидий мақолалар, хотиралар, камолат. 4-жилд. – Тошкент: Фафур Фулом, 1982. – Б. 15.

²² Ўзбекистон Республикаси МДА, 314-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 421-варак.

²³ Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – С. 212.

200 метр қалинлиги марказга қазиб олиб кетилган²⁴. Бундай ҳолатлар билан республикада аҳоли тобора кўп миллатли бўлиб борди. Совет ҳокимияти йилларида бунёд бўлган саноат марказлари, хусусан, Чирчик, Ангрен, Олмалик, Бекобод, Навоий, Зарафшон, Муборак каби шаҳарларда асосан бошқа миллат вакиллари, яъни мамлакатнинг турли минтақаларидан кўчириб ва кўчиб келган ишчи кадрлар жойлашди. Шу тариқа республикадаги саноат шаҳарлар ҳам кўп миллатли бўлиб борди. Масалан, руслар энг аввало шаҳар жойларда, кўп қисми Тошкент ва Тошкент вилоятида, Бухоро, Самарқанд, ва Фарғонада ҳам уларнинг сони сезиларли даражада юқори бўлган. Республикада яшовчи татарларнинг деярли ярмиси Тошкент шаҳри ва вилоятига тўғри келган²⁵. Бинобарин ходимлар сафларини туб ерли миллат кишилари ҳисобига ўстириш, уларни доимий иш билан таъминлаш республика учун ижтимоий адолат нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга эди.

1966 йил 26 апрелда Ўзбекистон пойтахти Тошкентдаги зилзиланинг оқибатида вайрон бўлган уй-жой, саноат корхоналарини тиклаш учун Россия Федерацияси, Украина, Белоруссиядан катта ҳажмда ишчи кучи Ўзбекистонга жўнатилди²⁶. Уларнинг ёрдами билан вайрон бўлган жойлар қайта тикланди, янада кўркам, кучли янги Тошкент шаҳри барпо этилди. Бироқ ёрдамга келган ишчи кучларининг асосий қисми доимий яшаш учун Ўзбекистонда қолиб кетдилар. Ёзувчи Шукруллонинг таъбири билан таъкидлаганда “Тошкентликлар ким, ўзбеклар юз йиллардан бери ота-бобоси яшаб, руслар Тошкентга киргач “эски шаҳар деб аталадиган қисмида қандай яшаган бўлса, шундай қолаверди. Тошкентнинг янги қурилган кўп қаватли иморатларига эса, ҳашарга келганлар ва Тошкентнинг асосан руслар яшайдиган “янги шаҳар”! деб аталадиган қисмида турадиганлар кўчиб киришди. Шундай қилиб Тошкент қардошлик шаҳри, дўстлик шаҳри бўлди кўйди”²⁷. Ўзбекистондаги йирик корхоналарнинг кўпчилиги бошқа совет республикаларидан келган ишчи ва мутахассислар ёрдамида қурилди²⁸. Корхоналарнинг қурилишида уларнинг хизматлари катта бўлди, лекин вақтинча келган ишчи мутахассислар қурилиш тугагач доимий яшаш учун Ўзбекистонда қолиб кетдилар. Бунинг сабабларидан яна бири кўчириб келтирилган ишчи кадрлар ёш жиҳатдан алоҳида гуруҳларга бўлинган бўлиб, улар асосан 20-24 ёшлиларни ташкил этган ҳолда оила қуриш ёшида бўлган ва натижада Ўзбекистон аҳолисининг миқдор улушида улар 1960 йил 28,4%, 1970 йил 31,9%, 1975 йилда 32,9%ни ташкил этди²⁹. Улар учун махсус турар жой бинолари тезликда қуриб битказилди. Мисол учун, Тошкент тўқимачилик комбинати учун 1971 йилда иккита кўп қаватли турар жой бинолари топширилди. Ташқаридан жалб қилинган кадрларга уй-жойлар маҳаллий аҳоли яшайдиган миллий қишлоқлар, посёлкалар ва кичик шаҳарларга қараганда қиёс қилиб бўлмас даражада яхшироқ қилиб қурилди

²⁴ Фан ва турмуш, 1992 йил, - №1. – Б. 3.

²⁵ Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Университет, 1992. – Б. 14.

²⁶ Ташкент-город братства. Ташкент: Узбекистан, 1969. – С. 13.

²⁷ Шукрулло. Қасосли дунё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 44.

²⁸ Максакова Л.П. Миграция населения Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1986. – С. 74.

²⁹ Мулладжонов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – С. 219.

ва анча юқори даражадаги қулайликлар яратилди. Республикада 1924-1973 йиллар ичида 105 млн. 589 минг кв. метрдан иборат уй-жой қурилиб, 1 млн. 684 минг киши ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди³⁰. Бироқ бу кўрсаткичнинг асосий қисми четдан келганларга тўғри келди. Натижада марказий минтақалардан кўчиб келувчилар сони ортиб борди. Хусусан, 1961-1975 йилларда 391,4 минг киши мамлакатнинг турли минтақаларидан Ўзбекистонга кўчирилган бўлиб, 1971-1975 йилларда РСФСРдан ўрта ҳисобда 55,3 минг нафар киши келган³¹. Улар республиканинг хоҳлаган шаҳарларида рўйхатдан ўтишлари мумкин ва қисқа муддат ичида уй-жой, имтиёзлар билан таъмин этиларди. Бироқ республиканинг чекка қишлоқларидан келган маҳаллий ёшларга шаҳар рўйхатига ўтиш, ишга кириш, яшаш учун жой топиш муаммо бўлиб, маҳаллий миллатга мансуб ишсизлар сони ортиб борди. Вазият мураккаб бўлиб турган бир пайтда, минтақада минглаб ишсизлар мавжудлигига қарамай, четдан ишчи кучи олиб келиш адолатсизлик, туб миллатли аҳолига нисбатан ишончсизлик кўриниши эди. Ишлаб чиқаришда маҳаллий кадрлар қўнимсизлиги юқори бўлиб, уларга етарли шарт-шароитлар яратилмаганлиги сабаб завод-фабрикаларда ишдан кетиш ҳоллари кескин тус олди. Шу алфозда маҳаллий миллат вакиллариининг салмоғи саноат корхоналарида камайиб борди. Қишлоқларда ишсизларнинг катта қисми асосан кичик томорқаларида иш билан банд бўлди. 1980 йилларга келиб эса меҳнатга лаёқатли, лекин ишлаб чиқаришда банд бўлмаганларнинг сони 2,5 мартага ортди. Айнан 1975 йил РСФСРнинг иқтисодий районларидан кўчиб келган аҳоли ишлаб чиқариш ишчиларининг умумий миқдорида республиканинг баъзи шаҳарлари бўйлаб қуйидаги кўрсаткичда: Нукус шаҳрида-8%, Андижонда-10,5%, Когонда-21,5%, Жиззахда-17,2%, Қаршида-15,4%, Наманганда-20,5%, Самарқандда-25,6%, Гулистонда-27,2%, Фарғонада-18,4%, Марғилонда-18%, Урганчда-12,4%да бўлган³². Бундан кўринадики, Ўзбекистонда ушбу миллат вакиллариининг географик жойлашишига назар ташланса, маҳаллий миллат вакиллари қишлоқларда кўпроқ, саноат марказларида камроқ жойлашган.

Кўчириб келтирилганларнинг кўпчилик қисми ижтимоий аҳволи бўйича ишчилар бўлган. Республикада ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган шароитда уларнинг Ўзбекистонга келишини адолатли ҳол деб бўлмасди. Яна катта муаммолардан, меҳнат ресурслари жадал ўсишининг кўпроқ қисми маҳаллий миллат аҳолиси ҳисобига тўғри келган. Бироқ маъмурият томонидан бу каби йирик муаммолар эътиборга олинмай, четдан ишчи кучи олиб келтиришни давом эттирди. Шу боис маҳаллий аҳоли орасида ишчилар тайёрлашнинг сифатини яхшилаш ва миқдорини кенгайтириш зарурати етилган йирик муаммолардан бўлиб қолаверди. Амалда бу сиёсат маҳаллий аҳоли билан бошқа миллат аҳолиси ўртасидаги ўзига хос меҳнат тақсимотини белгилаб берди. Маҳаллий аҳоли бандлиги пахта яккахокимлиги сабаб, қишлоқ

³⁰ Ўзбекистон ССР: Социализм ва халқлар дўстлигининг қудратли кучи. Рақамлар ва фактлар // Ўзбекистон коммунисти. – Тошкент, 1974. – №10. – Б. 93.

³¹ Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – С. 212.

³² Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – С. 215.

хўжалигида кўпчиликни ташкил этди. Кўчириб келинганлар асосан шаҳарларда, аввало оғир саноатнинг муҳим тармоқларида ва ақлий меҳнат соҳасида, яъни яхши маош тўланадиган жабҳаларда меҳнат қилишди. Айни бир вақтда тузум сиёсатида маҳаллий кадрлар фаолияти устидан доимий назоратнинг янги шакллари юзага келтирилиб, уларнинг мустақил ишлаш имкониятларини чеклаб қўйганди. Амалда бу сиёсат маҳаллий аҳоли билан бошқа миллат аҳолиси ўртасидаги ўзига хос меҳнат тақсимотини белгилаб берди. Маҳаллий аҳоли бандлиги пахта яккахокимлиги сабаб, қишлоқ хўжалигида кўпчиликни ташкил этди. Кўчириб келинганлар асосан шаҳарларда, аввало оғир саноатнинг муҳим тармоқларида ва ақлий меҳнат соҳасида, яъни яхши маош тўланадиган жабҳаларда меҳнат қилишди. Айни бир вақтда тузум сиёсатида маҳаллий кадрлар фаолияти устидан доимий назоратнинг янги шакллари юзага келтирилиб, уларнинг мустақил ишлаш имкониятларини чеклаб қўйганди. Халқ хўжалигида ўзбекларнинг салмоғи 1980 йилларда умумий ишчилар салмоғида 50%, хизматчилар-18%ни ташкил қилди. Буни бошқа республикалар кўрсаткичи билан солиштирганда Ўзбекистонда туб миллатга мансуб ишчилар салмоғи камлиги кузатилади. Бу кўрсаткич 1979 йилда олинган аҳоли рўйхатига биноан русларда-63%, 31%, козокларда-64%, 28%, қирғизларда-56%, 20%, тожикларда-55%, 15% ни белгилаган³³. Бунда туб ерли аҳолининг саноат ишлаб чиқаришда ўсиб бориши секинлашганини кўриш мумкин. Бунинг сабабларидан бири, ижтимоий ишлаб чиқаришда маҳаллий аҳоли салмоғининг озлиги бўлиб, маълумотлар бўйича, меҳнатга лаёқатли ўзбекларнинг халқ хўжалигидаги ҳиссаси шу миллатга мансуб жами аҳолининг 37,2% ини ташкил этган. Зеро, Ўзбекистонда яшовчи русларнинг-53,9%, татарларнинг-52,5%, корейсларнинг-51,1%и халқ хўжалигида меҳнат қилган³⁴. Яна бир муҳим томони туб ерли аҳолининг тармоқлар бўйича нотекис тақсимланганлигидан, унинг кўп қисми юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигида банд бўлган. Саноат тармоқлари кенгайган сари мутахассислар ва ишчилар сони кўпайиб борди. Уларнинг орасида ўзбек ва бошқа маҳаллий миллатлар вакиллариининг салмоғи ортди. Бироқ шу билан бирга, кўпгина саноат корхоналари ишга туширилиши арафасида республикага СССРнинг марказий минтақаларидан мутахассис ва ишчиларнинг олиб келиши кенг қўлланилган. Умуман совет давлати ҳукмронлиги йилларида маҳаллий аҳоли йирик саноат ишлаб чиқариш жабҳаларидан маълум даражада бегоналаштирилиб келинди. Саноатлашган ҳудудлар атайлаб маҳаллий аҳолининг жуда кам иштироки билан, асосан собиқ иттифоқнинг марказий минтақаларидан ишчилар жалб қилиш ҳисобига ташкил этилди ва ривожлантирилди. Масалан, 1989 йилда халқ хўжалигида банд бўлганларнинг сони 5,3 млн. киши бўлиб, саноат

³³ Таксанов А.К. Перестройка и некоторые проблемы развития национальных кадров индустриального рабочего класса. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 18.

³⁴ Таксанов А. Қишлоқда саноат ишчилар синфининг ривожланиши // Ўзбекистон коммунисти. – Тошкент, 1987. - №7. – Б. 29.

ишлаб чиқаришдаги ўзбекларнинг салмоғи атиги 0,7 млн. кишини ташкил этди³⁵.

Хулоса ўрнида халқ хўжалигининг тармоқ структурасида республика иқтисодиёти бир томонлама кенгайиб кетганлигини кўриш мумкин. Ахвол шундай бўлиб қолгандики, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳоқимлиги билан бир қаторда унда ўз маҳсулоти билан асосан аграр секторни таъминлайдиган тармоқлар устунлик қилди. Минтақа саноатининг номукамаллиги туб ерли аҳолининг ижтимоий таркибига, саноатнинг анъанавий тармоқларида жамланишига таъсир қилди ҳамда фан-техника тараққиётини белгилайдиган тармоқларда уларнинг ниҳоятда кам бўлишига олиб келди. Маҳаллий кадрлар кўпроқ анъанавий соҳаларга, яъни енгил саноат, озиқ-овқат кабиларга жалб этилган. Модомики, туб ерли аҳолини фанга асосланган ишлаб чиқаришларга ҳам кўп микдорда жалб этилганда, маданий-техник савиясини янада ўстирган бўлиб, корхоналарда малакали ишчи кучларининг ўрнини четдан келган кадрлар билан тўлдирмай маҳаллий кадрлар кўпроқ жалб этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳамда маҳаллий аҳолининг меҳнат шароитини такомиллаштириш, иш жойларни тўғри йўналтириш, иш ҳақини ошириш, уй-жой, ижтимоий аҳолини яхшилаш каби муаммолар аниқ вақтида бажарилганда яшаш шароити яхшиланган бўлар эди.

3. Ўзбекистонда XX асрнинг 50-70 йилларда ўтказилган иқтисодий ислохотлар унинг самарасизлиги. Республикада маданий ҳаёт.

Республика халқ таълимида урушдан кейин бир қатор жиддий муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келди. 50 йиллардан мактаб қурилиши, 7 йиллик умумий мажбурий таълим амалга оширилди. Бироқ таълимнинг мазмуни орқада қолганлиги, мактаб ўқувчиларининг билим даражаси пастлиги сабаб жиддий ислохотлар ўтказиш зарур эди. 1959 йилдан бошлаб 10 йиллик ўрта мактаблар 11 йилликка айлантирилди. Мактаблар учун янги ўқув режалари, дастурлари ва дарсликлар яратилди. 1962 йилдан умумий мажбурий 8 йиллик таълимга ўтилди. Барча етти йиллик мактаблар 8 йиллик мактабларга айлантирилди. 1958-1965 йилларда 1000 яқин шундай мактаблар очилди. Унда ўқийдиган ёшлар 1965 йилда 134,5 минг кишини ташкил этди. Ўрта умумтаълим мактаблари 1970 йилдан бошлаб маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида бошланғич (1-3 синфлар), 8 йиллик (1-8синфлар), ўрта (1-10) мактабларга айлантирилди. Шунга қарамай жиддий муаммолар, мактаб синф хоналар сони ошмасин, болалар сонининг табиий ўсишидан орқада қолаверди. Мактаб биноларининг етишмаслиги, моддий техник жиҳатдан заифлиги сурункали давом этди. Мактабларда таълим тарбия коммунистик мафкурага бўйсундирилган, КПСС режа ва дастурлари доирасига, қолипига солиб қўйилган, таълим-тарбия миллий хусусиятлар, тарихий маънавий қадриятларни инобатга олмасди.

Республикада олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлар вазифаси ҳам коммунистик мафкура тартиби асосида амалга оширилди. 1959 йилда республикада олий мутахассис кадрлар тайёрлаб берадиган 31 та олий

³⁵ Итоги Всесоюзной переписи населения 1989 г. Т. IV. –Ташкент: 1990. – С. 42.

ўқув юртлири бўлса, 1985 йилга келиб 42 олий ўқув юрти, 240 техникум, 590 профессионал-техника ўқув юртлирида халқ хўжалиги учун олий ва ўрта махсус кадрлар тайёрланарди³⁶. Хунар-техника билим юртлири саноатга ишлаш учун келган ишчиларнинг 20%и, қишлоқ хўжалигида ишлаш учун келаётганларнинг 40%ини тайёрларди³⁷. Билим юртлирига қабул қилинганларнинг 45%и (Тошкент шаҳрида) бошқа миллат вакиллари бўлиб, ўқувчилар умумий сониди саноат ва қурилиш ишчи мутахассислари бўйича маҳаллий миллат вакиллари 17%ни эгаллади³⁸.

Марказий Статистика бошқармасининг 1960 йил 1 январгача бўлган ахборотида Ўзбекистонда аҳолининг маълумот даражаси кўрсаткичлари қуйидагича бўлган: тугалланган олий-105 минг, тугалланмаган олий-66 минг, ўрта махсус маълумот-180 минг, умумий ўрта (тўлиқ ўрта) маълумот-377 минг, тўлиқсиз ўрта маълумот-1273 минг бўлиб, олий ва ўрта махсус маълумотга эга кишилар умумий 351 минг, тўлиқ ўрта мактабни, яъни етти йилликни тамомлаб чиққанлар 1630 минг киши эди³⁹. 1980 йилларга келиб олий ва ўрта махсус маълумотлилар халқ хўжалигида 1080,9 минг кишига етди⁴⁰. Шу йиллар ичиди Ўзбекистонда барча ишчи ва хизматчилар, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг ўсиш миқдорининг ўзгариши қуйидагича бўлган: 1940 йилда-2174,0 минг киши бўлса, 1965 йилда-3055,0, 1970 йилда-3670,0, 1975 йилда-4397,7, 1980 йилда-5166,9 минг кишини ташкил этган⁴¹. Бироқ булар миқдор кўрсаткичлардаги айрим силжишлар бўлиб, масаланинг асосий жиҳати ўқув юртлирини битириб чиқаётган мутахассисларнинг сифати ва савияси масаласида кўплаб муаммолар мавжуд эди. Совет ҳукумати “Социализмнинг афзаллиги”ни кўрсатиш мақсадида асосий эътибор олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг сон жиҳатига эътибор бериб, оқибатда тайёрланаётган мутахассисларнинг жаҳон талабларидан жиддий ортида қолишига, халқ хўжалигига малакасиз кадрлар тайёрланишига, улардан ишлаб чиқаришда самарасиз фойдаланилишига олиб келди. Совет тузуми олий ва ўрта махсус таълим тизими орқали оммавий касблар бўйича кадрлар тайёрлашни “ялпи миқдор”, маблағларни тақсимлаш вақтида “қолдиқ” қоида бўйича ишлашни давом эттирди⁴². Бу камчиликлар кадрлар сиёсатига салбий таъсирини ўтказмай қўймасди. Мавжуд маблағлар ҳисобига халқ хўжалиги учун кўпроқ мутахассис тайёрлаб бериш ўқишнинг кечки ва сиртки бўлимларида кўзда тутилди. Сиртки таълим тизими Ўзбекистонда асосан урушдан кейинги йилларда ривожлана бошлади. 1965 йилда олий ўқув юртлирининг сиртки бўлимларига 18 минг киши қабул қилинди. Бироқ 1970-1971 ўқув йилида фақат 13 минг киши ўқишни битириб чиқди, яъни ўқишга қабул қилинганларнинг учдан икки қисми тўлиқ

³⁶ Производительные силы Узбекистана и перспективы их дальнейшего развития. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 58.

³⁷ Партия турмуши. – Тошкент, 1973. - №11. – Б. 7.

³⁸ Таксанов А. Социальная политика и рабочий класс. – Ташкент: Узбекистан, 1991. – С. 94.

³⁹ Қизил Ўзбекистон. 1960 йил, 2 август.

⁴⁰ Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет, статистический сборник. – Ташкент: Узбекистан, 1984. – С. 228-229.

⁴¹ Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – С. 245.

⁴² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 533.

тамомлади⁴³. Кейинги йилларда олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларига тингловчиларни қабул қилиш бирмунча қисқарди, аммо 1980 йилларга келиб яна миқдори орта бошлади. “Бўлажак жамиятнинг идеалини ўқитишни ёш авлоднинг унумли меҳнати билан қўшиб олиб бормасдан тасаввур қилиб бўлмайди”⁴⁴, - деб таърифланган совет тузуми ғояси ёшларни ўқитиш билан бир вақтда мамлакатнинг иқтисодий базасини янада тўлдириш учун улар доимий ишга ҳам жалб этилди. Таълимнинг бу кўриниши бир вақтда ҳам ўқиётган, ҳам халқ хўжалик тармоқларида ишлаётган кишиларни муттасил ўқишга жалб этиш имконини берса, иккинчи тарафдан кечки ва сиртқи бўлимларни тамомлаб чиқаётган мутахассислар назарий тайёргарлигининг етарли даражада бўлмаслиги кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш ишига салбий таъсир ўтказарди. Кадрлар сиёсатидаги бу каби бузилишлар, хато ва камчиликлар йил сайин ортиб бориб, республиканинг тараққиётига сезиларли даражада тўсиқ бўлди.

Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъати бирмунча ўсди. Бу йилларда “Тоҳир ва Зухра”, “Фарход ва Ширин”, “Алпомиш”, “Равшан ва Зулхумор”, “Навоий Астрободда”, “Муқимий” каби миллий тарихий асарлар сахна юзини кўрди, лекин улар партиявийлик ва синфийликка мослаштирилди. Шу билан бир қаторда “Олтин девор”, “Тошболта ошиқ”, “Келинлар кўзғолони” ва бошқа сахна асарлари халқ эътиборига сазовар бўлди. Ўзбек театрининг ривожланишига режиссёрлардан М.Уйғур, Е.Бобожон, А.Гинзбург, Т.Хўжаевлар, актёрлардан, А.Хидоятлов, О.Хўжаев, А.Бакиров, С.Эшонтўраева, Ш.Бурхонов, З.Муҳаммаджанов, Ғ.Аъзамов, Ё.Аҳмедов, П.Саидқосимов ва бошқа санъаткорлар салмоқли хисса қўшдилар. Халқимиз ўзбек санъатини баланд кўтарган Ю.Ражабий, Ҳ.Носирова, М.Турғунбоева, Тамарахоним, Г.Измаилова, С.Қобулова номларини ҳурмат билан эъзозлаб келмоқда. 60-70 йиллар ўзбек кино санъатига ёш талантли режиссёрлар актёрлар, Ш.Аббосов, А.Хамроев, Р.Ботиров, Ҳ.Ахмаров кабилар кириб келди. Ш.Аббосовнинг “Махаллада дув-дув гап” (1961), “Сен етим эмассан”(1963), “Тошкент-нон шаҳри” (1970), “Абу Райхон Беруний” (1974) каби филмлари машҳур бўлди. Шундай қилиб, республика маданий-маънавий ҳаётида 1946-1990 йилларда муаян ютуқларга эришилди. Халқ маорифи, олий ва ўрта махсус таълим тармоғи анча ривожланди. Аҳолининг умумий саводхонлик даражаси ўсди, мутахассислар, ижодий зиёлилар даражаси сезиларли кенгайди. Фан, адабиёт, санъат ривожланди. Илмий, бадиий мусиқа асарлари яратилди бироқ буларнинг барчаси мафкуравий тузум қолипидан чиқмаган ҳолда амалга оширилди. Ўзбек халқи нафақат ўз миллий кадриятлари, анъанлари ва тилидан, шунингдек, умуминсоний кадриятлардан тобора бегоналаштирилиб борилди.

4. Шароф Рашидов – давлат ва жамоат арбоби.

Шароф Рашидов ватанимиз тарихида атоқли давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли адиб сифатида Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Рашидов ёзувчи сифатида халқ эътиборини алоҳида қозонган. 1949-1950 йилларда

⁴³ Суюнов С.Ҳ. Фан-техника тараққиёти ва кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1987. – Б. 39.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси МДА, 2454-фонд, 6-рўйхат, 287-иш, 380-варак.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси бўлиб ишлади. 50 йиллардан бошлаб Ш.Рашидов фаолиятида масъулиятли давр бошланди. У 1950 йилда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг раиси этиб сайланди. Ш.Рашидов 1959 йилдан то умрининг охиригача республиканинг биринчи раҳбари сифатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасини бошқарди. Шароф Рашидов давр мураккаблиги зиддиятлилигини эътиборга оладиган бўлсак, энг оғир шароитларда ҳам халқига фарзандлик бурчини адо этди. Марказдан келган буйруқларни юмшатишга, Марказий ҳокимиятдан юрт ободончилиги учун фаровонлиги учун бутун чоралар билан фойдаланишга ҳаракат этарди. Ўзбекистонда 60-80 йилларда обод этилган кўплаб саноат корхоналари, йирик иншоотлар Ш.Рашидов номи билан боғлиқдир. Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилишида унинг хизматлари катта. Жаҳонда “Тошкент руҳи” сифатида 1966 йилда вужудга келган машҳур тушунча Ш.Рашидов номи билан бевосита боғлиқ. Бу Тошкентда тузилган халқаро ҳаракатдир. Шароф Рашидов Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамкорлиги ҳаракатининг Ҳиндистон ва Покистон ўртасида тинчлик сулҳи имзоланишишнинг ташаббускоридир. У Ўзбек номини улуғлашга энг юксак фазилатларини ромоён қилишга жонини фидо этган инсондир. Бироқ Ш.Рашидов фавот тгач унинг хотираси оёқ ости қилинди ва “Шароф Рашидовчилик” атамаси ўйлаб топилди. Унинг Ўзбекистон миллий манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши, Марказга қарамликни имкон даражасида заифлаштиришга интилиши билан келиша олмас эди. Унинг номи Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин оқланди. Шароф Рашидов “Ғолибдар”, (1951), “Кашмир қўшиғи” (1956), “Бўрондан кучли” (1958) каби асарлар муаллифи. Ш.Рашидов 1983 йил вафот этган ва Чигатой қабристонида дафн этилган.

5. XX асрнинг 80-йиллар ўрталарида СССРнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маънавий ҳаётида инқирозли вазиятнинг янада кескинлашуви.

Совет раҳбариятининг 1985 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан илгари сурган вазифасини бажариш борасидаги дастлабки ўрин ишлари омад келтирмади. Иқтисодий тизимни қайта қуриш, унинг моддий базасини қайта кўриб чиқиш, янги технологияларни жорий этиш, юқори даражадаги бошқарув тизими асосида иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш мўлжалланган эди. Бироқ “қайта қуриш” сиёсати ҳам социализмга сунъий равишда қиёфа берганлигини Ўзбекистон президенти И.А.Каримовнинг: “Инқироз сабаблари ва омилларини тўлиқ тасаввур этмаган, ўзгартиришларнинг аниқ-равшан дастурига эга бўлмаган бутун иқтисодий сиёсат эмпирик характерда бўлиб, авантюрадан иборат экспериментлардан, ҳар томонга оғишлардан бошқа нарса эмасди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг турлича ёндашувларга асосланган дастурлари лойиҳаларининг кўплиги ислохотларнинг аниқ мақсади йўқлигидан, уларни рўёбга чиқариш муддатлари- “беш юз кун” деб белгилаб қўйилиши эса зарур ўзгартириш-

ларнинг туб моҳияти ва ниҳоятда мураккаблиги тўла англаб етилмаган-лигидан далолат берар эди⁴⁵, таърифи унинг моҳиятини очиб беради. Бу сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида, республика иқтисодиётида танглик ҳолати чуқурлашиб, саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасайиб кетди. Шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ҳам сезиларли равишда пасая бошлади. Масалан, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи Ўзбекистонда умумиттифоқ бўйича 1975 йилдаги 93,7%дан, 1987 йилда 81,3%га тушиб қолди, аҳоли жон бошига истеъмол фонди ҳажми 66%дан 58%га камайди. 1988 йилда Ўзбекистондаги 1267 та йирик саноат корхона-сидан атиги 320 таси (25,3%) тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида ишларди⁴⁶. Масалан, Ўзбекистон халқ хўжалигини жадаллаштириш умумдавлат дастурини таъминлаш режасида 1990 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 24-27%га оширишга эришиш, тармоқда меҳнат унумдорлигини 19%га, қурилишда 14%га кўтариш назарда тутилган эди. Бироқ меҳнат жамоаларидаги айрим ходимларнинг қўлга киритган юқори ишлаб чиқариш натижалари ҳам оқсаш жараёнларининг ортиб боришини яшира олмади. Пухта ўйлаб кўрилмаган қарорлар, уларни жорий қилишдаги жиддий нуқсонлар, маъмурий сиқувнинг давом этиши, жадаллаштириш концепциясидаги камчиликлар халқ хўжалигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди, қайта қуриш оқсай бошлади.

80-йилларнинг иккинчи ярми мобайнида рўй берган «қайта қуриш» ислохотлари туркуми субъектив тарзда, фақат ички ҳис-ҳаяжонга асосланиб, ихтиёрий равишда шунчаки синаб кўришлар ва хато усуллар билан ташқи томондан таъсирчан бўлишини умид қилиб, аниқ илмий жиҳатдан эмас. балки дастурсиз амалга оширилди. Иқтисодий ва илмий-маданий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳам қайта қуриш оқибатида пухта ўйлаб кўрилмаган волюнтаристик ислохотлар оқимида жалб қилинди. Қайта қуриш «концепцияси» аввалбошданок ноилмий бўлиб, у мағлубиятга маҳкум эди. қайта қуриш борасидаги дастлабки тажрибаларнинг кўрсатишича, мамлакат сиёсий раҳбарияти биринчи кунданок «қайта қуриш» мафқурасини англаб етишда ниҳоятда соддалашган нуқтаи назар билан ёндашди. Қайта қуриш «концепцияси» «қардош» иттифоқдош республикаларнинг ҳаётий манфаатлари ва муаммоларини илмий таҳлил қилишга, уларни билишга асосланмаган эди. Ўша даврда совет социалистик тузуми иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ўлкан имкониятларга эга деб ҳисобланди, тарихий истиқбол социализм томонида деб қаралди. Социализмга сунъий равишда демократик қиёфа берилиб, мустабид тузумнинг мавжуд ярамас иллатларини «тасодифий ҳол», улар учун «социалистик жамиятда асос йўқ», шунинг учун уларни, айниқса, бошқарув тизимидан олиб ташлаш кифоя дейилди. Қайта қуриш тажрибаси фақат партиянинг ижтимоий-сиёсий раҳбарлигини мустаҳкамлашни, жамиятни социалистик асосда ташкил этишни янада такомиллаштиришни, унинг фақат қисмангина, шунчаки, «пардоз бериш»

⁴⁵ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 280-281.

⁴⁶ // Ўзбекистон коммунисти. – Тошкент, 1988. - №11. – Б. 22

тарзида янгиладини назада тутган эди. Зиддиятли «қайта куриш» сиёсати оқибатида республика иқтисодиётида танглик ҳолати чуқурлашиб, саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасайиб кетди. Меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичлари ҳам кескин ёмонлашди, фондлар ҳисобидан келадиган фойда камайди.

Масалан, ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи Ўзбекистонда умумиттифоқ бўйича 1975 йилдаги 93,7%дан 1987 йилда 81,3%га тушиб қолди, аҳоли жон бошига истеъмол фонди ҳажми тегишли равишда 66%дан 58%га камайди. Натижада халқнинг давлат томонидан эълон қилинаётган ўзгаришларига ишончи йўқола борди, унинг қайта куришга бўлган муносабати ўзгара бошлади.

Кўпгина маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажми пасайди, моддий ва молиявий номутаносиблик кўчайди, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб кетди, товарлар танқислиги тобора кенгайиб борди. Масалан, 1989 йилда ҳар икки муҳим маҳсулотдан бири бўйича топшириқ бажарилмади, ҳар уч маҳсулотдан бири бўйича ишлаб чиқариш ҳажми пасайди. «А» туруҳи тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режадагидан 3 барабар кам бўлди. Машинасозлик, кимё ва агросаноат мажмуи корхонадари режа топшириқларини бажаришни таъминлай олмадилар. Меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳаларида ҳам сифат ўзгаришлари кўзга ташланмади.

«Қайта куриш»нинг сўнгги йилларида республика ишчилари ва хизматчиларининг ижтимоий ривожланишида мураккаб ва зиддиятли жараёнлар содир бўлди. Уларнинг миқдор жиҳатидан ўсишида сифат ўзгаришлари юз бермади, бу кўрсаткич аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолди, бу ҳол ишчи кучининг анча ортиқча бўлиб қолишига олиб келди.

Шундай қилиб, мустабид Совет давлатида қарор топган ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари саноат ишлаб чиқаришининг юқори самарада ривожланишига объектив равишда тўсиқ бўлди. Марказнинг амрига бўйсўнган республика индустрияси маҳаллий аҳолининг туб манфаатларини ҳисобга олишга мўлжалланмаган эди, шу сабабдан уни социалистик асосда ислоҳ қилишга ўрин иш муқаррар равишда барбод бўлди. Салбий ҳолатларнинг ортиб бориши натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг самарадорлиги йилдан-йилга пасайиб борди. 1989 йилнинг бошларида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳатто ўртача йиллик даражага ҳам бормади, 3 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот берилмай қолди. ғалла, пахта, полиз экинлари тайёрлаш режалари сурункасига бажарилмай келди. Фақат 1986—1987 йиллар мобайнида етказиб берилмаган пахтанинг миқдори 1.576 минг тоннадан ортиқ эди. Асосий деҳқончилик экинларининг ҳосилдорлиги барқарор пасайиб борди.

Пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқ иллатлар республиканинг қишлоқ иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишда давом этди. Чигит экиладиган майдонлар кўп бўлишига (75%) қарамасдан, пахта экиладиган ерлар доимий равишда кўпайтириб борилди. Айни вақтда пахта етиштириш режа топшириқлари ҳам кўпайди, бу Ўзбекистоннинг имкониятларига мутлақо

мос келмас эди. Мазкур муаммони кушиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар, пахта терими даврида шаҳарликлар, талабалар, мактаб ўқувчиларининг меҳнатидан сурункали фойдаланиш эвазига ҳал қилишга интилдилар. «Ялпи» пахта ҳосили, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори ортидан қувиб, кўпгина хўжаликлар уларни етиштириш технологиясини буздилар, экинларга оширилган миқдорда азотли ўғитлар солинди, айниқса, пахта зараркунандаларига қарши курашда, унинг баргини тўқишда заҳарли кимёвий моддалардан меъёрсиз фойдаланилди. Натижада атроф муҳит заҳарланди, ернинг таркиби бузилди, инсонлар соғлигига зарар етказилди.

Пахтачиликда пестицидларни ҳаддан ташқари ишлатиш оқибатида бевосита кўзга ташланиб турувчи ижтимоий-экологик офат юз берди, яъни атроф муҳит (тупроқ, сув манбалари, ҳаво) йўл қўйиб бўлмас даражада ифлосланди. Экологик тангликнинг иккинчи сабаби — вазирликларнинг зарарли кимёвий корхоналарни Чирчиқ, Самарқанд, Навоийда, шунингдек, кўпроқ экологик тизим жуда заиф бўлган ва аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда жойлаштирилиши бўлди: Фарғона водийси ана шундай жойлардан бўлиб, бу ерда «Фарғонаазот», «Фергананефтеоргсинтез» бирлашмалари, кўкон кимё заводи, Янги кўкон кимё комбинати ва бошқа корхоналар жойлаштирилган.

Ўзбекистон КП МҚнинг 1984 йил 23 июнь XVI пленумидан кейинги йилларда содир бўлган воқеалар ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайиши, қишлоқ хўжалигида вужудга келган оғир вазият, мамлакат ҳаётидаги инқирозли кўринишларига алоҳида эътибор қаратилиб, асосан бунинг сабабчилари маҳаллий кадрлар деб топилиб, Ўзбекистонда бошланган “тозалаш” иши мутлақо халққа қарши қаратилган тусда авж олдирилди. Пленумда юқори поғонадаги собиқ раҳбарларининг хато ва камчиликларига урғу бериб, уларни шунчаки танқид қилиш билан чекланди. Ҳақиқий танқид ва таъқиблар маҳаллий раҳбар кадрлар бошига тушди. Оқибатда бу даврда Ўзбекистонда раҳбар ходимларга қарши бошланган дастлабки таъқиб Ўзбекистон КП МҚнинг собиқ биринчи котиби Ш.Р.Рашидовга қаратилиб, унинг фаолияти давомида қилинган юксак ишлар, ислохотлар ҳам қўшиб қораланди. “Шароф рашидовчилик” деган ва Ўзбекистондаги коррупциянинг рамзига айлантирилган сиёсий ёрлик тўқиб чиқарилди⁴⁷. Ш.Рашидовдан кейин раҳбарлик қилган И.Усмонхўжаев даврида асосан марказ кўрсатмалари бажарилди. Ш.Рашидовнинг даврини, унинг атрофида турган маҳаллий раҳбар кадрларни, республика шаъни ва мавқеини қоралаш КПСС МҚда пухта ишлаб чиқилди. Республика учун марказдан уюштирилган “пахта иши” “ўзбеклар иши” уйдирмалари гўёки “порахўрлар”га қарши қаратилган бўлиб, қонунсизлик ва оммавий қатағонларнинг авжга чиқишига сабаб бўлди ва минглаб айбсиз маҳаллий аҳолини оғир тазйиқларга дучор этди, жумладан, кўплаб раҳбар ва қишлоқ хўжалик ходимларининг ҳаётини гирдобга айлантирди.

⁴⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Тошкент: Шарқ, 2000. — Б. 546.

1984 йилдан бошлаб, собиқ Компартия раҳбарларининг таклифига биноан Ўзбекистонда мамлакатнинг турли минтақаларидан “десантчилар” яъни КПСС амалдорлари кела бошладилар. Янги десантчилар Ўзбекистонда тартиб ўрнатиш учун эмас, балки улар иттифокнинг республикадаги таянчи бўлиш ва мамлакатда “советларча” усулда тартиб ўрнатишлари лозим эди. Марказдан юборилган ходимлар Ўзбекистондаги партия ва ҳокимият тизимларидаги асосий ўринларни эгаллаб олиб, қирғин бошладилар. Республикадаги вазиятни ўрганиб, йўқ хато ва камчиликларни бор қилдилар. Уларнинг сиёсий ўйинлари натижасида Ўзбекистон тарихда кўрилмаган аёвсиз тажрибалар майдонига айлантирилди. Маҳаллий раҳбарларни бадном этиш, таъқиб остига олиш, уларни Россия, Украина, Белоруссиялардан келган содиқ кишилар билан алмаштириш билан шуғулландилар. Ўзбекистон КП МҚ, Министрлар Совети, Олий Совет, Республика прокуратураси, Ички Ишлар Вазирлиги шундай “десантчи” кадрлар қўл остига ўтди. 1984 йилда 5 та, 1985 йилда 33 та, 1986 йилда 86 та, 1987 йилда 27 та, 1988 йилда 2 та, 1989 йилда 3 та ходим Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлигига юборилди⁴⁸.

Бундан ташқари, 1984-1989 йиллар ичида турли баҳона ва сабаблар билан 10 мингдан ортиқ киши ишдан олиб ташланди. Кадрларни алмаштириш сиёсати тез амалга ошдики, ҳатто, бир идорага бир йилда 3 та янги раҳбар келарди. Сунъий равишда ўйлаб топилган “пахта иши” маҳаллий кадрлар салоҳиятига жуда оғир зарба берди. Натижада жамоа ҳўжалиги раислари ва совет ҳўжалиги раҳбарларининг 60%и лавозимларидан олиб ташланди, кишлоқ ҳўжалик мутахассисларининг тахминан 45%и, пахтачилик бригада бошлиқларининг ҳар учинчиси вазифаларидан бўшатилади⁴⁹. Бу ишлар кадр танлашдаги янги йўл эмас, балки, уларни таҳқирлаш, обрўсизлантириш, ерли миллий кадрлар ғурурини паймол қилиш сиёсати эди⁵⁰. Жараён гўёки “порахўрларга” қарши қаратилган бўлди. Фақатгина 1983 йилдан 1989 йилгача бўлган вақтда Ўзбекистондаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўшиб ёзиш, порахўрлик, ўғриликлар ҳақидаги 800 дан ортиқ жиноий ишлар текширилиб, 5000 дан ошди киши жазога ҳукм қилинганлиги, улардан 600 нафари раҳбар ходимлар, ўн нафари меҳнат қаҳрамонлари эди⁵¹. Ўзбекистонда бу йилларда бутун жазога тортилган бегуноҳ масъул ва ҳўжалик ходимлари 25 минг кишига етди⁵². Гдлян-Иванов раҳбарлигидаги жазо отрядининг ортида турган кучлар узоқ вақт пинхоний сиёсат олиб борди. Лигачев, Разумовский, Могильниченко, Бессаробов, Смирнов, Пономеров каби совет маъмурлари бу ишларнинг бошида бўлишди⁵³. Бу гуруҳнинг “иши” бошиданок қонунчиликка умуман зид ҳолда, тергов қилинувчилар ва уларнинг яқинларига нисбатан очикдан-очик

⁴⁸ Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Тошкент: Академия, 2003. – Б. 47.

⁴⁹ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йй.) / Д.А.Алимова таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 308.

⁵⁰ Юсупов Э. Истиқлол шабадалари. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 49.

⁵¹ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йй.) / Д.А.Алимова таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 308.

⁵² Алимова Д.А., Голованов А.А. Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологии. – Ташкент: Узбекистан, 2002. – С. 75.

⁵³ Жўрабеков И. Янги Ўзбекистон- янги қадамлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 75, 80.

зўравонлик қилиш билан ажралиб турди. Беморлар, кўп болали оналар, қариялар ҳам аяб ўтирилмади. Маҳаллий раҳбар кадрларнинг “вақтинча” қамокда сақланишлари йиллаб давом этди. Ноҳақ қамокга олинганларнинг баъзилари оғир таҳқирлашларга бардош беролмай, ўз жонларига қасд қилдилар. Кадрларни обрўсизлантириш, уларнинг оила-аъзолари, қариндош-уруғлари, таниш-билишларини ҳам аёвсиз жазолаш сиёсати Ўзбекистонда кенг тус олди. Неча минглаб кишилар тазйиқ, қувғин ва қатағонга дучор қилинди, қанчадан-қанча одамлар тергов изоляторларида сақлаб турилди. Атайлаб ўйлаб топилган кўпдан-кўп, жиноий ишлар қўзғатилди. Баъзи терговлар далилларни сохталаштириб, бегуноҳларга нисбатан фақат айблаш йўлини тутдилар. Жисмоний зўравонликлар, руҳий таъсир этиш, мажбурлаб бўйинга қўйиш ва эътироф этишлар оммавий тус ола бошлади. Шу тариқа Ўзбекистонга келганлар адолатни қарор топтиришга эмас, аксинча кўпроқ бегуноҳ маҳаллий кадрларни қаматиш натижасида йиллик ҳисоботларини бойитишга зўр бердилар⁵⁴.

Ҳамма республикалардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда бошқаларга ўрناк бўлиши учун республика кадрларининг “таъзирини бериб қўйиш”га қаратилган ҳаракат юқори бўлган. Яъни тизимга сиғмаган ва ҳукмрон тузумни ёқтирмаган аҳоли гуруҳлари антигуманистик чоралар билан йўқ қилиш каби сиёсат қурбонига айландилар⁵⁵. Совет тузумининг Ўзбекистонда XX асрнинг 1916, 1930, 1950, 1980 йилларида қатағон сиёсатини авж олдирганининг асосий сабаби ҳар авлоддан чиқаётган миллий ғурурли, малакали маҳаллий кадрлар йўқ қилиниши, совет сиёсатига зид бўлган таъсирлардан “тозаланиши” керак эди. Шунинг учун ҳам айнан юқоридаги йилларда минг-минглаб мустақил, эркин фикрга эга бўлган, халқни истиқлолга чорловчи ватанпарвар миллий кадрлар совет сиёсатининг қурбонига айланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг «пахта иши» қайта кўриб чиқилди ва минглаб бегуноҳ кишилар оқландилар. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг моҳир, таниқли давлат ва жамоат арбоби Ш.Р. Рашидовнинг пок номи тикланди. Шунингдек, меҳнаткаш ўзбек халқининг юзи ёруқ эканлиги асосланди. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси билан 2000 йил 12 майда Тошкент шаҳрида Юнусобод мавзесида мустабид совет режими даврида қатағон қилинган шаҳидлар хотирасига бақишлаб ўрнатилган ёдгорлик мажмуининг очилиши бугунги миннатдор авлоднинг аجدодларимиз олдигаги чуқур эҳтироми рамзидир.

6.1991 йил август воқеалари, марказий давлатчилик танглиги ва СССРнинг таназзулга юз тутиши.

⁵⁴ Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Тошкент: Академия, 2003. – Б. 47.

⁵⁵ Алимова Д.А., Голованов А.А. Узбекистан в 1917-1990 годы: противостояние идей и идеологии. – Ташкент: Узбекистан, 2002. – С. 24.

Москвада марказий ҳокимиятни сақлаб қолишга, республикалар жиловини ўз қўлида ушлаб қолишга уринувчилар томонидан фитна тайёрланиб, 1991 йил 19 август куни матбуотда эълон қилинган “Совет раҳбариятининг баёнати”да М.С.Горбачёвнинг саломатлиги ёмонлашди, шу сабабли унинг СССР президенти вазифаларини ижро этиш имконияти йўқ, деган сохта ахборот билан чиқдилар. Баёнотда Президент ваколатлари Г.И.Янаевга ўтказилганлиги эълон қилинди. Аслида эса президент М.С.Горбачёв саломат бўлиб ўзини аммо ҳимоя қила олмади. Уни фитначилар ҳамма жараёндан узиб 72 соат қамал қилиб қўйган эди. Фитначилар томонидан мамлакатни идора қилиш учун қўйидаги таркибда СССРда фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси тузилди: О.Д.Бакланов- СССР мудофаа кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, В.А. Крючков- СССР Давлат Ҳавфсизлиги қўмитасининг раиси, В.С.Павлов- СССР бош вазири, В.К.Пуго - ички ишлар вазири, В.А. Старадубсев- СССР деҳқонлар уюшмаси раиси, И.Тизяков- СССР саноат қурилиш, транспорт ва алоқа давлат корхоналари ҳамда иншоотлар уюшмасининг президенти, Д.Т.Язов- СССР мудофаа вазири, Г.И.Янаев- СССР президенти вазифасини бажарувчи бўлиб булар Горбачёвни ноқонуний йўл билан ҳокимиятдан четлатиб, ўзлари ҳокимиятни эгаллаб олдилар. Қалтис вазиятда 1991 йил 19 августда Ўзбекистон президенти И.А.Каримов Ҳиндистон расмий сафаридан қайтиб келди ва Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашқув ўтказди. Президент Ўзбекистонда фавқулодда ҳолат жорий этишга ҳожат йўқлигини, республикамизда вазият барқарорлиги, қонунга ҳилоф кўрсатмалар бажарилмаслигини қатъий таъкидлади.

1991 йил 20 августда Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсати ва Ўзбекистон президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокидаги кўшма мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда баёнот қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси тинч вақтда куч, аввало, ҳарбий куч ишлатишга қарши эканлиги таъкидланди ва асосийси Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларация қоидаларини оғишмай ва изчил амалга ошириш йўлидан бораверади, деб кўрсатилди.

1991 йил августда Ўзбекистон республикаси Президенти ўз фармони билан Ўзбекистон ҳудудида ҳокимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг қабул қилган барча қарорлари ва уларнинг ижроси СССР ва Ўзбекистон ССР конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мос бўлиши керак деб белгилади.

Фитначиларнинг қонунга ҳилоф равишда уринишлари натижасида 1991 йил 19-21 август кунлари Москвада фожевий ҳодисалар рўй берди. Россия федерацияси раҳбарияти ташаббуси билан демократик кайфиятдаги Москва аҳолиси томонидан фитна бостирилди. Фитна уюштирувчилар қамокқа олинди. М.С. Горбачёв президентликка қайтиб келди, бироқ мамлакатдаги вазият сиёсий аҳвол танг, марказий ҳокимият фалаж бўлиб қолди. Совет иттифоқи Коммунистик партияси ҳам ҳалокатга учради.

1991 йил 25 августда Ўзбекистон президентининг махсус фармони эълон қилинди. Фармонга биноан республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат ҳавфсизлик қўмитаси Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов Олий Кенгаш раёсатига жуда қисқа муддатда Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этишни таклиф қилди.

Республика Олий Кенгашининг раёсати 1991 йил 26 август куни Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳақида фармойиш чиқарди. 1991 йил 28 августда Ўзбекистон Олий кенгашининг раёсати “Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясини 1991 йил 31 август куни чиқариш ҳақида қарор” қабул қилди ва сессияда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақидаги масалани муҳокама қилиш белгилаб қўйилди.

1991 йил 28 август куни Ўзбекистон Компартияси МҚ ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди, Пленумда президент И.А.Каримовнинг мамлакатда 19-21 август кунлари содир бўлган воқеалар ва республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди. Пленум Республика компартиясини КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқаларни тўхтатишга, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқишга, унинг марказий органларидаги ўз вакиллариин чиқариб олишга қарор қилди.

15-Мавзу: Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши.

Режа:

- 1. 1991 йил 31 августда Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши.**
- 2. Умумхалқ сайловида И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг президенти этиб сайланиши.**
- 3. Сиёсий ислохатлар Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши. Кўппартиявийлик тизимида асос солиниши.**
- 4. Давлат ҳокимияти тизимида Президентлик бошқарувини жорий этилиши. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар.**
- 5. Суд ҳокимияти ислохатлари. Маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари.**

1. 1991 йил 31 августда Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши.

Тарихда ҳеч бир халқ ёки миллат ўз озодлиги ва мустақиллигини осонлик билан қўлга киритмаган. Шу жумладан бизнинг аجدодларимиз, ота-боболаримиз ҳам бир неча босқинчилар зулми остида яшаб, доимо озодлик

учун курашиб келди. Буларга Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Маҳмуд Таробий, Амир Темур сингари қахрамонларимиз бошчилигидаги курашлар, сўнги 130 йилдан ортиқроқ исканжа ва истибдод давридаги озодлик курашлари гувоҳидир. Шу билан бирга, истиқлолга эришиш ва унинг неъматларидан баҳраманд булиш бир кунлик ва ҳатто бир неча йиллик иш эмаслиги ҳам тарихдан маълум. Ўзоқ давр озодлик курашларида миллион-миллионлаб ота-боболаримиз шаҳид кетдилар.

Биз бугун эришган истиқлолимиз ана шу қурбонлар, курашлар эвазига эканлигини ҳам ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз лозим. Яна шуни таъкидлаш жоизки, курашлар оловида неча бор куйиб ёнган бу табаррук замин, жонажон Ватанимиз-Ўзбекистон ўзининг оғир, мусибатли ўтган тарихи билангина эмас, балки жаҳон маданиятига ўз муносиб ҳиссасини қўшган фозилу-фузалоларни етиштириб берганлиги билан ҳам жаҳонга машҳурдир.

Мустақил юртимизнинг бу буюклиги ва заминимизнинг муқаддаслиги ҳақида Президент И.Каримов: «Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади»,⁵⁶ деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Дарҳақиқат, ана шундай курашлар, юрт ва халқ буюклиги ватан озодлигига олиб келди. Қисқа бўлсада, кенг мазмунга бой мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтмоқдамиз.

XXI аср бўсағасида Ватанимиз тарихида буюк воқеа содир бўлди. Президент Ислам Каримов 1991 йил 31 август куни Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини эълон қилди. Сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида» Олий Кенгаш Баёноти қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси, - деб таъкидланади Баёнотда, тўла давлат ҳокимиятига эга, халқаро муносабатларда мустақил давлат, олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаган ҳолда барча шериклар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш учун ўзини очик деб эълон қилади». Мазкур сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул қилиниб, 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгиланди ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Шунингдек, Олий Кенгашда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. 17 моддадан иборат ушбу қонуннинг биринчи моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир», - деб қонунлаштирилиб қўйилди. Ўзбек халқининг

⁵⁶ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қулимиз билан қураимиз.Т., «Ўзбекистон», 1999.7-жилд, 184-б.

муқаддас, тарихий орзуси ушалди. У сиёсий мутелик ва асоратдан қутулди. Дунё харитасида яна бир мустақил, озод, суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги халқимизнинг ўзоқ йиллар давомида олиб борган оғир ва машаққатли курашининг қонуний натижаси бўлди. Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қувонч билан кутиб олди ва маъқуллади.

Президент И.Каримов юртимиз истиқлоли имкониятлари ҳақида тухтаб: «Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умум эътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик»¹, - деб таъкидлаган эди. «Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли қуйидаги имкониятларга эга бўлди:

1. ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизимини мустақил яратиш, демократик йўл асосида сайланган органлар орқали ҳокимиятни бутун тўлалиги билан бошқариш;
2. ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятларга, табиий ва хом ашё ресурсларига тўла эгалик қилиш, улардан мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш;
3. тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил танлаш;
4. миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш;
5. очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш;
6. тарихимизни ҳолисона ёритиш, миллий ва диний қадриятларимизни қайта тиклаш, ҳаётимизни эски ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум асоратидан халос этиш;
7. ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар этиб тарбиялаш, уларга замон талаблари даражасида билим бериш ва касб-ҳунар ўргатиш;
8. ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш;
9. юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;
10. халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, барча нуфузли ташкилотларга тенг ҳуқуқлилик асосида аъзо бўлиб кириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар тузиш.

Шундай қилиб, мустақиллик халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Халқимизга берилган ҳуқуқ ва имкониятлар эришган истиқлолимизни мустаҳкамлашга хизмат қила бошлади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини маъқуллайсизми»? мавзуида 1991 йил 29 декабрда ўтказилган референдум натижаларида яққол кўринди. Умумхалқ референдумида сайлов рўйхатида киритилганларнинг 94,1 фоизи

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т., «Ўзбекистон», 1997, 105-б.

ёки 9 млн. 898 минг 707 киши қатнашди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини ёқлаб 9 млн. 718 минг 555 киши ёки референдумда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди.

Демократик қоидаларга тўла амал қилиб ўтказилган Президент сайловининг натижаларига кўра сайловда иштирок этган фуқароларнинг 86 фоизи Ислон Абдуғаниевич Каримов номзодини ёқлаб овоз бердилар. Ана шу тарика дунё харитасида яна битта, катта имкониятларга эга бўлган мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Бу тарихий воқеани нафақат халқимиз, хорижий мамлакатлардаги дўстларимиз, ватандошларимиз катта хурсандчилик ва умидлар билан кутиб олдилар. Қисқа фурсатда дунё давлатлари томонидан мустақил Ўзбекистоннинг тан олинганлиги эса эришган истиқлолимизнинг оламшумул аҳамиятидан дарак эди.

2. Умумхалқ сайловида И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг президенти этиб сайланиши.

Ўзбекистонда давлат Мустақиллиги қўлга киритилгач, бошқарувнинг демократик тизими шакиллантирила бошланди. Президентлик Республика бошқаруви, давлат бошқарувини ўзагини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши саккизинчи сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

1991 йил 29 декабра демократик меъёр ва тартибларга мос равишда, умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида тарихда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муқобиллик асосида умумхалқ сайлови бўлиб ўтди. Унда 9 900 958 киши ёки овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 94,2 фоизи иштирок этди. Ислон Каримов номзоди учун 8 514 125 сайловчи ўз овозларини бердилар ёки сайловда қатнашганларни 86 фойизи ўз овозларни бердилар. И.Каримов мустақилликни биринчи куниданок Мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, йуналтирилган бозор иқтисо-диётини вужудга келтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига қушилишини таъминлаш бўйича каттий ва кизгин сиёсат юритиб келмоқда. Ўзбекистон қахрамони, кўплаб илмий асарлар муалифи, академик, қатор хорижий унверситетларнинг фахрий доктори. Президент И.А. Каримов оилали. Унинг рафикаси Татьяна Акбаровна-Ўзбекистон Фанлар Академияси иқтисод иниситутини илмий ходими. Оиласида икки кизи ва набиралари бор.

1995 йил 26 мартада Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддатини 1997 йил 2000 йилгача ўзайтириш масаласи бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Унда 11245628 киши ёки овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларни 99,3 фоизи иштирок этди. Овозберишда қатнашганларни 99,6 фоизи Президент ваколатини 2000 йилгача ўзайтиришга ёқлаб овоз берди. Референдум натижаси Президентнинг ички ва ташки сиёсати умумхалқ томонидан маъқулланиши ва қўллаб қувватланишидан мамлакат барча Аҳолиси ўнга бўлган тула ишончидан гувоҳ беради. Халқимиз Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигига эришувини, иқтисодий

мустақиллигини, мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаши ва жаҳон ҳамжамиятида унинг обрӯ-эътиборини ошиб бориши ҳақли равишда И.Каримов фаолияти билан боғлиқ. Президентимизнинг тутган йули туфайли фуқароларнинг ҳуқуқлари, уларнинг ижтимоий аҳволи ва миллатидан катъий назар ҳимоя қилинадиган, барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик қонунларига оғишмай амал қилиш, иш билан таъминлайдиган демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йулидан изчил олға қараб бормоқда.

Танланган мустақил йул туфайли республика бозор муносабатлари сари изчил илгарилаб бормоқда. Кўп укладли иқтисодиёт ва бозор муносабатларига ўтиш Ўзбекистонда МДХдаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ ишлаб чиқаришнинг инқирозларисиз, айтийлик мамлакат ҳаётининг таъминлайдиган асосий йўналишларда ёқилғи-энергетика ва озиқ-овқат билан ўзини-ўзи таъминлаш каби соҳаларда ижобий силжишлар сезилмоқда. Халқ хўжалигини жиддий равишда қайта қуриш амалга оширилмоқда, ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқалар ривожланмоқда. Республикамизда кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилиб, кексалар ва ноғиронлар, кўп болали оналар ва ёшлар ҳақида ғамхўрлик, ўтиш давридаги оғир шароитларда шаҳарларни ободонлаштириш, қишлоқни газ ва сув билан таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар халқимизда қизғин хайрихоҳлик уйғотмоқда. Маънавий-рухий тикланиш, миллий анъаналарга қайтиш, кишилардан диний эътиқод ва туйғуларига хизмат қилиш халқимиз томонидан қўллаб қувватланмоқда.

3. Сиёсий ислохатлар Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши.Кўппартиявийлик тизимига асос солиниши.

Демократик, ҳуқуқий давлат ривожланишининг мантиғи, ички қонуниятлари давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувининг сиёсий партиялар ва жамият бирлашмалари-касаба уюшмалари, фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари, ижтимоий ва ижодий жамғармалар, фуқароларнинг бошқа кўнгилли бирлашмалари билан ҳар томонлама яқин алоқалари ва ҳамкорлигини тақозо этади.

Бошқа сўз билан айтганда, ҳақиқий демократия фуқароларнинг Президент ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда катнашишидангина иборат бўлмай, балки уларнинг мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жараёнларнинг боришига, давлат ва жамиятнинг барча ишлари бошқарувига бевоста, шунингдек жамият бирлашмаларининг фаолиятида иштирок этиш орқали ҳар куни таъсир ўтказишини ҳам билдиради.

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари. Ижодий уюшмалар оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалар сифатида эътироф этилади.

Демократия ва бозор ислохотларининг чуқурлашуви билан фуқароларнинг ижтимоий ташаббускорлиги, фуқаролик жамияти қайта тикланмоқда ва тобора катта аҳамият касб этмоқда.

"Фуқаролик жамияти" ва "Жамият" тушунчалари айнан бир нарса эмас. Жамият-бу кишилар умумийлиги, давлатнинг бутун белгиларини ҳам ўз ичига оладиган бирлиги. Фуқаролик жамияти бу жамиятнинг бир қисми. Хокимиятнинг давлат органлири ва бошқарувдан ташқари қисми.

Фуқаролик жамияти давлатнинг вужудга келиши билан юзага келади ва шаклланади. Мавқеи, унинг демократик даражасига мувофиқ белгиланади.

Фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро алоқалари объектив муқаррар. Давлат ҳокимият тизими ва фаолиятида демократик тамойиллар ва меъёрлар қанчалик тўла чуқур мужассам бўлса, фуқаролик жамиятининг фаолияти ҳам шунчалик кенг, унинг давлат билан алоқалари хилма хил бўлади. Агар давлат, яқин ўтмишда бўлганидек, фуқаролик жамият манфаатларидан ўзилиб қолса, унда у муқаррар равишда инкирозга учрайди, ўзининг табиий-тарихий, ижтимоий вазифасидан маҳрум бўлади.

Давлатда демократия ва фуқаролик жамиятининг етуклик даражаси фуқароларнинг сиёсий ва жамоат ташкилотларининг таъсири ва тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Мустақилликнинг ўтган 16 йил мобайнида Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши ва ижтимоий сиёсий тараққиёт тажрибалари шуни кўрсатадики, мамлакат демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида мақсадга қараб ишонч билан олга силжимоқда. Уларнинг тобора чуқурлашиб бораётган ва самарали ҳамкорлиги мамлакатда сиёсий барқарорлик, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминламоқда.

Мамлакат мустақил давлат мақомига эга бўлганидан кейин истиқлол талабларига мос равишда кадрлар сиёсати ишлаб чиқилди. Мамлакатда энг аввало маҳаллий бошқарув органлари кадрларини давр талабига мос даражада мустаҳкамлашга киришилди. 1994 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 9-сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларининг қайта ташкил этиш тўғрисида" қонун қабул қилинди. Олий кенгаш шу хусусда қабул қилган қарорида "Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитига ижроя ҳокимиятини мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроя бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозими таъсис этилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки-вилоятларнинг ҳокимлари Ўзбекистон Республикасининг президенти ва халқ депутатлари тегишли кенгашларига ҳисоб берадилар.

Президентнинг жойларидаги расмий вакиллари ташкил этилади. Улар президент томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

Қонун талаблари асосида жойларда шаҳар ва туман ҳокимларини танлаш, тайинлаш, ишини амалга ошириш учун ташкилотчилик ишлари амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда Республикада бешта сиёсий партия фаолият олиб бормоқда

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси 1991-йил 1-ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурилтойида ташкил топган. Ушбу қурилтойда унинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон ХДПсининг “Ўзбекистон овози”, “Голос Ўзбекистана” газетаси ва “Мулоқат” журнали нашр этилмоқда.

2. 1995-йил 18-февралда Ўзбекистон “Адолат” сотсиалдемократик партияси тўзилди. Партиянинг Тошкентда бўлган 1-таъсис қурилтойида унинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. “Адолат” номли ижтимоий-сиёсий ҳафталик газетаси нашр қилинмоқда.

3. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган партиялардан яна бири “Миллий тикланиш” демократик партияси. У 1995-йил 3-июнда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурилтойида тўзилди ва партиянинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. “Миллий тикланиш” ҳафталик газетаси нашр қилинмоқда.

4. 1998-йил 28-декабрда Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий демократик партияси ташкил топди. Партиянинг 1998-йил 28-декабрдаги таъсис конференциясида унинг Дастури ва Низоми тасдиқланди. Партиянинг “Фидокорлар” газетаси нашр этилмоқда.

5. 2003-йил охирида Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташкил топди. Унинг мақсади тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. ЎзЛДПнинг “XXI аср” ҳафталик газетаси нашр қилинмоқда.

1995-йил май ойида жамоатчиликнинг ташаббуси билан Ўзбекистон “Халқ бирлиги” ҳаракати ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда.

“Халқ бирлиги” ҳаракатининг “Бирлик” ва “Единство” ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 1996-йил 17-апрелдаги фармонида мувофиқ, республика ёшларининг “Камолат” жамғармаси нодавлат хайрия-жамоат бирлашмаси сифатида ташкил топган эди. 2001-йил 25-апрел куни Тошкентда бўлган ёшлар қурилтойида ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат, нотижорат ташкилот- Ўзбекистон Республикаси “Камолат” ёшлар ижтимоий ҳаракати тўзилди ва унинг Дастури, Низоми тасдиқланди.

4. Давлат ҳокимияти тизимида Президентлик бошқарувини жорий этилиши. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар.

Мустақиллик халқимизга ўз тақдирини, тараққиёт йўлини ўзи белгилаш, миллий давлатчиликни тиклаш, демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш имкониятини яратди. Мустақиллик давлат бошлиғини, ҳокимиятнинг вакиллик органларини халқ томонидан демократик йўл билан эркин сайлаб қўйилишини таъминлади.

Ўзбекистонда Олий давлат вакиллик органи-парламентни шакллантиришда халқаро тан олинган ҳуқуқий тамойилларга ва ривожланган давлатлар тажрибасига таянилди.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган пайтда 1990 йил февралда сайланган қонун чиқарувчи ҳокимият органи Олий Кенгаш фаолият кўрсатмоқда эди. У 1990-1994 йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият органи сифатида фаолият кўрсатди. Шу йиллар ичида Олий Кенгаш 200 га яқин қонун, 500 дан зиёд қарорларни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида демократик тамойилларга асосланган янги парламентни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида бир палатали парламент-Олий Мажлисни шакллантиришга киришилди.

1993 йил 28 декабрда бўлиб ўтган Республика Олий Кенгашининг XIУ сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”, 1994 йил 22 сентябрда бўлиб ўтган ХУI сессияда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида” қонунлар қабул қилинди. Уларда қонунчилик соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш зарурияти кун тартибига қўйилади.

Олий Мажлис Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида 5 йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон республикасининг Олий Мажлиси тўғрисидаги” қонунга мувофиқ Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатлари жумласига:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- Ўзбекистон республикаси қонунларини қабул қилиш ва уларга ўзгартириш қўшимчалар киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- Маъмурий, ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартириш;
- Бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;
- Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини идора этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
- Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини ва ваколатларини белгилаш;
- Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация ва денонсация қилиш;
- Олий мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш, Марказий Сайлов комиссиясини тузиш;
- Ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

- Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судларини сайлаш;
- Вазирлар маҳкамаси аъзоларини Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги президент фармонларини тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

Сайлов кунига 25 ёшга тўлган Ўзбекистон республикасининг фуқаролари парламентга сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда уларнинг келиб чиқиши, ижтимоий ва моддий аҳволи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти тили, динга муносабати фаолият тури бўйича ҳеч қандай чеклашларга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга “Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги” Қонунда белгиланганидек, судланган, сайловга тайинланган кундан ўтган 5 йил мобайнида Ўзбекистон ҳудудида яшамаган, ҳарбий ихтисосли, диний хизматчи фуқаролар депутатликка номзодлар рўйхатига олинмайди.

Ҳокимият тақсимлаш тамойилини амалда бажариш мақсадларидан келиб чиқиб, ҳукумат аъзолари, судьялар, прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирлик идоралари раҳбарлари ва унинг ўринбосарлари, ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари, вазирлик идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ижро этувчи органларнинг мансабдор шахслари Олий мажлис депутати бўла олмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил сентябрда бўлиб ўтган ХУ1 сессияси 1994 йил 25 декабр куни Олий Мажлисга, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар ўтказишга қарор қабул қилди. Сайловларни қонун тартиблари асосида ўтказиш учун Республика бўйича 250 округ, 7195 та участка сайлов комиссияси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ХДП дан, “Ватан тараққиёти” партиясидан ҳокимиятнинг вакиллик органларидан жами 700 номзод рўйхатга олинди. 1994 йил 25 декабрда ҳамма жойда сайловлар қонун талаблари мувофиқ умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтди. Номзодлардан биронтаси етарли овоз ололмаган сайлов округларида 1995 йил 25 январ кунлари такрорий сайловлар бўлди. Олий Мажлисга 250 депутат сайланди. Бу демократик йўл билан парламентни шакллантиришнинг мамлакатимиз тарихидаги дастлабки тажрибаси бўлди.

Ўзбекистон республикасининг мустақил тараққиёти даврида республика бир палатали парламенти янги жамият қуришнинг ишончли ҳуқуқий асосларини яратувчи 446 тадан ортиқ қонун, 10 та кодекс, 2 та миллий дастур ва мингдан ортиқ қарорлар қабул қилди. Республика парламенти жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда ишончли омил сифатида фаолият юритди.

Икки палатали парламент ҳақида. Президент Ислон Каримов 2000 йил 25 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш ғоясини илгари сурди. Бу демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилига

мос равишда республика парламентини икки палатали асосида янада такомиллаштиришни назарда тутган ғоядир.

2001 йил 6-7 декабр кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш масаласи муҳокама қилинди. Сессия икки палатали профессионал парламент фаолияти учун энг зарур бўлган омил- юқори малакали сиёсатшунослар, юристлар, иқтисодчилар корпуси шаклланиб етилгани, жамиятимизда ҳуқуқий маданият даражасининг ортганлигини инобатга олди ва парламентни икки палата қилиб тузиш зарур деган хулосага келди.

Икки палатали парламентни шакллантириш масаласи ҳаётнинг ўзидан, ҳокимият тармоқларини аниқ ажратиш асосида миллий давлатчилик институтларини янада мустаҳкамлаш заруриятидан келиб чиқади. Маълумки демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. XX асрнинг сўнги ўн йилликларида икки палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди.

Икк палатали парламентнинг бир қатор ижобий томонлари бор:

- Популистик мақсадни, айрим гуруҳлар манфаатини кўзловчи мукаммал бўлмаган қонунлар қабул қилинишига йўл қўйилмайди.
- Мамлакат минтақаларининг манфаатлари тўлароқ инобатга олинади.
- Миллий давлатчилик институтлари тизими ўртасида парламентнинг нуфузи ортади, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар мутаносиблашади.
- Парламент қабул қилаётган қонунларнинг сифатини яхшилашга, халқнинг хохиш иродасини тўлароқ номоён бўлишига имкон беради.
- Парламент ишида демократик фикрлар хилма-хиллиги кўпроқ намоён бўлади.
- Жамиятни идеаллаштиришни тезлаштиради.
- Депутатлар фаолиятини профессионаллашга, сиёсатчилар табақасини шакллантиришга кўпроқ имконият беради.

Олий мажлис 2002 йил 27 январ куникелгуси чақириқда икки палатали парламентни шакллантириш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Референдум 2002 йил 27 январ кун и демократик асосда кенг жамоатчилик ва хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кузатувчилар иштирокида бўлиб ўтди. Референдумда фуқароларнинг 91,58 фоизи иштирок этди.

2002 йил 12-13 декабр кунлари бўлиб ўтган Олий мажлиснинг 10 сессиясида халқимизнинг хохиш иродаси билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенати тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” конституциявий қонунларни ҳамда уларнинг амалга киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилди.

Олий мажлис таркибида икки палата тузилади. Юқори палата- Сенат, қуйи палата- Қонунчилик палатаси, деб аталади. Икки палатанинг ваколат муддати беш йил деб белгиланган. Қуйи палатага сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида 120 та депутат сайланди. Сенатга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар биридан тенг миқдорда 6 нафардан жпами 84 киши сайланди. Сенатнинг 16 нафари фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият учун алоҳида хизмат қилган катта тажрибага эга бўлган обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан сайланади.

Қонунчилик палатасининг 2005 йил 27 январ куни бўлиб ўтган биринчи мажлисида Э.Ҳ. Халилов Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 27 январ куни бўлиб ўтган биринчи мажлисида М.Шарифхўжаев Сенат раиси этиб сайланди ва унинг ўринбосарлари ҳам сайланди. Шундай қилиб икки палатали парламент ташкил этилди. Икки палатали Парламентнинг ташкил этилиши натижасида Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар янада демократик асосда қайта тақсимланди. Парламент жамият ҳаётидаги мавқеи ўсди. Қонун лойиҳалари дастлаб қонунчилик палатасида кўриб чиқилади ва қабул қилинади. Сўнгра сенат томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Қонун президент томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Президент ваколатларининг бир қисми – давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар халқаро ташкилотларидаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш Сенат ваколатига ўтказилди ва сенат томонидан амалга оширилмоқда.

5. Суд ҳокимияти ислохатлари. Маҳаллий давлат органлари, фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари.

Демократик давлат қурилишида суд ҳокимияти ни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. 1993 йил 2 сентябрда "Судлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун судлар фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади. Конституциянинг 106-моддасига мувофиқ: "суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларда, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмалардан мустақил ҳолда иш юритади".

Суд тизими 5 йил муддатга сайланадиган конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судларидан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларидан иборат.

Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолиятини конституцияга мос эканлигини назорат қилади. Олий суд фуқоролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини тартибга солади. Ҳўжалик судлари эса, ҳўжалик низоларини кўриб чиқади. Судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларга аъзо бўла олмайдилар. Олий суд ва Олий ҳўжалик раислари, унинг аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўла олмайдилар. Барча ишларда очик кўрилади.

Ўзбекистон республикаси суд ҳокимияти 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган янги тахрирдаги “Судлар тўғрисидаги”, ва 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Жиной жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг жиноят, жиноят процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ҳақида”ги қонунлар асосида янада такомиллашиб бормоқда. Суд ишларида қонунийликка амал қилишга, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суд ҳимояси ҳуқуқи билан таъминланишига, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланишига эътибор тобора яхшиланиб бормоқда. Суд ҳокимияти қонуннинг устунлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги таъминлаш йўлида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари 2012 йил 30-31 август кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун-ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” Ўзбекистон республикаси Қонуни мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни ижро этиш юзасидан Ўзбекистон республикаси олий суди ташаббуси билан парламент муҳокамасига киритилган. Қонуннинг асосий мақсади ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, айбланувчини лавозимидан вақтинча четлаштириш, тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг янги ҳуқуқий механизмини яратиш, суддан жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини чиқариб ташлаш, суд тергови вақтида жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда суд томонидан қарор қабул қилишнинг ҳуқуқий механизмини белгилаш, судда жиноят иши юзасидан айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурорга юклаш, судга ҳукмнинг фақат қарор қисмини эълон қилиш ҳуқуқини бериш йўли билан жиноят ишларини судда кўриш тартибини янада соддалаштиришдан иборат. Умумий таъкидлаганда, Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари, “Прокуратура”, “Судлар тўғрисидаги” Ўзбекистон республикаси қонунларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгартириш ва қўшимчалар одил судлов сифатини янада яхшилаш баробарида қонунбузарлик, жиноий қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

16-Мавзу: Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти. (1 соат)

1. Тараққиётнинг «Ўзбек модели». Иқтисодий ислохотлар, унинг стратегик йўналишлари ва босқичлари.
2. Бозор инфратузилмасининг шаклланиши. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар
3. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини ўрни. Аграр ислохотлар.
5. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт. Маънавий кадриятларнинг тикланиши.

1. Тараққиётнинг «Ўзбек модели». Иқтисодий ислохотлар, унинг стратегик йўналишлари ва босқичлари.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишни ўзига хос йули ишлаб чиқилди. Бу йулнинг илмий назарий асослари, қоидалари И.Каримовнинг “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишни ўзига хос йўли” ва бошқа асарларида пухта ишлаб чиқилди ва иқтисодий ислохотлар учун дастурул амал бўлиб хизмат қилди.

Жамиятни ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янгилашнинг ўз йўли 2 та иқтисодий асоснинг бирикувига асосланади:

Биринчидан-жаҳон тажрибаларини ҳар тарафлама ўрганиш, иқтисодий ислохотларни ўтказиш бўйича жаҳон тажрибасида тўпланган барча ишларини кенг қўллаш.

Иккинчидан-Мамлакатнинг ўзига хос шароитини анъаналари, урф одатлари, Ўзбек халқининг ҳаёт тарзини ҳар тамонлама кенг ҳисобга олиш.

Ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йули ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатларни асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асирлик тажрибасига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий тарихий Меъроси, турмиш тарзи, ананалар ва руҳияти хусусиятига таяниши лозим⁵⁷.

Иқтисодий ислохотлардан мақсад-иқтисодий тангликни бартараф этиш, ижтимоий йўналтирилган очиқ бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, иқтисодий муносабатларни, энг авало мулкчилик муносабатини ва хусусий мулкчилик қатламини шакллантиришдан иборат. Ўзбекистон ислохотлар концепцияси Президент И. Каримов таърифлаб берган беш тамойилларда ўз ифодасини топган.

Иқтисодиётни ушбу ислох этиш тамойиллари қуйдагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодиётни мафкурадан батомом ҳоли қилиш, иқтисодиёт сиёсатдан устун турмоги, иқтисодиёт ва уни ривожлантириш энг асосий масала бўлмоги керак.

Икинчидан, муракаб утиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфатини кўзлаб, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларнинг белгилаш, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларини амалга ошириш ишлаб чиқиш керак.

⁵⁷ И.Каримов Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишни қизига хос йули. Т.: Ўзбекистон, 1993, 5-бет.

Учунчидан, янгилаш ва тараққиёт жараёни қонунларига асосланмоғи керак. Қонун ни устунлиги жамиятда асосий ролни уйнаши керак.

Туртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат-ижтимоий сиёсий барқарорликни саклаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари ривожланиб боришини таъминлаш керак.

Бешинчидан, иқтисодий ислохотлар, бозор муносабатларини шакллантириш, пухта уйлаб босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

Бу беш тамойилни ҳаммаси ҳам демократик ва иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда бирдай муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга бозор муносабатларига босқичма босқич утиш алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон жаҳон тажрибаларига, ўз халқи хусусиятларига таяниб ўз тараққиёт йўлини танлади ва бунда асосий умидни ўз манбалари ва имкониятларига қаратди.

Тарих тажрибаси ва тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни курсатмоқдаки, жамият тараққиёти ва цивилизацияси ҳақиқий йули-бу табиий тарихий, эволюцион жараёндир. Тараққиёт заминиди мафкуравий ақидалар эмас, балки иқтисодиётнинг объектив қонунлари ётади ва вайроналиклар олиб келадиган инқилобий қистовлар орқали эмас, балки аста секин ва босқичма-босқич ривожланиши натижасида эришилади.

Давлат ва жамиятнинг барча фаолиятлари марказида инсон манфатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ётиши керак. Жамият ўзбошимчалик билан эмас, қонун билан бошқарилиши лозим. Демократик ва иқтисодий ўзгаришлар жараёнини муваффақиятли ислоҳ этиш учун бу тамойиллар бир хил ва муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон тажрибалари ва халқни ўз тарихи шуни аниқ кўрсатадики, ижтимоий, миллий тараққиётнинг бош йўналишлари:

Демократия ва қонунийлик; мулкчилик шакллари ра ранг-баранглиги ва бозор муносабатлари:

Юксак маънавият ва маданият кишиларни ўз тарихи, халқнинг маънавий Меъросига ҳурмат руҳида тарбиялаш ва жаҳон маданияти ютуқларини эгаллаш:

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига кириб боришдан иборатдир. Бугун Ўзбекистон бозор ислохотларининг чуқурлиги ва миқёслари бўйича МДХдаги қатор мамлакатлар билан қиёслаганда анча илгарилаб кетди. Республикада мавжуд 91800 корхонадан 75905 таси иқтисоднинг нодавлат секторига мансублигини айтишни ўзи кифоядир. 1998 йил якунларига кура ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 70 фойизи, саноат маҳсулотини 53,5 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 97,7 %, халқ хўжалигида банд кишиларни 70 % нодавлат сатори хиссасига тугри келади. Шундай қилиб ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти халқ хўжалигида устунлик қила бошлади.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари қаби ишлабчиқаришни емирилиши ва инкирозга дуч келмади, унинг усиши ва қайта қурилиши учун шароит яратилди.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтказиш билан бир қаторда Республикада Аҳолини кам таъминланган катламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва жамиятни ижтимоий-сиёсий ва маънавий янгилаш юзасидан кенг миқёсда тадбирлар амалга оширилмоқда.

Буларни ҳаммаси ислохатлар йулини умумхалқ тамонидан қуллаб қуватланишини, сиёсий барқарорликни, жамиятда миллатлароро тотувлик ва фуқаролар тинчлигини таъминлади. Бу эса ўз навбатида Мамлакатнинг тараққиёти ва гуллаб яшнаши йўлида олға қараб муваффақиятли боришини гаровидир.

“Ўзбекистон эришган натижалари ҳамдустлик мамлакатлари билан қиёслаган, таққослаган ҳолда, бир нарсани очиқ айтиш мумкинки, бу курсаткичлар Ўзбекистон танлаган йўл туғри эканини, Ўзбекистон модели тарих имтихонидан муваффақиятли утаётганлигини амалда тасдиқлади. Бу кўрсаткичлар барча ислохатларимиз пойдеворида турган асосий тамойилларни туғри эканини исботлади.” (И. Каримов)

Бозор иқтисодиёти-жамият тараққиётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуи. Бозор иқтисодиётининг моҳияти шундан иборатки, у барча жамият аъзоарини ишлаб чиқариш ва истеъмол орқали доимий ҳамда тўхтовсиз мусобақанинг иштирокчиларига айлантиради, шу боисда бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг кун сайин такомиллашувига, маҳсулот сифатининг яхшиланиб боришига, миқдорининг эса кўпайишига сабабчи бўлади. Бозор иқтисодиёти халқнинг, омманинг ижодий ва меҳнат имкониятларини юзага чиқариб, тадбиркорлик ва ишбилармонликка йўл очади, мулкка эгалик қилиш қоидаларининг такомиллаштиради, ўнга туртки беради. Бозор шароитида талаб ва таклифларнинг миқдори ва таркиби бир-бирига мувофиқ келиши таминланади. Ишлаб чиқаришнинг истеъмолчи устидан ҳукумронлик қилишга чек қўйилади, бунинг учун фан ютуқлари ҳаётга ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишди, техникавий ва технологик янгилианишнинг энг замонавий усулларида фойдаланилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий кризислар, ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг ёпилиши, ишбилармонларнинг синиши ва хаттоки хонавайрон бўлиши, аҳоли турмуш даражаси бўйича табақаланишнинг кўчayiши муқаррардир. Бу даврда сиёсий ва иқтисодий жиноятчилик ортади, чунки, ўтмишда юқоридан берилган кўрсатмалар ва давлат томонидан ажратилган маблағга ишлатилган бўлса, энди эркин бозорнинг шавқатсиз ва ҳолис талабларига жавоб бера оладиган рақобат бардош маҳсулот яратиш керак, бўнга эса кўплар ўргангани йўқ, орамизда хўжа кўрсинга ишлайдиганлар оз эмас.

Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор шаклига босқичма-босқич, ижтимоий сакрашлар ва портлашларсиз ўтиб, ўз тараққиётида янги сифат даражасига кўтарилмоқда. Бу даврда давлатнинг вазифаси: аҳолини ижтимоий муҳофазалаш: унинг муҳтож қатламларига доимий ёрдам кўрсатиш: бозорни мафкура таъсирида озод этиш: хўжалик юритиш ишларига фақат иқтисодий усуллар билан таъсир кўрсатиш.

Ўзбекистонда туб иқтисодий ислохатлар орқали бозор муносабатларини шакллантиришга киришилار экан, аввало, унинг стратегик мақсадлари белгилаб олинди.

Бозор ислохотларининг стратегик мақсадлари ва устивор вазифаларини босқичма-босқич амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг негизини ташкил этди. Белгиланган мақсадларга босқичма-босқич эришилиб борилди.

Босқичма-босқич ўтиш-жамият тараққиётининг, яъни унинг бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишнинг асосий рут ва шаклларида бири.

Собиқ ҳукумрон мафкура ва назария бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир сифатдан иккинчисига ўтишнинг инқилобий портлаш ва ижтимоий сакраш билан боғлиқ шаклларида тан олар, босқичма-босқич, аста-секин ўтишни, янгиликнинг таркибий қисмларини кундалик изчил фаолияти натижасида битта-баттадан шакллантириб, янги сифатни юзага келтиришни, шу тариқа жамиятни ўзгартиришни асосан рад қилар ва бу-революция қонун-қоидаларидан чекиниш деб тушунтирар эди. Жаҳон ижтимоий тараққиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, инқилобийлик, мурасизлик кулдорликдан феодализмга ва феодализмдан капитализмга ўтиш даврларига нисбатан ўрни бўлган, чунки, у даврларда кишилар жамият тараққиёти қонунларини билмаганлар, жамият ўз қаридаги зиддият ва қарама-қаршиликларида ҳал этолмай, боши берк кўчаси кириб қолган ва бундай вазиятларда ижтимоий портлаш ва сакраш зарур бўлган. XX аср бу масалаларни ҳал этишнинг эскирган шаклларида воз кечишни, унинг ўрнига мўзоқара ҳамда мулохазалар орқали консенсус, яъни ҳамма учун маъқул умум қарорни топишни, зиддият ҳамда қарама-қаршиликларида инсон онги, ақл-заковати, таҳлил қобилиятига таяниб ҳал қилиш ягона туғри йўл ва инсон номига ярашадиган усул эканини англашга олиб келади. Иккинчи жаҳон уришидан кейинги даврда ана шу йўлдан бориб инсон ақл-заковатининг махсулларида, яъни фан, техник ва технология янгиликларини ўзлаштиришни ўзларига асосий вазифа қилиб қўйган АҚШ, Олмония, Франция, Япония каби давлатлар ҳозирги замоннинг илғор мамлакатларига айландилар.

Мустақил Ўзбекистон худди шундай йўл танлади ва бу нарса унинг ташқи ва ички сиёсатда энг оқила қадамидир. Ушбу мақсадни амалга оширишда давлатнинг ўзи бош ислохатчи бўлмоғи зарур.

Иқтисодий ислохатлар икки асосий босқичга бўлинади. Ўтиш даврининг биринчи босқичидан ислохатлар стратегияси ва уни амалга ошириш йўлларида белгиловчи ўз моделимиз яратилади. Бунда марказлашган, маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш, сифат жиҳатдан янгича ҳўжалик юритиш механизминини яратиш вазифаси амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ислохатларнинг қонуний-ҳуқуқий базаси равожлантирилмоқда. Биринчи навбатда давлат мустақиллигини ва иқтисодий муносабатларни муҳофаза қилувчи Асосий қонун-Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси

кабул қилинади, кўп ўқилади, иқтисодиёт негизлари яратилади. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш жараёни амалга оширилади. Иқтисодий ислохатларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга имтиёз берилди. Бунда қишлоқ хўжалиги ҳом-ашёсини қайта ишловчи тармоқларни ривожлантириш асос қилиб олинади. Ерга эгалик қилишнинг замонавий йўллари "Ер тўғрисидаги"ги қонун билан белгилаб берилди. Ташки дунё билан ўзаро тенг ҳуқуқли, миллий манфаатларга мос келувчи савдо-сотиқ ва молия муносабатларини таъминловчи давлат механизми яратилди.

Иккинчи босқичда бозор тизимлари шаклланиб, солиқ, молия, пул-кредит сиёсати янада такомиллашади, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади. Янги солиқ тизими барпо қилинади, экспорт имкониятлари кенгайтирилади, сўмнинг мавқеи ва қуввати кўчайтирилиб, ташки иқтисодий алоқаларда тўлов балансининг ижобий бўлишига эришилади. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг ривож, унинг қудрати ва обрўсини кўчайтириш учун мустаҳкам замин яратади.

Босқичма-босқич ўтиш сиёсатида мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг ва биринчи навбатда, Президент И.А.Каримовнинг ривожланишнинг ўта масъулияти палласида ягона тўғри йўлни танлаб ола билиши намоён бўлди. Бундай сиёсат туфайли Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қурбонларсиз, митингбозлик, иш ташлашлар ва даҳанаки жангларсиз ўтмоқда, жамият моддий ва маънавий бойликларнинг вайрон ва яқсон бўлишига йўл қўймапти, келажакнинг негизини яратмоқда.

Давлат мулкни хусусийлаштириш. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларда етакчи ўрин тутди.

Хусусийлаштириш (мулкни)-иқтисодий тушунча бўлиб, мулкка эгалик ҳуқуқини давлатдан фирмалар ва алоҳида шахсларга берилиши, хусусий секторга давлат хизматлари кўрсатилишини чекланиш ёки хусусий ташаббускорлик учун кенг имкониятлар бериш мақсадларида давлатнинг фаолият соҳасини торайтиришни билдиради. Бу жараён янги мулкдорлар синфининг вужудга келишига кўмаклашади, зеро, у сиз бозор иқтисодиётини шакиллантириш мумкин эмас. Хусусийлаштириш бозор муносабатлари шаклланишининг негизи, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни оёққа тургазишнинг чинакам асосини ташкил этади.

Хусусийлаштириш дастўрини амалга оширишга киришаётиб, ҳар қандай давлат, энг камида, икки асосий мақсадни: корхоналарга ажратилаётган маблағлар камайиши ва давлат бойликларини сотишдан тушуган маблағлар ҳисобига бюджетни тўлдиришни кўзлайди. Корхоналарнинг хўжалик фаолияти устида ҳукуматнинг маъмурий-молиявий назоратининг чекланиши куч-ғайратни ва маблағларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишларига жамлаш имконини беради.

Хусусийлаштиришнинг асосий етгита усулини алоҳида ажратиш мумкин. Улар:

1. Давлат корхоналари акцияларини очиқ сотувга чиқариш:

2. Акцияларни ким ошди савдоси йўли билан сотиш:

3. Давлат корхоналарини хусусий инвестрлаш, яъни айрим шахслардан ихтиёрий равишда маблағ йиғиш йўли билан таъминлаш:

4. Корхоналарнинг мулкани сотиш ва кейинчалик мавжуд қарзларни тўлаш йўли билан давлат корхонасини тугатиш:

5. Давлат корхонасини алоҳида бўлинмаларга ажратиш ёки бўлиш ва қайта куриш йўли билан уларни қисмлар бўйича сотиш:

6. Корхоналарни раҳбарлар ва меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олиш:

7. Давлат корхонасининг хусусий шахс томонидан ижарага олинishi ёки давлат ва хусусий корхоналар ўртасида корхонани бошқариш тўғрисида битим тўзиш.

Хусусийлаштириш натижаси, ҳеч бўлмаганда, икки асосий вазифасини ҳал этишдан иборатдир:

1) Мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топади. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг асосий маъноси ҳам мулкни ҳақиқий эгалари кўлига топшириш, тадбиркорлар фаолияти учун уларга кенг имкониятлар беришдан иборатдир. Давлат янги мулкдорларга бепул эмас, балки уни сотиб олиш йўли билан берилади. Бу нарсa реал қийматга эга бўлган нарсаларнигина чинакамига қадрлаш ва тежаб-тергаш каби психология омил билан боғлиқдир.

2) Хусусийлаштириш кўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатни, турли махсулот ишлаб чиқарувчи муҳитни вужудга келтиради.

Хусусийлаштириш собиқ СССР ўрнида юзага келган янги мустақил давлатларда энг кўп қийинчиликларга учраб, ниҳоятда мураккаб шароитларда амалга ошаётган жараёнлардан биридир. Шўро ҳокимияти йилларида ҳукмрон тўзум ўзининг имтиёзли раҳбар табақаларини юзага келтиради, уларнинг онгида ва кундалик амалий ҳаётида хусусий мулксиз жамиятда беозор ва фаровон кун кечиришнинг йўллари танлаш ақидасини яратади. Бу табақалар катта тажрибага эга, юқоридан пастгача жамият ва давлат тўзумининг барча соҳаларида мавжуд, кўпинча киритилаётган ислохот ҳамда туб ўзгаришларни ўз фойдаларини кўзлаб талқин қиладилар. Хусусийлаштириш жараёнини сустрлаштирадиган биринчи куч юқорида айтиб ўтилган омил десак, иккинчи салбий омил, бу-истибдод тўзуми ва мафкураси кишиларда шаклланган карамлик, боқимандалик, фикр юритишда ва амалий фаолиятда номустақиллик, хусусий мулкка эга бўлиб, мустақил иш юритишдан чўчиш, ташаббускорлик ва тадбиркорликдан воз кечишдир.

Аммо хусусийлаштириш ҳар бир касалга даво ва жамиятдаги барча муаммоларни ечишнинг ягона калити, дейиш ҳам нотўғри бўлади. Ўтиш даври шароитларида хусусийлаштиришнинг ўзи қачон, қаерда ва қай тарзда ўтказилиши ўзбиларчиликка ташлаб қўйилмасин, давлат томонидан ягона режа асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

1991-йил 18-ноябрда қабул қилинган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонўнга мувофиқ, давлат мол-мулкни хусусийлаштириш масаласи бўйича 20-дан ортиқ махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Хусусийлаштириш жараёнини умумий уй-жой, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш хўжаликларини давлат тасарруфидан чиқариш бошланди. Бу жараён “кичик хусусийлаштириш” деб ном олди. Кичик хусусийлаштириш 1994-йилда тугалланди. 2002 йилга қадар уй-жой фондининг 98-фойзга яқини хусусийлаштирилди. 2000-2005 йилларда жами 4660 та давлат корхона ва объекти хусусий мулкдорларга сотилди.

2. Бозор инфратузилмасининг шаклланиши. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар.

Собиқ СССРнинг тарқатиб юборилиши билан республикалар ва шаҳарлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ўзилди, оқибатда Ўзбекистоннинг бир қанча саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш камайди, иқтисоднинг кўпгина муҳим соҳаларини қайта қуриш ёки янгидан қуриш керак бўлди. Жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган ва аҳолининг истеъмол талабларини қондирадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш зарур эди. «Барқарорлаштириш сиёсати, — дейди. Президент И.А. Каримов, — энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир». Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисоднинг устувор, катта истикболга эга бўлган тармоқларини ҳар томонлама рақбатлантириб, шу орқали бутун иқтисодиёт таркибан қайта ташкил қилинди.

Бозор инфраструктураси дейилганда товар ва пул бозорида, меҳнат ресурслари бозорида иқтисодий воситалар - тегишли молия ва банк-кредит тизими, суғўрта, аудиторлик, юридик ва хусусий фирмалар тизими тушунилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инфраструктурани шакллантириш муҳим жараён бўлиб, уни ташкил этиш анчагина вақт талаб этади.

Ушбу масалада кўпгина ислохотлар, ўзгартиришлар амалга оширилди. Масалан: Давлат буюртмаси тугатилиб, ўрнига зарур маҳсулотларни эркин нархларда харид қилиш жорий этилди. Товарлар бозорини шакллантирувчи биржалар тизими ташкил этилди. Ким ошди савдоси ўтказила бошланди, брокерлик ва диллерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлди. Кўчмас мулк сотиш жорий этилди. Банклараро валюта биржаси ташкил этилди. Давлат суғурта бошқармаси ўрнига давлатга қарашли бўлмаган суғурта компаниялари ташкил этилди. Ишсизлик муоммасини ҳал этиш учун Республика миқёсида 250 га яқин меҳнат биржалари барпо этилди. 1995 йил декабрдаги Олий Мажлиснинг IV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида» алоҳида қонунлар қабул қилинди.

«Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Савдобанк», «Тадбиркорбанк», «Мевасабзавот банк» кабилар ташкил этилди. 1994 йил 1 июлдан эса Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўм муомалага киритилди. Нефт мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳам жиддий ишлардан бири, яъни Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини ишга туширилиши ҳам йирик иқтисодий ютуқлардан бўлди. Жанубий Корея билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлигида «ЎзДЭУ» қўшма корхонасини ташкил этилиш, ишга туширилиши ҳамда автомобиллар ишлаб чиқилиши Ўзбекистон иқтисодиётида ўлкан, йирик воқеа бўлди. Демак Ўзбекистонда ҳам ўзбек машинасозлиги вужудга кела бошлади.

1998 йил айрим ривожланган мамлакатлардаги молиявий кризис, жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг муҳим экспорт маҳсулотлари-пахта толаси, рангли металлларнинг нархини тушиб кетиши мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий аҳволига таъсир қилмай қолмади. Шўнга қарамасдан, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик давом этди. Хусусан, 1998 йили ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши 5,8 фоизга ортиди. Истеъмол молларини ишлаб чиқариш 7,2 фоиз кўпайди. Аввалги йиллардаги каби қатъий молия-кредит сиёсати амалга оширилди. Натижада инфляция даражасининг пасайишига олиб келди.

Эндиликда мамлакатимизнинг ёқилғи мустақиллигига эришиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилди. Истиқлолга эришган Ўзбекистон тарихда илк бор 1995 йилда нефт мустақиллигига эришди. Мамлакат эндиликда нефт маҳсулотларига бўлган ўз ички эҳтиёжларини тўла қондирибгина қолмай, катта салоҳиятга эга бўлган истиқболли ва ишончли экспортёр сифатида жаҳон бозорига йўл олди.

Ўзбекистонда нефт ва газ конденсатини ишлаб чиқариш 1990 йили 2,8 млн. тоннани ташкил қилган бўлса, 1997 йили бу кўрсаткич 7,9 млн. тоннага етди ва четга нефт маҳсулотларини сотиш қобилиятига эга бўлди. Жумладан, 1997 йили 250 минг тонна бензин, 600 минг тонна дизел ёқилғиси, 450 минг тонна мазут, 100 минг тонна авиация керосини экспорт қилинди. Табиий газ ишлаб чиқариш 1990 йилги 40,8 млрд.кубометрдан 1998 йил салкам 54 млрд. кубометрга кўпайди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш юзасидан катта ютуқларга эришилди. Хусусан, мустақиллик арафасида шаҳар аҳолисининг 43 фоизи, қишлоқларда эса 17 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йили 64 ва 48 фоизини ташкил қилди.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб мустаҳкамланиб бормоқда. Эндиликда жаҳоннинг 35 мамлакати билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим тўзилганлиги ва бир қанча жаҳон банклари билан шартноманинг имзоланиши Ўзбекистоннинг халқаро савдоси ва хорижий инвестициялардан унумли фойдаланиш учун шарт-шароитларни яхшилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарих шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг ҳеч қайсиси хориж мамлакатларининг

сармоясисиз, инвестициясисиз тараққий этмаган. Ўзбекистон ҳам ўзининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги билан чет давлатларнинг инвестициясини ўзига тортмоқда. 1999 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда 3.592 қўшма корхона рўйхатга олинган. Шундан 1917 таси фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб турган қўшма корхоналарнинг асосий қисми-1400 таси Тошкент шаҳрида, 107-Тошкент, 85-Самарқанд, 51-Андижон, 49-Фарғона ва Наманган вилоятларида жойлашган. Шулардан бири Ўзбекистон — Германия «Каолин» қўшма корхонаси 17 апрел 1999 йил ишга туширилди. Чет эл сармоялари, айниқса нефт ва табиий газ тармоқларида катта ўрин тутди. Бу соҳаларга 1994 й. атиги 10 млн. доллар хорижий сармоя жалб қилинган бўлса, бу кўрсаткич 1995 й. — 395, 1996 й. — 546, 1997 й. — 845, 1998 йили деярли, 1.145 млн. доллардан ошди.

1998 йилги жаҳон иқтисодий кризиси шароитида Республика Раҳбари қайд этганидек, муҳим стратегик вазифани ҳал қилишга муваффақ бўлинди. Жаҳон бозорида олтин, пахта, мис нархининг тушиб кетишига қарамасдан мамлакатимизнинг олтин валютаси захираси ўтган йилги даражасида сақланиб қолди. Бу борада Навоий, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатлари, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг ҳал қилувчи ролини кўрсатиш ўринлидир.

Эндиликда жаҳондаги энг йирик конлардан ҳисобланган Қизилқумнинг олтин ва уран бойликлари мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши оқибатида Россия корхоналари ҳамда Ўзбекистон уран ва олтин қазиб олиш саноати ўртасидаги кооператив алоқаларнинг ўзилиши натижасида ҳарбий саноат комплексининг Навоий вилоятидаги 50 минг нафар инженер ва малакали ишчилари қийин аҳволда қолдилар. Ўзбекистон Президенти, йирик иқтисодчи мутахассис И.А. Каримов вазиятни ҳар томонлама ўйлаган ҳолда Навоий тоғ-металлургия комбинатини тиклаш ва ривожлантириш ишларини давлат зиммасига ўтказди. Комбинатни қайта қуриш мақсадида хориждан олинган қарздан тушган фойдаларни беш йил давомида корхона ихтиёрида қолдирилди. Хорижий давлатлар корхоналари билан битим тўзиш, қарз олиш, инвестициялардан фойдаланишда комбинатга тўла мустақиллик берилди. Ўисоб-китоблар, катта жамоанинг меҳнати ўз натижаларини берди. Беш йилдан кейин Мурунговдан тонналаб олинган олтинлар давлатни валюта захирасини тўлдирди. Арзон ва сифатли уран олиш ҳам йўлга қўйилди.

Американинг Колорадо штатидаги «Ньюмонт» фирмаси билан Мурунговда қўшма корхона қурилиши билан ишлар яна қизиқ кетди. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасига фирма томонидан ажратилган 200 млн. доллар инвестиция ёрдамида оддий шароитдаги ярим асрлик ишлар икки йилда ўз натижаларини берди. Навоий тоғ-металлургия комбинати олтин рудасини қазиб олишдан то заргарлик безакларини тайёрлайдиган жаҳонда тўла циклда ишлайдиган ягона корхонага айланди.

Ўзбекистоннинг истиклоли машинасозлик саноатини, айниқса унинг муҳим тармоғи-автомобилсозликнинг ривожланишига боғлиқ. 1992 йилнинг

август ойида Жанубий Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида тўзилган битим асосида «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси ташкил этилди ва Асака шаҳрида енгил автомашиналар ишлаб чиқаришга киришилди. 1996 йилнинг март-июл ойларида «ЎзДЭУ» автокорхонаси «ТИКО», «НЕКСИЯ», «ДАМАС» енгил автомашиналарини чиқара бошлади. 1999 йилни 1 июнига қадар, уч йил давомида 87 мингдан кўпроқ «НЕКСИЯ», 51 мингдан кўпроқ «ТИКО», 40 мингдан кўпроқ «ДАМАС» автомашиналари ишлаб чиқарилди. Шу жумладан, 20 мингдан ортиқ автомобиль экспортга жўнатилди. Корхона 2004 йили тўла қувватни ўзлаштириб, ҳар йили турли русўмдаги 200 минг автомобилни ишлаб чиқарадиган бўлади. Эндиликда «ДЭУ» корхонаси билан шартномага кўра бу машиналарнинг янги моделларини ишлаб чиқариш режалаштирилди.

1993 йилда ГФРдаги «Мерседес Бенц АГ» корпорацияси билан Хоразмда юк автомашинасини чиқариш учун шартнома тўзилди. 1994 йили «Дўстлик» автомобиль заводида дастлабки 350 «Мерседес Бенц» юк автомобили ишлаб чиқилди. 1995 йили «Ўзавтосаноат» уюшмаси билан Туркиянинг машҳур «Кочҳолдинг» компанияси ўртасида тўзилган шартнома асосида Самарқанднинг Сўғдиёна мавзесида қад кўтарган автобус заводи 1999 йил март ойида ўзининг маҳсулотини бера бошлади.

Президентнинг 1992 йил 28 январ фармонида мувофиқ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тўзилди. 1993 йилдан бошлаб, авиакомпания замонавий А-310, БОИНГ -767, БОИНГ-757, RL-85 самолётларига эга бўлди. 1991 йили Халқаро авиа йўли Дехли ва Карачигача учган бўлса, эндиликда МДХ ва АҚШ маршрутлари йўналишида Ўзбекистон самолётлари учмоқда.

3. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини ўрни. Аграр ислохотлар.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан бу ишнинг қишлоқ қишлоқда қай даражада амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Қишлоқда аграр сиёсатнинг энг асосий бош масаласи - ерга эгалик мулкчилиқ масаласидир. И.Каримов шундай дейди: «Ер ўлкамизнинг асосий бойлиги. У едиради, ичиради, яшаш учун асосий жорий шароитларни яратиб беради. Шу сабабли Республиканинг келажаги, Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ, бўлади».

Ўзбекистон аҳолисининг деярли 60 фоизи қишлоқда яшайди. Шунинг учун иш билан таъминлаш масаласи ҳам қишлоқда долзарб муоммадир. 1991 йил декабрда «Дехқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармон қишлоқ, қишлоқ ишлаб чиқаришни замон талаблари асосида ташкил қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

1994-95 йиллар давомида Вазирлар Маҳкамаси аграр ислохотларга доир 10 дан ортиқ қарор қабул қилди. 1992-95 йиллар мобайнида қишлоқ туманларида 1137 совхозлар 530 жамоа қишлоқга, 350 кооперативга, 100 дан ортиқ ижара ва бошқа мулк шаклларига айлантирилди. Ўша йилларда

шахсий томорқа учун қўшимча 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди. Қишлоқда фермер хўжалиги ташкил этилишига алоҳида эътибор берилди. 1994 йил оҳирларига келиб 25 мингдан ортиқ фермер қишлоқ пайдо бўлди, улар қишлоқ, хўжалигини барча маҳсулотларини етиштиришда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Пахта майдонлари қисқартирилиб, донли экинлар майдони кенгайтирилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил май ойида қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастурида қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқроқ ва самарали фойдаланиш учун, қишлоқ аҳолисини турмуш шароитини яхшилаш учун йўналишлар берилди. Шунингдек қишлоқ ҳаётига доир ўтказилган ислохотларда таълим муассасалари ва уларни жихозлаш масалалари, қишлоқ аҳолисини саломатлигини яхшилаш масалалари, аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш бораларида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Биргина 1996 йилнинг ўзида республикада 62 та қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. 1997 йилга келиб мамлакатда 3 миллион 155 мингта хонадон газлаштирилган эди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишда энг устувор масала сифатида ерга мулкчилик масаласи ҳал қилинди. Ўзбекистон Республикасида суғориладиган ерларнинг камлигини ҳисобга олиб, ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни ўзоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлигини ҳукуқий ҳужжатларда қайд этилди. «Ер тўғрисида»ги Қонун қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларни қандай ташкил этиш шартлари кўрсатилиб берилди. Қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисод вужудга келди. 1997 йили шахсий томорқа хўжалиги 3 млн. гектарни ташкил қилди. Томорқа хўжалигининг экин майдони 1989 йили 257 минг гектар бўлса, 1997 йил 599,7 минг гектарга кўпайди. 1996 йили шахсий ёрдамчи хўжаликларда 640 минг т. гўшт, 2,968 минг т. сут, 1,711 минг т. сабзавот, 321 минг т. мева, 307, 8 минг т. полиз, 338,1 минг т. картошка, 729 млн. дона тухум етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари салмоқли ўрин эгалламоқда. 2004 йилга келиб фермер хўжаликларни мони 85, 5 мингдан зиёдни ташкил этди.

2003 йили Республикаимизнинг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган дами маҳсулотнинг 22,2 % ини ширкат хўжалигида, 14,9% и фермер хўжалигида, 62,9% деҳқон хўжалигида етиштирилади. 2005 йилда эса фермер хўжалигида пахтанинг 66% и ғалланинг 55% фермер хўжаликларида етиштирилди. 2007 йилнинг бошига келиб, 185492 бирликка этган. Яъни кичик тадбиркор корхоналарнинг умумий салмоғини 56,2 % ини ташкил қилади.

Ғаллакорлар Ўзбекистоннинг Ғалла мустақиллигига катта ҳисса қўшмоқда. Улар 1996 йили давлатга 2 млн. 100 минг тонна Ғалла топширган бўлсалар, 1998 йили 4,6 млн. тонна ғалла ҳосили етиштирилди. 2003 йилда 6,1 млн. дон, шу жумладан 5,4 млн тонна буғдой етиштирилди.

Пахта майдонларини қисқартириш эвазига дон экинларининг майдони кенгайтирилиб, 1,5 млн. гектарга етказилиб, пахта майдонлари билан тенглаштирилди. Ғаллачиликнинг техника базаси мустаҳкамланди. 8159 та «Нива», «Дон», «Сибиряк» комбайнлари билан бир қаторда Американинг «Кейс» фирмасидан келтирилган 637 комбайн ғалла ўрим-йиғимида қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I-чақириқ X сессияси (декабр, 1997 йил) аграр ва иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш юзасидан қатор қонунлар қабул қилди. «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Ер кадастри тўғрисида»ги қонунлар қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. фойдаланишда қатор имтиёзлар берилди.

4. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт. Маънавий кадриятларнинг тикланиши.

Одамлар онгида мустақиллик, маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантириш, халқнинг миллий руҳини уйғотиш ва тиклаш жамиятни барқарор ривожлантиришдаги муҳим шартидир. Мамлакатимиз бир неча бор ажнабийлар ҳужимида дучор бўлган, қарамлик зулми остида қолган бўлсада, ўзлигини йўқотмади, ҳамда шу ўзининг бой маънавий Меъросини авайлаб сақлаб ва бойитиб келди. Сўнги мустақиллик даврида маънавий Меъросга меърий нуқтаи-назардан ёндашиши оқибатида миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз прогрессив ва реакцион блокларга бўлинди, машҳур олимлар, адиблар ва санъат усталари материалист ва идеалистга бўлинди. Реакцион деб баҳоланган миллий кадриятларимиз, одатларимиз ва анъаналаримиз, идеалистга ажратилган алломаларимиз қораланди, танқид остига олинди, кўпгина тарихий ёдгорликларимиз бўзилди, қаровсиз қолди, китоблар ва қўлёзмаларни нашр этиш, ўргатиш ман этилди ёки эътиборсиз қолдирилди.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зулумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тафаккурга, миллий тикланишга кенг йўл очилди. Миллий тикланиш ўз-ўзидан содир бўлмайди, бунинг учун халқ дунё қарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилиш зарур.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб аждоқларимиз қолдирган маънавий Меъросни тиклаш ишлари бошланиб кетди. Маънавий Меърос нима, унинг тикланиши нималарда намоён бўлмоқда?

Маънавий Меърос қадим замонлардан бери аждоқларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар- сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлар мажмуасидир. Маънавий кадриятлар, бойликлар инқилобий йўл билан ҳосил қилинадиган ходиса эмас, у жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келади ва ўша давр ҳаётининг акс эттиради, у жамият ўзгариши билан йўғқолиб кетмайди, кейинги авлодлар учун маънавий Меърос бўлиб қолади. Ҳар бир авлод маънавиятини янгитдан яратмайди,

маънавий Меъросга таянади, бироқ у қандай бўлса шундайлигича, кўр-кўрона қабул қилавермайди, тараққийпарварлик, инсонпарварлик, адолат нуқтайи-назаридан қабул қилади ва ривожлантиради.

Мустақиллик шарофати билан маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Ўзлигимизни англаш миллий кадриятларни, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш ишига асосий эътибор берилди.

Маълумки тил маданиятнинг миллий белгисидир. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши маънавий уйғонишимизда, миллий ғуруримизнинг тикланишига, ва мустақилликнинг мустахкамланишида энг биринчи ташланган қадам бўлди.

Улуғ боболаримиз рухлари шод этилди. А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган халқ жиғарбандларининг номи, иззат икромиди, хурмати ўз жойига қўйилди, уларнинг маънавий меъроси халқимизга қайтарилди. Мирзо Улуғбек, А.Навойи ва бошқа алломаларимизни таваллуд топган кунлари байрамона нишонланди, уларга ҳайкаллар қўйилди, қадамжолари таъмирланди, асарлари катта нусхаларда чоп этилди.

ЮНЕСКОнинг қарорига биноан 1994 йилда Парижда, Истамбул ва Карачида буюк фалақийёт олими Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудини 600 йиллик юбилеи байрам қилинганлиги халқимизни инсоният цивилизациясига қўшган катта хиссасини эътироф этилиши бўлди.

Мамлакатимиз Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср каби қадимий давлатлар каторида туради, миллий давлатчилигимиз қадимий, диёримиз йирик давлат арбоблари билан машхур. Бобомиз Амир Темур мамлакатимизнинг жаҳондаги энг қудратли давлат даражасига кўтарган. Шўролар даврида кўхна тарихимизнинг ана шу қирралари беркитилган бўлса мустақиллик даврида ўзининг асл баҳосини олди. Амир Темур номи тикланди. 1996 йили мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида А.Темур йили сифатида кенг нишонланди. ЮНЕСКО қарори билан 1996 йил апрелда Парижда машхур давлат арбоби А.Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган бир ҳафталик тантаналар бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрида, Темурнинг тўғилган юртида ҳайкаллар қўйилди. Темурийлар тарихи давлат мўзеи ташкил этилди, унинг номи билан боғлиқ бўлган тарихий ёдгорликлар таъмирланди. А.Темур шахси бутун маърифат инсониятнинг бойлиги эканлиги тан олинди.

Темурийларнинг буюк намоёндаси ўлкан шоир ва забардас давлат арбоби ва саркарда Захриддин Муҳаммад Бобўрнинг ҳам улуғ номи тикланди. 1992 йили Андижонлик бир гуруҳ олимлар томонидан Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция ташкил этилди. Экспедиция Бобур изидан бориб 7 марта хорижий давлатларга илмий-сафарлар уйиштирилди. Бу сафарлар натижасида Турон заминидан етишиб чиққан ўнлаб улуғ зотларни қабр-мақбаралари ҳолатлари ўрганилди, айримларини ўз юртларида рамзий қабр мақбаралари барпо қилинди. (Бобир-Андижонда, Фарғоний-Қувада).

Экспедиция жами 200 километрдан ортиқ йўл юриб, 20 дан зиёд хорижий мамлакатларда бизга номаълум, қўлёзма асарлар ва Бобурийларнинг ҳозир ҳаёт бўлган аجدодлари Лайло Уммахоним, Зиёвуддин Мусий, Покиза Султонбегимлар топилди ва улар билан Бобўрнинг ота юрти Андижон ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Аждодларимиздан қолган буюк-эпос-достон "Алпомиш"нинг 1000 йиллиги, халқ қахрамони Жалолодин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонланиши ҳам маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Мустақиллик йилларида ватанимиз тарихини ёритиш ва ўрганиш масалалари партиявийлик, синифийлик ёндашувларидан, ҳукумрон комунистик мафкурага хизматкор бўлишдан ҳолос этилди. Неча 10 йиллар давомида бўзиб кўрсатилган ёки билмай келган тарихий воқеаларни ҳолислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида тадқиқ қилишга киришилди ва дастлабки илмий-тарихий асарлар яратилди.

Шуни юртбошимиз таъкидлагандек "Тарих хотираси, халқнинг, жоножон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзлиги англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва устириш жараёнида муҳим ўрин тутди. Ўзбек олимларини куч-ғайратлари билан тарихимизнинг қўлдан-қўл саҳифалари, энг аввало теурийлар даври, Бухоро ва Хива шаҳарларини 2100 йиллик юбилейлари муносабати билан бир неча минг йиллик тарих XIX-аср охири XX-аср бошлари тарихи шундай кашф этилди.

Ватанимиз тарихида хали ўрганилмаган долзарб муоммолар кўп. Ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги тарихини, тарихимизнинг бошқа соҳаларини ҳолисона илмий асосида еритиш вазифалари президент И.Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йил июнь ойида бўлган суҳбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июльда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилди.

Маънавий ҳаётдаги энг муҳим воқеалардан бири 1998 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Призидентининг фармони билан "Республика Маънавият ва Маърифат" жамоатчилик маркази ташкил этилиши бўлди. Маънавият ва Маърифат жамоат марказининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари фаолият кўрсатмоқда, таборо кўпроқ маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, шаҳар ва қишлоқларнинг Аҳолисини маънавий-маърифий ишларга жалб этмоқда, Аҳоли ўртасида ақл-заковат, илм, зиё, маърифатни тарқатмоқда.

Марказ қошида "Олтин Меърос" халқаро жамғармаси, "Маънавият" нашриёти ташкил қилинган. "Тафаккур" журнали аҳоли орасида кенг тарқалмоқда, халқнинг миллий уйғонишида, ёшларни тарбиялашда муҳим роль уйнамоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг халқ ва давлат турмишидаги асосий аҳамияти ва ўрни тикланди. 1995 йил 21 декабрда Республика Олий Мажлиси янги тахрирдаги "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилди. Қонунда ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулки эканлиги, унинг

равнақи, қўлланиши ва муҳофазаси давлат томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда Олий Давлат Хокимлиги, маҳаллий хокимият ва бошқарув органлари фаолияти корхона, муасасалар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб статистика ва молия ишлари ўзбек тилида юритилмоқда. Республиканинг маъмурият ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари, географик ўринларининг номларига ягона миллий шакл берилди ва ўзбек тилида ёзиб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг тиллари, кадр-қиммати ҳам ўз фўрнига қўйилди.

1993 йил сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида" қонун қабул қилинди. 1995 йил май ойида ушбу қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Бу қонунлар ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеининг янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўла жорий этилиши 2005 йилгача босқичма-босқич амалга оширилади. Миллий давлатчилигимиз тажрибаси, Амур Темир тўзиклари, Фаробий, Навоий каби алломаларнинг одил давлат қуриш ҳақидаги доно фикр-мулоҳазалари мустақиллик даврида демократик ҳуқуқий давлат қурилишида катта мадад маънавий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида диннинг энг аввало ислом дининг ҳам миллий ҳам умуминсоний қадрият сифатидаги мавқеи тикланди. Қадим замонлардаёқ юртимизда дин эркинлиги мавжуд бўлган оташпарастлар будийлар, монийлар, мусулмонлар ва бошқа диний эътиқоддагилар иноқликда яшаган, тенглик, эркинлик ғояларига амал қилинган. Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳарларда ҳамма диндагиларни ибодатхоналари мавжуд бўлган.

Халқимиз маънавий жиҳатдан кўпгина афзалликларга эга бўлган ислом динидир. Буюк ватандошларимиз Муҳаммад ибн-Исмоил ал-Бухорий ислом дини таълимотида Куръони Каримдан кейинги асосий манба ҳисобланувчи "Сахийх ал-Бухорий" номли асар яратиб ислом тарихида мисли кўрилмаган илмий манбаа яратди. Имом-ат-Термизий, Боховудин Нақшбандий, Хожа Аҳмад Яссавийлар инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий хикматларни яратдилар. Мустақиллик шарофати туфайли ана шу алломаларимизнинг номи тикланди, халқимиз уларнинг маънавий Меъросидан баҳраманд бўлди.

Боховудин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонланиши, унинг номи билан боғлиқ масжид мажмуасининг тикланиши фикримизнинг далилидир. Наврўз байрами, Рўза ва Қурбон хайитларининг тикланиши фақат диндорлар учун эмас, бу байрамларнинг тикланиши аслида халқимизнинг қадимий расм-русм, анъана ва удумларимизнинг, қадриятларимизни тикланиши, аждодлар руhini қайта уйғонишидир.

Республика Вазирлар Маҳкамаси қошида дин ишлари бўйича махсус кўмита тўзилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Виждон

эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида" қонунида давлатнинг дин ва диндорлар вакилларига муносабати ўзининг аниқ ифодасини топган.

Мустақиллика эришгандан сўнг, динга, шу жумладан ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришларни мохияти юртбошимиз И.Каримовни қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: "Ислом дини ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавиятда, бой Меъроси ва ўзлигини сақлаб қолган".

Мустақиллик туфайли Рамазон ва Қурбон хайити кунлари байрам ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Шўролар даврида ҳар йили борйўғи 15-20 та кишига ҳаж сафарига боришга рухсат берилган бўлса, 1991 йилдан бошлаб ҳар йили 3-3,5 минг ўзбекистонлик фуқаролар ана шу муқаддас зиёратни амалга оширмоқдалар, минглаб фуқаролар Умра сафарига, яъни Макка Мадинага хайитдан бошқа кунларда бормоқда. Кейинги йилларда республикамизда 30 000 дан ошиқ фуқаро ҳаж ва умра сафарида бўлдилар.

Шўро даврида 84 та масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда 3600 дан ортиқ рўйхатга олинган масжидлар фаолият кўрсатмоқда. Шуларни кўпчилиги жоъме масжидлардир. Тошкент ва Бухорода олий диний ўқув юртлари мавжуд. 1998 йилли Тошкентда президенти фармони билан Ислом Университети ташкил қилинди. 1995 йилда Тошкентда Халқаро Ислом тадқиқот маркази таъсис этилди. Бу марказ ислом назарияси ва тарихи, диний асарларни таржима қилиш, ўлкамизда етишиб чиққан йирик уламолар ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш, юртимиздаги исломий қарашларни ўзига хос томонларини ўрганиш, хусусан унинг мўтадиллигини, эхтиросдан ҳоилилигини ёритишга, ваҳобийлик каби сохта мазҳабларни ўтмишда ва ҳозирги зарарли ғояларини, хатти-ҳаракатларини фош этишга алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистон дин ахлининг хорижий мусулмон мамлакатлари билан алоқалари ва уломолар ижодий ҳамкорлиги кун сайин кенгайиб бормоқда.

Қуръони Карим ўзбек тилига ағдарилиб 100 минг нусхада нашр этилди. Ўнлаб ва юзлаб диний мавзудаги китоблар чоп этилди, рўзнома ва ойномаларда, радио ва телевидения орқали ислом тарихи, маданияти, ахлоқи, буюк муҳаддислар, муфасрлар, факихлар, мутасаввуфларга бағишланган маълумотлар эълон қилинмоқда, ислом тарихига оид кўп қисмли фильмлар кўрсатилмоқда.

Мустақилликнинг 16 йиллик байрами арафасида мусулмон оламидаги мамлакатларнинг бирлаштирган Ислом конференцияси ташкилоти таркибига кирувчи Таълис, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) тамонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда "Ислом маданияти пайтахти" деган ном берилди. Ўзбекистонда ЮНЕСКО ташаббускорлигида 2007 йилда Самаоқанднинг 2750 йиллиги Марғилоннинг эса 2000 йиллиги нишонланди.

Умуман олганда мустақиллик йилларида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қуйидаги юбилейлар нишонланди

1991 йил-Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги

1994 йил- Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги
1996 йил-Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги
1997 йил-Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги
1998 йил-Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги
1998 йил-Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги
1999 йил-“Алпомиш” эпосининг 1000 йиллиги
2000 йил-Бурхониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллиги
2000 йил-Имом Мотрудий таваллудининг 1130 йиллиги
2000 йил-Камоллиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги
2001 йил- “Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллиги
2002 йил-Термиз шаҳрининг 2700 йиллиги
2003 йил-Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги
2006 йил-Харазм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги
2007 йил-Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги
2007 йил-Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган кунидан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол ғоясини яратиш долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Миллий истиқлол мафкураси халқнинг ўзгаларга тобе бўлмай, эркин ва озод яшаш, ўзини-ўзи идора этишга қаратилган, унинг истиқболлини белгилайдиган орзу-умидлари, қарашлари, ғоялари мажмуи, жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири.

Миллий истиқлол мафкураси инсоният тарихидаги энг эзгу ва қадимий ғояларидандир. Чунки жамият ўтмиши минг йиллар давомида, айна вақтда, бошқа халқларни тоъбе этиш, уларнинг ҳудудларини босиб олиш, уларнинг устидан ҳукмронлик ўрнатиш жараёнидан иборат бўлган. Шу сабабли тарих, айна бир вақтда, халқларни ўз озодлиги, тоъбеликдан қутилиш учун кураш тарихи бўлган. Мустамлакачилик сиёсати, турли империялар яратиш, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва қолоқ тоъбе халқлар моддий ва маънавий бойликларини талон-тарож қилиш айниқса XVI асрдан бошлаб то XX асрнинг ўрталаригача авжига чиқди.

Дунёнинг ҳамма бурчакларида шу жумладан овропо қитъасида, Африкада, Осиёда, жанубий ва Марказий Америкада ўнлаб халқларни миллий озодлик, миллий истиқлол учун кураши натижасида 20 аср 50-60 йилларида дунёда мустамлака давлатлар қолмади, ўнлаб миллий мустақил давлатлар шаклланиб БМТга аъзо бўлдилар. Бунинг натижасида жаҳон миқёсида миллий истиқлол ғоялари енгилмас эканлигига шубҳа пайдо бўлди.

Миллий озодлик ҳаракатининг ғалабалари туфайли ҳукмрон синфлар ўз ижтимоий-моддий бойиши манбасини мустамлакалардан, ярим мустамлака мамлакатлардан ва ёлланма меҳнат соҳасидан илғор фан, техника ва технология ҳамда бозор муносабатлари оламига кўчирдилар ва шу асосида жамият фаровонлигига тубидан ўзгартиришнинг чексиз-чегарасиз манбасини юзага келтирадилар. Демак ҳозирги илғор мамлакатлар икки омил-миллий истиқлол мафкурасининг ғалабасини ва бозор иқтисодиётига суянган янги фан, техника, технология ютуқларига кўчириши махсулидир.

Миллий истиқлол мавкурасини Ўзбекистонда босиб ўтган йўли ниҳоятда қийин ва мурраккаб бўлди. XX-аср иккинчи ярмигача хон ва амирлар ҳар қандай илғор мавкурани, шу жумладан мустақиллик мафкурасини таъкиб этдилар. 1865-1917 йилларда ўлкамиз чоризмнинг мустамлакасига айланди ва хур фикр айтиш, миллий мафкурани ўртага ташлаш имконияти бўлмади. 1917 йилдан то 1981 йилни кўзигача Ўзбекистон "Қизил империянинг исканжасида" бўлди ва ақидалаштирилган маркцизм-ленинизм назарияси ҳамда мафкурасига ҳамнафас бўлмаган ҳар қандай фикр, ғоя рад этилди. Шу сабабдан XX-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб юртимизнинг оташин фарзандлари томонидан айтилган мустақиллик мафкураси ғоялари юзага чиқарилмади. Бу туғрида Фурқат, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва ўнлаб бошқа ёзувчи мутафаккирлар таъкиб остига олинди, қувғин ва йўқ қилинди.

Мустақилликни дастлабки қадамлариданоқ миллий истиқлол мафкурасини яратиш энг долзарб вазифа сифатида кун тартибида туради. Бу оғир шарафли вазифани юртбошимиз И. Каримов шараф билан бажарди. Президент И.Каримов асарларида, ижодкор зиёлиларни асарлари ва мақолаларида миллий истиқлол мафкурасининг назарий қоидалари асосланмоқда, мустақилликни дастлабки йилларида пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқни ўрни тўлдирилмоқда.

Юртбошимиз асарларида миллий истиқлол мафкураси, уни мақсад ва вазифалари жуда равшан кўрсатиб берилган. Президентимиз жумладан шундай деб ёзади. "Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан қаердаги мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин".

1993 йил 23 апрел куни Президент И.Каримов бир гуруҳ адиблар билан суҳбат қилиб миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқиш заруриятини асослаб берди. "Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишдир". 1993 йил 7 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 12 сессиясида нутқ сўзлаб Президент И.Каримов миллий истиқлол мафкурасини асосий моҳиятини қуйидагича таъкидлаган эди.

Биринчидан. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш лозим.

Иккинчидан. Миллий истиқлол мафкураси халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамятидаги илғор давлатлар тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашга доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи лозим.

Бугўнги кунда собиқ советлар замонида ҳукмронлик қилган, одамларни куллик, муътелик ҳолатига солган, манкуртга айлантирган комунистик мафкурани танқид қилиш, таъкиб қилиш, маъмурий чоралар қуриш йўли билан енгиб бўлмайди. "Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр,

жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳога киришиб, олишим мумкин" деган ҳақ фикрни илгари сурди юртбошимиз И. Каримов.

Миллий истиқлол мафкурасидан кутилган мақсад нима?

"Мақсад дегани-халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса қудратини орзу интилишларини мужасамлаштирадиган улуғ кучдир. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин".

И. Каримов миллий истиқлол мафкурасини қандай тушинасиз деган саволга қуйидагича жавоб берди: "Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунё қараши ва менталитетига асосланган, айнаи вақтда шу халқ, шу миллат келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан".

Жамият мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлиши оддий инсон ва унинг манфатларини ифода этиши, халқмизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон турмишига эришиши учун куч ғайрат манбайи бўлиши лозим.

Миллий мафкура халқни, миллатни бирлаштиради, бунёдкорлик ишларида кучига-куч қўшади. Миллий истиқлол мафкураси билан куролланган халқни ўз йўлидан қайтариб бўлмайди.

Мустақиллик йилларида таълим тарбия тизимини ислох қилиш, кадрлар таёрлашни замон талаблари даражасига кутариш соҳасида муҳим чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати таълимга ислохатларнинг барча босқичлари учун ҳам устивор соҳа деб қараб келмоқда.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитида педагог ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан зиёд фармонлари ва қарорлари эълон қилинди. 1992 йилдан 1997 йилгача таълимни ривожлантириш натижасида бир мунча ютуқларга эришилди. Буни қуйидаги рақам ва маълумотларда кўриш мумкун. Янги турдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожлантирилди. 1997 йилда 238 лицей 136 та гимназия ишлади. Республика умум таълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 75 фоизи олий маълумотлидир. Респуб-ликада 221 минг кишини камраб олган 442 та ўқув юрти, шу жумладан 209 та касб хунар мактаби, 180 та касб хунар лицейи ва 53 та бизнес мактаби ишлади. Уларда қарийиб 20 мингта ўқитувчи ва малакали мутахассилар ишламоқда. 1998-2004 йиллар давомида эса 54 ТА академик лицей ва 533 та касб-хунар коллежи барпо этилди. 2003-2004 ўқув йилида академик лицейларда 26,2 минг, касб-хунар коллежларида 531,6 минг ўқувчи таълим олди.

Ўзбекистон олий мактаб тизимида 58 та олий ўқув юрти, шу жумладан 16 та университет ва 42 та институтни ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда. 16 та университетнинг 12 таси мустақилликка

эришганимиздан сўнг дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий укув юртида ишлаётган 18.5 минг укутувчининг 52 фоизи фан доктори ва фан номзодларидир.

Абитурентлар ва талабаларнинг билим даражалари тест ва рейтинг асосида баҳолашни илгор усуллари жорий этилди. Бир қатор укув юртларидан макоми, дастурлари ва таълим услублари бутунлай ўзгартирилди. Энг зиммавий, шу пайтгача бизда булмаган энг зарур ихтисосликлар буйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия Ички ишлар вазирлиги қошида ички ишлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзурида давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк молия академияси, жахон иктисо-диёти ва дипломатия унверситет, Тошкент авияция институти, Навоий тог кончилик институти ташкил топди.

Истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, чет элда укишини куллаб қувватлаш мақсадида "Улугбек" "Умид" жамгармалари ташкил этилди. Ўзбекистон таълим соҳасида АКСЕЛС, АЙРЕКС, Америка коллежлар консорцими, Тинчлик корпуси, Адаиуаэр орбиди, Британия кенгаши, Саауд Ал-Байтни Фолди каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йулга қуйди.

800га яқин укувчи чет элларда таълим олди. 2000дан ортиқ талаба ва мутахассислар чет элларда ўқиб келди. Президент Ислон Каримов ташаббуси билан таълимни ислох қилиш йуллари ишлаб чиқилди.

1997 йил 27 августини Олий Мажлисни IX сессиясида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тугрисида"ги Қонун и ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилинди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида мамлакатимизда таълим ислохати ўтказилишидан кўзда тутилган мақсад, таълимни вазибалари дастўрин и рўёбга чиқариш боскичлари, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели асослаб берилди. Мазкур дастўрнинг асосий мқсади таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни утмишдан қолган мафкуравий қоралашлардан ва саркитлардан тула ҳолос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиши ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнлаиға мослаш.

Миллий Дастурда таълим ислохатлари уч боскичда ўтказилиши кўзда тутилади:

1-боскич 1997-2001 йиллар.

2-боскич 2001-2005 йиллар.

3-боскич 2005 йилдан кейинги йиллар.

Миллий Дастурлар тамонлама камол топган турмушга мослашган, таълим турлари ва касб-хунарни онгли равишда танлай оладиган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни вояга

етказишни назарда тутди, дастурни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий модели шаклланади.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан бошлаб айниқса астрономия, математика, тиббиёт, кимё, меъморчилик, маъданшунослик, фалсафа, мусиқа, тилшунослик, адабиётшунослик ривожланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон олимлари ота-боболари яратиб кетган илмий Меъросни чуқурроқ ўрганиб янада бойитдилар. Ўзбекистон олимлари ўз илмий асарлари ва кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшдилар. Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти, Ислом тадқиқотлари маркази ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда. Нукус ва Самарқандда Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бўлимлари очилган. Илмий тадқиқот ишлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган илмий тадқиқот институтлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий марказлари, шунингдек, университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам олиб борилади. Илмий кадрлар Фанлар академиялари тизимида ҳам, олий ўқув юртлари, халқ таълими тизимида ҳам тайёрланади. Фақат Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув юртларида 600 дан зиёд фан докторлари ва деярли 6 мингга яқин фан номзодлари ўқитувчилик ва илмий фаолият билан шуғулланидилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларидан орқада қолаётган илмий тадқиқот институтлари тугатилди. Турмуш тақозо этган янги институтлар очилди. Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 3 апрелидаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ФАнинг янги Низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги фармони ҳамда уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Фанлар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ва инновация фаолияти ҳақида»ги қарори мамлакатда фанни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Республика олимларини хорижий мамлакатларга тажриба оширишга юборишга алоҳида эътибор берилди. Илмий ечимларни ички ва ташқи бозорда тарғиб этиш ва тарқатиш, мақсадида ФА негизида «ЎзФАНТ» Республика илмий ишланмалари инновация тижорат маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳўзурида Олий аттестация комиссияси ташкил этилиши муносабати билан ФАнинг мавқеи ортди.

Ўзбек олимларининг фан-техника соҳасидаги ютуқлари нафақат Ўзбекистон балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам тан олина бошланди ва кўпчилик олимларимиз давлатимиз мукофотларига сазовор бўлдилар ва хорижий давлатлар академияларига ҳақиқий ҳам фахрий аъзоликка сайландилар. Ўзбекистон Республикасининг Фанлар Академияси ал-

Хоразмий номидаги, Заҳириддин Муҳаммад Бобир номидаги олтин медалларни таъсис этди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги Ҳ.Ф.Фозилов табиий ва техникавий фанлар соҳасида катта ютуқларга эришгани учун ал-Хоразмий номидаги Олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир номидаги Олтин медалъ биринчи бўлиб шу йили ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида катта ютуқларга эришгани учун филология фанлари доктори Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси У.И. Каримовга насиб этди.

1992 йил октябр ойида эса геология минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги И.Ҳ. Ҳамрабоев геология ва геофизика соҳасида эришган муваффақиятлари учун Ҳабиб Абдуллаев номидаги Олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди.

«Фан ва техникада ким ҳақиқатан ким?» деб номланган жаҳон фан ва техникасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган энг буюк олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган қомусга Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги П.Қ. Ҳабибуллаев киритилган. Ўзбек олими бу шарафга ўзининг қаттиқ ва юмшоқ жисмлар иссиқлик физикасининг катта муаммоларини, энергетиканинг физикавий-техникавий муаммоларини ишлаб чиққани учун муяссар бўлган.

Мустақиллик йилларида (1996) ФАнинг 40 га яқин илмий маркази ва тадқиқот лабораторияларида 48 академик 96 мухбир аъзо фаол меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси ФА институтлари олимлари муассасалари олимлари билан ҳамкорликда илмий алоқаларни кенгайтириб бормоқдалар. Натижада, 1992 йил декабр ойида техника фанлари доктори Ў.Ў. Умаров, К.Э. Циолковский номидаги Космонавтика Халқаро Академиясининг аъзоси бўлди. У мазкур Халқаро Академиянинг аъзоси бўлган биринчи ўзбек олимидир. Шунингдек халқаро архитектура академиясининг Москва бўлимига Ўзбекистонлик М.С. Булатов, С.М. Сутягин, И.И. Ноткинлар, 1993 йилда Иордания Ислом Фанлар Академияси аъзолигига М.С. Салоҳиддинов, ЮНЕСКО Информация Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолигига 1994 йил октябр ойида Худоёр Оллоёров, 1995 йил февраль ойида Азамат Шамсиев Нью-Йорк ФАнинг фахрий аъзолигига, экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолигига З.С. Салимов, А.А. Азамхўжаев, 1997 йил октябрида У. Тожиҳонов ва З. Зариповлар табиат ва жамият фанлари Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолигига, академик Э. Юсупов эса Туркия фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайландилар. Булар Ўзбекистон фанининг халқаро миқёсда тан олиншининг яққол мисолидир. Юртбошимиз И.А. Каримов айтганларидек, XXI асрда қуроли, қўшини кучли бўлган давлатгина эмас балки турли соҳалар бўйича кучли мутахассислари бўлган давлатгина қудратли давлат ҳисобланади. Зероки, ҳар бир халқ фан соҳасида катта ютуқларни қўлга киритган машҳур фарзандлари билан ҳам буюқдир.

Мустақиллик йилларида маданият соҳасида ҳам тубдан ўзгаришлар бўй берди. Бу аввало театр санъати, миллий мусиқа, меъморчилик, адабиёт соҳаларида яққол кўзга ташланади. 1991 йилда Фарғонада, 1993 й Хивада Давлат Қўғирчоқ театрлари иш бошлади. 1994 йилда Қашқадарё ва Наманган вилояти театрлари қошида қўғирчоқ гуруҳлари очилди. 1993 йил август ойида Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Туркистон» саройи нафақат меъморчиликнинг ёрқин намунаси, балки сахна гуруҳлари ва атоқли артистларнинг чиқишлари бўладиган даргоҳга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Туркистон» саройи очилиши маросимида нутқ сўзлаб, «Ушбу саройда халқимизнинг, шунингдек, жаҳон халқларининг, Марказий Осиё халқларининг анъанавий анжуманларини, санъат байрамларини ўтказишни ният қилганмиз. Бу қоша, иншоолло, миллатлар, эл-элатларнинг дўстлик биродалик, қалъасига айланди», – деган эди.

Республикада 36 та театр фаолият кўрсатмоқда. 1998 й 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу фармонга мувофиқ Ўзбекистон томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол қатнашишини таъминлаш мақсадида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилди. Унда мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари кўзда тутилди.

Мустақиллик ўзбек бадиий адабиёти ривожига, адабиётшунослик фани тараққиётида ҳам янги босқични бошлаб берди. Асарлари зарарли, ўзлари миллатчи деб ноҳақ баҳоланган Чўлпон, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Мунавварқори сингари миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди ҳолисона ўрганила бошланди. Уларнинг асарлари чоп этилди, сахна юзини кўрди.

Жадидчилик ҳаракатининг асл моҳиятини, адабий, маданий, сиёсий ҳаётдаги ўрнини рўйи-рост кўрсатиш бошланди. Бир вақтлар диний ва сарой адабиёти вакили деб ноҳақ қораланган Аҳмад Яссавий, Боқирғоний, Ғазолий, Ҳожа Аҳрор, Баҳроуддин Нақибанд, Ҳусайн Бойқаро, Ферўз сингари буюк шоир ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа қайтарилди.

А. Навоийнинг юксак инсоний ғояларни диний манбалар асосида ёритувчи «Муножот» «Арбаъин» «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳокимлар ҳақида») каби асарлари нашрдан чиқди. Мустақиллик шарофати боис мўътабар Қуръон ва ҳадислар чоп этилди. Истеъдодли олим Ҳамидулла Караматовнинг «Қуръон ва ўзбек адабиёти» номли китоби нашр этилди. Айтиш мумкинки, бундай асарларнинг халқимиз қўлига етиб бориши бутунлай янги, соғлом, соф миллий ғояларимизнинг, мақсад ва интилишларимизнинг сифат даражасини белгилайди. Мазкур тадқиқот ва ўнга ўхшаган бошқа асарлар миллий истиқлол мафкурасининг тантанасини кўрсатади.

Атоқли олим Б.Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур», Т.Маликнинг «Шайтанат» романлари, Э. Воҳидов, О. Матжон, О. Ҳожиева, Х. Султонов, А. Суюн, Й. Эшбек, Ҳ. Дўстмуҳаммад, Ш. Салимова сингари шоир ва

адибларнинг бадиий баркамол, ғоявий етук асарлари туфайли ўзбек миллий истиқлол адабиёти шаклланди.

Шарқ ва Ғарб меъморчилиги уйғунлашган бинолар юртимиз пойтахти ва вилоят марказларида қад кўтариб шаҳарларимиз хуснига хусн қўшмоқда. Миллий банк, меҳмонхона бинолари, бозорлар қурилиши, кўприклар ва йўллар, спорт саройлари ҳамда маданият ва истироҳат боғларининг бунёд этилиши бунинг ёрқин мисолидир. Ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, тасвирий санъат, рақс, кино санъатларида ҳам анъанавий ва замонавий усуллар уйғунлашиб етук асарлар яратилди ва яратилмоқда.

**17-мавзу: Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.
(1соат)**

- 1. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари орасида тутган ўрни**
- 2.Тинчликсевар мустақил ташқи сиёсат асосларининг ишлаб чиқилиши, унинг тамойиллари.**
- 3. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши.**
- 4. Ўзбекистоннинг МДХ ва Марказий Осиёдаги қардош мамлакатлари билан кўп тамонлама ва икки тамонлама ҳамкорлиги**
- 5.Жаҳон молиявий инқрози ва уни Ўзбекистонда бартараф этиш йўллари.**

1. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари орасида тутган ўрни

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республиканинг суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан ўлкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистонни 165 давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатларни ўрнатилган. Тошкентда 43 мамлакат ўз элчихонасини очган.

Биз жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда интеграциялашган замонавий демократик давлатни қуришдан иборат стратегик вазифани ҳал қилар эканмиз, жаҳон ҳамжамиятининг ўзи бугўнги кунда серқирра бўлиб бораётганлигини жуда яхши тушунамиз. XX аср охирида дунёда жўғрофий-сиёсий аҳамиятини ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрордир.

Интеграция ҳақда гапирар эканмиз, манфатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бўнга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланган, шарт-шароитлари турличалиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражада дунё миқёсида ва минтақа кўламида интеграция жараёнларида қатнашсада, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан ўзоқлашмасликка амал

килади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамлашимиз бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серкирра жараёндир. Жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида гапирганимизда энг аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз. 1994 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганлигига 14 йил тўлди. Биз ўзимизнинг бундай обрўли халқаро ташкилот ишидаги иштирокимизни Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик тинчлик ва тотувликда таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги деб биламиз.

XX асрнинг охириги ўн йиллиги инсоният тарихига буюк ўзгаришлар даври бўлиб киради, чунки ер юзида вазият, кучлар нисбати кескин ўзгариб, бир-бирига қарама-қарши бўлган СССР ва АҚШ етакчилиги қилган икки ижтимоий-сиёсий тўзум, икки ҳарбий-сиёсий блок барҳам топди. Лекин эндиликда совуқ урушлар муносабатларини тукдирадиган кучларнинг янги ўчоқлари вужудга келмоқда. СССРнинг парчаланиши ва социалистик система ҳалоқати натижасида дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келди.

Мустақил Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиши ва ўз тараққиёт истикболлари учун қулай географик-стратегик имкониятларга эга. Ўрта Осиёда географик-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистоннинг ушбу минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятлари бор.

2.Тинчликсевар мустақил ташқи сиёсат асосларининг ишлаб чиқиши, унинг тамойиллари.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсий йўлни белгилаш; жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари долзарб вазифалар деб белгиланди. Чунки иттифоқ даврида Ўзбекистон тўғридан-тўғри алоқа қила олмайдиган мамлакат бўлиб, ташқи сиёсат юритиш тажрибасига ҳамда бу соҳадаги кадрларга эга эмас эди.

Президент И. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» китобида мустақил ташқи сиёсатини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида мамлакатимиз ташқи сиёсатининг қоидалари қонунлаштирилди. Бу қоидалар «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўқрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясини 48 (1993) ва 50-юбилей (1995)

сессияларидаги нутқларида мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон ҳукумати республика ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;
- давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тўзиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш;
- тажовўзкор ҳарбий блоklar ва уюшмаларга кирмаслик;
- давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан ўзоқлашмаслик.

Ташқи сиёсатдаги очик-ойдинлик, тенг ҳуқуқлик, демократик принципларига содиқлик, умуминсоний қадриятларини улуғлаш, республика ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнга таъсир қилиш билан бирга Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида мавқеини ҳам ошириб бормоқда.

3.Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳон миқёсида мустақил давлат сифатида тезда тан олиншини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги 165 давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Булар АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа ривожланган мамлакатлардир. Шунингдек Ўзбекистонда 88 та хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 20 дан ортиқ йирик давлатларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодётига интеграциялашиш йўлидан бориб Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот ва бошқа молиявий иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан ҳамкорлик

қилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар-Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТ нинг болалар фонди, Халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро олимпиада қўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг ваколатхоналари республикада очилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси, қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. И. А. Каримов 1999 йили апрелда Шимолий Атлантика Иттифоқи қошидаги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастўрининг аъзоси сифатида НАТО нинг 50 йиллик юбилей тантаналарида қатнашди.

Ўзбекистон Ўрта Осиё давлатлари билан Туркия, Покистон, Эрон томонидан тўзилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди ва Транс Осиё темир йўлини қурилишида фаол иштирок этмоқда. Бу Ўзбекистон учун денгиз йўллари, халқаро транспорт тармоғига, товар ва капитал халқаро бозорига чиқиш имкониятини берди.

Ташқи иқтисодий алоқаларда республикамиз иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишга катта аҳамият берилмоқда. Иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этишда Ўзбекистон қуйидаги тамойилларга амал қилади.

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
2. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоядорларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, ташкилотлар ва муассасалар тўзиш;
3. Илғор технологиянинг кириб келишига, хўжалик таркибини замонавийлашига кўмаклашадиган хорижий сармояларга нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатини ўтказиш;
4. Республика мустақиллигини таъминлайдиган ўта муҳим соҳаларни ишлаб чиқариш воситалар билан таъминлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратиш.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи қонунлар қабул қилинди. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ва «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шулар жумласига киради. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, халқаро шартномалар тўзиш ва уларни бажариши учун шарт-шароитлар яратди. Ташқи савдо учун имтиёзлар берилди. Товарларни импорт ва экспорт қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди.

Ўзаро сармояларни ҳимоя қилиш мақсадида жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари, жумладан, Германия, Туркия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатлар билан шартномалар имзоланди.

Институционал ўзгаришлар соҳасида сиёсий ва молиявий хатарни ҳимоя қилувчи «Ўзбекинвест», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «ALC, inc» Америка молиявий гуруҳи билан биргаликда Лондонда Сиёсий хатарнинг штаб квартираси ва Тошкентда молиявий хатарнинг олдини олиш штаб квартираси билан ўзаро суғўрта компанияси тўзилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзурида инвестицияларга кўмаклашиш муассасалари чет эл инвестициялари бўйича агентлик, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбирлар палатаси, Лизинг компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган сиёсати республикага хорижий сармояларнинг тўхтовсиз кириб келишини таъминламоқда. Ўзбекистон ҳукумати Канада, ХХР, Туркия, Голландия, Германия, Швейцария банклари ва фирмалари билан 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида 32 та йирик кредит битими тўзди ва улар амалга ошмоқда. Фақат 1994 йилда республикага 640 миллион АҚШ доллар миқдорида инвестиция кредитлари бериш тўғрисида халқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан тўзилган битимлар асосида Американинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан ҳамкорликда олтин казиб оладиган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси қурилиб ишга туширилди. Тошкентда халқаро савдо-кўرғазма комплекси, Хоразмда қанд-шакар заводи қурилди.

Жанубий Корея сармоядорлари билан «ЎЗДЭУ авто», «ЎЗДЭУ электроникс» ҳиссадорлик бирлашмалари кенг фаолият кўрсатмоқда. Германия ва Жанубий Корея билан ҳамкорликда телефон тармоқлари янгиланмоқда.

1997 йил оҳирларида Ўзбекистонга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзирги кунда хорижий мамлакатлар сармоядорлари иштирокида 3200 дан ортиқ қўшма корхона қурилмоқда, бир қисми фаолият кўрсатди. Ўзбекистоннинг барча ривож топган хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари кенгайиб бормоқда.

4.Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари.

Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатларни ўртаниш ва ривожлантиришга киришди.

1991 йил 16-19 декабр кунлари Ўзбекистон делегацияси Туркияда бўлди. 1992 йил 28 апрелда Ўзбекистонда Туркия элчихонаси очилди. Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари иштирокида 200 дан ортиқ қўшма корхоналар барпо этилди. 1996 йил июн ойида Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари ассоцияцияси – “Ўзбексаноат”, “Туркиянинг “Кочҳолдинг” концерини билан Самарқанд шаҳрида “Самкочавто” ўзбек-турк қўшма корхонасини барпо этиш тўғрисида шартнома тўздилар.

1992-йил 27-28 июн кунлари Покистон Ислон Республикаси бош вазири Ўзбекистонга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларга асос солди. Хозирги кўнга қадар Ўзбекистонда Покистон сармоядорлари иштирокида 120 та қўшма корхона тўзилган Табаний, Меркурий, Метро, Лаксан Табако каби 19 та йирик фирма ва крмпаниялар фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбекистондан Покистонга пилла шойи матолар, шиша, виллур эксперт қилинмоқда. Покистон эса тайёр кийимлар пояфзал, чарм буюмлар какао ва шакар келтирмоқда.

1992 йил 24-25- ноябр кунлари Президентимиз Эрон Ислон Жумхуриятига расмий давлат ташрифи Ўзбекистон ва Эрон ўртасида давлатлараро алоқаларга асос солди.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги алоқалар транспорт соҳасида кенг ривожланди. 1996 йилда Ўзбекистон Эрон худуди орқали 34 минг тонна юк ташиган бўлса, 2001 йил бу кўрсаткич 4 минг 87 тоннани ташкил этди. 2002 йилга келиб Эрон тадбиркорлари сармоялари иштирокида 50 га яқин қўшма корхоналар барпо этилди. 1992 йил Ўзбекистон, Покистон, Эрон ва Туркия томонидан тўзилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг йирик мамлакат-хиндистон билан алоқалари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасида ўзаро маанфатлик алоқаларига хизмат қилувчи 40 га яқин хужжатлар қабул қилинган. Ҳозирга қадар Хиндистон сармоядорлари ташкил этган 30 га яқин корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Хитой халқ Республикаси билан ҳам иқтисодий маданий алоқалар олиб бормоқда 1992 йил январ ойида Тошкентда Хитой элчихонаси очилди. 2004 йилга келиб ўзаро савдо ҳажми 134 минг АҚШ доллариға етди.

1992-1996-йилларда «ЎЗДЕУ авто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма автомобил заводини лойиҳалаштириш, қуриш ишлари амалға оширилди. Завод 1996-йил 25-март куни автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаб юборилди. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Корея республикаси билан ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. 1999-йилға қадар Ўзбекистонға Кореядан 1,2 млрд. АҚШ доллари ҳажмида сармоя кириб келди ва ўзлаштирилди. Ўзбекистонда 70 дан ортиқ Корея ҳамкорлигида барпо этилган қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1997-йилдаёқ 1 млрд. АҚШ долларидаи ошди. Япония 1991-йилдаёқ Ўзбекистон мустақиллигини тан олди, 1922-йилда ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистонда Япониянинг дунёға машҳур “Митсуи”, “Митсубиси”, “Сўмитото”, “Тюмен”, “Марубени”, “Нише лвай” корпорацияларининг доимий ваколотхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда 10 дан ортиқ Ўзбекистон япония қўшма корхоналари барпо этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида давлатлараро алоқалар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйилди. Ўзбекистонда 1996-йил бошларигача Америкалик сармоядорлар иштирокида 200 та ўзбек-америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатди. Булар орасида Навоий

вилояти Зарафшон водийсидаги Мурунтогда АҚШнинг Ньюмонт Майнинг Корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларида олтин ва кумуш ажратиб олувчи “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси бор. Бу корхонада 2002-йилгача 83 тонна олтин тайёрланди. 2001 –йилда Ўзбекистонда АҚШ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар сони 70 тадан ортиди. АҚШ сармояси иштирокида республикада барпо этилган 305 та қўшма корхона саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, газ-кимё, нефт, олтин казиб олиш, транспорт, коммуникация ва таълим соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда. “Zarafshon-Nyumont”, “O’z-Тексакo”, “O’z-кеysmash”, “O’z-keystraktor”, “O’z-Eksayd”, “BiEу-Aу” нинг Хўжаобод газ омбор қурилиши, “ABB Lummus Global” билан ҳамкорлигидаги Шўртан газ-кимё мажмуаси шулар жумласидандир. Ўзбекистоннинг АҚШ билан савдо айланмаси 300 млн. АҚШ доллардан ошди. Ўзбекистоннинг Европа иттифоқи мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий-гуманитар алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Республикада Европа Иттифоқига аъзо малакатларнинг 145 фирма ва компанияси ваколотхоналари аккредитация қилинди. Европалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 491 та корхона ишлапти, улардан 111 таси 100% лик Европа капиталига эга. 1995-2002-йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларнинг фирма ва компаниялари республикада умумий қиймати қарийб 8 млрд. АҚШ доллорига тенг йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашди. 2002-йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқ мамлакатлари билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 65,8 млн. АҚШ доллорини, 2003-йил январ-октябр якунлари бўйича эса 910, 6 млн. АҚШ доллорини ташкил этди.

2003-йилда республикада хорижий сармоя иштирокида барпо этилган 2087 та қўшма корхона жаҳондаги 80 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатди. Улар 386,7 млрд. сўм ҳажмда истеъмол моллари, экспорт учун сифатли товарлар ишлаб чиқарди, аҳолига хизмат кўрсатди. Жаҳондаги 80 дан ортиқ хорижий банк билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон га киритилган чет эл инвестициялари 14 млрд. АҚШ долларида ошди. Бир йилда тахминан 1 млрд. АҚШ доллари ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон жаҳондаги 140 мамлакат билан савдо-сотиқ қилмоқда. Ҳар йилги товар айирбошлаш ҳажми 6-8 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Илғор мамлакатлар кадрлар тайёрлаш, банк соҳасида ва бошқарувда, ахборот тармоқларини йўлга қўйишда, етакчи биржалар билан алоқалар ўрнатишда қонунчилик тажрибасини ўрнатишда республикага кўмаклашмоқдалар.

4. Ўзбекистоннинг МДХ ва Марказий Осиёдаги қардош мамлакатлари билан кўп тамонлама ва икки тамонлама ҳамкорлиги

1991-йил 8-декабрда Минскда уч славян республикаси- Россия, Украина, Белорус раҳбарлари Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигини тўзиш тўғрисидаги Шартномани имзоладилар.

1991-йил 21-декабрда Россия, Украина, Белорусия, Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоқистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон, Арманистон, Молдавия давлат бошлиқларининг кенгаши бўлди. Ўша кун 11 давлат бошлиқлари Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протоколни имзолаб, “Тенг ҳуқуқли ва ахдлашаётган олий томонлар” мақомида МДХ муассиси бўлдилар. Кенгашда Алмати Декларацияси қабул қилинди. Декларацияда Қуйидагилар ҳақида баёнот берилди:

- ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро алоқалари улар ўртасидаги тенглик асосида тўзиладиган битимлар ҳамда битимларда берилган тартиблар доирасида фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали амалга оширилади;
- МДХ давлат ҳам эмас, давлатлар устидан тўзилма ҳам эмас;
- Халқаро стратегик барқарорликни ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида харбий-стратегик кучларнинг бирлашган қўмондонлиги ва ядро қуроли устидан ягона назорат сақлаб қолинади;
- МДХ очикдир унинг барча аъзоларининг розилиги билан собиқ СССРнинг аъзолари ва башқа давлатлар ўнга қўшилиши мумкин;
- Умумий иқтисодий маконни, умумий бозорни вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланади.
- МДХ тўзилиши билан СССРнинг мавжудлиги тўхтатилади;

1993-йил январда Минскда МДХ Давлатларининг бошлиқларининг навбатдаги кенгашида МДХнинг низоми имзоланди.

1991-1999-йилларда МДХ давлат бошлиқларининг 25га яқин кенгаши бўлиб ўтди унда 1300га яқин масалалар муҳокама қилинди. 2001-йил 29-30 ноябр кунлари Москвада МДХ ташкил этилган кунининг 10 йиллиги нишонланди.

Ўзбекистон МДХ давлатларида Россия, Украина, Кавказ орти давлатлари, Болтиқбўйи давлатлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли алоқалар олиб бормоқда. Масалан Россия билан Ўзбекистон 2000-йилга қадар 150 та шартнома имзоланди. Хозирги пайтда Россия билан ҳамкорликдаги ишлаётган корхоналарнинг сони 520 тага етди. 2004 йилга келиб Россия ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик янги поғонага етди. Украинанинг эса 20 дан ортиқ қўшма корхонаси фаолият юритмоқда.

5. Жаҳон молиявий инқрози ва уни Ўзбекистонда бартараф этиш йўллари.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқироzi Америка Қўшма штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб. Йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг

кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Шу ўринда жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қандай бўлди, деган савол барча юртдошларимизни қизиқтириши табиийдир. Бу борада президентимиз “тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади деган ҳулоса чиқармаслик керак. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим. Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”⁵⁸. Деган сўзларини яна бир бор эсга олиш зарур. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради. Молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг ишдан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши. Кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали номоён бўлса, бизда жаҳон ҳомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши асосий савдо ҳамкорлигимизнинг харид қобилятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали номоён бўлади.

Шунингдек жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- Маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлаганлиги;
- Давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгиланиб олинганлиги;
- Ўзбекистон молиявий, иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлаш таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам заҳиралар яратилганлиги ва харур ресурслар базасининг мавжудлиги;
- Оқилona ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги
- Аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;
- Давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканлиги, уларнинг химоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

⁵⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 11-бет.

Республикамизда қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб. Чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

Ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабни рағбатлантиришга йўналтирилган йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи ўз аксини топди.